

**УМАРАЛИ НОРМАТОВ**

# **ИЖОД СЕҲРИ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2007**

**Норматов, Умарали**

Ижод сеҳри. — Т.: «Шарқ», 2007. — 352 б.

Адабиётшунос Умарали Норматовнинг ушбу китоби янги ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, мураккаб тараққиёт йўллари, ёрқин сиймолари, нодир намуналари, шунингдек, адабий таълим, мутолаа масалалари ҳақидаги тадқиқот, эссе, адабий ўй, хотира, суҳбатлардан ташкил топган. Мунаққид адабий жараённинг долзарб муаммолари, бадиий ижоднинг сирли-сеҳрли жумбоқлари устида қизгин баҳс-мунозаралар олиб боради, янгича талқинларни тақдим этади. Табиийки, бу хил баҳс, талқинлар адабиёт ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

**ББК.83.3(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-00-049-0**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2007.

**МУҲАББАТЛИ ОДАМНИНГ ҲАЙРАТЛАРИ**

**УМАРАЛИ НОРМАТОВ**

*Муаллим, олим, ижодкор*

*Ҳар кимга улум бўлса восил  
Гар дардию ҳоли йўқ, не ҳосил?*

Навой. «Лайли ва Мажнун», XXXVIII

Одам боласи 70—75 йил бу дунёда юргандан кейин унинг ҳаёти бамисоли Севастополь жангининг панорамасига туп-тус менгзаб қолар экан: қаёққа қараманг, жанглар, қаёққа қараманг, ҳужум, ҳимоя, муҳофаза, портлашлар, кўзни очирмайдиган аччиқ тутунлар, ҳайқириқлар, наъралар, ғалаба суронлари, мағлубият аламлари, хиёнат қинғайишлари, матонат сипоришлари, мафқураларнинг чинқириш ва чиранишлари... одамзод яна ҳам йўқ бўлиб кетмайди бу қирғинлар, қувдиқувдилар ичида, қатлиомлар ваҳшатида, тўфонлар, довулларнинг ўкирикларида...

1931 йилнинг илк баҳорида яна майса-қиёқлар илиётган ер бағридан ёруғликка, рўшноликка бўй чўзди. Фарғонанинг мажнунтоллари ипакдек ним куртак отди. Рапқоннинг минг йиллик ўриклари яна бужур бўлиб кетган таналари ичидан нафис қизариб бўртди. Баҳорнинг илмилик қуёши тонг чоғлари булутларнинг карвонларини олтин шамширлари-ла тик ва адл кесиб ўтди, булутларнинг бағри тонг шуълалари билан ёришди.

1931 йилнинг эрта баҳорида Фарғонада бир китоб ўқийдиган бола дунёга келди.

У жуда қийин баҳор эди. Ўзбек қишлоқларини зўрлаб ялпи жамоа хўжаликларига бирлаштирмоқчи бўлишарди. Одамлар мол-ҳолларини келажаги номаълум коллектив хўжаликка топширишни истамай бозорга олиб чиқишар, бозорда сотишга олиб чиқилган моллар тикилиб кетган, базўр ярим баҳосига сотиб кетардилар. Коллективлаштиришнинг васваса, саросималари авжга минар, бунинг нималигини бирон кимса тушунмас

ёки ҳамма ўзича бир-бирининг оғзига қараб тушунтирар: ҳамма бир кўрпада ётармиш... — дерди. Бир кўрпада ётишнинг ваҳимаси ҳаммани кўрқув ва изтиробга соларди. Фарғонада миллий қаршилик ҳаракатлари ҳам ҳали тугаган эмас, қадим ўзбек қишлоқлари тарихнинг қонли ўйинларига майдон бўлиб қолган эди. Доҳий Сталин махфий буйруқ устига махфий буйруқ чиқариб Марказий Осиёнинг патриархал маконларида синфий курашга зўр берар, унинг назарида қанча қон тўкилса, шунча яхши эди.

Коллективлаштириш баробарида 1931 йилнинг бошларидан, ҳатто ўттизинчи йиллардан «кулоқ», сургун, кўч-кўч деган балойи азимлар ижтимоий катаклизмлар, халқларни таъқиб қилиш авж олди. Инсон қисматлари адоқсиз фожиалар гирдобларида чирпирак бўлди. Оламни қаҳру ғазаб, қон тўкиш, ҳайдаш, қувиш, маҳрум қилиш ёппасига қамраб олди.

Шундай ва шунга ўхшаш воқеалар номи аллақандай сирли жаранглайдиган ва худди Зардўшт замонларидан қолган сўздай туюладиган Рапқонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ўша йили болалар коллективлаштириш фарёдлари, васвасалари ичида, коллективлаштириш дудларига ғарқ бўлиб туғилдилар.

Умарали Норматов 1931 йилнинг эрта баҳорида Рапқонда дунёга кўз очди. Мисли кўрилмаган ижтимоий янгиликлар ичида йўрғақка йўрғакланди.

Турдиали бобо, Нормат қориларнинг хонадони нисбатан ўзига тўқ, қадим-қадимлардан зиёга чулғанган, маърифатли удумларни қаттиқ тутадиган хонадонлардан эди. Бу хонадонда аёллар ҳам саводхон, бунда доим оила давраси, қишлоқдошлар ҳам йиғилишиб келиб яссавийхонлик, машрабхонлик, фузулийхонлик, достонхонлик, қиссахонликлар бўлиб ўтарди. Тажвид билан Қуръон, диний китоблар, ҳадислар, авлиё-анбиёларнинг саргузаштлари ўқилар, ўргатилар, одамлар йиғлашиб, мунграшиб, наъра тортишиб тинглашарди. Нормат қорининг уйи маърифат нурлари билан ёришган, бу уйда «Туркистон вилоят газети», «Турон», «Янги Фарғона» газеталари ўқилар, бинобарин, оила бошлиқлари Нормат қори, Сорабиби дунёдан анчагина хабардор, маърифат, ахлоқ, маънавият, гўзал, ҳик-

матли сўзнинг, яхши инсоний муносабатларнинг қадрига етадиган, уларга амал қиладиган замонавий кишилар, ўз муҳитининг зиёлилари эдилар.

Умарали Норматовнинг илк болалиги эртақлар ичида кечди. У онаси оғзидан «Уч оғайни ботирлар», «Ёрилтош»ларни эшитди. Уларни қулоғига маҳкам қуйиб, ёдлаб айтиб юрди. У ўз тенгқурлари орасида ҳикоя қилишга уста бола бўлиб танилди. Онаси Сорахон ҳазин ун солиб ўқийдиган Машраб, Фузулий, Сўфи Оллоёр ғазаллари унинг маъсум ва мурғак қалбини шамдек эритди. Шамдек ёритди. Умарали бу ғазал байтларини онасининг ипақдек овозига мафтун бўлиб тинглар, селга ғарқ бўлар, баъзан чидолмай инграб юборар, йиғларди. У онасининг беҳад гўзал чиройидан маст бўлиб йиғла-яптими ёки ғазалларнинг мунгли, сирли оҳанглари шундаймиди, ўзи ҳам билмасди. Сорахон ўғлининг кўзларидан шашқатор ёшлар оқаётганини кўриб, ўқишдан тўхтар, унга ўзининг ҳам ёш ҳалқоб бўлган маъюс кўзларини тикиб шундай қарар эдики, Умарали бу нигоҳ шуъласида бутун дунёни унутар ва ҳушидан айрилаёзарди. Сорахон шунда ўғлининг жингалак сочлари патила бўлиб турган бошини тиззасига олиб, унинг гулuproфидек пешонасини майин-майин силарди.

Онаизор тиззасига бошини қўйиб лаззатли кўзёшларига ғарқ бўлиб Машраб нолаларини тинглаган сабийнинг қалбида умр бўйи ўчмайдиган, йўқолмайдиган, ҳеч қандай шароитда адаштирмайдиган маъсумлик ва сирли муҳаббат уйғонди. Бу маъсумлик ошиқликка йўғрилиб уни кейин умр бўйи асло тарк этмади. У ҳар қандай вазиятда маъсумлигини йўқотмади. Онанинг ушшоқ овози доим қулоғида жаранглаб турди. Уни офатлар ва ғаразлардан ҳимоя қилди. Ҳали-ҳануз у машшоқларни эшитса, ўзини мусиқа садолари ичида йўқ бўлиб, дунёда фақат мусиқа қолаётгандай сезади. Бежиз эмас, бола шоирдай бўла бошлади. Ҳаммадан яшириб «Умар» тахаллуси билан машрабона шеърлар машқ қилди. Болаликдаги шеър дафтларини кейин мактабда ҳам, Конибодом педбилим юртида ҳам, Тошкентга келиб машҳур университетнинг қутлуғ даргоҳига қадам қўйганда ҳам доим ёнида олиб юрди. Назарида бу дафтар қатларига онаси Сорахоннинг кўзёшлари томган-

дай ва буни ўзи билан бирга умр бўйи олиб юриши керакдай туюларди. Болалик дафтарини бегона кўзлардан доим асрарди. Назарида энг масъуд шоирлик шу кўзёшларнинг изларида мужассамдай эди. Уни дунёнинг ҳеч қандай бойлигига, неъматига алишиб бўлмасди. Умарали жуда эрта китоб ўқишга ишқибоз бўлди. Қўлига нима тушса, ўқирди. Онаси унинг саводини жуда эрта чиқарганди. Китоблар кўп эмас, лекин Нормат қори хонадониди улар етарлича топиларди. У ўз уйи тоқчаларидаги барча китобларни бирма-бир ўқиб чиқди. Китобга ўчлик тобора кучайди. Билим юртида ҳам унинг ўқимаган китоби қолмади. Унда китоблар таъсирида эрудиция шаклланди. Эрудиция фикрни ҳар томонга ўстиради. Одам яхши-ёмонни, дунёнинг ишлари, одамларнинг муомала-муносабатлари, ахлоқ ва яшаш нормаларини баҳолашга, қиёслашга, ҳар нарсани фикрлаб ўлчашга ўргатади. Одам тор маънода, зарурат маъносида саводхон бўлиши мумкин, тор бир соҳани жуда чуқур эгаллаши мумкин. Лекин эрудиция бўлмаса, у оми бўлиб қолаверади. Улкан илмий унвонлар қозониш мумкин. Лекин эрудиция бўлмаса улкан унвонлар соҳиби бошқа соҳаларда оми бўлиб қолаверади. Умарали буни ўша ўсмирлик чоғларида ҳам, кейин университетда таҳсил олганда, илм соҳаларига кириб борганда ҳам ҳаётда кўп кузатди. У бир куни анча кейинроқ Асқад Мухторнинг «Ойдин соната» шеърини ўқиди. Шеър эрудитдан худо асрасин, деган кучли сатр билан якунланарди. Ҳамма нарсани биладиган ва қойил қилиб таҳлил қиладиган эрудит гўзал муסיқани чуқур ҳис қилишга қодир эмас. Ҳолбуки, мирзачўллик қишлоқ йигити муסיқани сел бўлиб тинглайди, қалбига жо қилади. Шоирга ҳамма нарсани биладиган ва таҳлил қила оладиган эрудитдан кўра мана шу соддагина мирзачўллик йигит маъқулроқ. Шунинг учун шеърини эрудитдан худо асрасин деб тугатади. Умарали ўйланиб қолди. Наҳот эрудиция шунчалар ёмон нарса бўлса? Наҳот кенг, ҳар томонлама илм, билим орттириш, нарса-ҳодисаларнинг мағзини чақиш қораланишга лойиқ бўлса? Ахир эрудицияни қоралаб, омилиқни ёқлаш қаерга олиб боради? У шоир билан ўз кўнглида баҳс қилди. Лекин кейин бу шеър ҳақида ёзганда у

шоир нуқтаи назарига эргашиди, уни танқид қилишга ёки ўз мулоҳазасини очиқ баён этишга ботинмади. Уни кўпинча шоирлар, ёзувчилар — катта талант эгаларининг салобати босади. Улар яратган асарларнинг салмоғи елкасидан вазмин босиб туради. Эркин ўз фикрини айтишга қўймайди. Эркин фикрини айтишдан андиша қилади. Шунинг учун кўпроқ ҳайратларини — таассуротларини баён қилиб ўтиш, асарни қўллаш, маъқуллаш, адибга далда бериш самаралироқдай туюлади.

Умарали Норматов университет даргоҳида ўзбек миллий адабиётида яратилган барча асарларни битта қўймай ўқиб чиқди. Унинг атрофида ўқиш-ёзишга қизиқадиган, омил тенгқурлари кўп эди. Айримларини китоб жинниси дейишарди. Лекин уларнинг ичида китоб ўқишда Умаралига ҳеч ким етолмасди. На Саттор Ҳайдаров, на Шерали Турдиев, на Лазиз Қаюмов...

Умарали болаликдан муаллим бўлишни орзу қиларди. У эрудицияси кучли муаллим бўлди. Эрудиция ва муаллимлик, ўқилган китобларнинг муҳокамалари уни танқидчиликка етаклади. Танқидчи — алоҳида иқтидор соҳиби. Танқидчи — ижодкор. Ёзувчи ҳаёт орқали китобга боради. Танқидчи китоб орқали ҳаётга киради. У китобларни очади. Доим шу маънода кашфиётга мойил. Муаллимга эрудиция сув ва ҳаводай зарур. Лекин танқидчини эрудициясиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Эрудиция етилгандагина танқидчи етилади.

Кўп йиллар ўтиб Умарали Сент Экзюперининг оламга донг таратган «Кичкина шаҳзода»сини ўқиди. Лол бўлди. Худди ўзини шу китобнинг ойнасида кўргандай сезди. У мудом Кичкина шаҳзодадай ҳис қилганларини англади. Китобга машҳур Европа рассомининг Кичкина шаҳзодани чизган суратлари илова қилинган эди. У суратларда ўз болалигини кўрди. У болалигида ростданам баайни Кичкина шаҳзоданинг ўзгинаси эди. Унинг йирик-йирик, бўталоқники мисол кўзлари атрофга шундай ҳайрат билан боқар ва ҳар қадамда алланималарнидир кашф этарди.

Рапқондан илгари ҳеч танқидчи чиқмаган эди. Рапқондан илгари болалар ёзувчиси ҳам чиқмаган эди. Рапқон деса фақат Муқимийнинг машҳур «Саёҳатнома»сидаги ўткир сатрлар ёдга тушарди, холос. Янги

замон экан, Рапқондан энди Жанни Родарига ўхшаган, баъзи жиҳатларда балки ундан ҳам ўтиб кетган Худойберди Тўхтабоев чиқди. Рапқондан янги замонда кўп ўқиган муаллим, ижодкор олим ва танқидчи Умарали Норматов адабиёт майдонига кириб келди ва бу майдонда мустақкам ўрин ишғол қилди. Рапқонда Нормат қори хонадонига таниқли кишилар меҳмон бўлишарди. Абдулла Қаҳҳор бу хонадонга бегона эмасди. Бу хонадондан узоқ эмас, олтмиш-етмиш чақирим нарироқда Сулаймон базознинг ўғли миллатпаноҳ Абдулҳамид Чўлпон ва яна шу атрофларда нозик ва нафис сўз соҳибаси Саида Зуннунова дунёга келган эдилар. Муҳит инсонни, ижодкорни етиштиради. Бекорга шоир, бекорга танқидчи бўлмайдилар. Ҳеч нарса тасодиф эмас ва ҳамма нарса тасодиф. Дунё доим тазод ичида: унинг бино бўлиши шундай. Умаралининг маъсумлиги ва ошиқона ҳиссиётларга берилувчанлиги узоқдан ҳам бемалол кўзга ташланиб туради. У болаликданоқ қалбини тўлдирган ҳиссиётларини ҳеч ерга сиғдирилмасди. Ҳамиша ошиқона туйғуларини изҳор этишга енгиб бўлмас эҳтиёж сезарди. Бунинг учун, аввало, фақат китоблар энг садоқатли ва энг миннатдор соме эдилар. Умарали юрагини тоширган муҳаббатини китобларга изҳор этди.

У сирларни кашф этувчи ўз ёрилтошини топди. Ҳар ўқиган китоби Умарали учун бир мисоли ёрилтош бўлди. Ҳар бир китобни ўзининг олам сирларига ошно этувчи ёрилтоши деб қаради. Ҳар китоб, ҳар адиб, шоирга ёрилтош деб қараш кейинчалик тамомила етук ички эҳтиёж тусини олди. Ёрилтошларидан ардоқли саволлари, орзуларига жавоблар излади, кутди.

Танқид ва ижоднинг бахтли ёрилтоши уни донишманд, гўзал табиатли, гўзал салоҳиятли, эзгуликдан баҳрадор кишиларга дуч келтирди. Университетда ўқиркан, у Фулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов, Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Аҳмад Алиев сингари таниқли олим, муаллим, маърифатчилар билан учрашди, уларнинг дарсларини тинглади, қимматли сабоқлар олди, ижодий, илмий тажрибаларини қунт билан ўрганди. Ўз навбатида ҳамиша уларга садоқатли шогирд ҳурмат-эътиборини бажо келтирди. Устозлар қарзини ҳеч қачон,



ҳеч қандай шароитда бўйнидан соқит қилмади. Яхши шогирд бўлмаган яхши равнақ топмаслигини талаба-лик пайтидаёқ аниқ англаб етди. Умарали Норматов чин шогирдликда нашу намо топди.

\* \* \*

Адабиётни, китобларни яхши кўрадиган кишини адабиёт шайдоси дейишади. Шу сўзнинг тўла маъноси-да бадий адабиётга, танқидчиликка, муаллимликка Умарали Норматовчалик шайдо кимса бормикин? Шайдолик унга Озод Шарафиддиновдан юқдимикин, ўтди-микин, ўзлашдимикин? Булар бир нарсадаю, лекин Озод Шарафиддиновнинг шайдолиги бошқачароқ, Умарали Норматовнинг шайдолиги бошқача. Озод Шарафиддинов ўз шайдолигида жиддийроқ, вазминроқ, ижтимоийроқ, сиёсийроқ, иродалироқ, матонатлироқ, кенг қамровлироқ, теранроқ, тежамкорроқ... Умарали Норматовнинг шайдолиги — шоиронароқ, ошиқонароқ, тошқинроқ, экспрессивроқ ва ҳаммадан ҳам... ўта маъсумроқ, болаларча ўз ёрилтошига ишонувчанроқ... Шайдоликнинг бундай белгиларини айта туриб адабий танқидчига зарур белги ва хусусиятлардан айримларини баён этаётганимизни сезиб турибмиз. Сент-Бёв, Лессинг, Белинский, Добролюбов, Чернишевскийларни бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Уларда танқидчи учун зарур шундай хусусиятлар ўта даражада хос ва мужассам бўлганлигини кўрамиз. Танқидчи мана шу хусусиятлардан куч олиб таҳлил қилади, ички қонуниятларни очади, белгилайди, ижодкорликнинг сирлари ичига кириб боради, ўтган, бугунги, келажак йўлларига назар ташлайди. Танқидчи қонуншунос ва ҳукм ўқувчи кимса эмас. Асло. Улар аслан бадий ижодкорликнинг қонуниятшунослари, ижодкор даражасидаги муҳаллилларидирлар. Муҳаллил сифатида улар адабиётшунос ҳамдирлар. Танқид ва адабиётшунослик бу — ўлмас қадрият. Улар бадий адабиёт ва санъатнинг ижтимоий овози. Танқидчиликсиз адабиёт ва санъат ижтимоий (социал) овозга эга эмас.

Умарали Норматов 1952 йилдан танқид ичига кирди. Ўшандан буён ҳозиргача муболага эмас, минглаб мақолалар ёзди. XX аср ўзбек адабиётининг ўзига за-

мондош барча адиблари, катта-кичик қаламкашлар билан танишди, яқиндан мулоқотлар олиб борди, суҳбатлар қилди. Адабиётда катта эътибор қозонди, танқидчи, адабиётшунос сифатида тан олинди.

Адабий принциплари бўлмаган танқидчини — танқидчи деб аташ қийин. Танқидчиликка даъвогар киши ҳар қанча кўп ёзмасин, шовқин солмасин, кўча чангитмасин, унинг оригинал адабий-бадиий принциплари бўлмаса, унинг ёзганлари таъсирсиз, қадрсиздир.

Умарали Норматов ҳақиқий танқидчилар каби доимо адабий жараёнлар ичида бўлди. Жараёнларда қонуниятлар мавжудлигига эътибор қаратди. У адабий-бадиий анъаналарни чуқур таҳлил қилди. Анъаналарни бадиий адабиётнинг новаторлик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқликда текширди. Ёзувчиларнинг тасвир, қаҳрамон, характер яратиш маҳоратлари ичига чуқур кириб борди. Айниқса пластик тасвирга алоҳида эътибор қаратди, пластик тасвирнинг намоён бўлиш ҳолларини кўзатди.

\* \* \*

Ҳақиқий танқидчи баҳсларда етилади, баҳслар ичида қайнайди, тобланади, ижодкор сифатида ўзига хослигини топади. Танқидчини баҳсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У жамиятда баҳс муҳитини яратади. Фикрларнинг тиниб, турғунликка гирифторм бўлишига йўл қўёлмайди.

Умарали Норматов баҳсларда моҳир. У доим адабий баҳслар ичида. Кейинги эллик йил ичида Ўзбекистон адабиёти ҳаётида бўлиб ўтаётган барча баҳслар, мунозараларнинг иштирокчиси. У эътиборли мулоҳазалари билан бу баҳсларни бойитади, тўлдиради, уларга жозиба бағишлайди. Баҳслар орқали адабий жараёнларни жонлантиришга, уларни маҳсулдор қилишга буюк ҳиссасини қўшади. Унинг нуқтаи назари бундай баҳсларнинг кўпинча марказида туради.

Умарали Норматов салмоқли асарлар ёзган барча ижодкорлар билан адабиётнинг қайноқ, жўшқин, долзарб масалалари устида суҳбатлар қилди. Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғуллом, Назир Сафаров, Раҳмат Файзий, Эркин Воҳид

дов, Пиримқул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов ва бошқа қатор-қатор ижодкорлар билан суҳбатларида адабий жараён, адабиёт спецификаси, адибларнинг ўзига хос хусусиятлари, асарнинг дунёга келиш сир-синаотлари, яратувчиликнинг жозибали қирраларини очиб кўрсатди. Суҳбатларни адабий жараёнларнинг жонли ҳалқаларига айлантиради. Умарали Норматовнинг адабий суҳбатларида давр адабий-бадий тафаккурининг такрорланмас белгилари акс этади. Бу суҳбатлар давр адабий ҳаёти, адиблар таржимаи ҳоли, улар қарашларининг такрорланмас қимматли ҳужжатларидир. Ўзбек адабиётимизда кейинги эллик йил ичида ҳеч ким бунчалик кўп ва ҳўб суҳбат яратмаган. Уларда адибларнинг ўзига хос қарашларигина эмас, танқидчи Умарали Норматовнинг принциплари, ахлоқи, ижодкор сифатидаги қизиқишлари акс этади. Айниқса, талант тарбияси борасидаги масъуликни бўйнига олиши ва ҳис қилиши кўзга ташланиб туради. Бу суҳбатларда қанчадан-қанча қимматли гувоҳликлар сочилган. Ҳассос шоир ва носир Шуҳратнинг айтайлик, уруш ҳандақларида Ремаркнинг «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» романини ўқиб кайфияти тушиб кетгани, сўнг унга Тургеневни ўқишни тавсия қилишгани, Тургенев асарлари унинг ижодий булоқларини очишга ёрдам берганлиги ҳақидаги қимматли эътирофларни Норматовнинг суҳбатида ўқимасак, яна қаердан билардик. Ёки бу суҳбатлар бўлмаса Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Ҳамид Фулом романларининг ички сирларидан бошқа қаерда огоҳ бўлардик? Бу суҳбатларда ёзувчи ва танқидчининг фикрлаш чоғида гурсиллаб уриб турган юрак зарбаларини аниқ-аён сезиб турасиз. Бунда адабиёт ва унинг ранг-баранг муаммоларини жон-жони, қон-қонига сингдирган, уларнинг ҳаётининг туб маъзига, ҳаёт-мамотига айлантирган бир маърифатли инсонга дуч келамиз. Бунда у адабиётнинг йирик, билимдон, эрудит мутахассиси сифатида бор бўй-басти билан кўзга ташланади. Унинг сиймосида йирик мутахассис билан йирик тадқиқотчи, адабиётшунос олим нур усти нур дегандай, Миллий университетнинг тажрибакор ўқитувчиси яхлит бир шахсни ташкил этади. Бунда унинг мутахассислиги танқидчилигини, тан-

қидчилиги — адабиётшунослигини, адабиётшунослиги — домлалигини тўлдириб, бойитиб туради. Мутахассислик инсонни жуда қимматли (ўзи ва ўзгалар, жамият учун) ижтимоий ҳодисага айлантиради. Мутахассис дегани алоҳида хос билимларни чуқур билувчи, соҳанинг хос хусусиятларини миридан сиригача эгаллаган, сир-асрорлардан тўла хабардор одам дегани. Хосият, хусусият, ихтисос, хослик каби тушунчалар ҳам мутахассиснинг белгиларидир. Мутахассис ижодкор бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда шуниси равшанки, ихтисос ижодга кучли таъсир кўрсатади. Ижодкорликни салмоқли тарзда бойитади. Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Собир Мирвалиев, Умарали Норматов мутахассис сифатида ўз ижодларини ихтисос сирлари билан бойитиб мазмундор бир ҳодисага айлантира олганлар. Бунга айниқса, Умарали Норматовнинг кўп заҳматлар чекиб, ҳақиқий энтузиаст сифатида тер тўкиб яратган дарсликлари, қўлланмалари, мажмуаларида қанчалар аҳамиятга эга бўлганини аниқ-аён кузатиш мумкин. Албатта, адабиёт жараёнларида қайнаган, миллий адабиётни ипидан игнасигача билган ва тасавурида ҳамиша гавдалантироладиган танқидчи ижодкор, адабиёт тарғиботчиси бўлган муаллифнинг ёзган дарсликлари ўз илғор новаторона жиҳатлари билан кескин ажралиб турса, не ажаб! Умарали Норматовнинг 5-, 9-, 11-синфлар учун яратган дарсликларидан, «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслигига қўшган катта улушидан манфаатдор бўлиб таълим олган ўқувчилар ажабмаски, миллий ва жаҳон адабиётидан чуқур, кенг билимлар, тасаввурлар олади. Юрагида бадиий адабиётга муҳаббат чўғи лангиллайди. Умарали Норматов жаҳон адабиёти жараёнларидан ҳам атрофлича хабардор, уларни доим кузатиб боришга интилади, улар билан ижодининг мундарижасини бойитади, ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчаниши ва бўйлашувини истади. У ҳозирги замон миллий адабиёт дарсликлари ва мажмуалари қандай бўлиши кераклиги устида ишлаганда, бунинг назарий-илмий асосларини, принципларини ишлаб чиққанда, албатта, жаҳон адабиёти тажрибаларини ҳисобга олади. Адабиёт дарслиklarининг янги авлоди, янги туркумларига йўл очади.

\* \* \*

Умарали Норматов ҳаёт бўсағасига қадам қўйганда, ким бўлишим керак, деган жумбоққа жавоб излаганда, иккиланмай адабиёт муаллими бўлишга аҳд қилди. Китобларнинг сирли оламида яшашни кўнглига тугди. Орзуларини рўёбга чиқариш учун сабот билан интилди. Толеи ёр бўлиб, ҳар икки орзусига тўла эришди. Венерахон Исақова билан биргаликда мунаввар уфқларга интилган мусаффо оила қурди, солиҳ, олим фарзандларни вояга етказди. Бу мунаввар оила унинг ижодий интилишларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб, мадаккор бўлди.

Умарали Норматовнинг рисоалари, бадиалари, суҳбатлари, тадқиқотларини ўқисангиз, «янги», «янгилик», «ҳайрат», «сеҳр-синоат», «сир» каби сўзларга дамбадам дуч келасиз. Булар оддий бўлиб кўрингани билан аслида Умарали Норматов ижодининг очқичлари, калит сўзлар. Улар танқидчимиз учун жуда катта маънога эга. Умарали Норматовнинг танқидчиликдаги принципларидан бири янгилик излаш, янгилик олиб кириш, янгиликни қутлаш. У ижодининг бошланишидан оқ адабиёт ва ёзувчилар ижодида новаторликка алоҳида эътибор билан қарайди. Асарни, аввало, унинг қанчалар янгилиги, илғор изланишларга қанчалар жавоб беришига қараб баҳолайди. У доим асар ҳайратлантирсин, дейди. Ҳайрат эса унинг назарида новаторликдан ҳосил бўлади. Асарнинг сеҳр-жодуси танқидчимиз эътиқодича, ёзувчининг қанчалар янгилик — янги образлар, янги қаҳрамонлар, янги бадиий тасвирлар, талқинлар яратолгани билан ўлчанади. Умарали Норматов бир суҳбатида ўзига ўзи: «Ярим асрлик ижодий фаолиятимдан нима топдим?» — деб савол беради ва бунга яна ўзи: «Топганим ҳайрат бўлди», — деб жавоб беради. Адабиёт тортиқ қилган ҳайратнинг унинг ҳаётида, эстетик дунёсида тутган ўрни шунчалар катта. Ростдан ҳам Умарали Норматов ижодкор сифатида бошдан-оёқ ана шу ҳайрат ичидадир. У худо берган танқидчи бўлмасайди, бутун умри, аъмолини адабиёт билан боғламасайди, асло шундай демасди. Демак, бу ҳаётий ва ижодий принципларнинг маълум бир хулосаси. Аммо ҳайрат бор — ҳайратдан фарқланади. Тан-

қидчи назарда тутган ҳайратнинг оддий экзалтациядан фарқи бор. Бу ҳайрат донишмандликдан, билимдонликдан, эрудициядан, шоирона ҳис қила билиш ва беҳато амал қиладиган дид-фаросатдан туғилади ва танқидчини танқидчи даражасига кўтаради.

Умарали Норматовнинг ушбу асарлар жилдига сараланган асарларида биз новаторлик орзуси ва талаби уларни ич-ичидан ёритиб турганлигини кўрамиз. Булар кейинги ўн йилликнинг маҳсуллари. Танқидчи адиблардан, замондошлардан янгиланишни талаб қилса-ю, ўзи янгиланмаса, бу унинг асарларининг таъсирини йўқотади. Талаблари сохта, масъулиятдан холи талаблар деб қабул қилинади. Умарали Норматов замон билан баробар қадам ташлайдиган инсон сифатида доим ўзи ҳам ижодий янгиланиб борди. Эркинлик унинг ижодига, қарашларига том маънода янги тўлқинлар олиб кирди. Ницшедан келаётган, Ницшенинг улуғ кашфи бўлган, даврларнинг мафқуралари, таълимотларига жуда кучли таъсир кўрсатган, оламшумул ўзгаришларга туртки бўлган «қадриятларни қайта баҳолаш» деган ўта муҳим тушунчаси Европадаги барча ўзгаришларга доя бўлди. Қадриятларни қайта баҳолаш XX асрдаги барча глобал ўзгаришларни ўз ортидан етаклаб борди.

Бизнинг эркинлик давримиз ҳам, ҳаётимиз ҳам «қадриятларни қайта баҳолаш» мазмунига тўла жавоб беради. Умарали Норматовнинг кейинги ўн — ўн беш йил ичидаги ижоди шу қайта баҳолаш шиори остида кечаётгани сир эмас. Умарали Норматов эркинлик ва демократия ҳавосида ўзини янги бир изга сололди. Мана, унинг қизиқишларини ифодалаган мавзуларга эътибор қилинг: «Назария ва янги адабий жараён», «Романнинг янги умри», «Дунёни янгича кўриш», «Шахс ҳақида баҳс» ва ҳоказо. Умарали Норматов XX аср мумтоз адабиётимиз ва унинг намояндalари ижодига бўлган қарашларини янгилади. У мумтоз адабиётимизни — Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби адибларимизни қайтадан ўқиди. Уларга янгича нигоҳ ташлади. Эркинлик унинг қарашлари, ўлчовлари уфқлари, мезонларини кенгайтди ва жозибалироқ, ишонарли-

роқ қилди. Қайта баҳолаш жараёнида кўп нарсаларни ва хусусан модернизм деб аталиб келаётган авангард адабиётни, унинг айрим оқимларини ўзи учун кашф қилди. Унинг кейинги йилларда чиққан «Қодирий боғи», «Умидбахш тамойиллар», «Қаҳҳорни англаш машаққати» китоблари ана шундай қадриятларни қайта баҳолашнинг салмоқли самараларидир. Ўқувчи бу жилда ҳам адабиёт ва ҳаёт ҳодисаларини танқидчининг қайта баҳолашига ҳар дамда дуч келади. Бунда танқидчининг ишонтириш санъати янги юқори босқичга чиққанини кузатамиз. Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»нинг охириги бобида дostonни турк элининг шуҳрати жаҳонга тарқалишини мақсад қилиб ёзганлигини гўзал бир тарзда айтади ва дейдики:

*... Невчунки букун жаҳонда атрок  
Кўптур хуштабъу софи идрок.  
Гар модда камрак эса не ғам,  
Чун завқдур асл — ул эмас кам.*

Навоий модда камрак деганда чамаси дoston зимнига кирган воқеалар силсиласини назарда тутса керак. Бу камтарлик, албатта. Лекин у асл завқни чин бадийликнинг мезонларидан бири сифатида қараяпти. Умарали Норматов асарлардан янгилик, новаторлик, модерн тасвирларни қидирганда улар замиридаги асл завқни қидиради. Асл завқ унинг ҳайратларининг моддасидир. Танқидчининг таланти янгиланишга мойил эканлигига ўқувчилар тан бердилар. Шу билан бирга Умарали Норматов ўз янгиланишларида талантлар тарбиясига, адабий жонли муҳит яратишга алоҳида эътибор бера бошлади. У ниҳоятда кўп ва ҳўб шогирдлар етиштирди. Йилт этган истеъдод нишонасини қўллади. Уларни ўзи учун тортиқ деб қаради. Ёш истеъдодли адабиётчиларни ўз таъсир доирасига, суҳбатлари, мулоқотлари давраларига тортди. Раҳмон Кўчқор, Дилмурод Қуронов, Раҳимжон Раҳмат, Улуғбек Ҳамдам, Эргаш Очил, Шерали, Жаббор Эшонқул, Қозоқбой Йўлдошев унинг тарбия мактабини кўришган. Улар изланаётган, дунё эстетик тафаккури даражасида фикрлашга, ёзишга интилаётган тафаккури кенг ва эр-

кин янги авлод вакиллари. Умарали Норматов мана шу янгича қарашли ёшлар билан реализмнинг янгилашиши, универсаллашуви, авангард (модернизм) адабиёти тасвир ва ёндашув усулларининг миллий адабий жараёнга кириб келиши, адабиётнинг вазифаларига тамомила янгича қарашларнинг шакллана бошлаши каби ҳодисалар устида профессионал савияда қизгин мулоқот, суҳбатлар қилди. Умарали Норматов бу суҳбатларда талантли ёшларнинг эстетик қарашларини, қизиқишлари доираларини аниқлаш баробарида ўзи ҳам модернизм устида фикрлар билдирди. Модернизм тамоийилларининг миллий адабиётимизга кириб келишини ёқлади ва изланишларни жўшқин ҳимоя қилди. Шу муносабат билан бундан ўттиз йил илгари бўлиб ўтган бир характерли гапни эслаб ўтиш ўринли. Умарали Норматов 1975 йили Асқад Мухтор билан суҳбатда адибнинг эътиборини «XX аср услуги», «янгича стил», «атом асри услуги» борасида Фарбда бўлаётган гапларга қаратди. «Модернистлар, авангардистлар деб ном олган буржуа адиблари, — деб айтади Умарали Норматов, — ўз асарларини «санъатнинг сўнгги кашфиёти», «новаторлик намунаси» деб атаётган бўлсалар-да, улар адабиёт равнақига, бадиий тафаккур ривожига бирон жиддий янгилик қўшаётганлари йўқ. Чунки уларнинг асарлари қаҳрамонлардан, қаҳрамонликдан тамомила холи; бу хил адиблар адабиёт ва санъатнинг бош вазифаси — инсонни улуғлаш эканини унутиб қўйганлар, улар инсон имкониятларига, келажакка ишонч туйғусидан маҳрумдирлар» («Гўзаллик билан учрашув». Т., 1976, 31-б.). Бу сўзларни шарҳимизга тортишдан аввал Умарали Норматов суҳбатларининг бирида ўзи босиб ўтган ижодий йўлига ўта танқидий назар ташлаб тоғора билан бирга чақалоқни ҳам улоқтириб юборганлигини кўриб ўтайлик. У суҳбатда айтади: «Ўзимча хомчўт қилиб чиқсам, уларнинг (ўз асарларини демоқчи) деярли тўртдан уч қисми бугун аҳамиятини йўқотибди... Бугун уларнинг ҳеч кимга, ҳатто ўзимга ҳам кераги йўқ», — деб ўтмиш олдида хоксорлик қилади. Аммо албатта ўз даврида ёзилган асарларга адабий ҳодисалар ва даврнинг ҳужжати деб қараш тўғрироқ бўлади. Шу маънода Умарали Норматов



тов юқорида келтирилган парчадан ҳам воз кечмаслигини истардим. Йигирма беш йил илгари ҳукмрон мафкура шароитида айтилган сўзлар қанчалар ҳавойи ва кеккаймачоқликдек кўринмасин, уларни ҳозирги қарашларга чоғиштириб кўрилса, адибимизда қанчалар ўзгаришлар бўлгани, қайта баҳолаш не миқдорга етгани ойдинлашади. Орадан йигирма беш йил ўтиб Умарали Норматов ёзади: «Воқеликнинг ўзида абсурд учун замин бор экан, воқеликни абсурддан иборат деб билувчилар, қолаверса, абсурд талқинига мойил китобхонлар мавжуд экан, бундай адабиёт яратилаверади. Абсурд асарларни хушламаслик, уларнинг муаллифлари билан баҳс-мунозара қилиш мумкин, аммо бир вақтлар бўлганидек, абсурд асарларга менсимай қараш, бундан ҳам ёмони, уни таъқиб ва ёки ман этишга уриниш қип-қизил жаҳолатнинг ўзгинасидир» («Умидбахш тамойиллар», Т., 2000, 10-б.). Танқидчи ниҳоят адабий жараёнларнинг характерли ҳодисаларини баҳолаш ва муносабат мезонларини аниқлашда тўғри, ҳолис, демократик йўлни топади ва уни маҳкам ушлайди. Фақат бу ва бошқа ўринларда ва умуман баҳсларда абсурд ва модерн тушунчалари ўрнида авангард (авангардизм) тушунчаси қўлланса, тўғрироқ, аниқроқ бўлади. Абсурд (абсурд-драма, экзистенциализм, сюрреализм, дадаизм, экспрессионизм, онг оқими, янги роман, фусункор роман, янги журнализм ва ҳ.о. ва ҳ.о.) авангардизм океанлари ичида бир оқим, бир сўқмоқдир. Авангардизмнинг универсал адабий-техник усулларида биттасигина, холос. Умарали Норматов ҳақиқий танқидчи эмасми, ўша 25 йил аввал айтган сўзида ҳам авангардизмнинг нозик бир хусусиятини тилга олиб ўтади: «уларнинг асарлари қаҳрамонлардан, қаҳрамонликдан холи». Бу жуда топиб айтилган фикр. Зеро, қаҳрамонлардан ва қаҳрамонликдан холилик авангардизмнинг бош масаласи. Бу унинг энг чуқур фалсафаси. Авангард — ростдан қаҳрамонлардан, қаҳрамонликлардан онгли юз ўтирган, улардан безган санъат. Машҳур Роберт Музил бекорга ўзининг улкан романини «Хусусияти йўқ одам» деб атамаган. Авангард сохта қаҳрамонликлар ва қаҳрамонларни инкор этди. Улар инсониятни фалокатга келтирди деб англади. Биз

ҳозирча Камюнинг «Бегона» ҳамда «Вабо»си, Кафканинг «Жараён», «Қўрғон»и ва бошқа бир-икки модерн йўналишидаги асарларни ўқиб, уларни миллий адабиётимизга татбиқ этмоқчи, миллий адабиётдаги авангард элементлардан кенг хулосалар чиқармоқчи бўлаётирмиз. Бу юзакичилик. Авангардизмнинг камида юз эллик йиллик буюкдан буюк тарихи ва тажрибалари мавжуд. Юз эллик йил ичида Ғарб музыкаси, тасвирий санъати, киноси, поэзияси, прозаси, фалсафаси, социологияси, амалий санъат турлари, меъморчилиги авангард йўлида қамраб олиб бўлмайдиган ранг-баранг тажрибалар билан бойиди. Биз ғариб, тор, бирёқлама мафкуранинг ёмон қурбони бўлиб камида юз йил кечикиб авангардизм ва унинг айрим оқимлари ҳақида фикрлай, қўрқиб-қўрқиб таржималар қила бошладик. Ницше, Фрейд, Юнг ва улардан кейинги барча файласуфларнинг асарларини билмай, ўзлаштирмай туриб авангардизм ҳақида тузук-қуруқ гап юритиш мумкинми? Мумкиндир балки. Лекин у ҳозиргидай ўта юзаки, чала хаспўшланган гаплардангина иборат бўлиб қолмасмикин? Ёшлар жуда қизиқиб, уриниб-суриниб экспериментал поэзия ва прозанинг техник элементларини қўллашга уринишмоқда. Ҳолбуки, ҳали Жойс, Пруст, Беккет, Ануй, Ионеско, Фолкнер, Кортасар, Маркес ва бизга ҳали номи ҳам етиб келмаган йирик ижодкорлар, санъаткорлар тўғрисида бадиий, фалсафий тасаввуримиз йўқ. Гап янгиланиш ҳақида кетяпти. Умарали Норматов юқоридаги фикрларини давом эттириб тўғри бир хулоса чиқаради: «Реализм бошқа ижодий-фалсафий оқим ва йўналишларни, жумладан, абсурдга хос тасвир ва талқинни ҳам ўз бағрига жо эта олади», — дейди («Умидбахш тамойиллар», ўша бет). Бу ерда ҳам гап абсурд устидагина эмас. Гап тўла маънодаги авангардизм устида кетяпти. Авангарднинг миллий адабиётимиздаги илк тажрибаларидан кескин ва катта хулосалар чиқаравермаслик, хулосалар билан китобхонларнинг таъбини қайтариб қўймаслик зарур деб ҳисоблаймиз. Умарали Норматовнинг Жаббор Эшонкул билан суҳбатида авангардизм ҳодисаларига маҳаллий қолип ва андозалар билан ёндашмаслик тўғрисида нозик бир фикр ўтади. Биз авангардни илк ўрганиш ва

илк амалиёт босқичидамиз. Бу соҳада кўп ўқиб, кўп таржималар қилиб, кўп ва ҳўб фикрлай борсак, янги-ланишларимизда яхши натижаларга ҳам етиб борамиз.

Лекин Умарали Норматов минг бора ҳақ. Янгила-нишга бўлган интилишларни қутламоқ керак. Ҳар бир оқим, ҳар бир услубнинг сўз оламида ўз ўрни бор. Ким нимага қодир ва омил бўлса, шу йўлда ёзсин. Адабиёт эркин. Қайси йўлда ёзилмасин, фақат уятсиз-лик, ахлоқсизлик, зино савдоси ёмон. Мана бу нарса-ларни қатъий тарзда қабул қилиб бўлмайди.

Умарали Норматов коллективлаштириш — ўз тузу-мининг янгилиги — шиддат ва зўравонликлар билан кириб келаётганда туғилди. У туғилиб шундай ижтимо-ий янгиликлар тўлқинларига дуч келди. Унинг янги-ликка ташналиги, ўчлиги, орзумандлигини олисроқ-дан бўлса ҳам, ўша туғилган йиллардаги шароит билан балки андак изоҳлаш ҳам ўринлидир. Танқидчимиз-нинг кейинги китоблари, рисоалари ва мана ушбу сараланма ҳам унинг янги фикр уфқларига чиққанли-гини кўрсатмоқда. Айниқса, «Қодирий боғи» ва «Қаҳ-ҳорни англаш» қодирийшунослик ва қаҳҳоршунослик-да янги сўз туғилганлигини билдирмоқда. Бир пайтлар В. Вересаевнинг «Гоголь ҳаётда» ва Лия Розенблюм-нинг «Достоевскийнинг ижодий кундаликлари» тадқи-қотларини ўқиб беҳад мутаассир бўлган эдим. Оташин тадқиқотчимизнинг «Қодирий боғи», «Қаҳҳорни ан-глаш...»ини ўқиб шунчалар суюндим. Юлдузга миниб олган Кичкина шаҳзода поёнсиз оламини кезаркан, унинг кашфиётлари ҳеч қачон тугамайди, деб ўйладим ва яна адабиётнинг боқий қудратига тан бердим.

**Иброҳим Фафуров.**

*2005 йил 6—7 август*

## **I. ЯНГИЛАНИШ ЗАРУРАТИ**

### **Адабий жараёндаги гаройиб робиталар**

Адабий ҳодисаларни, жараёни қайси мезон, принциплар асосида ўрганиш, баҳолаш масаласи ҳозирги кунда энг ўткир муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу борада қизиқ, зиддиятли ҳолатларга дуч келаётирмиз, бир гуруҳ ҳамкасбларимиз, кўпроқ ёшлар адабиётга мафкуравий қурол, восита, ҳаёт кўзгуси эмас, балки «соф санъат» ҳодисаси деб қарашни астойдил ёқлаб чиқаётирлар. Иккинчи гуруҳ адабиётшунослар эса социологик-мафкуравий жиҳатдан ёндашишнинг «янги-ча», «замонавий» усулини тақдим этаётирлар ва шу усулга таяниб маданий меросимизни қайта баҳолаш, элақдан ўтказишга уринаётирлар. Айниқса, совет даври адиблари ижодига муносабатда бу баҳсли тус олаётир. Бир вақтлар большевистик мафкура руҳи билан суғорилган асарлар ҳар жиҳатдан ҳимоя остига олиниб, бу мафкурага ёт асарлар танқидга, таъқибга учраган бўлса, эндиликда, аксинча, большевистик мафкура тугул унинг аломатлари мавжуд жамики асарлар рад этилиб, бу йўлга зид турувчи асарлар шаънига ҳамду санолар ёғдирилмоқда. Шу тариқа бадиий асарнинг санъат ҳодисаси экани яна иккинчи ўринга ўтиб қолмоқда.

Бу хил мунозаралар айрим ҳамсабларимизнинг меъдасига тегди шекилли, улар бундан қутулишнинг чораси сифатида «соф санъат» назарияси йўлини тутаётирлар. «Соф санъат» назарияси ҳам аслида янгилик эмас, бундай йўл жаҳон адабиётшунослигида қадимдан бор, 20-йиллари совет адабиётшунослигида хийла кенг ёйилган «формалистик мактаб» адабиётни соф санъат сифатида текшириш соҳасида кўп хайрли ишлар қилган эди. Гарчи 30—40-йилларда бу мактаб таъқибга учраган бўлса-да, унинг анъаналари хилма-хил кўринишда гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора давом этди, 60—70-йилларда эса хийла жонланди. Бугунги кунда бизда

ҳам бу мактабнинг эркин, қонуний тарзда ривожини учун имкон яратилди. Бироқ бундан буён адабиётшунослик фақат шу йўлдангина бориши зарур деб чиқиш ўринли эмас. «Формал мактаб»нинг кўпгина мақбул жиҳатларини асло инкор этмаган ҳолда, у билан баробар бошқа адабий-илмий йўналишлар, жумладан, бадиий асар, ҳодисаларни ижтимоий-мафкуравий томондан текшириш, аниқроғи, ғоявий-бадиий жиҳатларни яхлитликда олиб қараш усули ҳам амал қилавериши мумкин ва лозим.

Табиийки, бу йўл бир вақтлар юз берган «вульгар социологизм» каби иллатлардан бутунлай халос этиш, тубдан янгиланиш, такомиллаштиришга муҳтож. Кейинги пайтларда «вульгар социологизм» иллатининг, боя эслатилганидек, янгича кўринишда намоён бўлаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда, социологик ёндашишни яна бир бор ёмонотлиқ бўлишига олиб келмоқда. Аслида холис, соғлом, юксак маърифатли, адабиётнинг сўз санъати эканини асло назардан соқит этмайдиган теран илмий социологик тадқиқот усулига бугунги адабиётшуносликда талаб ва эҳтиёж ниҳоятда катта. Айниқса, XX аср ўзбек адабиётини бу усулни четлаб ўтиб текшириш, одилона баҳолаш асло мумкин эмас. Бизга маъқул келиш ёки келмаслигидан қатъи назар XX аср ўзбек адабиёти биринчи галда мафкуралашган, ижтимоийлашган адабиёт. Ўзбек ёзма адабиёти ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ҳеч қачон XX асрдагидек ижтимоий ҳаёт масалаларига бу қадар яқин келган, фаол аралашган эмас. Кўпинча ижтимоийлашган мафкуравий адабиёт тушунчаси совет адабиёти, социалистик реализм намуналарига нисбат берилади; ҳолбуки, кўп асрлик анъанага эга диний-ғасаввуфий адабиёт, жамият иллатларига кескин танқидий муносабат йўлини тутган Машраб, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Аваз каби оловқалб шоирлар ижоди, асримиз бошларида етакчи мавқе эгаллаган жадид адабиёти мафкуралашган адабиётнинг ўзгинаси эди. Совет давридаги ҳукмрон мафкурага ошқора хизмат этувчи адабий йўналиш билан баробар, бу йўналишга, яъни «давлат адабиёти»га муҳолиф сифатида юзага келган «социал адолат учун кураш олиб борадиган жанговар

жабҳа» ҳам танқидчи Аҳмад Отабой «Сўз ва маданият» мақоласида («ЎзАС», 1995 йил 1 сентябр) таъкидлаганидай, мафкуравий адабиётнинг бир кўринишидир.

Модомики шундоқ экан, XX аср адабиётини «формал мактаб», «соф санъат» мезони билан текшириб, одилона баҳолаб бўладими? Миллий маданиятимиз, адабиётимиз тарихида улкан бурилиш, янгиланиш палласини бошлаб берган жадид қаламкашларининг илк тажрибалари «соф санъат» талабларига дош бера оладими?! Ёки Чўлпон шеъриятининг, Қодирий романларининг, Фитрат драматургиясининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий томонларини четлаб ўтиб, фақат уларнинг санъатигагина қараб бу улўғ алломалар яратган буюк бадиий кашфиётлар қадр-қимматини аниқлаш мумкинми?! Асло!

XX аср ўзбек адабиётига хос бу хилдаги мафкуралашиш жараёнини, Аҳмад Отабой сўзлари билан айтганда, адабиётнинг «ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мунозаралар доирасига» тортилишини нуқулгина салбий ҳодиса деб баҳолаш, аср адабиётидаги мавжуд мафкуравий жиҳатдан бир-бирига зид икки йўналишни икки бошли дев ҳақидаги эртаққа, афсона-мифга қиёслаш тўғри бўлармикан?! Танқидчи қатъий қилиб: «Мустақиллик адабиётни хизматкорлик мажбуриятидан халос қилди ва энди адабиёт инсон ҳақида инсоний тил билан гапира бошлайди, фикрлай бошлайди», — деб ёзади. Совет даври адабиётини, айниқса, ундаги «социал адолат учун кураш» пафоси билан йўғрилган йўналишни «инсоний тил билан гапириш ва фикрлаш»дан бутунлай холи дейиш инсофдан эмас. Адабиётдаги мафкурани нуқул ташқи ижтимоий-маънавий босим, тазйиқ самараси ва унга акс садо деб қарамаслик даркор. Улкан санъаткорларда мафкура кўпинча чуқур ички эҳтиёж, табиий зарурат тариқасида, оригинал ижодий тарзда намоён бўлади: ана шунда ёзувчининг асарда илгари сурган ғоялари самимий чиқади, инсон ҳақида «инсоний тил билан гапириш ва фикрлаш»га эришилади. Танқидчининг айни шу мафкуралаштириш туфайли совет даврида адабиётимиз овози «икки дарё орасида қолиб кетди» деган қатъий даъвоси киши кўнглига оғир ботади.

XX аср адабиётига баҳо бераётганда миллий адабиётимизнинг аввалги асрлардаги, Навоий ва Бобур давридан кейинги, яъни «мафкуралаштириш», «мафкуравий тазйиқ» бўлмаган XVI — XIX асрлардаги аҳволи, савия-даражаси, жаҳондаги мавқеини ҳам унутмайлик. Барча зиддиятли томонларига, рўй берган йўқотиш, хатолар, фожиаларга қарамай XX асрда ўзбек адабиёти ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди, мавжуд анъаналар доирасидан чиқиб жаҳон тараққийпарвар замонавий-модерн адабиёт йўлига тушиб олди. Собиқ Иттифоқдаги ва хориждаги ўттиздан ортиқ туркий халқлар адабиётларининг янги босқичдаги бўй-басти билан ўлчаланадиган бўлса, миллий адабиётимизнинг камситиладиган ери йўқ. Ҳамза, Чўлпон, Фитрат, Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, О. Ёқубов, П. Қодиров, А. Орипов, Э. Воҳидов, Рауф Парфи, Х. Тўхтабоев, Т. Пўлатов, Ў. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, Тоғай Мурод каби адибларимизнинг етук асарларидаги кўп жиҳатлар жаҳон тараққийпарвар адабиётидаги талай етакчи тамойилларга ҳамоҳанг эканлиги ўзимизда ҳам, хорижда ҳам бот-бот эътироф этилди, этилмоқда. Навоий, Бобурдан кейин овози «икки дарё ораси»ни ёриб чиққан адиблар айни шу асрда етишгани ҳеч кимга сир эмас.

Аҳмад Отабойнинг танқидий мулоҳазаларида муайян асос бор, албатта. Аҳмад Отабой жаҳон адабиётида XX асрда пайдо бўлган кўпгина янги оқимлардан, чунончи, модернизм, постмодернизм, абсурд адабиёти мўъжизаларидан яхши хабардор. Танқидчи миллий адабиётимизнинг камоли, даражасини ўша мўъжизалар билан қиёс қилганда кўнгли тўлмайди, тўлмаслиги табиий.

Янги ўзбек адабиёти асосан XIX аср Европа, шунингдек, замонавий ҳинд, араб, турк адабиёти тажрибалари таъсирида шакллангани, масалан, Р. Тагор Чўлпон, Ж. Зайдон Қодирий учун намуна, устоз мавқеини ўтаганлигини ҳам эсда тутайлик. Бироқ 20—30-йилларда ижодий изланишлар ғоят тезкор суръатлар билан борган; адибларимиз, Қодирий сўзлари билан айтганда, халқимиз рағбатини мумкин қадар янгиликка тортишга, замонавий жаҳон адабиётидаги «сўнги

приёмлар»ни олиб киришга интилганлар. Қодирийнинг қатор адабий-танқидий мақолалари, айниқса, импрессионистлар хусусидаги мулоҳазалари, Чўлпоннинг Мейерхолд театри ҳақидаги кузатишлари бу икки забардаст сиймо аср адабиёти, саънатидаги янги жараёнлардан чуқур хабардор эканликларидан дарак беради. Бунинг самараси ўша кезлардаёқ кўринган, бизда ҳам модернистик тамойиллар уч бера бошлаган эди. Айниқса, Чўлпон прозаси, Ойбек лирикаси бу жиҳатдан ибратли. Афсуски, бундай тамойиллар барқарор ижодий оқим даражасига бориб етмади. Совет давридаги ижтимоий-сиёсий муҳит, адабий сиёсат бунга йўл бермади.

Кези келганда айтиб ўтай: адабий жараёндаги мафкуравий-ғоявий жиҳатдан фарқ қилувчи йўналишлар хусусидаги баҳс-мунозаралар қисман миллий маданиятни синфий жиҳатдан кескин иккига ажратиб текшириш, баҳолашдан иборат ва яқин ўтмишда кўп чалкашликларга, оғир мусибатларга олиб келган машъум таълимотни қайта тирилтиришга уринишдай таассурот қолдиради. Адабиётга, адабиёт тарихига тор синфий-партиявий ёндашишдан иборат бундай йўл ўзини оқламади, ғайриилмий усул сифатида рад этилди. Шунга кўра ҳаммамиз ҳозир ундан юз ўгириб, осонгина бир вақтлар қораланган «ягона оқим» томонига ўтиб олдик. Аммо бу йўл билан жумбоқни ечиш мумкин эмас. Адабий жараёнда ғоявий-мафкуравий асоси жиҳатидан бири-биридан кескин фарқ қилувчи асарлар, ижодий принципга кўра бир-бирига зид турувчи ижодкорлар ҳам борки, бунинкор этиш бор нарсани кўриб туриб ўзни кўрмасликка олишдай бир гап. Ахир, Амирий ёки Фазлий билан Махмур ёки Гулханий, Феруз билан Аваз, Беҳбудий билан Васлий амал қилган ғоявий-бадиий ақидалар бир хил эмаслиги, совет даври адибларидан Г. Марков билан А. Солженицинни «ягона оқим» мезони билан баҳолаб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён... Бундай мураккаб ҳодисаларни илмий ҳал этишнинг йўл-йўриқлари пухта ишлаб чиқилгани йўқ. Бизнингча, қайси йўналиш, ижодий мактабга мансублигидан қатъи назар ижодкор бисотидаги чин бадиий қадриятларга дахлдор жиҳатлар — ҳаёт, инсон ва унинг қалби



ҳақидаги ҳақиқатни кашф этиш маҳорати, гуманистик оҳанглар, теран маънодорлик, санъаткорона мўъжизавийлик каби омиллар асарларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўташи мумкин. Бундай усул тор синфий ёндашиш принциpidан фарқли ўлароқ тафовутларни инкор этмаган ҳолда ижодкор яратган қадриятларнинг асл моҳиятини очиқ, холис, одилона баҳолаш имконини беради.

XX аср ўзбек адабиёти тарихи устида гап борганда яна бир ўткир масала — социалистик реализм жумбоғини четлаб ўтиб бўлмайди. Ҳозир соцреализмдан гап очилгудек бўлса, уни совет даврида ўйлаб чиқарилган «қотил метод» деб аташ ҳолларига дуч келаётимиз. Дўстлар, масалага холис, кенг ва одилона ёндашайлик! Биламизки, соцреализм деб аталган бадиий-ижодий ҳодиса (номланишидаги ноаниқлик ва талқин этишдаги чалкашликлардан қатъи назар) совет давридан анча бурун рус, шунингдек, жаҳон адабиёти, санъатида пайдо бўлган эди. Бу ҳодиса XX асрда советлар юрти, социалистик система билан баробар кўплаб носоциалистик мамлакатлар адабиёти ва санъатида изчил давом этди, ҳатто социалистик система қулагандан кейин ҳам қатор хорижий мамлакатларда амал қилмоқда. Чунончи, 1995 йил баҳорида Останкино телевидениеси Ҳиндихитойдаги миллий озодлик курашчилари иштирокчилари қисмати ҳақида 1994 йил ишланган яхшигина бир француз фильмини намойиш этди. Бу картина айни соцреализм намунаси эди. Демак, Францияда, бошқа кўплаб тараққий этган демократик мамлакатларда соцреализм адабиёти ва санъати яшаб келяпти. Ҳар қандай ижодий методда бўлгани каби бу йўналишга мансуб асарлар орасида ҳам кучли ва заифлари бор. Бироқ хорижда соцреализм миллий адабиёт ва санъат ривожига катта кулфат келтирганини кўрган, эшитган эмасмиз. Чунки чинакам демократик мамлакатларда барча ижодий оқимлар, йўналишлар, методлар учун йўл очиқ. Бинобарин, соцреализм ҳам кўплаб ижодий методлар қатори яшашга ҳақли. Бутун бало шундаки, советлар даврида большевиклар партияси ва ҳокимияти адабиёт ҳамда санъатга раҳнамоликни ўз зиммасига олди, соцреализмни совет адабиёти ва санъатининг

асосий методи деб эълон қилди, бинобарин, ҳодисага давлат мақоми туси берилди. Соцреализмни расмий ижодий метод сифатида эълон этилиши туфайли бошқа ижодий мактаблар завол топиб қолмасдан, балки соцреализмнинг ўзи ҳам кўп нарса йўқотди.

Адабий жараённинг сирли-сеҳрли жиҳатларидан бири шундаки, мафкуравий таййиқ, ёзувчига тақдим этилган у ёки бу дастуриламал деб билган тор, бир-ёқлама, хато ижодий принциплар уни чалғитиши, ижодда панд бериши мумкин, бироқ ижодкор чинакам истеъдод соҳиби бўлса, гоҳ онгли, гоҳ онгсиз — савқи табиий билан мавжуд ақидаларга зид бориб, амалда жиддий бадиий кашфиётлар қилавериши мумкин эканини 30—40-йиллар ўзбек адабиёти — ўша кезлари соцреализм адабиётининг пешқадам намояндalари сифатида майдонга чиққан Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон сингари адибларимизнинг ижодий тақдири мисолида яққол кўриш мумкин.

Аввало, бу адибларнинг соцреализм принциплари асосида яратилган қатор асарлари, чунончи, «Сароб», «Зайнаб ва Омон», «Қутлуғ қон», «Синчалак» асарлари айрим бирёқлама, зиддиятли, чекланган томонларига қарамай, умуминсоний моҳиятга эга бадиий қадриятлар даражасига кўтарила олган. Иккинчидан, бу адиблар бисотида соцреализм қолипига тушмайдиган «Шум бола», «Навоий», «Наъматак», «Ўлим», «Офелиянинг ўлими», «Ишим бордир ўша охуда» каби ўнлаб ғаройиб санъат намуналари бор. Учинчидан, коммунистик мафкура, соцреализм принциплари билан қуролланган бу алломалар ҳаётни, жамиятни «материалистик тушуниш» даражасига кўтарила олмаган, «соцреализмга тўла етиб келолмаган» Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар билан мафкуравий — ижодий масалаларда кескин баҳслар олиб борган, ҳар бири ўзига хос ижодий мактаб яратган бўлсалар-да, бир неча ҳолларда беихтиёр улар бошлаган, асос солган ижодий анъаналарнинг давомчиси сифатида майдонга чиқадилар. Биз Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжоннинг ғоявий-мафкуравий масалаларда Қодирий, Чўлпон, Фитрат билан олиб борган кескин баҳс-мунозаралари ҳақида кўп гапирамизу, аммо

улар бисотидаги Қодирий, Чўлпон, Фитрат ижоди билан муштарак жиҳатларига деярли эътибор бермаймиз. Гўё бундай ҳодисалар бўлмагандай. Адабий ворислик ижодий тажрибаларни тўғридан-тўғри давом эттириш тарзидагина эмас, баҳс-мунозаралар, гоҳо инкор этишлар шаклида зиддиятли тарзда содир бўлиши ҳам мумкинлиги фанда исбот этилган. Қолаверса, адабий авлодлар орасидаги давр тақозоси туфайли юз берадиган ғоявий-мафкуравий айирма, зиддиятлар адабий жараён, бадиий тараққиётнинг давомийлигини бутунлай тўхтатиб қўя олмайди. Ғоявий-мафкуравий жабҳада бир эмас, бир неча бор туб инқилобий ўзгариш, бурилишларнинг гувоҳи бўлган XX аср ўзбек адабиёти тажрибаси шу қонуниятнинг ҳаётийлиги ва боқийлигини бот-бот исбот этиб турибди.

Энди аниқ далилларга ўтайлик. Бир қарашда ғоявий-мафкуравий жиҳатдан бошқа-бошқа кутбларда турган Абдулла Қаҳҳор ёки Ҳамид Олимжон ижоди билан Чўлпон ва Фитрат тажрибалари орасида муштарак жиҳатларни қидириш эриш туюлади. Ўзар ҳақиқат эса бу хил тасаввурларни ўзгартириб юбориши мумкин. Шу пайтга қадар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоячиликда холис, аниқ-лўнда, изчил реалистик услуби А. Чехов тажрибаси асосида шаклланган, деган фикр юради. Ёзувчининг ўзи ҳам буни қайта-қайта эътироф этган. Аммо «қаҳҳорона ривоя» тарзининг илк миллий намуналари Чўлпон насрида мавжуд. Қаҳҳорнинг қатор ҳикояларидаги ифода услуби, оҳанги, масалан, «Анор»даги аёл ва эрнинг чигал вазиятдаги руҳий ҳолатлари тасвири айнан Чўлпоннинг «Новвой қиз» асаридagi алданган қиз билан йигитнинг драматик дақиқалари эпизодини ёдга туширади. Абдулла Қаҳҳор ижодида ақл-заковат, жасорат бобида эркаклардан ҳам устун турадиган, эрки, инсонлик шаъни учун дадил кураш йўлига кирган жасур шахсларнинг бутун бир галереяси яратилган. Бу жиҳатдан «Мастон», «Хотинлар», «Минг бир жон», «Синчалак»ни эслаш кифоя. Бу ҳодисани ҳам танқидчилик жаҳон ва рус адабиёти, жумладан, Ж. Лондон ҳикоялари, «Оптимистик трагедия» каби асарлар таъсири билан боғлайдилар. Аслида бу ҳам Чўлпоннинг қатор ҳикояларидан, «Ёрқиной», «Замо-

на хотини» драмаларидан бошланган анъананинг давоми эмасми! Абдулла Қаҳҳорнинг «Томошабоғ» ҳикоясидаги алам-ўқинчларга тўла шафқатсиз ҳаёт лавҳаси — чор маъмурларнинг маҳаллий аҳоли вакилларига ўта нописанд муносабати, таҳқирлаши беихтиёр Чўлпоннинг «Вайроналар орасидан», «Кутурғон мустамлакачилар», «Кеча ва кундуз» каби асарларидаги ҳодисаларни эсга туширади.

Чўлпон маслакдоши Фитратнинг «Арслон» драмасыда шундай эпизод бор: бойнинг хотини Зайнаб ойим имом билан пинҳона дон олишиб юради, имом паранжида бойникига келиб айшини давом эттиради, маккор хотин уни эрига «холам» деб таништиради, номаҳрам «аёл» билан эри орасида тилмочлик қилади, лақма эр эса уларнинг пинҳона ишларига омад тилайди. Пировардида сир фош бўлади. Абдулла Қаҳҳорнинг 30-йиллари ёзган машҳур «Майиз емаган хотин» асари айни шу эпизоддан ўсиб чиқмаганмикин деган хаёлга борасан киши.

Ҳамид Олимжон «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» мақоласида «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» драмаларини танқид қилиб, улардаги қаҳрамонларнинг Ватан мустақиллиги учун истилочиларга қарши олиб борган курашлари драматург учун гўё бир фон, либос бўлганлигини айтади; «Декорация ўзгарган бўлса ҳам, мазмун ҳамон эски, миллатчилик қарашларининг янгича товланишидан иборат», деб ҳисоблайди. Қизиги шундаки, орадан бир неча йил ўтиб яратилган «Муқанна» драмасы қаҳрамонлари ҳам чет эл босқинчиларига қарши курашувчи ватанпарварлардир. Айрим фарқли жиҳатларига қарамай «Муқанна» муаллифи Ҳамид Олимжон моҳият эътибори билан беихтиёр Фитрат йўлидан борган. Умуман, 20-йиллар ўзбек адабиётига хос муҳим мотив — шахс ва миллат эрки, шаъни, миллий озодлик, истиқлол ғоялари 30—40-йилларда «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон», «Нил ва Рим», «Муқанна», «Маҳмуд Таробий», «Жалолиддин Мангуберди», «Ўтрор» каби асарлар орқали хилма-хил кўринишда давом этди.

Ҳамид Олимжонни «социализм ғалабаси куйчиси», «шодлик куйчиси» деб аташ кенг расм бўлган. Дарҳақи-

қат, шоир 30-йиллар «шодлик ва бахт»ни тўлиб куйлаган, «шодлик ва бахтни куйламак»ни ўзи учун зўр саодат деб билган, бахтиёрликни одат қилиб олган, айти пайтда эли «қайғуни билмас», «мотам йўқ Ватан» шоири чин инсон сифатида беихтиёр шу ақидаларга зид бориб ғаройиб мунгли-маъюс туйғуларга, «мусибат ва ғам»га ошуфта сатрлар ҳам битади. Шоир фожией ҳалокатидан етти-саккиз йил бурун ёзган «Ўлим» шеърисида «Сени қандай кутар эканман?» деган савол қўяди ва дилда кечган бор гапини қоғозга туширади:

*Ўйлаганда сени доимо  
Юрагим орқага тортади  
Ва босади муздай совуқ тер,  
Сесканаман, ғамим ортади.*

Шодлик ва бахт ҳақидаги туркум шеърлар билан бир вақтда яратилган «Офелиянинг ўлими», «Гунча янглиғ бурканиб кўнглинг очилмайдир нега» ғазали ёки «Зайнаб ва Омон» достонидаги Омоннинг «Сенга энди нелар айтайин», деб бошланувчи ҳикояси, дил рози ифодаси «шодлик куйчиси» Ҳамид Олимжон ҳам мусибат ва ғам, пора бўлган қалб нолалари изҳори бобида асрнинг мана мен деган мунгли шоирлари билан беллаша олишини тасдиқлайди. «Чимён эсдаликлари», «Ҳолбуки тун», «Ишим бордир ўша оҳуда» каби ўнлаб лирик шеърларидаги ўйчан, маъюс, романтик сирли-сеҳрли жиҳатлар бир чеккаси Чўлпондан юққанини, ҳеч бўлмаганда Чўлпон лирикасига оҳангдош эканини пайқаш қийин эмас.

Мана энди гал Ойбекка келди. Ойбек ва Чўлпон, Қодирий, Фитрат муносабатлари ғоят кўпқиррали, мазмундор ҳамда ўта қизиқарли мавзу. Аввало Ойбекнинг Чўлпон, Қодирий, Фитрат ҳақидаги илмий тадқиқот ва мақолалари замондошларининг шу мавзудаги кўп ишларидан кескин фарқ қилади. «Чўлпоннинг мафкураси эмас, бадий намуналари ўқилади, воз кечилмайди», деб ёзади у «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак» мақоласида. «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласига қадар ва ундан кейин ҳам узоқ йиллар ҳеч ким Қодирийнинг санъаткорлигини Ойбек даражасида нозик ҳис этган, теран очиб берган эмас.

Ойбекнинг шеърий истеъдоди бевосита Чўлпон таъсирида шаклланган эди, гарчи кейинчалик гоъвий-мафкуравий жиҳатдан ўзи учун бошқа йўл танлаган, «болгалар пўлат сафи ила бориш»га қатъий қарор берган бўлса-да, барибир, бир умр шеъриятда Чўлпон анъаналарига содиқ қолди. Ойбекнинг энг катта хизматларидан бири шуки, 20-йиллар шеъриятимиздаги улкан кашфиёт — Чўлпонга хос поэтик руҳ, сирлисехрли оҳанглари 30—40-йиллар қатағони суронларидан эсон-омон олиб ўтиб, 60-йилларнинг нисбатан эркин адабий авлоди қўлига топширди.

Ойбек лирикаси, шунингдек, Ҳамид Олимжоннинг юқорида тилга олинган шеърлари, қолаверса, Фафур Фулом, Уйғун, Зулфия, Усмон Носир каби шоирларнинг соф рубобий тароналари совет даври, хусусан, 30—40-йиллар ўзбек шеърияти нуқул ижтимоийлашган, мафкуравий шеърият деган даъволарни рад этади. Бу хил даъволар шеъриятимизнинг асл ҳолати эмас, балки унинг тарихи тўғрисида адабиётшуносликда шаклланган қарашлар асосида айтилган. Шахсан мен «Хазина» бирлашмасида тўрт жилдан иборат XX аср ўзбек шеърияти антологиясини тайёрлашда қатнашиб, бу асрдаги шеъриятимиз йўналиши жиҳатидан ҳам хилма-хил эканига, жумладан, деярли ҳамма босқичларда, энг оғир паллаларда ҳам ижтимоий, мафкуравий, сиёсий босимлардан бутунлай холи «соф лирика» намуналари яратилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Аминманки, мазкур антология китобхон қўлига етиб борса, XX аср миллий шеъриятимиз манзараси хусусидаги мавжуд тасаввурлар тубдан ўзгариб кетади.

Айтилганлардан чиқадиган хулоса шуки, XX аср ўзбек адабиёти босиб ўтган йўл, турли ижодий авлодлар, улар амал қилган мафкуравий ақидалар, ижодий принциплар орасидаги тафовут, яратилган асарларнинг даражаси, қиммати хусусида қатъий ҳукм-хулосалар чиқаришга шошилмайлик; йўлдаги хилма-хил тақиқ, таъйиқларга, ҳар хил оғишларга қарамай, сўз санъати ўз ички қонуниятларига, ворисийлик принципларига амал қилган ҳолда ривожланганлигини ҳаммиша назарда тутайлик.

1995 йил

## Адабий таълимнинг янги даври

### *Миллий дарслик яратишнинг қувонч ва ташвишлари*

Менинг тўлиқсиз ўрта мактаб 5—7-синфларида ўқиган даврим урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Дарслик китоблари юзини деярли кўрган эмасмиз. Улар фақат адабиёт ўқитувчиларимиз қўлида бўларди. Ўша давр адабиёт дастурларида қандай асарлар борлигини билмайман, бироқ синфда «Уч оға-ини ботирлар», «Ёрилтош», «Кавказ асири», «Муму» каби эртақ ва ҳикоялар ўтилганини — ўқитилганини эслайман. Улар менинг мурғак қалбимда чуқур из қолдирган. «Уч оға-ини ботирлар»даги оға-иниларнинг тундаги ғаройиб саргузаштлари, мислсиз жасоратлари бутун эс-ҳушимни эгаллаб олган эди. Бир неча кун ўша саргузаштлар хаёли билан юрганман, тушларимда ботирлар изидан кузатиб борганман. «Ёрилтош»ни ёд олган эдим. Етим қизнинг улкан тош қаршисида туриб: «Ёрилтошим, ёрилгин-о, мен опамни кўрайин-о, Дийдорига тўяйин-о...» деб айтган илтижолари юрак-бағримни эзарди; «Муму»даги соқов хизматкор Герасим бой хотиннинг инжиқликлари туфайли қайиқда дарё ўртасига бориб севикли итини сувга гарқ этганида йиғлаганман; «Кавказ асири»даги Жилин билан Кастилиннинг ночор аҳвол-руҳияси, қизалоқ Динанинг уларга кўрсатган ҳиммати мени не кўйларга солгани, ўша кезлари кўнглимда кечган ўй-туйғуларни бугун сўйлаб беришга ожизлик қиламан... Айни шу асарлар менинг келажакимни — тақдиримни ҳал қилган, деб дадил айта оламан. Ўша кезлари келгусида албатта адабиёт муаллими бўлишни, умр бўйи сўз санъати мўъжизалари оламида яшашни, пайти келиб ўқувчиларга қалбимдаги ҳайрат, ҳис-ҳаяжонларни тўкиб солишни ният қилган эдим. Мана шу ният аввал мени педбилим юртига, сўнг университетнинг филология факультетига, ундан кейин аспирантура даргоҳига бошлади. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, ниятларим рўёбга чиқди, билим юртида Жунайдилла Сангинов, университетда Фулом Каримов, Субутой Долимов, Озод Шарафиддиновдек

буюк устоз адабиётшунослардан сабоқ олиш, аспирантурада эса аллома Озод Шарафиддиновга биринчи шогирд бўлиш насиб этди. Мени янгиланаётган адабий-танқидий тафаккур йўлига бошлаган Озод ака бўлди, Ғ. Каримовдан одамийлик, С. Долимовдан эса адабиёт ўқитиш, ўқувчи қалбига йўл топиш сир-асрорларини ўргандим.

Университетни битириб ўрта мактабда иш бошлаганимда бирданига тўртта 5-синфда она тили ва адабиётдан дарс беришга тўғри келди. Шунда илк бор орзу-ният бошқа, амалиёт бошқалигини, муаллимлик касби нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини англаб етдим. Адабиёт дарси шунчаки кўнгилдаги ҳайратни изҳор этиш эмас экан. Ҳар бир синфда 40 тадан ўқувчи, жами 158 ўқувчининг исми-шарифидан тортиб, ҳар бирининг феъл-атвори, адабиётга майли, билим даражасини билишим керак. Боз устига ҳар бир синфнинг яхлит ўз феъл-атвори бўларкан. Бир синфда бир мавзуда муваффақиятли чиққан дарс усули иккинчисига мутлақо тўғри келмас экан. Тажрибамда яна бир ҳолатни ўзимча кашф этдим: агар синфда 2—3 адабиёт шайдоси («жинниси» дейишга тилим бормайди) бўлса муаллим учун кони роҳат, улар бутун бошли синфда адабий муҳит яратишга қодир экан. Бунақа муҳитда яйраб-ёзилиб дарс берасан киши. Мабодо, ана шундай муҳит бўлмаса-чи, унда дарс ўтиш дўзах азобининг ўзи деяверинг... Кейинчалик суриштирсам, бундай «оғир синф»лар деярли барча мактабларда бўларкан. Улардан ўқитувчилар қочишар, бундай синфларни «жазо колонияси» деб аташар эканлар. Ўшандай «жазо колонияси»да икки йил ишладим, мақтанишга йўйманг, азизлар, не-не изланиш, машаққатлар билан ўшандай «оғир синфлар»да ҳам «адабиёт шайдолари»ни топишга, у ерда ҳам жўшқин бир «адабий муҳит» яратишга эришдим. Келгуси ўқув йили бошида ўша «оғир синф»да қизиқ бир ҳолатга дуч келдим: синфдаги бир қатор китоб шайдолари адабиёт дарслиги қўлига тушиши биланоқ мустақил мутолаага киришиб бир ҳафта — ўн кун деганда дарсликдаги барча асарларни ўқиб чиқишга улгуришибди. Орадани қирқ йил ўтиб ўзим иштирокимда яратилган 5-синф дарс-



лик-мажмуасини ўқув йили бошидаёқ хатм қилган кўплаб ўқувчиларни учратдим. Нақадар қувончли ҳол бу!

Ўша кезлари матбуотда кетма-кет адабий-танқидий, гоҳо методик характердаги мақолаларим чиқиб тургани учун бўлса керак, учинчи чоракдан бошлаб юқори синфлардан ҳам қўшимча дарслар беришди. Қуйи синфларда-ку ҳарҳолда адабиёт китобларида санъат намуналари дегудек талайгина асарлар бор эди; 9—10-синфлардаги аҳвол тамомила ўзгача, дастур нуқул мафкураравий-сиёсий йўналишдаги асарлардан иборат. «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» сингари юксак бадиий асарлар эса давр сиёсатига мослаштирилиб нуқул мафкураравий жиҳатдан талқин қилинарди. Эргаш шоирнинг «Кунтуғмиш», «Равшан» дostonлари қаёқда-ю, «Ўртоқ Ленин» қаёқда! «Ёрилтош» эртагидек юракни жиз эткизадиган, кўзга ёш келтирадиган жозибадан маҳрум нуқул сиёсатбозликдан иборат бундай асарлар ҳақида синфда сўзлаш муаллим учун, уни тинглаш эса ўқувчи учун нақадар азоб эканини ўша йиллари юрак-юракдан ҳис этганман. Сўз санъатидек ноёб ҳилқатдан кўнгилни совутадиган бу хил мавзуларни ўтишдан нега муаллимлар бош тортмади, ўшандай дарслар пайти нега ўқувчилар деразадан ўзларини ташқарига отмади, дея ўзимга савол бераман ва ўша йиллари ҳар икки томонни итоатда ушлаб турган «сирли куч» — жамиятда ўрнатилган «қўрқув салтанати» эди, деган хулосага келаман.

Ўтган аср 60-йилларининг иккинчи ярмидан то 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни тарихда «турғунлик даври» деб аташ расм бўлган. Ўша кезлари «стабил дарслик» деган ибора юрарди. Назаримда, «турғунлик» психологияси, айниқса, адабиётдан яратилган «стабил дарслик»ларда яққол ифодасини топган. Адабиёт дарсликлари ўн йиллар давомида деярли ўзгаришларсиз қайта-қайта чоп этилар, асарлар, адиблар ҳақидаги «марксча-ленинча методология» — синфийлик, партиявийлик принциплари асосида бир қолипда битилган талқинлар китобдан китобга кўчиб ўтаверар эди. 60—80-йиллар давомида университетга кириш имтиҳонлари комиссиясида она тили ва адабиёт фани

бўйича бир неча бор раис ва раис ўринбосари вазифаларида ишлаганман. Гоҳо Озод ака раис, мен ўринбосар бўлардим. Шунда адабиётдан ёзилган неча минглаб иншоларни кўздан кечиришга тўғри келарди; оғзаки имтиҳонларда ўқувчилар жавобини тинглардик. Муайян мавзудаги иншоларнинг, оғзаки имтиҳонларда саволларга берилган жавобларнинг мазмуни ҳайратда қолар даражада бир хилда бўларди; дарслик ва дарсликларда ёзилган фикрлардан ташқарига чиқиш ҳоллари деярли учрамасди.

90-йилларнинг бошларида адабиётдан тузилган янги дастур муҳокамасига бағишланган йиғинда таниқли болалар адиби Худойберди Тўхтабоев латифанамо бир воқеани ҳикоя қилиб ҳаммани кулдирган эди. Эмишки, Худойберди 50-йилларнинг бошларида Қўқон педбилим юртини тугатиб, университетнинг филология факультетига ҳужжат топширибди. Кириш имтиҳонлари, жумладан, адабиётдан иншо темалари олдиндан маълум. Ҳар эҳтимолга қарши йигирматача мавзу бўйича иншолар матнини тайёрлаб қўйибди. Имтиҳон куни уларни тартиб билан белига жойлаб олибди. Ниҳоят, имтиҳон дақиқалари келиб, иншо мавзулари эълон этилибди. Кутилганидек, «Она» романидаги Пелагея Ниловна образи». Белгиланган жойдан бу мавзудаги матнни секингина олиб тиззага қўйиб кўчириб, биринчи бўлиб тайёр иншони топшириб, жавобини кутибди. Ўша кезлари ёзма ишлар шу куннинг ўзидаёқ текширилиб, кечгача натижаси эълон этиларди. Натижа кутилганидек: баҳо — 5. Билим юртини бирга битириб пединститутга ҳужжат топширган ҳамқишлоқ дўсти П. биринчи бўлиб уни қутлайди ва Худойберди тайёрлаган иншолар матнини олиб, эртаси куни дўсти каби уларни белига жойлаб имтиҳонга киради; не кўз билан кўрсинки, бу ерда ҳам ўша мавзу: «Пелагея Ниловна образи». Дўстининг тажрибаси асосида ишни қойиллатади: баҳо — 5. Кечқурун Худойберди билан учрашиб миннатдорчилик билдиради ва бу омадли иншоларни эҳтиёт қилиб сақлаб қўйишни илтимос қилади. Орадан йиллар ўтиб Худойбердининг қизи Тошкент пединститутига, дўстининг қизи эса Қўқон пединститутига ҳужжат топширади. Ёзувчи ва унинг дўсти қизлари-

нинг омадини қарангки, адабиётдан оталари ёзган ўша иншо мавзуси — «Пелагея Ниловна образи» доскага ёзиб қўйилади. Ардоқли иншолар матни қўл келади — ишлар беш. Орадан яна йиллар ўтиб набиралар ўқишга кирадиган бўлибди. Ота ва қизларга қулиб боққан толе «Пелагея Ниловна образи» мавзуи энди набираларга ҳам насиб этибди. Баҳолар тайин — 5...

Худойберди ҳикоясини яқунлар экан, ҳазилни давом эттириб: «Умарали дўстимдан хафаман, адабиётдан янги дастур тузиб менинг эвара, чевараларимни «Пелагея Ниловна образи» бахтидан бенасиб этди», деган эди. Худойбердининг ҳикоясида бир оз муболаға, «бадий тўқима» бўлса-да, адабий таълимдаги турғунлик моҳиятини ниҳоятда чиройли очиб берган эди. Дарҳақиқат, ўша кезлардаги адабий таълим бир эмас, бир неча авлодни бир хилда фикрлашга маҳқум, эркин ижодий тафаккурдан эса маҳрум этишга йўналтирилган эди. Зотан, тоталитар режимга ижодий тафаккур эгалари эмас, белгиланган қолипдан чиқмайдиган итоатгўй ижрочи манқуртлар керак эди.

80-йиллар охирларига келиб мавжуд адабий таълим тизими тоқат қилиш мумкин бўлмаган ҳолга етди. Республика Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан истиқлолдан бурун 1991 йил мартада мактаб адабиёт дастури ва дарсликлари-ни тубдан янгилаш бўйича ижодий гуруҳ тузилди. Ижодий гуруҳга О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Қосимов, Б. Назаров, Б. Тўхлиев, С. Олимов, Қ. Йўлдошев каби ўндан ортиқ таниқли адабиётшунос олимлар, таърибали методист ўқитувчилар жалб этилди. Камина ижодий гуруҳга раҳбар этиб тайинландим. Ижодий гуруҳ Дўрмондаги ёзувчилар уйида олиб борган изланишлар самараси ўлароқ умумтаълим мактаблари V—XI синфлари учун тубдан янгиланган дастур лойиҳаси тайёрланди. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Халқ таълими кенгашининг 1991 йил 8 августда бўлиб ўтган мажлисида лойиҳа кўриб чиқилди ва кенг муҳокамага қўйиш учун тавсия этилди.

Дастур лойиҳаси истиқлолимининг дастлабки ойида «Маърифат» газетасида эълон қилинди. Айни пайтда А. Зуннунов ва А. Хўжааҳмедовлар томонидан ту-

зилган муқобил дастурлар ҳам муҳокамага қўйилди. Матбуот саҳифаларида, Ёзувчилар уюшмасида, Марказдаги ва вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, мактабларнинг методик кенгашларида уч ой давомида қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Кўпни кўрган, таълим тарихидан хабардор адабиётшунос-ўқитувчиларнинг эътироф этишларича, мамлакатимиз тарихида адабиёт таълими муаммолари теварагида бу қадар қизгин, ошкора мунозара бўлмаган экан.

Ниҳоят, биз тайёрлаган лойиҳа голиб чиқди, муҳокамада билдирилган таклифлар асосида такомиллаштирилган нусха Халқ таълими вазирлиги томонидан маъқулланиб, мазкур дастур асосида ўша йилнинг кеч кузида янги дарсликлар устида иш бошлаб юборилди. Дўрмондаги ижод уйида дарсликлар устида кечган жўшқин изланишлар, ўзаро баҳс-мунозаралар, адиблар билан самимий мулоқотлар ижодий гуруҳ аъзолари учун ўзига хос мактаб бўлди. Дарсликлар қайноқ адабий муҳит ичида қад ростлади. Барҳаёт адибларнинг дарсликларга кирган асарлари, асарларидан олинган парчалар уларнинг розилиги билан амалга оширилди. Илтимосимизга кўра улар дарслик учун ўз ҳаёт ва ижод йўллари тўғрисида махсус мақолалар ёзиб бердилар. И. Фафуров, Н. Комилов каби таржимонлар дарсликдан ўрин олган асарлар таржимаси билан қатнашдилар. Янги дарсликларнинг тайёр боблари пешма-пеш кўп нусхада кўчирилиб мактабларга тарқатилди. Шу тариқа истиқлолнинг биринчи йилида Республикамиз мактаблари истиқлол руҳи билан йўғрилган янги дастур ва янги миллий дарслик боблари асосида иш бошлади.

Янги дастур ва дарсликларнинг энг муҳим янгилиги шундан иборат эдики, биринчидан, уларда адабий таълим коммунистик мафкура, адабий ҳодисаларга синфий-партиявий ёндашиш балоларидан халос этилди.

Иккинчидан, адабий таълимдаги рушлаштириш сиёсатида чек қўйилди. 90-йилларга қадар V—XI синфларда ўзбек адабиёти учун 700 соат, ўзбек тилида дарс олиб бориладиган синфлар учун рус адабиётига 400 соат атрофида вақт ажратилган эди. Шунга қарамай,

ўзбек адабиёти дастури ва дарслиklarининг 40—50 фоиз соатлари рус адабиёти намуналарига ажратиларди. Қизиги шундаки, Горький, Маяковский ижоди, «Капитан қизи», «Ревизор», «Тарас Бульба» каби асарлар ўзбек синфларида «Рус адабиёти» фани бўйича ўтилгани ҳолда ўзбек адабиёти фани дарсларида ҳам такрор ўқитилар, бу ҳақда бирор кимса фикр этмас, эътироз билдирса, баалога қолишини биларди. Ўша йиллари ўзбек синфлари учун чиққан «Ватан адабиёти» китобларини бугун бир варақлаб кўринг, уларнинг ярмидан кўпини, ҳаттоки айрим дарслиklarнинг 70—80 фоизини рус адиблари асарлари матни ташкил қилар эди...

Янги дастур, дарслиklarда рус адабиёти дурдоналаридан бутунлай юз ўгириш йўқ, жаҳон адабиёти намуналари доирасида уларга муносиб ўрин ажратилган.

Янги дастур ва дарслиklarдаги яна бир муҳим жиҳат — шўро адабий сиёсати туфайли адабиёт тарихидан бадарға этилган, қатағонга учраган Яссавий, Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат каби улуғ сиймоларнинг топталган шаънини тиклаш, шўро адиблари саналмиш Ҳамза, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, М. Шайхзода, Миртемир каби сўз усталарининг ижодий меросини шўровий талқинлардан тозалаб холис илмий тарзда ўқувчиларга етказиш йўлидан борилди. Аввалроқ дарсликка киритилган Абдулла Қодирий ижоди ҳам бутунлай янгича талқин этилди.

Ниҳоят, бугунги замонавий адабиётимиз пешқадам намояндаларининг «дарсликбоп» асарлари дастурдан жой олди.

Шўро замони адабиёт дарслиklари бошдан-оёқ улуғ оға дарслиklarидан андоза олиб яратилганлиги сир эмас. Истиқлол даври дастур, дарслиklари шу андозадан холи, чинакамига миллий дарслиklar экани билан ҳам қимматлидир.

Янги дастур, дарслиklar Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланди, нашр этила бошланди. Бироқ ишнинг энг қийини олдинда эканини бошда пайқаманган эканман; янгиликни амалда жорий этиш ниҳоятда мушкул эканини кейинроқ тушуниб етдим. Менинг

асосий иш жойим университетда, бош вазифам «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси мудирлиги саналса-да, амалда Халқ таълими вазирлиги одами эдим. Таълим марказида 15 йил ўзбек адабиёти кенгашига раислик қилдим. 1989—1995 йиллари Республика мактаб ўқувчиларининг ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича олимпиадалар ҳайъатига сурункасига етти бор раҳбарлик вазифасини бажардим. Сўнг оралатиб икки бор пойтахтда ўтказилган олимпиадада фан раҳбари сифатида иштирок этдим. Ўша кезлари олимпиадалар навбати билан турли вилоятларда улкан байрамдек ўтарди. Беллашувларни имкон қадар ҳалол ва юксак савияда ўтказишга тиришганман. Таълим марказидаги, олимпиадалардаги фаолиятимдан бош мақсад янги дастур ва дарсликларнинг амалдаги самараларини кузатиш бўлган.

Бугина эмас, ўн йил мутгасил Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институтида ўриндошлик асосида фаолият олиб бордим, адабиёт ўқитувчилари олдида янги дастур ва дарсликлар бўйича маърузалар ўқидим, амалий-ижодий суҳбатлар ўтказдим, деярли барча вилоятлардаги, шунингдек, Чимкент, Жалолободдаги малака ошириш институтларида айни шундай машғулотларни давом эттирганман. Хомчўт қилиб кўрсам, шу йиллар давомида 20 мингга яқин, яъни жами ўзбек адабиёт ўқитувчиларининг тенг ярми билан мулоқотда бўлибман. Боз устига республика матбуоти, радиоси, телевидение орқали адабиёт ўқитиш муаммоларига оид чиқишлар...

Такрор илтижо қиламан, азизлар, мен бу гапларни шунчаки ҳисобот ёки адо этган ишларимни писанда қилиш учун айтаётганим йўқ. Бу соҳадаги меҳнатларимни Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази раҳбарияти ҳар доим қадрлаб келган, мени «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирлаган. Устоз Гулом Каримов ҳам ўз вақтида шундай нишон билан тақдирланган, домла ҳар доим бу нишонни кўксига — қалби устида тақиб юрардилар. «Нега бошқа нишонларни эмас, айни «Халқ маорифи аълочиси»ни тақиб юрасиз?» — деб сўраганимда, домла ўй суриб, секингина уҳ тортиб, «Бу нишон мен учун

қимматга тушган», деб қўярдилар... Кейинчалик суриштириб билсам, Фулом ака 40-йиллар охири, 50-йиллар бошларида бугун Қори Ниёзий номи билан аталадиган Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига раҳбарлик қилган, унинг ғайрати ва ташаббуси билан қисқа фурсатда қатор дарсликлар яратилган, ўзлари эса бир гуруҳ ҳамкасб дўстлари, жумладан, С. Долимов билан ҳамкорликда адабиётдан дарсликлар яратган. Бироқ мана шу хайрли ишлар эвазига Ўзкомпартия Марказий Комитетининг 1952 йил феврида бўлиб ўтган мафкура иши масалаларига бағишланган пленумида ғоявий-сиёсий жиҳатдан кескин танқидга учраган, 1950 йили чоп этилган «Ўзбек адабиёти» дарслиги ман этилган. Орадан кўп ўтмай вазифасидан бўшатишган. Энг ёмони, ўша машъум пленумдаги маърузанинг дарсликларга оид танқидий қисмини тайёрлашда домла билан бирга ишлаган айрим ҳамкасблари ҳам иштирок этган экан. Инсофли раҳбарларнинг ҳиммати туфайли берилган «Халқ маорифи аълоҳиси» нишони эса устоз учун бир умрга ҳам армон, ҳам ҳалол меҳнати учун ифтихор белгиси бўлиб қолди...

Аллоҳга минг қатла шукр, бизларга бутунлай ўзгача шароитда — истиқлол йилларида адабиётдан дастур ва дарсликлар устида ишлаш насиб этди. Бироқ бу дастур ва дарсликларни турмушга жорий этиш осон кечмади. Бу жараёнда мен, шоир ибораси билан айтганда, бошимни зўр ишларга, кони ғалваларга бериб қўйганимга кейинчалик такрор-такрор иқдор бўлдим. Неча ўн йиллар давомида онларга сингдирилган адабиёт ҳақидаги доғмаларни парчалаш, адабиёт муаллимларини янги қарашлар билан қуроллантириш — булар бир ҳамла билан адо этиладиган юмуш эмас эди. Муаллимлар орасида ҳаётдаги, таълим тизимидаги, адабиёт ва адабиётшуносликдаги янги жараёнлардан бохабар, янгиликка ташна, ўз касбининг чин фидойилари билан баробар лоқайд, тепса тебранмас, олий ўқув юртини тугатгандан кейин дарсликдан бошқа бирорта адабий ёки илмий асарни қўлига олмаган, адабиёт оламидаги янгиликлардан бутунлай беҳабар, нодонликда Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикояси пер-

сонажи Боқижон Бақоевни ҳам йўлда қолдириб кетадиган кимсаларни кўриб ҳафсалам пир бўларди. «Биз не-не машаққат, катта умидлар билан тайёрлаган дарслик ва дастурларнинг ижрочиси шуларми?!» деган савол мени қийнарди.

Янги дастур ва дарсликлар эндигина синфларга кириб бораётганида унга гоҳ шахсий манфаат, таъмагирлик, гоҳ жаҳолат, гоҳо эса тўғридан-тўғри демагоглик йўли билан тош отишлар, ҳатто уни ман этишга уринишлар бўлди. Тош отгувчилар назарида гўё дарслик муаллифлари қора курсида ўтирган жиноятчилар, улар эса ўзларини қораловчилар каби тутардилар. Дастурнинг республика бўйлаб уч ойлик ошқора мунозаралари пайти гиқ этиб овоз чиқармаган айрим кимсалар бирдан «Нега Халқ ёзувчиси, шоирлари, Давлат мукофоти лауреатлари қолиб Х. Султонов, Э. Аъзамов, Ш. Бошбеков, Х. Даврон, Н. Аминов сингари ҳеч қанақа унвону мукофотлар олмаган қаламкашлар дастурга киритилган; нега О. Ёқубов, А. Орипов, Э. Воҳидовларга, ҳатто ҳазрат Навоий ва Бобурга бир эмас, бир неча дарсликларда ўрин берилган?» — дея шовқин-сурон кўтардилар, тегишли идораларга шикоятлар билан чиқдилар. Бугина эмас, дастур ва дарслик муаллифларининг таржимаи ҳолини, ижодий бисотини титкилашга тушдилар; «Шўро даврида инқилобий адабиёт, Ленин ва адабиёт, коммунист образи, социалистик реализм ҳақида ёзган О. Шарафиддинов, У. Норматов, Б. Қосимовлар истиқлол даври дарслиklarини ёзишга ҳаққи йўқ! Улар иштирокида яратилган дарсликлар ман этилиши керак!» деб дағдағалар қилдилар. Ўзлари ҳам шўро даврида айни шу кампанияда фаол иштирок этганликлари жазава пайтида хаёлдан кўтарилиб кетганини пайқамай қолдилар...

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, бунақа демагогик ҳамлалар, дағдағалар ўтмади! Унақа замонлар орда қолиб кетган эди. Шундай бўлса-да, кўча-кўйда, адабий давраларда кўришиб, саломлашиб юрган таниш одамлар оғзидан шундай совуқ гапларни эшитиш, барибир, алам қилар экан кишига. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, мана шундай пайтларда тил қотиб оғизда айланмай қолади, мабодо айланса муштнинг хизмати-



ни қилади... Яширишга не ҳожат, дарсликлар ҳимояси пайтида гоҳо тилни муштга айлантирган пайтларим ҳам бўлган.

Қисқаси, истиқлол даврининг илк дарсликлари қийинчилик билан бўлса-да ҳаётга йўл олди, икки-уч бор қайта нашр этилди, ҳолис ва билимдонлик билан билдирилган танқидий мулоҳазалар, истақлар асосида қайта ишланиб, такомиллаштириб борилди. Янги дарсликлар асосида мактабларда олиб борилган тажрибаларни ўрганишга, янгиланган адабий таълимнинг назарий маслаларини ишлаб чиқишга қаратилган Қ. Йўлдошев, М. Мирқосимова, С. Матжоновларнинг докторлик, ўнга яқин методист олимларнинг номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Илк миллий дарсликлар туфайли мамлакатимиз мактабларида адабий таълимнинг янги даври бошланди.

## Мутолаа сабоқлари

**Р. Уэллек , О. Уоррен. Теория литературы. М., 1978.**

Филология факультетида таълим олган мутахассислар яхши билади: Адабиёт назарияси бўйича улар асосан рус тилида чоп этилган «Теория литературы», «Основы теории литературы», «Введение в литературоведении» китобларини ўқиб бу соҳада савод чиқаришган. Кейинчалик улар ёнига ўша китоблардан андоза олиб битилган, миллий адабиёт намуналаридан келтирилган мисоллар, шунингдек, ўзбек шеър тузилиши, аруз ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилган ўзбек муаллифларининг китоблари ҳам қўшилди. Уларни ўқиб назариядан савод чиқариш ниҳоятда осон ва қулай. Ижодий метод ва услублар — классицизм, романтизм, реализм, социалистик реализм; адабий тур ва жанрлар — эпос, лирика, драма тушунчалари шунчалик содда, мулойим қилиб чайнаб ўқувчининг оғзига солиб қўйиладики, шу ёзилганлари рост бўлса, назариячи бўлиш саргарошлик ҳунаридан ҳам осонроқ экан-да, деган хулосага келади киши.

Назария китобларидан бир-икки мисол. Ҳикоя жанрига берилган таърифга қаранг: «Унинг мазмуни эр-

такдагидан ортиқроқ ҳаётийдир. Ҳикояда фантастик ва мифологик элементлар йўқ ёки жуда кам бўлади... Ҳикоя латифа мазмунига кирган воқеадан каттароқ, аммо қиссага мазмун берувчи воқеадан кичикроқ саргузаштни, кўпинча киши ҳаётида бўлган бир эпизодни тасвир этади». «Ҳикоя бу — инсон ҳаётидаги унча катта бўлмаган бир воқеа тасвиридир».

Повестъ жанрининг таърифи мана бундай: «Бир киши ва у билан ҳаёти боғлиқ бўлган бир неча кишининг тақдири ўртача ҳажмда тасвир этилган, аммо ҳаётнинг кенг манзарасини чизиб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўймайдиган асарлар повестъ жанрига мансубдир».

Драма театр саҳнасида қўйиш учун ёзилган бадиий асар, драма «адабий ижоднинг материали — тилдан фойдаланади ва адабий ижоднинг умум қонунлари асосида яратилади», дея таърифланади.

Қолган жанрлар таърифи ҳам шу тарзда. Соддадил талаба бу хил таърифларга (агар уларни таъриф деб аташ мумкин бўлса!) тўла ишонади, бир умр ҳикоя, повестъ деганда шу қоилалар ёдига тушади; диплом олиб мактабларда адабиётдан дарс берганида ҳикоя ва повестъни ўқувчиларга шу тарзда тушунтиради. Бир оз эркин, мустақил мушоҳадага мойил талаба эса бу таърифларни ўзи мутолаа қилган ҳикоя ва қиссалар билан муқояса қилиб кўрганида, улар бу таъриф мезонларига сифмаслигини ҳар қадамда кўради.

Шахсан мен ҳам шу назарий китобларни ўқиб тилим чиққан. Шу орада Р. Уэллек билан О. Уорреннинг 1978 йили рус тилига таржима қилиниб чоп этилган китоби қўлимга тушиб қолди. Бу китоб ўша пайтга қадар назариядан олган, билган барча сабоқларимни ост-уст қилиб юборди. Энг қизиғи, бу китобда бирорта адабий ҳодиса, чунончи, жанр, тур, оқимларга узилкесил таъриф бериш йўқ. Масалан, ҳикоя, қисса, роман ҳақида жаҳон адабиётшунослигидаги энг характерли бир эмас, бир неча қарашлар, таъриф тавсифлар келтирилади, ҳар бир қарашнинг мақбул ва заиф, зиддиятли жиҳатлари айтилади, улар ҳақида ҳукм чиқаришни китобхон — талаба ихтиёрига қолдирилади... Бу хил дарслик, қўлланмани ўқиган китобхон истей-

молчи эмас, чин меҳнаткаш, заҳматкаш фикрловчи ШАХСга, бинобарин, ижодкорга айланади.

Мени қувонтирадиган ҳолат шундаки, бизда ҳам таълим тизими йўсини айни шу «жаҳон стандартлари» даражасига кўтарила бошлади. Афсус, минг афсус, бугунги кунда замонавий герменевтика, синергетика таълимоти қарор топган замонда ҳам назариядан талабаларга тақдим этилаётган қўлланма ва дарсликлар (Дилмурод Куроновнинг 2004 йили чоп этилган «Адабиёт-шуносликка кириш» китобини мустасно этганда) аҳвол-манзара эски ҳаммом, эски тос қабилида.

Ўйлаб қоласан киши. Бизда ҳам фаннинг ҳар бир соҳасида қарашлар, концепциялар хилма-хиллигини тан оладиган, унга амал қиладиган етук олимлар бўлган-ку! Менинг университетдаги талабалик йилларим 1952—1957 йилларда тоталитар режимнинг тафаккурдаги асоратлари энг авжига чиққан ва догматик қарашлар тагига сув кета бошлаган бир даврда кечган. I—II курсларда ўқиган кезларимиз дарсликларда, жумладан, «ВКП(б) тарихи»да ёзилган барча гапларни ҳақиқат деб билганмиз. Сталин вафотидан кейин секин-аста бошқача гаплар чиқа бошлади. Сарғайиб титилиб кетган, махсус идораларнинг тасдиғидан ўтган маъруза матнларини бош кўтармай ўқиб берадиган, аниқроғи диктовка қилиб ёздирадиган домлалар ҳам матндан бош кўтариб ўз сўзларини айта бошлади. Шу орада яқиндагина номзодлик диссертациясини ёқлаган ёш тилшунос олим Шавкат Раҳматуллаев ўзбек тилидан бизга дарсга кирди. Ҳеч қанақа текст-тезиссиз тил муаммоларидан сўз бошлади. Шу пайтга қадар она тилидан билганларимизни — сўз туркумлари, гап бўлаклари ҳақида биз ёд олган қоидаларнинг ҳаммасини биринкетин чирпирак қила бошлади. Шавкат домла она тилимизнинг бойлиги аслида улуғ оға тилшунослигидан олиниб ўзбекчалаштирилган андозаларга асло сифмаслигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар орқали кўрсатиб, исботлаб берар эдилар. Бошда домланинг бу хилдаги фаройиб дарслари, илмий жасорати ҳаммамизни довдиратиб қўйди, домладан шикоят қилиб деканатга кирганлар ҳам бўлди. Кейинроқ бошдан дўппини олиб мушоҳада қилиб кўрсак, устознинг даъволарида жид-

дий асос бор экан; тил илмида ҳам ўйлаб кўрадиган, баҳслашадиган муаммолар бисёр экан. Секин-аста Шавкат ака ёнига О. Шарафиддинов, М. Қўшжоновлар қўшилди. Сокин дарсхоналар баҳс-мунозаралар ўчоғига айланди. Афсуски, мана шу жўшқин ижодий руҳ тил ва адабиёт фанларидан дарслик, ўқув қўлланмаларига ниҳоятда секинлик билан кириб келарди. Зотан, мустабид тузум шароитида бунинг иложи йўқ эди, китоб устидан ниҳоятда қаттиқ назорат ўрнатилган эди.

Бугун бунақа тўсиқлар йўқ-ку! Бу борадаги суст-кашликнинг боиси не? Мазали-мазасиз озуқаларни ўқувчи оғзига чайнаб солиб қўйишдек ибтидоий усулдан қачон воз кечамиз?!

\* \* \*

### Теория литературы. Том IV. Литературный процесс. М., 2001.

Р. Уэллек ва О. Уоррен китобидан қарийб чорак аср ўтиб чоп этилган 600 саҳифадан ортиқ бу салмоқдор китобда сўз санъатининг илк ёзма намуналаридан тортиб ҳозирги кунга қадар босиб ўтган йўли, тараққиёт босқичлари замонавий методология асосида назарий жиҳатдан теран ёритиб берилган. Бу китобда ҳар бир адабиётшунос учун ибрат, сабоқ бўладиган жиҳатлар кўп. Ундаги айниқса, икки жиҳат мени ўйлантириб қўйди. Биринчидан, сўз санъати инсон даҳосининг ниҳоятда тез ўзгарувчан, бетиним янгилашиб турадиган яратилган экан. Иккинчидан, улғу даҳо санъаткорлар ҳамма даврларда ҳам муайян оқим, фалсафа, ҳаттоки муқаддас диний ақидалар доирасига сиғмас эканлар. Ҳар бир янги оқим ўз даврида улкан сўз санъаткорларини, нодир асарларни бериши мумкин, бироқ миллий адабиёт ўша оқим, анъаналар доирасида керагидан узоқроқ қолдими, бас, адабий жараёнда турғунлик, бир хиллик, такрор бошланар экан. Мен Чўлпоннинг ўтган аср бошларида, бадиий ижодда илк қадамларини қўяётган кезлари мумтоз адабиётимизни беҳад ҳурмат қилгани ҳолда унинг йирик намояндаларини бирма-бир санаб, афсус-надоматлар билан «бир хил, бир хил, кўнгил янгилик қидирадир» деган исёнқоро-

на сўзларининг маъносини «Теория литературы» мутолааси жараёнида англаб етгандек бўлдим. Яшириб нима қиламиз, Навоийдек, Бобурдек буюк даҳоларни берган мумтоз адабиётимиз улардан кейинги тўрт асрлик тараққиёти давомида Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқатлар меросини асло камситмаган ҳолда нега Навоий, Бобурга тенглаша оладиган даҳо санъаткорларни бермади? Бош сабаб, биздаги миллий-адабий тафаккур, жараён эски ўзандан, анъаналар доирасидан чиқиб кетолмади, бадий тафаккур тараққиётида кескин бурилиш, янгилик яратолмади.

«Теория литературы»да «Шарқ адабий жараёнида қонун барқарорлиги» боби бор; унда, жумладан, форстожик, ўзбек мумтоз адабиёти учун ўзгармас қонун устуворлиги хос эканлигини айтилади. Улкан сўз ustalари, жумладан, ҳазрат Навоий ҳам қонун тусини олган анъаналарни ҳурмат қилган, чунончи, аруз қоидаларидан салгина бўлсин четга чиқишни нуқсон санаган, ҳатто бу борада устоз шоирларни ҳам танқид қилган. Ажаб, ана шундай аллома мана бундай сатрларни битган:

*Ани назм этки тарҳинг тоза бўлғай,  
Улусқа майли беандоза бўлғай.  
Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ  
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.  
Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,  
Йўликим, эл югурмиштур югурмак.  
Биравким бир чаманда сойир эрди,  
Нечаким гул очилгон кўрди, терди.  
Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,  
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.  
Чу бу сўзларга фикр этти замирим,  
Кўрунди борча маъни дилпазирим.  
Қилиб кўнглумни бу андиша шайдо,  
Таварих айладим ҳар сори пайдо...*

(Хамса, Т., 1960. 164—165-бетлар.)

Қонун устуворлиги шароитида бу сўзларни айтиш-битиш буюк жасорат, улкан исённинг айнаи ўзгинаси эди.

«Лайли ва Мажнун», «Лисон-ут тайр», айниқса, ундаги Шайх Санъон қиссасини ҳар гал қайта мутолаа қилганимда ҳазратнинг мислсиз жасорати олдида лол қоламан. Мажнун билан Шайхнинг ҳам дунёвий, ҳам илоҳий ишқ йўлида жунун ҳолига тушиб халқ-миллат удумлари, шариат аҳкомлари доирасидан чиқиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам кўп ноқулай — танг аҳволга солиб қўйишлари фаройиб ҳол. Мажнунни-ку тушунса бўлади, у ҳали қайнаб қуйилмаган ошиқ йигит. Аммо ёши бир жойга етиб Каъбадек муқаддас масканда неча йиллар кўплаб муридларга бош бўлган, у ердаги барча шайхларнинг шайхи тарсо қизга ошиқи шайдо бўлиб ақл-ҳушини йўқотиб маъшуқасининг барча шартларига сўзсиз кўниши — ислом динидан чиқиб, шайхлик либосини ташлаб, белига зуннор танғиши, ўгит-илти-жоларга кулоқ тутмай бутхонани, оташгоҳни ватан тутиши, Қуръони каримни ўтда ёқиши, май ичиши, чўчқабоқарлик қилиши — булар айтишга осон... Мен ҳам кўплаб ҳамкасбларим қатори Шайхнинг бу хил хатти-ҳаракатларини даҳрийликка йўйишдан йироқман; уларнинг рамзий маънога эга эканини, улар замирида олий, яъни илоҳий ишққа чексиз садоқат ётганини озми-кўпми тушунаман. Бироқ нима бўлганда ҳам Шайхнинг олий ишқ йўлидаги бу хилдаги халқ удумлари, шариат аҳкомларига зид хатти-ҳаракатлари, барибир, ўзини мусулмон санаган бандаи мўминда таажжуб уйғотади.

Шуниси қизиқки, Мажнун қисмати тасвирида бўлгани каби Шайх тақдири, хатти-ҳаракатлари талқинида ҳазрат Навоий ўз қаҳрамонини асло танқид қилиш, фош этиш йўлидан бормайди, балки енгил, латиф бир табассум билан уни тушуниб, авайлаб-ардоқлаб қалам тебратади. Бу жиҳатдан Шайх Санъон қиссаси жаҳон адабиётининг энг нодир намунаси деб тан олинган «Дон Кихот»ни эслатади.

Бу ҳам ўз даври учун буюк ижодий жасорат, мислсиз исён!

Ҳазрат Навоий машҳур қитъасида бежиз ёзмаган:

*Қилибмен онча исёнким, агар дўзах аро кирсам,  
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар тўлғай.*

*Худоё, афв осонроқдурур, йўқса, ғазаб қилсанг,  
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.*

(Мукаммал асарлар тўплами. IV том, 504—505-бетлар.)

Бу ёғи энди Аллоҳнинг ҳукмига, марҳаматига ҳавола!

\* \* \*

**Э. Аҳмедова, Р. Габидулин. Культурология.  
Мировая культура. Т., 2001.**

Бу китоб ҳақида Республика матбуотида тақризлар чиқди, илиқ гаплар айтилди. Китобнинг «Импрессионизм ва жаҳон маданияти», «XX аср маданиятидаги асосий бадий йўналишлар» бобларини бир эмас, бир неча бор қайта мутолаа қилганман. Мазкур боблардаги XX аср жаҳон маданияти, санъатининг етакчи йўналиши бўлмиш модернизм талқинида аввалгидек бу ҳодисага нописанд, юзаки танқидий муносабат йўқ, муаллифлар бу шаклий-бадий ҳодиса моҳиятини тегран англаган ҳолда алоҳида меҳр-муҳаббат билан қалам тебратадилар. Клод Моне, Пьер-Огюст Ренуар, Эдгар Дега, Поль Сезанн, Эдуард Мане, Поль Гоген, Ван-Гог, Пабло Пикассо, Василий Кандинский, Сальвадор Дали каби янги оқимларга мансуб тавсирий санъатнинг буюк намояндалари асарлари таҳлили орқали модернизмнинг инсоният бадий тафаккури ривожидagi беқиёс ўрнини очиб берганлар. «Импрессионистлар, — дея хулоса чиқаради муаллифлар, — санъатни маънавий фаолиятнинг мустақил соҳаси эканини амалда исбот этдилар. Постимпрессионистлар эса санъатни маънавий фаолиятнинг бошқа турларига кўра юксакликка кўтардилар, санъаткорни пайғамбарлик мақоми даражасига олиб чиқдилар; улар назарида бадий нафосат энг юксак маънавий ҳодисага, санъат эса маънавиятнинг энг олий шаклига айланди» (208-бет). Муаллифлар давом этиб модернизм, постмодернизмни ҳам маънавиятнинг юксак кўриниши сифатида баҳолайдилар, «ғўзаллик жаҳонни қутқаради» деган машҳур ақида модерн санъат намуналарида яққол намоён бўлганлигини, бундай юксак санъат амалда жаҳонни асрагани, асраётганини айтадилар (225-бет).

Мени бир ҳолат таажжубга солади: миллий адабиётимизда модерн шеърят, наср аллақачон адабий ҳодиса тусини олган, бу жараён теварагида қизгин баҳс-мунозаралар кетяпти. Модерн шеърят, наср муаммоларига бағишланган бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинди, улар муҳокамаси, ҳимоясида қатнашиб тураман. Модерн йўлида ижод қилаётган шоир, носирлар, ёш тадқиқотчилар билан суҳбатлашганда уч-тўрт ёзувчи-шоир, ёш мунаққидни мустасно этганда, аксарияти модернизм бобида ёндош санъат турлари — кино, тасвирий санъат, музика оламида бу борада нималар бўлгани, бўлаётганидан беҳабар. Модерн адабиёт муаммоларини улардаги, айниқса, тасвирий санъатдаги жараёнлардан айри ҳолда англаш мумкинми, ахир! Боз устига устоз мунаққидларнинг модернизмга муносабати ҳам қўнғилдагидек эмас. Озод акадек устоз: «Шаҳсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман», Малевичнинг «Қора квадрат» деб аталган суратининг нима маъно англашганини шу пайтгача тушунганим йўқ», деб турсалар, шогирдларнинг аҳволига вой... («Ижодни англаш бахти», 245—246-бетлар).

Озод ака айтганларидай, модернизм жўн ҳодиса эмас, уни англаш хийла мушкул. Қийин, мураккаб деб ундан қўл силташ керакми?! Уни англаш, ўрганиш йўлида биз нима қилдик, қиялпмиз? Жаҳон санъатшунослиги, адабиётшунослигида маодернизмга оид юзлаб, минглаб китоблар бор. Юқорида тилга олинган «Теория литературы» тадқиқотининг 150 саҳифаси модернизм тадқиқига бағишланган. Шунингдек, китобда «Модернлашган реализм» деб номланган салмоқдор бир боб ҳам бор.

Шуниси ачинарлики, сўнги йилларда «Адабиёт назарияси асослари», «Адабиёт назарияси», «Адабиётшуносликка кириш» номи остида бизда чиққан ўқув қўлланма, дарсликларда бу мавзуга лоақал бир саҳифа ҳам ўрин ажратилган эмас.

Бизда модернизм теварагида кечаётган гоҳ жўшқин, гоҳ сокин баҳс-мунозаралар, Абдулла Қаҳҳор айтмоқ-



чи, юз йиллар бурун гугурт ихтиро қилинганидан беҳабар иккита чақмоқтошни бир-бирига уриб учқун-олов чиқаришга уринишдай гап. «Культурология» китобидаги каби модернизм тўғрисида она тилимизда холис, теран таҳлилий асарлар яратиш пайти келди.

\* \* \*

**Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье.  
Фалсафа тарихи. Т., 2002.**

Бу китобнинг ҳам русча, ҳам ўзбекча нусхалари, мана, икки-уч йилдирки иш столим устида туради. Деярли ҳар куни, кунора уни варақлаб тураман. Бундай нодир китобни она тилимда ўқигим келади, афсуски, таржима яхши чиқмаган, ўзбекчада тушунмаган жумлаларни русчада ўқийман. Мен Ницшедан тортиб Хайдеггер, Гадамер, Деррида, Хабермас каби файласуфлар таълимотига бағишланган бобларни қайта-қайта мутолаа қилишдан чексиз завқ, табиийки, маънавий-маърифий озиқ оламан. Айни пайтда шундай китоб 70 ёшдан ошган чоғимда қўлимга тушганидан ўкинаман. Бундан қирқ-эллик йил олдин шу хил «Фалсафа тарихи» билан танишганимда борми, менинг фандаги тақдирим бутунлай ўзгача йўллардан кетган бўларди-ку! Талабалик йиллари бизга дунёда биргина энг тўғри, энг мукамал таълимот бор, қолганлари бариси нотўғри, реакцион деб ўргатишган. Бизнинг ёш умримиз марксча-ленинча сохта, асл илмга ёт фалсафа тарихини ўрганиш йўлида увол кетди... Биз яшаб илм билан шуғулланиб юрган кейинги ярим аср давомида жаҳонда нақадар ранг-баранг, бой тафаккур дурдоналари яратилган экан!

Шундай дориломон замонларда мана шундай ноёб китобларни ўқимай, улардаги янгича қараш, талқинлардан беҳабар ҳолда ижтимоий гуманитар, публицистика, адабиётшунослик бобида қалам тебратаётган ҳамкасб дўстларимизнинг мақолаю китобларидаги гаройиб мулоҳазаларга дуч келиб, таажжубдан ёқа ушлайсан киши. Адабиётшунос Дамин Тўраев «Давр ва ижод

масъулияти» китобида ёзади: «Ф. Ницше супер-инсонни тарғиб қилиб, бутун инсоният бошига ҳақоратлар ёғдирган. Фашизм Ф. Ницше гоёларини ўзига шиор қилиб олган эди» (22-бет). Шунга яқин қарашни Гаффор Ҳотамовнинг «Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари» бадиясида ҳам учратамиз («Жаҳон адабиёти», 2004 йил, сентябрь, 33—34-бетлар).

Бу хусусда, «Фалсафа тарихи»да, мана, нималар дейилган: «Ницше ўзидан кейин бир қанча нашр этилмаган қўлёзма ва мақолалар қолдирди. Унинг антисемит кайфиятдаги ва кейинроқ нацист бўлиб қолган синглизис Элизабет Фёрстер-Ницше (Elizabeth Forster-Nietzsche, 1846—1935) уларни таҳрир қилди ва нашр этди. Ницшенинг антисемит ва миллатчи экани тўғрисидаги афсоналар ҳам синглизис билан боғлиқ. Ницшени нацизмнинг салафи сифатида тасвирлашга бўлган уринишлар ҳам унинг асарларини нашр этишда синглизис қилган ўзгаришлар туфайлидир» («Фалсафа тарихи», 534-бет).

Шу хил ҳақиқатлардан беҳабар ҳолда «Зардушт таваллоси»дек буюк асар муаллифи, фалсафа тарихида улкан бурилиш ясаган буюк сиймо ҳақида бирёқлама мулоҳаза юритиш публицист ёки олимни ноқулай аҳволга солиб қўйиши турган гап...

\* \* \*

**«A Beautiful Mind». «Тафаккур ўйинлари». АҚШ. 2001.**  
**Режиссёр — Рон Ҳовард. Бош ролда Рассел Кроу.**  
**«The Passion of the Christ». «Исо Масих изтироблари».**  
**АҚШ. 2004. Режиссёр — Мэл Гибсон. Бош ролда**  
**Жэймс Кавизел.**

Кейинги йилларда жавондаги китоб шаклидаги жавоҳирлар ёнига видеокассеталар келиб қўшилди. Бозорларга бир қур кўз ташланг, китобларга қараганда кассеталар бир неча бор кўплигига иқрор бўласиз. Ҳозир китоб дўконлари тансиқ бўлиб қолди, бироқ ҳар қадамда кассета дўконларига дуч келасиз; видеокассеталарнинг бозори эса китобларга қараганда хийла чаққон...

Менинг китоб жавонимда ҳам бир талай бугунги жаҳон киносининг нодир асарлари тўпланиб қолди. Шулардан айримларини визуал мутолаа-томоша қилиш асносида кўнглимда кечган ўй-мушоҳадаларни айтсам дейман.

**«Тафаккур ўйинлари»**ни ўн мартадан ортиқ томоша қилдим, шекилли. Ҳар гал томоша пайти фильмнинг икки жиҳати мени лол қолдиради. **Биринчиси:** асарда улкан шахс табиати, қисмати билан боғлиқ ниҳоятда нозик, қалтис ҳолат — юксак маънавий заковат, доҳиёна ақл-идрок билан жисмоний хасталик, телбалик жазаваси. Ҳар гал фильмни томоша қилаётганда юракни ҳовучлаб тураман. Буюк шахс, даҳо олим тутқаноқ жазавасига тушиб ақл-хушини йўқотган кезлари у ҳақда томошабинда ўзгача, нохуш таассурот туғилиб қолмасмикин, деб хавотир оламан. Йўқ, актёр, режиссёрларнинг маҳоратини қарангки, қаҳрамон — буюк шахсни ана шундай қалтис вазиятлардан бир неча бор унинг шаънига заррача бўлсин доғ туширмасдан олиб чиқиб кетадилар. «Тасанно!» дейман. Мана буни чинакам санъат дейдилар.

**Иккинчиси:** биз кўпинча Ғарб санъати, адабиётида, аниқроғи, замондошлар ҳаётидан олинган асарларда улкан муҳаббат тасвири йўқ бўлиб кетди, деган хомхаёлда юрардик. «Тафаккур ўйинлари» бу борадаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборади. «Тафаккур ўйинлари»да улкан муҳаббат, севгига садоқатнинг мислсиз ҳаётбахш кучи ниҳоятда табиий, самимий бир тарзда чин санъаткорона тараннум этилган. Фильм томошаси пайти кўнгилга яқин, таниш оҳанглар оғушида хаёл сураман; асар нимаси биландир ўзимизнинг мумтоз шеъриятимиздаги оташин севги тароналарини, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» қаҳрамонлари кечмишини эсга солади. Дарвоқе, фильм Зулфия Назарнинг жаҳонга машҳур «Ёрқин тафаккур» китоби асосида суратга олинган. Муаллифнинг ота қонидан ўтган шарқона-ўзбекона руҳ «Тафаккур ўйинлари» фильми лентасига кўчган бўлиши табиий-ку, дейман; унинг жаҳоний доврўғида ўзбекона руҳнинг ҳиссаси ҳам борлигидан қувонаман...

«Исо Масиҳ изтироблари» томошаси асносида тарихий шахс ифодаси, талқини бобида кино санъати тарихий романчиликка қараганда анча илгарилаб кетганига амин бўласан киши. Исо Масиҳнинг сўнгги ўн икки соатлик ҳаёти, унинг жоҳил мутаассиблар, мустабид тоталитар режим жаллодлари қўлида чеккан мислсиз тан ва руҳ азоб-уқубатлари ифодасини томоша қилиш қийин, ниҳоятда қийин! Биринчи гал телеэкран қаршисида охиригача ўтуrolмадим, юрагим дош бермади. Иккинчи-учинчи марта аранг чиладим. Жаллодларнинг қилмишини тушуниш мумкин, уларнинг қўлидан келадиган юмуш шу. Мустабид режим етиштирган оломоннинг ҳолига қаранг. Аллоҳ халоскор қилиб юборган ўз Пайғамбарини танишни, тушунишни асло истамайди, тоқат қилиш мумкин бўлмаган жазо пайтлари унинг қаршисида жимгина томошабин бўлиб туради. Бугина эмас, жаллодлар қутқуси билан уюштирилган сазойи чоғи бу ифлос кампанияда фаол иштирок этади. Энг ачинарлиси — икки жиноятчидан бирини озод қилиш имкони берилганида, нотавон оломон даҳо халоскорни эмас, қип-қизил жиноятчи, тубан бир кимсани танлайди! Ана сизга оломоннинг чин қиёфаси! Оломон орасида Исо Масиҳни тушунадиганлар, унга қайишадиганлар ҳам бор, бироқ уларнинг қўлидан ҳеч вақо келмайди, фақат алам-изтироб, кўз-ёши тўкиш билан чекланадилар...

Ҳар қандай қилмиш-қидирмишнинг охир-оқибат ажри бор, пировардида балохўрларни ер ютади, Исо Масиҳ руҳи эса мангу тирик қолади.

Фильм томошалари чоғи ўйга толаман: адабиёт ва санъатни шунчаки эрмак, ўйин деган гаплар қуруқ сафсатабозлик эканига яна бир карра иқрор бўламан. Улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас», деганида нақадар ҳақ эканини мана шу фильм ҳам яна бир бор тасдиқлайди. Эшитишимча, Америка аҳолисининг қарийб 80 фоизи бу фильмни кинотеатр экранларида томоша қилишибди. 2004 йил ёзида Тошкент шаҳрининг айрим кино залларида бу фильм намойиш этилди. Бироқ Америкадагидек шуҳ-

рат қозонмади. Ҳолбуки, фильм қаҳрамони Исо Масиҳ насронийларгина эмас, биз мусулмонлар учун ҳам азиз. Исо Аллоҳнинг каломи нозил этилган пайғамбарлардан. Қуръони каримда бир неча бор унинг табаррук номи эҳтиром билан тилга олинади. Унга нозил бўлган «Инжил» кейинчалик аслиятдан узоқлашиб кетгани, ўзгаришлар, бузилишларга учрагани рост. Бунинг учун Исо Масиҳ айбдор эмас. Бу фильм бизни бугунги кунда буюк зотларнинг инсоният олдидаги буюк хизматларини қадрлашга, халоскор зотлар ишончини топтаган мустабид кимсалар, мутаассибларнинг асл башарасини таниб олишга чорлаши билан қадрлидир.

*2005 йил март*

## II. ЁРҚИН СИЙМОЛАР

### Қодирий мўъжизаси

1914 йилнинг 1 апрелида «Садои Туркистон» газетасида «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали ихчамгина хабар-мақола босилди. Мақола охирига Абдулла Қодирий деган имзо чекилган эди. Айни шу газетанинг 4 апрел сониди айни шу имзо билан «Тўй» номли шеър чиқди. Сўнг бирин-кетин «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор!», «Фикр айлагил» номли газал шаклида ҳажвий-маърифий йўналишдаги «Қодир», «Қодирий» тахаллуси билан якунланадиган шеърлар пайдо бўлди. Ўша хил мақола ва шеърларга биров эътибор берди, бошқалар эса эътибор ҳам бермади. Чунки ўша кезлари миллий матбуот бу хил ташвиқотчилик руҳидаги қолоқ одатларни қораловчи мақола, шеър, ҳажвиялар билан тўлиб-тошиб чиқарди. Қодирий эса бўш келмади, миллат гами, жадидчилик ғоялари билан йўғрилган «Жувонбоз» ҳикоясини, «Бахтсиз куёв» драмасини тақдим этди. Ёш ижодкор, Ойбек айтганидек, турмушни бадиий кўрсатишда ғоят тез ўсди. Орадан оз фурсат ўтиб 1916 йилда яратилган «Улоқда» ҳикояси ёзувчининг аввал ёзган асарларига нисбатан тенглаштирилмаслик даражада юқори бир асар бўлиб чиқди. «Улоқда» ҳикоясида, — деб ёзади Ойбек, — ташвиқотчининг, воизнинг ўрнини санъаткор олади. Ёзувчи бу асарда воқеалар устида муҳокама қилмайди, тушунтирмайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади».

Дадил айтиш мумкинки, «Улоқда» ҳикояси миллий адабиётимизда пайдо бўлган биринчи тўлақонли реалистик проза намунасидир. Қодирий айни шу ҳикояси туфайли бошқалардан ярқ этиб ажралиб кўринди, айни шу ҳикоя муаллифни бетакрор ноёб санъаткор ёзувчи сифатида элга танитди, Қодирий феномени, бадиий мўъжизаси айни шу асаридан бошланди. Ора-

дан уч йил ўтиб 1919 йили адиб улуғ бир муддаога қўл урди, миллатимизнинг яқин ўтмишидан «Ўткан кунлар» отлик роман ёзишга чоғланди, бу кутлуғ иш 1920 йилнинг декабрида интиҳосига етди. Асардан боблар матбуотда эълон этилди. Афсус, асарнинг тўла ҳолда китоб бўлиб чиқиши беш йил кечикди. Ҳечдан кўра кеч, деганларидек роман 1926 йили тўлиғича ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу ҳодиса фақат миллий адабиётимиз тарихида эмас, Марказий Осиё маданияти, маънавий ҳаётида ҳам улкан ҳодиса, байрам бўлди.

«Ўткан кунлар»га нуқта қўйилгандан сўнг беш йил давомида ёзувчи жим тургани йўқ. Айни шу йилларда у қизғин журналистик фаолият билан шуғулланди, ўткир баҳс-мунозара руҳидаги мақолалари, ҳажвий асарлари, хусусан, «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» туркум ҳажвиялари эл орасида машҳур бўлиб кетди, «Муштум» журналининг ташкил топиши ва оёққа туришида адибнинг хизматлари беқиёсдир. Булар билан чекланмай адиб яна бир янги тарихий роман устида ишлади, асар 1928 йил февралда интиҳосига етди, орадан бир йил ўтиб китоб ҳолида чиққан «Меҳробдан чаён» романининг довуғи «Ўткан кунлар»дан кам бўлмади. 1932—1934 йиллари «Ўзбекистон шўро адабиёти» журнали саҳифаларида «Обид кетмон» қиссаси эълон этилди, 1935 йили эса китоб ҳолида босилди. Шу тариқа ўн йил давомида Қодирийнинг учта йирик асари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Шу уч асар туфайли миллий адабиётимиз равнақида янги бир давр бошланди. Бу ҳодиса аҳамиятини мумтоз адабиётимиз тарихидаги Навоий «Хамса»сига қиёс қилиш мумкин. Навоий «Хамса»си туфайли ўзбек-туркий адабиёти форс-тожик, қолаверса, Шарқ адабиёти билан бемалол бўйлаша ва баҳслаша оладиган нодир асарга эга бўлганлигини яхши биламиз. Худди шунингдек, Қодирий романлари туфайли, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, миллий адабиётимиз Европа, бинобарин, замонавий жаҳон адабиёти мезонлари билан ўлчаганда ҳам тўлақонли етук асарларга эга бўлди.

Улуғ адибнинг бу шоҳ асарлардаги беназир бадиий ихтиро ва кашфиётлари адабиётшуносликда баҳоли қуд-

рат тадқиқ этилган, улар мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликлари орқали кенг жамоатчиликка озми-кўпми таниш. Бу ўринда улар устида махсус тўхталишга ҳожат йўқ. Сизу бизни бир ҳолат ҳайратга солади. Жаҳон адабиёти тарихига бир қур назар ташланг — тараққий этган мамлакатлар миллий адабиётидаги янгича замонавий йўналиш, оқимлар бир неча ўн йиллик тажрибалардан сўнг улкан ютуқларга эришганлигига амин бўласиз. Юқорида эслатилганидек, илк тўлақонли реалистик ҳикоя — «Улоқда» асаридан уч йил ўтиб «Ўткан кунлар»дек романнинг, сўнг бу ноёб тажрибани яна кўп фазилатлар билан бойитувчи «Меҳробдан чаён» ва «Обид кетмон»дек асарларнинг яратилиши чиндан ҳам жаҳон янги адабиёти тарихида сийрак учрайдиган ҳайратомуз ҳодиса! Хўш, Қодирий бунга қандай қилиб эришди?

Авалло, Қодирий Аллоҳ берган ноёб, беназир истеъдод эгаси эди. Қодирийнинг шахсияти, дунёга келиш тарихи ҳам ўзига хос, бир қадар фаройиб. Адибнинг ўзи оилавий муҳити, хусусан, отаси ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган. Жумладан, «Меҳробдан чаён» романига илова тариқасида ёзилган «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида» сарлавҳали сўнгсўзида ёзувчи ул вақтларда ҳовлилари Эскижўва маҳалласида бўлганлигини айтади. Адибнинг катта ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ёзишича, Қодир бобо тўрт марта уйланган, аввалги уч хотинидан фарзанд бўлмаган ёки фарзандлар туғилган бўлса ҳам турмаган. Ниҳоят охири хотини Жосият бибидан Раҳимберди отлиқ ўғил кўради, аммо ундан кейин туғилган ўн икки фарзанд бирин-кетин нобуд бўлаверади. Шундан сўнг ирим қилиб оила бу «хосиятсиз» хонадонни ташлаб тўртинчи Эшонгузар маҳалласидан бўш жой сотиб олиб иморат қуради, ўша янги ҳовлида 1894 йил баҳорида янги ўғлон дунёга келади, унга Абдулла деб исм беришади. Ўн икки жондан сўнг тирик қолган гўдак Аллоҳ ёрлақанган зот бўлиши аён эди. Шифокорларнинг гувоҳлик беришича, бундай зотнинг зуваласи алоҳида унсурлардан яратилар эмиш. Яна бир фаройиб жиҳати, Абдулла туғилганида ота — Қодир бобо 72—73 ёшларда эди, Абдулладан кейин тўрт



йил ўтиб 77 ёшида яна бир ўғилли бўлган, 104 йил умр кўрган. Демак, Абдулланинг тани-вужудида ота қонидан ўтган юз йилларга еттулик куч-қудрат, ноёб имкониятлар мавжуд эди. Энг муҳими, Қодир бобо бўлғуси адиб Абдулла Қодирий учун тирик тарих, нақд бебаҳо хазинанинг ўзгинаси эди. Қодирийнинг шахс — фуқаро ҳамда ёзувчи бўлиб шаклланишида бу аломат зотнинг таъсири бениҳоя катта. Қодирий тарихий асарлари учун қимматли маълумотларни аввало шу одамдан олган. Бу ажойиб сиймо Қодирийни машҳур романларида акс этган давр билан туташтирувчи олтин ҳалқа хизматини ўтаган. Қодирий 1922 йили ёзган «Отам ҳам большевик» номли хотира-ҳикоясида Қодир бобо ҳаёт йўлининг энг муҳим паллалари, сажия-характерининг айрим муҳим жиҳатлари ҳақида самимият билан сўзлайди. Даставвал, бу одам руслар келганда 42 ёшда бўлиб, Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қилганларнинг бири эканини, қирқ йиллаб мусулмон хонлар замонини, эллик йиллаб Русия чор истибдодини ва беш йилдирки, шўро ҳокимиятини кўрганлигини айтади. Ҳикоядаги қария шунчаки кўпни кўрган меҳрибон ота, бетакрор шахсина эмас, балки қатъий маслак-эътиқодга эга бўлган, юз ёшга етганда ҳам мустамлакачилик сиёсатини асло ҳазм қила олмайдиган, миллат қайғуси, истиқлол ғами билан юрган ижтимоий-сиёсий сиймо ҳамдир.

Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясида, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида ҳам бу табаррук зот ажиб бир эҳтиром билан тилга олинади. «Ўткан кунлар»нинг «Эсини киргизди» бобида «Мен — ёзувчи, «Ўткан кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим» деса, «Меҳробдан чаён» хотимасида эса «Мен мирзо Анвар ҳикоясини марҳум отамдан эшиткан эдим», деб ёзади. Бугина эмас, роман воқеалари, бош қаҳрамон қисмати бевосита ўша табаррук отахон Қодир бобо билан ажойиб бир тарзда туташади.

«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»дек романларни яратиш учун шуларнинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Бунинг учун ёзувчида муайян тайёргарлик, катта адабий билим, замонавий бадиий эстетик бисот

хам бўлиши зарур эди. Ёзувчи болалигиданоқ Шарқ ва Фарб маданияти, адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига муяссар бўлди. Эски мактаб, мадрасада таълим олиб диний-исломий билим, араб, форс тиллари, адабиётларини чуқур ўзлаштирди; татарларда ва бошқа қардош туркий тилларда чиқиб турган газета, журнал, театр ва янги типдаги проза намуналари билан ошно бўлди. Адиб Миср ёзувчиси Жўржи Зайдон асарларини севиб мутолаа қилди, Зайдонни ўзини роман ёзишга ҳаваслантирган устоз деб атайди. Боз устига рус-тузем мактабида ўқиб, уни аъло баҳолар билан тугатади, рус тилини мукамал эгаллайди. Москвада В. Я. Брюсов номидаги Бутуниттифоқ адабий-бадий институтида таълим олади, жаҳон адабиёти, маданияти билан яқиндан танишади. Қодирийнинг 20-йилларда ёзган адабий-танқидий мақолаларида рус ва Европа адабиётининг Данте, Сервантес, Гоголь, Толстой, Чехов каби буюк намояндалари номлари учрайди. Айни пайтда ёзувчи бу адиблар ижоди моҳиятини, умуман жаҳон адабиётидаги жараёнларни чуқур англаб етган, улар хусусида теран фикр-мулоҳазалар билдирган. «Ёзувчи бўладирган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак», — дейди у бир суҳбатда. Умуман олганда Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» устида ишлаётган кезлари ҳар тарафлама шаклланган мукамал адабий-эстетик қарашлар соҳиби эди. Шуниси муҳимки, Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари, хусусан, реализмга доир фикр-мулоҳазалари бевосита ижод-амалиёт жараёнида туғилди, шаклланди. 20-йиллар ўзбек адабиётида ҳеч ким Қодирийчалик реализм назарияси билан бу қадар кенг машғул бўлмаган. Қолаверса, ўша кезлари бизда ҳеч ким реалистик тасвир бобида Қодирий даражасига кўтарила олмаган. Жаҳон адабиёти тарихидан яхши биламизки, адабиёт ва санъатдаги янги метод, оқимларнинг эстетик концепциясини биринчи галда ўша оқимга мансуб ижодкорларнинг ўзлари ишлаб чиққанлар. Янги ўзбек адабиёти, аниқроғи, насрининг шаклланиши ва ривожиди шу буюк вазифани ўташ биринчи галда буюк реалист адиб Қодирий зиммасига тушди.

Қодирий ижтимоий фаолият доирасига, бадий

ижод оламига XX аср бошларида ўлкада етакчи ижтимоий-мафкуравий куч саналмиш жадидчилик ҳаракати таъсирида кириб келди. Кўпчилик илғор маърифатпарвар, эрксевар ижодий зиёлилар қатори у юртдаги миллий уйғониш, инқилобий ўзгариш, озодлик ҳаракатларига зўр хайрихоҳлик билдирди. «Николайнинг тахтдан йиқилиб, ҳуррият бўлғонига хурсандлигим, албатта дунёга сиғмас эди, — деб ёзади у таржимаи ҳолида. — Айниқса, 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди». Қодирий октябр тўнтраши ва большевикларнинг сиёсатини дастлаб феврал ҳурриятининг давоми деб тушунди. «Октябрдан биз бошлича жасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик», инқилоб «онг берди, ҳақ берди», дея қувонади. Катта ишонч, ғайрат-шижоат билан «озодлиғ йўлида ҳар қандай оғирликқа ҳам чидаб» турли вазифаларда ишлайди, кўпроқ матбуотда — «Озиқ ишлари», «Рўста», «Иштирокиюн», «Инқилоб» газета ва журналларида фаолият кўрсатади, «Муштум» журнали унинг иштирокида ташкил топади. Ҳ. Қодирий берган маълумотга кўра, адибнинг 1919—1925 йиллар оралиғида ёзган мақолалари 300 атрофида. Қодирийнинг публицистик чиқишлари аввало ўша даврнинг тарихий ҳужжати, замонасининг солномаси, ёзувчининг ўша йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига, кундалик воқеаларига, ҳаёт муаммолари, жумбоқларига муносабати, қалб садоси, адиб ўйлари, маънавий изланишлари, асл ғоя ва маслағи ифодаси, қисқаси — ёзувчининг маънавий таржимаи ҳоли ҳужжатлари сифатида ғоят ардоқли. Қодирий қандай мавзуда қалам тебратмасин, уларда адиб шахсияти, қалб бисоти, кучли ва ожиз жиҳатлари баралла кўриниб туради.

Қодирий катта қалб, зўр ақл-заковат, юксак истеъдод соҳиби бўлса ҳам, барибир, у ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг, шўро матбуотининг эҳтиросли қаламкашига хос муайян «қизиллашиш», инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари авж олдирилган «синфий кураш», динга қарши жазавали даҳриёна кампания таъсирида бойлар, эшонлар, уламоларни фақат бой, эшон, ула-

мо бўлганликлари учунгина синфий душман санаб уларга қарши матбуотда «жиҳоди акбар» эълон этиб аёвсиз кураш олиб боради. Синфий, мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда гоҳо қизиққонлик кўрсатади, баҳслар пайтида одоб доирасидан чиқиб кетади... Лекин адибнинг матбуот саҳифаларидаги жўшқин фаолияти асосан большевиклар олиб бораётган сиёсатнинг ички зиддиятларини кўрсатишга йўналтирилган. У бор овоз билан ҳақиқатни айтиш, ёзишга интилади. Аммо унинг бу интилишлари бирин-кетин кескин қаршилиқларга учрай бошлайди. «Московдан» хатлардаги танқидий мулоҳазалари, айниқса, «Йиғинди гаплар»даги ҳаёт зиддиятларига ҳазил-мутойиба тариқасидаги юмористик муносабати, ҳукумат одамлари хусусидаги ҳазиллари катта шов-шувларга, оғир кўргилиқларга олиб келишини бошида у хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. «Муштум»да босилган шу мақола учун улуғ адиб устидан жиноий иш очилиб, у ҳибсга олинди. Демак, бу даврга келиб шўро воқелиги зиддиятларини кўрсатиш, жамият, унинг раҳбарияти ҳақида танқидий гап айтиш имконияти битди!

Чархи кажрафторнинг нағмасини қарангки, миллий адабиётимиз равнақида янги давр очган «Ўткан кунлар» тўла ҳолда китоб бўлиб чиққан, қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган, маънавий ҳаётимизда катта байрамга айланган ўша 26-йил баҳор кунларининг бирида, қолаверса, ўша кезлари расмий байрам тарзида нишонланадиган айни 8 март кунида «Ўткан кунлар» муаллифи қамоққа олинди.

«Абдулла Қодиров иши»га оид архив ҳужжатлари орасида «Сўроқ мажлиси протоколи» номи остида ўзбек тилида нисбатан батафсил, саводли тузилган баённома сақланиб қолган. Афтидан, баённомадаги Қодирийнинг сўзлари адиб томонидан ўз қўли билан ёзиб берилгану, котиб уни оққа кўчирган. Протокол-баённомада Қодирий ўзига қўйилган айбларнинг бошдан-оёқ сохта, мантиқсиз ва ғаразғўйликдан иборат эканини, ўзининг кимлигини — ўтмиши, ҳозирги куни, эътиқоди ҳамда маслагини баён этиб беради. Суддаги «Абдулла Қодирийнинг охириги сўзи» деб аталган бу тарихий ҳужжатда Қодирий табиатига хос кўп жиҳатлар —

мустаҳкам имон-эътиқод, катта ақл-заковат, зўр ман-тиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ростгўйлик, мардона бир шижоат ёрқин намоён бўлган. Хийла босиқ, мулоҳазакорлик билан қоғозга туширилган охириги сўзда, барибир, Қодирийнинг бадиий ижод, ҳиссиёт кишиси экани, унинг ёниқ қалби, юрак тугўни, газаби, нафрати, алам-изтироблари, фиғони — барча-барчаси баралла сезилиб, эшитилиб туради. Унингча: «Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, «ўзини билмаган ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир». У гурур билан «шу кунгача маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида», дейди. «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса «иҳ» дейдиган йигит эмасман» — адибнинг бу сўзларида ҳеч қанақа ясамалик, муболаға йўқ. «Кўнглида шамсий губороти, тескаричилик мақсади бўлмагон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир қанча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир». Адибнинг алам-ўкинчларга тўла бу қалб фиғони уни шу кўйларга солган, шундай қарорга келишга мажбур этган тубан, ғаразгўй кимсалар, ўша машъум муҳит — вазият устидан чиқарилган зўр айбнома каби янграйди. Ана шундай довурак, қатъиятли, мардона шахсгина «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»дек мардона асарларни яратишга қодирдир.

Ҳали инсоф-диёнатини, адолат туйғусини йўқотмаган масъул ходимларнинг аралашуви, ҳиммати, энг муҳими, ўзининг мислсиз матонати туфайли Қодирий 26-йил вабосидан омон қолди, лекин унинг шундан кейинги ўн йиллик ҳаёти мафкуравий-сиёсий таъқибу таҳдидлар, тазйиқлар ичида кечди; ўшандай шароитда ҳам адиб қўлдан қаламини қўймади. Бироқ бошдаги қора булутлар тобора қуюқлашиб борди; ниҳоят, 1937 йил совуқ қиш кечаси, қаранг, яна байрам — Янги йил арафасида у қамоққа олинди; ўн ойча давом этган тергов, қийноқ, сохта айбловлардан сўнг 1938 йил 4 октябрда отиб ташланди. Ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бу сиймо ота умрининг ярмини ҳам яшамай туриб ҳаётдан жудо этилди.

Қодирийнинг шон-шавкати ҳам, фожиавий қисмати ҳам кўп жиҳатдан «Ўткан кунлар» билан боғлиқ. Қарангки, халқ байрамдек кутиб олган роман ҳақида на адабнинг замондош қаламкаш дўстлари, на мунаққидлар икки йил давомида ҳеч нарса демадилар, матбуот деярли сукут сақлади. Ниҳоят, «За партию» журналининг 1928 йил март сонида Ўзбекистонда яшаб ижод этган рус ижодкори М. Швердиннинг «Биринчи ўзбек романи» сарлавҳали мақоласи босилди. Мақола бошдан-оёқ «Ўткан кунлар» романини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан қоралаш, рад этишга қаратилган эди. Мақола муаллифи асарни бадиий жиҳатдан юксак, аммо мафкуравий жиҳатдан яроқсиз деб атайди, ёзувчини ўз асари орқали буржуазия манфаатини ҳимоя қилишда, феодал ўтмишни идеаллаштиришда айблайди. М. Швердин тўғридан-тўғри: «А. Қодирий романи — биринчи ўзбек романи мафкура жиҳатдан бизнинг роман эмас», — дея ҳукм ўқийди. Шу тариқа партия матбуоти саҳифаси орқали «Ўткан кунлар»га қарши уруш эълон этилди.

М. Швердиндан илҳомланган ёш ўзбек мунаққиди Сотти Ҳусайн «Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1929 йилги бир неча сонларида «Ўткан кунлар» тўғрисида йирик танқидий мақола билан чиқди. Сотти Ҳусайн ҳам моҳият-эътибори билан Швердин қарашларини давом эттирди.

Донишманд адиб А. Қодирий С. Ҳусайн мақоласига жавобан ғоят босиқлик, билимдонлик ва одоб билан «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар»ни ёзди. Жоҳил ва ўжар танқид бу аломат тарихий ҳужжат — теран назарий-эстетик мулоҳазалар устида ўйлаб кўриш ўрнига уларни қаҳр-ғазаб билан кутиб олди. Улуғ адабнинг 9 банддан иборат изоҳларига қарши 9 банддан иборат катта дағдағали мақола ёзиб роман муаллифининг барча асосли мулоҳазаларини чираниб рад этишга ҳаракат қилди. Мунаққид дағдаға билан: «Мен «Ўткан кунлар» устида фикр юритган вақтимда ҳам масалага синфий кураш нуқтаи назаридан қарадим...

Мен А. Қодирий шаҳар майда буржуазиясининг руҳини адабиётда акс эттирувчи вакили деган натижани

чиқарган эдим. Ҳали ҳам шундай фикрдаман. Чунки А. Қодирий яратган типлар, суратлар майда буржуазиянинг дунёга қараши ва дунёни тушунишидан фарқи йўқ», — дейди.

Улуғ адиб бунақа жоҳил, дағал, демагог кимсалар билан гаплашиш, баҳслашиш, улар қаршисида ўзини оқлаш, ҳақиқатни ёқлаш беҳуда эканини англаб етди. Шу хилдаги ҳукм-хулосалар охир-оқибат машъум 37-йилга келиб «Ўткан кунлар» муаллифининг олтин бошини еди.

Одамни таажжубга соладиган жиҳати шундаки, 50-йиллар ўрталарига келиб бир қатор қатағон қурбонлари қатори Қодирийни оқлаш ҳаракати кетаётган кунларда ҳам улуғ адибнинг улуғ асари устидаги қора булутлар соя солишда давом этди.

Махсус идора ходимлари 1956 йил 17 апрелда «Ўткан кунлар», «Обид кетмон» ҳамда «Кеча ва кундуз» романларини қайта кўриб чиқиш, баҳолаш мақсадида бу асарларни ўша йиллари республика бирлашган нашриёти раҳбариятидан иборат эксперт комиссиясига юборди. Комиссия аъзолари ҳар уч асар ҳақида ўз ҳукм-хулосаларини махсус идорага ёзма равишда йўллаганлар. Жумладан, ўша йилнинг май ойида «Ўткан кунлар» романи (Тошкент—Боку, 1933. Редактор М. Рафиқов) ҳақидаги уч саҳифадан иборат комиссия аъзолари имзоси билан берилган экспертиза хулосасида «Ўткан кунлар» бошдан-оёқ салбий баҳоланади. Роман муаллифига жиддий ғоявий-сиёсий айблар тақалади. Хулоса-тақризнинг «Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг буржуа-миллатчилик руҳидаги советларга қарши романи «Ўткан кунлар» ҳақида» деб аталишининг ўзиёқ шундан далолат беради.

Хулосанинг бош қисмида романнинг қисқача мазмуни, асосий воқеалари шарҳланади, сўнг асар қаҳрамонлари таърифига ўтиб шундай дейилади:

«Отабек — авторнинг идеали. Унинг ҳаёти ёзувчини халқ ҳаёти ва халқ курашидан четга тортган. Гарчи автор халқ ва унинг кураши ҳақида кўп гапирса ҳам улар аниқ образлар орқали кўрсатилмаган. Меҳнаткаш халқ вакиллари (Ҳасанали, Олимбек ва бошқалар) Отабекка садоқатли хизматкорлар тарзида берилган».

Энди бу гаплардан чиқарилган хулосани ўқинг: «Буларнинг барчаси китобхон эътиборини асосий нарсадан — ўша халқ учун оғир замондаги **синфий курашдан** четга тортади. Шунга кўра, гарчи романда айрим образларда илғор ва гуманистик фикрлар бўлишига қарамай, ундаги етакчи ғоявий йўналишни тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмас». Бу ҳам етмагандай, ҳукм янада кескинлашади: «Автор ошиқ савдогарнинг роҳат-фароғатдан иборат тарихини тасвирлаш билан овора бўлиб кетиб ўша замонларда қашшоқ ҳолга тушиб қолган халқнинг ҳаёти ва курашини кўрмайди. Шунга кўра романнинг «Ўткан кунлар» деб аталиши рамзий маънода «яхши ўтган замон»дек эшитилади».

Сўнгра хулоса муаллифлари роман қахрамонларининг Россияга муносабати масаласига ўтадилар. Отабекнинг рус тартиблари тўғрисидаги гаплари эслатилади, унинг асар охирида руслар босқини пайтида ҳалок бўлгани уқтирилади. Юсуфбек ҳожининг руслар ҳақидаги сўзлари ва асар охирида Отабекнинг ўлимига оид маълумот эслатилади-да: «Худди шу ўринларда авторнинг буржуа-миллатчилик қарашлари намоён бўлган», деган хулоса чиқарилади.

Худди ўша 1956 йили махсус идора ходимлари Абдулла Қодирий, унинг фаолияти, ижоди, асосий асарлари хусусида республикамиздаги кўпгина масъул шахслар, адиблардан фикр сўрайди. Аксар кишилар Қодирий, унинг ижоди, асарлари ҳақида яхши гаплар айтадилар, ҳатто 1938 йили салбий кўрсатма берган қатор қаламкашлар аввалги даъволаридан воз кечиб, тавба-тазарру билан улуғ адибни оқлаш пайида бўлганлар.

Бу ерда мен Қодирий, аниқроғи, унинг тарихий романлари хусусида фақат биргина одам, истеъдодли олим ва беназир адиб Мақсуд Шайхзоданинг дил сўзларидан бир парча келтириш билан чекланаман. «Абдулла Қодирий, — дейди у, — ўзига яқин бўлган қардош халқлар адабиётлари, хусусан, озарбайжон, татар, рус адабиётлари тажрибаларидан фойдаланиб биринчи ўзбек романи — Европа адабиёти мезонлари билан ўлчанадиган роман яратди. Абдулла Қодирий ўз романлари билан фавқулудда истеъдод соҳиби, йирик асарлар ус-



таси эканини исботлади. Бу романлар инқилобгача бўлган Туркистон халқини, тарихий шароитни яхши биладиган одам томонидан завқ-шавқ билан гўзал бир шаклда яратилган. Романлар ана шу жиҳатлари билан жудда катта бадиий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир...»

Бундай самимий илиқ баҳолар қаршисида бояги эксперт хулосадаги дағдағалар ўз кучини йўқотди. Қодирийни бутунлай оқланишига, икки йил ўтиб «Ўткан кунлар»ни халққа қайтарилишига йўл очди, «Ўткан кунлар» талқини тарихида янги даврни бошлаб берди.

Қодирий қисмати масаласига қайтайлик.

Қодирий ҳибсга олингач кўп ўтмай, оиласини таъқиб этиш бошланди. Қодирийнинг Самарқанд дарвозадаги ҳовли жойини тортиб олдилар. Қодирийнинг машҳур шийпони жойлашган боғни, Қодирий ўз кўли билан ўтқазиб ўстирган мевазорларни пайҳон қилдилар, бу табаррук масканни отхонага, чўчқахонага айлантирдилар. Қодирий асарлари зарарли саналиб маҳв этилди, уларни ўқиш тақиқланди. Қодирийнинг катга ўғли Ҳабибулла Қодирий «халқ душманининг фарзанди» сифатида қатағон қилинди. Бундай таъқибу таҳқирлар йигирма йилча давом этди. Ниҳоят, шахсга сиғиниш, мустабид сиёсат қоралангач, бу мудҳиш ҳодисаларнинг кўпгина қурбонлари қатори Абдулла Қодирий ҳам оқланди, асарлари халққа қайтарилди бошланди. Мустақиллик йилларига келиб Қодирий ҳақиқий қадрини топди. Мустақил мамлакатимиз Президентининг «Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир... У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир» деган баҳосига сазовор бўлди. Президентимиз фармонида кўра сафдошлари Чўлпон, Фитратлар қатори Мустақиллик ордени билан тақдирланди. Адибнинг табаррук номи абадийлаштириш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Қодирий яратган мўъжиза — ноёб асарлари бундан буён ҳам янгидан-янги авлодлар учун маънавий хазина — озиқ, битмас-туганмас завқ-шавқ манбаидир. Бу

улуғ зот миллатимизнинг фахри-ифтихоридир. Бироқ шундай улуғ зотнинг жожеий қисмати авлодлар кўнглида мангу армон бўлиб қолади.

2006 йил март

## Персонаж меъмори

*(«Навой» романидаги Тўғонбек образи хусусида)*

Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисо-ласида улуғ адиб романларидаги бош қаҳрамонлар тас-вири, талқини хусусида айрим танқидий мулоҳазалар билдиргани ҳолда, ёндош персонажлар ифодасига жуда юксак баҳо беради. Чунончи, «Ўткан кунлар»даги Ўзбек ойимни «энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрса-тилган шахс» деб атайди; «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ маҳдум образини таърифлаб «асардаги ҳамма персо-нажлар орасида энг жонли, энг ёрқин, энг типик фи-гура» деб ёзади. Ниҳоят, «Обид кетмон»га келганда ундаги Хатиб домла билан мулла Муҳсин адибнинг мана бундай таҳсинига сазовор бўладилар: «Домлалар-нинг образини чизишда ёзувчи — санъаткор. Домла-ларнинг юриш-туриши, сўзлари, фикр юритиши, халқ-ни алдаш ва ҳоказо бутун сифатлари ўқувчининг кўз олдида жонланади. Асарда домлаларни ёзувчи етакла-майди, улар ўзлари домлаларча юрадилар. Уларнинг оғзига ёзувчи ўз сўзларини тикмайди, улар ўзларича сўзлайдилар...»

Ойбек юксак қадрлаган Қодирийнинг мана шу ноёб тажрибасини ўз ижодида, айниқса, «Кутлуғ қон», «На-вой» романларида бетакрор тарзда ижодий давом эт-тирди. Ёзувчининг Қодирий персонажларига берган юксак баҳо-таърифларини кейинроқ ўзи яратган ноёб персонажлар, масалан, «Кутуғ қон»даги Ёрмат, «На-вой»даги Тўғонбек сингари образларга бемалол тат-биқ этавериш мумкин. Бу тур персонажлар, хусусан, Тўғонбек образи ифодаси, талқини бобида Ойбек ҳам Қодирий каби санъаткор — меъмор!

«Навой» романига оид тадқиқотларда бу персо-наж «салбий қаҳрамон» сифатида йўл-йўлакай тилга

олиб ўтилади. Бироқ унинг асар структурасидаги, ғоявий-бадиий мундарижасини белгилашдаги ўрни, асл моҳияти ҳозирча етарли ўрганилган, баҳоланган эмас. Ҳолбуки, Тўғонбек романнинг бошидан то охирига қадар асар сюжет-мундарижасини ташкил этувчи барча воқеаларда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Биламизки, роман Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши, Навоийнинг Самарқанддан Ҳиротга қайтиши воқеаларидан бошланиб, улуг алломанинг вафотига қадар ўттиз йиллик шонли умри, ғоят кўпқиррали фаолияти, давр тарихий жараёнидаги беқиёс ўрни фавқуллода бир маҳорат билан гавдалантирилади. Навоийнинг Ҳиротга қайтиши билан гўё бу юртга зулматни ёритувчи бир маёқ, ақл-заковат, эзгулик — адолат, ҳақиқат, имон-эътиқод, чин одамийлик, маърифат, шеърят, нафосат машъали кириб келади. Бу улуг зот фақат эзгулик ёғдуларини таратиш билан кифояланмай, жаҳолат ва қабоҳат билан муросасиз олишади, салтанат ҳимояси ва равнақи, эл-юрт фаровонлиги, осойишталиги йўлида тиним билмай кураш олиб боради, туркий тилда ҳаммадан «кўб ва хўб» бадиий дурдоналар яратади. Мана шулар асарнинг асосий мундарижа — пафосини ташкил этади.

Шуниси характерлики, Навоий билан деярли бир пайтда Ҳиротга айна Самарқанддан яна бир зот — Алишерга деярли тенгдош Тўғонбек ҳам ташриф буюради. Дастлабки таъриф-тавсифлардаёқ бу кимсанинг табиатига хос етакчи хусусият намоён бўлади, ёзувчи уни лўнда қилиб «ғурурнинг ва кўпол кучнинг гўё тимсоли, мужассами» деб атайди. Агар Навоийни эзгулик тимсоли деб билсак, бу персонаж асарда улуг зотнинг бутунлай зидди. У бежиз «Тўғонбек» деб номланган эмас. «Тўғон» сўзининг «тўсиқ», «ғов», «тўғаноқ» сингари маънолари бу кимсанинг асл моҳиятини ифодалайди. Тўғри, романда Навоийнинг эзгулик йўлидаги хатти-ҳаракатларига тўсиқ, ғов бўлган Мажидиддин, Шаҳобиддин каби қора кучлар ҳам фаолият кўрсатади. Тарихдан маълумки, бу хил қора кучлар ниҳоятда маккор бўладилар. Улар кўпинча ўзлари панада туриб, ўзгалар қўли орқали жанг олиб борадилар. Тўғонбек ана шу қора кучлар қўлидаги моҳир ва шафқатсиз

ижрочи сифатида бутун асар давомида сюжет интригаларини уюштирувчи фигура вазифасини ўтайди.

Ёзувчи Тўғонбек устида сўз очар экан, аввало бу кимсани шахс сифатида шакллантирган омилларга, уларнинг илдизларига эътиборни тортади. Тўғонбекнинг ота-боболари Амир Темур даврида катта мансабларни ишғол этганлар. Уларнинг орасидан машхур аскар бошлиқлари, давлат ходимлари ва дабдабали тархонлар чиққан. Кейинчалик марказлашган давлат парчаланиб, шахзодалар орасида тож-тахт учун уруш-жанжаллар авж олгач, бу оиланинг овозаси секин-аста сўна бошлаган. Тўғонбек балоғатга етгач, оила шуҳратини тиклаш йўлида ўзини ўтга-чўққа уради, Темур бунёд этган салтанат ҳудудида бетиним кезиб, қайноқ курашлар, узлуксиз кўзғалонлар, фитналарга боши билан шўнғийди; алдайди, алданади, талайди, таланади. Ниҳоят, ночор бир ҳолда шон-шуҳрат, мансаб умидида Ҳиротда кўним топади.

Гарчи асарда Тўғонбек «қўпол кучнинг тимсоли» сифатида берилса-да, улкан реалист Ойбек бу кимсани бирёқлама нуқул ошкора қоралаш, фош этиш йўлидан бормайди, уни шунчаки ижтимоий фигура, муайян ғоянинг тимсолигина эмас, айти пайтда тирик одам боласи, бандаи ожиз сифатида жамики зиддиятлари, ҳаттоки айрим ижобий хислатлари билан бор ҳолича китобхон кўз олдида гавдалантиради. Чунончи, Тўғонбек чаласавод бўлса ҳам илм-фаннинг қадр-қимматини билади; Ҳиротда макон топган мадраса талбаларининг суҳбат ва мунозараларига диққат билан қулоқ тутаяди, лекин бу соҳани ўзи учун бегона ҳисоблайди. Унингча, илм-тахсил — ювош, тинч, сабр-қаноатли одамларнинг иши, Тўғонбекнинг хаёли эса ҳар вақт жаҳонгашталиқ оламида парвоз этади. Тўғонбек, гарчи тарихий китобларни ўзи асло мутолаа қилмаган бўлса ҳам Темурдан кейин шахзодалар орасида салтанат учун бўлган барча катта-кичик курашлар, фитна ва исёнлар тарихидан яхши хабардор. Унинг шеърини диди ҳам чакки эмас. Мажидиддин ҳузуридаги мажлислардан бирида Биноий менсимаган истеъдод билан битилган туркий шеърни «Пишиқ ғазал, сўзининг таъми бор», дея қатъий ҳимоя қилади. Айти пайтда у тажрибали сар-

карда, моҳир нотик: ўтмишдаги қонли урушлар ҳақида, болалигининг ажойиб баҳодирлиги ҳақида содда, лекин жуда келиштириб, мароқли бир тарзда сўзлайди. Тўғонбек ҳикояларини тинглаган йигитлар ўзларини ўша жангларда от сурган, қилич чопган ботирлар каби ҳаёл қилиб, руҳланиб беихтиёр равишда, кулгили ҳаракатлар қилиб юбордилар.

Адиб Тўғонбекнинг ўз шаъни, инсоний ғурури борасидаги ўй-мушоҳадалари, айрим хатти-ҳаракатлари, чунончи, моддий муҳтожлик туфайли ўзи учун энг азиз бисот — ханжарини гаровга қўйиши билан боғлиқ воқеа ифодасида ҳам бу одамни тушунган, қалбини ҳис этган ҳолда қалам тебратади. «Тўғонбек очдан ўлишга рози бўлса ҳам бу буюмдан ажралишни истамасди, — деб ёзади муаллиф. — Биринчидан, у умуман тигга ўч одам. Бир кўп одамлар дуонинг, туморнинг кучига қандай ишонса, у ҳам тигнинг сеҳрли кучига шундай эътиқод қилади. Иккинчидан, бу ханжар ота-бобо мероси. Бу тиг унинг шавкатли боболарига бахт йўлдоши бўлган!» Боз устига бу тиг унинг учун энг нодир хотиралар билан боғланган. Шу туфайли ханжарни гаровга қўйган чоғида гўё юрагининг бир парчаси узилган каби чуқур қайғу, оғриқ, ўксиниш сезади.

Ана шундай одам мансаб-мартаба, шон-шавкат йўлида амалий ҳаракатга киришганида тамомила бошқача қиёфага киради, чинакамига «қўпол кучнинг тимсоли»га айланади. Тўғонбек Мажидиддин даргоҳидан паноҳ топиб, унинг ишончли қулига айланиши биланок, хўжаси амрини ортиғи билан адо этади, солиқ йиғишда шафқатсизликни ҳаддан оширади, бамисоли кутурган ит каби иш тутади. «Одатим шу — ишнинг чаласини ёмон кўраман... Тихирлик кўрсатувчиларни, сўз кор қилмаса, қамчи билан сўқдим... халқ билан бўладиган ишда бусиз мумкин эмас», дейди у юзсизларча қатъият билан.

Тўғонбек бу хилдаги илк шафқатсиз қадами туфайли панд еса ҳам, барибир аҳдидан қайтмайди. Чунончи, Мажидиддин хонадонига Навоийни орадан кўтариш хусусидаги махфий кенгашда ҳеч иккиланмай: «Энг ишончли чора шуки, Алишерни бу дунёдан олиб таш-

лаш керак — вассалом... Ҳаммамиз душманга қарши кучли чора оқтарамиз. Ахир ўлимдан кучли нарса борми?» — дейди қатъий қилиб.

Аломат навқирон теурийзода Мўмин Мирзони жангда асир олган ҳам Тўғонбек эди. Саройдаги фитначилар Мўмин Мирзони қатл этиш ҳақидаги шошилнч фармон ижросини ҳам мана шу шафқатсиз «қўпол куч»га ишониб топширадилар. Чунки у хоқоннинг ишончли қули, бу содиқ қул ҳар қандай фармони олийни сўзсиз адо этишга ҳар доим тайёр!

Тўғонбек шу хилдаги қатъияти, шафқатсизлиги туфайли юқори доирадагиларнинг эътиборини қозонади, фитначи шахзода Музаффар Мирзонинг яқин маслаҳатчисига айланади, шахзодадан суюрғол сифатида катта ерлар олади, Ҳиротнинг донгдор давлатманд оилаларидан бирининг гўзал қизига уйланади. Энди унинг эшигида қўша-қўша навкарлар, уй ичида ўнлаб чўрилар хизматда; ёзувчи таърифлаганидай, Музаффар Мирзо исмидан ҳар хиёнатга бош уриб, ҳар жиноятни оқлайди... Саройда маккор сиёсатчига айланади: Таажжуб, куни кеча уни ҳеч ким танимас эди, бугун эса давлатда энг катта мансабдорлар ҳам у билан ҳисоблашмоққа мажбур... Унинг бош шиори: «Ақлга энг тўғри келадиган йўл душманларнинг орасини айирмоқдир. Уларни айиринг, улар ўз ўтларида қовирилсинлар!»

Бу шиор остида у қанчадан-қанча мудҳиш жиноятларга қўл уради.

Қизиқ, мана шундай не-не хиёнату жиноятларга қўл урган бу шафқатсиз «қўпол куч», барибир, одамийлик доирасидан бутунлай чиқиб кетмайди, қалби тубида қандайдир нозик инсоний туйғулар сақланиб қолади. Эслаб кўринг-а, Мажидиддин мансабдан тушиб, эл назаридан қолиб, хори зор бўлганида ундан асло юз ўгирмайди, шоҳона хонадонига ташриф буюрганида уни катта ихлос билан қарши олади. Ҳиротга келган илк сафолатли кунларида танишиб, хужрасидан жой берган қадрдони шоир Алоиддин Машҳадийни пул, кийим-кечак билан йўқлаб туради. Қишлоқ сафари чоғи Дилдорни олиб қочиб асирликда сақлар экан, унинг номусига тегишни хаёлига ҳам кел-

тирмайди; «Ишқ ўйинида кўнгил бўлиши керак. Буни яхши биламен... Хоҳламаса, кўлини ҳам ушламаймен!» дейди ва шу аҳдида туради.

Булардан ҳам муҳимроқ яна бир ҳолат: пири саналмиш Мажидиддин ҳаж сафари олдидан чуқур афсус ва қайғу билан «Умримдаги энг катта хато — Алишер Навоийга душманлигим бўлди. Мен йигирма йилдан ортиқ Алишерга қарши ҳаракат қилдим — не ишлар қилганим сизга маълум — Алишер юраги тоза одам эди... Унинг қаҳри ҳам, раҳми ҳам самимий. Ҳар вақт самимий» деганида, Навоийга қарши курашда ҳаммаша унинг ёнида турган, ҳатто бу улуғ сиймога ўлимни раво кўрган Тўғонбек: «Тўғри... Алишер Навоий тулкиликни билмайди. Юраги обдан соф одам», дея буюк ҳақиқатни тан олади.

Ниҳоят, ўқувчини титратиб юборадиган бир ҳолат — лавҳа: маъсум Мўмин Мирзони қатл этиш борасидаги фармони олий ижроси — жаллод жабрдийда шаҳзода бўғзига ханжар қўйган чоғи бу шафқатсиз, дийдаси тош кимса улкан бир адолатсизлик рўй бераётганини ҳис этиб, алланечук оқариб кетади, қисилади, сўзлашга ҳам мажоли қолмайди, машъум жиноятга тик қарашга ботинолмай, орқасини ўгириб кўзларини ерга қадаб туради...

Бу каби ҳолатлар Тўғонбекдай «қўпол куч»нинг гуноҳу жиноятларини асло юмшатиш, енгиллаштиришга эмас, аксинча, у амал қилган ақида, амалга оширган қабоҳатларнинг даҳшатини янада теранроқ англашга хизмат этади. Кўриб, билиб, бир инсон фарзанди сифатида ҳис этиб туриб амалга оширилган жиноят гуноҳи азимнинг ўзгинасидир. Нафс, шуҳрат, мансаб-мартаба балоси Тўғонбекни не-не қўйларга солмади, дейсиз. Замона талотумлари, ўзаро ички низолар, тожтахт, мансаб учун кураш авж олган, ҳатто бу йўлда ота билан бола, ака билан ука бир-бирларига қарши аёвсиз жанг майдонига тушган машъум замонларда ҳаммаша Тўғонбекдек «қўпол куч»лар — машъум сиёсат жангариларининг куни туғади. Улар салтанатнинг, миллатнинг, эл-юрт равнақининг заволи. Улар ўз нафси, манфаати, қолаверса, хўжасига садоқати йўлида биринчи галда Дилдор, Мўмин Мирзо, Навоий каби

миллат гуллари — нафосати, ақл-заковати, келажаги тимсолларини топтовчи ёвуз махлуқлардир.

Тўғонбек фақат Навоий яшаган даврдаги «қўпол куч»нинг тимсоли, ёдгоригина эмас. Ойбек суҳбатларидан бирида: «Мен, ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилмасин, мабодо у даврнинг ғайри ёки ҳаттоки ғалати кўринган барча хусусиятлари орасидан ўзига таниш бўлган ҳис-туйғулар ва фикрлар изласа, пировардида мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман... Бегона даврни **билиш**, яъни уни бизнинг давримиздан нимаси билан ажралиб туришини тасаввур қилишнинг ўзигина етмайди. Уни яна **тушунмоқ**, яъни уни бизнинг давримиз билан боғлаб турган нарсаларини кўрмоқ лозим», — деган эди. Улуғ адиб романдаги бошқа персонажлар қатори Тўғонбек тимсолида айтилган ўша — кечмишнинг ўзи яшаган давр билан боғлаб турган жиҳатларини кўрди, ўзига таниш бўлган ҳис-туйғуларни, фикрларни ифодалашга дадил журъат этди, «Навоий» ёзилганга қадар йигирма йил давомида ўзи гувоҳ бўлган, бошидан кечирган мудҳиш ҳодисаларнинг қалбидаги оғир асоратларини бу персонаж вужудига қандайдир даражада сингдиришга эришди. Ўтган аср 20—30-йиллари талотумлари шароитида тор шахсий манфаати, ўз жонини асраш пайида Чўлпон, Қодирийдек алломалар ноёб истеъдод эгаси, фариштадек бегуноҳ зотлар бўлганлигини, яратган асарлари эса чин санъат дурдоналари эканини кўра-била туриб, уларни сотганлар, шаънини топтаганлар айтилган Тўғонбек хилидаги «қўпол куч»ларнинг ўзгинаси эди.

Хуллас, Тўғонбек санъаткорона яратилган «қўпол куч»нинг антиқа тимсолигина эмас, кечмишнинг аччиқ сабоғи сифатида ҳам қимматлидир.

## Адиб ҳузурида 19 дақиқа

1964 йилнинг охири қор-қировли кунларидан бири — янглишмасам, 29 ёки 30 декабр. Устоз Фулом Каримов ва Субутой Долимовлар таклифи, Зарифа опанинг розилига кўра Ойбекни янги йил ҳамда кутлуғ 60 ёшга тўлиши билан олдиндан табриклаш ниятида улуғ адиб хонадонига ташриф буюрадиган бўлдик. Уни-



верситетда бирга ишлайдиган Ойбекнинг тўнғич келини Хулкар орқали бу ният адиб хонадонига етказилганида Ойбек ҳам, Зарифа опа ҳам уни мамнуният билан қарши олганликларини эшитиб бошимиз кўкка етгандай бўлди. Ташриф соат 3 га белгиланди. Зарифа опа зарур жамоат ишлари билан банд бўлганликлари туфайли ўша пайтда уйда бўла олмасликлари учун узр сўраб, бизни кутиб олишни катта ўғли Омонбек билан Хулкарга топширибдилар, фақат эски қадрдонлар гапга, ҳасби ҳол изҳорига тушиб кетиб Ойбекни толиқтириб қўямасинлар, дея ҳазил қилибдилар. Хулкар буни ётиғи билан Фулом акага айтди. Андиша ва ички маданият бобида тенгсиз аллома Фулом ака: «Ўзим ҳам шундай фикрдаман, Ойбек ака ҳузурида 15 минутдан ортиқ ўтирмаймиз», — дедилар.

Зарифа опанинг бу учрашувдан бир оз «хавотир» олиши бежиз эмас. Фулом Каримов, Субутой Долимовлар Ойбек билан Зарифа опанинг болалик, ўсмирлик қадрдонлари; Субутой ака Ойбек билан «Намуна» мактабида бирга ўқиган, мамлакат янги тур мактаби тарихида илк деворий газета «Тонг юлдузи»ни бирга чиқаришган, «Намуна» Навоий номли интернат мактабига, сўнг Тошкентдаги энг нуфузли Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумига айлантирилгач, Ойбек ҳамда Зарифа опалар билан биргаликда шу масканда ўқишни давом эттирган. Кейинроқ Фулом Каримов ҳам айна шу техникумда таълим олган. Уларнинг шахсий-ижодий ҳамкорлиги бир умр давом этди. Бунинг устига болалик қадрдонлари Фулом ака билан Субутой акалар ишлаган Миллий университет ҳам Ойбек учун ниҳоятда қадрдон эди. Бўлғуси адиб шу масканда ўқиб, олий таълим дипломини олган, 1935 йилга қадар университетда дарс берган. Адибнинг умр йўлдоши Зарифа опа ҳам университетда таҳсил олган. Унинг азиз фарзандларди — қизи Гулранг, кенжа ўғли Суюнбек шу даргоҳда ўқиди; Гулранг шарқшунос олима, фан номзоди бўлиб етишди, шарқ факультетида иш бошлади, ҳозирги кунда Шарқшунослик институтида фаолиятини давом эттираётир. Суюнбек кимё факультетида таълим олиб, сўнг шу ерда фан номзоди, доктори даражаларига эришди, вафотига қадар шу ерда

ишлади. Адибнинг тўнғич ўғли Омонбек МГУни битириб қайтгач, умрининг охиригача тарих факультетидан, умр йўлдоши Хулкар эса филология факультетини тамомлаб, шу даргоҳда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, то нафақага чиққунча шу ерда фаолият олиб борди. Улкан биолог олим академик Бекжон ўқишни шу даргоҳда бошлаб, сўнг МГУда давом эттирди, уни тугатгач, университетимизда фаолиятини бошлаган, номзодлик, докторлик илмий даражаларини эгаллаган, узоқ йиллар биофизика кафедрасини бошқарган, ҳозирги кунда ҳам университет билан ҳамкорлигини узган эмас...

Учрашув кутилганидан ҳам зиёда, ғоят самимий бир тарзда бошланди. Ўша дақиқаларга қадар мен Ойбекни кўча-кўйларда, адабий анжуман-маросимларда кўп бор кўрганман. 1955 йили университетда адибнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган адабий учрашувда талабалар номидан табрик сўзи айтаётганимда бу авлиёсифат алломанинг менга тикилиб турган нурли чеҳрасига, ёниб турган кўзларига нигоҳим тушиб умримда ҳеч бўлмаган ажиб ҳолатга тушганим, ўзимни йўқотиб қўйганим ҳамон эсимда...

Бу галгиси ўзгача: Ойбекдек миллий адабиётимизнинг тирик классигини унинг ўз хонадонидан болалик қадрдонлари, Озод ака, Аҳмад акадек устозлар даврасида кўриш ҳаётимдаги энг азиз, ғоят бахтли дамлардан деб биламан. Фулом ака, аввало, бизларни Ойбек билан таништирди, сўнг ҳаммамиз, қолаверса университет жамоаси номидан уни кириб келаётган янги йил, қутлуғ 60 ёши билан қутлади. Ойбек ўзида йўқ шод, қўли кўксига хиёл бош эгиб ташриф ва қутлов учун миннатдорчилик билдирди. Ўша топда адибнинг косасига сизмай турган сеҳрли кўзларида чексиз қувонч ва қандайдир ўкинч ёшлари қалқиди; адиб даврадагиларга буни сездирмаслик учун кафтлари билан дам-бадам кўзёшларини артар эди.

Ойбекнинг нигоҳи бирдан Субутой акага тушди. Ҳаяжон билан гапга киришди. Бир оз тутилиб, қийналиб айтган гапларидаги «Субут, Субу-той, Усмон-бек, «Намуна», «Тонг юлдузи», дотор, ушшоқ» деган жумлалардан гап нима устида бораётганлиги ўтирганларга

маълум эди. Субутой ака эса одоб билан секингина бош силтаб такрор-такрор ҳам қувонч, ҳам ҳазин бир оҳангда: «Эҳ, Ойбек ака, у кунлар ўтди-кетди», — деб кўяр эдилар.

Ўша топда Субутой ака бизга кўп бор сўзлаб берган Ойбек билан боғлиқ хотиралари ҳаёлимдан ўта бошлади. Домланинг айтишларича, асл исми шарифлари Усмонбек Долимов бўлган, аввал мактабда, сўнг техникумда ўқиб юрган кезлари «Усмонбек» тахаллуси билан шеър, ҳикоялар битган, илк бор истеъдодли ёш шоир Ойбекнинг назарига тушган, Ойбек таклифи билан «Тонг юлдузи» газетаси ҳайъатига жалб этилган, шу тариқа уларнинг шахсий қадрдонлиги, ижодий ҳамкорлиги бошланган. Усмонбекнинг «Субутой» тахаллусини олиш тарихи ҳам қизиқ. Гап шундаки, бу ҳол узоқ вақт сир сақланиб келди. Ўша кезлари техникум мудири Шоҳид Эсон афанди ва у билан бирга Туркиядан келган Иброҳим афанди маърифатли зиёлилардан бўлган. Эсон афанди асли мантиқ фанидан дарс берсада, тарих, адабиётга ниҳоятда қизиққан, жаҳон ва туркий халқлар тарихи, адабиётидан чуқур хабардор бўлган, айниқса, ёш истеъдод эгаларига айрича аҳамият берган, уларни миллий ифтихор, жасур ватанпарварлик руҳида тарбиялашга интиланган, жанговар шарқия — марш шеърларни ёд олдирган, айна пайтда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳамид, Холид Фаҳрий, Ўрхон Сайфий, Номиқ Камол, Зиё Кўкалп каби янги турк шеърляти намояндалари ижоди билан таништирган, улар асарларини мустақил мутолаа қилишни маслаҳат берган. Бугина эмас, истеъдодли ёшларга қадим туркий шавкатли сиймолар номларини, чунончи, Мусо Тошмуҳаммад ўғлига «Ойбек», Усмонбек Долимовга «Субутой», Зуҳуриддин Салоҳиддиновга «Олтой» исmlарини адабий тахаллус сифатида тавсия этган, улар ҳам ўз навбатида бу табаррук исmlарни мамнуният билан қабул қилганлар. Усмонбекка ҳаётда илк бор «Субут», «Субутой» деб мурожаат этган, деворий газетадаги шеърини «Субутой» тахаллуси билан чиқарган айна ўша болалик дўсти — Ойбек бўлган... Домла шу ҳақда сўзлар экан, ҳар гал «Бу гапларни ҳеч кимга айта кўрма, «нозик жой» одамларининг қулоғига бо-

риб етса, айтган мен ҳам, эшитган сен ҳам балога қоламиз, пантуркчилар думи деб авахтага жўнатишлари ҳеч гап эмас», дея огоҳлантирар эдилар.

Домлада болаликдан шеърӣ истеъдод билан баробар бир ҳофизга лойиқ ширали овоз, бир моҳир созандага муносиб созандалик иқтидори ҳам бўлган. Ўзи дутор жўрлигида куйлаган мақом наволари билан Мулла Тўйчи ҳофиздек буюк санъаткор, В. А. Успенский каби санъатшунослар эътиборини қозонган. Ойбек дўсти Субутойдан дутор машқлари, хусусан, дутор жўрлигида ушшоқ тинглашни ниҳоятда хуш кўрган. Мактабдош дўсти Мурод Шамснинг Чақардаги боғ ҳовлисида, ҳовуз бўйидаги сўлим супада ушшоқнинг энг авжида — ўнинчи пардадан бошлаб завқ-шавқ билан тўлиб-тошиб айтганини, Ойбек куйдан чексиз яйраб маст бўлганини кўп бор эслар эдилар. «Умрим бўйи мен куйлаган ушшоқ авжининг чўққиси ўша бўлди, бундан кейин бу пардага ҳеч қачон кўтарила олган эмасман. Сизлар тинглаётган ушшоқни аранг тўртинчи пардадан бошладим», дея илова қилиб кўяр эдилар.

Ўша ушшоқ янграган боғ, ҳовуз, ҳовуз бўйидаги машҳур супа 50-йилларда ҳам сўлим ва обод эди. Таниқли тилшунос олим Мурод Шамснинг ўғли Эркин билан университетда бирга ўқирдик. Эркиннинг таклифи билан улар хонадонига бориб турардик. Ёз кунлари борганимизда, домла бизларни хуш қабул қилиб, ҳовуз бўйига таклиф этар, «Бу табаррук жой, бу супада Ойбек, Субутойлар базми жамшид қуришган, мана шу ҳовузда мириқиб чўмилишган, сизлар ҳам уларга ўхшаб яйраб ўтиринглар», дея бизларни ёлғиз қолдирарди.

Субутой ака фақат мумтоз куйлар ижрочисигина бўлиб қолмай, замонавий шоирлар, жумладан, Чўлпон, Ойбекларнинг янгича йўналишдаги шеърларига куйлар басталаган, уларни ўзи жўшиб куйлаган. Улардан эсда қолган айрим намуналарни улфатчилик давраларимизда куйлаб берардилар.

Субутой ака ҳаётда асосан педагог-мураббийлик, адабиётшунослик йўлидан кетган бўлса-да, бир умр мақом ва шеърӣят шайдоси, аломат созанда, хонанда, қалбан эса шоир бўлиб қолди. Субутой аканинг илк шеърӣяти билан танишиб, «Домла, нега шеърӣятни

давом эттирмадингиз, шеърларингизни китоб ҳолида чиқармадингиз?» деб сўраганимда, «Менинг машқларим Ойбек лирикаси қаршисида ожиз эканини сездим, Ойбек олдида шоирликка даъво қилишга уялдим», дея жавоб қилган эдилар.

Аслида шеърый истеъдод бобида Субутой ака кўпгина тенгдош-замондошларидан қолишмас эдилар. Ойбек вафоти муносабати билан 1968 йили саратонида битилган устознинг мана бу сатрларини тинглаб кўринг-а:

*Ойдин кеча сокин ётган қабрингни  
Зиёрат қилай деб кўргали келдим.  
Ҳижронли турбатинг хокига мен ҳам  
Ҳасрат-ла юзимни сургали келдим.  
Кеча «Туйғулар»ла «Кўнгил найлари»н  
Дарду алам билан чалгали келдим.  
Чаман гуллар билан тўлган қабрингдан  
Кўз ёшларим билан ўпгали келдим.  
Хаёлим паришон, кўзларим гирён,  
Қалбимда сақланур аламли ҳижрон,  
Фарёдим, фиғоним бутун бир жаҳон,  
Эй муҳтарам шоир, изладим, келдим...*

Бунақа оловли, дардли сатрларни фақат садоқатли дўст-шоиргина битиши мумкин...

Ойбек бирмунча фурсат Субутой ака билан дийдорлашгач, Фулом Каримовга юзландилар, соғлиқларини, ишларини суриштирдилар, сўнг кечмиш хотираларини, яқин ўтмишнинг маломатли кунларини ёдга олдилар. «Дарслик... жаҳолат, жаҳолат... даҳшат...» деган сўзларини эшитиб бу гал ҳам гап нима устида кетаётганлигини англаб турардик.

Фулом Каримов Навоий ижоди, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги адабий муҳит устида тадқиқот олиб борган кезлари академик Ойбекдан кўп бор маслаҳатлар олган; Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори вазифасида ишлаган кезлари ўзбек адабиётидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда адиб билан ҳамкорлик қилган, чунончи, 1950 йили чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг Фулом Каримов қаламига ман-

суб «XIX асрининг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабиёти» сарлавҳали бўлимини Ойбек таҳрир қилган эди. 1952 йил 21—22 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон компартияси марказий қўмитасининг «Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масалага бағишланган машъум X пленумида қатор атоқли ижодий зиёлилар, илмий, бадиий асарлар, ўқув дарсликлари, қўлланмалари кескин танқидга учради. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»да таъкидланганидек, бу пленум мустабид тузум 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида республикада ижодий ва илмий муассасалардаги «миллатчилар», «пантуркчилар», космополитларни «фош қилиш», Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари, олимларини бадном қилиш юзасидан кенг суръатда ўтказган сиёсий кампаниянинг чўққиси бўлди (Ўзбекистоннинг янги тарихи, Иккинчи китоб. Т., Шарқ, 2000. 513-бет). Ф. Каримов бошчилигида яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги ҳам ана шу кампаниянинг қаҳрига учради, феодал ўтмиш адабиётини идеаллаштириш, миллатчилик кайфиятларига йўл қўйишда айбланди. Бундай кескин айбловларнинг бир учи, табиийки, дарслик муҳаррири Ойбекка ҳам бориб тақалар эди. Пленумда Ойбекдай буюк аллома «жиддий мафкуравий айниш»ликда бадном этилди. Орадан кўп ўтмай дарслик бош муаллифи Ф. Каримов институт директорлиги, дарсликни нашрга тайёрлаган С. Долимов сектор мудирлиги вазифасидан бўшатилди...

Фалокатнинг шарофати деганларидек, ҳар икки устоз ҳам Миллий университетимиздан паноҳ топдилар, шахсан Ойбекнинг аралашуви, илтимоси билан университетнинг ўша йиллардаги олижаноб раҳбарияти, Т. Зоҳидов, О. Содиқов, Т. Саримсоқов каби академиклар бу табаррук зотларнинг бошини силади. Ҳар икки устоз бу даргоҳда Ойбек ишончини тўла оқлади, 50-йилларнинг ўрталаридан умрларининг то охирига қадар шу қутлуғ даргоҳда фидокорона хизмат қилдилар. Устоз Ф. Каримов қирқ йил давомида «Ўзбек адабиёти тарихи» кафедрасини бошқарди, ўзбек адабиёти тарихининг бутун бир даврини илмий инкишоф этиб берди, Миллий университетимизни республика ва жаҳон

адабий-илмий жамоатчилиги тан олган илмий-адабий марказлардан бирига айланишида бу зотнинг хизматлари беқиёсдир. Ойбек Ф. Каримовнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларини ҳамиша қадрлаган, жумладан, Муқимий ва унинг адабий муҳити мавзуидаги докторлик диссертациясига ёзган тақризида устознинг илмий ихтиросини ниҳоятда юксак баҳолаган эди...

Фулом ака ўша топда адиб кўнглидан кечган изтиробларни юмшатиш ниятида бўлса керак, «Ойбек ака, илоҳо, ўша даҳшатли кунлар ўтмиш бўлиб қолган бўлсин, асло қайтмасин. Ўз бошингизда шунчалар ташвиш бўла туриб, ўша кунлари Субутой ака билан менинг жонимизга ора кирганингиз учун бир умр сиздан қарздормиз...» дедилар. Ойбекнинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди, «Ҳаммаси яхши, яхши бўлди... Энди у кунлар қайт-май-ди», деди қатъий қилиб.

Фулом ака аввал соатларига, сўнг ҳамроҳларига бир қур кўз югуртириб, «Энди кўзғалсак бўлар» дегандек ишора қилдилар. Ҳаммамиз секингина бош силтаб бу таклифни маъқулладик. Сўнг у киши мезбондан кетишга ижозат сўрадилар. Мезбон эса «Субут, Субутой, ош-палов, дутор, ушшоқ» сўзларини такрор-такрор айтдилар. Боядан бери Ойбек ёнида унинг тутилиб, қийналиб айтган жумлаларини шарҳлаб ўтирган Омонбек, «Адам, ўтиринглар, ош-паловхўрлик қилайлик, Субутойдан дутор, ушшоқ эшитайлик деяптилар», деди. Фулом ака эса бундай самимий таклиф учун Ойбекка ташаккур билдириб, унга таскин бериш ниятида сўзини давом эттирди: «Баҳор, ёз келсин, боғ ҳовлингизга бориб мириқиб гурунглашамиз, ошхўрлик қиламиз, Субутой акадан дуторда куйлар, дутор жўрлигида ушшоқ эштамиз...»

Ойбекнинг болалик дўстларидан асло айрилгиси келмаётгани шундоқ кўриниб турарди. Адиб чор-ночор меҳмонлар билан бирма-бир қўл олишиб хайрлашди. Табаррук хонадон остонасидан чиқаётганимизда соатга қарасам 3 дан 19 минут ўтибди. Ойбек ҳузуридаги 19 дақиқалик гурунгда буюк адиб ва унинг болалик қадрдонлари умрининг қирқ беш йиллик ҳам қувончу сурурга, ҳам ташвишу армонларга тўла лавҳалари кўз олдимизда қайта гавдалангандай бўлди.

\* \* \*

Орадан қирқ йил ўтиб, ўша адиб ҳузуридаги 19 дақиқалик учрашув тафсилотларини эслар эканман, биз адабиётшунос-мунаққидлар, Миллий университет профессор-ўқитувчилари бу табаррук зот олдидаги бурчимизни ўтай олдикми, деган ўй хаёлимдан кечди. Сарҳисоб қилинадиган бўлса, кўнгилга таскин берадиган хайрли ишлар адо этилганлигига иқроп бўласан киши.

Аввало улуғ адиб сув ичган шу қутлуғ даргоҳда таълим олган М. Қўшжонов, Н. Каримовлар ойбекшуносликнинг чинакам тамал тошини қўйдилар. М. Қўшжоновнинг «Ойбек маҳорати» номли фундаментал асари шу ерда интиҳосига етди. Ёш истеъдодли мунаққид У. Ҳамдам бир вақтлар Ойбекнинг танқидчиликда менсимай қаралган, салбий баҳоланган «соф лирика»си, «кўнгил шеърияти»нинг асл моҳияти, беназир нафосатини очиб берувчи гўзал бир тадқиқот яратди. Устоз О. Шарафиддинов Ойбек туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида «Миллатни уйғотган адиб» сарлавҳали ёниқ бир мақола ёзиб, Ойбек даҳосига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этди.

Биламизки, Ойбекнинг янги ўзбек адабиётининг икки забардаст намояндаси, асосчилари — Чўлпон билан Қодирийга эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган, ижодда улар йўлидан борган. Жоҳил танқид Чўлпон шеърияти мафкуравий жиҳатдан зарарли дея рад этиб, улуғ шоирга ташланиб турган бир пайтда, қатъий туриб уни ҳимоя этган, «Чўлпоннинг мафкуриси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқилади, воз кечилмайди», деб ёзган. Машъум 37-йил арафасида Қодирийни бадном этиш энг олий нуқтасига кўтарилган бир пайтда адиб «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» деган рисола ёзиб, улкан ёзувчининг беназир маҳорати, санъати ҳақида сўзлашга журъат этган.

Дорилфунунимизда кейинги ярим аср мобайнида Ойбекнинг ана шу савоб иши изчиллик билан давом эттирилди. О. Шарафиддинов таъқибу таҳдидларга қарамай 60—80-йиллар давомида Чўлпон лирикасининг оташин ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди, ошкоралик ва мустақиллик йилларида унинг



ташаббуси ва таҳрири остида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди. «Адабиёт надур» деган Чўлпон мақолалари ҳамда Чўлпон ҳақидаги замондошлари хотираларидан иборат китоб чоп этилди. Чўлпон ижоди тадқиқига оид илк докторлик, номзодлик диссертациялари шу даргоҳда амалга оширилди... Қодирий ҳақидаги илк номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган А. Алиев шу даргоҳ муаллими эди. «Меҳробдан чаён» поэтикаси», «Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари» мавзудаги номзодлик диссертациялари, «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати», «Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси», «Қодирий боғи», «Ўткан кунлар» ҳайрати», «Қодирий қадри» каби китоблар, ниҳоят Б. Каримовнинг қодирийшунослик тарихига бағишланган докторлик диссертацияси мана шу даргоҳда яратилди...

Яна бир қувончли ҳодиса — Ойбек таълим олган, таълим берган даргоҳнинг кейинги ижодкор авлод — фарзандлари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиоровлар устоз адибнинг тарихий романчиликдаги ноёб тажрибаларини давом эттириб янги босқичга олиб чиқдилар. «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар» худди «Навий» романи каби жаҳоншумул обрў-шуҳрат қозонди. Ойбекнинг жаҳон модерн шеърятига ҳамоҳанг дилбар лирикаси тажрибаларини Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби ёрқин истеъдодлар айнан университетимиз аудиторияларида ўтириб битган сатрларида ижодий давом эттирдилар, хусусан, Рауф Парфи Ойбек асос солган модерн шеърятни юксакларга кўтарди; қолаверса, Ойбекона нафис оҳанглар, ғаройиб сеҳрли рамзлар билан йўғрилган «Ойбек хотира-си» шеъри орқали буюк устоз шоирга беназир поэтик ҳайкал қўйди.

Мана, ўша шеър:

*Тоғлар аро бир ойдин булоқ.  
Атрофида шивирлар ўтлоқ.  
Булоқда шаън ва собит чирой.  
Нур йўлидек ўйлари йироқ  
Сувда мангуликдек сузар ой...*

*Бироқ, ҳайҳот, бир қуюн келди...  
Ойдин булоқ қайга беркинди?!  
Қайдадир шаън ва собит чирой?  
Фалакларга қарайман энди.  
Фалакларда сузиб юрар ой...*

Аминманки, бу қутлуғ даргоҳда таълим олган, меҳнат қилиш насиб этган ҳар бир зиёли, мураббий, ижодкор, олим ўзини Ойбекдек руҳи мангу барҳаёт устознинг шогирди, анъаналарининг давомчиси санайди; мана шундай мартабага муяссар бўлгани учун яратганга шукроналар айтади.

2005 йил

## **XX аср куйчиси**

*(Асқад Мухтор портретига чизгилар)*

Асқад Мухтор «Асрим» шеърисида шундай деб ёзган эди:

*Тахтлар қулади,  
Топталди тожлар,  
Худолар йиқилди юзтубан.  
Ўзлигин таниди муҳтожлар,  
Қитъалар уйғонди уйқудан.  
Сўзларимиз  
баъзан қон, чақин,  
Темир жаранги-ла ёзилди.  
Атом майдаланди,  
ой бўлди яқин,  
Мозорлар, дарсликлар бузилди.*

XX аср тарихи, талотумлари, қусури ва қудрати, гўзаллиги ва даҳшати манзарасини бу қадар мардона, бешафқат, ихчам ва лўнда акс эттирган бошқа бирор асарни ҳозирча кўрган, ўқиган эмасман. Бугина эмас, шоир бу шеърисида ўзининг аср ҳодисаларига қай даражада дахлдорлиги, аср силсиласида тутган ўз мавқеи, бугунги кунда бир оз чекланган, бир ёқлама туюлади-

ган бош маънавий-ижодий ақидаси ҳақида ҳам тор-тинмай бор гапни айтади:

*Барин кўрдим,  
                                севдим асримни  
Бутун фожиаси, даҳшати билан,  
Бутун гўзаллиги, қудрати билан,  
Севдим мен замондош наслимни.  
Курашиш, емириш,  
                                яратиш, қуриш —  
Мана шундай бўлди асримизда бахт.*

Мана шу арзи ҳол ва иқрорнома тасдиғини адиб-нинг 77 йиллик умри, 60 йиллик ижодий фаолияти давомида яратган асарлари орқали яққол кўриш мумкин. Шуларга асосланиб таниқли шоир Рауф Парфи: «Асқад Мухтор — XX аср ўзбек-турк дунёсини бутун фожиалари-ла, бутун парвозлари-ла мужассам қилган буюк адибдир... Асқад Мухтор ижодиёти кўзгусида авлиё Зардуштий, Конфутций, Дао, Муҳаммад Алайҳиссалом, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларининг бадий савлати юз кўрсатади. Бу инъикос у ёки бу даражада бўлишидан қатъи назар, Инсон ва инсонийлик, Инсон бахти учун кураш ғояси билан суғорилгандир», — деган хулосага келади.

Асқад Мухтор лирик шоир, носир, таржимон сифатида XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллайди. Асли татар оиласидан бўлган Асқад ўзбеклар орасида ўсиб-улғайиб ўзбек адабиёти ва маданиятининг йирик намояндаси даражасига кўтарилди.

Асқад Мухтор Фарғона шаҳрида туғилган. 11 ёшида отаси вафот этиб болалар уйида таълим-тарбия олади. 1936 йили Тошкентга келади, журналистика курсида, Ўрта Осие Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)да ўқийди, «Ёш ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида адабий ходим, кейинроқ, Ёзувчилар Союзида котиб, «Гулистон», «Шарқ юлдузи» журналларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. Адиб муҳаррирлик қилган йиллари бу газета ва журналлар республикада хур фикрлик, ошкоралик манбаларига айланди.

Асқад Мухтор бадий ижодни шеърятдан бошлади. Унинг биринчи шеъри 1935 йили матбуотда кўринди, 40—50 йилларда «Пўлат қуювчи», «Ҳамқишлоқларим», «Раҳмат, меҳрибонларим», «Чин юракдан» шеърий китоблари чиқди. Гарчи бу китобларга кирган асарлари ўз вақтида танқидчиликда ижобий баҳо олган бўлса-да, шоирнинг миллий адабиётимиздаги ўрнини, ижодий қиёфасини белгилаган шеърлари 60-йиллардан бошлаб майдонга кела бошлади. Шу тариқа шоирнинг шеърятда ўзлигини топиб олиши хийла узоқ ва машаққатли кечди: унинг «99 миниатюра» (1962 й.), «Шеърлар» (1966 й.), «Қуёш беланчаги» (1971 й.), «Сизга айтар сўзим» (1978 й.) каби шеърий тўпламлари фақат шоирнинг эмас, 60—70-йиллар шеърятининг муҳим ютуғи саналади. Асқад Мухтор бу шеърий китоблари орқали ўзбек адабиётида янгича интеллектуал-фалсафий лириканинг шаклланишига катта ҳисса қўшди, янги ижодий авлод тақдирига кучли таъсир кўрсатди.

Асқад Мухтор ўз ижодида жаҳон поэзиясининг энг сўнгги тажрибалари, бинобарин, замонавий поэтик тафаккур билан қадимий шарқ шеърятини донолигини ажойиб бир тарзда туташтиришга эришди. Асқад Мухтор шеърятнинг қадимий, аммо ҳамма даврлар учун зарурий актуал мавзу-муаммолари: инсон ҳаётининг маъноси, туғилиш, яшаш, ўлим жумбоқлари, табиат сирлари, оламнинг чексизлиги ва яхлитлиги, макон ва замон нисбати, инсон табиати, ақл-заковати, ундаги меҳр ва қаҳр туйғусининг қудрати, инсоннинг инсон олдидаги бурчи, жамият ва табиат билан бир бутунлиги — шулар теварагида баҳс юритади.

Асқад Мухтор ҳамиша халқнинг кўнглини кўтарадиган, одамлар қалбига қувонч, нур олиб кирадиган, уларни ўйлатиб қўядиган, дунёнинг, ҳаётнинг сирасрорларидан воқиф этадиган сўзларни топиб айтади. Шоир кўзи билан ҳаётга, оламга нигоҳ ташласангиз, гўё ҳайратлар гирдобига тушасиз, дунё сирга, сеҳрга тўлади, ҳар бир нарса, ҳодиса ўзига хос маъно касб этади, мавҳум тушунчалар моддий тусга киради, она табиатга ўзингизни жондош ҳис этасиз, жимжитлик суронини эшитиб турасиз, япроқни худди китобдай

ўқийсиз, қалбингизда булбуллар чарх ургандай бўлади, ойга қараб кўзингиз ёшланади, назарингизда дарёда сув эмас хотиралар оқади, дарё кечалари узоқ ёшлигингиз, дарё оқими босиб ўтган йўл эса умр йўлингиз бўлиб кўринади, кечанинг сукунати бузиб тинимсиз сайраётган чигиртка созида туннинг ўйини, табиатнинг тугаллигини туясиз.

*Оқшом кўринишда осуда, сўлим,  
Лекин у бир олам ўй, сир сақлайди,  
Ингичка кишнаса узоқда қулун,  
Бияни кўзида юлдуз чақнайди...*

Бу каби гўзал, сирли-сеҳрли манзаралар тасвири-ни шоир бисотидан истаганча топиш мумкин: улардан сир, сеҳр қидиришни шоир принцип даражасига кўтаради:

*Менга гўзал, сеҳрий дунё керак,  
Сирру мўъжизасиз яшай олмайман!*

Оламнинг, инсон ҳаётининг сирли-сеҳри ҳақида баҳс кетганда шоир Умар Ҳайём, Навоий, Бедил сингари Шарқнинг буюк мутафаккирларини ўйга толдирган ва ҳатто фан-техника революцияси асрида ҳам инсон тафаккурининг парвози ҳали етиб бормаган сарҳадларига ҳаёлингизни тортади:

*Нур оқади, кун-тун нур оқади,  
Нур оқади қуёшдан ерга.  
Юлдузлардан тинмай нур оқади,  
Кун-тун чўмилади куррамиз нурда.*

*Нур ҳам — материя, дейди олимлар.  
Ер шари кун сайин оғирлашарми?  
Нимага бўлмаса зулмат ваҳимаси  
Гирдобига олар гоҳо бу Шарни?*

*Миллиард йиллар неча миллиард юлдуз  
Ер деб нур хирмонин ҳамон уяди.  
Нимага бўлмаса унда одамлар  
Қора тунларини оғир туяди?*

Бу хил саволлар ҳамон жавобини кутади...

Чамамда шоирнинг романтик руҳ билан жилоланган сатрлари қанотида бир оз заминдан юқорилаб кетдик, шекилли. Аслида Асқад Мухтор шеърларида романтик парвоз нақадар баланд, хаёллар, ўйлар бениҳоя чексиз бўлмасин, поэтик мақсад, фикр-хулоса жуда аниқ, конкретдир; табиат, олам сирлари ҳақидаги ҳар қандай чексиз ўй-хаёллар ҳам оқибат-натижада замин ташвишларига, жамият масалаларига, кундалик турмуш муаммоларига келиб тақалади. Қаранг, юқоридаги шеърда миллиард йиллардан бери ерга ёғилаётган нур устидаги баҳс бугунги кунда ҳам ҳаммамизни ташвишга солаётган «зулмат ваҳимаси», одам зоти учун кўргилик бўлмиш «қора кунлар» ташвиши билан тутшиб кетади. Зотан Асқад Мухторнинг эътиқодича, «шеър — шоирнинг ижтимоий виждони».

Бевосита инсон табиати, одам умрининг моҳияти устида сўз борганда ижтимоий таҳлил, инсон хатти-ҳаракатини маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолаш хийла кескинлашади. Шоирнинг лирик қаҳрамони она юртга чин фарзанд экани билан фахрланадиган, эл-юрт ичидаги ўз ўрнини, қадрини яхши англайдиган, тева-рак-атрофда юз бераётган барча ҳодисаларга, яхши ва ёмон ишларга ўзини дахлдор деб биладиган, ҳар қадамда виждони олдида ҳисоб бериб турадиган маънавий жиҳатдан юксак, мустаҳкам эътиқодли бир шахс. У жуда босиқ-осойишта ва айни пайтда фаол; ўта камсуқум, хокисор ва шу билан баробар доно, донишманд. У ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам ғоят талабчан, кези келганда ҳатто ўзини аямайди, ўз ҳаётини ҳам шафқатсизлик билан сарҳисоб эта олади. Шундан бўлса керак, фалсафий мушоҳадага мойил осойишта қалбда баъзан кескин танқид, киноя-кесатик, ҳажвий ҳамлалар ҳам уч бериб қолади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ором билмайдиган, доимо изланувчи, масаланинг моҳиятига етишга интилувчи қалб эгаси, у «ин ҳам мегузарад»\* қабилдаги юпатувчи, ўнғай фалсафани кескин рад этади. Унингча:

*Ин ҳам мегузарад. Тугиб олинг дилга,  
Чиндан, ҳамма нарса, сўзсиз, ўтади,*

*Лекин ҳамма нарса ўзи билан бирга  
Умрнинг бир қисмин олиб кетади.*

Агар шу ўтган умр беҳуда кечса, изсиз кетса — фожа; эл-юрт манфаати йўлига фидо этилса, ўтган умрдан ёрқин из қолса, бу энди қувонч, бундай одам учун ҳаттоки ҳаётнинг сўнгги бекати — ўлим ҳам кўрқинчли эмас:

*Севган гулларимга кўз нуримни бердим,  
Қилган ишларимга ўтди ҳаётим.  
Айтган сўзларимга қайноқ ҳислар ўтди,  
Рухим, шубҳаларим, ўйларим, отим...*

*Бир-бир нарсаларга ўтди борлигим,  
Кўзларимдан ўтди, ўтди қўлимдан,  
Дилимдан, тилимдан зарра-зарра ўтдим,  
Энди мен кўрқмайман ўлимдан!*

Асқад Мухтор поэзиясини айрим таққидчилар рационализмда айблаган эдилар, унда ҳиссиёт етишмайди деб нолишган. Эҳтимол, шоир ижодида бундай коийишлар учун асос берадиган ўринлар ҳам бордир, бироқ унинг энг яхши шеърларида доно фикр ҳамиша гўзаллик туйғуси билан йўғрилган: шоир фикрича, «ҳиссиёт ҳаётнинг аслига тўғри», «ҳаётга муҳаббат ва яшашнинг ўзи ҳаёт маъносидан улуғроқдир». Шоирнинг етук мисраларида худди ана шундай улуғ муҳаббатдан туғилган туйғулар уфуриб ётибди, бироқ, бу жўшқин туйғуларнинг изҳори, ифодаси жимжимадорликдан, ошириб-тоширишлардан холи, жуда табиий, инсоний, замонавий, маданий.

Яна бир тоифа танқидчилар Асқад Мухтор поэзиясини кўпроқ тор доирадаги зиёлилар тушунади, қадрлайди, дейдилар. Кузатишлар шундан далолат берадики, шоирнинг теран фалсафий лирикаси кенг китобхонлар оммаси қалбидан аллақачон ўрин олган, оддий колхозчи, ишчи ҳам уни яхши тушунади, қадрлайди. Бу, бир томондан, ҳозирги китобхоннинг диди, савияси ошганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Асқад Мухтор лирикасига хос донишмандликнинг чуқур халқ-

чиллигидан, миллий анъаналаримиз билан мустаҳкам алоқадорлигидан далолат беради. Аслида Умар Ҳайём, Навоий, Бедил шеърларининг мағзини чақиб ўрганган, Ойбек, Фафур Гулом, Шайхзода, Зулфиянинг ўткир фалсафий шеърлари руҳида тарбияланган, жаҳоннинг бугунги илғор поэзияси дурдоналаридан хабардор ўзбек китобхони учун Асқад Мухтор фалсафий лирикасининг тушунарли ва қадрли бўлиши табиий.

Асқад Мухтор шеърлари шакл жиҳатдан янгича, лекин мазмуни, руҳи, йўналиши томонидан шу кунларда яратилаётган анъанавий вазнлардаги кўпгина асарларга кўра классик шеърятимизга яқинроқдир. Чунончи, анъанавийликка даъвогарлик қилаётган, рубоий деб тақдим этилаётган бир қатор жўн гаплар, оддий панд-насиҳатлардан ташкил топган тўрт қаторлик тизмаларни эмас, балки Асқад Мухторнинг теран, оригинал фикрли миниатюраларини бугунги куннинг чинакам рубоийлари деса бўлади.

\* \* \*

Асқад Мухтор прозаси гўё шеърятининг давомидек туюлади. Шеърларига хос фалсафий ўйчанлик, мушоҳадакорлик, масаланинг моҳияти билан қизиқиш, шафқатсиз реализм ва романтик руҳ, тасвирдаги аниқлик ва метафоризм, символика, заминга яқинлик, сўзлаш тарзидаги сокинлик ва хаёлий парвоз — буларнинг барчаси насрий асарларига ҳам кўчиб ўтган. Адибнинг қатор қисса ва романлари энг яхши шеърлари сингари ўзбек адабиётида шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Адибнинг қисса ва романлари орқали ўзбек насрининг ифода кўлами кенгайди. У ўзбек насрига мушоҳадаларга бой, орнаментализмдан холи, романтик жило билан йўғрилган, ўзига хос реалистик услубни олиб кирди; реализм асосида миф, афсона, притча-ҳикоятларни асар матнига сингдиришнинг энг яхши намуналарини берди.

Асқад Мухтор прозасининг мавзу мундарижаси рангбаранг, қаҳрамонлари хилма-хил. Шу билан бирга асарларининг марказида меҳнат мавзуи, замондошлари — XX аср кишиларининг образи туради. Асқад Мухтор, айниқса, ўзбек адабиётида ишчилар ҳаётини ёритиш,



ишчи образини яратиш йўлида кўп заҳмат чекди. Унинг насрдаги илк машқи — «Дарёлар туташган жойда» қиссаси урушдан кейинги йиллар прозасида ишчилар ҳаётини адабиётга олиб кириш сари қўйилган дастлабки қадам эди. Ёзувчи бирин-кетин яратган «Опа-сингиллар», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Аму» асарлари орқали бу ҳаётга қайта-қайта мурожаат этади. Бу асарлар яхлит ҳолда Ўзбекистонда ишчилар табақасининг туғилиши, шаклланиши, улар ҳаётининг турли муаммолари тўғрисида муайян тасаввур беради. Айни пайтда бу асарлар, умуман шу мавзудаги бутун адабиётдаги сингари, социалистик реализм адабиётининг қусурларини ҳам ўзида намоён этди, албатта. Бундан Асқад Мухтор ижоди ҳам холи қолмагани табиий. Масалан, «Опа-сингиллар», «Аму» романлари адибнинг бевосита хоҳиши, кўнгил майли, эҳтиёжи билан эмас, ижтимоий буюртма асосида яратилгандек таассурот қолдиради.

Адиб асарларининг қаҳрамонлари ҳаётнинг мураккаб чигалликларидан, жинқўчаларидан дадил ўта оладиган, бало-офатларни енгишга ўрганган, кучли, матонатли характерлардир. Бу хусусият унинг «Опа-сингиллар» романидаёқ уч берган бўлса, кейинги асарларида янада яққолроқ кўринди. «Қорақалпоқ қиссаси»даги Жапақ, «Туғилиш»даги Луқмонча, «Давр менинг тақдиримда»даги Аҳмаджон, «Чинор»даги Очил бува, Ориф, Комила, «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссидаги Заргаров, ниҳоят, «Дунё болалари» китобидаги талай қаҳрамонларнинг бари ижтимоий фаол, кучли, матонатли характерлардир. Бир қарашда ўта камсуқум, камтар, хокисор, аслида эса қалби дарё, ақл-заковатда етук, фидойи йигит Луқмонча сиймоси ўз даврида оғизга тушиб, анча машҳур бўлган эди. «Давр менинг тақдиримда» романи қаҳрамони Аҳмаджон 30—50-йиллар талотумларидан омон чиққан матонатли қаҳрамон сифатида 60-йиллар ўзбек насрида муҳим воқеа деб тан олинган. «Чинор» романидаги Очил бува образини адабий танқидчилик ўзбек халқининг йиғма образи, жонли тимсоли деб баҳолаган. «Бўронларда бордек ҳаловат» қаҳрамони Заргаровда эса замонавий иш одамига хос талай хислатлар тажассумини топган. Танқидчилар

таъкидланганидек, Заргаров характеридаги етакчи хислат — фикрий, ҳиссий, маънавий миқёснинг кенглигида. У ҳар жиҳатдан одатдаги андозаларга сифмайди, кенгликни, безовта, серғалва, миқёсли ишларни севади, у «бугунни ҳам, эртани ҳам, бутун дунёни ҳам калласидан олиб юрадиган», «ҳаддини билмайдиган, бориға қаноатланмайдиган» одам. Унга беғалва, осойишта ҳаёт эмас, «одамнинг асрий орзуларига уланган бу дунёда ишнинг кўплиги, армон, дард, чигалликларнинг кўплиги» ёқади.

Шу тариқа реалистик позицияда турган ҳолда романтик руҳдаги кучли характерлар яратишга интилиш ёзувчи ижодининг етакчи хусусиятларидан бирини ташкил этади. Адиб фақат йирик насрий асарларида эмас, драма ва поэмаларида, болаларга аталган ҳикояларида ҳам асосан шу хил матонатли кишиларни бош қаҳрамон қилиб олади. Ҳатто таржима учун ҳам кучли қаҳрамонли асарларни танлайди. У айна «Шоҳ Эдип» (Софокл), «Қароқчилар» (Шиллер), «Ўн икки» (Блок), «Оловни ташлама, Прометей» (Мустай Карим) каби асарларни таржима қилгани тасодифий эмас.

Худди шеъриятида бўлгани каби насрий асарларида ҳам ижодининг етакчи принципига содиқ қолади — қаҳрамонлар шахсининг ижтимоий-гражданлик моҳиятини очишга алоҳида эътибор қаратади; адибнинг етакчи қаҳрамонлари даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалари ичида, гирдобда кўрсатилади, ҳатто уларнинг оилавий, шахсий-интим ҳаёти ҳам ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар билан туташ ҳолда берилади. Ҳатто ҳаддан ташқари ижтимоийлаштириш баъзи ҳолларда қаҳрамонларни инсоний жозибадан маҳрум этсада.

Асқад Мухторнинг насрий асарларида 60—70-йиллар ўзбек адабиётига хос бир муҳим хусусият — публицистик талқин, «жамият қитиғига тегадиган гап айтиш» хусусияти бўртиб кўринади. Бу ҳол ўша кезлари ўткир ижтимоий масалаларни кўтариб чиқиш, ҳақиқатни айтиш мумкин бўлмагани учун публицистика адо этиши лозим бўлган вазифаларни бадий адабиёт ўз зиммасига олгани билан изоҳланади. XX асрнинг иккинчи ярми адабиёти, хусусан, Асқад Мухтор ижоди-

ни таҳлил қилганда мана шу ҳолатни назарда тутиш лозим. Шу жиҳатдан «Чинор» романига бир назар ташлайлик.

60-йилларда эълон қилинган бу романда ўша даврнинг қатор ўткир ижтимоий-маънавий муаммолари катта жасорат билан кўтарилган. Чунончи, романда етакчи персонажлардан бири Ориф билан боғлиқ қиссани эслайлик. Ёзувчи назарида Сталин вафотидан кейин шакллана бошлаган янги типдаги бу масъул ходим, тоғ қишлоғига раҳбар бўлиб келар экан, кўплаб чигалликларга дуч келади; гўзал тоғ қишлоқларининг хонавайрон этилиши, маъмурий буйруқбозлик йўли билан тоғликларни зўрлаб чўлга кўчирилишининг кўнгилсиз оқибатларига қарши исён кўтаради. Шунингдек, у «халқ депутатлари» учун махсус имтиёзларни йўқотиш, истироҳат боғларидаги меҳнатга даъват этувчи дабдабали шиорлардан воз кечиш, маориф тизимидаги догматик ўқитиш системасини бартараф этиш устида бош қотиради; хўжаликда азоб ва шафқатсизликлар ҳисобига рапорт тайёрлаш тартибига кескин қарши чиқади. «Инсонни аввало инсон деб эмас, фақат бир ижрочи деб биламиз. Эҳтимол, унинг бошида сеникидан ҳам чигалроқ саволлар, балки гўзал фикрлар бордир. Ким сўрайди ундан бу ҳақда?.. Шундай муҳит яратилса эдики, одам уйида нимани ўйлаган бўлса, мажлисда ҳам шуни гапирса, кўнглида нима ўйлар тинчлик бермаётган бўлса, райкомда ҳам, обкомда ҳам ...» — 60-йиллар шароитида Орифни қийнаган бу жумбоқлар социалистик тузумнинг охиригача ҳал этилмай қолди!

XX аср охирларига келибгина Орол фожиаси ҳақида катта-кичик ҳамма бонг ура бошлади. Асқад Мухтор эса Орол муаммосига кўпчилик у қадар эътибор бермаган, Оролнинг «порлоқ истиқболи» ҳақида ҳавойи орзулар билан юрилган кезларда «Чинор» романида бу масалани жуда кескин қилиб қўйган эди. Асар персонажларидан бири Матниёз Орол тақдирига ўта нописанд муносабатда бўлган профессор Шуманнинг хатарли оқибатларга олиб келувчи илмий режасига қақшатгич зарба беради.

Романда тарихга ёндашиш бобида йўл қўйилаётган кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам кескин муносабат билдира-

ди. «Ўтмишни ёппасига зулмат қилиб кўрсатаётганларни ёмон кўраман», дейди асар бош қаҳрамони Очил бува. «Ким эдик тарихда бизлар: номи йўқ, қашшоқ, гадо...» деган қўшиқ сатрлари эслатилганда у ўзига хос донишмандлик ва босиқлик билан «ўзбек ҳеч қачон гадо бўлган эмас... Ота-бувамиз ёғ ичиб яланғоч ётмаган, албатта. Нони бўлмаса бўлмагандир, лекин кўнгилик қашшоқлиги унга бегона эди...» дейди. Шу мулоҳазадан кейин Очил буванинг акаси Абдулаҳад дума саргузашти, унинг Лев Толстой билан учрашув воқеаси, Абдулаҳад қорининг Аҳмад Яссавий хусусида Лев Толстой билан баҳси келтирилади. Абдулаҳад қори Лев Толстойга Яссавий фалсафаси ҳақида сўзлайди, машҳур «ҳикматлар»дан байтлар айтади:

*Оқил бўлсанг, ғарибларнинг кўнглини овла,  
Эли кезиб, етимларга меҳр боғла...*

Бу каби ғарибларга меҳр-мурувват туйғуси билан йўғрилган сатрлар Толстой эътиборини ўзига тортади, уни ўй-мушоҳадаларга фарқ этади. Шунда буюк адиб дейди:

«Қизиқ, нега мен билмайман бу одамни? Конфуцийни биламан, Гандини биламан... Бунга эса... Яссавий дедингизми?... Мана энди сиз менга айтинг: нима учун бу таълимотни ҳамма замонларнинг буюк донишмандлари бу қадар зўр бериб тарғиб қилишади? Ҳамма динларда, барча халқларда нима учун булар мунча кўп... Чунки, бу Исонинг таълимотигина эмас, бу умумбашарий қоидалар. Ахлоқий ҳақиқат билан диний ҳақиқат — иккиси бир ҳақиқат. Ўзаро меҳру муҳаббат — инсоннинг бирдан-бир оқилона фаолияти. Инсон давлат қонунлари билан эмас, муҳаббат қонунлари билан яшаб, ўз ахлоқий камолотини тинмай ўйлаши керак...»

Толстой тилидан яна шуларни илова қилади: «Подшоҳ ҳокимияти бузуқ, ярамас ҳокимият. У халқни инқилоб жарига итармоқда. Даҳшатли қонли инқилоб бўлади. Бу жуда катта жиноят, мулла».

Аниқ тарихий ҳужжат — асли тошкентлик, думага аъзо бўлган, подшога ёзган бир эҳтиётсиз мактуби учун

Тула губерниясига сургун қилинган Абдулвоҳид қори (асарда Абдулаҳад қори деб берилган) ҳаётига оид, ёзувчи фантазиясининг кучи билан қайта жонлантирилган бу лавҳадаги Яссавий, унинг ҳикматларидаги умумбашарий ғоялар, диний таълимотларнинг ҳаёт-бахш кучи ҳақидаги гапларга эътибор беринг. Бу гаплар Яссавий номини умуман тилга олиш, диний таълимот ҳақидаги ижобий гап айтиш ман этилган, Яссавий адабиёт тарихидан бадарға қилинган 60-йиллар шароитида битилган! Гарчи Толстой тилидан, унинг башорати тарзида берилса-да, «буюк инқилоб» тўғрисида «қонли инқилоб», «жуда катта жиноят» деб ёзиш ўша даврда ҳазилакам иш эмас эди!

Яширишнинг ҳожати йўқ: ҳукмрон мафкура тазйиқи Асқад Мухтор романларига ҳам таъсирини кўрсатди. Ҳатто «Давр менинг тақдиримда», «Чинор»дек яхши асарларда ҳам ўз даврининг бу нохуш асоратини кўриш мумкин. Бироқ улкан адиб ижодининг аксар саҳифаларида, кўриб ўтганимиздек, замона зуғумларини четлаб ўтиб, баъзан эса тўғридан-тўғри унга қарши бориб, халқ ҳаётининг ҳаққоний манзараларини ифодалашга, мардона туриб ҳақиқатни айтишга, ўқувчи дилига эзгулик, ижтимоий адолат туйғуларини олиб киришга муваффақ бўлди.

\* \* \*

Бир неча оғиз сўз ёзувчининг 60—70-йиллар насрий асарларининг шакл жиҳатидан ўзига хослиги, янгилиги — новаторлиги ҳақида. Шаклий янгилик, айниқса, «Давр менинг тақдиримда» ва «Чинор» романларида яққолроқ кўринади. Биз бу икки асарни «роман» деб айтаётимиз. Ёзувчининг ўзи эса уларни «роман» деб атаган эмас; «Давр менинг тақдиримда» асарини дoston, аниқроғи «уч фасл дostonи», «Чинор»ни эса «ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар» деб атайди. Бу икки асарда шеърятга яқин жиҳатлар кўп. Аввало асарларнинг руҳи, пафоси шеърый, кўтаринки, романтик. «Давр менинг тақдиримда» романи қаҳрамони ҳаётининг олий дақиқаларини дostonга хос бир тарзда ифода этади. Бу асар Асқад Мухтор шеъряттида кескин бурилиш рўй берган, интеллектуал-фалсафий мушоҳадалар

маҳсули бўлмиш «99 миниатюра» китоби билан деярли бир пайтда яратилган эди. (Шоирнинг «99 миниатюра» китоби 1962 йили, «Давр менинг тақдиримда» эса 1964 йили эълон этилган.) Худди ўша шеърини китобга хос талай хусусиятлар бу романда ҳам мавжуд. Асар матнидаги кўп парчалар, хусусан фалсафий мушоҳадалар ифода тарзи жиҳатидан «99 миниатюра»даги шеърлар оҳангини ёдга туширади. Баъзи мисоллар:

«Бахт бир зумлик бўлмайди, шундай эмасми, Сўнагул? У бутун умрники. Чунки у бутун умрни талаб қилади. Вақт келарки, биз оғиз тўлатиб айтармиз: бахтли умр кўрдик, деб. Ё аксинча бўлар...»

«Воқеалар худди момоқалдироқ олдидан кучли шамолда узилган япроқлардек учиб ўтмоқда, улар қаердадир, узоқларда эмас, гўё менинг ўзимда, бошимда шовуллаб туришибди, улар биз билан ҳисоблашмай, тақдиримизни ўз қўлларига олишмоқчи. Наҳотки, шундай бўлиши мумкин экан?»

Ниҳоят асар охиридаги жумлаларни ўқиб кўринг:

«Биз асримизга бердик йилларимизни. Умримиз оташини авлодларга тутдик. Бу оташ ёниқки, йигирманчи асрни бекор қилиш мумкин эмас.

Йўқ, йигирманчи аср ўчмайди!»

Бу хил насрий парчалар шеърдек ўқилади.

«Ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар»дан иборат «Чинор»да янги ўзбек насрида мавжуд кўплаб ифода йўлларига дуч келамиз, лекин, барибир унда, кўтаринки романтик услуб, фалсафий талқин, метафоризм устун. Асарнинг «Чинор» деб аталишида шоирона символик маъно бор. Муаллиф марказий қаҳрамон Очил бувани улкан Чинорга қиёс қилади, чинор билан мулоқотга солади. Дарвоқе, асар чинор тасвири билан бошланади, романдаги бутун воқеалар шу азамат одам ва улкан чинор билан боғланади. Муаллиф талқинича, Очил бува — ўзбек халқининг йиғма образи, чинор эса улуғворлик ва мангулик рамзи. Ёзувчи ўз олдида улуғ мақсадни қўяди:

— «Чинор» деган катта роман ёзиш ниятим бор. Ўзбек халқининг қадимдан маданий, бақувват, кенг савияли, маънавий бой халқ эканини тасаввур эттира олувчи, илмли, ўзига ишонган, меҳнаткаш фарзанд-

лар берган катта бир оила тарихини ёзгим келади. Бу оила фарзандларининг ўзбекнинг барча ишларида ҳиссаси бор...» — деган эди у суҳбатларининг бирида. Мана шундай улуғ ният — муддао асарнинг кўтаринки, мушоҳадаларга бой романтик ифода тарзини, қолаверса, азамат чинор шоҳларидек сертармоқ структурасини, сюжет қурилишини тайин этади.

Асқад Мухтор шахсига хос муҳим хусусиятлардан бири табиатан унинг изланишга ниҳоятда мойил эканлигидир. У бутун ижоди давомида ўз ишларидан, ёзганларидан қониқмай изланиб, янгилик қидириб, ҳаётнинг, яшашнинг маъноси ҳақида бетиним ўй суриб ўтди. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон ҳам, насрий асарларидаги бош қаҳрамонлар ҳам аввало изланувчан, фикрлайдиган безовта одамлардир. Ҳаётдаги кескин ўзгаришлар рўй берган 80—90-йиллар маҳсули бўлган икки асари — «Бухоронинг жинкўчалари» билан «Фано ва Бақо»да, шунингдек, умрининг сўнгги палласи оғир хасталик чоғида қоғозга туширган «Уйку қочганда» деб аталган «Тундаликлари»да («кундаликлари» деб аталган жанрни адиб ўз руҳий ҳолатидан келиб чиқиб шундай атаган) бу хусусият янгича бир тарзда намоён бўлди.

«Бухоронинг жинкўчалари» асари қаҳрамони ХХ асрнинг мураккаб тарихий сиймоларидан саналмиш Файзулло Хўжаевдир. Ёзувчи асарда унинг ўсмирлик даври — шахс, миллий юрт фуқароси сифатида шаклланиш йўллари ҳақида ҳикоя қилади. Файзуллонинг ўсмирлиги эса асримиз бошида ўлкада буюк ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган эски тузум, эскича қарашлар зиддияти авжига минган, янги миллий озодлик ғоялари туғилиб тарқалаётган шиддатли йилларга тўғри келади. Қаҳрамон характери ўша мураккаб тарихий шароитда, жиддий ижтимоий ҳодисалар тўлқини ичида шаклланади, тобланади. Қаҳрамон тақдирининг яна бир мураккаб томони шундаки, Файзулло — бадавлат, амирга яқин, унинг таянчларидан бири саналган хонадон фарзанди. Миллионер ота уни умр бўйи ўз мулкининг меросхўри, ишларининг давомчиси қилиб тарбиялашга ҳаракат қилади. Ота интилишлари, бой, зодагон муҳити Файзулло характериға таъ-

сирини кўрсатмай иложи йўқ. Шу билан бирга, Файзулло — замон фарзанди, у оқила онаси, жафокаш тоғалари орқали меҳнаткаш халқ билан боғланади. Бунинг устига Файзулло Москва таълимини олиб қайтган, худди «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабек каби Россиянинг нисбатан илғор турмуш тарзи унинг онгида чуқур из қолдирган. У ўз юрти ҳаётини Россия тартиби билан қиёс қилиб, бу ердаги оғир турмуш, қолоқлик, разолат ва жаҳолатдан қаттиқ изтиробга тушади, унинг ёш қалбида қандайдир бетоқатлик, мавжуд турмушдан, тартиботлардан норозилик уйғонади, халқни жаҳолатдан халос этиб, фаровон турмушга элтиш йўллари ҳақида хаёл сура бошлайди. У кўнгил дардига даво истаб бетоқат юрган кезлари князь Антоновский деган одамга дуч келади. Князь мулкидаги ажойиботлардан, ўлка ҳаётига олиб кирган кўп янгиликлар, ўзгаришлардан ниҳоятда қувонади. Князь билан ўтказган илк мулоқотлари унда ёрқин таассуротлар қолдиради, у бу кимса тимсолида ўз орзу идеалини топгандай бўлади. Бироқ илк таассуротлар сароб бўлиб чиқади. У князь бу ишларини ўта шафқатсизлик, ёвузлик билан амалга ошираётганини билиб қолади. Файзулло руҳий изтироблар исканжасига тушади ва княздан кескин юз ўгиради. Файзулло дуч келган бу шахс шунчаки мунофиқ бир кимса эмас, ижтимоий тип эди. Ёзувчи у орқали конкрет шахснинг — колонизаторнинг чин қиёфасини, ижтимоий моҳиятини катта маҳорат билан очиб беради.

Ижтимоий типларнинг мураккаблиги, мусбат ва манфий томонлари Файзуллонинг руҳоний устози, дин ҳомийси Шоражаб Зуфунун тимсолида яна ҳам мукамалроқ кўринади. Сир эмас, ўша пайтга қадар яратилган ўзбек адабиётидаги кўпчилик асарларда диндорлар, дин ҳомийлари образи нуқул бир ёқлама қора бўёқ билан чизилар, уларни ҳамиша реакция томонида турган кимсалар тарзида талқин этилар эди. Тарихдан, айниқса, бу фаннинг бугунги натижаларидан яхши маълумки, диндорлар, дин ҳомийлари орасида нисбатан тараққийпарвар, халқ фаровонлиги, тинчлиги, истиқболи ҳақида ўйлайдиган, шу йўлда курашадиганлар ҳам кўп бўлган. Шоражаб Зуфунун шу хил диндорлар-



дан — холис ниятли, инсофли, диёнатли, эл-юрт ғамида юрган одам.

Файзуллонинг Zufунун билан дин, имон, диёнат, руҳий поклик, инсоний камолот хусусидаги баҳслари асарнинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Zufунун динни инсонни руҳий покликка, камолотга етакловчи бир восита, имонни эса қалбдаги маёқ деб билади. «Агарчандиким худо бўлмаса, уни ўйлаб чиқармоқ зарур бўларди, — дейди у. — Имон — тажалли субҳи азал. Имон керак, ишонмоқ керак. Худога инонмоқ бандасини инсофли, имонли қиладир, ахлоқ дарвозасида ушаб турадир. Дўзахга ишониш даҳшатда тутса, жаннатга ишониш тасалли берадир. Буларни ҳеч қандай жинойий қонунлар мажмуаси билан алмаштириб бўлмас. Қонунни бузмоқ мумкин, алмаштирмақ, ўзгартирмоқ, бекор қилмоқ, ниҳояти сотиб олмоқ мумкин. Имон эса ичингизда, уни ҳеч нарса қилолмайсиз».

Zufунун муддаони яна ҳам аниқроқ қилиб дейди: «Инсон учун энг улуғ илму фунун — баҳоли қудрат кўпроқ яхшилик кўрғазиб, бақадриҳол камроқ ёмонлик қилиб яшамоқдир. Жумла мўминда комил диёнат, имони пок бўлса, бадкорлик бўлмағай. Имонлар соф эрса зулму таҳқир, абгору фақир қайдин келур?»

Файзулло имон, дин хусусида устози билан тортишади, олишади, баъзан унинг даъво-далилларига шубҳа билан қарайди, барибир, ноилож унинг таъсирига берилади. Энди у ўз ҳаётини мол-мулк билан эмас, одамлар билан, ҳамён билан эмас, дин-имон билан боғлайди, нажот йўли диний эътиқодда, деган қарорга келади; одамлар бир-бирларига мушфиқу меҳрибон бўлиши керак, имон, диний эътиқод одамлар орасига меҳр уруғини сочади, деб ўйлайди. Энди у ҳамма нарса имону диёнат учун — мол ҳам, пул ҳам, умр ҳам, деган шиорни ўз олдига қўяди.

Афсус, Файзуллонинг бу ўй-режалари, орзу интилишлари ҳам яна саробга айланади. Ижтимоий-синфий зиддиятлар зилзила солиб турган жамият жароҳатларини бундай ширин орзулар билан асло тартибга солиш мумкин эмаслиги маълум бўлади. Устознинг нияти холис; шунинг учун у шогирд меҳрини тортади; аммо улар ишонган, амал қилган эътиқод, имон давр

жароҳатларини тузатишга қодир эмас. Аввало диндорлар муҳотидаги нифоқ, ички зиддият, мунофиқлик уларни ноқулай аҳволга солиб қўяди, диний мазҳаблар орасида юз берган қонли тўқнашув, интиқом ширин хаёлларни чиппакка чиқаради. Ана шу мураккаб, кескин дақиқаларда устоз ва шогирд бир-бирларига дуч келадилар. Муқаддас орзу-идеаллари барбод бўлган дақиқалар инсон учун энг оғир дамлар саналади. Ёзувчи шогирди олдида юзи шувут устознинг, ҳафсаласи пир бўлган шогирднинг драматик ҳолатларини катта санъаткорлик билан кўрсата олган.

Асқад Мухтор ўз қиссасида XX аср бошидаги бу фожиавий ҳодисалардан чиқарган бадиий ҳулосасини бу аср охирида мусулмон мамлакатларида юз берган фожиали ҳодисалар ҳам тасдиқлаганини қайд этиш лозим.

Шундан сўнг Файзулло нажот йўлини қидириб яна бир неча жинкўчага кириб чиқади — жадидлар, большевиклар билан мулоқотда бўлади. Лекин асарнинг кейинги бобларида қаҳрамон аввалги жинкўчаларда дуч келган кишилар — Князь ёки Зуфунун сингари тўлақонли, мураккаб образлар учрамайди.

Ҳаёт тажрибаси, жинкўчалардаги адашувлар, таасуфлардан сўнг Файзулло ўша илк учрашувдаги одамларни қўмсаб қолади, уларга талпинади; улар ҳам ўз навбатида Файзуллога мадад қўлини чўзадилар. Қисқаси, Файзулло ғоят кескин ижтимоий ҳодисалар, ғоявий-мафкуравий курашлар, тўқнашувлар тўзонидан ўтиб, кўп руҳий азоблар, изтироблар ичида тинимсиз изланишлар эвазига нажот йўлини — ижтимоий озодлик йўлини топгандай бўлади. Асар ўша нуқтада тугайди. Аммо бу йўлнинг оқибати ҳам, тарихдан яхши билламизки, фожа билан тугайди. Файзулло 1937 йилги қизил истибдод қатағони қурбони бўлади... Шу тариқа «Бухоронинг жинкўчалари» муаллифи навқирон бир ноёб қалб эгасининг мураккаб ижтимоий ҳодисалар силсиласи ичида кескин тўқнашувлар, тўхтовсиз изланишлар, изтироблар оловида кечган ёшлик умрини ўзига хос ва бетакрор тарзда кўрсатишга эришади.

Асқад Мухтор умрининг охирларида ёзган «Фано ва Бақо» ҳикоясида биз тамомила ўзга бир манзарага,

ўзгача талқинга дуч келамиз. Адиб бу асариди одам боласининг, инсон руҳиятининг авваллари ижодда кўрилмаган турфа шевалари устида ўй суради. Адибнинг шу пайтгача ёзган насрий асарларида шахсни юқорида таъкидлаганимиздек, моддиюнча идрок этиш — уни ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида кўрсатиш, шахс характери ва тақдирида даврнинг, жамиятнинг, ижтимоий-сиёсий омилларнинг таъсирини алоҳида таъкидлаш устивор эди. Ёзувчининг машхур романларидан бири «Давр менинг тақдиримда» деб аталиши тасодифий эмас. Бу ҳикояда ҳам персонажлар табиати ва қисматида муҳит-шароитнинг таъсирини кўрсатиш бор. Ҳикоя персонажлардан бирининг сўзлари билан айтганда, одам боласи дунёга соф келади, ҳамма ёмонликни шу дунёда ўрганеди, шу ерда орттиради. Ҳикоя қаҳрамони Холхўжа ҳам, Очил ҳам шу нобоп, номукамал дунё, аниқроғи «социалистик ҳаёт тарзи» чигалликлари гирдобиди гуноҳ йўлларга кириб қолган, шу дунёнинг давлати, роҳат-фароғати, ўз нафсини деб имон-этиқоддан юз ўгирган.

Асқад Мухторнинг бу ҳикоясида бора-бора ижтимоий талқин чекиниб, персонажлар бисотидаги, руҳиятидаги туғма хусусиятлар нағмалари таҳлили олдинги ўринга ўтади. Персонажлар бир эмас, икки бор бу фоний дунё чегарасидан чиқиб боқий дунё остонасида кўринади. Худди ўша чегарада улар ўзлигига қайтадилар, Оллоҳни ёд оладилар, бу дунёда қилган гуноҳлари учун пушаймон ейдилар; бир-бирларига юрак розини, сирларини рўй-рост айтадилар:

«Тирикчилик — асли тирриқчилик. У дунёга ишонмайди-да кўплар. Шунинг учун кўрқмай кирдикорини қилаверади».

«Боқий дунёнинг борлиги унинг остонасига келганимиздагина ёдимизга тушади. Инсон унинг борлигига бир умр имон келтирса, каптар келиб, қузғун кетмасди... Келса гумон — кетар имон, дегани шундан-да».

«Дунё йиғиб нетарсан — бир кун ташлаб кетарсан. Буниси майли. Лекин гуноҳни олиб кетма».

«Ҳаёт ўлимдан ёмонроқ. Мен не вақтдан бери шуни ўйлаб, бошим ёрилай деяпти. Ҳаёт зарарли, одам шундан ўлади асли. Аммо-лекин дорилбақо... остонасида

турган киши учун фанонинг ўзи ҳам, у туғдирган муд-  
ҳиш гуноҳлар ҳам ҳеч нарса эмас. Фақат уларни дунёга  
ташлаб кетиш керак».

Мана бақо остонасида танишган икки гуноҳкор  
«дўст» — банданинг иқрорномаси, тавба-тазаррусидан  
намуналар.

Нокомил банда табиатининг ғаройиб шевасини  
қарангки, тақдири азал тақозоси туфайли бу икки  
«дўст» бақо остонасидан яна фоний дунёга қайтадилар.  
Орадан кўп ўтмай, яна шу дунё ғалвалари гирдобига  
шўнғиб, қалтис дамдаги тавба-тазарруларини, аҳду пай-  
монларини унутдилар. Бугина эмас, қалтис дамларда  
бир-бирларига ўз гуноҳлари, юрак сирларини очган-  
лари учун пушаймон ейдилар. Холхўжа ўз сирини ош-  
кор этгани учун Очилдан, Очил эса Холхўжадан шуб-  
ҳага тушади, энг даҳшатлиси икки сирдош дўст бир-  
бировининг пайига тушади, бир-бирининг жонларига  
қасд қилади... Тақдири азалнинг қароматини қаранг-  
ки, яна бу икки гуноҳкор банда ўлим чангалидан омон  
қоладилар, пировардида бошда бақо остонасида дўст  
тутинган, бу дунё ғамини деб ашаддий рақибга айлан-  
ган бандалар яна бир-бирига тўқнаш келадилар. «Ҳа, у  
ҳам тирик, бу ҳам тирик. Энди, то охиратгача улар  
бир-бирларини таъқиб қиладилар. Яна олдинда умр,  
яна ҳаёт, яна гуноҳ, яна жинойтлар... Азобли йўлни  
барибир босиб ўтиш керак. Фанода ҳам, Бақода ҳам».  
Энг муҳим хулоса шуки: «Худованд бир инсонга икки  
дунёни бериб қўйибди. Аммо имонни бой берганга ик-  
каласи ҳам ҳаром экан...»

Буни ёзувчининг бутун ижоди давомидаги маъна-  
вий изланишлардан чиқарган сўнгги ва асосий хулоса-  
си деб аташ мумкин.

Асқад Мухтор ўттиз ёшида ёзган бир шеърида шун-  
дай деган эди:

*Умрим узоқ бўлар  
(Сезиб турар кўнгли) —  
Барақали бўлар, шубҳасиз.*

*Кумуш чўққисига қарайман дадил:  
Мен бормасман унга тухфасиз.*

Бундай башорат ҳақ бўлиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам адиб узоқ умр кўрди — 77 йил яшади; у умрининг кумуш чўққисига катта тухфалар билан келди. Шоир олтмиш ёшлиги бўсағасида мана бундай деб ёзган эди:

*Мен дунёга келиб дунё орттирдим,  
Ҳаммасини қолдириб кетарман.  
Қалбни эса сўнгги хужайрасигача  
Ловиллатиб ёндириб кетарман.*

Адиб ўз ваъдаси-аҳдида турди: сўнгги нафасигача фикрлашдан, ижоддан тўхтамади, Оллоҳ инъом этган ноёб қалбини сўнгги хужайрасигача қадар ловиллатиб ёндириб бадииятга фидо этди.

2002 йил

## **Насрнинг мунаввар йўли**

*(Одил Ёқубов ижодий йўли ҳақида мушоҳадалар)*

2006 йилнинг 20 август якшанба куни Бўстонлиқнинг Чорбоғ ҳудудида жойлашган ёзувчиларнинг дала боғ кўрғонида ижодкорлар ўртасида анъанавий бешинчи шахмат турнири бўлиб ўтди. Устоз Озод Шарафиддиновнинг порлоқ хотирасига бағишланган ушбу талбирда меҳмон сифатида иштирок этиш шарафига муяссар бўлдим. Таклиф этилганлар қаторида улкан адибимиз Одил Ёқубов ҳам бор эди. Турнирни даврадагиларнинг энг ёши улуғи — саксонни қоралаб келаётган Одил ака табрик сўзи билан бошлаб бердилар. Одил ака ҳам шахмат шайдоси; авваллари кўп кузатганман — мана ман деган шахмат шоввозлари саналмиш адиблар — Озод ака, Эркин, Худойберди, Иброҳимжонлар билан мардона беллашиб, бирда ғалаба сурурини тотиб, бирда мағлубият аламини чеккан, камдан-кам ҳолларда дурангга рози бўлган. Агар ўйинга тушса, аминманки, бугун ҳам рақибини доғда қолдириши тайин. Бироқ ўз қадрини билган оқсоқол адибимиз ёшига ярашадиган йўл тутиб қаламкаш сафдошлари, шогирдларига оқ йўл тилаш билан чекланди. Турнир иштирокчиларига

халақит бермаслик учун сўлим боғнинг кўркам айвонида устоз адиб теварагида алоҳида давра қурдик. Эрталаб бошланган гурунг кеч — асрга қадар қарийб ўн соат давом этди. Жуда кўп воқеа-ҳодисалар, гоҳ жиддий, гоҳ кулгили, гоҳо қувончли, гоҳ алам-армонли хотиралар эсга олинди. Гап-сўзлар асосан адабиёт, бугунги адабий жараён муаммолари, босиб ўтилган йўл сабоқлари устида кетди.

Умр оқар дарё дейдилар. Одил ака билан илк бор ярим аср бурун университетда танишганман. У киши мендан бор-йўғи бир курс олдинда — рус филологияси бўлимида ўқирди. Кези келганда айтиб ўтай, урушдан кейинги йиллари талабалар таркиби ўзига хос бўлган — курсдошлар орасида тўғридан-тўғри мактаб партасидан университет аудиториясига келган 17—18 ёшлилар билан баробар ёши бирмунча улуғ, уруш қатнашчиларини ҳам учратиш мумкин эди. Одил Ёқубов ана шундай жанг кўрган талабалардан эди. Ўз даврида ўзбек болалар адабиётида муайян янгилик бўлган «Тенгдошлар» қиссаси муаллифи билан бир том остида таълим олиш бизларга чексиз ғурур бахш этарди. Талаба адиб барча талабаларнинг нигоҳида-назариди эди, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб борардик. Одил аканинг қуйи курс талабаси одоб-андиша, сулувликда танҳо Марямхон билан ишқий мулоқотлари ҳам ёшларнинг оғзига тушган эди. Ўша кезлари Одил ака қаерда, қайси хонадонда яшаганини билмайман, бироқ дарсдан бўш вақтларда ҳамини университетнинг асосий кутубхонасида кўрардик. Камина ҳам кутубхонанинг «кунда-шунда»ларидан эдим. Бироқ «кунда-шунда»ликда ҳеч қайсимиз Одил акага тенглашолмасдик. Одил аканинг ўқув хонаси четроғида жойлашган столи устида турли-туман китоблар, асосан рус ва жаҳон адабиёти намуналари, журнал-газеталар, дафтар-қўлёзмалар қалашиб ётарди. Мутолаа, дарсларга тайёргарлик билан баробар, афтидан, у янги асарлари устида ҳам шу ерда ишларди. Ўша йиллари университетда адабиёт тўғрагининг нуфузи хийла баланд эди, тўғарак органи «Студент» журналининг галдаги ҳар бир сони жиддий муҳокама қилинар, муҳокама чоғи аксари асосий гапни Одил ака айтарди. Бу одам хийла вазмин,

сиртдан осойишта кўринса-да, минбарга чиққанида ҳаяжон билан жўшиб-ёниб гапирар, баҳс-мунозаралар чоғи ҳеч кимни, ҳатто домлаларни ҳам аямасдан дилидаги гапларни шартга-шартга айтаверарди. Айниқса, асарларга 40—50-йилларда урф бўлган ақидапарастлик асосида ёндашишларга асло тоқат қилолмасди. Фақат қаламкаш дўслари эмас, ўз асарлари хусусида айтилган бундай фикрларни кескин рад этарди. «Розахон» деган бир пардали комедияси муҳокамасида каминанинг ўша давр расмий қарашлари таъсирида асарда қаламга олинган мешчанлик иллати «ҳаётимиз учун типик эмас» деган гапим Одил аканинг жиддий эътирозига учради. Бундай кескин эътироз мени, бир жиҳатдан, эсанкиратиб қўйди, иккинчи томондан, илк бор адабиёт хусусидаги расмий қарашларга ўзгачароқ, яъни танқидий кўз билан қарашга туртки берди.

Университетни битириш олдида чоп этилган «Икки муҳаббат» тўплами, айти шу йили саҳна юзини кўрган «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куйди» драмалари билан биз университетдошлар ҳақли равишда фахрланардик. Университетни тугатиб Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи бўлиб ишлаган кезлари энди уни асосан ўша даргоҳда учратардик. Галдаги ҳар бир янги асарини иштиёқ билан ўқиб борардик. «Розахон» муҳокамасида гапириб тилим куйгани учун адабнинг галдаги асарлари ҳақида сўз айтишга чўчиб юрардим. Ниҳоят, «Шарқ юлдузи»нинг 1960 йил 1 сониди Одил Ёқубовнинг «Муқаддас» қиссаси чиқди. Бу қисса кўплар қатори мени ҳам зўр ҳаяжонга солди. Энди у ҳақда мақола ёзишга журъат этдим. «Ёш ленинчи»да чиққан каттагина тақриз муаллифга маъқул тушди, унинг «Қиссани тушуниб ёзибсиз» деган гапи мени руҳлантириб юборди. Шундан кейин ёзувчи яратган деярли барча асарлари хусусида баҳоли қудрат сўз айтишга уриниб келаман... Дарҳақиқат, «Муқаддас» муаллифнинг ўша пайтга қадар ёзган ҳикоя, қисса, драмаларига нисбатан солиштириб бўлмас даражада олға ташланган дадил қадам эди. Бу асар гўё «Одил Ёқубов» деган феномен учун муаллифлик ёрлиғи вази-фасини ўтади. «Тенгдошлар»дан «Муқаддас»га қадар ўтган ўн йиллик йўл ёзувчи учун ижодда ўзлигини

англаш — топиш йўлидаги бетиним изланиш, одат тусига кирган адабий қолиплар билан мурасасиз олишиш, машъум «конфликтсизлик назарияси» таъсири-ни, китобийлик инерциясини енгиб ўтиш йиллари бўлди. Муаллиф «Муқаддас»да ҳаётнинг ўзидан олган завқини, ўз юрак дардини, ҳаяжонларини изҳор этади, ўзи қаламга олган ҳаёт ҳодисаларини, персонажлар қалби ва руҳиятини мураккаблиги, зиддиятлари, чинакам нафосати билан китобхонга етказа олади. Қиссадаги икки ёшнинг ҳаётдаги илк мустақил қадамлари, қувонч ва ташвишлари ниҳоятда самимий ҳикоя қилинган, энг муҳими, ёзувчи дилидаги гаплар китобхон қалбини ҳаяжонга соларли гўзал поэтик шаклини топган.

«Муқаддас» ёзувчининг бош эстетик принциплари-ни тайин этувчи асар сифатида ҳам қадрли. «Муқаддас» сўзи фақат қисса қаҳрамони номи билангина боғлиқ бўлмай, ёзувчи асарида зўр эҳтиром билан илгари сурган инсондаги энг азиз, муқаддас туйғулар — виждон, бурч, эътиқод, диёнат, адолат ғоясини ҳам ўзида ифодалайди. «Диёнат»дан тортиб тарихий романларию «Оққушлар...», «Адолат манзили» ва «Осий банда»га қадар адибнинг эътиборга сазовор барча асарларидаги гап-сўзлар асосан худди шу муаммо теварагида айланади...

1960—68-йиллар давомида Одил акани асосан Абдулла Қаҳҳор хонадонида, «Қаҳҳор одамлари» — П. Қодиров, М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновлар давра-сида кўрардим. Бу давра ўзига хос адабий дорилфунун, ижодий тафаккур мактаби бўлган. Эл-юрт, миллий адабиёт гами билан куйиб-ёниб яшаш нима эканини шу даврада кўрганман, дилдан ҳис этганман. Ҳаёт, адабиёт, адабий жараён хусусидаги теша тегмаган гапларни, мардона ҳаққоний сўзларни шу даврада эшитардим. Бу даврада бир-бирларига ҳамду санолар ёғдириш ёт эди. Абдулла ака О. Ёқубов, П. Қодиров, М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновларни русча таълим кўрган, жаҳон адабиёти, адабиётшунослигидан бохабар чинакам «мулла ижодкорлар» дея ҳурмат қилар, шу билан баробар «улар русча ўйлаб, ўзбекча ёзади» дея писанда қилиб қўярди. Бир гал: «Одилнинг янги



романи қўлёзмасини ўқидингизми? — деб сўрадилар ва давом этиб, — «Эр бошига иш тушса...» қўлёзмаси столим устида турибди. «Ўтмишдан эртақлар» билан бандман. Романни вақтида ўқиб беролмаганим учун хижолатдаман. Кеча газетада чиққан бобига кўзим тушди. Эҳтирос, ўзбекона руҳ билан ёзилибди. Бироқ Одил эҳтиросга берилиб жумлаларни чаённинг думидек гаж-жак қилиб юборибди. Бу усул Туробга ярашади. Одилга эса мутлақо ёпишмай турибди. Буни Одилнинг ўзига айтдим».

Одил ака роман устидаги иш жараёнида бу мулоҳазани ҳисобга олгани аён. Газетада чиққан боб билан романнинг китоб нусхаси матнини қиёслаганда бунга тўла амин бўласиз. Айни пайтда маслакдош шогирдлари устоз асарлари ҳақида ҳам танқидий мулоҳазаларини дадил айтаверар эдилар. «Ўтмишдан эртақлар»да қора бўёқлар, бири-биридан мунгли, кишида оғир таассурот қолдирадиган ҳодисалар кўпайиб кетгани, «Тобутдан товуш»да яланғоч саҳналар борлиги, «Нурли чўққилар»да асар ғояси Қаҳҳорга хос ифоданинг ўзидан табиий йўсинда оқиб чиқиши етишмаслиги — шу хилдаги эътирозларни Одил акадан эшитганман.

Адабиётшуносликда «биографик метод» деган илмий мактаб бор. Бу мактаб тарафдорлари ижодкор асарларида муаллиф биографияси, шахсияти билан алоқадор жиҳатларни тадқиқ этади. Афсус, бу илмий мактаб бизда ҳали тўла-тўқис шаклланган эмас. Одил Ёқубов ижоди айни шу муаммони текшириш учун ғоят бой материал беради. «Эр бошига иш тушса», «Излайман», «Музқаймоқ», «Қайдасан, Морико?» каби тўғридан-тўғри автобиографик характердаги роман, қисса, ҳикоялари қатори адибнинг бадиий фантазия-тасаввур маҳсули саналмиш асарларида ҳам кўрган-кечирганлари, ҳаётий тажрибалари билан алоқадор жиҳатлар беҳисоб. Ҳатто узоқ ўтмишдан олиб ёзган драма, романлари воқеалари пардаси ортида адибнинг ўзлиги, замонаси, уни қийнаган, ўйга толдирган ўткир ҳаётий муаммоларга туташ робиталар баралла кўзга ташланиб туради. У ўтмишга ҳам ўз замонаси, XX аср иккинчи ярми одами нигоҳи, ҳаётий тажрибаси орқали назар ташлайди.

Одил аканинг волидаи мухтарамаси қазо қилганида Озод ака, Пиримқул ака, Худойбердилар билан Қарноққа борганда, наҳорги эҳсон оши пайтида таъзияга келганларни кузатганда, улар орасида ўнлаб айни адиб асарларидаги персонажларга қуйиб қўйгандек ўхшаш чехраларни кўриб ҳайратда қолган эдим. Бугина эмас, халқимизнинг азалий удумлари, мўътабар анъаналари яхши сақланган, тиниқ булоқлари, сўлим боғлари, хусусан, олмазорлари, бепоён яйловлари, ям-яшил қир-адирлари билан дилларни мафтун этувчи киндик қони тўкилган бу мафтункор юрт манзаралари ифодаси адиб асарларига бетакрор руҳ, ажиб файз бахш этган.

Одил акани бемалол ўз замонасининг куйчиси, бадийий солномачиси деб аташ мумкин. 37-йил қатағони, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фронт орти воқеалари, Узоқ Шарқдаги жанг лавҳалари, 50-йиллар мушкулотлари, 60-йиллар тўлғоқлари, қайта куриш, ниҳоят, истиқлол тўлқинлари, бозор муносабатларига ўтиш даври одамлар қисмати, руҳиятидаги эврилишлар — «Эр бошига иш тушса», «Излайман», «Қайдасан, Морико?», «Қанот жуфт бўлади», «Диёнат», «Оққушлар...», «Адолат манзили», «Бир кошона сирлари» ва «Осий банда»да мамлакат, миллат ҳаётидаги адибнинг ўзигувоҳ бўлган, бевосита иштирок этган ўша тарихий ҳодиса, жараёнлар ҳаққоний, мардона, бетакрор ва таъсирчан акс эттирилган.

Одил Ёқубовнинг бахти, омади шундаки, унинг ёзувчи сифатида шаклланиши мустабид тузум адабий сиёсатида эрувгарчилик, бир оз эркинлик шабадалари эса бошлаган, ҳақиқатни айтиш, ифодалаш учун қисман йўл очилган даврга тўғри келди. Ўша кезлари кўп миллатли шўро адабиёти равнақида янги бир тўлқин бошланди. В. Астафьев, В. Тендряков, В. Распутин, Е. Евтушенко, Р. Гамзатов, Ч. Айтматов каби ҳақиқатпараст, адолатпарвар ижодкорлар майдонга чиқди, А. Твардовский сингари оқсоқол устоз адиблар бу шиддатли адабий ҳаракатни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиб турдилар. Бизда ҳам айни шундай ҳодиса рўй берди, А.Қаҳҳор қаноти остида уюшган ўнлаб ижодкорларнинг ҳақиқат, адолат руҳи билан йўғрилган асарлари

туфайли миллий адабиётимизнинг нуфузи беқиёс даражада юқорига кўтарилди. Қаҳҳорнинг «Ёзувчи, шоир одамларнинг дилидаги, тили учудаги гапларни айтиши керак», «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас» деган сўзларини бизлар китобдан эмас, илк бор давраларда адибнинг ўз оғзидан эшитганмиз. Бугунги кунда 60—80-йиллар адабиётидаги «гап айтиш»га мойиллик тамойилини қусур сановчилар ҳам топилади. Тўғри, ўша кезлари кўплаб истеъдодли адиблар асарларида «гап айтиш»га, «масала кўтариш»га берилиб кетиб гоҳо сўз санъатининг бош вазифаси — инсон жумбоғи, инсон қалбини англаш, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган қалб нағмаларини бадиий таҳлил ва талқин этиш эътибордан четда қолгандай туюлади. Бу ҳол ўша кезлардаги вазият, адабиёт олдида турган вазифалар билан изоҳланади. Расмий доираларда, улкан минбарларда, фан тилида, публицистикада мамлакат, одамлар ҳаётига оид ўткир муаммоларни кўтариб чиқиш, бор ҳақиқатни айтиш имкони бўлмагани учун бу вазифани, яъни социология, фалсафа, публицистика бажариши лозим бўлган вазифаларни адабиёт ўз зиммасига олди. Истеъдодли, имон-эътиқоди бутун, жасур адибларнинг энг яхши асарлари виждон садосига, ҳақиқат баҳсларига айланди. Айни пайтда чин истеъдод соҳиблари, жумладан, О.Ёкубов қисса ва романларида «гап айтиш», «масала кўтариш», яъни ҳақиқат баҳслари персонажлар тимсолида тажассум топган мангу муаммолар — шахс жумбоғи талқинлари билан ажиб бир тарзда туташиб кетган. «Диёнат»даги Отақўзи, Нормурод домла, «Оққушлар...»даги Шоввоз, Ойсулув, «Адолат манзили»даги Суюн бургут, Ветеран, «Бир қошона сирлари»даги Сарвар, Дилора, Дарवेशали ва Гулнозалар айни шу жиҳатлари билан эътиборга молик.

Нуқул ўз кўрган-кечирганлари, тенгдош-замондошлари ҳақида ёзиб эл оғзига тушган адиб 70-йилларга келиб бирдан тарихий мавзуга қўл уриши — буюк олим, темурийзода Улуғбек ҳаётидан тарихий роман ёзиши кўпларни ҳайратга солди. Боз устига улкан шоир, драматург қаламига мансуб миллий театримиз саҳна-

сида қўйилиб маданий ҳаётимизда жиддий ҳодисага айланган тождор улуғ олим тимсоли довруғи ҳали заррача сусаймаган бир паллада пайдо бўлган роман муаллифи Улуғбек ҳақида қандай янги гап айтди экан деган андиша кўплар қатори мени ҳам безовта қиларди. Шоир Туроб Тўла лутф қилиб, ҳазрат Навоийдан иқтибос келтириб: «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Шайхнинг панжасига панжа урмоқ», дейиши бежиз эмас эди. Шу орада роман қўлёзмаси қўлимга тушди. Асарни бир кеча-кундузда ўқиб туширдим. Очиғи, «Ўткан кунлар»дан кейин миллий адабиётимиздаги мени энг ҳаяжонга солган тарихий роман шу бўлди. Мутолаа жараёнида бошдаги шубҳа-гумонлар тарқалди-кетди. Машҳур трагедияни мутлақо такрорламайдиган, айна пайтда у билан бемалол беллаша оладиган бутунлай янгича, оригинал асар пайдо бўлганлиги Одил аканинг кўплаб мухлислари қатори мени ҳам беҳад қувонтирди. Кейинроқ бу икки шоҳ асарни қиёсий таҳлил ва тадқиқ этувчи махсус мақола ёздим.

1972 йилнинг декабрида Ёзувчилар уюшмасида роман қўлёзмаси муҳокамаси бўлди. Муҳокама мажлиси-ни уюшма раҳбарларидан бири Раҳмат Файзий бошқарди. Раҳмат ака ўзига хос эҳтиёткорлик билан нотиқлар сўзларидаги эҳтирослар шаштини қайтариб, силаб-сийпалаб турди. Нотиқлардан бири бу тарихий романдаги замонавий руҳ ҳақида сўз очиб, «У фақат Улуғбек ва унинг даври эмас, ҳамма замонларнинг асари, жумладан, улуғ сиймо бошига тушган савдолар, энг қалтис дамларда унга яқин, ҳатто ундан яхшилик кўрган банди оғизлар орасидаги саросима, иккиланиш, устоз алломадан юз ўгириш, хиёнатлар бизнинг замонамизда ҳам бўлди-ку, бўляпти-ку! Узоққа бормайлик, Ҳабиб Абдуллаев, Абдулла Қаҳҳорлар ҳаётининг сўнгги кунларида, вафотларидан сўнг айна шундай ҳодисаларни кўрдик-ку!» деганида, Раҳмат ака довираб қолдилар. Шунда хушёр бир адиб бир-биридан узоқ XV аср билан XX аср воқеаларидан бундай паралеллар қидириш ногўғри ва хатарли эканини айтиб гапни бошқа ёққа бурди. Муҳокамадан сўнг ўша адиб қулоғимга шивирлаб: «Сиз танқидчилар бунақа талқинлардан тийилиб туринглар, агар шу гаплар

юқорига етиб боргудек бўлса, романнинг нашри таппа-тақ тўхтайди» деди.

Муҳокама чоғи айтилган яна бир қалтис гап жиддий эътирозга сабаб бўлди. Ҳозир аниқ эсимда йўқ, кимдир «Бош қаҳрамон асарнинг қоқ ўртасида ҳалокатга учраб, саҳнадан чиқиб кетади. Улуғбек ўлими тасвирини асар охирига олиш керак» деган фикрни ўртага ташлади. Бунда у улуғ сиймолар ҳақида ёзилган жаҳон адабиётидаги ва ўзимиздаги кўплаб асарларни, жумладан, «Мирзо Улуғбек» трагедиясини рўкач қилиб кўрсатди. Бу мулоҳазани бир-икки нотиқ қўллаб-қувватлагандай бўлди. Шунда устоз Озод ака сўз олиб бу фикрга кескин эътироз билдирди. «Адабиётдаги мавжуд анъаналар, қонуниятлар мезони бўйича эмас, ҳар бир асарга унинг ўз ички қонуниятлари асосида баҳо беришга, фикр юритишга ўрганишимиз керак», — дея гап бошлади у. Устоз сўзида давом этиб муаллиф туганган йўлни ҳар жиҳатдан оқлади. Дарҳақиқат, улуғ шахслар ҳақидаги трагедиялар, биографик романларнинг аксарияти бош қаҳрамоннинг ҳалокати, ўлими билан тугайди. Агар Одил Ёқубов бояги нотиқларнинг гапига кириб, анъанавий йўлдан бориб Улуғбек ҳалокатини роман охирига кўчиргудек бўлса, асар барбод бўлиши мумкин. Аввало, «Улуғбек ҳазинаси» асари «Навоий», «Юлдузли тунлар» сингари бош қаҳрамоннинг узоқ йиллик ҳаёт йўлини ҳикоя қилиб берувчи тарихий-биографик роман эмас; қаҳрамон ҳаётининг қисқа ва энг қалтис фожиавий палласи ҳақидаги асар. Бугина эмас, асар номидан ҳам кўриниб турибди: Улуғбек ҳаёт йўли эмас, унинг умр сарҳисоби, умри давомида орттирган энг азиз ҳазинаси — маънавий мероси, бу мероснинг қисмати, шу қалтис дамларда уни асраб қолиш йўлида кетган жангу жадаллар, яқинлар, шогирдлар орасидаги иккиланиш, ажралиш, инсоний ожизлигу матонат, хиёнат у садақат — шулар билан боғлиқ бошдан-оёқ руҳий драмалар романидир. Асар биринчи қисмида Улуғбекнинг умр сўнгидаги қалб драмалари, алам-ўқинчлари, фарёдлари қанчалар таъсирчан ифода этилган бўлса, бош қаҳрамон ҳалокатидан сўнг садақатли шогирд Али Қушчининг шижоатлари, падаркуш Абдуллатифнинг руҳий қийноқлари, шогирд

Мавлоно Муҳиддиннинг икки ўт орасидаги тўлғонишлари ифодаси орқали бошдаги драматик шиддат асар охирига қадар заррача сусаймай давом этади. Энг муҳими, фақат Улуғбекнинг танг вазиятдаги изтироблари эмас, Абдуллатиф, Мавлоно Муҳиддиннинг қалб қийноқлари ҳам ўқувчини ларзага соладиган тарзда ифода этилади. Ана шундай драмалар қуюни гирдобида ҳамиша, ҳар қадамда марҳум улуғ алломанинг безовта руҳи кезиб юргандай туюлади. Бу безовта руҳ садоқатли шогирдларни шижоатга ундайди, хиёнаткор бандайи ожизларни эса дўзах азобига солади. Шу тариқа «Улуғбек хазинаси» орқали миллий адабиётимизда воқеанавислик романларидан кескин фарқ қилувчи руҳий драматик—тарихий романчиликка асос солинди, бу тажрибани муаллиф галдаги «Кўҳна дунё» романида давом эттирди ва кўп янги хусусиятлар билан бойитди.

Чорбоғдаги гурунг чоғи муаллиф билан бирга бу роман теварагида кетган айрим баҳс-мунозаралар, умуман роман табиати, хусусан, тарихий роман муаммолари хусусида бундан йигирма-йигирма беш йиллар бурун олиб борган суҳбатларимизни эсга олдик. Қаранг, чорак аср илгари «Роман табиати: талаб ва имкониятлари», «Ойбек даҳоси» сарлавҳаси остида матбуотда эълон этилган суҳбат-мақолаларда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас.

Роман жанри теварагида неча юз йиллардан бери баҳс-мунозаралар давом этади, унинг, жумладан, тарихий романнинг жанр хусусиятларини аниқлашга кўп уринишлар бўлган. Бироқ ҳеч ким тарихий романнинг ҳамма учун мақбул узил-кесил таърифини беролгани йўқ. Шахсан Одил ака тарихчининг иши тугаган жойда ёзувчининг иши бошланади, деган қарашга мойил. Воқеанавислик, тарихий шахслар ҳаётини ҳикоя қилиб бериш, тарихий жараёнларни беллетристик тарзда гавдалантиришни ҳар қандай қаламкаш, жумладан беллетрист тарихчи ҳам эплайверади. Аммо тарихий шахслар руҳиятини, умуман руҳий жараёнларни ифодалаш, бадиий таҳлил этиш эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ғазнавий, Ибн Сино, Беруний ҳаёти,

фаолиятига оид кўплаб тарихий ҳужжатлар сақланиб қолган. «Кўҳна дунё» муаллифи, шубҳасиз, улардан фойдаланган. Бироқ ёзувчи «Улуғбек хазинаси»да бўлгани каби бу романда ҳам мавжуд тарихий ҳужжатларни, улуғ шахслар биографиясини бошдан-оёқ ҳикоя қилиш йўлидан борган эмас. Айни «Улуғбек хазинаси»даги каби бу уч улкан сиймо ҳаётининг қисқа даврлик палласини, энг кескин зиддиятли ҳодисалар силсиласини роман майдонига олиб чиқади; фақат бу уч сиймо эмас, улар билан алоқадор қатор персонажлар ҳаётидаги чигалликлар, руҳиятидаги шиддатли коллизия, изтироблар ўқувчини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган бир тарзда ифода этилади. Мураккаб чигал қисматлар, руҳий драмалар ифодаси эса қизғин баҳс-мунозаралар руҳи билан йўғрилган. Бундай баҳс-мунозаралар фақат персонажлар орасида эмас, муаллиф билан асарда қаламга олинган тарихий давр, тарихий шахслар, бу кўҳна дунёнинг ажаб жумбоқлари, адолатсизликлари устида кетади; адибни айниқса, шоир айтмоқчи, чархи кажрафторнинг бир шеvasи — айшни нодон суриб, кулфатни доно тортиши аламли ўйларга, чексиз изтиробларга солади. Шу тариқа О.Ёқубов миллий адабиётимизда тарихий романнинг ўзига хос баҳс-мунозара хилини яратди. Баҳс-мунозара руҳи, айниқса, Султон Маҳмуд Ғазнавий сиймоси талқинида ёрқинроқ намоён бўлган. Асар муаллифи Ғазнавийни кўпроқ мустабид ҳукмдор сифатида кўрсатишга жазм этади; султоннинг эзгу ишлари, қурган қасрлари, у яратган гўзалликда беназир жаннатмонанд боғлари, барпо қилган мачит ва мадрасалари, илм-фан кишиларига кўрсатган саховатлари, жанглардаги шижоати, мардлигу тантиликларини ҳам эҳтиром ила эътироф этган ҳолда унинг ўз ҳаётида йўл қўйган хатолари, адолатсизликлари, гуноҳлари учун умр сўнгида чеккан руҳий қийноқлари, Оллоҳ олдида тавба-тазаррулари ифодасига кенгроқ ўрин берди.

Ёзувчи асарида шундай йўл танлаган экан, у бунга ҳақли. «Кўҳна дунё» Ғазнавий ҳақидаги илмий рисола эмас. Адабий асарда ижодкор ўз бадиий ниятидан келиб чиқиб, тарихий шахсларга турли нуқтаи назардан ёндашавериши мумкин. Биламизки, Алишер Навоий

достонидаги Искандар образи тарихий шахс Александр Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Ф.Шиллер ўзича, В.Скотт бошқача, С.Цвейг яна ўзгача талқин этган. Клеопатранинг Шекспир, А.Пушкин, Б.Шоу ва Чўлпон асарларидаги, шунингдек 60-йиллари Америка киночилари яратган фильмдаги талқинлари нақадар хилма-хил. Исо Масиҳ ҳақидаги асарларда-чи!? Эҳтимол, келгусида бир истеъдодли ўзбек адиби чиқиб Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳаётига мурожаат этиб тамомила бошқача, яъни унинг кўпроқ ижобий томонларини кўрсатишга жазм қилиб, бу ишни қойилмақом қилиб адо этса, марҳамат, бундай ижодий жасоратни қутлаш мумкин. «Кўҳна дунё»да султон кўпроқ мустабид тождор сифатида гавдалантирилган экан, бу ҳам умуман олганда тарихий ҳақиқатга зид эмас, бу мураккаб сиймо ҳаётида бунинг учун етарли асослар бор. Қолаверса, ҳар қандай бандаи мўмин, айниқса, эл-юртга кўп йиллар бош бўлган оқил сиймо умри поёнида, боқий дунё бўсағасида, сўнгги сарҳисоб чоғида хато-гуноҳлари учун изтироб оловида қовирилиши, тавба-тазаррулар орқали покланишга интилиши табиий бир ҳол.

Чорбоғдаги гурунгда адибнинг ижтимоий, журналистлик фаолияти устида ҳам гап кетди. У ҳар доимгидек бу гал ҳам «Литературная газета»га мухбирлик, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га бош муҳаррирлик қилган йилларини мамнуният билан эслади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Литературная газета» орқали момақалди-роқдай янграган мақолаларининг майдонга келиши ва юзага чиқишида мухбир Одил Ёқубовнинг ҳам ҳиссаси борлиги адабий жамоатчиликка аён. Одил ака ўртача ҳикоя ёки дostonдан кўра халқнинг дардини ифода-лайдиган, корига ярайдиган ўткир публицистик мақола афзалдир деган гапни кўп бор такрорларди ўша йиллари. Айни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» бош редактори О.Ёқубовнинг даъвати, рағбати туфайли ўнлаб ёш истеъдодли шоир ва носирларимиз оташин публицист сифатида танилдилар.

Озод Шарафиддиновнинг «Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари» эссеси устида сўз очилганида, адиб «Бундай мақолани фақат Озодгина ёзиши мум-



кин, — деди чуқур мамнуният билан. — Озод билан мен чин дўст, маслакдош эдик. Менинг дардим унинг дарди, унинг қувончи менинг ҳам қувончим эди. Москвадаги қурултой минбариди сўзлаган 7—8 минутлик нутқимнинг асл моҳиятини Сиз тилга олган мақолада худди айни мен каби қалбдан ҳис этиб, мен каби ўртаниб-ёниб теран очиб берган. Бизнинг танқидчилигимизда бунақаси кам учрайди».

Адиб қурултой минбаридан сўз олиш тарихи устида тўхталиб, бунда Ислоом Абдуғаниевич Каримовнинг бениҳоя катта хизматини алоҳида таъкидлади. «Шахсан у киши ташаббус кўрсатмаганида, қуйиб-пишиб қурултой ҳайъати раисини бунга кўндирмаганида, биздек фақир бир ёзувчи учун минбарга чиқиш бир орзу-хаёл бўлиб қолаверарди, — дея сўзини давом эттирди. — Дўстим Озод Президентимиз ҳақида «Мустақиллик меъмори» деган яхши нарсга ёзди. Камина ҳам «Қашқадарё гурунглари» очеркимда бу жасур, бунёдкор сиймонинг бетакрор инсоний фазилатлари, ижтимоий адолатни тиклаш йўлидаги жонбозликлари хусусида баҳоли қудрат қалам тебратганман. Бу асар ҳақида ҳам энг одил, ҳақ гапни Озод айтди».

Ниҳоят, гап-сўзларимиз адибнинг янги асари «Осий банда» романига келиб тақалди. «Саодат», «Тафаккур» журналларида асардан эълон қилинган боблар устида қизгин гап кетди. И.Фафуров муаллифни романга топиб қўйилган чиройли ном билан қутлади, Ўткир Ҳошимов, Мирпўлат Мирзо, А.Расулов, О.Абдуллаевлар эса янги асарда яқин кечмиш воқеалари ўзгача тарзда кенг кўламда ҳарорат билан акс эттирилганлигини таъкидладилар.

«Жаҳон адабиёти» (2006 йил сентябрь сони) саҳифаларида босилган роман бобларини ўқиб у ҳақда кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Табиийки, ҳали тўла ҳолда чиқмаган роман устида гап айтиш, узил-кесил ҳукм-хулоса чиқариш қийин. Бироқ ўқилган боблар мутолааси чоғида туғилган айрим кузатиш, ўй-мулоҳазаларни изҳор этиш мумкин деб ўйлайман.

Илк таассурот шуки, ёзувчи янги романида ҳам шу пайтга қадар замондошлари ҳаётдан олиб ёзган асарлари, хусусан, романлари тажрибаларига — шаклан-

ган ўз анъаналарига содиқ қолган. Ўзи кўрган, кузатган, бевосита шоҳид бўлган ҳодисаларни қаламга олган. Адиб бу романида ҳам ўзини қийнаган, қалбини ўртаган ҳаётий муаммолар, ўша азалий инсоний жумбоқлар — имон-эътиқод, ор-номус ва диёнат каби муқаддас фазилатлардан чекинишга олиб келган ижтимоий иллатлар устида баҳс юритади, тоталитар режим, мустабид сиёсат замонида яшаган, шахс сифатида шаклланган, катта ва кичик лавозимларда фаолият кўрсатган осий бандаларнинг табиати, қисматида ўша давр қолдирган асоратларни, руҳиятида кечган пинҳона ва ошкора зиддиятларни фавқулодда бир маҳорат, ўзига хос эҳтирос, ҳарорат билан ифодалайди.

Романдан эълон этилган боблар воқеалари марказида донгдор машъал хўжалик раҳбари ҳазрат Саркор образи туради. Аввалги романларида бўлгани каби муаллиф қаҳрамон умри, фаолиятининг энг тифиз, драматик палласида туриб унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди; раҳбарлик лавозимидаги илк қадамларидан тортиб бу йўлдаги парвозию, инқирозлари манзараларини бирма-бир эслаш, гавдалантириш орқали мамлакатимиз тарихидаги ўтган аср 50-йиллар ўрталаридан то 80-йиллар бошларига қадар, чорак аср давомида содир бўлган характерли тарихий жараёнларни китобхон кўзи олдида ёрқин, жонли бир тарзда гавдалантириб беради.

Асарни ўқиган ёш китобхон учун ундаги воқеалар, Саркор саргузаштлари, Катта Ота, Кичик Ота, жаллод грузин пошшо, дудуқ пошшо, қаҳри қаттиқ кўзойнак пошшо каби республика ва собиқ иттифоқ бош раҳбарлари билан боғлиқ эртакнамо, ҳам кулгили, ҳам аянчли ҳодисалар, хусусан, Катта Отанинг Мирзачўлга ташрифи, тўнғиз ови ҳангомалари нуқул ёзувчи фантазияси, бадий тўқима бўлиб туюлиши мумкин. Адибга тенгдош одамлар яхши билади — бу номлар остидаги тайёр трагикомик персонажлар ҳаётда бор, ўтган одамлар; эртакнамо ҳангомалар эса ҳаётнинг ўзида деярли айнан содир бўлган. Қарангки, улкан мамлакат, неча миллионлаб тирик инсонлар тақдири ўша йиллари ўшандай кимсалар — ноқис раҳнамолар ихтиёрида эди. Ёвуз ният қаҳри қаттиқ кўзойнак пошшо-

нинг Кичик Отага ғарази туфайли бутун бошли ўзбек халқининг шаъни топталган, бадном этилган. Ана Сизга мустабид тузумнинг асл қиёфаси!

Шуни унутмаслик керак, мазкур роман ҳужжатли асар эмас, ёзувчи, бир чеккаси, адабий одоб юзасидан, қолаверса, бадиият тақозосидан келиб чиқиб, ҳаётда бор шахсларни ўз номи билан эмас, адабий тўқима номлар билан атайди, инсоний қисматлар, саргузаштлар бобида ўзини эркин тутади, шахслар, саргузаштларни ижодий фантазия — тасаввур либосига ўраган ҳолда ўқувчига тақдим этади. Шу тариқа асарда ҳаётий ҳақиқат билан ижодий тасаввур ажойиб бир тарзда уйғунлашади. Ёзувчининг «Кўҳна дунё» романида қўлланган бу усул янги замонавий романида ўзгача жило билан намоён бўлган. Истеҳзо, киноя-кесатиқлар, нозик ишора, қочиримлар билан йўғрилган теран таҳлилий тасвир ва талқинлар эса асарга ўзига хос руҳ, фазилат бахш этган.

Такрор айтаман, бу гаплар асарнинг эълон этилган боблари мутолааси асносида туғилган илк таассурот, илк мулоҳазалардир. Одил аканинг кўплаб мухлислари қатори шахсан мен ҳам романнинг тўла нашрини орзиқиб кутиб қоламан.

«Осий банда» шундан далолат бериб турибдики, саксон ёшга қадам қўйган ардоқли адибимиз қалбидаги жўшқин илҳом, ижодий парвоз ҳамон авжида. Бу парвоз яна кўп бадиий мўъжизаларни инъом этажак.

2006 йил

## Ярим аср порлаган маёқ

(Эссе)

Мен устоз Озод акани ўлмайдиган одам деб билардим. Бу табаррук зот вужудидаги мислсиз ирода, бардош, шижоат ҳали бери ўлимни яқинига йўлатмаса керак деб юрардим. 2005 йил 4 октябрида — муборак рамазони шарифнинг илк тонгида устознинг вафоти хабарини эшитганимда, сўнг Қибрайдаги хонадонида худди тирикдек ётган майити ёнида тиз чўкиб ўтирга-

нимда, не ҳолга тушганимни ифодалашга тилим ожиз. Начора, туғилиш бор экан, ўлим ҳақ. Ҳаётимдаги энг мушкул дам ўша кун устоз тобути бошида туриб Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Хайриддин Султоновлар қатори видо сўзини айтиш бўлди. Ўша дамларда кўнглимдан кечганларни қоғозга туширгудек бўлсам, бутун бошли китобга айланарди.

Озод аканинг ярим асрлик фаолиятининг асосий қисми Ўзбекистон Миллий университетига ўтди. Мен у кишининг биринчи шогирди эдим. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳамқору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб биламан. Мислсиз истеъдод соҳиби, шахси бутун бу улуғ сиймонинг ижодий жасорати туфайли Миллий университет мамлакатимизда жамоатчилик тан олган адабий-танқидий марказлардан бирига айланди. Устоз бу масканда ўзига хос мактаб яратди.

О.Шарафиддинов миллий адабиётимиз ривожига Сталин вафотидан кейин 50-йиллар ўрталаридан бошланган янги бир тўлқиннинг танқидчиликлдаги даракчиси сифатида майдонга чиқди. «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон, қалб, поэзия», «Ниҳоллар» сингари мақолалари билан адабий-танқидий тафаккур равнақида бурилиш ясади, расмий доираларга хизмат қилувчи ўта мафқуравийлашган «шеъроят»га қарши илк бора мардона туриб жанг очди. Шеъроятда шоир кўнгили розларини, қувончу ташвишларини, дарди дунёсини ифода этувчи чинакам инсоний тамойилларни ҳимоя қилиб чиқди, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ёрқин истеъдодларни илк қадамларидаёқ ҳимоя қилиб уларнинг ижодий тақдирига кучли таъсир кўрсатди. Бугина эмас, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир, М. Шайхзода, Шухрат, Асқад Мухтор, О. Ёқубов, П. Қодиров сингари етакчи адиблар билан ҳамқору ҳамнафас, маслакдош сифатида жўшқин адабий жараён ичида ёниб яшади, бетиним ижод этди. Шу пайтга қадар бизда ижод аҳли билан мунаққиднинг бу тарздаги ҳайратомуз ва ибратомуз ҳамкорлиги бўлган эмас.

Дадил айтиш мумкинки, биринчи галда Озод аканинг саъй-ҳаракати туфайли миллий танқидчилигимиз замонавий жаҳон танқидчилиги тафаккури даражасига

кўтарилди. Ярим аср давомида бу улуг зот танқидчилигимизнинг карвонбошиси — лидери бўлиб келди. Бунақаси жаҳон танқидчилиги тарихида сийрак учрайдиган ҳол.

Аёнки, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб танқидчи ва адабиётшунос мутахассислар тайёрлашнинг муайян системаси шаклланди, филология бўйича фан номзоди, доктори илмий даражасини олиш ҳаракати оммавий тус олди, бу соҳа тирикчилик, касб-ҳунар, лавозим, мартабаларни эгаллаш воситасига айланди. Номзодлик, докторлик диссертацияларининг низомлари яратилган, ҳозир у адабиётшуносликнинг муайян жанри тусини олган, унинг қатъий талаблари бор, ҳатто диссертация таркиби, нечта боб ва фасллардан иборат бўлиши зарурлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ҳар йили бизда адабиётшунослик бўйича 30—40 атрофида фан номзоди, доктори тайёрланади. Бироқ масаланинг «лекин»и бор. Хўш, шулардан нечасини «мунаққид» — чин истеъдод эгаси деб аташ мумкин? Бунга дадил жавоб беришга тил ожиз. Гарчи Озод ака ҳам фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган, ўзи 26 та фан номзоди тайёрлаган бўлса-да, бу ҳаракатни унча хушламас, диссертация масаласига қандайдир киноя-истеҳзо билан қарарди. Ўз номзодлик диссертациясидан кўнгли тўлмаган, докторлик диссертацияси устида ишлашни эса ҳаёлига ҳам келтирмаган. Гап шундаки, устоз табиятан диссертация қолипига тушмайдиган, стереотипларни тан олмайдиган шахс эди. У танқидчиликни санъат деб биларди, худди Нитше фалсафани поэзия, дoston даражасига кўтаргани каби, Озод ака ҳам танқидчиликни чинакам ижод — санъат асари, шеърят даражасига олиб чиқди. Агар хоҳиш-истак, майл бўлса, муайян тайёргарлиги бор ҳар бир одам бемалол номзодлик, докторлик диссертациясини «ясайвериши» мумкин; аммо «Чўлпонни англаш», «Нутқ ёхуд адиб ҳаётининг юлдузли онлари»дек ноёб асарларни фақат Озод акадек ноёб истеъдод соҳибигина яратиши, бунёд этиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, мунаққид ижодий фаолиятининг ўттиз беш йили шўро истибдоди даврида кечди. Мустабид тузум адабий сиёсати, яккаҳо-

ким мафкура, соцреализм ақидалари босими, табиийки, унинг ижодий тақдирида муайян даражада ўз асоратларини қолдирди. Бироқ унинг бу йиллардаги жўшқин фаолияти замон таъқибу тазйиқлари остида ақидапарастликка қарши курашлар, адабиёт оламидаги чин истеъдодлар, асл асарлар ҳимояси йўлида ҳақиқат, адолат учун мурасасиз мардона жанглари ичида ўтди. Унинг минбарлардаги, матбуотдаги деярли ҳар бир жиддий чиқиши кескин қаршилиқларга учради, унинг номи ҳар доим қора рўйхатларда юрди. Бу ҳусусда аввало устознинг ўзи «кўб» ва «хўб» ёзган. Бунинг учун унинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?», «Чўлпонни англаш» рисолаларини эслаш кифоя. Бу борада шахсан ўзим гувоҳ бўлган баъзи воқеаларни эслатиб ўтсам дейман.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Миллий университетда Фулом Каримов бошчилик қилган, Озод ака ишлайдиган Ўзбек адабиёти кафедрасининг маъқеи ғоят баланд, XIX аср иккинчи ярми ўзбек адабиёти ҳамда замонавий адабий жараён тадқиқи бўйича мўътабар илмий марказ саналарди. Шу орада кафедра иккига ажратиш масаласи кўтарилди. Адабиёт тарихи бўйича мудир тайин, аммо ажралиб чиқажак замонавий адабиёт кафедрасини ким бошқаради, деган муаммо юқори доирадагиларни ўйлантириб қўйди ва бу масала узоқ йиллар пайсалга солиниб келинди. Ниҳоят, Ғ. Каримовнинг қатъий туриб олиши туфайли 1974 йил баҳорида матбуотда янги кафедра мудирлигига конкурс эълон этилди. Конкурс натижаларига бағишланган илк мажлисда маълум бўлдики, мудирлик лавозими учун Турсун Собиров, Салоҳиддин Мамажоновлардан ариза тушибди. Бироқ университет домлаларидан бирортаси ҳам ҳужжат топширмагани мажлис аҳлини ўйлантириб қўйди. Ғ. Каримовнинг маслаҳатига кўра Хатиба Ҳақимова ва камина ариза топширишимиз лозим эди. Ғоят андишали аёл Хатибахон Озод акадай буюк олим турганида бу лавозимга даъво қилишни ўзига эп кўрмаган ва устоз таклифини қатъиян рад этган. Менинг вазиятим ҳам аён, ахир устоз турганида мен қандай қилиб бу ўринга даъвогарлик қиламан?.. Мажлисда бу гаплар дангалига ўртага ташланди. Қи-

зиқ, ўша куннинг ўзида Т. Собиров билан С. Мамажоновлар аризаларини қайтариб олдилар.

Эртаси куни Ф. Каримов мени ўз ҳузурларига чорладилар; асл ниятга ўтиб, мудирликка ариза топширасиз, шунга келишдик, дедилар. Кўнгилдаги андишаларимни айтганимда: «Аслида, бу жой Озодники, — дея сўзларини давом эттирдилар. — Мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, лекин гапимни ўтказолмадим, юқоридагилар: «Бу лавозимни Озодга бериб бўлмайди», деб туриб олишди. Агар пайсалга солсангиз, бу ўринга бошқа ёт бир одам келади-ю, Озодга ҳам, Сизга ҳам ёмон бўлиши мумкин. Бир йил ўтар, икки йил ўтар, фурсат келар, ана ўшанда мудирликни икки қўллаб асл эгасига топширарсиз. Озоднинг фикри ҳам шу!»

Ноилож рози бўлдим, орадан шунча йиллар ўтиб кетди, аммо домла ваъда қилган фурсатдан дарак бўлмади. Шундай бўлса-да, кўнгил бир жиҳатдан таскин топади: 26 йил «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедрасига мудирлик қилган бўлсам, асосий вазифам устозни балоқазолардан асраш, кўнгилдаги улуғ орзу-ниятларини имкон қадар рўёбга чиқаришда унга таянч ва суянч бўлишдан иборат эди.

Шу йиллар давомида кафедра ҳаёти, илм-фанга оид барча жиддий муаммолар устоз билан бамаслаҳат ҳал этиларди. Яширмайман, айрим масалаларда баҳслашиб ҳам қолардик. Истиқлол руҳи билан йўғрилган мактаб адабий дастури, олий ўқув юртлари учун XX аср ўзбек адабиёти дастури ва дарслиги унинг иштирокида — ҳаммуаллифлигида яратилди. Ажиб ибтидо ва интиҳо: сафарда бўлганликлари туфайли муаллифга катта шуҳрат келтирган «Замон — қалб — поэзия» китоби корректурасини ўқиб нашриётга тақдим этишни ишониб менга топширган эдилар. Орадан қирқ йил ўтиб ўзи «Замон — қалб — поэзия»дан кейинги энг яхши китобим деб санаган «Ижодни англаш бахти»га масъул муҳаррир бўлиш, сўз боши ёзиш шарафи менга насиб этди. Қизик, каминага тақдим этилган бу китобдаги дастхатда устоз мени негадир «дўстим» деб атаган ва «Менга садоқатингиз туфайли доим қаноатланиб юрман» деб ёзган.

Дориламон кунлар келгач, истиқлол туфайли устоз елкасига офтоб тушган кезлари у кафедра мудирлигидан ҳам муҳимроқ лавозимларда, чунончи, аввал «Хазина» нашриётида бош муҳаррир, сўнг энг нуфузли янги нашрлардан «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири ўринбосари, ниҳоят, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири вазифаларида хизмат қилди. Лекин у Миллий университет, факультет, ўзбек адабиёти кафедраси билан алоқасини узмади, умрининг охирига қадар ўзини шу даргоҳнинг одами, фарзанди санаб бу ердаги барча муҳим тадбирларда фаол иштирок этди. Магистрантлар, Олий Адабиёт курси тингловчилари билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб турди, одатдагидек турли анжуманларда теран профессионал, жўшқин, мардона ҳақ сўзлари билан тингловчилар, хусусан, ёшлар кўнглига олов ёқиб келди.

Беихтиёр 60—80-йиллар кўз олдимдан ўтади: ўша кезлари барча олий ўқув даргоҳларида бўлгани каби университетда ҳам «сиёсий ҳушёрлик» олий даражада эди. Озод аканинг қолипларга сиғмайдиган гаплари ҳамиша сиёсий «ҳушёр» соқчиларнинг эътирозларига учрарди. Факультетда Фулом Шарипов деган ортодоксал коммунист ишларди. Тилшунос доцент сифатида аудиторияда студентларга тил илмидан деярли ҳеч нарса бермас, асосий ҳунари тил ва адабиёт соҳасидаги «сиёсий хатолар»ни аниқлаш, бу ҳақда тегишли даргоҳларга «гап етказиш»дан иборат эди. Биров унинг мушугини пишт деёлмасди. Ҳатто А. Фуломовдек буюк олим унинг қаршисида қўл қовуштириб турарди. Бу кимсанинг Озод акани кўрарга кўзи йўқ эди. Адабиёт дунёсида нимаики «чатоқлик» содир бўлса, Озод акани унинг бош айбори деб биларди. Ёзувчилар уюшмасида, турли адабий анжуманларда Озод ака шаънига танқидий гаплар айтилганида, устоз олқишлаб мақола ёзган «Тобутдан товуш» кесин танқид остига олинганида, у муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар», «Ёшлар билан суҳбат» китоблари қатағонга учраганида, Эркин Воҳидовнинг «Фузулий ҳайкали қошида», «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим», «Аёл» шеърларига маломат тошлари отилганида — бу каби нохуш воқеаларни университетда биринчилардан бўлиб



зўр қувонч билан қарши олган, факультет жамоаси, талабалар орасида уларни кенг тарғиб ва ташвиқ этган ҳам ўша зот эди. Ҳатто у университет партия мажлиси минбарида туриб, «Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповларнинг ижодда хато йўлдан кетишларига Озод Шарафиддинов айбдор» дейиш даражасига борди. Шунда нотаниш бир талаба минбарга отилиб чиқиб: «Озод Обидович, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар қатори халқимизнинг фахри, ифтихори, виждони, бу табаррук зотни ҳақорат қилинишига тоқат қилолмаймиз» деганида улкан зал гулдурос қарсақлардан ларзага келгани, ўша кезларда қалбларда жўш урган қувонч нашидасини ҳамон унутолмайман.

Устознинг университет даври фаолияти устивор йўналишларидан бири Чўлпон муаммоси бўлган. Чўлпон расман оқлангач, Озод ака Ёзувчилар уюшмасида тузилган Чўлпон ижодини ўрганувчи комиссияга аъзо қилиб киритилган эди. Фаламисларнинг пинҳона қаршилиги туфайли комиссия ишламади. Сўнг Озод ака якка ўзи мустақил равишда бу борада изчил фаолият кўрсатди, Чўлпон асарларини йиғди, у ҳақидаги мақолаларни тўплади, адиб замондошлари хотираларини ёздириб гоҳо эса ўзи ёзиб ола бошлади. Университет аудиторияларида тап тортмай Чўлпондан сўз очар, шеърларидан намуналар ўқирди. Фанимларнинг фитналарига, юқори доираларнинг таъқибига қарамай бу ишни изчил давом эттираверди. Ёдимда, бир гал иккимизни парткомга чақириб, шу хусусда гап очишганда, устоз шоирнинг соф лирикаси намуналаридан «Гўзал»ни, шўролар сиёсатига мослаб ёзилган айрим шеърларини ўқиб: «Буларнинг нимаси зарарли?» деган саволни қўйди. Шунда партком котиби ҳеч нарса дея олмади, ҳарҳолда бу масалада эҳтиёт бўлиш керак деган мужмал гапдан нари ўтолмади... Бу ҳол бир эмас бир неча бор такрорланди. Ҳар гал Чўлпон хусусида дағдаға билан бошланган можаро Озод аканинг асосли далил-исботлари туфайли мужмал бир тарзда мурсоа билан яқунланарди. Энг охири дағдаға ва кулгили ҳодиса 1985 йилнинг декабрида юз берди. Кафедра мажлисига йиғилган эдик. Факультет декани ҳузуримизга кириб Озод ака иккимиз тезликда парткомга чиқишимиз

зарурлигини айтди. Маълум бўлдики, гап кафедра аъзоси Н. Худойбергановнинг «Вопросы литературы» журналининг 1985 йил 12-сонида босилган танқидчиликдаги маҳаллийчилик хусусидаги мақоласи устида экан. Мақолада, жумладан, Чўлпон ижодий мероси ҳамон эътибордан четда қолаётгани, асарлари қайта босилмаётгани айtilган эди. Марказқўмдан университет парткомига қўнғироқ қилишиб, тезликда бу мақолани муҳокама қилиш, унинг муаллифига партиявий чора кўриш вазифаси топширилади. Озод ака котибга ётиғи билан мақола моҳиятини тушунтирди, Норбой партия аъзоси эмаслигини эслатди; бунинг устига мақола Москванинг нуфузли нашрида босилгани, ундаги гаплар ҳозир жиддий шов-шувларга асос бўлолмаслиги, агар шундай қилинса, университет шаънига доғ тушиши мумкинлигини айтди. Котиб иккилашиб қолди. Марказқўм билан телефон орқали боғланиб, бўлган гапларни юқорига етказди. Марказқўм ходимлари ўз сўзларида туриб олдилар, мақолани эътиборсиз қодириб бўлмаслигини, албатта муҳокама қилиниб «миллатчи шоир»ни оқламоқчи бўлган муаллифга кескин чора кўриш ва бу ҳақда марказқўмга ёзма ахборот бериш топширилди. Менинг шахсий архивимда марказқўм учун икки ой давомида 1986 йил 12 март санаси билан тайёрланган айни шу хусусдаги батафсил тушунтириш хати сақланади. Гарчи Озод ака кўп масалаларда Норбой билан чиқишолмаса-да, унинг Чўлпон хусусидаги позициясини қатъий туриб ҳимоя қилди. Озод ака маслаҳати билан Норбой иккимиз тайёрлаган, устоз таҳрир қилиб берган бу тушунтириш хати бутун бошли бир тадқиқот эди. Унда Чўлпонни ётиғи билан — аниқ далил-исботлар, рад этиш мумкин бўлмаган илмий асослар орқали дадил ҳимоя қилинганини эслаб бугун ҳайрон қоламан... Шундан кейин марказқўмдагилар бизни бошқа безовта қилмади. Замон шитоб билан ўзгариб борарди. 1987 йил 7 февралда Марказқўм котиби Раъно Абдуллаева ҳузурида таниқли адабиётшунос ва тарихчи олимлар, ёзувчи, шоирлар иштирокида ўтган кенгашда университетдан Озод ака билан мен ҳам таклиф этилган эдик. Унда, жумладан, Чўлпон меросини ўрганиш, чоп этиш масаласи кўтарилди, бу хусусда

қизғин мунозарлар бўлди, одатдагидек Ю. Султонов, Ҳ. Абдусаматов, К. Яшинлар Чўлпон асарларини нашр этилишига қарши чиқдилар, Э. Каримов билан О. Шарафидинов қатъий туриб Чўлпонни халққа қайтариш пайти келганлигини айтдилар. Баҳс-мунозара авжига чиққан дақиқаларда собиқ Марказқўм идеология бўйича котиби Ҳабиб Турсунов сўз олди. Нотиқ Раъно Абдуллаевага мурожаат этиб: «Бир вақтлар мана шу хонада кўп нохуш воқеалар бўлган, қанчадан-қанча бегуноҳ ижодкорлар устидан ҳукм ўқилган. Яшин ака, яшириб нима қиламиз, Сизу биз Қодирий, Чўлпонларнинг мухлиси эдик, Чўлпон шеърларини ёд билардик... Шунга қарамай, замон сиёсати йўлини тутганмиз, шунга мажбур бўлганмиз. Ўша йилларни ўйласам, юрагим тош қотади, кечалари ухлолмай тўлганиб чиқаман», дея кўзига ёш олди. Нотиқ гап орасида Чўлпоннинг кўп машҳур сатрларини ёддан айтди. Қизик, боя Чўлпон хусусида кескин танқидий гаплар айтган Яшин домла нотиққа қўшилиб у тилга олган сатрларнинг давомини ёддан айтарди...

Бу ҳол анжуманга ажиб руҳ бахш этди. Мажлисида ҳеч қанақа қарор қабул қилинмади, аммо гишт қолипдан кўчганлиги — Чўлпон муаммоси руҳан ўз-ўзидан ҳал этилгани аён эди. Орадан роппа-роса бир йил ўтиб, «Шарқ юлдузи»нинг 1988 йил 2—3-сонларида «Кеча ва кундуз» романи Озод аканинг каттагина сўз боши-си билан эълон этилди. Устоз ташаббуси ва таҳрири остида 1991 йили «Яна олдим созимни» тўплами чоп этилди, кўп ўтмай Чўлпоннинг уч жилдлик «Асарлар»и нашрга тайёрланди, Чўлпон адабий-танқидий мақолалари ҳамда буюк шоир замондошлари хотираларидан иборат «Адабиёт надир» китоби чиқди. Миллий университет ҳузурида Қодирий ва Чўлпон ижодини тадқиқ этувчи илмий марказ ташкил этилди; филология фанида биринчи бўлиб Чўлпон шеърляти, адабий-танқидий қарашлари ҳақида номзодлик диссертациялари тайёрланди, истеъдодли ёш адабиётшунос Д. Куронов истиқлолнинг дастлабки ойларида «Кеча ва кундуз» романи бўйича номзодлик диссертациясини, 1997 йили эса Чўлпон насри поэтикасига доир докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш олимнинг устоз ва ка-

мина таҳрири остида «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Чўлпон насри поэтикаси» китоби чўлпоншуносликнинг муҳим ютуғи сифатида эътироф этилди.

Қаердадир ўқиб эдим: буюк зотлар зиммадаги тарихий миссиясини адо этмагунча бу фоний дунёдан кетмайдилар. Тарихда бунга мисоллар кўп. Улуғ сиймо Озод аканинг тақдири ҳам буни тўла тасдиқлайди. Энг қийин дақиқаларда ҳам ҳаётбахш умид туйғуси устоз кўнглини тарк этмади. Қандайдир сирли-сеҳрли илоҳий куч кўнглига ҳамиша далда бериб турарди. Устоз Чўлпонни юзага чиқариш учун роппа-роса ўттиз йил бетиним курашди. Шу туфайли унинг табаррук бошига не-не савдолар тушмади, дейсиз. Озод аканинг умр йўлдоши Шарофат опа бу хил охири кўринмайдиган можаролардан тўйиб кетиб, бир гал: «Ўша Чўлпонни тинч қўйинг энди, ахир биз ҳам одамларга ўхшаб яшайлик», деганини эшитганман. Бироқ келин ойи Озод акани бу йўлдан асло қайтариш мумкин эмаслигини яхши биларди. Аслида, дунёда уни аҳдидан қайтарадиган кучнинг ўзи йўқ эди.

Мен кўп кузатганман: устоз гарчи ҳаётда диний-исломий шартларга унчалик риоя этмаса-да, руҳан Аллоҳнинг ҳақлигига, қудратига ишонарди. Қаранг, 1958 йилдан бошланган саъй-ҳаракат, эзгу орзу-ният, яратгандан илтижолари ўттиз йил ўтиб 1988 йилдан рўёбга чиқа бошлади, 1994 йили чоп этилган миллий танқидчилигимизнинг ноёб намунаси «Чўлпонни англаш» рисоласида улуғ шоирни рўёбга чиқариш йўлидаги жонбозликлари, кўнгил розларини, дарду дунёсини тўкиб солишга эришди. Чўлпоннинг ашаддий рақибларидан бири бир гал катта кетиб: «Озод акангизга айтинг — овора бўлмасин. Мен тирик эканман. совет ҳокимияти бор экан, Чўлпон ҳеч қачон юзага чиқмайди!» деб эди. Аллоҳ кароматини қарангки, совет ҳокимияти ҳали қуламай туриб, ўша арбоб тириклигида Чўлпон юзага чиқа бошлади. Бу ҳол бандаи ожиз учун абадий сабоқ бўлиб қолажак.

Фақат Чўлпон масаласида эмас, юқорида эслатилганидек, замонавий адабий жараён бобидаги курашларда, баҳсу мунозараларда охир-оқибат устоз ҳақ бўлиб чиқди, буни ҳам Аллоҳнинг бу кишига нис-

батан саховати, савоб ишлари учун ажри-мукофоти деб биламан.

Озод ака миллат ўғлонлари орасида энг кўп китоб йиққан, ўқиган зиёлилардан. Жаҳон адабиёти, фалсафаси, санъати соҳасидаги билимдонларнинг энг билимдони эди. Мамлакатимизда «Иностранная литература» типидagi она тилимизда журнал бўлишини орзу қиларди. 1997 йили шу орзуси ушалди, «Жаҳон адабиёти» журнали ташкил топди, омадни қарангки, бу янги журналга у муҳаррир этиб тайинланди.

Аллоҳ бандасини унга ҳам бахт-омад бериб, ҳам дард бериб, бошига ғам-андуҳ солиб синайди, дейишади. Қарангки, зўр иштиёқ билан тайёрланган «Жаҳон адабиёти»нинг илк сони чиққан куни у касалхонада оғир жарроҳлик амалиётини бошдан кечирди, бир оёғидан жудо бўлди. Орадан бир мунча вақт ўтиб иккинчи ва учинчи жарроҳлик операциялари, дард устига чипқон деганларидек, қизилўнғач ва кўз хасталиклари келиб қўшилди. Томоғидан сув ҳам ўтмайдиган пайтлар бўларди, матнларни махсус лупа орқали ўқирди. Домла тўққиз йил давомида бу хил хасталиклар билан мардона олишди, кўп вақтлари касалхонада ўтди. Ақл бовар қилмайдиган ҳолат: шу ҳолда фикрлашдан, ижоддан бир дақиқа тўхтамади, ҳатто уйқусида, тушида ҳам ишлади, аввало, журнал фаолиятини маҳорат билан бошқарди, унинг муҳаррирлигида «Жаҳон адабиёти»нинг роппа-роса 100 та сони тайёрланди; бир етук таржимон умр бўйи адо этиши мумкин бўлган ишни — юздан ортиқ роман, қисса, ҳикоя, адабий-танқидий мақолалар, эссе, очеркларни таржима қилиб эълон этди. Боз устига асосий ҳунари — танқидчилик фаолияти барқ уриб ривож топди. Устоз одатдагидек соф профессионал соҳаси доирасида чекланиб қолмай, қайноқ ҳаёт жараёни ичида жўшиб, миллат дардига дармон, миллат фидойилари билан ҳамқору ҳамдам бўлиб яшади. Унинг матбуот саҳифаларидаги, радио ва телевидениедаги ҳар бир чиқиши, мардона сўзи эл оғзига тушди, одамларни тўлқинлантирди. Энг муҳими, бу йиллари яратган асарлари жамланиб «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» номи остида китоб ҳолида нашр этилди. Бу икки китобга жо бўлган адабий-

танқидий мақолалар, эсселарни илк китоби «Замон — қалб — поэзия» билан солиштириб кўринг — йигитликдаги ҳарорат, жўшқинлик, фикр теранлиги кексалликда ҳам заррача сусайгани йўқ.

Озод аканинг кўп умри қафасдек тор «дом»ларида ўтди. Оғир хасталикка чалинган кезлари бахт-омади кулиб умр бўйи орзу қилган нияти ушалди, Қибрай туманидаги Геофизиклар маҳалласидаги кенг ва кўркам боғ ҳовлига кўчиб ўтди. Етти йил давомида бу маскан бамисоли Л. Толстойнинг Ясная полянадаги мулки сингари ижодий зиёлиларнинг саждагоҳига айланди. Мамлакатимизнинг турли бурчақларидан, чет эл элчихоналаридан келиб турадиган муҳмонларнинг, вақтли матбуот, радио ва телевидение мухбирларининг кети узилмасди. Бу хонадонга ташриф буюрган, Озод ака суҳбатини олганларнинг ҳар бири бир дунё таассурот билан кетарди.

Шуниси ҳам борки, устоз ўз навбатида «ўзбекчилик» деб аталган меҳр-оқибатни жойига қўяр, ижод ва илм аҳли, дўсту биродарларнинг тўю маракаларида ҳамиша ҳозир у нозир эди. Тошкент бу ёқда қолиб оғир хаста бўлишига қарамай Чимкент, Самарқанд ва Фарғона водийсига дўстлар кўнгли деб сафарларга чиқарди.

Озод аканинг шу хил инсоний фазилатлари, табиийки, аввало ижодий шижоати туфайли танқидчилигимизнинг нуфузи, обрў-эътибори бениҳоя кўтарилди, мунаққид номи Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари сўз усталари қаторида эҳтиром билан тилга олинадиган бўлди; танқидчилар орасида биринчи бўлиб «Буюк хизматлари учун» ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Ниҳоят, устоз Аллоҳнинг раҳмати ёғиладиган рамазони шарифнинг биринчи тонгида осонгина омонатини топширди. Ғ. Фулом, Ойбек сингари машҳур сиймолар вафот этганида, сафарда эдим. Ижод одамининг бу қадар катта дафн маросимини кўрган эмасман. Ўша куни Геофизиклар маҳалласига одам сизмай кетди, жанозага келганлар сафи Қибрайдан то Фаробий кўчаси-

даги қабристонгача чўзилди. Жанозани Муфти ҳазратларининг ўзлари ўқиди. Озод ака устози Абдулла Қаҳҳорнинг шундоққина рўпарасида абадий маскан топди.

Устоз маслақдошларидан бири шоир Асқад Мухторнинг мана бу сатрларини ниҳоятда хуш кўрар, руҳан ўзининг ҳаётдаги шиори санарди:

*Мен дунёга келиб дунё орттирдим,  
Ҳаммасини қолдириб кетарман.  
Қалбни эса  
сўнгги хужайрасигача  
Ловуллаиб ёндириб кетарман.*

У аҳдида қатъий турди, сўнгги нафасигача ижоддан, ҳақ сўзни айтишдан тўхтамади, қалбининг сўнгги хужайрасига қадар ловуллаиб ёндириб миллат, адабиёт равнақи йўлида фидо этди.

Биз каби шогирдларга таскин берадиган жиҳати шундаки, устоз қалби ёлқини — ярим аср порлаган маёқ зиёси ундан баҳраманд бўлганлар кўнглида ҳеч қачон сўнмагай.

2006 йил

## Шеърятда сеҳр соҳиби

(Эркин Воҳидов шеърятига бир назар)

Ушбу мақолани тўғридан-тўғри Эркин Воҳидов шеърятти, шоирнинг миллий шеърятимиз равнақи йўлидаги хизматлари таърифидан бошламоқчи эдим. Аммо гапни узоқроқдан бошлашга тўғри келди, чунки бусиз масала моҳияти тагига етиш қийин.

Шеърят даврининг акс садоси деган қараш кенг тарқалган. Унда муайян асос бор. Бироқ чинакам шеърят даврининг акс садоси бўлиши билан баробар, унинг ўзи ҳам бутун бошли ўзига хос давр, бадиий олам яратишга қодирдир. Бундай шеърят одамларнинг дилидаги, тили учудаги гапларни айтиш, кўнги розларини ифодалаш билан чекланмай, кўпчиликнинг ҳаёлига келмаган ўй-мушоҳадалар, фикр-туйғулар изҳори

орқали қалбларни забт этиши, шеърхонларнинг ўзи яшаётган давр ҳодисалари ва муҳими, ўзи, қалби ҳақида билган-англаганларини, тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юбориши, бинобарин, кўнгилларга галаён солиши, ҳаётий жараёнларга кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

Яна шундай мангу савол бугун ҳам кун тартибидан тушгани йўқ: шеър ким учун ёзилади — шоирнинг ўзи учунми, хос китобхон учунми ёки кўпчилик — омма учунми? Бу уч хил қараш тарафдорларининг ҳар қайсисини ҳурмат қилган ҳолда, шахсан ўзим ана шу уч жиҳатни ўзида бирлаштирган шеърятни юксак санъат ҳодисаси деб биламан. Далил-исбот учун узоққа боришга ҳожат йўқ. XX аср янги ўзбек миллий шеърятни тажрибалари бунинг ёрқин исботидир.

Ниҳоят, яна бир гап. Адабиёт фанида бадий жаран моҳияти ва даражасини кўпроқ лирик асарлар орқали белгилаш таомили устун. Бироқ тажрибадан аёнки, кичик бир шеър ҳам йирик романга тенг улкан миссияни адо этавериши мумкин. Чўлпоннинг «Қаландар ишқи», «Юпанмоқ истаги», «Кўнгил», Ойбекнинг «Наъмат», Фафур Фуломнинг «Соғиниш», Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда», Усмон Носирнинг «Юрак», Зулфиянинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» сингари XX аср биринчи ярми миллий шеър тафаккур даражасини белгиловчи беназир мафтунок сирли-сехрли олам яратган сара шеърлари аҳамияти жиҳатидан «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Сароб», «Навой» каби романлардан асло қолишмайди. 20—50-йиллар давомида ўзини эл-юртнинг маърифатли фарзанди санаган зот борки, бу асарлар улар қалбини забт этган, миллатнинг бир эмас, бир неча авлоди айни шу асарларда илгари сурилган эзгу туйғулар, олижаноб ғоялар руҳида тарбияланган. Машъум тоталитар режим, ягона мустабид мафкура ҳукмронлиги замонида миллатнинг ўзлигини, дилини, тилини, нафосат, ҳақиқат, адолат, эрк ва озодликка ташналик майлларини сақлаб қолишда бу хил асарларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ана шу қутлуғ анъана XX аср иккинчи ярмида янгича кўринишда давом этди, ўтган асрнинг 60-йилларида миллий шеърят майдонига кириб келган янги



авлод яловбардорлари — Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва уларнинг ўнлаб истеъдодли сафдош ва издошлари қаламига мансуб ноёб лирик рубобий тароналарнинг эл орасидаги доврўғига ўзимиз бевосита гувоҳимиз. Мана энди Эркин Воҳидов шеърляти баҳсига ўтсак бўлар.

Эркиннинг ҳаётдаги бахти, омади шуки, аввало, у ўз даврининг пешқадам зиёлилари оиласида дунёга келиб, гарчи ота-онасидан эрта айрилган бўлса-да, маърифатли жигарлари кўлида тарбия топиб вояга етди. Унга Миллий университетда Ф.Каримов, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов каби улкан адабиётшунослар яратган жўшқин адабий муҳитда тарбия олиш насиб этди. Бундан ҳам муҳими, мамлакатни миллатнинг гуллари қонига ботирган мустабид ҳукмдор тарих саҳнасини тарк этиб, қисман эркинлик шабадалари эса бошлаган, ижодда қудратли янги тўлқин ҳаракатга келган бир паллада кўлига қалам олди; шу ҳаракатнинг бошида турган улуғ адиб Абдулла Қаҳҳорнинг назарига тушди. Ижоддаги илк қадамларидаёқ ўз сафдошлари каби одат тусига кирган «бахтли замон»ни, партияни, доҳийларни улуғловчи сатрларни эмас, гарчи бир оз содда, оддий бўлса-да кўнглини мафтун этган самимий туйғуларини қоғозга тўка бошлади. Унинг йигирма уч ёшида чиққан илк шеърлар тўплами «Тонг нафаси» миллий шеърлятимизга янги нафас олиб кирди. Унга тақриз ёзган устоз Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, ёш шоир илк машқларида кўпроқ дунёни энди кашф этаётган, ўзининг кашфиётидан ўзи завқланиб, қувончидан бошқаларни хабардор этишга ошиқаётган, ҳаёт бениҳоя гўзал, ноёб неъмат эканини тушуниб келаётган мурғак қалбнинг қувончлари бор. Кейинроқ шоир ақл ва ҳис баҳсига ўтди. Мадҳия, фахрия, қасидачилик кайфиятларига берилган онлари ҳам бўлди, романтик хаёллар оғушида ишқий ғазаллар битди. Шу асарлар қаторида беғубор қувноқ юмор, ҳазил-мутуйибалар билан йўғрилган шеърлар ҳам яратди; айна пайтда кўнгил армонларини, ўкинчларини, халқимизнинг оғир ва шонли кечмишини, тарихимизнинг қора ва нурли саҳифаларини, уруш келтирган офатларини ҳам шеърларга солди, лекин барибир, некбин руҳ —

ҳаёт мадҳи, севги сурури, фахр-ифтихор туйғуси ижодида етакчилик қилди. Бу хусусият 1969 йили чоп этилган «Ёшлик девони» китобида ёрқин кўринди.

Бу китоб фақат Эркиннинг 60-йиллар ижоди намунаси, ўша йиллардаги шоир кайфияти, ўй-мушоҳадалари ифодаси бўлибгина қолмай, умуман миллий шеъриятимиз тараққиётидаги муайян тамойилнинг кўриниши сифатида ҳам қимматлидир. Гап шундаки, адабиётда вульгар социологизм балоси ҳукмрон бўлган кезлари ҳаммаёқни ижтимоий-сиёсий мавзудаги тумтароқ шеърлар босиб кетган, севги, шахсий-интим кечинмалар бадном этилган, шеъриятдан бадарға қилинган эди. 60-йилларга келиб аҳвол ўзгара бошлади, инсон шахсига, кишининг хилма-хил кечинмалари, жумладан, анъанавий севги тароналари учун қисман йўл очилди. Шуниси характерлики, поэзиямизда севги мотивларининг қайта ҳаёти анъанавий шакл, айниқса, ғазалнинг жонланишига олиб келди. «Ёшлик девони» шу жараённинг энг жиддий ҳодисаси, шоирнинг улкан ижодий жасоратидир. Шоир Абдулла Орипов ёзганидай, «мумтоз адабиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади дея каромат қилишаётганда ёш авлод орасида биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди». Кўҳна аруз вазнининг янги замон шеъри услубига, оҳангига яқинлаштириш учун уринган Чўлпон, Ғ.Ғулом, Усмон Носирлар анъанасини юқори босқичга кўтарди. Эркин Воҳидов ғазаллари, шоирнинг ўз арузи, ўз ғазали шаклига айлангани учун ҳам миллий адабиётимиз, шеъриятимиз ривожда ҳодиса бўлди. Уларда биз фақат Эркиннинг ўзига хос шаклини юзага келтирган ҳиссий оҳангини, қалб садосини, юрак тебранишларини, ўйлаш-фикрлаш йўсинини кўрамыз.

*Тун билан йиғлабди булбул  
Ғунча ҳажри доғида.  
Кўз ёши шабнам бўлиб  
Қолмиш унинг яроғида.*

Ниҳоятда гўзал, мангуликка муҳрланиб қолган бе-назир ҳолат, жараённинг бу қадар нафис, чиройли,

сирли-сеҳрли оҳангларга йўғрилган ифодасини «Ёшлик девони»дагина учратиш мумкин.

Фақат «Ёшлик девони» ғазаллари эмас, шоирнинг 60-йилларда яратган бошқа жанрлардаги сара асарлари ҳам эл орасида ниҳоятда машҳур бўлиб кетди. Бево-сита шоир шахсий ҳаёти, таржимаи ҳоли — фашизмга қарши уруш қурбони бўлган ўз отаси ҳақидаги «Нидо» достони лирик қаҳрамонининг қалб садоси, андуҳлари, Абдулла Қаҳҳор ёзганидек, миллион-миллион ки-шиларнинг нидоси, урушга нафрати, урушда ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтироми каби янгради.

Табиийки, ўша йиллар шоир шеърятининг энг авж палласи «Ўзбегим» қасидасидир. Бу ўринда қаси-дани махсус шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ: у ҳақда кўп ёзилди. Асар дарсликлардан жой олган. Миллатнинг шаъни-ғурури топталган, тарих дарсликларимизда хал-қимизнинг шонли ўтмиши қора бўёқлар билан бул-ганган, ҳар тонгда куйланадиган давлат мадҳияси улуг оғага, партияга ҳамду санолар билан бошланадиган замонларда кечмишнинг шонли саҳифаларини улуг-ловчи «Ўзбегим» қасидаси ғайрирасмий миллий мад-ҳияга айланди. Шу тариқа «Ўзбегим» 60-йиллари би-рин-кетин чиққан бешта шеърлар тўплами, «Нидо», «Палаткада ёзилган дoston»лардаги ижодий изланиш-ларнинг муайян якуни бўлди.

Йиллар ўтган сари Эркин ижодида фикрлар уфқи кенгайиб, ҳис-туйғулар тобора сержило бўлиб борди. Шунга қарамай, шоирда эришган ютуқлардан қониқ-маслик, ўзини янгилашга мойиллик кайфияти кун-дан-кун ортиб борди. Бу бир дард, армон бўлиб вужу-дини ғалаёнга сола бошлади. Бу ҳолат 70-йиллар бош-ларида битилган «Йўқолган шеър»да яхши ифодалан-ган: шоир ўз асрига мос, фақат миллатнинг эмас, бутун оламнинг шавқини, дардини ўзида мужассам этадиган шеърлар излайди, шундай шеърлар ёзишни орзу қилади. Ниҳоят, бу орзу-интилиш, изланишнинг самараси 70—80-йилларда яратилган «Тирик сайёра-лар», «Шарқий қирғоқ», «Куй авжида узилмасин тор», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» каби тўпламларидан жой олган шеърларида, «Рухлар исёни», «Истамбул фожиа-си» дostonларида яққол кўринди. Замин, замон ва ин-

сон ташвишларига ҳамдардлик, оддий кундалик ҳодисаларда катта инсоний муаммоларни кўра билиш, улардан умумбашарий маънолар қидириш, ўша кезлари ўзини ҳаяжонга солган масалаларни дадил ўртага қўйиб, уларга жавоб излаш, одамлар эътиборини жалб этиш — бу даврдаги энг яхши дoston ва шеърларига хос хусусиятлардир. Бу асарлардаги ҳар бир сўз, ҳар бир сатрда инсоният қисматидан безовта қалб кечинмалари, замон тақдирига жавобгарлик ҳисси билан тепаётган юрак ҳаяжонлари ловуллаб туради, улар дунёга тийрак кўз билан назар солишга чақириқ бўлиб янграйди. «Инсон», «Шарқий қирғоқ», «Сирдарё ўлани», «Арслон ўйнатувчи», «Рухлар исёни» каби ўткир фуқаролик руҳи-нафаси билан йўғрилган дoston ва шеърларни XX аср миллий шеъриятмизнинг ўзига хос давр яратган нодир намуналаридан десак асло муболаға бўлмайди.

«Инсон» қасидаси сатрлари қатидаги изтиробга тўла ўй-мушоҳадалар силсиласига бир қур назар ташлайлик. Шеър қасида руҳидаги инсон мадҳияси билан бошланади:

*Собиту сайёрада  
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.  
Мулки олам ичра бир  
Хоқон ўзинг, султон ўзинг.*

Шоир ана шу хоқон, султон саналмиш бугунги фантехника замони одами измидаги ёруғ дунё надур, деган савол қўяди-да, кескин ва шафқатсиз равишда «Кошонадур, вайронадур» дея жавоб қилади. Шу сатрлардан бошлаб шеърда мадҳия оҳанги чекинади, шоирнинг ҳам фахр-ифтихор, ҳам афсус-надоматларга тўла армонли ноласи янграй бошлайди; инсон зотига хос зиддиятли таъриф-тавсиф давом этади. Инсон гоҳ адолат, гоҳ адоват қўйнида, ўз дилининг даргоҳида гоҳ шайтон, гоҳ филмон; жон борки қасди жон, қотил ҳам, қурбон ҳам, ҳаёт уммонида қатрадек сарсон ҳам, гардон ҳам шу инсоннинг ўзи! Машъали фикрат ҳам, чангали ваҳшат ҳам — шу зотнинг ўзи! Она замин тақдири шу улуғ ва ожиз зот — инсоннинг ўз қўли, ихтиёрида. Шоир инсонни инсон деган улуғ номга му-

носиб бўлиши, фарзандлик бурчига содиқ қолиши, замин дардига дармон, унга қалқон бўлишини тилайди. Шоир инсонни жамики зиддияtlари, кучли ва ожиз томонлари ила таъриф этмасин, барибир унинг имкониятларига, даҳосига, истиқболига ишонч билан қарайди, инсон номини ҳамиша ўкинч, армон аралаш ёниқ бир меҳр билан қаламга олади.

1979 йили ёзиб тугатган «Рухлар исёни» достонида миллий истиқлол тўғрисида сўз очиш асло мумкин бўлмаган бир замонда мустабид тузум қатағони қурбони Фитратнинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари» асарлари изидан бориб, декорацияни Ҳинд элига кўчириб, шоир Назрул Ислон тимсоли орқали ўз она юртида эрк, озодлик йўлига ҳаётини тиккан Қодирий, Чўлпон, Фитратлар қисматига ишора этишга, ривоят, ҳикоятлар орқали шахс эрки ғоясини умуминсоний миқёсларда туриб ифодалашга эришади.

80-йиллар охири 90-йиллар бошларида битилган шеърларини ўз ичига олувчи «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» тўпламини ўша тарихий бурилиш даври шоир қалбининг кардиограммаси деб аташ мумкин. Тўплагма хос бош хусусият ундаги шеърларда руҳий эркинликнинг тўла намоён бўлганлигидир. Бу ниҳоятда муҳим фазилат. Бусиз чинакам бадиий кашфиётлар дунёга келиши мумкин эмас. Новаторлик деймизми, ижодий оригиналлик деймизми, услубнинг ўзига хослиги, шаклий топилмалар деймизми — барчасининг ибтидоси шу руҳий эркинликдан бошланади. Етмиш йил давомида миллий шеърятимиз, ижодкорларимиз ҳукмрон мафкура, сиёсат тазйиқида бўлиб келди. Бу тазйиқдан четда туришга, мустабид тузум ақидалари қобиғини ёриб чиқишга дадил уринишлар ҳам бўлди. Бироқ жасур, ҳақгўй ижод аҳли ҳар қанча уринмасинлар, барибир, уларнинг қонида қандайдир ҳадик, Чўлпон айтган сусткашлик давом этди, тутқунлик зуғуми ўз асоратини қолдирди. Фақат истиқлол арафасига келиб шоирларимизда руҳий эркинлик тўла намоён бўла бошлади. Э. Воҳидовнинг шу давр маҳсули саналмиш афсус-надоматлар билан битилган «Ватан умиди» шеърида шундай сатрлар бор:

*Агарчи исмим Эркин,  
Эрки йўқ, банди кишан бўлдим.  
Кўзим боғлиқ, дилим доғлиқ,  
Тилим йўқ, бесухан бўлдим.*

У бор овоз билан «Бас, етар ёлғон саодат, Ёлғон эрк, ёлғон ватан!» дея ҳайқиради.

Эркиннинг истиқлол йилларидаги шеърлари топталган миллий қадриятларни тиклаш, ўзини топиш, ўзлигини танишдек машаққатли йўл ғоят шарафли эканини яна бир бор тасдиқлайди. Аини шу йўлдан борган ижодкоргагина шафқатсиз ҳақиқат эшиклари очилади, бу ёруғ дунёнинг сиру асрорларини англаш, теварак-атрофда юз бераётган, шитоб билан ўзгариб, янгиланаётган тарихий жараёнларнинг, ҳаёт жумбоқларининг туб моҳиятига етиш имкони туғилади. Кейинги шеърларида кўпни кўрган, 70 ёш бўсағасида турган донишманд шоирнинг аини бу ёшга хос ҳолаткайфиятлари, ўй-мушоҳадалари, бой ҳаёт тажрибалари ғоят ёрқин намоён бўлмоқда. Агар у «Ёшлик девони»да «Ёшлигим, кел, куйга тўлган Қалбим олтин сози бўл, Мен қўшиқ айтай тўлиб, Бир лаҳза жўр овози бўл», дея шўх-шодон куйлаган бўлса, энди кекса ҳазрат Навоий қаби дангал «Кексалик келгач насибинг Йўлга боқиб ўлтириш. Энди манзил ҳеч харита — Ичра номи йўқ диёр, Кексалик — ул мамлакатга Йўл тадоригин кўриш» деб ёзади. Аини пайтда яна улуг Навоий иборалари билан айтганда, қарилик чоғда ҳам ёр васлидан кўнгил узолмайди, «Мен ҳаётда бор эканман, Ўйласам, сен бор учун, Кўксим ичра қалб урар Тункун ўзингга зор учун... То жаҳонда бор эканман, Борлигим сен ёр учун» сингари оловли мисралар тизади. Қўл қовуштириб ўтирмай эл-юртнинг бугунги муаммолари устида бош қотиришда давом этади, миллат мустақилликка эришиб ўз куч-қудрати, ақл-заковатини тўла намоён этиш даври келганида, унинг парвози йўлидаги тўғаноқлар, юз йил бурун жадид боболаримизни доғда қолдирган қолоқ удумлар устида аламли ўйларга толади, жумладан, «Нега япон юз йил яшар...» шеърда бу ҳақли саволга жавобан киноя-кесатиқлар ила «Чунки япон биздек қоронғу Саҳар туриб ошга

бормайди. Мотамида у обрў учун Элни чорлаб зиёфат қурмас. Байрамида бел боғлаб уч кун Шамдек қотиб кўчада турмас. Гарчи биздан юз бор фаровон, Гарчи биздан юз карра тўқдир. Тўй харжида юзта бой япон Бир камбағал ўзбекча йўқдир», дейди ўкинч билан... Бугина эмас, мумтоз шоирларимиз каби Оллоҳ олдида эркалик қилиб мана бундай исёнкорона мангу саволларни ўртага қўяди:

*Дунё, сенинг бизга мунис  
маъволигинг қани?  
Ёруғ кунинг камдир,  
ёруғ дунёлигинг қани?  
Оқилга ғам, жоҳилга зар —  
берган ўзинг эсанг,  
Парвардигор, одилликда  
танҳолигинг қани?*

Мана энди хулоса чиқарилса бўлар. Эркин Воҳидов шеърляти, аниқроғи, унинг сара шеърлари биринчи галда шоирнинг ўзи учун энг ардоқли, дил қаъридан сизиб отилиб чиққан шахсий кечинма-туйгулар ҳосиласидир. Айни пайтда ана шу шахсий кечинмалар кўпчилик одамлар учун ҳам қадрли ва тушунарлидир. Эркиннинг ёзганлари қогозда қолиб кетадиган сатрлар эмас, улар тиллардан дилларга кўчиб у ерда муқим жой олган етук шеърятдир. Шоир шеърлари сиртдан содда, етти ёшдан етмишгача барча учун бирдек тушунарли туюлса-да, улардаги тағмаънога етиш, уларни уқиш осон эмас. Улар «хос одамлар»нинг теран таҳлил, ўй-мушоадалари, хилма-хил талқинлари учун бой озиқа беради. «Ўзбегим», «Инсон» қасидаларини, «Руҳлар исёни» достонини англаб етиш учун қанчалар билим, бой ҳаётий ва адабий тажриба кераклиги аён. Бир маърифий даврада донишманд аллома Алихонтўра Соғуний «Ёшлик девони»даги «Узум» радифли ғазални ярим соат давомида байтма-байт ёд айтиб уларни бирма-бир шарҳлаб, оддий туюлган сатрлар бағридаги биз хаёлга келтиролмаган турли маъноларни батафсил тусунтириб берган, охирги «Эй дилором, сенга Эркин Тутди майдек шеърини, Дил хумида неча йил Қон бўлди бу девон — узум» сатрларини «шоҳ байт» деб

атаган, уни ҳазрат Навоийнинг машҳур «Ашрақат» газа-  
лидаги сатрларга қиёс этган эдилар.

Афсус, адабиётшунослигимизда Эркин шеърларининг бунақа теран, синчков таҳлиллари амалга оширилган эмас.

Эркин Воҳидов ижодий фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди. Айниқса, атоқли ва ардоқли шоиримиз мустақиллик йиллари Олий Кенгаш, Олий Мажлис депутати, Сенат аъзоси сифатида масъул лавозимларда ишлаган кезлари улкан давлат арбоби сифатида ҳам танилди. «Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг ҳам кераклигингни сезиш — бу катта бахт, — дейди шоир. — Шунинг учун ҳам жамоат меҳнатидан ҳеч қачон қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман». У беназир шеъру дostonлари билан баробар Мустақиллигимизнинг бош меъмори Президентимиз ёнида туриб истиқлол идеалларини рўёбга чиқариш йўлидаги хайрли хизматлари билан ҳам миллатимиз учун ардоқлидир. Эркин Воҳидов «Халқ шоири», «Ўзбекистон Қаҳрамони»дек юксак унвонларга ҳар жиҳатдан муносибдир.

2006 йил

## Қўшиқ қанотидаги туғёнлар

*(Иқбол Мирзо шеъриятига бир назар)*

Шеърятнинг онаси қўшиқ бўлса ажаб эмас. Инсон зоти дил розини, қувончу армонини, дарди дунёсини илк бор айна қўшиқ шаклида изҳор этганига ишонгинг келади. Қўшиқ табаррук зот — онанинг дард чекиб туққан тўнғич фарзанди каби азиздир. Сўз санъати кўп асрлик тарихи давомида шеърятнинг кўплаб янгидан-янги шакл-шамойилларини, жанрларини ихтиро этди. Шуниси аниқки, ҳамма даврларда, ҳар хил оқиму шеърый мактабларда қўшиқлар садоси сақланиб қолаверган. Ҳаттоки, замонавий модерн шеърят ҳам бу ноёб сарчашмадан баракали озиқ олмоқда. Мумтоз Шарқ шеърияти дарғалари: Ҳофиз, Лutfий, Навоий, Бобур, Фузулий бисотида халқ қўшиқлари таронала-



рига ҳамоҳанг сатрлар сон-саноқсиз. Яссавий, Машраб, Ҳувайдо, Муқимийнинг қўшиқ оҳанги билан йўғрилган ҳикмат, ғазаллари эл орасида ниҳоятда машҳур... Берироқ келадиган бўлсак, бугунги миллий шеъриятимиз бўстонида халқона дилбар лирика бутун бир бошли чаманзорни ташкил этади. Яқиндагина орамиздан кетган шоир Муҳаммад Юсуф шу бўстон саҳнида бир гўзал гулзор яратишга улгурди. Ҳозир унинг йўлини дадил давом эттираётганлар сафида Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо сингари ўзига хос овоз соҳиблари бор.

Иқбол Мирзо бошда тенгдошлари каби турли йўлларда машқ қилиб кўрди, шоир оғаларига эргашиб мажозий шеърлар ҳам битди. Ўзини баҳорий яшилликлардан баҳра олиб, яшил одамга айланаётган ҳис этиб, «ям-яшил» қўшиқлар айтишга чоғланди. Азиз шеърхон, ёш шоирнинг ўша кезлари битган «Тутлар» деган шеъри ёдингизда бўлса керак. Шеър мана бундай сатрлар билан бошланади:

*Қатли омга маҳкум маҳбусдек тутлар:  
Ҳар баҳор бошида ўйнар чопқилар,  
Ҳар баҳор беомон чопилар,  
Ғажийди қуртлар...*

Тутнинг азобдан букчайиб ўсган тан-вужуди, жонга тегар даражадаги бу қадар увол, муте, ғариб ҳоли лирик қаҳрамонни аламли ўйларга толдиради. Шеър сўнгида шоир исёнкорона ҳайқиради:

*Ёзиқлари надир?!  
Сўрмаслар асти...  
Менинг тушларимни ўрайди дудлар:  
Тушларимга кирар  
ҳар бир новдаси  
Қиличга айланган дарғазаб тутлар...*

Истиқлол арафасида битилиб, метафора асосига қурилган бу шеърнинг тағмаъносини — гап меҳнаткаш деҳқоннинг ўша кезлардаги аҳвол-руҳияти, аянчли қисмати устида кетаётганлигини бугун англаб етиш қийин эмас. Ёш шоирнинг бу хилдаги яратиклари офизга туш-

ди, улар ҳақида илиқ гаплар айтилди, шоирга айни шу йўлдан изчил бориш бобида маслаҳатлар берилди. Бироқ чин истеъдод эгаси ўзгаларнинг маслаҳати, йўл-йўриқлари асосида иш тутмайди, тутолмайди. У фақат ва фақат қалб амригагина бўйсунди. Иқбол табиатан дилбар, руҳан эркин шахс, руҳиятида қандайдир шўхлик, эркалик, жунунлик, шиддат, ошкораликка мойиллик бор; кўнглида туғилган ўй-кечинмаларни ҳеч яширмай, пардаларга ўрамай дангал қоғозга туширгиси келади.

Унингча:

*Танбеҳ билан, дарс билан,  
Хоҳ қисти қафас билан  
Қўлга ўргатолмайсан  
Девона туйғуларни.*

Шоир яна ҳам аниқроқ қилиб дейди:

*Ўзича айлансин ер,  
Дунёни тек қўйиб бер.  
Атиргуллардан талаб  
Қилмагин оғуларни.  
...Жим суриб ўтсам дейман  
Қадрдон қайғуларни.*

Шоир ижодда танлаган йўли, ўз эътиқод-ақидаси хусусида ҳам қўшиқ йўсинида ўзига хос тарзда сўзлайди:

*Боларининг кўнглин кўринг — гул танлайди,  
Кўкрагимда қизил гул бор — гулим бошқа.  
Кўз ёши ҳам юзга тушса йўл танлайди,  
Ҳамма бошқа йўлда, менинг йўлим бошқа.*

Боларининг «гул танлаши», ҳар кимнинг «ўз гули» борлиги — булар аввалдан таниш, бироқ янгиланган ташбеҳлар; «кўз ёшининг юзга тушса йўл танлаши» эса шоирнинг бадиий ихтироси: бу сатр шеърнинг чиройини яна ҳам очиб юборади.

Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, ижодкор жанрни танламайди, балки жанрнинг ўзи ижодкорини топиб олади. Иқбол ижодий тақдирида ҳам айни шу ҳол юз берди, қадим қўшиқ олами Иқбол сиймосида яна бир ўз одамини топди. Аслида, илк изланишларида,

ҳатто мажозий шеърларида ҳам кўшиқчиликка мойиллик аломатлари кўринган эди. Мана, ўн беш йилдирки, у кўшиқлар қанотида парвоз этиб келади. Янги бир шеърлар китобини «Кўшиқларим» деб аташи бежиз эмас. Муҳаббат эски нарса, лекин ҳар бир кўнгил уни янгилайди деганларидек, бу қадим поёнсиз бўстонда ўзлигини намоён этишга, ўз сўзини айтишга эришди, эришаётир. У она Ватан, тарих, кечмиш сабоқлари, киндик қони тўкилган юрт, болалик хотиралари, ишқ-муҳаббат, ҳижрон изтироби, висол сурури ҳақида куйлайдими, бу фоний дунёдан бевақт кетган отасига, шоир оғаларига атаб марсиялар битадими — фақат ўзи ҳис этган, қалбидан кечган ҳис-туйғуларини кўшиққа солади; кутилмаган, фақат Иқбол қаламигагина хос бетакрор ташбеҳлар ўз-ўзидан куйилиб келади, халқ кўшиқларидан, қадим битиклардан ўтган мисралар ҳам худди шоирнинг ихтиросидек янграйди.

Шоир «Ўзбек» деб аталган кўшиғида миллат тарихи, менталитетига оид қатор ташбеҳлар келтирар экан, шеърнинг бир бандида шуларни ёзади:

*Дили қонга тўлиб, кўзлари — ёшга,  
Алп Тегин бир ҳикмат чегирди тошга:  
«Бизнинг қайғумиз йўқ боладан бошқа...»  
Боланга боғлиқдир ўйларинг, ўзбек.*

Илк туркий давлат асосчиси Алп Тегин замонидан қолган миллат табиатига хос беназир маънавий қадрият — болажонлик, унинг тарихий илдишлари нақадар табиий, ёрқин ва бетакрор тарзда намоён бўлган бу «шоҳ байт»ларга тенг мисраларда!

Бир неча йиллар бурун 93 ёшда қазо қилган қариндошимиз азасида бир синглимизнинг мана бу йиғи кўшиғи сатрлари қулоғимга чалинган эди:

*Менинг бобом қайга кетди, қайга кетди,  
Капалаклар учмайдиган жойга кетди.*

Одатда, тўқсондан ошган одамнинг азасини «тўй» деб атайдилар. Шунга қарамай, ўша қиз-неваранинг суюкли бобоси ҳақидаги нолалари юрак-бағримни эзиб, кўзимга ёш келган эди. Орадан йиллар ўтиб Иқбол-

нинг «Шавкат Раҳмон» марсиясида айна ўша мисраларни учратиб қолдим:

*Учиб-қўниб, учиб-қўниб шом-сахарлар  
Нафис санъат сахнасида пойга кетди.  
Шавкат Раҳмон қайга кетди, биродарлар,  
Капалаклар учмайдиган жойга кетди.*

Суриштириб билдимки, капалаклар билан боғлиқ ташбеҳ йўқлов кўшиқларида қадимдан бор экан. Иқбол марсиясида эса бу таниш мисра ўзгача — улкан замондош шоирдан жудолик изтироблари кишини ларзага соладиган бир тарзда янграйди.

Бир қарашда, Иқбол шеърлари шўх-шодон, ўйноқи мисралардангина яралгандай туюлади. Бироқ улар замирига разм солсангиз, ўша шўх-шодон, ўйноқи мисралар қанотида шоирнинг қалб туғёнлари, армон тўла аламли ўй-мушоҳадалари ёғилиб турганлигига амин бўласиз.

*Ибодатинг, савобинг ҳам,  
Зиёратинг, тавофинг ҳам  
Сен алдаган ўша қизнинг  
Қарғишига арзирмиди?*

Бу аламли нолишларни тинглаган шеърхон қалби дардга тўлиб ўзини кўярга жой тополмай қолади.

Шоирнинг мана бу самимий иқрорномаси замиридаги афсус-надомати, оҳу зорини тошу тарозу билан ўлчаб бўладими, ахир!

*Чорак аср яшаб, юз марта севдим,  
Оҳ, кимни севишни билмай ўтибман!*

Энди мана бу манзара-ҳолатга разм солинг:

*Ахир тўсолмайсан кипригинг билан  
Кўзларингга тўлган қайғу селини.*

Бунақа тигиз руҳий драматик ҳолатни бу қадар синчковлик билан илғаш, теран ҳис этиш, муҳими, ихчам, ниҳоятда гўзал, кўримли тарзда ифода этиш учун ноёб шеърый истеъдод керак!

Ниҳоят, яна бир мисол. Мана бу табиат манзарасидаги жонли ҳаракат, кескин ўзгариш, ҳаракат бағри-

дан сизиб чиқаётган мунгли оҳангга қулоқ тутиб кўринг-а:

*Уч кунда куз келди.  
Дунё қариди.  
...Булут келаётган томонга қараб  
Дунё сузиб борар оҳиста, дунё...*

Куз қаърига ҳазин бир виқор билан кириб бораётган дунёнинг таҳликали важоҳатини баралла кўриб, ҳис этиб турасиз.

Шоирнинг мунгли, ўйчан мисралари кетидан ўз-ўзидан оламнинг, ҳаётнинг нотўқислиги хусусида яссавиёна ҳикматлар туғилади:

*Яқин ҳам келолмай, узоқ кетолмай,  
Ернинг атрофида йўлдош овора.  
Заминни бир текис чаман этолмай,  
Миллиард йил нур сочиб қуёш овора.*

Эҳтимол, Иқбол бу тўртликда парвозни юқорироқ олиб, заминдан бир оз узоқлашиб кетгандир. Қуйидаги ҳикматда эса у она заминга қайтгандай бўлади:

*Бир бошга бир ўлим деган ҳикмат бор,  
Банда бўйинсунар қисмат хатига.  
Ҳатто манов судхўр, шу хиёнаткор  
Вафо қилди тангри омонатига.*

Мана буниси эса, чинакамига Иқболга хос шўх-шодон халқ лапарларини эслатувчи, айни пайтда, ўта жиддий, кишига сабоқ бўлгулик ўғитлар:

*Бизгача ҳам олов бўлган, муз бўлган,  
Сизгача ҳам не-не оҳу кўз бўлган.  
Ўзингизга бино қўйманг, гулжамол,  
Ялмоғиз ҳам бир пайт сиздай қиз бўлган.*

Замона эврилишлари, айрим замондошлар қилғилиги шоир дилини ўртайди:

*Бир кимсани кўрдим, азиз ёронлар,  
Фариб берса, чап беролмас шайтонлар,  
Йиғмиш дунё, қурмиш турлик ошёнлар,  
Гўё бу зот асло ўлмайдигандай.*

Нафс бандалари қилмишидан дили озор чеккан  
шоир қаламкаш дўстига ҳасратини тўкиб солади:

*Оқимга терс сузган наҳанг оқиб кетди,  
Оғаларим зару зўрга оғиб кетди,  
Ултон хўрлаб, илигимни чақиб кетди,  
Балчиқдаги балиқ — қадриммасми, Салим,  
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?*

Аламли ўйлар туфайли лирик қаҳрамон қалбида  
аламли саволлар куйилиб келади:

*Наҳот, яшаш учун туғилган бўлсанг,  
Наҳот, кураш учун яралган бўлсанг,  
Наҳот, сукут учун келгансан бунга,  
Наҳот, ўлим учун яратилгансан?*

Аламли саволлар эса гоҳо уни зиддиятли хулоса-  
ларга ундайди:

*Умр шамол каби учади.  
Шамол каби рангсиз, мазасиз.  
Умид борки, дейсан.  
...У ёғи мавҳумот.*

Бироқ шоир мавҳумот гирдобиди қолиб кетмайди.  
Ўзининг умидбахш, ҳаётбахш ақидаларига содиқ қолиб,  
умидбахш, ҳаётбахш тароналар куйламакда давом этади:

*Бордир сарой қурганлар,  
Бордир даврон сурганлар.  
Борми биздек бир тушни  
Биргалашиб кўрганлар?*

«Бир тушни биргалашиб кўриш» фақат қалбида  
умид, севги, меҳр-муҳаббат ёлқини порлаб турган  
зотларгагина насиб этади. Шоир шеърларида севги,  
муҳаббат, меҳр ҳақида ҳикматлар қалашиб келади: «Му-  
ҳаббат, бу ўзингни севмоқ Ва ўзгага ҳавас, дегани»,  
«Муҳаббат, бу — кета олмасдан Жон талашган нафас,  
дегани», «Муҳаббат, бу — куй тўла зиндон», «Муҳаб-  
бат, бу — титраган лаблар, Арз, дегани, араз, дегани»,  
«Муҳаббат, бу — бахтнинг сурати». Ниҳоят, шоир  
асосий хулосасини айтади:

*Дунёни қутқарар фақат бир туйғу –  
Меҳрихон аялар,  
Меҳринисолар...*

Меҳр-муҳаббат замирида эса, шоир эътиқодича, гўзаллик туйғуси ётади:

*Асли, одамзоднинг фалсафаси бу —  
Гўзал кўра билмоқ керак дунёни.*

«Қалби бутун одам» шеърида шундай сатрларни ўқиймиз:

*Қалби бутун одам бир кун англар экан:  
Фазо тўла оҳанг экан, ранглар экан.  
Сабо ўнган атиргулнинг энтиккани —  
Етти фалак айвонида янграр экан.*

Ўша нафосат, ҳаётбахш руҳ билан йўғрилган шеърда мана бундай надоматли сатрлар ҳам бор:

*Ҳаммага ҳам насиб этмас ҳабиб тушмак,  
Ҳатто ажал ҳам одамни танлар экан.*

Бу кўҳна дунёда «қалби бутун одам» билан ёнма-ён ана шу ноёб хислатдан бенасиб «синган одам»лар ҳам борлигидан шоир қалби ўртанади:

*Синган одам, туйғулари тинган одам,  
Синган одам, қисматига кўнган одам.  
Синиқ кулиб, синиққина кўришади.  
Кун кўради, яшамайди синган одам.*

Шоир бу хил одамнинг табиатига хос хусусиятларни таърифлашда давом этади: синган одам манфаатлари тор, оила, бола-чақа — ўғил-қиз, «қора қозон ёнидаги қорақўз»лардан нари ўтмайди. Энг аянчлиси, у «Кўрилмаган катта хавфни кўриб қолган, Қочиб бориб ўз ичига кириб қолган. Ўз жонининг мазасини билиб қолган...» У бировга ёмонлик ҳам қилмайди, «сендан айб қидирмайди, Айбинг билса ҳам, бировга билдирмайди», «синганларни синдирмайди»; айна пайтда керак бўлганда, «елкангга қўл ташламайди», «Сенга жонин тўшамайди»; қисқаси, «Одам исин хушламайди». Шоир «Кўрдим синган шохни — оппоқ гули билан» мисрасида рамзий тарзда бу хил кимсанинг асл моҳиятини поэтик умумлаштиришга эришади.

Бу шеърда шоир қўшиқнинг яна бир улкан имкониятини намоиш этади. Қарангки, қўшиқ сатрлари орқали ҳам эпик асарга хос муайян тоифа кимсаларнинг кўримли қиёфаси — портретини, жонли характерини яратиш мумкин экан. Бугина эмас, шеърда шоир ўзига хос лутф билан «Эгам гоҳо шундай ўйнар қули билан. Гоҳо урар бандасининг қўли билан...» дея бу хил аянчли кимсалар устидан умумбашарий хулосалар чиқаришга эришади.

\* \* \*

Иқбол оз ва соз ёзади. У ўта тортинчоқ, камсуқум. Минбарларда кам кўринади. Мабодо, минбарга чиқиб шеър ўқиса, нутқ сўзласа, қотиради — қойил қилади. Зулфия опа бир учрашувда Иқболнинг матбуотда эълон этилган илк шеърлари устида гап очиб: «Бирам бокира, бирам шўх-шодон, айни чоғда нурга йўғрилган мунгли туйғулар, — дедилар ва — «Иқбол» бу йигитнинг исмими ёки тахаллусими?» деб сўрадилар. Мен исми эканини айтганимда, «Тахаллуси исми билан тугилган экан, илк шеърлари ижоддаги иқболидан дарак бериб турибди. Айтинг, бошқа тахаллус қидириб юрмасин», дея маслаҳат бердилар. Бу гапларни мен Иқболга етказганимда, қувончдан кўзлари чақнаб кетди, устоз шоира тилаklarини бажонидил қабул қилди, фақат «Иқбол» ёнига падари бузрукворининг «Мирзо» насабини қўшиб олди. Тошкентда ўтган «Туркистон халқлари мушоираси»да тўлиб-тошиб шеър ўқиганида, Чингиз Айтматов беҳад қувониб Иқбол Мирзо шеърларига юксак баҳо бергани ҳаммамизнинг ёдимизда. Фафур Фулом номидаги боғда улуғ шоир ҳайкали очилишига бағишланган маросимда Иқбол Мирзонинг қисқа, аммо дилрабо қўшиқдай янграган маънодор сўзлари кўплар қатори Президентимизни ҳам тўлқинлантирди. Ўшанда Ислон Каримов ёш шоирни оталарча бағрига босиб қутлаган эди...

Ниҳоят, шоирнинг озу соз дилбар шеърляти муносиб тақдирланди — унга «Ўзбекистон Халқ шоири» унвони берилди. Умид қиламизки, бу юксак унвон шоирни янада юксакроқ ижодий парвозларга ундаяжак.

2005 йил



### III. АДАБИЁТИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ

#### «Шум бола»: мафкуравий-сиёсий тазйиқ шароитида руҳ эркинлиги

Шеърят ривожини устувор бўлган ўзбек мумтоз адабиёти айтилиши пайтда беш асрдан буён жаҳонни ҳайратга солиб келаётган «Бобурнома»дек шоҳ насрий асарни берган. Янги ўзбек насрининг туғилиш-шаклланиш жараёни ҳам жаҳон адабиёти тарихида ноёб ҳодиса. Жаҳоннинг кўплаб халқлари адабиётида замонавий прозанинг шаклланиш жараёни қирқ-эллик, ҳатто юз йиллаб давом этган. Янги ўзбек насрининг илк намуналари XX асрнинг 10-йиллари ўрталарида пайдо бўлди. Айтилиши кезлари «Жувонбоз», «Улоқда» каби илк ҳикоялари билан майдонга чиққан Абдулла Қодирий орандан беш йил ўтар-ўтмас 1920 йили «Ўткан кунлар»дек нодир романи, «янги давр адабиёти, Европа адабиёти вази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарини (Абдулла Қаҳҳор) ёзиб тугатди. «Қурбони жаҳолат», «Духтур Муҳаммадий» каби ошқора ташвиқий-тарғибий характердаги ҳикоялар муаллифи Чўлпон салгина фурсат ўтиб «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Клеупатра», «Новвой қиз» сингари ҳам реалистик, ҳам модернистик йўналишдаги беназир ҳикояларини яратди.

XX асрнинг 30-йиллари умуман маънавий-бадиий тафаккур ривожини бўлгани каби сўз санъати тарихидаги энг чиркин, қора кунлар саналади. Бу даврга келиб тоталитар режимнинг адабий сиёсати авж палласига кўтарилди, тарихда мисли кўрилмаган ҳодиса — шўро ёзувчилари амал қилиши лозим бўлган ижодий метод — социалистик реализм қоидалари режим раҳнамолигида ишлаб чиқилди. Бадиий ижод учун сув билан ҳаводек зарур нарса — фикр эркинлигига ёвузларча тажовуз бошланди, ҳамма ижодкорлар фақат бир йўлдан боришга мажбур этилди, воқеликка фақат ҳукмрон мафкура асосида синфий-партиявий ёндашиш

барча қалам аҳли учун қатъий қоида этиб белгиланди. Шу тариқа, мустабид режим адабиётни ўзининг мафкуравий қуролига, адибларни эса ўз дастёрига, режим ғоялари ва сиёсатини тарғиб этувчи «карнайчи»ларга айлантиришга тиришди. Бу ҳол адабиёт тарихида, кўплаб истеъдодли адиблар ижодий қисматида ўта нохуш из қолдирди. Энг ёмони, ижодий тафаккурни туюшувга солиб қўйди, шахсий ташаббусни бўғди, санъатдан йироқ бир қолипдаги ўта сиёсатлаштирилган, мафкуралаштирилган юзаки асарларнинг кенг ёйилишига олиб келди. Бундай сиёсат кўплаб шафқатсизликларга, қатағонларга йўл очди. Адабиёт ривожини ҳар жиҳатдан хавф остида қолди.

Бадиий ижод, адабий жараён шундай сирли-сехрли ҳодисаки, унда тасаввурга сиғмайдиган, кутилмаган ҳоллар юз бериши мумкин. Тоталитар режим адабий сиёсати таҳдид солиб турган ўша кезларда, гарчи бундай зугум, тазйиқлар адиблар ижодий тақдирида чуқур асоратлар қолдирган бўлса-да, чин истеъдод эгалари ўшандай машъум замонда ҳам ўзлигига, кўнгил эркигига содиқ қолиб, режим қолипларига сиғмайдиган юксак санъат намуналари яратганликлари чиндан-да ҳайратомуз ҳодиса. Машъум 30-йиллар шароитида дунёга келган «Кеча ва кундуз», «Кутлуғ қон», «Сароб», «Шум бола» каби ўлмас қисса ва романлар, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари кутилмаган бадиият мўъжизаларидир. Булар орасида айниқса, «Шум бола» қаҳратонда қулф уриб гуллаган бодом, Чўлпон ибораси билан айтганда, қор қўйнидаги лола янглиғ кишини ҳайратга солади. «Кеча ва кундуз», хусусан, «Сароб» ва «Кутлуғ қон»да-ку муайян даражада онгли тарзда замона, сиёсат билан ҳисоблашиш, қандайдир «мурасага бориш» ҳолатлари бор. Бироқ муаллифлар улкан ва ноёб истеъдод эгалари бўлганликлари туфайли уларнинг қалб тубидаги, «онг ости»даги туйғу — руҳий эркинлик охир-оқибат мафкуравий таҳдидлар асоратларини енгиб ўтиб адибларни чинакам бадиият манзиллари томон етаклаган. «Шум бола»да эса бутунлай ўзгача манзара; адибнинг 30-йиллар ижодида, шеърлятида, публицистикасида, ҳикояларида, қолаверса, «Нетай», «Тирилган мурда», «Ёдгор» қиссаларида учрайдиган айрим замонасозликлардан бу ерда асар ҳам

йўқ. Мана шундай замона сиёсатига мутлақо бўйсунмаган шум табиат, ўжар, асов бир руҳдаги асарнинг қатағон сиёсати энг авжига чиққан 36—37-йиллари матбуотда пайдо бўлиши мислсиз ҳодиса!

«Шум бола» воқеалари XX асрнинг 10-йилларида, биринчи жаҳон уруши бошланган кезлари бор-йўғи беш-олти ой ичида кечади. Шўро ҳокимияти йилларида шаклланган, аниқроғи шакллантирилган тасаввурга кўра бу даврда халқ орасида синфий зиддият, курашлар авж олган, меҳнаткаш халқ инқилобий руҳ билан яшаган, инқилобга тайёр турган, халқ орасида етук инқилобчилар етишиб чиққан; табиийки, ўша давр ҳақидаги ҳар бир асардан биринчи галда ўшандай тасаввурга мос ҳодисалар ифодаси талаб этилган. «Шум бола»да эса тамомила бошқа, бунақа тасаввурларга зид манзараларга дуч келамиз; бу ерда синфий зиддият, курашлар, бой ила хизматчи тўқнашувлари, инқилобий руҳдан асар ҳам йўқ; қиссада бирорта ҳам синфий кураш, инқилоб ҳақида ўйлайдиган кимсани, у ёғини суриштирсангиз, рисоладагидай «ижобий қаҳрамон»ни кўрмайсиз; асар воқеалари асосан бозору такяхонада, кўча-кўйларда, қир-адирларда, руҳоний эшону бойлар хонадонида ўтади; одамлар бою камбағал, савдогару косиб, домла, эшон, деҳқон, ўзбегу қозоқ — барчаси ўзларининг кундалик тирикчилик ташвишлари билан банд. Қиссада қаламга олинган халқ ҳаётининг бир қарашда унча муҳим бўлиб туюлмаган фаройиб лавҳалари: бозор ҳангомалари, ҳар хил томошалар, киссавурлар базми, кишиларнинг интим ҳаёти, тантиқ эшон ойимнинг чучмал кўнгил очишлари, ўйнашларнинг дийдорлашуви, кўча-кўйда тентиб юрган жинниларнинг кулгили қилиқлари, аза-дафн ташвишлари, такяхонадаги васваслар, Шум бола шумликлари — буларнинг барчаси, бир чеккаси, ўша кезлари авж олдирилган сиёсатбозликдан зада бўлган кўнгилларга ором, ўзгача кайфият бахш этади, озгина бўлсин замона ташвишларидан хаёлни четга тортгандай бўлади. Бироқ сиртдан қараганда шундай. Аслида, шунчаки ҳангома, олди-қочди саргузаштлардан иборатдай туюлган тасвир замирида жуда муҳим ва теран инсоний, ижтимоий маъно мужассам. Гўё бу қисса қолипларга тушмайдиган

бебош ҳикоя тарзи билан ўша кезлари яратилган сохта сиёсий-мафкуравий асарларга ўзига хос киноя-пародия каби туюлади. Бир қарашда хаос, тасодифий, тартибсиз, айқаш-уйқаш туюлган ҳодисалар замирига синчиклаб назар ташланса, улар орасида чуқур ички мантиқий боғланиш, қандайдир яхлитлик борлигини англаб етасиз. Қиссада ўша давр халқ ҳаётининг ҳаққоний манзараси чизилган, халқ турмуши жамики қирралари, икир-чикирлари, турли бўёқлари билан кўз олдингизда гавдаланади, ҳодисалар сурони эса қулоғингиз остида гувиллаб, гуркираб акс садо бериб туради. Адиб бамисоли ўзини ҳодисалардан четга олиб, бош қаҳрамони — Шум бола панасида туриб бу фоний дунёнинг телбатескари ишларини, О. Шарафиддинов ёзгандай, юқоридан хиёл кулиб, беписанд кузатиб боради. Шунчаки ҳазил-мутойиба, ҳангома, арзимас олди-қочди, тасодифдек кўринган ҳодисалар бамисоли чақмоқдек ярақлаб фикрингизни алғов-далғов қилиб юборади.

Адиб бир неча ўринда латифанамо воқеалар орқали ўзини билмаганга олиб сезилар-сезилмас бир тарзда даври учун жуда жиддий, қалтис, тузумнинг, жамиятнинг қитиғига тегадиган гапларни айтади. Қисса бошида Тошкентда жиннилар кўпайиб кетгани ҳақида сўз боради, жинниларга доир бир неча латифалар келтирилади. Хўш, Фафур Фуломдек улкан адиб жиннилар ҳақидаги латифани асарга нега қиритди? Мақсад жиннилар устидан кулишми? Асло! Ўша латифалардан бирини эслайлик. Бир жинни кўчада кетмон дастаси билан ўтган-кетганни қувлаб, уриб-сўкиб «Ҳамманг бир томонга юр, тарқалиб юрма! Тартиб керак, интизом керак... Нимага одамлар бир томонга юрмасдан, ҳар қаёққа тарқалиб юради? Николай пошшо замонида тартиб-интизом керак, бир томонга юрсин-да», дейди. Бошқа жинни унга шундай жавоб қилади: «Ер ахир тарозига ўхшаган нарса бўлади, ҳамма бир томонга юрса, ер баркашдай бир ёққа оғиб, ҳаммамиз Курдум дарёга фарқ бўлиб кетамиз-ку». Ҳушёр китобхон жиннилар тилидан айтилган бу латифанамо гапларда жиддий, ўта қалтис маъно борлигига — гап Николай пошшо замони эмас, балки барчани бир йўлдан бир то-

монга зўрлаб юргизиш сиёсати кетаётган шўролар даври устида бораётганини сезади. Бу фикрни адиб онгли равишда ўтказганми ёки бу ҳол бехос «онг ости» шуури, руҳ эркинлиги ҳосиласими, бундан қатъи назар, барибир, айтилган сўз — отилган ўқ, у айна нишонга теккан; бундай зўровон сиёсатнинг хунук оқибати ҳақидаги огоҳлантиришлар ҳақ бўлиб чиққани, ҳамма-ни бир йўлдан бир томонга калтак билан зўрлаб юри-тиш туфайли ҳаёт посонгиси ост-уст бўлиб кетганли-гини бугун кўриб-билиб турибмиз.

Асардаги киноя-кесатиклар билан йўғрилган аломат комик саҳна — қаландарлар раҳнамоси, халққа фақат муқаддас исломий ҳақиқатни етказишга даъват этилган диний-исломий уламо Тошкентнинг, Тошкентнинггина эмас, бутун Ўрта Осиё музофотининг воизи Кўса Мад-дохнинг оломон олдида мустабид «оқ подшо Николай Соний Романов ҳазратлари» сиёсатини оқлаб, унинг шаънига ҳамду санолар ёғдириши, халқни унга итоатга чорлаши, бундай мунофиқона ваъзнинг сафдош-жар-чилар томонидан «хув-хув»лаб қўллаб-қувватланиши асар ёзилган кезлардаги қатағон сиёсатни оқлаб чиққан му-нофиқ зиёлилар хатги-ҳаракатига ишора эмасми?!

Қиссадаги оммавий саҳналар, оломон талқини ҳам ўзига хос, хийла қалтис. Бир эмас икки ўринда «бетиз-гин, бебош оломоннинг онгсизларча ҳамласи туфайли мутлақо бегуноҳ бандалар ҳалок бўлади. Аянчли жиҳа-ти шундаки, кимларнингдир қутқуси туфайли шу гуноҳ ишда иштирок этганлар қилғиликни қилиб қўйиб, ўзла-рини билмасликка оладилар. Қиёфасиз оломонга хос субутсиз ваҳший куч ифодаси «Ўткан кунлар»да ҳам бор: кечагина Азизбек қаршисида бир томчи қони қол-гунча йўлингизда жон берамиз, деб онт ичган ва бу аҳдида қаттиқ туриб уни ҳимоя қилган оломон орадан сал фурсат ўтиб бошқа бир вазиятда унга қарши қўзғо-лади, «севикли» бекни тахтдан қулатади, ўша садоқат-ли оломоннинг талаби билан Азизбек икки оёғидан арқон билан боғлаб отнинг човига судратма қилина-ди, ана шу «садоқатли» оломон Азизбекнинг от оёқла-ри остида судралиб кетишини ҳузурланиб томоша қила-ди. XX асрнинг 80-йилига келиб, улкан шоиримиз

Абдулла Орипов «Оломонга» шеърида чексиз ҳасрат, афсус надомат билан:

*Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?  
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,  
Қачон халқ бўласан, сен эй — оломон?!*

деб ёзади. Бу сатрлар «Шум бола»даги ҳасрат, афсус-надоматларга тўла биргина «Оломондан ўгирилай» деган жумлага нақадар ҳамоҳанг! Қисқаси, қисса бошдан-оёқ замона зайлларига шу хилдаги ишора, киноя-кесатиқларга тўла.

Шахс-персонажлар талқини жиҳатидан ҳам «Шум бола» ўз давридаги анъанавий асарлардан кескин фарқ қилади. Аввало, қиссадаги ҳар бир персонажни адиб ҳаётдаги ижтимоий мавқеидан қатъи назар ўта самимият билан холис кўрсатади; бой, камбағал ёки руҳонийни улар мансуб бўлган ижтимоий табақанинг умумлашма типик вакили эмас, балки биринчи галда инсон-индивид сифатида беради; Сарибой, Домла, Сарроф ҳинди, Ҳожи бобо, Султон киссавур — барчаси зиддиятлари, инсоний ожизликлари, феъл-атворидаги мусбат ва манфий томонлари билан бор ҳолича тақдим этилади. Ашаддий ўғри Султон киссавур айна пайтда мард, танти, инсофли одам; хасис, худбин, қиморбоз, маишатпараст Сарибой табиати инсонийликдан бегона эмас, катта хонадонни ташлаб бошқа бир ёш хотинга уйланиб олиб, айш-ишратга берилиб кетган бу одам хонадони, севикли ўғли ҳақидаги шум хабарни эшитганда хушдан кетиб йиқилади, афтодаҳол асл маконига — хонадонига қайтади.

Асл исми пинҳон тутилган қиссадаги бош персонаж — Шум бола ҳеч қанақа қолипларга тушмайдиган адабий қаҳрамон. Унда она тилимиздаги «шум» сўзининг ўта шўх, бебош, ўзбошимча, айёр, қилвир, қитмир, тўполончи, ҳам нодон, ҳам топқир, ҳам анқов, ҳам кув, ҳар қандай мураккаб вазиятлардан омон чиқиб кетадиган шаддод шахс каби ўнлаб маънолари мужассам. Салкам ярим йиллик саргузашти давомида унинг кирмаган кўчаси, қилмаган иши қолмайди; қайси ишга қўл урмасин, қайси кўчага кирмасин вой бўлиб

чиқади; поччасининг қушларига қарайман деб уларни ҳаром ўлдиради, қассоблик қилиб мол ўрнига эшак сўяди, гассол бўлиб майитни бошидан жудо этади; қаландарлар сафига кириб бошда эшон ҳазратлари эътиборини қозонади, зикр тушиб ҳаммани лол қолдиради, мунофиқ эшон гапига кириб ўгрилик қилади, биргина ножўя қилгилиги туфайли оқ қилиниб бу хонадондан бадарға этилади; Сарибой билан гап таллашиб, уч ёлғондан қирқ ёлғон маталига амал килиб бойни ўз чўпчагига лаққа ишонтиради, охири ёлғонлари фош бўлиб, бу даргоҳдан ҳам қувилади... Ниҳоят, такяхонада узокроқ кўним топади-ю, барибир бир хилдаги «осойишта», зерикарли муҳитга сиғишолмай бу ердан бош олиб кетади. Унинг бу хилдаги кўнимсиз, дарбадар, бетайин ҳаёти, гаройиб саргузаштларида ҳам ҳаётга, замонасига, одамларни, миллат зурриёдини ўз ҳолига ташлаб қўйган келажаги нотаин, мақсадсиз тузуму тизимга ўтқир киноялар бор. Аслида, мактаб кўрган, хат-саводли, ўта зеҳнли, билимга чанқоқ 14—15 ёшли йигитча — ҳаётда ўз ўрнини, ўз йўлини, қилар ишини тополмай сарсон-саргардон.

«Шум бола»нинг 1941 йили ёзилган, охириги нашрига кирмай қолган бир вариантыда шундай лавҳа бор: Шум бола кўп саргузаштлардан сўнг хонадонига қайта туриб, китоб дўкони олдида тўпланиб турган ёш муллабачалар даврасига кириб қолади ва бир нодир китобга харидор бўлади. Буни кўрган муллабачалар пичинг аралаш болага гап отадилар:

«Хатми кутуб қилганинг башарангдан кўриниб турибди. Хўп, қани айт-чи, нодоннинг маъноси нима?»

Маълумки, бола ҳам бўш келадиган эмас. Одатдагидек, бу вазиятдан ҳам омон чиқиб кетади. Мана, унинг қўйилган саволга жавоби:

«Ўнгидан ўқилса ҳам, чапдан ўқилса ҳам — сизлар ва бизлар».

Кўриниб турибдики, бу галги қалтис вазиятдан чиқиш аввалгиларга асло ўхшамайди. Шум бола бу ерда маърифат бобида ўзгаларни, ҳатто мўйсафид саҳҳофни лол қолдиради:

Баракалла, — деди мўйсафид саҳҳоф. — Давлатим бўлганда тўн кийгизар эдим. Етти танга бир мири бер-

чи, қани. Бола, пулинг бўлса шу китобдан олиб қўй, пешонангда юлдуз қўриб турибман.

Жарақлатиб санаб бердим.

Муллабаччалар ўнгнинг-чапнинг арабча нима дейилишини ва қайси фаала яъфалуга тушишини, феълми, сифатми, исми маконми, исми замонми, алланималар деб қолишди, билмадим. Китобни қўлтиқлаб, мен кетдим.

Фурсат келганда айтарман, бу китоб «Хамса»и Алишер Навоий экан».

«Шум бола» автобиографик асар эмас. Бироқ шунга қарамай, Шум бола қисматида муаллифнинг ўзидан ўтган нималардир бор. Юқорида келтирилган лавҳадаги Шум бола — пешонасида юлдуз порлаб турган ўғлон — бўлажак буюк адибнинг айнаи ўзгинасидир.

«Шум бола» бадиий тафаккур тарзи, ифода, услуб йўналиши жиҳатидан ҳам янги миллий адабиётимизда ноёб ҳодиса. Қиссада ҳодисалар ифодаси, анъанага кўра қатъий мантиқ, муайян мақсадга йўналтирилган чизиқли зиддиятлар силсиласи тарзида эмас, ягона чизиққа тушмайдиган, тартибсиз, беқарор, айқаш-уйқаш шаклда берилади. Хаос кўринишидаги ҳодисалар орасидаги ғаройиб сирли-сеҳрли ўзаро боғлиқликни, теран маънодорликни топиш, кашф этиш санъати жиҳатидан бу асар ҳозирги замон фанида кашф этилган ва катта қизиқш уйғотаётган синергетик тафаккур хусусиятларини ёдга туширади.

XX аср жаҳон адабиёти ривожига хос энг муҳим тамойиллардан бири, турли миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари, бир-бирлари билан тажриба алмашуви, бир-бирларига яқинлашуви, турли-туман адабий-ижодий, услубий оқимлар синтезлашуви жараёнининг ниҳоятда кучайганлигидадир. Бу ҳодисани деярли барча миллий адабиётларнинг йирик намояндалари ижодида, дунёга машҳур асарларида кўриш-кузатиш мумкин. «Шум бола» бу жиҳатдан ҳам яратилган даври учун беқиёс бадиий ҳодиса.

Қиссада, бир томондан, оммавий саҳналар, томошалар, халқ кулгиси, қизиқчилиги анъаналарини ёзма адабиётга дадил олиб кириш бобида Рабле услубини, болакай саргузаштлари ифодасида Марк Твен йўллари-



ни ёдга туширувчи жиҳатлар талайгина. Шунингдек, қиссани ўз миллий адабиётимиз, хусусан, Қодирий, Ҳамза ҳажвиёти билан боғлайдиган робиталар ҳам анчагина. Бироқ асарга ажиб бир файз, фавқулодда руҳ бахш этган хислат, аввало, унинг халқ оғзаки поэтик ижоди, халқ қизиқчилиги, латифалари билан узвий тугашлигидир. Шум бола бамисоли аниқ макон ва замонда — ўтган аср 10-йилларида Тошкент музофотида сафарга чиққан Насриддинга ўхшаб кетади. У бир пайтнинг ўзида ҳам нодонлик, ҳам қувлик, ҳам топқирлик бобида айни болакай Насриддиннинг ўзгинасидир. У фош этиш бобида ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямайди. Қисса бамисоли латифалар тизмасидан иборат. Шу билан баробар саҳна ортида яна бир зот — улуг ёшдаги кўпни кўрган халқ қизиқчиси тургандай туюлади.

Чўлпон «қизиқлар» сарлавҳали мақоласида мустабид хукмдорларнинг «қамчисидан қон томган замонларда» халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратларини ҳақиқатгўй қизиқлар «ҳазил» йўли билан едириб юборишларини, уларнинг оғизларидан чиққан буюк ҳақиқатлар ҳақиқатгўй шоирларнинг ўлмас асарлари каби халқ кўнглига ёзилиб қолишини айтади. «Шум бола» муаллифи 37-йилги қатағон замонида халқ қизиқчилигининг мана шу ноёб усулидан моҳирона фойдаланган.

Халқ оғзаки поэтик ижоди, миллий ва жаҳон мумтоз адабиёти тажрибалари таъсири нақадар кучли бўлмасин, «Шум бола» асло анъаналар доирасида қолиб кетган асар эмас; у ҳар жиҳатдан янги замонавий насрнинг энг юксак намуналаридандир. Ҳатто бу қисса фалсафий-бадий тафаккур, ифода тарзи жиҳатидан анъанавий реализм сарҳадларини дадил ёриб чиқолган асар; ягона чизиқсиз тасвир тарзи, сюжетнинг «исталган» ерда бошланиши ва «исталган» ерда тугаши, кутилмаган воқеа чизиқларининг куртакланиши; бир қарашда дуч келган, бир-бири билан алоқаси йўқ тасодифий ҳодисаларнинг қурамасидай туюлган, синчиклаб қараганда эса, улар орасида ғаройиб бир ички алоқадорликнинг мавжудлиги, хаос шаклидаги ҳаёт

манзараларидан мантиқ, маъно қидириш, боз устига тасвирнинг рамзий имо-ишораларга бениҳоя бойлиги — буларнинг барчаси айна ўша асар ёзилган кезларда шаклланаётган жаҳон модерн адабиётига хос белгиларнинг айна ўзгинасидир. Бугина эмас, бу фоний дунёнинг телба-тескари ишлари, самарасиз, бемаъни фаолиятга, қисматга мубтало этилган кимсалар ҳаёти тасвири ва талқинида абсурд адабиётнинг талай хусусиятларини кўриш мумкин. Бу жиҳатдан ҳам «Шум бола» жиддий йирик тадқиқотларга мавзу бўла оладиган асар.

Хуллас, «Шум бола» XX аср миллий насримизнинг гина эмас, жаҳон янги адабиётининг ҳам ноёб намунасидир.

2003 йил

## Янги бир анъананинг туғилиши

Аср бошида ўлка маънавий, маданий, адабий ҳаётида юз берган жараёнлар кўп жиҳатдан Овруподаги Уйғониш даври ҳодисаларини ёдга туширади. Бу даврга келиб халқ миллат сифатида ўзлигини теран англай бошлади, ҳаётнинг жуда кўп соҳаларида бўлгани каби, маънавият, адабиёт ҳам кескин янгиланишга муҳтож эканлиги яққол аён бўлиб қолди; биринчи галда ижодкорларнинг ўзлари ана шундай янгиланишга чуқур эҳтиёж сеза бошладилар.

Миллий адабиёт эндиликда қайси йўлдан бориши керак, деган масала устида қизгин баҳслар бошланди, гоҳ Фарб, гоҳ Шарқ тажрибалари томон оғишлар бўлди. Ниҳоят, ҳам Фарб, ҳам Шарқ анаъналарининг оқилона уйғунлиги, мумтоз адабиёт билан баробар бой халқ оғзаки поэтик ижоди тажрибалари янги ўзбек адабиёти равнақи учун замин бўла олиши назарий ва амалий жиҳатдан исбот этила бошланди.

Ғози Олим 1923 йили ўзи ёзиб олиб чоп эттирган «Алпомиш» достонига муқаддимада: «Янги адабиётимизга кучли миллий асос бизнинг халқ адабиёти бўлиши керак», деган фикрни олға суради. Халқ адабиёти, бугунги иборалар билан айтадиган бўлсак, халқ оғзаки

поэтик ижоди бутун бошли уммон, унинг дарё, ирмоқлари беҳисоб. Шулардан бири — халқ кулгисининг 20-йиллар адабиёти равнақидаги, етук реализмнинг шаклланишидаги ўрни, хизмати беқиёсдир. Афсус, бу масала хусусида ҳали жаҳон адабиёт фани эришган ютуқлар, масалан, М. Бахтин томонидан амалга оширилган халқ кулгисига таяниб жаҳон адабиётида буюк бадиий кашфиётлар яратган Ф. Рабле, Н. Гоголь ижоди ҳақидаги тадқиқотлари сингари ишлар қилинган эмас.

Маълумки, реализм халқнинг миллат сифатида уйғониш, ўзлигини таниш жараёнида тўлароқ шаклланади, санъат, адабиётдаги миллий руҳ эса ҳаммадан бурун халқ кулгисида намоён бўлади. Бунинг устига реализм ўз табиатига кўра холисликни, демократизмни, мардона ҳақиқатни, ҳаётга, шахсга хилма-хил томондан ёндашишни тақозо этади; халқ кулгиси эса бадиий ижод, ифода типлари ичида энг демократиги — кулги олдида шоҳу гадо баробар. Ҳақиқий кулги, Бахтин сўзлари билан айтганда, сержило, универсал; шахсга хилма-хил томондан ёндашиш халқ кулгиси, халқ қизиқчилигининг энг машҳур тимсоли — Насриддин Афанди қиёфасида ёрқин тажассумини топган. Афанди бир пайтнинг ўзида ҳам доно, сўзамол, топқир, қув; ҳам лақма, гўл, анқов; ҳам диндор, ҳам шаккок-даҳрий; ҳам жасур, ҳақгўй, ҳам кўрқоқ; гоҳ ҳукмдор, гоҳ фақир ҳақир. Шуларга қарамай, барибир, у ўта ҳаётий, самимий бир сиймо.

Бизда етук реалистик асарлар, қолаверса, реализм назариясининг ижодкорлари сифатида танилган улкан адиблар, жумладан, А. Қодирий ва Чўлпоннинг халқ кулгиси, қизиқлар масаласига катта эътибор берганликлари тасодифий эмас. А. Қодирий 1926 йили ёзган «Кулги ҳақида» деб аталган мақоласида ўтган асрда яшаб ўтган тошкентлик Калпараш исмли машҳур бир қизиқ, унинг ижодий жасорати, ҳукмдорларни қойил қилиб масҳара этиши, охири хонга муқаллид бўлиб, хонни айни ҳолатда кўрсатгани учун, бундан орланган хон уни жаллодга топшириб ўлдиртиргани ҳақида ҳикоя қилади. Орадан икки йил ўтиб майдонга келган «Меҳробдан чаён» романида айни ўшандай жасур халқ қизиқларининг аломат образларини яратади. Чўлпон

эса қизиқлар ҳақида махсус мақола ёзиб, халқ қизиқчилиги тарихи, унинг асл моҳияти, қизиқларнинг маънавий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни хусусида қимматли фикрларни илгари суради. Адиб таъкидлаганидек, золим подшоҳлар, султонлар, хону бекларнинг қамчисидан қон томган замонларда кўпчилик ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратларини биронта сарой ёки халқ қизиғи чиқиб «ҳазил» йўли билан едириб юборарди; катта-катта издиҳомларда, йирик сайил ва тўйларда қизиқлар неча мингларча халқнинг зўр мароқ билан ўзларига тикилиб турганини кўрганларидан кейин жамиятнинг файзи билан дадилланиб, мамлакатнинг катталарини — беклар, ҳокимлар, қозилар, раислар, муҳрдорлар ва ҳатто хонларнинг ўзларини танқид қилиб ташлар эдилар. Қодирий мақоласида эслатилганидек, Чўлпон ҳам бундай жасорати учун баъзи қизиқларнинг боши кетгани, баъзи бирлари бадарға этилиб, баъзи бирлари эса бошқа мамлакатларга қочиб, хонавайрон бўлганлигини айтиб ўтади. Айни пайтда адиб зўр ифтихор билан: «Фақат уларнинг оғизларидан чиққан буюк ҳақиқатлар ҳақиқатгўй шоирларнинг ўлмас асарлари каби халқ кўнглига ёзилиб қоларди ва мучаллардан мучалларга ўтарди», дейди. Чўлпон мақоласида яна бир муҳим фикрни ўртага ташлайди. Унингча, Яқин Шарқнинг муштарак хазинаси саналмиш Насриддин Афанди шу улуг эранларнинг устози, Афанди ҳам шу «қизиқ» деган шарафли ном остида юради. Ниҳоят, қизиқлар тарихини ўрганиш зарурлигини, янги адабиёт, санъат ривожиди халқ қизиқчилиги, қизиқлари тажрибасининг роли, аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Рад этиш мумкин бўлмаган ҳақиқат шуки, янги ўзбек адабиётининг илк етук намуналаридаги энг ёрқин реалистик картиналар, образлар айни ўша халқ кулгиси руҳи билан йўғрилгандир. Ҳатто вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган 20—30-йиллар танқидчилигида ҳам бу ҳақиқат эътироф этилган. Ойбек 1936 йили чоп этилган Абдулла Қодирий ҳақидаги рисоласида адиб ижодини мафкуравий жиҳатдан кескин

танқид қилгани ҳолда ёзувчининг реалистик маҳоратига тан беради. Чунончи, «Меҳробдан чаён»даги халқ қизиқчилари билан боғлиқ картиналар «жуда санъаткорона» тасвирланганлигини айтади. Ойбек фикрича, «Ўткан кунлар»даги «энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс» Ўзбек ойимдир; «Меҳробдан чаён»даги ҳамма персонажлар орасида энг жонли, энг ёрқин, энг типик фигура Солиҳ махдумдир; «Обид кетмон»даги «домлаларнинг образини чизишда ёзувчи санъаткор», улар тасвирида муаллиф «қаламини эркин юритади», мутлақо «қийналиш сезмайди...» Бундай муваффақиятларнинг боиси, адиб таъкидлаганидек, уларнинг халқ кулгиси заминида майдонга келган ўта оригинал миллий комик йўналиш, Ойбек сўзлари билан айтганда, асарлари, образларида **порлаб турувчи** ёзувчининг юмористик таланти ҳануз адабиётшуносликда очилмаган кўриқ бўлиб турибди. Француз адабиётида Рабле, испан адабиётида Сервантес, рус адабиётида Гоголь ижоди қандай улкан роль ўйнаган бўлса, Қодирий кулгиси, юмористик таланти ўзбек янги адабиётининг равнақида ўшандай аҳамият касб этган.

Қодирий ижодидаги биргина эпизод, «Меҳробдан чаён»даги қизиқларга оид лавҳа ифодаси моҳиятини ҳали биз етарли англаб етганмизми? Ўзга адабиётшуносларни билмайман-у, шахсан менинг ўзим М. Бахтиннинг Рабле ҳақидаги тадқиқоти билан танишгунимга қадар бу эпизодни шунчаки ўтган аср халқ ҳаётининг этнографик бир манзарасини гавдалантирувчи лавҳа сифатида тасаввур этар эдим. Ўттиз йилча бурун таниқли бир ёзувчимиз бу лавҳадаги қизиқчиларнинг қилиқлари ва раиятнинг, жумладан, хоннинг қизиқларга муносабати уларнинг савияси — дидсизлиги, «примитив»лиги нишонаси деган фикрни айтган эди. Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, бу ҳол биз ўйлаганчалик жўн нарса эмас, балки у миллий адабиётимиз ривожидида кечаётган чуқур ички жараён, янгиланишнинг ёрқин бир кўриниши экани аён бўлади. Рабле ижодидаги муболағадор юмор, халқ кулги маданияти — карнавал томошалари, Гоголдаги сержило кулги эса украин халқ байрамлари, ярмарка ҳангомалари билан узвий боғлиқ бўлгани каби, «Меҳробдан чаён»даги бу

эпизод Қодирий кулгиси бевосита ўзбек халқ ҳазил-мутойибалари, латифалари, биринчи галда, халқ қизиқчилиги анъаналари, қизиқлар тажрибалари асосига қурилганлигини тасдиқловчи бадиий ҳужжат сифатида ғоят қимматлидир.

Қизиқларга оид эпизодлар романдаги шунчаки бир «қистирма» лавҳалар эмас. Улар романнинг асосий мундарижаси билан узвий боғлангандир. Маълумки, оддий, ҳалол, имон-эътиқоди бутун кишиларнинг кейинги хон замонларида ўз эрки, инсонлик шаъни ҳимояси йўлида адолатсизликка, зулмга, золимларга, ҳатто хонга қарши чиқиши, бу йўлдаги шижоат ва жасоратлари асарнинг мавзу-мундарижасини ташкил этади. Анвар ва унинг сафдош ҳамда маслакдошлари шу курашнинг бошида турадилар. Адиб асарда улар жасоратини жиддий романтик йўсинда кенг ва батафсил ифода этади. Шу билан баробар, романда айни шу зулм ва адолатсизликларга, хонлик тартибларига «қарши чиқиш»нинг ўзгача бир йўналиши ҳам мавжудки, бу қизиқлар эпизоди орқали намоён бўлган. Зокир гов бошлиқ қизиқлар ўрдада хон ва унинг аъёнлари — вазирлари, саркардалари, қозикалон, шайхулислом, Қозийи Қуззат, раис ва шаҳарнинг зўр уламолари — мударрислар, аҳли тариқат эшонлар, ўрда ходимлари, кўрбоши ва даҳбошилар олдида томоша кўрсатар эканлар, тўғридан-тўғри ҳадди сиғиб, эркалик қилиб хон билан мулоқотга киришадилар; хон билан мулоқотда бўлишнинг хатарларидан сўз очадилар; хон қаршисида, унинг салобати босиб ўзларини йўқотиб қўйган, телба ҳолга тушиб қолган кимсалар қиёфасига кирадилар. Зокир гов хон дағдағаси, бу мустабид сиёсатидан ошкора сўз очади; хон олдида бежо айтган биргина сўзи учун осилиб кетиши мумкинлигини, хон ҳузурига кела туриб ўлимни, етим қоладирган болаларини, ўлгандан сўнг эрга тегадурган хотинини ўйлаганини айтади, ҳатто «хоним» деган сўз ўйини билан хоннинг шахсиятига тегадиган гаплар қилади. Сўнг хон аъёнларига муқаллид бошланади, қизиқлар аъёнлар қиёфасига кириб, ўрда ва унинг атрофидаги мансабдорларни фош этишга киришадилар... Айниқса, шайхулислом Валихон тўра қиёфасида намоён бўлган Зокир гов бу

одамдаги маҳаллийчилик, иккиюзламачилик иллатларини қойил қилиб очиб ташлайди...

Ўзингиз солиштириб кўринг, адолатсизликка, зулмга, золимларга, хонга «қарши чиқиш» бобида қизиқларнинг жасорати Анвар ва унинг маслакдошлариникидан камми? Ортиқ бўлса ортиқроқ, бироқ асло кам эмас! Қизиғи шундаки, Анвар бошлиқ исёнкорлар қаршилиги қаттиқ зарба, тақиқ, таҳдидларга учрайди, Анвар аранг дордан қутулиб қолади, дўстлари мададида «зулм ўчоғи»дан бош олиб кетади. Қизиқлар эса айни ўша «зулм ўчоғи»да золимларни шунчалар шармандаю шармисор этишларига қарамай ҳеч қанақа кор-ҳол юз бермайди, таъқибга учрамайдилар; аксинча, аъёнларнинг, ҳатто хоннинг олқишига сазовор бўладилар.

Эҳтимол, бошқа нўноқроқ қаламкаш шу воқеаларни қаламга олганида, хоннинг «золим»лигини таъкидлаш, уни янада кескинроқ «фош этиш» ниятида Қодирий «Кулги ҳақида» мақоласида эслатган саргузаштга ўхшаш воқеани келтирган, Калпараш қизиқ кунини Зоғир гов бошлиқ қизиқлар бошига солган бўлармиди. Буюк реалист адиб бунақа осон ва жўн йўлдан бормайди. Халқ турмушига оид олий ҳақиқат шуки, кулги олдида, юқорида айтилганидек, шоҳу гадо баробар; ҳазил йўли билан айтилса оддий фақир ҳақир одамнинг ҳар қандай ўткир танқидий гапи ҳам шоҳга малол келмайди. Ҳазилни билмаслик, ҳазил кўтармаслик халқда ўта маданиятсизлик саналади. Қизиқларга оид лавҳалардан шу нарса аён бўладики, Худоёрхон ҳар қанча золим бўлмасин, у — шу халқнинг фарзанди, шу халққа хос завқ-шавқ, ўзига яраша маданият, қандайдир адолат туйғуси унда ҳам бор. Хон қизиқлар намойиш этган кулгили саҳна орқали ўзи ва аъёнлари ҳақидаги аччиқ ҳақиқатлар билан танишар экан, бундай ҳақ гапларга тан беради, бир дам «хонлик тахти»дан тушиб оддий инсон сифатида кўзда ёшлар билан қаҳ-қаҳ отиб кулади, чин дилдан яйрайди. Мана сизга халқ кулгиси билан йўғрилган реалистик тасвирнинг буюк бир эҳсони, жозиба кучи! Ахир, адабиётнинг вазифаси инсонларни икки тоифага ажратиб олиб, бирини нуқул қоралаш, фош этиш, иккинчисини улуглаш, мадҳ этишдан иборат эмас-да! Фақат қизиқларга

оид эпизодларда эмас, романнинг бошқа ўринларида, хусусан, Солиҳ махдум характери тасвири ва талқинида ҳам айнаи ўша халқона кулги-юмор асарга ажиб бир жозоба бахш этган, ҳаёт ва инсон шахсини хилма-хил томонлардан кўрсатиш, очиш имконини берган, бинобарин, асар реализминини етуклик даражасига кўтаришда муҳим омил вазифасини ўтаган.

Айни шундай ҳолни бошқа бир улкан адиб — Ҳамзанинг «Меҳробдан чаён» билан деярли бир пайтда яратган «Майсаранинг иши» асарида ҳам кўриш мумкин. Бу асар мавзуи ҳам тарихимизнинг «қора кунлари» — кейинги хон замонларидан олинган, бу ерда ҳам хон, амир, беклар, турли мансабдорларнинг зулми, замона бедодликлари; уламоларда инсоний ҳис тугаб битгани, қолгани ҳам нопоклик пардаси остида сезилмас даражага етгани; улар томонидан мамлакат хотин-қизларининг истаганча тасарруф этилиши, бунга қарши келувчилар, ким бўлмасин, раҳмсиз жазо олиши... Икки ёш — Ойхон ва Чўпоннинг чин севгиси ва ночор аҳволи; бу жабрдийдаларнинг кўзёшлари. Тадбиркор, қув аёл Майсара бошлиқ жабрдийдаларнинг ўз шаъни, эрки йўлида ҳақсизлик ва разолатга қарши кураши, ниҳоят, қора кучлар устидан тантанаси, уларни доғда қолдириб, эл олдида шарманда қилиши...

Сентиментал руҳда бошланган, эртакнамо роман-тик йўсинда давом этган ва фавқулодда эртакнамо ечим билан яқунланган асарда биргина фаройиб образ бор. Сезиб турибсиз, гап Мулла Дўст устида боряпти. Уч тўсиқдан иборат комедиянинг асосан бир, яъни иккинчи пардасида иштирок этадиган бу аломат шахс бутун бошли асарнинг руҳини, тасвир оҳангини ўзгартириб юборади. Бу одам пайдо бўлиши биланоқ асардаги сентиментал, бир оз китобий оҳанглар ўз-ўзидан чекинади; бу одам жўрлигида, иштирокида давом этган фавқулодда эртакнамо саргузаштлар табиийлик, муболағадор, гротеск бўёқларда гавдалантирилган персонажлар қандайдир самимийлик, ҳаётийлик касб этади. Шу тариқа, тасвир, талқин ўзига хос реалистик комик ўзанга тушиб кетади.

Зокир гов ва унинг сафдошларидан фарқли ўла-роқ, Мулла Дўст профессионал сарой қизиқларидан



эмас, бироқ девонанамо шўх табиати, ростгўйлиги, эркатойлик билан фирибгар мансабдорларни, турмуш қабоҳатларини фош этишда улардан қолишмайди. Айни пайтда бу одам табиатининг ўта сержило ва зиддиятли экани билан эътиборни тортади. Бир қарашда бир-бири билан асло қовушмайдиган, сиғишмайдиган хусусиятлар кулги сеҳри орқали унинг сиймосида уйғун тарзда табиий ҳолда келаверади. Чунончи, Мулла Дўст йигитлик чоғларини Аллоҳ йўлида ибодат, тоатлар билан ўтказиб уйланишни унутган, мана энди қариганда «хотин жинниси»га айланган. Битта дилоромни тиззасига ўтказиш кўйида ошкора хиёнатга ҳам тайёр. Бу борада омадсизлиги учун «шариатнинг адолат минбарида ўтирганлар»ни айблайди; «шариатни икки буклаб, олти қатлаб» ўшандай улуғ зотларнинг «қўлтиқларига қистириб қўйган» яратганнинг ўзига шак келтиришдан ҳам тоймайди. Ўзи қўл остида ишлайдиган қози, у билан ҳамтовоқ мулланинг найрангу кирдикорларини миридан сиригача ичдан билади, гап келганда отасини ҳам аямайдиган бу ҳақиқатгўй кимса ўткир пичинг, киноя-кесатиқлар орқали уларнинг авра-астарини очиб ташлайди. Шу билан баробар, ўша фирибгарларнинг сохта, пуч ваъдаларига лаққа учиб уларнинг гуноҳ ишларида иштирок этади, «ёр васли» илинжида Майсара уюштирган катта ўйин иштирокчисига айланади, охирида ўша шармандалар сафидан жой олади. Иккам ўттиз йиллик умрини қозихонада, «мана шу бехосият остонаи номуборакда» туну кун мулозимлик, уй супуриш, отхона тозалаш, ош пишириш, бало қилиш, баттар қидиришлар билан ўтказиб, охирида ҳеч вақога эришолмай, «никоҳ чойшабини босолмай» ўтиб кетаётган бу қариянинг киноя-кесатиқларга тўла ҳасратларини тинглаб ҳам ачинасиз, ҳам қуласиз.

Қисқаси, бир пайтнинг ўзида ҳам тақводор, ҳам шаккок, ҳам ҳақгўй, ҳам ҳақсизликка қарши исёнкор, ҳам ожиз-нотавон, фақиру ҳақир, ҳасратгўй, ҳам мағрур, тантанавор, ҳам лақма «гуноҳкор» сифатида намоён бўлган бу одам негадир китобхон-томошабинни ўзидан асло бездирмайди, аксинча, тушуниш-тушунтириш қийин бўлган ички бир сеҳри билан сизу бизни ўзига ром этади, кўнгилларда илиқ ва қувноқ кайфият

уйғотади. Халқона кулгининг ажиб сеҳри, жозибаси шунда бўлса керак!

Кези келганда айтиб ўтай: Мулла Дўст қулфи-дили очилиб киноя-кесатиқларга тўла ҳасратларини тўкиб солаётганида бирдан асар матни узилиб қолади, афсус, қўлёзманинг айни ўша энг қизиқ жойлари — бир неча саҳифалари йўқолган. Агар улар топилса — тикланса борми, табиийки, бу образ жамоли яна ҳам тўлароқ, сержилороқ намоён бўлар эди. Аммо шу ҳолда ҳам у ноёб бадиий ихтиро, кашфиёт тарзида ардоққа лойиқ.

*1999 йил*

## Шоир табассуми

Эркин Воҳидовни кўплар биринчи галда «Тонг нафаси», «Ёшлик девони»даги рубобий тароналар, «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» каби тўпламлардан жой олган ўткир фуқаролик туйғуси билан тўлиб-тошган ижтимоий шеърлар, чуқур драматизм, теран фалсафий ўй-мушоҳадалар билан йўғрилган «Нидо», «Руҳлар исёни» дostonлари муаллифи сифатида биладилар. Айни пайтда шоир ҳажв, юмор бобида ҳам беназир ижодкордир. XX аср иккинчи ярми миллий шеърий ҳажвчиликимизда ҳеч қайси шоир Эркинчалик «кўб ва хўб» ёзган эмас. Бу борада уни замондоши насрдаги ҳажв дарғаси Саид Аҳмад билангина тенглаштириш мумкин. Саид Аҳмад ака яратган асарлари, ҳажвий-юмористик қаҳрамонлари каби ўзи, шахсияти ҳам ғоят қизиқарли ва жозибадордир. Бу аломат зотни асрлардан-асрларга ўтиб келаётган буюк Насириддин Афандининг бизга замондош тирик тимсоли деб аташади. Кўп юқори мансаб-мартабаларда хизмат қилган, жаҳон кезган, кўпни кўрган, бир қарашда жиддий, сипо, фақат шеърият учун туғилган ардоқли шоиримиз ҳаётда худди Саид Аҳмад ака каби ниҳоятда қувноқ, дилкаш, ёқимтой бир инсондир; у ҳам Мулла Насриддин каби ҳар қандай қалтис дақиқаларда топқирлик, ҳозиржавоблигу лутф, ҳазил ва юмор, кези келганда ҳажв билан вазиятдан чиқиб кета оладиган ёки жиддий ҳаётий ҳоди-

са, муаммоларга аниқ баҳо бера биладиган оғзаки комик сўз устаси ҳамдир.

Қирқ йилдан бери Эркинжон билан дўст, улфат тутиниб кўп кузатганман: давраларда у айтган, ўзи тўқиган латифалар, турфа хангомалар, турли вазиятларда беҳос ҳазил-мутойиба тариқасида айтиб юборган қочириқ, луқма-ташбеҳлар бир ипга тизиб чиқилса, видеотасмаларга туширилса, бутун бошли аломат юмористик сериаллар яратилган бўлармиди... Шулардан айримларини келтириб ўтсам. Аввало, Эркин тўқиган латифалардан бири:

Нуроний бир мўмин-мусулмон қариянинг яккаю ягона эркатой ўғли нобоп улфатлар даврасига тушиб, ичкиликбозлик иллатига мубтало бўлиб қолади. Қария ўғлини бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин фойдаси бўлмабди. Ниҳоят, ота ўғлига ён босиб, уни йилда бир ойгина рамазон кунларида ичмасликка қўндирибди. Рамазон ойи ўтиб, ҳайит куни келибди. Ўғлоннинг улфатлари ҳузурига тўпланиб уни рамазон ойидан эсон-омон ўтиб олгани билан қутлашибди. Ўғлоннинг эса сира қулфи дили очилмас эмиш. Сабабини сўрашганида, «Нимага ҳам хурсанд бўлардим, бу рамазон деганлари ўн бир ой ўтиб яна қайтиб келаверади-да...» дермиш.

Энди турфа хангома, ҳазиллардан баъзи намуналар:

Эркинжоннинг тенгдош — талаба ва курсдош дўсти, куёви Раҳматилла хонадонида маъракада ўтирибмиз. Дастурхонга манти тортилди. Ўша кезлари бозорда пиёз қаҳат бўлиб, нархи осмонга кўтарилиб кетган эди. Эркинжон манти тановул қилар экан: «Ошпаз анча инсофли одам экан, оз бўлса-да мантига пиёз ҳам кўшибди», деди. Бўлди кулги, бўлди кулги...

\* \* \*

70-йиллари бир гуруҳ дўстлар билан Эркинжоннинг туғилган юрти Олтиариққа бордик. Боғ ҳовлидаги кечки зиёфат-базмдан сўнг шахматбозлик бошланди. Ўша кеча Раҳматилланинг омади чопиб барча ўйинларда голиб чиқди. Эрталабки нонушта пайти мезбонлар Раҳматиллани тунги ғалаба билан яна бир бор қутладилар. Раҳматилла эса ички мамнунлик билан голибона бир кайфиятда ўтирарди. Шунда Эркинжон: «Биласизлар,

Раҳматилла бизга куёв бўлади. Бу тошкентлик дўстим фарғоналиклар удумини яхши билмайди-да. Куёвни пайгамбарлар ҳам сийлабди, деганларидек кечаги ўйинда мезбонлар атайин йўлини қилиб унга қолиб беришса, ютдим деб ўйлабди». Шунда даврада кулги-қийқириқ кўтарилди. Раҳматилла эса тунги ғалабага ўзи ҳам ишонқирамай довдираб қолди.

\* \* \*

1997 йилнинг ёз чилласида устоз Озод ака хасталаниб касалхонага тушди. Узоқ йиллик қанд касаллиги оқибати ўлароқ, бир оёғи учида йирингли яра пайдо бўлиб, охири жарроҳлар тиззадан пастини кесишга мажбур бўлишди. Озод акани жарроҳлик столидан палатага олган куннинг эртаси тонгда Эркинжон билан устозни кўргани бордик. Озод ака қаравотда афтодаҳол ҳолда ётибди. Бизни кўриши билан кўзига ёш олди. Кўнглида умид учқунлари сўна бошлаган, аранг гапирди. Қарасак, секин-аста рози-ризалик тилашишга ўтпти... Нима қилишни, нима дейишни билмай довдираб қолдик. Шунда бирдан Эркинжон ташаббусни қўлга олди. «Қайси оёқни кесишди?» — деб сўради аҳволни билган ҳолда Эркинжон. Гап ҳазилга айланаётганини сезди шекилли, Озод ака оқ чойшаб устидан оёқларини пайпаслаб: «Чапи экан», — деб жавоб қилди. Шунда Эркин: «Э, шунгаям кўз ёшим, Озод ака, энди бундан буёғига «левий»га юриш бўлмас эканда», — дейиши билан бирдан устознинг чеҳрасида нуртабассум пайдо бўлди. Эркинжон айна шахматдагидай чапдастлик билан галдаги юришни давом эттирди: «Журнал чиқибди-ку!» — дея Озод аканинг ёстиғи ёнида турган «Жаҳон адабиёти»га ишора қилди. «Дарвоқе», — дея Озод ака ўзи муҳаррирлигида чиққан журналнинг илк сонини Эркинга узатди. Ҳаммамиз бу қутлуғ ҳодиса билан устозни табрикладик. Эркин журнални варақлаб унда босилган ўзининг туркум шеърларидан бирини — қувноқ халқона кулги билан йўғрилган «Кексалик гашти»ни ўқий бошлади:

*Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,  
Пашшамизни зўрга қўриётирмиз.*

*Бир маҳал оқ уриб қилардик ҳузур,  
Энди валокардин ураётирмиз.  
Келар ичимиздан хурсиниқ чуқур.  
Асқар тоғ эдик-ку, нураётирмиз.  
Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шуқур,  
Ҳарқалай кўз тирик, кўраётирмиз,  
Қариллик гаштани сураётирмиз.*

Шу сатрларга келганда палатада кулги-қийқириқ авжига чиқди, ҳатто кулгимиз садоси коридордагиларга ҳам етди шекилли, навбатчи врач, ҳамширалар эшикни очиб «ўта оғир касал» ётган палатадаги бу аҳвол-вазиятдан лол қолишди. Озод аканинг чеҳраси бирдан очилиб кетди, гўё оғир дард бир дам чекиниб, бояги тушкунлик, ваҳм йўқолди. Кейин эшитсак, эртасигаёқ у оёққа тура бошлабди. Мана, руҳшунос, топқир шоир сўзининг, ҳазил-мутойиба, ҳаётбахш юморнинг сеҳрли жозоба кучи!

\* \* \*

Ниҳоят, Эркинжон билан устоз Саид Аҳмад орасида бўлиб ўтган бир лутф, қалтис ҳазил тарихи хусусида. «Ёшлик девони» чиққанида, биринчилардан бўлиб Саид Аҳмад ака муаллифни қутлайди. Ўзига хос қалтис ҳазил билан «Эркин укам, бу китобда айтадиганингни айтиб, ёзадиганингни ёзиб бўпсан, энди ўлиб кетсанг ҳам бўлаверади» дея «юксак» баҳо беради. Эркин узоқ йиллар бу қалтис мутойибага жавоб қайтариш пайида юради. Ниҳоят, орадан ўттиз йиллар ўтиб, устознинг «Киприкда қолган тонг» китоби чиқади. Ҳазилкашлик бобида шогирд шоир 83 ёшли адибни бу янги асари билан қутлаб: «Китобингизни ўқидим. Қўлингиз келиб қолибди. Энди ёзсангиз бўлаверади» дея 33 йил бурунги қалтис ҳазилга муносиб ҳазил жавоб қайтаради. Саид Аҳмад ака эса «Ҳа шоир, аламингни олдинг-а» дея бу жавобдан мамнун ҳолда мириқиб кулади...

Шоир табиати, шахсиятидаги шу хил лутф, ҳазил-мутойибага мойиллик ижодига, шеърлятига, ҳатто соф лирик тароналарига, жиддий ижтимоий йўналишдаги шеърларига ҳам кўчиб ўтади. Абдулла Орипов бу забардаст замондоши ҳақида ифтихор билан «Ғоят нозик

лутф, беозор қочиримлар, гоҳ ҳазин, гоҳ самимий та-  
бассум уйғотувчи ташбеҳлар, ўткир хулосалар — булар  
бари шоиримизнинг қаламига мансуб бетакрор фази-  
латлардир» деганида тўла ҳақ.

Эркин Воҳидов адабиётга ҳаёт, ёшлик, севги куй-  
чиси сифатида кириб келди. Бошда шоир кўпроқ табиат-  
дан, ҳаёт гўзаллигидан ҳайратланиб, ҳайрат, қувонч,  
ҳис-ҳаяжонларини шеърга солди, мадҳия, фахрия,  
қасидачилик кайфиятларига берилган онлари ҳам  
бўлди, романтик хаёллар оғушида ишқий ғазаллар бит-  
ди, кўнгил завқини, севги, бахт нашидасини, тур-  
мушдан шукроналик, розилигини тўлиб-тошиб куйла-  
ди. Шу хил асарлар билан баробар содда-самимий,  
болаларча шўх-шодон, беғубор, қувноқ юмор, ҳазил-  
мутойибаларга йўғрилган шеърлар ҳам битди. Гоҳ  
ошиқлар тилида анъанавий таъриф-тавсифлар, дил из-  
ҳори ҳазил, киноя-кесатиқ тусини олди. Чунончи,  
«Ҳофизга» ғазалидаги ошиқ маъшуқасига бир холи учун  
«Минг Самарқанд, минг Бухоро»ни ҳадя этмоқчи бўлга-  
нида, маъшуқа бунақа мулку давлат, молга ҳавас  
кўрсатмайди; «юлдузли самони совға айларман» деса,  
бу «чўтир рўмол»ни назар-писанд этмайди; «ҳиллодан  
сирға тақмоқ» истаса, «Зормидим жездан ясалган ҳий-  
лай аъмол учун» дея бу таклифни ҳам рад этади. Орада  
баҳс, сўз ўйини давом этади:

*Ул париваш чехрасини  
Ойга этгандим қиёс,  
Бир умр узр айтадурман  
Бу хато тимсол учун.  
Ҳажрда қаддимни дол  
Этдинг, десам, бергай жавоб:  
Ким қўйибдур севгини  
Қадди букилган чол учун.*

Ниҳоят, шоир баҳсларга якун ясаб дейди:

*Ёр истиғносидан  
Ўлмасман-у, куйдим ва лек —  
Лобарим олдида назмим  
Бу қадар беҳол учун.*

Ошиқ-маъшуқ баҳсидаги «зиддиятлар» бир қадар  
кескин туюлмасин, барибир охир-оқибат улар зами-

ридаги самимият, ҳазил-мутойиба, шўх-шодон табас-сум шеърхон қалбини чароғон этиб туради.

Шоир ижодий тадрижини кузатсангиз, унинг беғубор, беозор, шўх-шодон нигоҳи секин-аста ҳаётнинг жиддий зиддиятли жиҳатларига, чархи кажрафторнинг тескари ишларига, ақл-идрокка зид ҳақиқатларига дуч келиб ҳазил-мутойибалари тобора истехзо, киноя-кесатиқларга йўғрила боради. «Кулги мушоиралари»да бу ҳол яққол кўзга ташланади. Пичоқни аввал ўзингга ур, деганларидек, ҳаётнинг тескари ишларини шоир аввало ўзининг дастлабки ижодий тажрибаларида, шеърларининг қисматида аниқ-равшан кўради. 1961 йили битилган «Шеър ҳақида шеър»даги ҳазилнинг юки зил — кескин. Ўн тўрт банддан иборат бу каттагина юмористик шеърда давр адабий ҳаётининг, аниқроғи, туғилажак янги санъат асарлари бошидаги савдоларнинг ҳам кулгили, ҳам аянчли манзараси шундоққина кўз олдингизда гавдаланади.

Шоир тунни тонгга улаб, ниҳоят, шеърини битирди. Бироқ севинишга ҳали эрта, қанча иш бор ҳали эндигина туғилган шеър бошида. Ҳали унинг устида бетиним ишлаш, йўниб тарашлаш, юз марталаб ўчирмоқ, қайта-қайта қоғозғимлаб отиб такрор-такрор кўчирмоқ бор... Буниси-ку майли, ижод жараёни шунанча кечади. Энг қийини — таажжуб ҳангомалар ундан кейин газетхонага келганида адабий ходим «ширин» илтифот ила «Шеърми?» дея қовоқ солиб совуқ қарши олганида бошланади.

*Ҳеч ким сени шеър демас энди,  
Ҳеч ким демас кўшиқ ё ғазал.  
Сен куй, илҳом, шавқ эмас энди,  
Бунда сенинг номинг «материал».*

Шеър сатрларидаги ҳис-ҳаяжон, исён, парвоз шашти беҳуда, бундан буён унинг қисмати ширин уйқуда ором олиб муҳаррирнинг тортмасида ётиш... Эркиннинг бу асари яна бир карра шундан далолат берадики, чинакам лирик шеър маъносини наср ёки илм-фан тилига кўчириш, уни қайта сўзлаб бериш мумкин бўлмаганидек, чин юмористик — ҳажвий асар бисоти ҳам ҳар қанча уринманг, қайта сўзлаганда тароватини йўқотади.

Мана бу сатрлардаги ўзбекона халқ юморининг кама-лакдек товланишларини, Эркингагина хос ғоят нозик лутф, беозор қочирим, ишоралар, истеҳзо, пичинг, заҳарханда, киноя-кесатикларни фақат матн бағрида, уни ўқиш, эшитиш жараёнидагина уқиш, уқиб яйраш, хандон отиб завқ-шавққа тўлиш мумкин, холос:

*Ёз ҳақида битилган бўлсанг,  
Шошма, ҳали қиш келгунча тур.  
Бахтинг кулиб, йил ўтгач, аранг  
Ярминг чиқса, шунга ҳам шукур.*

*Ҳали сени, шеърим, неча бор  
Фурбатларга етаклар тақдир.  
Бунда қанча... мухлисларинг бор,  
Ҳали сени қилурлар таҳрир.*

*Ўзгаради қанча каломинг,  
Ўзгаради қанчалар лавҳанг.  
Ёзилганда «Тонг» бўлса номинг,  
«Оқшом» бўлар балки сарлавҳанг.*

*Сўнг оламга ёйғали қанот,  
Элни ўзга қилғали «шайдо»  
Кўёш янглиғ бир куни — ҳайҳот! —  
Газетада бўлурсан пайдо!*

Энг ачинарлиси:

*Ўз номимдан танийман аранг,  
Лол тураман сенинг қошингда.  
Навбат билан танқидчи аканг  
Ёнғоқ чақар энди бошингда.*

*Таҳлил айлаб терсу ўнгингдан,  
Иккимизни қилади беҳол.  
Хўп дўппослаб, танқид сўнгида  
Ижодимга тилайди камол.*

Қанчалар таниш, кулгили ва аянчли ҳаётий манзара! Шўро даври адабий сиёсати, машғум цензура назорати туфайли фақат бу шеър эмас, «Ўткан кунлар»-



дан тортиб «Сароб», «Кутлуғ қон», «Қўшчинор», «Тобутдан товуш», «Юлдузли тунлар» каби жамики зўр асарлар бошига қанақа қора кунлар тушмади дейсиз. Фақат замондошлар асарлари эмас, энг кулгили, аянчли жиҳати шундаки, мумтоз адабиётимиз, ҳатто жаҳон классикаси намуналари таржималари ҳам шўро мафкурасига мослаштирилиб жиддий таҳрир ва қисқартиришлар билан чоп этиларди ўша кезлари. Эркиннинг бундай касофатга қарши қаратилган ўткир шеъри ўша йиллари қандай қилиб матбуотда чиққанига ҳайрон қоласан киши. Чўлпон «Қизиқлар» мақоласида ёзганидек, мустабид ҳукмдорларнинг қамчиларидан қон томган замонларда халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган даврларда халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва ҳасратларини биронта халқ қизиғи чиқиб, «ҳазил» йўли билан едириб юборгани каби шоир ҳам мудҳиш адабий сиёсат ҳақидаги бор ҳақиқатни қувноқ шеърий ҳазил-мутойибалар пардасига ўраб, қойил қилиб айтиш — ифодалашга эришадди, қалтис ҳазил тагидаги замон учун ўта қалтис гапни биров сезади, биров сезмай қолади, уни шунчаки ҳазил-мутойибага йўяди.

Беозор кулги, ҳазил-мутойиба замирида баъзан оила, алоҳида шахслар умри фожиаси ётади. «Соф ҳавонинг фойдаси» шеъридаги эр ва хотин қирқ йиллик оилавий ҳаётида «тотув», «аҳил» яшаб келади, эр хотинни «жоним» дея эркаласа, хотин эса эрни «ака-жон» дея «ардоқлайди». Улар гўшангадаёқ келишиб олишган — жаҳлдан жунбушга келишса, бирлари соф ҳавога чиқиб ташқарида сайр этади. Эр шўрлик ўзини овутиб дейди:

*Танга даво экан  
Соф ҳаво, билсам,  
Неча қор, ёмғирда  
Ивидим, қотдим.  
Хотин билан қирқ йил  
Яшаган бўлсам,  
Қирқ йил соф ҳавода  
Кечди ҳаётим.*

Шу тариқа хотинжон эрни соғлом, навқирон асрайди, шу туфайли уни ҳаяжон ила «жоним»деса, хотин меҳрибон эрни ҳануз «акажон» атайди. Ана сизга эр-хотин «аҳиллиги»нинг антиқа намунаси, қирқ йиллик умр савдосининг «завқу шавқи», «нашъу наъмоси»ни кулги, ҳазил-мутойибага йўғирган ҳолда ифода-лаш санъати!

1976—1991 йиллар оралиғида яратилган «Донишқишлоқ латифалари», ундаги афандитабиат Матмуса образи эл орасида машҳур бўлиб кетди. Халқона йўлларда, халқ латифалари руҳида битилган бу асар ХХ аср иккинчи ярми ўзбек адабиётидаги социал сатиранинг яхши намунасидир. Соддадил Донишқишлоқ одамлари, афандитабиат Матмуса саргузаштлари билан боғлиқ бир қарашда шунчаки ҳазил, беозор туюлган шеърий латифалар ўша йилларнинг тескари ҳақиқатлари устидан чиқарилган ўткир айбномалардир.

«Донишқишлоқ латифалари»ни ўқиб ҳамма кулади, — дейди шоир бир суҳбатда. — Ваҳоланки, мен уларни алам билан ёзганман. Ақл-идрокка зид, тескари ишларимиз эл бошига кулфат ва укубатлар келтириб ётгани сир эмас-ку. Косаси тескари қурилган чарх-палаклар камми? Бир пардани тутганча қола берган, бир хил оҳангни қўймай чалаберган Матмусалар озми? Ўзимиз яратган қолипларни тандирдай кийиб олиб йўлни кўролмай, осмонга қараганча кетаётган ҳолларимиз йўқми? Булар кулгили ишлармас, ачинарли, офатли ҳодисалар».

Биргина «Тандир кийган Матмуса»ни эслайлик. Асар сюжети янгилик эмас. Эшак миниб устига тандир кийиб йўлда адашиб сарсон бўлган Афанди ҳақида кўп эшитганмиз. Абдулла Қодирий 30-йиллари ёзган «Ғирвонлик Маллабой ака» очеркида қишлоқнинг ўтмиши билан боғлиқ соддадил ғирвонликлардан бири ҳақида айна ўшандай беозор, қувноқ, латифанамо воқеани келтиради. «Донишқишлоқ латифалари»даги Матмуса ҳам ғирвонликка ўхшаб бозор бориб тандир харид қилади, эшагига миниб, тандирни кийиб олади-ю йўлга тушади; ихтиёрни эшагига топшириб, Тангридан йўлда адаштирамасликни, эшагига эса ақл беришни илтижо қилади. Воқеанинг давоми маълум: эшак барибир эшак-

лигига боради, қишлоқ қолиб мағрибда, машриқ томон кетади.

*Кун ботару шом тушар,  
Юлдуз чиқар осмонга.  
Ҳамон борар Матмуса,  
Етмас манзил — маконга.  
Дейдиларки, то бу дам  
Йўлда эмиш Матмуса.  
Боши ҳам йўқ, чеки йўқ  
Чўлда эмиш Матмуса.*

Ҳажвчи шоирнинг бу ҳодисадан чиқарган поэтик хулосаси ғоят салмоқдор, яъни ҳазилнинг таги ниҳоятда зил:

*Аё дўстлар, адашган  
Бир мўминдан кулмайлик.  
Матмусадек ўзимиз  
Тандир кийган бўлмайлик.*

Бу сўзлардан кўпни кўрган ўқувчи ҳушёр тортади. Бошдан кечган кўп аламли савдолар ёдга тушади. Ахир XX асрда тандир кийиб, йўлга тушиб ихтиёрни «доно»-етакчилар ихтиёрига топшириб, адашиб манзилга етолмай боши ҳам йўқ, чеки ҳам йўқ чўлда сарсон бўлганлар озми!?

Эркин Воҳидов ижодининг илк босқичи — 60-йиллар охирларида яратилган «Олтин девор» асаридаёқ моҳир комедиянавис сифатида танилди. Комедия республикамизнинг барча нуфузли театрларида муваффақият билан ўйналди, биргина академик Миллий драма театрида ўттиз йил давомида узлуксиз 600 маротабадан кўпроқ намоиш этилди. Покистондаги Ал-Ҳамро театри ҳам уни саҳналаштирди. «Олтин девор» асари «Майсаранинг иши», «Шоҳи сўзана», «Келинлар кўзғолони», «Темир хотин» каби XX аср ўзбек комедиячилигининг сара намуналари қаторидан ўрин олди. Бу комедия ўзининг миллий руҳи, халқчилиги, халқона ҳазил мутойибаларга бойлиги, муҳими, ҳазил заминидаги маънонинг теранлиги билан ажралиб туради. Одам

боласининг азалий ожизлиги — нафс балоси уни не не кўйларга солиши, ҳатто ақлдан оздириб телба ҳолга келтириши бетакрор тарзда шоирона бир нигоҳ, муболағадор кескин истехзо билан ҳажв этилади. Икки қадрдон кўшни, бўлғувси қудалар тўй олдидан орадаги деворни олиб ташлайдилар, бироқ девор остидан тасодифан чиқиб қолган хумчадаги олтин машмашаси қадрдонлар орасига нифоқ солади, орада янги мудҳиш девор қад ростлайди. Шу жараёнда нафс жазавасига тушган кимсаларнинг, хусусан, Мўминнинг кулгили ва аянчли қиёфаси жамаки зиддиятлари билан намоён бўлади. Мўмин ўзбек адабиётидаги Мулладўст, Ҳамробиби, Ҳолнисо, Фармонбиби, Кўчқор каби ёрқин комик характер даражасига кўтарилган.

Эркин Воҳидов 1970 йили «Олтин девор» комедияси изидан бориб янада жиддийроқ саҳна асари «Иккинчи тумор» трагикомедиясини яратди. Бироқ бу асар ўша вақтда саҳна юзини кўролмади, эълон этилмади, аниқроғи тақиқланди. Чунки «Иккинчи тумор» ёзилган вақтда Хрушчёв даврининг демократик эркинлиги тугаб, мафкуравий босим кучайган ва ғоявий тарғиботнинг бор қудрати «совет халқи» деб аталган ягона «тарихий бирлик» яратишга, онгида социалистик дунёқараш мужассам бўлган «янги инсон» барпо этишга йўналтирилган эди. Бундай пайтда инсон онгини ўзгартиришга қаратилган хаёлпараст олим тўғрисидаги «Иккинчи тумор» асарининг саҳнага чиқиши, умуман, дунё юзини кўриши эҳтимолдан узоқ эди.

«Иккинчи тумор» илк бор истиқлолнинг ўнинчи йилида «Жаҳон адабиёти» журналининг 2001 йил сентябрь сонидида эълон этилди. «Мен бугун ушбу трагикомедияни қайта кўздан кечирар эканман, — дейди муаллиф изоҳида — ундаги камчиликларни, янада кучайтириш ва «тобига етказиш» мумкин бўлган ўринларни ҳам яққол кўриб турибман. Уни ҳозир ёзсам, балки бошқача ривож ва ечим топилган бўларди. Лекин бу асарни тарихий факт сифатида ўша замонда қандай ёзилган бўлса, шундай тақдим этмоқдаман».

Муайян кам-кўстларига қарамай асар ўз даврининг телба-тескари ишларига қарши исёнкорона руҳи билан қимматлидир. Трагикомедия қаҳрамони руҳшунос

олим Мизроб Маҳмудий инсон руҳиятини, тафаккур тарзини тубдан ўзгартиришга, ақли ноқис девонадан даҳо яратишга жазм этади. Аммо бунинг уддасидан чиқолмайди. Унинг яқин дўсти журналист Одилжон дейди: «Мен шу дақиқаларда хаёлан дунёни айланиб чиқдим. Инсон дегани киму, ҳаёт дегани нима? Мен ҳам ўзимни мухбир деб юрган эканман. Юзлаб, минглаб одамлар билан суҳбат қилиб уларнинг меҳнатини, режаларини ёзибман-у, энг муҳим бир нарсани четлаб ўтибман. Мен одамларнинг юрагини, энг муқаддас қалб туйғуларини, эътиқодини унутиб қўйибман. Сен ҳам, дўстим, одамзотнинг ёруғ юлдузини унинг тафаккуридан эмас, юрагидан изламоғинг керак эди. Юрак эса сен билан биз ўйлагандан кўра мураккаброқ экан. Инсон миясининг харитасини тузиш мумкиндиру, аммо юракнинг харитасини чизиб бўлмас. Келажак ақли машиналар қурар, лекин минг йилда ҳам ҳислик, дардлик бир хилқат яратолмас.

Сен бир йил давомида бир одамнинг миясига олам хилқатларини жойлабсану, унинг юрак туйғулари билан дарду алами, орзу армонлари билан қизиқмабсан». Олим бу қилмиши билан ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам нуқулай — қулгили ва аянчли ҳолга солиб қўяди.

Шу тариқа Эркин Воҳидов дилбар рубобий тароналари, аср армони, фиғони даражасига кўтарилган достонлари қатори ғоят нозик лутф, беозор қочиримлар, айни пайтда истеҳзо, киноя-кесатиқлар, ўткир ижтимоий пафос билан йўғирилган ҳажвиёти, беназир табассуми билан ҳам элимиз учун ардоқлидир.

2006 йил

### «Аёл»ни тушуниш

Ёзувчи-ижодкор учун инсоннинг маънавий-руҳий бисотини англаш, инсон қалбига йўл топиш, қалбидаги тушуниш, тушунтириш қийин бўлган нозик, сирли-сеҳрли туйғу, кечинмаларни ифода этиш, уларнинг маъносини чақиш — моҳиятини очиш энг қийин, аммо ғоят муҳим, балким бош масала. Худди шунингдек, чин илҳом ва истеъдод самараси бўлган бадиий асар,

ундаги образлар моҳиятини тўғри англаш, талқин этиш ҳам ниҳоятда мушкул, лекин шарафли иш; образ моҳиятини гўзаллик қонунияти асосида англаш, ҳис этиш ҳам ўзига хос бир санъат!

Кейинги йилларда адабиёт илмининг пешқадам жабҳаси — танқидчиликка ҳам фан, ҳам санъат деб қараш хийла кенг тарқалиб бораётирки, бу тасодифий эмас. Ҳозирги танқидчилигимизнинг энг яхши намуналари ҳам бу хулосани тасдиқлаб турибди; истеъдодли, синчков мунаққидларимиз буюк мунаққидлар анъаналари изидан бориб адабий-танқидий тафаккурни фан ва санъат даражасига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Лекин баъзи танқидчилар орасида ҳам, қисман ёзувчи-шоирлар орасида ҳам шу ҳаётбахш тамойилдан чекиниш ҳоллари содир бўлаётир; бадиий тафаккурнинг ўзига хослигини етарли ҳисобга олмай бадиий асар, образлар моҳиятига чуқур кириб бормай туриб у ҳақда ҳукм чиқариш, характер мантиқи, асардаги ўрни, функцияси, автор концепцияси билан ҳисоблашмай нукул «ҳаёт мантиқи», соф «ижтимоий мезон» ёки утилитар — тор амалиётчилик, соф манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашиш ҳолларига дуч келаётирмиз. Эҳтимол, бундай ҳоллар адабиёт илмидан узоқ китобхонларнинг хатларида, тажрибасиз ёш мунаққидларнинг мақолаларида учраса кечириш мумкинدير. Лекин бу нарса кўпни кўрган, юксак илмий даража, унвонларга эга танқидчининг чиқишларида юз берса ҳайратдан ёқа ушлар экансиз.

Бу ўринда мен таниқли танқидчимиз Очил Тоғевнинг «Севги ва садоқат» мақоласи, унда Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри хусусида илгари сурган танқидий мулоҳазаларини назарда тутаётирман. Мақола муаллифи дастлаб «Аёл» шеъри урушнинг одамлар маънавиятидаги фожиали изларини тадқиқ этиш жиҳатидан диққатга сазовор эҳтиросли оригинал асар эканлигини эътироф этади. Лекин шу заҳоти уруш туфайли ўн тўққиз ёшида севганидан айрилиб бир умр тул ўтишга мажбур бўлган келинчакнинг хатти-ҳаракати ҳақида жиддий эътироз билдиради: «содиқ бева»нинг аҳд-паймони ўқувчида нохуш таассурот қолдиради, деб ёзади,

аёлнинг бошқа турмуш қурмай тоқ ўтишини катта гуноҳ сифатида баҳолайди; унингча, ёлғизлик ҳаётий номукаммал умр кечиришдир, бу ҳол ижтимоий фаолиятнинг ҳам номукаммаллиги демакдир...

Сўнгра муаллиф аёл тутган йўлнинг фалсафий илдизларини қидиришга тушади. «Ҳаётда оз бўлса-да учраб турадиган бу ҳодиса, — дейди у, — зоҳидлик, таркидунёчилик деб аталган эски диний ақидаларни беихтиёр эсга туширади». Зоҳидлик, таркидунёчилик фалсафаси тарихи, унинг Шарқ ва Ғарбдаги кўринишлари, ўтмишдаги илғор сўз усталари ва файласуфларининг зоҳидликка муносабати хусусидаги батафсил маълумотдан кейин: «Узоқ вақтлардан бери меҳнаткашлар онгига тузоқ қўйиб келган диний ақидалар сингари таркидунёчиликнинг баъзи қолдиқлари айрим кишилар психологиясида ҳозир ҳам онгсиз равишда бўлса-да беихтиёр амал қилиш мумкинлигини ким инкор эта олади» — дея хитоб қилади.

Демак шеърдаги аёл хатти-ҳаракатида зоҳидликка бориб тақаладиган қандайдир жиҳатлар бор. Гарчи танқидчи нарироқ бориб ўз ҳукмини бир оз юмшатишга, айланма йўллар қидиришга уринса, зоҳидлик билан севгидаги садоқат орасида фарқ борлигини эслатиб ўтса ҳам, барибир, айтилган сўз — отилган ўқ — ҳукмликча қолаверади.

Шундан кейин танқидчи садоқат ва фидойиликнинг ижтимоий томони тўғрисидаги баҳсга кўчади, ижтимоий манфаат йўлида фидойилик кўрсатган улуг кишилар фаолиятини эслатади ва шундай хулосага келади: «Ҳақиқий буюклик — ижтимоий фидойиликдир». Биламизки, Абдулла Орипов бу ўринда аёлни «буюк зот» деб атайди; танқидчи бу баҳога асло қўшилгиси келмайди; унингча шеърдаги аёл буюк зот бўлолмайди, чунки унинг фидойилиги ижтимоийликдан холи, бугина эмас, аёлнинг хатти-ҳаракати, фидойилиги умум манфаатига зид, ижтимоий жиҳатдан зарарлидир.

Энди танқидчи шеърдаги аёл образига қарши очиқ ҳамлага ўтади, одатдагидек, қораловчи ролига кириб, унинг шаънига бир қатор айблар қўяди, аёлни қипқизил жиноятчига чиқаради. Келинг, танқидчи тўқиган айбномаларни бир ўқиб кўрайлик.

Биринчи айбнома:

«Тирик инсоннинг ўлган киши хотираси учун ҳаётини хузур-ҳаловатдан воз кечиб, ўзини ихтиёрий равишда аянчли турмушга маҳкум этиши маънисизлик, айна пайтда ғайриҳаётини ҳамдир. Бу ҳол аёлни энг эзгу бахт — оналик бахтидан маҳрум этади, маънавий қашшоқлантиришга олиб келади. Бундай «вафо» ва «садоқат» охир-оқибатда марҳум шаънига нисбатан маломат туйғуларини келтириб чиқариши ҳам мумкин».

Иккинчи айбнома:

«Иккинчидан, аёлнинг бундай турмуш тарзи аёл бурчдор бўлган ижтимоий ҳаётига зарарлидир». Сўнгра мунаққид аёлнинг етти бор ухлаб тушингизга ҳам кирмаган айбларини «фош этади»; гўёки аёл уруш келтирган жудолик алам-изтиробларининг асири бўлиб қолиб ҳаёт тарафида эмас, уруш тарафида турган, урушга хизмат қилган, «урушнинг ҳаётга келтирган зарарини янада чуқурлаштирган», «келажак авлодларнинг нуфузига зарар етказган» эмиш...

Учинчи айбнома: аёлнинг ёлғиз ҳаёт кечириши «авлодлар аро асрий алоқа — ворислик кўпригига раҳна солмоқ демакдир».

Бундай айбномалар билан танишганда табиий савол туғилади. «Аёл» шеърининг ёзилганига ўн саккиз йил бўлди. Модомики, шеърда шундай зарарли фикрлар ўтказилган, тарғиб этилган экан нега танқидчи кўра-била туриб шу пайтга қадар бу ҳақда сукут сақлаб келди? Кўпчилик адабиётшунос-танқидчиларнинг мақолаларида бу шеър ҳақида нукул илиқ гаплар айтилган. Наҳотки уларнинг ҳаммаси янглишган, шу қадар жиддий гоёвий хатоликларни кўрмаган, сезмаган ёки сезса ҳам хаспўшлаб ўтган бўлса?! Шахсан мен шу пайтга қадар неча бор шеър мухлислари бу асарни ўқиб ларзага тушганликларини кузатганман, лекин бу шеър бирорта шеърхонда нохуш таассурот қолдирганини кўрган, сезган эмасман.

Шеър, шеърдаги аёлга қўйилган айбномаларга келганда шуни айтиш керакки, бу аввало, гўзалликка бефарқлик, асардаги инсон образи, унинг қалби, майлларига нописанд муносабатда бўлиш оқибатидир. Қолаверса, танқидчи шеърни чалкам-чатти ўқиб, ўз кон-



цепциясига мос сатрларнигина ажратиб олиб таҳлил этади, шеърдаги аёлнинг аянчли ҳолати, фироқ алами, ёлғизлик азоби, садоқати тўғрисидаги сатрларни, юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзича талқин этади, шеърнинг асосий пафосини, шоир концепциясини бир ёқлама, бузиб кўрсатади.

Гарчи шеърда аёл садоқати, фидойилиги, матонати ҳақида сўз борса-да, аёл «буюк зот» деб тилга олинса-да, шоирнинг асосий мақсади аёлни, унинг фидойилигини улуғлашдангина иборат эмас, шоир келинчакнинг тоқ ўтишга аҳд қилганини муҳаббатга садоқатнинг юксак кўриниши деган гоёни тарғиб-ташвиқ қилиш учунгина ёзган эмас.

Мунаққид «Аёл» шеъри қаҳрамони хатти-ҳаракатини танқид остига олар экан, кескин қоралар экан, севгида жудоликка учраб, сўнг иккинчи бир одамга кўнгил бериб бахт топган аёллар қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи аёллар хусусида анча илиқ гаплар айтади, «Аёл» шеърини уларга қарама-қарши кўяди. Ҳаётда одамлар тақдири, характери, кўнгил майллари ҳар хил бўлади; нега биз Абдулла Орипов шеърда тасвир этилган аёлдан Жуманиёз Жабборовнинг «Гулшан» поэмаси ёки Муроджон Мансуровнинг «Муҳаббат гули» ҳикояси қаҳрамонлари характерларига хос хусусиятларни, хатти-ҳаракатларни талаб этишимиз керак экан?! Ж.Жабборов, М.Мансуров қаҳрамонлари ҳам, А.Орипов шеърдаги аёл ҳам ўзича ҳақ. Одамда қалб борлигини унутмайлик, ахир! Ж.Жабборов, М.Мансуров қаҳрамонлари қалбида иккинчи муҳаббат япроқ ёзган экан, эҳтимол, уларнинг характер мантиқи буни тақозо этар, уларнинг қонида шунга мойиллик бордир. Аммо А.Орипов шеърдаги аёл шундай бир зотки, унинг қалбига иккинчи севги сиғмайди, бошқа бировга кўнгил бермайди, беролмайди, нақадар оғир бўлмасин урушда ҳалок бўлган паноҳи — қаҳрамон жангчи, ундан ёдгор қолган фарзанди билан («Қуриган кўксиде ёлғиз беланчак» сатрини эсланг) танҳо ўтади; шоир бир чеккаси, бунинг учун ачинади, «Эй номард табиат, борми сенда ҳис, Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!» дея афсус-надомат чекади. Айни пайтда аёл тутган йўлни қоралагиси ҳам келмайди, чунки аёл

аҳду паймонини қоралаш ўта андишасизлик, унинг шаънига, кўнгил розига, энг азиз туйғуларига ҳурмат-сизлик бўлар эди. Аксинча, шоир ҳаётнинг, инсон табиатининг мураккаблиги, инсон қалбининг сирли-сехрли, тушуниш-тушунтириш қийин бўлган жиҳатлари, ишқ қисматининг бунчалар бераҳмлиги, вафо шева-сининг бунчалар буюклигидан ҳайратга тушади, шоир ҳайрати, ўқувчи қалбига ҳам кўчиб ўтади, уни ҳаяжонга солади, ўйга толдиради.

Бироқ булар ҳали шоир айтмоқчи бўлган гапнинг ҳаммаси эмас. О.Тоғаев шеърда айтилган гапнинг «олло»-си ҳақида гафво бошлайди-ю, «берди»си ҳақида лом-мим демайди. Менимча, шоирни қийнаган, унга тинч-лик бермаган, балким қалам тутишга ундаган бош омил шеърнинг иккинчи ярмидаги сатрларда аён бўлади, шеърнинг асосий пафоси ҳам ана шу сатрларда поёнига етади. Шоир «бераҳм ишқ қисмати», «буюк вафо шева-си», аёл садоқати, матонати ҳақида сўз очиб, сўнг «садоқат сатридан нолиб, надомат комида қолган», «ўзини минг битта бозордан олиб, минг битта бозорга солган» энгилтабиат, беқарор, маънавий қашшоқ кимсаларга мурожаат этади ва жуда муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларни ўртага ташлайди:

*Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати,  
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,  
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,  
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!*

*Баъзида тирноқлар безаги учун,  
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.*

*Бироқ ёрингизни кутгали нечун,  
Топилмас тирноқча сабру қаноат.*

Мана шундай энгилтабиат, беқарор кимсалар қар-шисида шеърдаги вафо, садоқат йўлини тутган аёл ҳақиқатан ҳам «буюк зот» бўлиб туюлади. Аёлнинг ҳиж-рон азобларига дош бериб ҳаётда танҳо ўтиши О.Тоға-ев айтганидек, маънисизлик, ғайриҳаётий эмас, балки унда чуқур ҳаётий маъно бор. Аёл матонати кишини ҳам ҳайратга солади, ҳам ачиниш, ҳам ифтихор туйғу-

сини жунбушга келтиради — шунинг ўзиёқ аёл қисмати чуқур ҳаётий маънодорлик билан йўғрилганлигини тасдиқлайди. Аёл садоқати ва фидойилигини ижтимоий мазмундан холи, хусусий-шахсий характерга эга қилиб кўрсатиш, аёл тутган йўлни умум манфаатига зид қўйиш, жамият учун зарарли деб аташ, айниқса, аёлни уруш тарафига ўтказиб қўйиш — булар энди, ҳамкасб дўстим кечирсину, қуюшқондан чиқиб кетишнинг ўзгинаси. Кичик лирик асар имконияти доирасида аёл тақдирини жуда катта ижтимоий ҳодисалар, уруш келтирган мислсиз жароҳатлар, даврнинг муҳим маънавий-ахлоқий муаммолари билан боғлиқ ҳолда бадиий талқин этган, инсон қалбининг сирли-сеҳрли жилоларини кашф этиб берган, аёл зотини, унинг бардошини, севги-садоқатини улуғлаган шеър ҳақида наҳотки шундай кескин гаплар айтишга танқидчининг тили борса!

Аёл тутган йўлни ҳар хил усуллар билан зоҳидлик фалсафасига олиб бориб тақаш кулгилидир. Агар шу тарзда фикр юритиладиган бўлса вафо ва садоқатни улуғлаган жаҳон адабиётидаги не-не буюк асарларнинг баҳоси қандай бўлади, ана шу асарлар саҳифаларида қад кўтарган ҳаётини ишқ йўлига тиккан, ўзини ишқнинг ҳар қандай жабру жафосига тайёр деб билган, жони зорини жунун водийсига мойил кўрган қанчадан-қанча ошиқлар ҳоли не кечади?!

Агар биз О.Тоғаев танлаган йўлдан бориб, севги ва садоқат масаласига тор амалиётчилик, нуқул манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, адабиётдаги инсон образи ҳиссиз бир махлуқ-роботга айланади, жаҳон адабиётининг жуда кўп нодир асарлари, улардаги севги, садоқат ҳисси билан ёнган ошиқ қахрамонларнинг хатти-ҳаракати маънисиз бўлиб қолади, ҳар қадамда кулгили саволлар кўндаланг бўлаверади. Чунончи, Фарҳод ҳалокатидан кейин нега Ширин ўзига ўлимни раво кўрди, Мажнун кўйида Лайли нега ўлимни афзал билди? Ширин, Лайлилар тирик қолиб ёрлари ёди билан яшасалар ёки, танқидчи ибораси билан айтганда, бошқа бировга кўнгил қўйиб, оиларўзгор қилиб, қўш-қўш фарзандлар кўриб авлодлар аро асрий алоқа — ворисликка ҳисса қўшсалар, жами-

ят манфаатига хизмат қилсалар, фойда келтирсалар, бўлмасмиди? Нега улуғ алломалар, чунончи, даҳо шоир Навоий бун ҳисобга олмади экан?!

Ижодкор учун инсонни тушуниш, қалбини ҳис этиш қанчалар муҳим бўлса, танқидчи учун ҳам у яратган гўзаллик моҳиятини чуқур англаш, унга гўзаллик қонунлари асосида ёндашиш, уни юракдан ҳис этиш зарурий фазилатдир, зотан адабий танқидчилик гўзалликни англаш-тушуниш ва ҳис этиш санъатидир.

1983 йил

## Мафтункор ишқ муждалари

*(«Бобурийнома»нинг қайта мутолааси чоғидаги ўйлар)*

Хайриддин Султон «Ё, Жамшид!», «Дунёнинг сирини», «Фуломгардиш», «Қоғоз гуллар», «Саодат соҳили», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кўнгил озодалур» каби ҳикоя, қиссалари, «Андиша», «Шоирона, дарвешона бир маъно», «Бобурнинг тушлари» сингари адабий-танқидий бадиалари, В.Шукшин ҳикоялари, жаҳонга машҳур «Кичкина шаҳзода» қиссаси таржималари билан ўтган аср охиригача чораги миллий адабиётимиз тараққиётида муносиб ўрин эгаллайди. Бу асарлар шахс жумбоғи, инсон табиати, руҳиятидаги нафис, сирли-сеҳрли хусусият, ҳолатларни алоҳида бир назокат билан теран англаш ҳамда нафосат туйғусига йўғрилган ҳолда ифода этиш санъати билан миллий насримизда ўзига хос ҳодисага айланди. Улар танқидчиликда озми-кўпми баҳосини олган. Бироқ адибнинг кўп йиллик ижодий изланишлари маҳсули — энг салмоқдор асари «Бобурийнома» ҳали етарли таҳлил-тадқиқ этилгани йўқ. Етти йил бурун «Бобурийнома» китоб ҳолида чиққанида уни иштиёқ билан ўқиб, у ҳақда бирор нарса ёзишга жазм этиб эдим. Турли андишалар сабаб бу ният амалга ошмай қолиб кетди. Ниҳоят, Хайриддин туғилган куннинг 50 йиллиги арафасида китобнинг қайта мутолааси чоғида кўнгилда туғилган айрим ўй-мушоҳадаларни Сиз, азиз ўқувчилар, билан баҳам кўришга жазм этдим.

Хайриддин Султон 1992—1996 йиллари «Бобурийнома» асари устида ишлади. Аслида унда Бобур шахсияти, ҳаёти, ижодига қизиқиш болаликдан бошланган. Муаллиф эътирофига кўра, олис қишлоқ мактаби деворига осилган бу нуруний сиймо тасвири чекилган суврат ва унда мулойим табассум ила боқиб турган, шоҳона салласига укпар жиға қадалган улугсифат инсоннинг бори-борлиги мактаб ўқувчиси Хайриддиннинг мурғак қалбида бир умрга ўрнашиб қолади. Сурат остидаги «Толе йўқи...» деб бошланувчи машхур рубоийнинг содда, хазин, мардона мисраларини бир ўқишдаёқ ёд олиб, уйда, кўча-кўйда, дала-даштларда бетиним такрор айтиб юради. Рубоийнинг маънос-шикаста оҳанги дилига қаттиқ таъсир қилар, ўз-ўзидан йиғлагиси, узоқ бир жойларга бош олиб кетгиси келарди ўша кезалари.

«Шу йўсин, — деб ёзади адиб кейинчалик, — Бобур Мирзонинг мардлик ва мурувватда, заковат ва матонатда тенгсиз шахсиятига мафтун бўлиб қолдим.

Мен уни отамдай, онамдай, фарзандимдай яхши кўриб қолдим.

Қарийб йигирма йилдирки, шу мафтункор ишқ билан сармаст яшайман».

Шу-шу ҳазрати Бобур девони, «Бобурнома» Хайриддиннинг қўлидан тушмай келади. Бу йигитнинг талабалик йиллари дарс пайти университет аудиториясининг охири қаторида тиззасига «Бобурнома»ни кўйган ҳолда мутолаа қилиб ўтирганини кўп кузатганман. Ҳаттоки Ҳаж зиёрати кезлари ҳам Бобур асарлари мутолаасини давом эттирган. Бу қиёси йўқ сиймо шахсиятини англаш, шонли ҳаёт йўлини, сўнмас ижодини ўрганиш унинг доимий машғулотига айланди. Ёзувчининг чорак асрлик ижоди намуналарининг тенг ярмини Бобур шахсияти, ҳаёти, ижодига бағишланган қисса, ҳикоя, бадиа, суҳбат, очерклар ташкил этади. «Йўлбарснинг туғилиши» деб аталган илк киноҳикоясини мустасно этганда, «Ой ботган паллада», «Саодат соҳили», «Паноҳ», «Тавба», «Бобурнинг тушлари», «Нуқта» каби Бобур мавзуидаги асарлари ўз вақтида матбуотда эълон этилган, улар адабий жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотган, айримлари теварагида қиз-

гин баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб ўтган. «Саодат соҳили» қиссаси эса, мана, ўн беш йилдирки мактаб адабиёт дастури, дарслигидан муқим ўрин олиб келади.

1992 йили мустақил мамлакатимизда Бобуршуносликнинг янги бир саҳифаси очилди: андижонлик фидойи аллома Зокиржон Машрабов бошчилигида Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Бобур Мирзо ва унинг авлод-аждодлари изидан олис сафарга отланди. Бобурпарвар сафар қатнашчилари сафида устоз адиб Пиримкул Қодировдан кейин Бобур ва Бобурийлар ҳақида энг «кўп ва хўб» ёзган навқирон ижодкор Хайридин Султон ҳам бор эди. Экспедиция олтмиш кечаю олтмиш кундуз йўл юриб ўн саккиз минг километрдан зиёд масофани босиб ўтди. Ёзувчи айтганидай, бу унутилмас сафар Ўзбекистон тарихида ўзига хос бир воқеа бўлиб қолди. Орадан бир йил ўтиб, Хайридинга Ҳинд сори юзланмоқ насиб этди. Президент девонига хизматга ўтгач, Бобур ва унинг аждодлари ҳаётини ўрганиш, бугунга қадар барҳаёт зурёдларини қидириб топиш, улар билан алоқа ўрнатишдек муҳим тадбирларда фаол иштирок этди. Қисқаси, «Бобурийнома»да 1992 йилги сафар хотираларидан тортиб 1996 йилга қадар Бобур билан боғлиқ воқеа-тадбирлар — барчаси худди «Бобурнома» услубига хос тарзда аниқ, лўнда, ихчам ва ҳаққоний гавдалантириб берилган.

Сафар воқеалари ўзича мароқли, айниқса, Ҳаж зиёрати, Кобулдаги Боғи Бобур таассуротлари ғоят жозибадор чиққан. Улуғ Навоийга, Мирзо Бобурга насиб қилмаган Ҳаж зиёрати чоғи бу икки табаррук сиймо қиёфаси ҳамиша адиб кўнгил кўзгусида гавдаланиб туради. Ўша саҳифалар қатига жо бўлган ёзувчининг ўта самимий дил розлари, илоҳий руҳ билан йўғрилган ўй-мушоҳадалари китобхон хаёлини олис-олисларга олиб кетади, қалбларда қандайдир енгиллик, покланиш ҳолати юз беради.

Китобда Бобур Мирзо шажараси, Амир Темурга бориб тақалувчи улуғ аждодлари, шунингдек, фарзандлари, хусусан, ўғли Ҳумоюн, набираси Акбардан то Баҳодиршоҳ Зафарга қадар 300 йилдан ортиқ буюк салтанат тахтида ўтирган машҳур авлодлари, шунинг-

дек, туғишган сингил, қиз-набиралари, келинлари ҳақида ишончли манбаларга таянган ҳолда ғоят бой маълумотлар келтирилади. Ҳумоюн билан Комрон Мирзо шеърӣ ижоди, ота-болалар шеърӣятадаги муштаракликлар ҳақида қизиқарли мулоҳазалар юритилади. Хусусан, Шоҳ Жаҳон билан Мумтоз Маҳалнинг беназир севги ва вафо қиссаси, Баҳодиршоҳнинг салтанат ҳимояси йўлидаги мардона жанглари ва ҳалокати тафсилотлари мароқ билан ўқилади. Китоб Баҳодиршоҳ Зафарнинг эвараси бўлмиш Покиза Султон Бегим ҳикояси билан яқунланади.

«Бобурийнома»даги сафар хотиралари, Бобур аждод, авлодлари ҳақидаги маълумот, ҳикоялар қанчалик бой ва қизиқарли бўлмасин, охир-оқибат асар асосида муаллиф тасавури ва талқинидаги **Мирзо Бобур феномени** туради.

Ҳ. Султон бир суҳбатда ўз ижодий принципи ҳақида сўзлаб: «Очиғини айтадиган бўлсам, мени шаклий, услубий изланишлардан кўра моҳият, инсон руҳиятининг чексиз галаёнлари кўпроқ қизиқтиради» деган эди («Ёшлик», 2005 йил, 5-сон, 5-бет). Бобур Мирзо талқинида ҳам айни шу ақидасига амал қилади.

Миллий адабиётимиз тарихида ҳеч қайси адиб ўзи ҳақида бу қадар «кўп ва хўб» ёзган, ҳақ гапни мардона туриб баралла айтган эмас. Буни Бобурнинг ўзи ҳам яхши билган, ошкора эътироф этган:

*Ҳар вақтки, кўргайсен менинг сўзумни,  
Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни.*

Афсуски, шўро даврида, тоталитар мафкуравий, адабий сиёсат ҳукмронлик қилган шароитда бу ҳайратомуз беназир сиймо тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқариш ниҳоятда қийин кечди. Бобурнинг шахсияти ҳам, ижоди ҳам мустабид мафкуранинг «синфий ёндашув» қолипига мутлақо сифмас эди. Бобур ҳақидаги бор гапни айтиш, ёзиш бамисоли жаллод кундасига бошни қўйиб бериш билан баробар эди ўша йиллари. Бобурпарвар — ҳақиқатпарвар адибларимиз ана шундай хавотирни билган, тўла англаган ҳолда бу ўта қалтис мавзуда қалам тебратишга журъат эта олдилар. П.Қо-

диловнинг «Юлдузли тунлар» романи бошига тушган не-не савдолардан яхши хабардор ҳолда Хайриддин Бобур мавзуидаги туркум ҳикоя, бадиаларини ёзишдан тўхтамади. «Бобурийнома» матнининг деярли учдан бир қисмини ташкил этувчи бу асарларнинг дунёга келиш тарихи, улар теварагидаги можаролар китобда батафсил ёритилган. Айниқса, «Ой ботган паллада» ҳикоясининг юзага чиқишида «улуғ иңсон, улуғ адиб, шафқатли мураббий» Асқад Мухтор бош бўлган «муस्ताбид бир тузумдаги эркин фикр оролчаси» саналмиш «Гулистон» журнали ижодий жамоаси саховати алоҳида эҳтиром билан қаламга олинган.

«Бобурийнома» муаллифи Бобур шахсияти устида ўйлар экан, унга хос қомусий фаолият ва хислатлар ҳақида ҳайрат ҳамда эҳтиром билан қалам тебратди. «Агар унинг ўн икки ёшли бола чоғидан шиддатли сарой курашлари гирдобидида қолиб, лоақал бирон-бир мадрасани ҳам тугатишга имкон ва фурсати бўлмаганини ҳисобга олсак, бу улуғ феноменнинг чиндан ҳам нақадар буюкликига иқрор бўламиз. Шу боис бу тимсоли йўқ инсоннинг ички дунёси, маънавий олами ғоят жозибадор, айни вақтда шу қадар сирлидир» деб ёзади муаллиф.

Авалло, Бобур Мирзо қисматининг ўзи бир тилсим, уни моддиюнча тафаккур орқали тушуниш, туншунтириш мушкул, унда ғойибона илоҳий бир маъно мужассам. Ғоят таҳликали вазиятда тахтга ўтирган кундан бошлаб салтанат ҳимояси йўлида она юртида олиб борган самарасиз курашлари, ниҳоят, Ҳинд элида буюк империя тиклагунга қадар чеккан заҳматлари — бир инсон боласи дош бериши мумкин бўлмаган мислсиз кўргиликлардир. Ўзи айтмоқчи, чархнинг у кўрмаган жабру жафоси, хўрликлари қолмаган. Курашлар, олишувлар давомида неча бор ҳаёти жар ёқасига келиб қолади. Ажаб, бу ғаройиб сиймо ана шу қалтис вазиятларнинг барчасидан омон чиқиб кета олган омадли ғолиб, Оллоҳ карамига сазовор хосиятлик шахсдир. «Бобурийнома»да таъкидланганидек, буларнинг барчаси бу мумтоз шахс умрининг илми ғайб ҳикматлари билангина шарҳланиши мумкин бўлган сирли саҳифаларидир.



Муаллиф «Бобурнома»ни «Ибрат китоби», «Мардона китоб», «Донишмандлик китоби» сифатида таърифлар экан, айти пайтда уни «Буюк сирлар китоби» деб атайди. «Бобурнома»ни саҳифама-саҳифа варақлаб кўрсангиз, — деб ёзади муаллиф — унинг қатларида ўнлаб ғаройиб тилсимотларга дуч келасиз... Дунёда илми ғайб деб аталмиш мўъжиза мавжудлигига «Бобурнома»дек ҳаққоният китобини мутолаа қилган киши, шубҳасиз, имон келтиради».

Муаллиф уқтириб ўтганидек, Бобур ўз даврининг пешқадам вакили сифатида хурофотдан, тараққиёт йўлига ғов ташлайдиган бидъатлардан йироқ бўлган, кези келганда хурофот, бидъатларни фош этган, хурофот билан ҳақиқат чегарасини жуда нозик фарқлаган. Айти пайтда «Бобурнома»ни кўнгил кўзи билан мутолаа қилган адиб асар саҳифларида инсонни лолу ҳайрон этадиган тилсим пинҳон эканига иқрор бўлади. Бобурнинг Хўжа Аҳрор билан боғлиқ тушларидаги башоратлар ҳақ бўлиб чиқиши — исканжада қолган Мирзога толенинг кулиб боқиши чиндан-да ҳайратомуз ҳодиса! XX асрнинг буюк руҳшуноси З.Фрейд агар «Бобурийнома»нинг Бобур тушларига оид саҳифалари билан танишганда эди, туш таъбирлари тўғрисидаги тадқиқотига, эҳтимол, янги бир боб қўшган бўлармиди.

«Бобурийнома»нинг ёрқин саҳифаларидан яна бири ундан ўрин олган «Тавба» бадиасидир. Мазкур бадиа китобнинг Ҳаж ибодатига оид қисмида келтирилиши тасодифий эмас. Ҳаж фасли бандаи мўмин учун ўтган умрни қайта сарҳисоб этиш, билиб-билмай қилган гуноҳлар учун афсусу надоматлар чекиб, Яратганнинг олдида **тавба** қилиш, шу тариқа покланиш имкониятидир. Мана шу муқаддас тавба туйғуси Бобур экспедицияси қатнашчилари қатори китоб муаллифи кўнглида ҳам кечади. Беихтиёр мана шу жараён доимий руҳий ҳамроҳи — бош қаҳрамон Бобур ҳазратлари бошидан ҳам ўтганлиги ёдга тушади. Шу тариқа Бобур ҳаётидаги Ҳаж амалига тенглаулик Тавба воқеаси хикоя қилинади.

Муаллиф Эдуард Холденнинг «Бобур инсонлар ичида энг ботиридир» деган таърифига қўшимча қилиб «Бобур инсонлар ичида энг ростгўйдир» деб атайди.

Буларга илова тариқасида «Бобур ижодкорлар ичида энг самимийсидир» деб айтсак хато бўлмас. Дарҳақиқат, «Бобурийнома»да битилганидек, Бобур тарихий воқеалар, тарихий сиймолар, табиат ҳодисалари ҳақида қанчалар аниқлик ва ҳаққоният билан мулоҳаза билдирса, ўз шахсиятидаги номағруб хусусиятлар ҳақида ҳам мардоналик билан сўз юритади, феъл-атворидаги жузъий ва улуғ нуқсонун айбларни яширмай сўйлайди, изтироблари, руҳнинг ички, оғриқли зиддиятларини китобхондан пинҳон тутмай, ажиб бир самимият билан изҳор этади; шеърлятида, «Бобурнома» саҳифаларида ҳақиқат Бобур ҳаётининг бош мезони, асл моҳияти сифатида кўринади. Бобурнинг ахлоқий нуқтаи назари, маънавий таҳлили ғоят бешафқат, аёвсиз. У ўзгаларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатларини қандоқ талаблар асосида баҳоласа, бу талабларни энг аввало ўзига қўйиб кўради, яъни пичоқни олдин «ўзига уради». Бу жиҳатдан «Бобурнома»даги майхўрликка, чоғир суҳбатига оид саҳифалар ғоят ибратлидир. «Тавба» бадиасида улар синчиклаб ўрганилган, теран таҳлил этилган. Эсини танигандан буён ислом шартлари руҳида тарбияланган, бутун умри давомида Оллоҳни дилига жо қилиб ўтган аллома нега Куръони каримда ман этилган майхўрликка бу қадар ружу қўяди, деган саволга жавоб ахтаради. Бобурдек баркамол сиймо ҳам бандасига хос бу хил ожизликлардан холи эмаслиги муаллиф қатори сизу бизни ҳам ўйга толдиради. Бироқ, энг аҳамиятлиси, Бобур бошқа бандаи мўминлардан фарқли ўлароқ, вужудидаги шу ожизликка қарши жанг эълон қилади ва бу жангда ҳам ғолиб чиқади! Ҳазрат Навоий айтганларидек, тўқайдаги йўлбарсни енгган кимса баҳодир эмас, балки ўз нафсини енгган кимса баҳодирдир.

Бобур майхўрликдан воз кечиб, Оллоҳ олдида тавба қилиб, иккинчи бор уни оғзига олмасликка онт ичар экан, муаллиф «Бобурнома»нинг ўша тантанали воқеалар тасвиридан сўнгги саҳифаларини ҳадик билан варақлашда давом этади, бирор саҳифада Бобурнинг самимий эътирофи ила бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган далолат чиқиб қолмасмикан, деган иштибоҳ уни хавотирга солади. Минг шукурки, бундай ҳол қайта юз бермайди. Бобур ўз аҳдида қатъий туради.

Бу қарор ижроси унинг учун ғоят қийинчиликлар билан кечганлигини ўта ростгўйлик ва самимият ила эътироф этади. Мана у нималар дейди: «Филвоқиъ, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоққим, чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сирҳадиға етар эдим. Бу йил, алҳамдуллилоҳ, ул дағдаға тамом хотирдан рафъ бўлди... Сиз ҳам тавба қилинг...»

Фақат миллат тарихи эмас, жаҳон тарихида сийрақ учрайдиган қомусий фазилатлар соҳиби Мирзо Бобур шахсиятининг бу каби сирли-сеҳрли хислатлари теран тадқиқ этилган «Бобурийнома» асари устидаги мухтасар мулоҳазаларимизни шу билан яқунласак бўларди. Аммо «Бобурийнома»дан жой олган суҳбатдаги адабиётшунос Муртазо Қаршибойнинг «Ҳазрати Бобурга хос фазилатлардан қайси бирини алоҳида қадрлайсиз?» деган саволиға муаллиф берган жавобни эслатиб ўтмасак, китоб ҳақидаги тасаввуримиз чала бўлиб қолар эди. «Бу беназир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, шундай хулосаға келдимки, — дейди адиб, — у зот насл-насаб жиҳатидан қанчалик аристократ бўлган бўлса, кундалик турмуш ва ижодда шунчалик демократ бўлган... Бу зоти бузругнинг демократлиги аввало шунда кўринадики, у ҳамиша, ҳамма жойда, турли ижтимоий синфлар, диний-миллий оқимлар, турли хил савиядаги кишилар билан ҳамжиҳатлик қилишга интилни. Яхшилик туйғуси дунёнинг маънавий асосларидан бири эканини умр бўйи уқтириб ўтди... Бобур ҳаётда ҳам, ижодда ҳам халқона бир йўлни оғишмай танлади, ўзи мансуб бўлган ижтимоий табақа анъаналарига қарши борган ҳолда «хонбоп эмас, ҳаммабоп» бўлишга (Абдулла Қодирий таъбири) интилни...»

Ниҳоят, Бобур ижодидан ўзингизга энг маъқул бир мисрани айтиб беринг, деган сўровға муаллифнинг жавоби бу ўктам сиймо шахсияти жозибасини янада очиб юборади:

«Давлатқа етиб меҳнат элин унутма». Назаримда, бу пурҳикмат сатрни ҳар бир инсон ўз қалбига нақш этиб қўйса, асло зиён қилмайди».

2005 йил декабр

## «Бир асар тарихи» сабоқлари

Республика телевидениесиди кўпдан бери «Бир асар тарихи» туркум кўрсатувлари намойиш этиб келинади. Очиги, кейинги йилларга келиб бу кўрсатув аввалги мунтазамлигини ҳам, довругини ҳам йўқотган, эътибордан четда қола бошлаган эди. 2006 йил октябрида ёш, иқтидорли, серғайрат журналист йигит Ориф Аҳмедов «Бир асар тарихи»га муаллиф ва бошловчи бўлиб келди-ю, секин-аста бу кўрсатувга қайта жон кира бошлади. Аввало, кўрсатув мунтазам тус олди, мавзу-мундарижа доираси ҳам кенгайди, фақат замонавий бадиий асарлар эмас, халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт нодир намуналари, санъатга оид асарлар тарихига ҳам мурожаат этиладиган бўлди. Эндиликда қизиқарли саргузаштга эга жаҳон адабиёти ва санъати дурдоналари тарихини ҳам талекранга олиб чиқиш мўлжалланмоқда. Энг муҳими, кўрсатув усули, услуби тубдан ўзгарди. Аввалгидек кўрсатув иштирокчиларининг телекамера қаршисиди ўтириб олиб узундан-узок маъруза ўқишлари йўқ, бир-икки луқма, топиб айтилган сўз, экранда намойиш этилган ноёб далил-ашё, асар тарихига бевосита дахлдор тирик гувоҳларнинг ишончли маълумотлари ва буларнинг барчасини туташтириб яхлит манзара — муайян йўналиш касб этувчи бошловчининг таъсирчан сўзи, хатти-ҳаракати, гап оҳанги, буларнинг барчасини эса моҳирона экран асарига айлантирган телеоператорларнинг ижодий изланишлари — бугунги «Бир асар тарихи»га хос муҳим фазилатлар ана шулар.

Кишини қувонтирадиган жиҳати шуки, мазкур кўрсатувлар одамларнинг оғзига тушди, уни мунтазам томоша қиладиганларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Телевидение таҳририятининг таклифига кўра, бир қатор ноёб асарлар ижодий тарихига оид кўрсатувларда иштирок этишимга тўғри келди. Қарангки, кечаги ёш мунаққид саналмиш камина ҳам бугун етмиш бешни қоралаб, кейинги ярим аср давомида устозлар сафиди бевосита адабий ҳаёт, жараён ичиди юриб, анча-мунча воқеаларга шохид бўлган эканман. «Бир асар тарихи»

кўрсатувига тайёргарлик асносида шу пайтга қадар бир қадар хотирдан кўтарилган, қоғозга тушмаган адабий ҳаётимизда чуқур из қолдирган қатор асарларнинг ёзилиш, дунё юзини кўриш, гоҳ қувончли, гоҳ аччиқ фожиавий қисматига оид хотиралар, муҳим фактлар ҳаёлда чарх уриб қўлга қалам олишга ундади. Телеэкраннинг ўз талаблари, хос хусусиятлари бор, у ерда ҳамма гапни айтиш имкони йўқ. Ҳамкасб дўстларимнинг маслаҳатига кўра уларни қоғозга туширишга жазм этдим.

### **«Ёшлар билан суҳбат» кўргиликлари**

1966 йилнинг май ойи бошлари. Тошкент зилзиласидан кейинги нотинч, тўс-тўпалон кунлар. Устоз адиб Абдулла Қаҳҳор 60 ёшга тўлиши муносабати билан Фафур Фулом номидаги нашриёт унинг олти томлик асарларини, «Ёш гвардия» нашриёти эса «Ёшлар билан суҳбат» китобини нашр этишни режалаштирган. Адиб ўз одатига кўра бўлғуси китобларга кирадиган асарларининг жиддий таҳрири билан банд. Шу орада у киши мени хонадонига таклиф этдилар ва қўлимга 20 чоғли мақолалар рўйхати битилган қоғозни тутқазиб «Буларнинг қўлёзмаси сақланмаган. Кутубхоналарга бориб қидиришга вақтим бўлмапти. Шу рўйхатдаги нарсаларни топиб кўчириб берсанг. Уларнинг бир қисмини «Олти томлик»нинг 6-томига, муносибларини эса «Ёшлар билан суҳбат»га киритмоқчиман, — дедилар ва давом этиб. — Араб, лотин ёзувида қалайсан?» — деб сўрадилар. «Эпласам керак, қийналсам, ёрдам берадиган шогирдлардан бор» дея устозни хотиржам қилдим. Дарҳақиқат, рўйхатда араб ва лотин ёзувида чиққан 20—30-йилларга оид қатор мақолалар номлари ҳам бор эди. Ўтган йили университетни тугатиб «Маданият» газетасида иш бошлаган, болалик йиллари Шинжонда яшаб, ўқиб арабча ёзувни пухта эгаллаган Ёқубжон Яквалхўжаевни ёнимга олиб зилзилада дарз кетган «Навоий», «Турон», университетнинг асосий кутубхоналарида ўтириб икки-уч кун ичида рўйхатдаги барча мақолаларни топиб кўчириб, талабчан адиб олдида хи-жолатга қолмаслик учун кўчирилган матнларни аслиятга қайта-қайта солиштириб чиқдик. Муҳим бир ҳол:

адиб тузиб берган рўйхатда мақолаларнинг чоп этилган нашр манбалари ҳам кўрсатилган, улар ёнига «тахминий» деган сўз қайд этилган эди. Шуниси қизиқки, «тахминий» дейилган манба ва саналарнинг барчаси аниқ бўлиб чиқди; рўйхатда кўрсатилган нашр сонини қўлга олиб очиб кўрсак, ҳаммаси ўз ўрнида. Шунда мен бу аломат алломанинг хотираси ниҳоятда тиниқлигига тан берганман.

Кўчирмаларни олиб бориб берганимда «Мунча тез!» дедилар ва миннатдорчилик билдириб давом этдилар, — «Ёш гвардия» директори Сотволди ниҳоятда одобли, интизомли йигит. Яхши бўлди. «Ёшлар билан суҳбат»ни ваъда қилинган кундан олдинроқ олиб бориб унинг қўлига тутқазадиган бўлдим».

Айни шундай бўлди. Директор Сотиболди Йўлдошев китоб қўлёмасини мамнуният билан қабул қилиб олди. Яқингинада университетни тугатиб ишга келган, илк ижодий машқлари билан Қаҳҳордек талабчан устоз назарига тушган ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевни китобга муҳаррир этиб тайинлади, таниқли мунаққидлар, «Қаҳҳор одамлари»дан М.Қўшжоновни китоб учун махсус сўз боши ёзишга, О.Шарафилдиновни эса масъул муҳаррирликка кўндирди. Иш юришгандан юришиб кетди. Ҳаммаси тахт бўлиб, қўлёзма 1967 йилнинг бошларида босмахонага топширилди, шитоб билан терилиб босишга тайёр бўлди, таомилга кўра «Лит» деб аталган қилкўприкка етганида, бирдан ишқал чиқиб ҳаракат тўхтаб қолди. Орадан бир неча кун ўтиб китобнинг босма саҳифалари нашриётга қайтиб келди; унинг деярли ҳар бир саҳифаси ҳошияси савол аломатлари, таҳдид, дағдағали сўз ва жумлалар билан тўлиб-тошган эди. Бутун-бутун абзац, саҳифалар, қатор мақолалар устига чизик тортилиб уларни олиб ташлашга амру фармон ўқилган эди... Редакция раҳбарияти китоб муаллифи Абдулла Қаҳҳордек сўз санъаткори руҳсатисиз бунақа кўпол таклиф, аниқроғи, буйруққа рози бўлолмас эдилар. Маслаҳатга кўра муҳаррир қўлёзмани қўлтиқлаб адиб ҳузурига борди, бор гапларни унга дангал айтди. Бунақа машмашаларни кўравериб пишиб кетган адиб «Икки-уч кун ичида кўриб қўяман. Келиб олиб кетарсан» дея кўзи жавдираб турган Шукурни

юпатди. Дарҳақиқат, адиб ваъда қилган муддат давомида ҳошиядаги қайдлар асосида қўлёзмани «қайта ишлаган» бўлди, кескин таҳдидга учраган жумла, абзац, мақолалар ўрнини бошқа — улардан-да кескинроқ жумла, абзац ва мақолалар билан тўлдирди. Муаллиф билан «Лит» орасидаги бунақа жанг ўйини яна уч бор такрорланди. Бу орада Сотволди Йўлдошев бошқа ишга ўтди. Нашриётга янги келган бошлиқнинг журъатсизлиги туфайли нашр иши яна тўхтаб қолди. Адиб юбилейига тўёна тарзида Фафур Фулом нашриёти «Олти томлик»нинг икки китобини тақдим этди. Аммо «Ёш гвардия» ваъда қилган жажжигина китобча чиқмай қолди.

Кимларнингдир аралашуви туфайли юбилейдан кейин «Ёшлар билан суҳбат» устидаги иш яна ҳаракатга тушди; адиб уни яна қайта кўриб бир қатор янгиликлар билан тўлдирди. Ниҳоят, янги 1968 йил бошларида адиб хонадонидида Озод ака, Матёқуб ака, Шукур ва камина маслаҳатга тўпландик. Бу кезлари Абдулла ака оғир ҳаста, ранги афтодаҳол, кўнглига қил ҳам сифмайди. Шундай бўлса-да ўзларини дадил тутиб, Шукур қўлидаги қўлёзма жилдига ишора қилиб «Хўш, яна қандай даъволари бор экан?» дея истеҳзоли савол бердилар. Шукур «Бу сафар унча кўп эмас», дея даъво, таклифлар тўғрисида маълумот бера бошлади. Бошда иш хила силлиқ кечди. Муросою мадора деганларидек, кўп шовшувларга сабаб бўлган 60 йиллик юбилей тантанасида сўзланган нутқ матнини тушириб қолдиришга муаллиф розилик билдирди. Бироқ ўша матн ўрнига «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман» деган офористик жумлани киритишни таклиф этди. Бу таклиф даврадагиларнинг ҳаммасига маъкул тушди.

Босма саҳифалардан бирининг ҳошиясида саволлар қўйилган ёзувчи қайдларидаги «Адабий танқидда ланганбардорлик вужудга келаёт»гани, «Нотавон асар адабиётнинг чўққиси бўлаёт»гани, «Пахта далаларида одамларнинг ўлгани, аёллар майиб бўлиши, болаларнинг пачоқ бўлиб ўсиши»га оид кескин жумлалар тушириб қолдириладиган бўлди. Яна бир саҳифада ёнига савол ва хитоб аломатлари чекилган мана бундай жумлалар бор эди:

«Мамлакатимизда Сталиндан сўнг узундан-узун момақалдиروқ бўлди-ю ўтди. Бу момақалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта орзу-умидлар уйғотди, халқлар бунинг кетидан келадиган обирахматни кутди, бироқ момақалдироқ, шамол тўпалон қилди-ю, обирахматдан бир томчи ҳам томмади».

Ажаб, давр ҳақида бу қадар қаҳр билан топиб айтилган кескин айбномани тушириб қолдиришга муаллифнинг ўзи рози бўлди.

Бироқ охириги мулоҳаза «Евтушенко сингари шоирлар, ёзувчилар кўнглида борини айтаётибди, холос, шунга мунча шовқин? Ахир булар кесак эмас-ку, ўт чиқса нима қипти!» деган қайдга нисбатан эътирозга келганда, адибнинг пешонаси тиришиб тоқати тоқ бўлиб: «Агар шу гаплар ҳам ўтмайдиган бўлса, китоб чиқмай қўя қолсин. Папкани қолдириб кетавер» дедилар. Бу қайд қолдириладиган бўлди...

Шундай қилиб 1967 йил 16 февралда босмаҳонага берилган 5 босма табоқлик тўплам шу хил машмаша, борди-келдилардан сўнг орадан бир йилу беш кун ўтиб 68 йил 21 февралда босишга рухсат этилди.

Бу ёғи нима бўлгани ўқувчиларга маълум. «Ёшлар билан суҳбат» адиб вафотидан сўнг китоб бўлиб чиқди. Ўттиз минг нусхада чоп этилган китобча китоб дўконларига етиб борар-бормас муаллиф оёқ тираб туриб ўтказган бояги икки жумла қалтис гап учун таъқибга учради, йиғиштириб олиниб ўтда ёқилди.

### **«Музнома» муқоваси остидаги «тирик сатрлар»**

«Ёшлар билан суҳбат»нинг аччиқ қисматидан сўнг орадан бир йил ўтар-ўтмас Фафур Фулом номидаги нашриётда босилган, яна ўша омади чопмаган улуг аллома Озод Шарафиддинов муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар» бошига ҳам айна шундай савдо тушди. Эндигина китоб дўконларига чиққан бу китоб ҳам йиғиштириб олиниб оловда ёндириб кулга айлантирилди. Озод ака «Тирик сатрлар»нинг қийин қисмати» мақоласида мушкул саргузашт тафсилотларини батафсил ёзиб қолдирган. Мен уларга шахсан ўзим гувоҳ бўлган баъзи маълумотларни илова қилиб ўтмоқчиман.



1966 йил сентябрь ойининг бошлари. Ўша кезлари университетнинг филология факультети Фафур Фулом нашриётига яқин Хадрадаги бинода жойлашган эди. Мен тўпловчи, Озод ака эса тақризчи этиб тайинланган «Адабиётимизнинг ярим асри» китобига тайёргарликнинг бориши хусусида маслаҳатлашиб олиш мақсадида иккимиз нашриёт бўлим мудири И.Фафуров хузурига ташриф буюрдик. Тўплам устидаги гап-сўзлар тугагач, Иброҳимжон иш столи устида қалашиб турган иккита қалин қўлёзма солинган жилдни устоз олдига суриб унга ички тақриз ёзиб беришни илтимос қилди. Бу тиниб-тинчимас адабиётшунос Муҳсин Зокиров тайёрлаган «Унутилган сатрлар» деб номланган мажмуа эди. Ўша йиллари Озод ака XX аср бошларидаги шеърият масалалари, биринчи галда Чўлпон ижодий мероси билан астойдил шуғулланиб юрар, жумладан, «Адабиётимизнинг ярим асри» китоби учун ёзилган «Йиллар ва йўллар» мақоласининг каттагина қисми айна шу мавзуга бағишланган эди. У киши бу таклифга бажонидил рози бўлди ва ўша кундан бошлаб «Унутилган сатрлар» дунёсига шўнғиб кетди. Икки ой деганда тақриз тайёр бўлди, уни менга ўқишга бердилар. Бу тақриз қўлёзмаси сақланганми ёки йўқми билмайман, у бутун бошли тадқиқот эди. Тақризда аср боши миллий шеъриятимиз хусусида ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар билан бирга қўлёзмани китоб ҳолига келтириш учун нималар қилиш кераклиги хусусида бир талай амалий таклифлар айтилган эди. Таҳририят тақриз билан танишиб чиққач, унда ўртага қўйилган таклифларни тўлалигича маъқуллади. Қўлёзма жиддий таҳрирга муҳтожлиги шундоққина кўриниб турарди. Уни фақат тақриз муаллифининг ўзигина уддалай олиши мумкин эди. Иброҳимжон Озод акани муҳаррирликка кўндирди. Шу тариқа устоз енг шимариб ишга тушиб кетди, бу иш қарийб икки йил давом этди.

Мен илк бор жиддий асар қўлёзмасига тақриз ёзиш, муҳаррирлик қилиш нақадар машаққатли ва масъулиятли юмуш эканини ўшанда англаб етганман. Устоз расмийчиликни жинидан баттар ёмон кўрарди. Шу сабаб, у киши сон-саноксиз расмийчиликлар талаб этиладиган докторлик диссертациясини ёзишдан воз

кечган. Аммо дилига яқин миллат маънавияти, маданияти равнақи учун ниҳоятда аҳамиятли «Унутилган сатрлар»дек китоб устида бир эмас, бир неча диссертациялар тайёрлашга кетадиган меҳнатини аямади. Аввало «Танқид сараламоқдир» (Беҳбудий) деган таомилга амал қилиб мавжуд материални талабчанлик билан элакдан ўтказди, 70—75 босма табоқлик қўлёзманни деярли уч баробар ихчамлаштириб 25 босма табоқлик изчил тизимга тушган яхлит асар ҳолига келтирди. Саралаб олинган шеърларни ўзи йиққан, ҳамкасблари қўлида сақланган нашрлар билан солиштириб чиқди, шеърлар қайси манбалардан олинганлигини аниқ кўрсатиш йўлидан борди. Кейинчалик «Тирик сатрлар»нинг тақиқланишига баҳона бўлган Мухторхон шеърларининг асл манбаи йўқлиги сабабли уни китобга кириштишга қаршилик кўрсатди, нашриёт ходимларининг туриб олишлари сабаб ноилож бунга розилик билдирди. Боз устига бу одам ҳар қанча жасур бўлмасин муаллиф ва асарларни саралаш, улар ҳақида маълумот бериш, талқин этишда барча эҳтиёт чораларини кўрди; чунончи, Чўлпоннинг энг ўткир, миллат дарди, миллий озодлик ғоялари ёрқин, ошкора акс этган асарларини четлаб ўтиб, мумкин қадар бетараф, ҳатто давр сиёсатига мос шеърларини берди.

Муҳаррир таҳриридан чиққан қўлёзма ноширларга маъқул тушди. Ойбек, М.Шайхзодадек алломалар тақризлар ёзиб, уни мамнуният билан нашрга тавсия этдилар; М.Шайхзода таклифига кўра китоб «Унутилган сатрлар» эмас, «Тирик сатрлар» деб аталадиган бўлди. Нашриёт директори хонасида йигирма чоғли ноширлар, таниқли адиб ва мунаққидлар иштирокида ўтган якунловчи муҳокама қатнашчилари уни китоб ҳолида чиқаришга қарор қилдилар. Айниқса, ўша йиғинда Зулфия опанинг бу китоб ва унга кирган Чўлпон хусусида эҳтиром билан айтган самимий сўзлари сира ёдимдан чиқмайди. Бу хусусда аввал ёзганман. Қўлёзма билан танишиб чиққан юқори идора раҳбарлари ҳам уни қўллаб-қувватлади.

Ниҳоят, китоб чиқди, китоб дўконларига ҳам етиб борди. Шу орада бир собиқ «хушёр чекист»нинг фитнаси туфайли ҳаммаси чаппасига айланди-кетди. Бу

хусусда Озод ака юқорида эслатилган мақоласида очиқ-ойдин ёзган. Қисқаси, бу китоб устида энг кўп тер тўккан ҳам, жабр чеккан ҳам муҳаррир Озод Шарафиддинов бўлди.

Устоз келтирган маълумотга кўра, дўконларда «Тирик сатрлар»нинг тахминан 500—600 таси сотилган, холос. Китоб йиғиб олиниб йўқ қилингандан кейин, уни сўраб-суриштирувчиларнинг кети узилмасди. Озод ака менга берган биргина нусхаси қўлдан-қўлга ўтиб ўзимга қайтиб келмади. Оиламиз билан Эски жўва маҳалласида, Абдулла Қодирийнинг отаси Қодир бобо яшаган, «Меҳробдан чаён»да эслатиб ўтилган ҳовлига яқин уйда турган йилларимиз Турон кутубхонасининг кунда-шундаларидан эдим. Кутубхонага бора туриб йўл-йўлакай кунда, кунора Эски жўва бозорига кираверишдаги машҳур китоб дўконига кириб, дўкон мудиринуроний отахон билан саломлашиб ўтардим. Исми шарифлари ёдимдан чиқибди, ҳар гал у киши мени дўконга тушган янгиликлардан хабардор қиларди. Бу одамнинг ҳузурларига бориб «Тирик сатрлар»дан лоақал бир нусха топиб беришни илтимос қилдим. Индинига ваъда қилинган пайтда қоғозга ўроғлиқ бир китобни кўлимга тутқазди-да, қулоғимга шивирлаб: «Эҳтиёт бўлинг, ишончли одамлар бўлса, ҳузуримга юбораверинг» дедилар. Уйга келиб қоғоз орасидан олиб қарасам, «Музнома» китоби. Ажабланиб муқовани очсам, ичида, не кўз билан кўрайки, айти «Тирик сатрлар»нинг ўзгинаси! Шундан кейин «Тирик сатрлар»ни суриштириб юрган кўплаб ишончли китоб мухлисларини бундан хабардор қилдим. Кейинчалик билсам, «Тирик сатрлар»нинг шунақа пинҳона савдоси шаҳарнинг бошқа ишончли дўконларида, вилоятларда ҳам уюштирилган экан. Ўша йиллари тақиқланган китобларга ниҳоятда ўч талабалар, ижодкор зиёлилар қўлида ёхуд танишларимнинг хусусий китоб жавонларида «Музнома»ни кўриб зимдан қувонардим.

«Музнома»га айланган «Тирик сатрлар»нинг тарихи бундай: ўша кезлари нашриётда машҳур эстон ёзувчиси Юхан Смуулнинг юксак давлат мукофоти билан тақдирланган «Музнома» асари ўзбекчага ўгирилиб чоп этилган, китоб муқоваси «Тирик сатрлар» ҳажмига ай-

нан мос келган, топқир, фидойи ноширлар «Тирик сатрлар»ни «Музнома» муқовасига ўраб гўё музлатиб ишончли одамлари — китоб дўконлари ходимлари орқали босмахонадан осонгина чиқариб тарқатишга эришганлар. Шу йўл билан тарқатилган «Тирик сатрлар» адади қанча эканини айтиш қийин, бироқ республикадаги ижодий зиёлиларнинг деярли барчаси бу китоб билан танишган. Аминманки, бу ишни уюштирган кишилар моддий манфаатни ўйлаган эмаслар. Бирор корхол юз бериб сир очилгудек бўлса, бир эмас, бир неча ҳамкасбларнинг ёстиғи қуришини ҳам яхши билганлар. Уларни мен чинакам миллат, маърифат фидойилари деб атагим келади. Бир ҳолат сира эсимдан чиқмайди. Бозори чаққон бу китобни баҳоси устига қўшиб сотиш ҳоллари бўлмаган. «Музнома»ни қоғозга ўраб қўлимга тутқазган отахонга уч сўм бериб, қайтимини рад этганимда, у киши бир оз ранжиб кўярда-қўймай чўнтагимга 18 тийинлик чақаларни солиб қўйган эди. Ўша кезлари бу чақалар билан камида тўрт марта автобусда юриш мумкин эди-да!

«Бир асар тарихи»дан «Тирик сатрлар»га бағишланган кўрсатув тугар-тугамас хонадонимизда бирин-кетин телефон қўнғироқлари жиринглай бошлади. «Музнома» муқоваси остидаги «Тирик сатрлар»га оид маълумот кўпларни ҳайратга солибди. Шуниси қизиқки, ўша кезлари «Тирик сатрлар»ни нашрга тайёрлашга бош-қош бўлган нашриёт директори таниқли шоир Рамз Бобожон ҳам, бўлим мудирини олим ва таржимон Иброҳим Фафуров ҳам беҳабар эканлар. Табиийки, бу ишга масъул бошқа раҳбар ходимлар, ҳатто хушёр махсус идора одамлари ҳам ғафлатда қолганликлари аниқ. Қарангки, «Музнома» операцияси» нақадар пухта уюштирилган! Миллат ва маънавият ҳимояси, тарғиботи ишига ҳаётини тиккан, умрини бағишлаган бундай фидойилар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Айрим ҳамкасблар «Тирик сатрлар»ни қайта нашр этиш мумкин эмасмикан, деб сўрашади. Менимча, бу китоб вақтида ўзининг тарихий миссиясини аъло даражада адо этди. «Тирик сатрлар»га қадар дарслик, ўқув қўлланмалари ва мажмуаларда XX аср бошидаги ўзбек шеърятига оид бир-икки ном, асосан Ҳамза ва унинг

шеърларигина келтирилар эди. Бу китобдан жой олган Ҳамзага замондош 41 шоир ва улар ижодидан берилган намуналар туфайли аср боши миллий шеъриятимиз ҳақидаги тасаввур бениҳоя кенгайди. Китоб Чўлпоннинг 23 та шеъри, нисбатан беозор, ҳатто замонасозлик руҳида битилган ашъорлари орасида «Қаландар ишқи», «Гўзал», «Мен ва бошқалар», «Ер асиралари», «Бинафша», «Сирлар»нинг жой олиши мислсиз ҳодиса эди. Шуларнинг ўзиёқ аср боши миллий шеъриятимиз даражаси, миқёси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни ўзгартириб юборишга қодир эди! Мен аминманки, «Тирик сатрлар»га қарши уюштирилган фитна учун «Мухторхон можароси» шунчаки баҳона, холос. Аслида, ғаламисларни биринчи галда Чўлпоннинг беназир дилбар, оловли, тагдор мисраларининг оммалашиб кетиш хавфи ташвишга солган, ғазабини келтирган. Ажаб, «Тирик сатрлар» ўтда ёқилганидан кейин Чўлпоннинг ўша оловли сатрларини юзага чиқариш учун йигирма йил керак бўлди!

Истиқлол йилларида «Тирик сатрлар»га кирган қатор шоирларнинг ижодий мероси алоҳида-алоҳида китоб ҳолида чоп этилди, жумладан, Чўлпоннинг барча асарлари, шеърлари халққа қайтарилди.

Устоз Озод ака истиқлолнинг дастлабки йилларида хайрли бир ишга қўл уриб XX аср, яъни янги ўзбек шеърияти антологияси яратишга бош-қош бўлдилар. Тўрт жилдлик антология қўлөзмаси тайёр қилиб қўйилган, «Тирик сатрлар»га кирган, кирмаган миллий уйғониш даври шеърияти намуналари антологиянинг биринчи жилдидан жой олган эди. Табиийки, эндиликда мурасасозликка ҳожат йўқлиги сабабли «Тирик сатрлар»дан жой олган ўша давр мафқурасига хизмат қилувчи бадиий бўш шеърлар, адабиёт тарихидан ўрин олмаган айрим муаллифлар бу антологияга киритилмади. Шахсан ўзим Р.Иноғомов билан ҳамкорликда антологиянинг учинчи жилдини тайёрлаган эдик. Афсуски, маблағ муаммоси кўндаланг бўлиб бу хайрли иш тўхтаб қолди. Бу орада ўн беш йил давомида бутун бошли мустақиллик даври шеърияти майдонга келди. Тайёрланган 4 жилд ёнига яна бир китоб — «Мустақиллик даври шеърияти» мажмуасини ҳам қўшиб беш жилд-

лик «Янги ўзбек шеърляти» антологияси янги алифбомизда чоп этилса, ўқув даргоҳлари кутубхоналаридан жой олса, уларнинг электрон версиялари ҳам яратилса, ғоят савоб иш бўлар, 40 йил муқаддам «Тирик сатрлар» орқали бошланган улкан ташаббус янги бир босқичга кўтарилган, миллат маънавиятини янада юксалтириш, хусусан, ёшлар қалбида эзгу туйғулар уйғотишдек савоб ишга хизмат қилган бўларди.

### **«Олтин занглас» жасорати**

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб Сталин қатағонлари расман қораланган, қатағон қурбонлари оқланган, жумладан, 50-йиллар бошларида ҳибсга олиниб борса-келмас Гулаг оролларида бадарға этилган Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукурулло, Шуҳрат каби адиблар эркинликка чиққан, ижодга қайтган, асарлари босилиб турган бўлса-да, тоталитар режимнинг мудҳиш сиёсати туғдирган қўрқув салтанати ҳамон улар кўнглига ваҳм солишда давом этарди. Шахсан ўзим 50-йиллар охирларида Саид Аҳмад ака, Шуҳрат акалар билан яқиндан танишиб, бора-бора дўстлашиб, сирдошга айланган бўлсак ҳам, давраларда лагер ҳаётидан сўз кетганида улар очилиб-ёзилиб гапиришга ботинолмас эдилар. «Нега бу мавзуда ёзмайсиз?» деб сўраганимда, Саид Аҳмад ака «Дардимни янгилашдан қўрқаман» дер, Шуҳрат ака эса «Пайти келиб қолар» дея хаёлга толарди.

Шукурулло Гулаг оролларида кўрган-кечирганларини 35 йил, Саид Аҳмад ака эса 45 йил ўтгандан кейингина қаламга олишга журъат этди. Қаҳрамон адибимиз Саид Аҳмад лагер ҳаёти ҳақидаги «Сароб», «Борса келмас даврвозаси» ҳикоялари эълон этилиши муносабати билан 2000 йил 5 майда менга йўллаган «Халқ сўзи»да чиққан очиқ хатида чуқур изтироб билан мана бундай деб ёзган:

«Азизим, Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда «Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг!» деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?»

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан

кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим.

Мана, «Борса келмас дарвозаси»га нуқта қўйдим. Ўрнимдан тураётганимда бошим айланиб, ўтириб қолдим...

Биламан, бу инсулт остонасидаги ҳолат.

Беш кун кечаю кундуз ухламай ушбу хотирани ёздим. Гўё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.

«Сароб» деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим... «Сароб»да ҳам лагер, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундоқ бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора кунлар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим...»

Мақсуд Шайхзоданинг айрим шеърларида бошдан кечган ўша қора кунлар ўкинч билан тилга олинса-да, у ҳақда махсус асар ёзишга улгурмади, 1967 йили у бу фоний дунёни тарк этди. Ўлимидан бир ҳафтача бурун устоз Озод ака билан хастахонага борганимизда, у киши билан ўтказган бир умр эсдан чиқмайдиган мароқли суҳбат чоғи, табиийки, лагер ҳаёти, у ҳақидаги асарлар устида ҳам гап кетди; шунда бу аллома «Эҳтимол, соғайсам бу мавзуда бирор нарса ёзарман. Мабодо улгурмасам, армоним йўқ. Ҳар ҳолда Шуҳрат «Олтин зангламас»да менинг ҳам қисматимни, дардимни ёздику» деган эди.

«Новый мир»нинг 1962 йил ноябрь сонидида А.Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси эълон этилганда уни илк бор Шуҳрат аканинг қўлида кўрган эдим. Журнални менга ўқишга бера туриб «Мана энди вақти келди. Сиз мени кўпдан қистовга олган нарса рўёбга чиқадиган бўлди; энди лагер ҳаётидан бирор нарса ёзмасам туrolмайдиغان ҳолатга етдим. Ҳаммасини ўйлаб, мияда пишитиб қўйганман. Мен ёзадиган нарса Солженицинникидан тамомила бошқача бўлади» деди ўзига хос қатъият билан.

Адиб 1963—64 йиллар давомида бўлғуси роман устида шиддат билан ишлади, уни икки йилдан сал ортиқроқ муддат ичида ёзиб тугатди. Асар 1965 йилнинг илк баҳор кунларида Ёзувчилар уюшмасида муҳокамага қўйилди. Қатағон воқеалари, лагер қийноқ-

лари ҳақида бу қадар ошкора ва мардона битилган асар қандай баҳоланар экан деган ваҳм муҳокама қатнашчилари, хусусан, биз каби ёшлар кўнглини ғаш қилиб турарди. Муҳокамада биринчи бўлиб Абдулла Қаҳҳор сўз олди. Бу талабчан улуғ сўз санъаткори ҳар бир чиқишига, жумладан, асар муҳокамаларига ҳам пухта тайёргарлик кўрар, айтадиган гаплари тезисларини қоғозга тушириб олар, сўзга чиққанида ўша қоғоздаги қайдларга қараб олиб гапирарди. Адибнинг уй-музейидаги архивида шундай нутқларининг қоғозга туширилган айрим қайдлари сақланган. Мен ушбу мақолага тайёргарлик кўриш асносида архив ашёларини титкилаб кўрдим, афсус, қидирган нарсамни тополмадим. Эҳтимол, у бирор жойда тургандир. Не қиларимни билмай юрганимда, «Шарқ юлдузи»нинг «Олтин занглас» романи охириги қисми босилган сони орасидан муҳокама чоғи Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор айтган гапларнинг энг муҳим жойларини ўзим ёзиб қўйган блокнот варақларини топиб олдим. Мана, ўшанда Абдулла Қаҳҳор нималар деган:

«Мен анчадан бери ўзбек адабиётида айни шундай асар пайдо бўлишини, уни эса культ даври воқеалари атрофида эмас, ичида юрган қаламкашлар ёзиб беришини кутардим. Культ даврида авж олган қўрқув туйғуси бунга йўл бермай келди. Шуҳрат қисматдошлари ичида биринчилардан бўлиб ана шу қўрқув-ваҳмни енгиб ўтолди. Муҳокамага қўйилган «Олтин занглас» романи билан у катта ижодий жасорат кўрсатди».

Абдулла Қаҳҳор сўзлари муҳокамага алоҳида руҳ бағишлади. Асқад Мухтор ва бошқа сўзга чиққанлар уни қўллаб-қувватладилар. Жумладан, Асқад ака шундай деган эди: «Халқ душманлари киму, ўзларини совет тузуми посбонлари деб кўкрагига урганлар ким — Шуҳрат ўз романида уларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб берган».

Асарнинг кам-кўстлари ҳақида одил, эсда қоладиган гапларни ҳам айни шу икки аллома айтди. «Асар тили жўшқин, халқона, мақолу маталларга бой. Аммо, — дея давом этганди ўшанда Абдулла ака, — Шуҳрат халқ мақолларини яхши билишини кўрсатиб қўйиш учун бўлса керак, гоҳо уларни ўринли-ўринсиз келти-



раверади». Устоз адибнинг яна бир мулоҳазасини ўқиб кўринг-а: «Романнинг айрим ўринлари қовоғари чаққандек шишиб турибди. Уша жойларига шўрпахта босиб шишлар қайтарилса, асар чиройи яна ҳам очилиб кетарди».

Ниҳоятда ўринли, эътирозга ўрин қолдирмайдиган бу хилдаги образли гапларни фақат Абдулла Қаҳҳоргина айтиши мумкин эди.

Шундай қилиб «Олтин зангламас»га оқ фотиҳа берилди. Шухрат ака муҳокамада билдирилган мулоҳазалар бўйича роман матнини бошдан-оёқ бир қур кўздан кечириб, уни журналга тақдим этди. «Шарқ юлдузи»нинг ўша йилги 7—8-сонларида биринчи ва иккинчи қисмлари эълон этилди, улар дарҳол одамлар оғзига тушди, журналнинг ўша сонлари қўлма-қўл бўлиб кетди. Ўқувчилар асар давомини интизорлик билан кутарди. Шунда бирдан кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. «Шарқ юлдузи»нинг навбатдаги 9-сони «Олтин зангламас»сиз чиқди. Мухлислар, эҳтимол, галдаги сонларида чиқар деб кутишди: йўқ, ўнинчи, ўн биринчи сонларида ҳам чиқмади. Журнал таҳририятига, адиб хонадонига телефон орқали кўнғироқ қилувчиларнинг кети узилмасди. Эл орасида ваҳимали миш-мишлар тарқалди — бирор кор-ҳол юз бергани аниқ. Дарҳақиқат, бу тасодиф эмас, махсус идора одамлари уюштирган фитна оқибати эди. Вазиятнинг чигаллиги яна шундаки, ўша кезлари Сталин қатағонларини фoш этган бош раҳбар лавозимидан четлатилиб, ўрнини турғунлик дояси саналмиш кимса эгаллаган ва у яқин ўтмиш жароҳатларини ҳар жиҳатдан хаспўшлаш сиёсатини бошлаб юборган эди... Ўша пайтлари Шухрат аканинг афтодаҳол чеҳрасига кўзим тушиб эзилар, ҳатто «Нима гап?» деб сўрашга ҳам тилим бормасди. Лекин у ҳам бўш келмади, ғанимлар билан мардона кураш олиб борди, ўзининг ҳақлигини исботлашга тиришди, бу ҳаёт-мамот жангида журнал бош редактори Ҳамид Фулом ҳам адиб ёнида туриб берди. Роман давоми бутунлай чиқмай қолса ижодкор зиёлилар орасида норозилик юз беришини назарда тутиб махсус идоралар охири ён берди. Муайян чекиниш, мурсою мадора билан бўлса-да, роман муаллифи охир-оқибат голиб чиқди; роман учин-

чи қисмидаги бир қатор «қалтис ўринлари» таҳрир этилиб тузатиладиган, ижобий руҳда қаламга олинган чекист образи фаолияти кенгайтириладиган бўлди. Асар атрофида ортиқча шов-шувлар кўтармаслик бўйича кўрсатмалар берилди. Ниҳоят, журналнинг охириги 12-сонидан романнинг жиддий назардан ўтган учинчи қисми босилди. Ўқувчилар учун байрам бўлган бу асарни матбуот совуқроқ қарши олди. У ҳақда икки-уч силлиқроқ тақриз чиқди, романнинг бош муаммоси бу ёқда қолиб, иккинчи даражали ўринлари, персонажлари устида андак баҳс бўлиб ўтди. Шунга қарамай, асарга қизиқиш тобора ортиб борди, у бир неча бор қайта нашр этилди. Бу ҳол юқори доирадаги масъул шахсларнинг гашини келтирарди. Орадан кўп ўтмай адиб журналдаги масъул котиблик лавозимидан кетди, жамоат ишларидан бутунлай четлаштирилиб «эркин ижодкор»га айланди. Энг ачинарлиси, «Олтин зангламас»ни қўлдан чиқариб доғда қолган кимсалар адибнинг галдаги романи «Жаннат қидирганлар»га қарши ҳаммага ўтдилар. Жанжал тобора кескинлашиб партия Марказий Кўмитасида муҳокама қилиш даражасига етиб борди. Инсофли, адолатли оқил ижодкорларнинг қатъий туриб олишлари туфайли бу роман ҳам аждаҳо комидан омон чиқди. Бироқ роман муаллифига нисбатан совуқ муносабат тўхтамади. Унинг ижодий меҳнатлари муносиб қадрланмади. Шуҳрат ака ҳар қанча жасур, матонатли, шахси бутун сиймо бўлмасин, бундай кўргиликлар кун-бакун унинг соғлиғини емира борди, пировардида инсулт бўлиб тилдан қолди, оғир дард билан мардона олишди, умрининг охирига қадар қўлдан қаламини қўймади. Унинг бахти, омади шундаки, у ўзи орзу қилган чин адолат, озодлик эпкинлари эса бошлаган кунларни кўрди. Ватаң, халқ, адабиёт олдидаги хизматлари тақдирланиб «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони билан тақдирланди; вафотидан кейин эса «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Дадил айтиш мумкинки, Шуҳрат шеърини, қисса ва бошқа романларини асло камситмаган ҳолда, адибнинг миллий адабиётимиз равнақидаги энг муҳим хизмати, бош асари «Олтин зангламас» романидир. Бу

романи билан у тарихдаги буюк миссиясини адо этди, биринчи бўлиб ўз авлоди, аниқроғи, қатағон қурбонлари бадий биографиясини яратишга журъат этди ва бунга эришди.

Гоҳо оғзига кучи етмаган андишасиз кимсалар «Олтин зангламас» муаллифини «замонасоз»ликда, «қизиллашиб кетган»ликда айблайдилар. Асар бош қахрамони Содиқ коммунист қилиб берилгани, уни босмачи Диловархўжага қарши қўйилгани учун муаллиф шаънига маломатлар ёғдирмоқчи бўладилар. Ҳозирги мустақиллик даври нуқтаи назаридан ёндашилса, бундай таъна-дашномларда қисман асос бор, албатта. Азизлар, ўзимизни гўлликка олмайлик, асар қайси даврда, қандай шароитда ёзилганлигини, журналда босилиш жараёнида бошига қандай савдолар тушганини унутмайлик! Ўша кезлари «Олтин зангламас» шу ҳолда чиқишининг ўзи ҳам бир мўъжиза эди. Ахир «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси политбюро томонидан шахсан Хрущёвнинг қатъий талаби билан қабул қилинган қарордан кейингина журналда босилган. Солженициндек ўжар, қатъиятли одам ҳам ўз асарини журналга мослаштириб кескин ўринларини юмшатиб берган. Мана шу ҳол ҳам ўша кезлари вазият нақадар кескин эканлигини тасдиқлайди. Ўзбекистондаги вазият ундан-да оғир эди. «Олтин зангламас» журналда босилгандан кейин орадан уч йил ўтиб чиққан «Ёшлар билан суҳбат», «Тирик сатрлар» китоблари арзимас баҳоналар билан таъқибга учраб ўтда ёқилди-ку! «Олтин зангламас»даги «замонасозлик», «қизиллашиш» пардаси ортида турган мардона ҳақиқат — Сталин қатағонларининг, қамоқ ва лагер қийноқларининг бу қадар ошқора ифодаси — асардаги ўқувчилар кўзини очган, ларзага солган асосий жиҳатлар — ана шулар. Шуҳрат мана шу улкан жасорати билан ўзига мангу ҳайкал қўйди.

## IV. АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

### Романнинг янги умри

*(Дилмурод Куронов билан суҳбат)*

**Д.Куронов:** — Ҳурматли домла, мана, XX аср ҳам поёнига етди. Ниҳояланаётган аср адабиётимиз учун улкан бурилишлар, ўзгариш, янгиланиш даври бўлганлиги шубҳасиз. Миллий адабиётимиз XX асрда янгиланиш йўлига, жаҳон адабиёти тараққиётининг бош ўзанига ўтиб олганлиги маълум. Аср сарҳисоби бошланган экан, адабиётшунослик олдида миллий адабиётимизнинг тараққиёт йўлини тадқиқ этиш, ундаги бурилишлар, ривожланиш ва депсинишларнинг илдизларини очиб бериш вазифаси турибдики, назарий асосда умумлаштирилган ютуқлар адабиётимизнинг янги асрдаги тараққиётига асос, йўқотишлар сабоқ бўлмоғи лозимдир. Албатта, бу мақсадга эришиш учун йирик фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш зарур бўлади. Биз даъвони кичикроқ олиб, масаланинг муҳим бир қисми — миллий романчилигимиз, хусусан, унинг истиқлол йилларидаги тараққиёти хусусиятлари ҳақида фикрлашсак. Домла, сизнингча, бу давр ўзбек романчилигидаги энг муҳим хусусиятлар, ўзгаришлар, таъмоиллар нималарда кўринади?

**У.Норматов:** — 80-йиллар ўрталаридан юз берган жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маънавиятидаги кескин ўзгариш, эврилишлар туфайли аср давомида шаклланган янги ўзбек адабиёти ривожда, барча адабий тур, жанрларда туб янгиланиш жараёни бошланди. Истиқлол йилларида эса бу жараён изчил тус олди. Энг асосийси, бу даврга келиб чинакам фикр эркинлиги, хилма-хил мафкуравий, ижодий-эстетик оқимлар, адабий мактабларнинг шаклланиши учун замин ҳозирланди. Биласиз, мустабид тузум даврида ҳам адабиётнинг бойлиги, ундаги хилма-хиллик ҳақида кўп

гапирилар эди. Бироқ ранг-баранглик, хилма-хилликни марксизм-ленинизм мафқураси, социалистик реализм доирасида тушунилар, бундай дунёқараш, методдан салгина четга чиқиш катта гуноҳ саналарди. Ранг-баранглик, хилма-хиллик деганда асосан шакл, услуб, нари борса услубий оқимлар хилма-хиллиги тушунилар, социалистик ақидалар қолипига тушмайдиган жамики қараш, талқинлар марксизмга зид тамоёиллар сифатида қатъиян рад этилар эди. Етмиш йил давомида ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини, миллат онгини забт этиб ўз йўриғига юришга мажбур этган ҳукмрон мафкура емирилгач, бизнинг миллий адабиётимизда ҳам фалсафий-эстетик жиҳатдан ранг-баранг, хилма-хил йўналишга мансуб асарлар, жумладан, романлар пайдо бўла бошлади. Чунончи, 90-йиллари моддий дунё қонуниятларига, тарихийлик, ижтимоий таҳлил мезонларига қатъий амал қиладиган анъанавий реализм билан баробар диний-исломий талқин устивор қатор асарлар майдонга келди. Шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули эмас, кўпроқ илоҳий, туғма-табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий-тарихий шароит — тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини бадиий тадқиқ этувчи, экзистенциализм фалсафасига таянувчи, аниқроғи, шундай талқинларни ўз ичига олувчи романлар ҳам яратила бошлади. Бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида бутун кескинлиги, фожиаси билан очиб берувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар хийла кўпайди. 90-йиллари деярли барча тур, жанрларда бўлгани каби ўзбек романчилигида модернизмнинг қарор топиши, муайян миллий адабий анъана тусини олиши даври бўлди. Аср поёнига келиб ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида модернизм ва анъанавийлик теварагида қизғин мунозаралар бошланиши тасодифий эмас. Бу ҳол адабий жараённинг ўзида юз берган туб янгиланишларнинг адабий жамоатчилик руҳиятидаги, кайфиятидаги акс-садосидир.

60—80-йиллар давомида миллий романчилигимизда аср кишисининг машаққатли умр йўли, тақдири ҳақида ҳикоя қилиш, қисмати, ҳаётий тажрибаларидан сабоқ чиқаришга интилишдан иборат бир анъана шаклланган эди. Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Шухратнинг «Олтин зангламас», О.Ёқубовнинг «Диёнат», «Оққушлар, оппоқ қушлар», У.Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романлари айти шу муштарак жиҳатлари билан ўзига хос туркумни ташкил этади. Бу асарлар шўро даври ҳаётининг салбий жиҳатларини, ички зиддиятларини, адолатсизлик ва шафқатсизликларини дадил кўтариб чиққанлиги билан ўз даврида жамоатчилик эътиборини тортган, катта қизиқиш уйғотган эди. Бироқ бу асарларда ҳали бутун бошли ижтимоий тузумнинг, шу тузум учун ҳаётини тиккан шахс фаолиятининг фожиали илдизларини таг-туғи билан очиб бериш етишмайди. Бизнинг шароитимизда улардан буни кутиш ўринсиз. 80-йиллар охирларига келиб аср одамлари умри ва фаолиятининг бемаънилигини ўзига хос тарзда дадил ва яққол акс эттирувчи бир роман дунё юзини кўрди. Бу Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор»идир. «Лолазор» орқали ўзбек романчилиги, қолаверса, миллий адабиётимизга абсурд туйғуси ва ғояси кириб келди. Роман бутун умри пуч ғоялар асосида юртни лозазорга — бўстонга айлантириш орзусида ўтган одамнинг, адашган, алданган кишиларнинг аянчли қисмати ҳақида баҳс этади. Истиқлолдан анча бурун роман муаллифи ўз қаҳрамонлари таянган ақидалар абсурд — маънисиз, ўлимга маҳкум эканини фавқулодда бир маҳорат билан очади; бутун бошли йирик роман саҳифаларида мавж уриб турган ажиб бир поэтик оҳанг — киноя-кесатиклар орқали ўзининг бадиий ҳукмини ўқийди.

«Лолазор»да намоён бўлган абсурд туйғуси ва ғояси 90-йиллар бошларида бирин-кетин эълон этилган эпик асарлар — У.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Ш.Холмирзаевнинг «Олабўжи», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», О.Ёқубовнинг «Адолат манзили» ва, ниҳоят, Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа»дан бошланган янги туркум ро-

манларида турли-туман кўринишларда изчил давом этди...

**Д.Қуроноф:** — Домла, кечирасиз, фикрингизни бўламан. Адабиётимиздаги, хусусан, ёшлар ижодидаги изланишларга хайрихоҳлигингиз кўпчиликка маълум, ишонаманки, бу нарса ёшлар томонидан тегишлича қадрланади ҳам. Айни пайтда, буни «модерн услубида ёзилган асарлар ҳақида сўз юритганда асл моҳиятига етмай маҳлиё бўлиш» сифатида баҳоловчилар ҳам йўқ эмас. Албатта, мазкур масала юзасидан кескин баҳслар кечаётган бир пайтда шундай бўлиши табиий ҳам. Нима бўлганда ҳам, кейинги вақтдаги чиқишларингизда, суҳбатларингизда «абсурд туйғуси», «абсурд асар» каби тушунчаларни бот-бот ишлатасиз. Шу масалага мавзумиз доирасида кенгроқ тўхталсангиз.

**У.Норматов:** Албатта, юқоридаги романларнинг фазилати, аҳамияти фақат тоталитар режим танқиди, адашган, алданган шахслар умрининг бемаъни — абсурддан иборат эканини очиб берганлиги билангина чекланмайди. Ҳозирги жаҳон адабиётшунослигида бадиий асар қиммати, даражаси биринчи галда унда ҳаёт ва шахснинг янгича концепцияси ҳамда бадиий талқини, ифодасига қараб белгиланади. Шу юксак умумбашарий адабий-бадиий мезонлар асосида ёндашиладиган бўлса, Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романи 90-йиллар ўзбек адабиётидаги жиддий воқеа, муҳим янгиликдир. Бир қарашда роман янги ўзбек адабиётида муайян анъанага айланиб қолган мавзу-муаммолар — мустабид тузум танқиди, афғон уруши, «ўзбеклар иши» қурбонлари ҳақида баҳс этади. Бироқ бадиий асарда, хусусан, романда ёзувчининг янги сўзи у яратган жонли ва кўламли шахслар тимсоли орқали гавдаланади. «Тушда кечган умрлар» романидаги талай персонажлар, хусусан, икки ёрқин қаҳрамон — Рустам ва Комиссар образларини ёзувчининг бугунги адабиётимиздаги янги сўзи, бадиий кашфиёти деса бўлади.

Рустам — фожиавий шахс. Катта ҳаётга эндигина кириб келаётган, она юртнинг етук бир фарзанди, содиқ фуқароси бўлиши, эл-юрт учун кўп ишлар қилиши, севгилисига васлига эришиб бахтли ҳаёт кечириши мумкин бўлган бу навқирон ўғлон умри ўн гулидан

бири ҳам очилмай туриб хазонга айланади. Унинг ҳаёти-ни мустабид тузум, тоталитар режим сиёсатини юргизганлар, афгон урушини бошлаганлар, «ўзбеклар иши», «пахта иши» можаросини ўйлаб топган ғаламислар завол этади. Рустам ҳалокати мана шу мудҳиш сиёсатга зўр бир айбнома каби янграйди.

Биламизки, ҳар қандай салмоқдор, эзгу ғоя санъаткорона ифодасини топган тақдирдагина қудратли куч касб этади, асар ғояси эса ўқувчи қалбини асир етдиган яхлит сирли-сеҳрли тасвир оҳанги орқали пафосга айланади. «Тушда кечган умрлар» романи «Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди» сўзлари билан бошланади. Илк жумладаги мана шу маънос, мунгли оҳанг асар давомида товланиб, гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тус олиб вужуд-вужудингизни қамраб олади. Асар қаҳрамони қисмати бошдаги ўша мунгли сўзлар билан интиҳосига етади. «Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди» жумласи фақат қаҳрамон қисматидагина эмас, асарда акс этган давр, муҳит, жамиятга ҳам дахлдор — дарҳақиқат, ўша йиллари жамият бамисоли ўлим тўшагида ётган бемордек талвасада. Ўзбек адабиётида бу қадар маънос, мунгли романни ҳозиргача ўқимаган эдик. Роман бу жиҳатдан Ҳазрат Навоийнинг энг ҳазин, мунгли достони «Лайли ва Мажнун»ни ёдга солади. Достонни ўқиётиб сиз Лайли билан Мажнун бу фоний дунёдан бахт тополмаслигини, чексиз ғам-андухлардан фақат ўлиб қутулишлари мумкинлигини ҳис этиб турасиз. «Тушда кечган умрлар» романида ўзгача давр, ўзгача вазият, муаммо, можаролар. Бироқ бош қаҳрамон бошига тушган савдолардан қутулиш йўли ўша — Рустам типига орийатли, виждонли йигитни бу мудҳиш кўргуликлардан ўлимгина мосуво этади. Менимча, чуқурроқ карасак, Рустам образи талқинида экзистенциализм фалсафасининг таъсири сезилади...

**Д. Куронов:** — Дарҳақиқат, агар «Тушда кечган умрлар» романини экзистенциализм нуқтаи назаридан тushунмоқчи бўлсак, Рустам образи талқинида ўзига тамомила «бегона дунё»да, ўзига «душман дунё»да яшаган шахс фожиасини кўрамиз. Рустам ўзи яшаётган дунёда ўзини мутлақ «бегона» ҳис қилади, ўз дунёси-



дан мантиқ, ҳаётдан маъни тополмай қоладик, айна шу шароитда унинг қаршисида «ҳаёт яшаб ўтишга арзийдими?» қабилдаги абсурдга хос савол кўндаланг бўлди. Абсурд фалсафасининг отаси Камю: «Инсон онгидан ташқарида абсурд мавжуд эмас. Унинг ўлими билан, бошқа барча нарсалар каби, абсурд ҳам йўқ бўлади», — деб ёзади. Айна пайтда, Камю инсоннинг ихтиёрий ҳаётдан кетишини ҳам ёқламайди, аксинча, унинг талқинида «исён ўлим эмас, ҳаёт манбаидир. Унинг туб моҳияти — вайронкорлик эмас, бунёдкорлик мантиғидир». Яъни, инсоннинг исёни воқеликни ўзгартиришга, тартибсизликни (хаос) уйғун тартибга (гармония) келтиришга қаратилиши лозим. Шу билан бирга, Камю — пессимист, дунёни муайян тартибга, бир пайтлар маърифатчилар ўйлагандек инсон уни «ақлга мувофиқ ҳолга келтира олишига» ишонмайди (аслида, модернизм дунёқараш сифатида маърифатчиликнинг тўла инкори бўлиб майдонга келган). Демак, Камю талқинидаги инсон мавжудлигининг шарти бўлмиш «исён» ҳам аввалбошдан абсурд — сизиф машаққатидан ўзга эмас, у инсоннинг ўзи учунгина керак, унинг ўз ҳаётида маъни бор деб ўйлаши учун алдов, холос. Айна шу ўринда «Тушда кечган умрлар»даги ва Камю талқинидаги «абсурд» орасида улкан фарқ мавжудлиги кўзга ташланади. Ў.Ҳошимов умидворлик ҳиссидан мосуво эмас, унинг учун «абсурд воқелик» жамият тараққиётидаги бир босқич, «абсурд туйғуси» шу босқичда йўлсизликдан қийналаётган шахс дунёқараши, кайфиятидаги муваққат ҳолат. Камю учун эса, маълумки, абсурд — универсал ҳодиса, у абсурд тушунчасини инсониятнинг тонгидан шомига қадар, азалдан-абалга қадар тадбиқ этади...

Домла, ҳозир мавриди келиб қолди, шу ўринда адабиётшунослигимиздаги модернизм масаласидаги сўнгги баҳсни эслагим келади. Хусусан, унда адабиётшунос С.Мели: «модерний йўл ... инсоният бадий тафаккурини чуқурлаштиришда, инсон руҳияти пучмоқларига кириб боришда муайян ютуқларга эришди» деркан, Фарбнинг қатор адиблари «модернизмнинг таллай ютуқларини реалистик тасвир доирасига олиб кириб, катта бадий кашфиётларга эришган»лигини таъ-

кидлайди. Назаримда, Ў.Ҳошимов ҳам айна шу йўлдан борди, у ғарб адабиётига хос жиҳатларни ижодий ўзлаштирди. Модернизмга хос хусусиятлар миллий-адабий анъаналар заминидан ижодий ўзлашгани учун ҳам «Тушда кечган умрлар» ҳақида сўз борганда муаллифни «ғарбга тақлид қилиш»да айблаш (ёки алқаш) бирорнинг ҳаёлига келмайди. Дарвоқе, биз осонгина «тақлид» деб атайдиган ва кўпроқ сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиқиб оқ аввалдан бирмунча салбийроқ муносабатда бўладиган ҳодиса аслида жуда мураккаб, адабий-бадиий жараёнда қонуният мақомидаги ҳодисадир. Айтмоқчиманки, баъзан баҳс қизигида «адабий таъсир»ни ҳам «тақлид» тушунчасига кўшиб юборамиз, иккисига-да бир кўз билан қараймиз. Ҳолбуки, миллий адабиётимизга ғарб адабиётига хос қандайдир жиҳат кириб келаётган экан, демак, шунга эҳтиёж етилган. Айттайлик, «Лолазор» романида «абсурд туйғуси» энг кучли ифодасини топгани бежиздан эмас: асар ёзилган пайтга келиб ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш борасидаги ғояларга бот-бот алданган жамиятимизнинг ўзида шу туйғу етилган эди. Қизиги шундаки, экзистенциализм (жумладан, абсурд) фалсафаси 50—60-йилларда ғарб зиёлисининг маънавий-руҳий қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаган бўлса, 80-йилларга келиб унинг таъсири сусайган (аниқроғи, бу вақтга келиб мазкур фалсафанинг мақбул жиҳатлари ғарб маънавиятига сингишиб кетди, номақбуллари инкор қилинди) эди. Бизда эса, масалан, абсурд туйғуси айна шу вақтдагина, яъни, уни тақозо этадиган ва у сингишадиган шароит етишгандагина пайдо бўлди. Иккинчи томондан, экзистенциализм (жумладан, абсурд) фалсафаси адабиётимизга бевосита биринчи манбалар орқали эмас, адабиёт ва санъат асарлари орқали кириб келган эди. Шу боис ҳам ўзини «модернчи» деб билмаган (танқидчиликдан ҳам бу хил «ёрлиқ» олмаган) адибларнинг асарларида ҳаётнинг, шахснинг бадиий талқинида мазкур фалсафанинг таъсирини сезишимиз мумкин бўлади...

**У. Норматов:** Инсон, шахс жумбоғи, бу жумбоқни ечишга интилиш, инсон ҳаёти моҳиятини англашга, шахс табиати ва руҳиятини тафтиш ва таҳлил қилиш-

га интилиш — романнинг, умуман, бадиий адабиётнинг бош вазифаси. XX аср давомида роман шакли, ифода усуллари жуда кўп ўзгаришларга дуч келса-да, инсон талқини узоқ вақт ўзгаришсиз қолиб келди. Фақат аср сўнгига келибгина ижодкор инсонни англаш бобида якка ҳоким дунёқараш, мафкура тазйиқларидан қутулди, шахсни турли фалсафий-эстетик қарашлар нуктаи назаридан бадиий талқин қилиш имконига эга бўлди. Назаримда, сўнгги йиллар ўзбек романчилигидаги ўсишни — ўсиш эса, шубҳасиз, мавжуд — таъмин этган энг муҳим омил шу бўлса ажаб эмас. Бир қарашда кейинги ўн йил мобайнида яратилган романларнинг аксарияти истиқлол арафасидаги, мустабид тузум давридаги ҳаётни бадиий таҳлил этишга қаратилгани тематик жиҳатдан торликдай, бир хилликдек таассурот қолдириши мумкин, эҳтимол. Бироқ, менимча, бунда ҳам табиий, қонуний ҳолни кўрганимиз тўғрироқ бўлади. Негаки, кечаги кунимиз мана энди энди ижодкорларимиз учун чинакам эстетик объектга айланиб бормоқда Зеро, ижодкор (жумладан, бошқалар ҳам) эндигина у давр ҳаётидан ростмана узилиб, унга тугал бир босқич сифатида четдан қараш, холис ва атрофлича чуқур мушоҳада қилиш имконига эга бўлди. Даврдан узоқлашганимиз баробари, асардан-асарга унинг бадиий талқини чуқурлашиб бораётгани бунинг ёрқин далили бўлганидек, ҳали бу мавзунинг «ёпилмаган»идан ҳам далолатдир. Иккинчи томондан, тематик жиҳатдан яқин, юзаки қараганда бир-бирига ўхшаш асарларда талқинлар турфалиги, ижодкор шахсий нуктаи назарининг тобора бўртиб бораётгани адабиётимизнинг эртасидан хайрли фолдир. Айтайлик, ўша давр ижтимоий ҳаёти жараёнларининг, абсурд воқеликнинг шахс табиати, руҳиятига таъсирини ўрганган адиблар ижодида бир қарашда ўхшаш, аслида бир-биридан жиддий фарқланувчи образлар(типлар) яратилди. Мен бу ўринда «Тушда кечган умрлар»даги Комиссар, «Олабўжи»даги Тўқлибой Қўчқоров, «Отамдан қолган далалар» романидаги Деҳқонқул образларини назарда тутмоқдаман.

Биринчи қаҳрамон — Комиссарнинг Соат Фаниевич деган бинойидай исми шарифи бор. Бироқ исми

шарифидан кўра Комиссар деган лақаби унга кўпроқ муносиб (буни муаллифнинг жажжи топилмаси деса ҳам бўлади). У шахс эмас, касб, мансаб-мартаба, мафкура одами; бу одам бутун умри давомида мустабид тузум, тоталитар режим мафкураси, сиёсати қалқони ва қиличи сифатида иш кўрди, неча минглаб одамларнинг ҳаётини, дилини жароҳатлади, ёстигини қуритди.

Шуниси ҳам борки, бу одам ҳаётининг кузи аллақачон бошланган, у ҳам ўлим тўшагида ётган беморни эслатади. Бироқ у буни тан олгиси келмайди, аллақачон отдан тушган бўлса-да, эгардан тушмаган. Муштипар аёли оламдан ўтди, фарзандлари, келинлари ўзгача йўл танлаб ундан юз ўгирди, иккинчи умр йўлдоши унга хиёнат қилди; ҳаётда биронта дўсти, таянчи қолмади; у суйанган жамият, эътиқод қўйган мафкура нуради, қулади... Ўзини билган, англаган одам учун булар нақадар катта фожиа! Бу кимсанинг фожиаси шундаки, у мана шундай фожиани ҳис этишдан маҳрум, шу ҳолда ҳам инсон қиёфасидаги махлуқ ҳеч нарса кўрмагандек яшашда давом этади... Ҳаётининг ҳар қандай маънидан мосуволигини бир лаҳза бўлсин ўйлаб кўрмаган, ўйлашдан ожиз Комиссарни «яшади» деб бўладими?! Қарангки, мустабид тузум Комиссарнинг ҳаётини абсурдга айлантирган, айти пайтда, у ўша мустабид тузумнинг «винтчаси» ҳам ва шундайлигича қолди — абсурд шунчалик бўлади-да!

Комиссардан фарқли ўлароқ, Тўқлибой Кўчқоров мавжуд воқеликни анча теран идрок қилади ва айти шу идрок этилган воқелик унинг руҳиятидаги эврилишларга олиб келади. Тўқлибой Кўчқоров ҳақиқий арбоб, у районда партия сиёсатини изчиллик билан ўтказди, котиблик вазифасини қойил қилиб адо этади, яхши, истеъдодли одамлар ҳисобига партия сафини мустаҳкамлаш пайида бўлади. Аслида у зиёли-ўқитувчидан чиққан раҳбар ходим, у янгичадан ҳам, эскичадан ҳам дурустгина хабардор; «рўзи машҳар»ни ҳам эслаб туради; ўз соҳаси — халқ тарихини дуруст билади, кўпгина тарихий воқеа-ҳодисалар хусусида ўзининг мустақил-изчил қарашлари бор. Айти пайтда у шеърият шайдоси, шоир, журналистларни ҳурмат қила-

ди, ўзи ҳам шеърлар ёзиб туради. Қизиғи шундаки, район миқёсида партия сиёсатини изчил ўтказиши лозим бўлган, амалда юқоридан белгиланган буйруқларни сўзсиз бажарадиган, бажартирадиган бу раҳбар ходим ичдан партия сиёсатини, эътиқодини қабул қилмайди, қилолмайди; хийла ақлли, фикрлайдиган бу одам мавжуд тузумнинг турган битгани бюрократияга, қоғозбозликка асосланганини, мустабид давлату тузумнинг таги бўш эканини, уни зулм ва қўрқитиш қуролларигина ушлаб турганлигини яхши англайди; у босмачи деб бадном этилган миллий-озодлик курашчиларининг, «пантуркист» деб номланган истиқлол фидойиларининг тарихдаги асл ўрнини, хизматини руҳан қадрлайди, катта қурбонлар эвазига бўлса-да истиқлол амалга ошишини истайди; Тараканов типидagi мараз одамларнинг кирдикорларини миридан-сиригача биледи; давлат, партия ҳозир ўтказаятган сиёсат — маданий-диний қадриятларнинг оёқости қилиниши, юрт бойликларининг таланиши, она табиатнинг топталиши, мактаб ўқувчиларининг ёш умри оғир меҳнатда хазон этилаётгани каби нохуш ишлардан куюнади, куюнади-ю, барибир ижрочи арбоб сифатида бу хато, адолатсиз сиёсатни изчил давом эттираверади, чунки у ўзини мустақил арбоб эмас, шунчаки бир кўғирчоқ, итоаткор, қарам, шу ҳокимиятнинг қули эканини, фақат эгарда ўтирганини асло унутмайди, унутолмайди. Бир район ҳудудида расман ҳокиму мутлақ саналган бу шахс — ожиз нотавон бир кимса, ўзи кўриб билиб турган қабоҳатларга, хато сиёсатга қарши боролмайди, ҳатто унда қабоҳатларга қарши исён учқуни ҳам йўқ. Демак, у аросатдаги одам, унда мустаҳкам имон-эътиқод, юксак мақсад йўқ. «Бу дунёнинг ишларини ўйлайверсанг, жинни бўласан» дейди у. «Йўлсизлик»ка мубтало имон-эътиқодсиз бу одам энди ўзини айш-ишратга уради, яшаб қолишга ҳаракат қилади, шу тариқа ўзини овутади. «Ҳа, унинг асл ғояси — яхши яшаш». Бу каби имон-эътиқодсиз, субутсиз кимсалар олдида гуноҳу жиноятлар учун ҳеч қанақа тўсиқ — инсоф, андиша, шарм-ҳаё, оллоҳ ва бандаси олдида ҳадик-қўрқув, масъулият ҳисси бўлмайди. Буни қарангки, Комиссар билан Тўқлибой Кўчқоров моҳиятан бир-

дек, зеро, улар мустабид жамиятнинг икки турли сифат кўриниши (бири қатағонлик, иккинчиси турғунлик) маҳсулларидек таассурот қолдиради. Шунга кўра уларнинг иккисини истаганча қиёсласа, улардан қай бири мудҳишроқ, аянчлироқ, фожиалироқ эканлигини мулоҳаза қилаверса бўлади...

**Д. Куронов:** Домла, бу гапларингиз мени юқорида айтганим ўзини «модернчи» деб билмаган адиблар ижодида ҳам модернизм хусусиятлари борлиги ҳақидаги фикрда собит қилади. Гап шундаки, мен айтмоқчи бўлган таъсир асарнинг шаклий хусусиятларида эмас, аввало мазмунда — дейлик, шахс муаммосининг қай тарзда кўйилгани, инсоннинг қай тарзда талқин қилинганида кўрилади. Юқорида кўрганимиз ҳар икки қаҳрамон талқинида ҳам масала «у яшадими?», «унинг ҳаётида маъни борми?» қабилида кўйилганки, «яшамоқ» ва «бор бўлмоқ» тушунчаларини фарқлаш экзистенциализм фалсафасида марказий масалалардан бири саналади. Масалан, экзистенциалистлар, хусусан Сартр талқинича, эрксиз одам инсон сифатида фаолиятда бўлмайди, у — «бор», лекин «яшамайди». Яъни, эрксиз одам бир буюм сингари мавжуд холос. Шунга ўхшаш, Комиссар ҳам яшамайди, у — «бор», холос. Нега? Инсон ўзи мансуб муҳит таъсиридан холи бўлолмаслиги табиий. Экзистенциалистлар (хусусан, Хайдегер) инсоннинг «дунёда мавжудлиги» ўзида, бир томондан, унинг «ўзгалар билан мавжудлиги»ни, иккинчи томондан, «ўз-ўзининг мавжудлиги»ни тақозо қилишини таъкидлайдилар. Гап шундаки, инсоннинг ўзлиги (Dasein) «ўзгалар билан мавжудлик»дагина намоён бўлади, зеро, ўзига хослик, ўзлик ўзгалардан фарқлиликдагина кўрилади. Фақат эркин одамгина «ўзгалар билан мавжудлик»да ўзига хослигини сақлаши, ўз ҳолича қолиши мумкин. Эрксиз одам эса ўзлигини намоён қилолмайди, уни муҳофаза қилишдан ожиз ва шу боис ҳамма қатори одамга (Man) айланади — ўзлигини, қиёфасини йўқотади. Тоталитар тузум шароитида — эркинликнинг ҳар қандай кўринишлари бўғилган, барчанинг бирдек бўлиши рағбатлантирилган бир замонда — неча минглаб Соат Фаниевичларнинг комиссарларга айланиши табиий эмасмиди?! Шунингдек, мавжуд тузум-

нинг туб моҳиятини дурустгина англаган ва, айти пайтда, бу тузум ўзидан нимани талаб этишини жуда яхши билган минглаб Тўқлибой Кўчқоровларнинг ўзлигигада хиёнат қилишию худбин кимсаларга айланиши ҳам табиий кўринади. Дарвоқе, менимча, Тўқлибой Кўчқоров асло йўлсизликка мубтало одам эмас. Аксинча, ўз вақтида унинг қаршисида ҳам танлов имконияти бўлган: у ё ўзлигига содиқ қолиб камсукум-камтар умргузаронлик қилиши ва ё ўзлигига хиёнат қилиб арбобга айланиши мумкин эди. У кейингисини танлади ва бунинг эвазига эркини, ўзлигини қурбон қилди, зеро, инсон «ё ҳар вақт ва тўла эркин, ё эркин эмас» (Сартр) — қисман эркин бўлиши мумкин эмас.

Табиийки, шуларга ўхшаш кишилар, шуларга ўхшаш тақдирлар воқелигимизда мавжудлиги учун ҳам улар реалистик йўналишдаги адабиётимизда ўз аксини топаётир. Демак, юқоридагича талқинлар фақат «тақлид», «адабий таъсир» билангина эмас, аввало ўша асарлар яратилган (ўша асарларда акс эттирилган) давр ижтимоий-тарихий шароити ва бир пайтлар Фарбда шу нав фалсафани вужудга келтирган ижтимоий-тарихий шароит орасидаги муштарақ, ўхшаш нуқталар билан ҳам изоҳланиши зарур кўринади. Шу маънода, менимча, модернизм масаласидаги баҳсда С.Мелининг адабиётимиздаги янгича изланишларни кўпроқ «тақлид» сифатида баҳолаши анчайин кескин ва баҳслидир. Мунаққиднинг «модернизм Фарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди» деган ҳукми яна эскича мафкуравий тақиқ йўлини ёдига солганми, кейинги пайтларда ўзининг жиддий танқидий чиқишлари билан диққатни тортган Б.Рўзимухаммад ҳам шунга яқин оҳангда жавоб қилмоқчи бўлади. Ҳолбуки, бу руҳдаги «баҳсда ҳақиқат кўмилади» — асло «туғилмайди». Аввало, С.Мели — зукко, билимдон адабиётшунос, у модернизм ичида салбий — инсонийликка зид ҳодисалар ҳам мавжудлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам у «бу йўл фақат услубгина эмас. У ўзига хос мафкура ҳам» деб куюнадики, буни билмайдиганлар, билса ҳам «шўро даврида шундай уқтириларди» қабилида ўйлаб ишончсиз, эътиборсиз қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг зидди си-

фатида Б.Рўзимуҳаммад модернизмда асосан бадиият ҳодисасини кўришга мойил. Хуллас, баҳсда кутбий мавқени эгаллаган икки киши аслида битта нарса ҳақида гаплашишади-ю, бироқ ҳар бири ўша нарсанинг битта томонигагина ёпишиб олади. Тамсил қилмоқчи бўлсак, гўё уларнинг бири «қуёш — иссиқлик манбаи» деса, иккинчиси «қуёш — ёруғлик манбаи» дея эътироз билдиради. Хабарингиз бор, домла, ҳозирда «ер юзининг глобал исиш» жараёни кузатилаётганидан огоҳ этиб ташвишли бонг чалаётирлар. Бироқ шуни деб «қуёш керакми, йўқми?» қабилида баҳслашиш бировнинг ҳаёлига келмайди — қуёш бизнинг истагимиздан қатъи назар мавжуд: ҳар куни чиқаверади, ботаверади... Шунга ўхшаш, модернизмни адабиётимизга «киритмаймиз» дейиш ҳам, уни «олиб қирамиз» дейиш ҳам пуч — бадиий тафаккурнинг табиий тадрижи бизнинг ихтиёримиздан қатъи назар уни пайдо қилади.

Энди масаланинг анчагина нозик иккинчи томони — Б.Рўзимуҳаммаднинг эътирозини қўзғаган С.Мелининг ташвиши — модернизмнинг «ўзбек маънавий муҳити» билан муносабати ҳақида. Биз илдизлари минг йилликлар қаъридан озикланувчи маънавият эгаси бўлмиш халқмиз. Яъни, биздаги маънавият яхлит бир тизим ҳолидаги бутунликка эга. Бас шундай экан, **бутун сифатида маънавиятимиз ўзига уйғун сингишиб кетадиган қисм (яъни, ўзгаларга хос қадрият)ларнигина қабул қилади**, айримларини мослаштириб ўзига олса, бошқаларини инкор қилади. Ўйлашимча, маънавиятимизни ёпиқ система сифатида тушуниш, уни ўринсиз иҳоталашга уриниш эса ортиқча зўриқиш бўлиши билан бирга, маҳдудликка ва унинг ортидан келувчи маънавий қашшоқланишга олиб боради. Шу ўринда фикримни ойдинлаштириш учун экзистенциалистлар формуласидан фойдалангим келади: бизнинг халқ сифатида «дунёда мавжудлигимиз» ҳам «ўзга(халқ)лар билан мавжудлик» ва «ўз-ўзидек мавжудлик» дан иборатдир. Назаримда, С.Мелининг бирмунча кескин фикрлари ботинида юртимиз дунёга юз тутган, хориж билан ҳар турли алоқалар кучаяётган, коммуникация воситалари беҳад ривожланаётган бир шароитда «ўзгаларга сингиб кетмаймизми, миллий қиёфамизни йўқо-



тиб қўймаймизми» деган ташвиш ётади. Тўғри, ёмони-ни ўйламасанг яхшилик бўлмайди, деган нақл бор. Шундай бўлса-да, бу хил ташвишга етарли асос йўқдай. Зеро, салкам бир ярим аср тутқунликда яшаб ўзлигини сақлай олган халқ, иншооллоҳ, озод, эркин бўлган ҳолатида уни йўқотмас. Сабаби — озод, эркин халқнинг «ўзга(халқ)лар билан мавжудлик»да ўзлигини намоён қилишга, «ўз-ўзидек мавжуд» бўла олишга имкони бўлади, бу эса дунёда муносиб ўрин эгаллашнинг шартидир. Баски, биз ташқи дунёдан ихоталанишимиз эмас, аксинча, ўзлигимизни яхши таниб олган ҳолда унга дадил кириб боришимиз зарурдир.

Модернизм борасидаги баҳсла гоҳ ботиний ва гоҳ ошкора тарзда «реализм эскирдими?» деган савол ҳам турди, ҳар ким унга ўзича жавоб берди. Адабиёт тарихига бир қур назар солинса, унда бадиий тафаккурнинг реалистик ва нореалистик шакллари қадимдан бақамти яшаб келаётгани, улар орасидаги зидлик ҳар бирининг кучли томонларини намоён этишию ҳар иккисининг ожиз томонларини тўлдириб келишига гувоҳ бўлиш мумкин. Баски, реалистик йўлни қотиб қолган нарса сифатида тушунмаслик керак: юқоридаги романлар реализм адабий жараёндаги янгиликларни ўзига сингдириб, вазмин-хотиржам одимлаётганидан далолат беради. Демак, «эндиликда ... «модернча» асарларга монанд бадиий дид шаклланаётгани» (Б.Рўзимухаммад) ҳам мутлақо тасодифий эмас, балки юқоридагича жараёнларнинг табиий ҳосиласидир.

**У.Норматов:** Дарҳақиқат, ҳали бизда анъанавий реализмнинг имкониятлари, очилмаган қирралари кўп. Шахсни жамият, ижтимоёт, сиёсат, мафкура билан алоқадор ҳолда бадиий тадқиқ этиш йўллари эскирмаганини, реалистик адабиёт ўзига кўп янгиликларни сингдириб улгурганини «Адолат манзили», «Отамдан қолган далалар» романлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, кейинги романда эрксиз одамнинг бора-бора ўзлигини йўқотиши, бир буюмдек мавжуд бўладиган ҳолга келиши муқаррар эканлиги ўзининг санъаткорона ифода этилган. Романда аср кишиси босиб ўтган йўлнинг ифода қамрови кенг, персонажлар қисматидан чиқадиган хулоса-сабоқлар эса хийла кескин —

тенденциоз руҳда. Асар воқеалари ҳаёти, тақдир-қисмати, руҳий дунёси она ер, киндик қони тўкилган тупроқ билан мустақкам боғлиқ, ўзбекнинг рамзи дегулик меҳнаткаш, заҳматкаш инсон — бош қаҳрамон Деҳқонкул тилидан сўзлаб берилади. Деҳқонкул ҳикоясини ўз саргузаштларидан эмас, балки бобоси Жамолиддин, отаси Сурхони Ақраб тарихидан бошлайди. Чунки Бобо ва Ота тарихини эсламай ва сўзламай туриб Деҳқонкул қисмати, характери маъносини англаш, англатиш қийин. Бобо — мустамлакачиларга исён сифатида юртини ташлаб, уларнинг оёғи етмаган жойларга кетди; Ота юртнинг мустақиллиги деб Қизил офатга қарши курашда шаҳид кетди... Хўш, шўро даврининг одами Деҳқонкул Ота ва Бобосидан нималарни мерос қилиб олди? «Социалистик ҳаёт тарзи» шароитида у нималарга эришди-ю, нималарни бой берди? Деҳқонкулга Ота ва Бобосидан фақат меҳнаткашлик хислатигина ўтган, холос. Ота-боболарга хос юртсеварлик, инсоний ғурур, ўзликни англаш ҳисси унда бутунлай барҳам топган. Дадил айтиш мумкинки, Деҳқонкул образи — ўзбек адабиётида жиддий бадиий кашфиёт. Деҳқонкул совет даври адабиётида завқ-шавқ билан қаламга олинган меҳнат қаҳрамонларига пародия тарзида яратилган. У — тоталитар тузум, қизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат кишиси», «янги инсон» тимсоли; мустабид ҳокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони. Деҳқонкул шўролар тузумининг деярли тенгдоши. Ёзувчи адабиётимизда урф бўлган йўлдан бормайди, қаҳрамон тақдири орқали даврни, «социалистик жамият тарихини ифодалаш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Совет ҳокимияти йилларининг «муҳим паллалари» атайин четлаб ўтилади, фуқаролар уруши йилларида ақлини таниган болакай 60-йилларда ҳам болакайлигича қолаверади. Бу ҳол ўқувчига асло «мантиқсизлик» бўлиб туюлмайди. Ёзувчини биринчи галда Деҳқонкулни қул, муте қилиб шакллантирган ҳаётий омиллар қизиқтиради.

Деҳқонкулни, аввало, Ленин ишига, партияга, шўролар ҳукуматига, улуғ оғага ҳурмат, садоқат руҳида тарбиялашган, унга Ленинни ота, Крупскаяни она

деб ўргатишган; ўлан-лапарларни эмас, «партия-совет кўшиқлари»ни тинглаб, айтиб тили чиққан, уйкудан турганда ҳам, уйкуга ётиш олдидан ҳам, тўю маъракаларда ҳам партия, доҳий, улуғ оғага таъзим, салом билан йўғрилган мадҳиялар қулоғига куйилган; юрти дунёда энг озод, хур, тўқ-фаровон эканига, 80-йилларга бориб коммунизмда яшашига чиппа-чин ишонтаришган... У бора-бора сўз билан амал орасидаги зиддиятни сезган, кўрган; тенгдошлари қатори ўқишни кўйиб пахта далаларидаги, заҳарли химикатлар ёмғири остидаги «хур меҳнат» гашти нима эканини гўдаклигидаёқ татиган, бу «шонли меҳнат»га меҳр-муҳаббат руҳида вояга етган. Салгина бўлсин бу машаққатлардан ўзини четга олганида босмачининг, совет тузуми душманининг ўғли деб ҳақорат қилинган, бу хилдаги дағдағалар кўнглидаги қаршилик кўрсатиш туйғусини бутунлай сўндирган... Шу тариқа Деҳқонқул ўзига хос манқурт бир кимса бўлиб етишади. Бу одам фақат садоқат билан меҳнат қилишнигина билади. У деҳқончилик илмини миридан-сиригача эгаллаган. Ўзи ўтқазган ҳар бир ниҳолнинг ҳоли, дарди унга аён. У ўзини ҳам, аёлини ҳам, болаларини ҳам ўйламай, аямай бетиним тер тўкади; табиат билан тутшиб, табиий офатлар билан олишиб, энгиб йилма-йил мўл ҳосил етиштиradi, машъал бригадирга айланади.

Аслида бунинг нимаси ёмон? Меҳнат инсонни улуғлайди, деймиз-ку! Шунчалар фидойи меҳнаткаш инсон Деҳқонқул нега кўзимизга қаҳрамон эмас, аянчли бир кимса бўлиб кўринади, ўқувчида фахр-ифтихор эмас, ўкинч-надомат, ачиниш туйғусини кўзғотади? Бутун гап мана шунда. У ким учун, нима учун бетиним тер тўкаётганини, ҳоли не кечаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. У қарахт бир ҳолга тушиб қолган. Теварак-атрофида, ҳаётда нималар бўлаётганлигини, ҳақ ва ноҳақ ишлар, адолатсизликлар, яқин кишилари, аёли, фарзандлари ҳол-аҳволи уни мутлақо қизиқтирмайди. Идеологиянинг қип-қизил мунофиқона ёлғонларига асло парво қилмайди, бемаъни кўрсатмаларига қаршилик кўрсатмайди, кўрсатолмайди; мунофиқ қаламкашларнинг дала шунқорлари ҳақидаги мунофиқона очерки ҳам, москвалик киночиларнинг машъал

бригада ҳаётига бағишланган бошдан-оёқ ёлгонга қурилган картинаси ҳам уни ажаблантирмайди, аксинча, картинадаги сохта ролни киночилар айтгандай қилиб ҳеч қийналмай ижро этиб беради. Ўзининг, ҳамқишлоқларининг ўта ночор, аянч турмушини кўриб, билиб туриб «Мунча ширин экан бу Совет даврони, Мамнун яшар ҳар инсон — йўқдир армони» сингари тутуруқсиз кўшиқларни бепарво тинглайверади. Машғал бригадир бўлиб туриб қўли қисқалигидан, мотоцикл олишга қурби етмаганидан, аёлининг оддий сўровларини бажо келтиролмаётганлигидан, бугина эмас, қозони гўшт кўрмаётгани, болалари тўйиб овқат емаётганидан изтиробга тушмайди. Марказга, кўрик-кенгашга ижарага олинган кийимларни кийиб боришдан ор қилмайди. Кенгашдаги иштироки ҳам маълум — тўрига қараб ўтиради, тўридагилар чапак чалса, у ҳам чапак чалади, тўридагилар оёққа турса, у ҳам оёққа туради...

Тўғри, унда ҳам гоҳо ота-бободан қолган ғурур андак уч беради, бироқ у шаҳарга бориб тўр шляпа билан бахмал сўзана сотиб олишу телбаларча бахмал сўзанани шартта йиртиб оёғига пайтава қилиб ўраш, телеэкранда кўринган Америка президентига бошдаги шляпасини олиб силташдан нарига ўтмайди. Бу қўли очиқ, меҳмондўст, танти ўзбек емай, ичмай топганини меҳмони олдига қўяди, меҳмони оёғи остига қўй сўйиб керилади, аммо меҳмонлар учун бозордан олиб келган икки дона хурмони деб етим ўғилчасини уриб оғзибурнини қонга белади.

Хўш, бу хилдаги телбаларча тантилик, саховат, қулларча эркисиз меҳнат, шўроларга садоқат, маънавий карахтлиқ, қарамлик, мутелик туфайли у нималарга эришди?! Оддий орзулари ушалмай вафодор аёли турмуш ситамлари, машаққатларидан тўйиб жонига қасд қилади, тўйиб овқат емай оёққа турган ўғлонлари (ўғлонларидан бирининг исми Қулмат) очофат, муте, ногирон-дардман бўлиб етишмоқда; ўзи эса ҳалол, фақирона меҳнатлари эвазига юлғич, порахўр деб айбланиб қамоққа олинади, айтиб адо бўлмас, тилга олиб бўлмас қийноқ, хўрликларга гирифтор этилади, уни ўз тезагини ейишга мажбур этадилар, эркаклик шаънини топтайдилар... Бу шўрлик банда шу даражага бо-

риб етганки, уни қамоққа олиб кетаётганларида ҳам даладаги ишни, пахта теримини ўйлайди; қамоқдаги азоб-уқубатлар пайтида ҳам «ленинча авлод»га умид боғлайди, шунча хўрликлардан кейин ҳам даласига, меҳнат кучоғига қайтиш хаёли билан нафас олади.

Қисқаси, Деҳқонқул қисмати, қарахт ҳолати, муте табиати тасвири — империя сиёсати, «социалистик ҳаёт тарзи» миллатни, миллий туйғу, қадриятларни топташга қаратилган, чиройли шиорларга ўралган, аслида геноциддан иборат мунофиқона коммунистик мафкура устидан чиқарилган зўр айбномадир. Мустақиллигини йўқотган ўзлигидан, қадриятларидан узоқлашган халқнинг, фикрлашдан тўхтаган муте, итоаткор кимсанинг охир-оқибат келадиган манзили — шу! Ёзувчи Деҳқонқул қисмати орқали шу фикр-ғояни ўқувчини ларзага солар бир тарзда ифода этган. Шу тариқа бу асари, аниқроғи, Деҳқонқул образи орқали ёзувчи, ўзи ният қилганидай, ўзбек халқининг, ўзбек деҳқонининг ўзига хос ҳайкалини яратди. Романнинг бетакрор ифода тарзи, тили, тасвир оҳанги, образлари ҳали кўп жиддий тадқиқотлар учун озук беради.

**Д. Куронов:** Домла, янглишмасам, гапларингиздан «Отамдан қолган далалар» нафақат долзарб мавзуси, балки бадиий жиҳатлари билан-да адабиётимизда жиддий воқеа бўлди, деган хулоса келиб чиқади. Ҳақиқатан ҳам асарнинг ўзига хос қурилиши, бетакрор ифода йўсини, тилдаги жозибали оҳанг, самимият — буларнинг бари унинг муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардир. Бироқ суҳбатимиз роман хусусида бўлганидан мен бошқа масалани ўртага қўймоқчиман: «Отамдан қолган далалар» жанр эътибори билан романми? Маълумки, роман марказида инсон тақдири тургани ҳолда у тугал мақсад эмас, романий қаҳрамон дунёни бадиий идрок этиш, дунё ҳақидаги, унинг жорий ҳолати ҳақидаги яхлит бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалаш воситаси. Шунга кўра, одатда романий қаҳрамон — ўз муҳитига сифмаётган, муҳит билан зиддиятга киришган, изланаётган шахс сифатида намоён бўлади. Шу жиҳатдан қаралса, Деҳқонқул рисоладаги романий қаҳрамон талабларига жавоб бермайдигандек. Назаримда, бунга — Деҳқонқулнинг тўла-

қонли романий қаҳрамон сифатида бўй кўрсатишига — ривоятнинг биринчи шахс тилидан берилгани монелик қилган. (Шу ўринда аниқлик киритиб қўймоқчиман: бу гапим афсус маъносида тушунилмаслиги керак, зеро, «Отамдан қолган далалар»нинг жанрини роман деймизми, бошқами — у яхши ва бетакрор асарлигича қолаверади.) Бироқ айни шу нарса — ривоятнинг биринчи шахсдан берилгани — асарда лирик ибтидони кучайтиргани ҳам яққол кўринади. Боз устига, асарнинг кўп ўринларида воқеани тасвирлаш (ёки нарса-ҳодиса, ҳолатни тавсифлаш) эмас, уларга муносабат билдириш мақсади етакчилик қилади. Буларнинг натижаси ўлароқ, асарда лирик ибтидо салмоқли, бадиий жиҳатдан белгиловчи ўрин тутадик, «Отамдан қолган далалар» насрда битилган романтик характердаги «поэма»дек, «достон»дек таассурот қолдиради. Асардаги ифода йўсини ҳамда воқеликни бадиий идрок этиш усулининг халқ достонларига эшлиги унинг муваффақиятини таъминлаган қўшимча омил эмасмикин?!

Иккинчи томондан, «Отамдан қолган далалар»ни реалистик асар сифатида баҳолаганимиз ҳолда, унда реалистик шартлилик даражасининг юқорилиги ва бу нарса қатъий реализм талабларидан жиддий чекинишларга олиб келганлигини эътиборда тутиш лозим. Бу нималарда кўрилади? Аввало, юқорида эслатганингиз вақтнинг шартлилиги: 20-йилларда эсини таниган болакай 60-йилларда ҳам болалигича қолади. Бугина эмас, умуман асарда тасвирланган (ёки эслатилган, ишора қилинган) воқеалар, тафсилотлар реал хронологияга доим ҳам мувофиқ келавермайди. Ундаги қатор образлар (мас., идеология, киночилар, мустамлакачилар ва б.) реалистик образлар сифатида эмас, кўпроқ шартли, рамзий «маска» сифатида бўй кўрсатади. Шунга ўхшаш, асарда ҳақиқий фамилиялари остида ҳаракатланувчи шўро ҳукуматининг таниқли арбоблари (Полторцкий, Колесов, Успенский ва б.), хийла мураккаб тақдир эгаси полковник Чанишевларнинг битта ҳаётий ҳолат — Ақраб кўрбошининг қўлга олиниши доирасида тасвирлангани ҳам шартлиликдан ўзга эмас. Булардан кўринадики, асарда мустабид тузумнинг том маъ-

нодаги реалистик образи эмас, унинг шартли образи яратилади: ўқувчи кўз олдида инсонийликдан буткул маҳрум ёвузлик тимсоли гавдаланади. Асарнинг умумий руҳини, Сиз айтгандек, «хийла кескин — тенденциоз» руҳини белгилаган бу каби усул (ёвузлик лагерининг ўта шартлилигию эзгулик лагерининг ҳаётий тасвирланиши) ҳам аслида халқ оғзаки ижодига хосдир.

Хуллас, ҳозирча мазкур асар танқидчиликда кўпроқ ғоявий-мазмуний жиҳатларидан келиб чиқиб баҳоланган бўлса, эндиликда унинг поэтик хусусиятлари, бадий ўзига хослигини очиб бериш вазифаси турибди.

**У.Норматов:** Суҳбатимизда анъанавий реалистик йўлдаги асарларнинг ҳам яқраг эмаслиги, реализмнинг ўзига кўп янгиликларни сингдиришга, демакки, яшаш ва равнақ топишга қодирлиги яна бир қарра тасдиғини топаётир. Энди реалистик бўлмаган романлар ҳақида фикрлашсак. Мен яна абсурд туйғуси устивор, бу туйғу — ғоя ўзига хос тарзда намоён бўлган романлар, аниқроғи, Омон Мухторнинг янги туркум романлари ҳақидаги мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Омон Мухторнинг 90-йиллари яратган «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба», «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Афлотун», «Майдон» каби мўъжаз ва оригинал романлари миллий романчилигимиз ривожда жиддий янгилик бўлди. Бу романлар аввало мазмун-мундарижа, шакл-шамойили, ифода тарзининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўзбек романи 90-йилларга қадар асосан анъанавий реализм йўлидан борди. Жумладан, Омон Мухторнинг 70—80-йиллари яратган «Йиллар шамоли», «Эгилган бош» романлари шу йўналишга мансуб эди. Маълумки, жаҳон адабиёти, жумладан, романчилиги аср бошидаёқ анъанавий реализм билан баробар модернизм, постмодернизм йўлига ўтиб жанрнинг ифода доирасини бениҳоя кенгайтирган, хилма-хил фалсафий-эстетик оқимларга таянувчи романчилик мактаблари шакллана бошлаган эди. Айниқса, абсурд, экзистенциализм, мифологик ва диний тафаккур асосида ҳаётни, шахсни бадий тадқиқ этиш, онг оқимини

кузатиш, ифодалаш бобида катта тажрибалар тўпланди. Бизда ҳам айрим адибларимиз ўша жараёнларга оҳангдош изланишлар қилишга уринса-да, истибдод йилларидаги адабий сиёсат, муҳит бу хил уринишларнинг тўлароқ рўёбга чиқишига имкон бермади. Ниҳоят, 90-йилларга келиб бунинг учун йўл очилди.

Омон Мухтор янги романларида замонавий жаҳон романчилиги тажрибаларини ёдга туширувчи хусусиятлар талайгина — уларда анъанавий реализмга хос аниқ замон, аниқ макон тушунчаси йўқ, ҳодиса-воқеаларни айтиш ҳаётдагидек гавдалантириш, изчил баён этиш, қаҳрамонлар руҳиятини урф бўлган реализм мантиқи асосида очиш, ифодалаш ҳам йўқ: реаллик билан ҳаёлот, ўнг билан туш айқаш-уйқаш ҳолда келади, аниқроғи, воқеа-ҳодисалар реал ҳаётда эмас, ҳаёлпараст қаҳрамоннинг ҳаёлида, онгида кечади; қаҳрамон онгида реаллик билан ҳаёлотнинг қўшилиб-чатишувидан иборат ғаройиб дунё, ҳаётнинг ўзига хос бадиий модели яратилади; у дунё билан бу дунё орасидаги чегара йўқолади, тириклар ўликка айланади, руҳ тандан ажралиб бир-бирини тафтиш этишади, ўликлар тирилиб тириклар билан мулоқотга киришади, турли аср одамлари бир-бири билан рўбарў келади...

Бир қарашда тартибсиз, мантиқсиз, айқаш-уйқаш туюлган воқеа-ҳодисалар замирига синчиклаб назар ташланса, масалан, Пушкин айтмоқчи, асарнинг ўз ички қонуниятлари асосида ёндашилса, уларда теран маъно, ботиний тартиб, мантиқ борлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Фақат буни англаб етиш учун китобхондан муайян адабий тайёргарлик, кўникма талаб этилади. Аслида бу хилдаги «бебош» ифода инсон тафаккури тарзига асло зид эмас, балки айнан унга мос. Уйлаб кўринг: рўпарангизда сиз билан гаплашиб ўтирган суҳбатдошингиз, гарчи кўзи сизда, қулоғи гапингизда бўлса-да, ҳаёли қаёқларда эканини қаердан биласиз?! Эҳтимол, айтиш дамда у бир вақтлар кўнгил берган севгилиси билан учрашар, оламдан ўтиб кетган бобоси пандини тинглар ёки ўз тасавурида гавдаланган марҳум бир улуғ сиймо билан мулоқотга киришар... Омон Мухтор романларидаги «бебош» ифода инсон руҳиятининг айтиш шу реал ғаройиботи асосига қурилган.



Адиб романлари аниқ макон ва замон тушунчасидан холи дедим. Бу мазкур романлар реал ҳаётдан, ижтимоий мазмундан холи «соф санъат» намунаси дегани эмас. Асарлар мутолаасида сиз бугунги кунда кўпчиликни қийнаётган, ўйга толдираётган ўткир масалаларга дуч келасиз. Қолаверса, бу романлар ҳаммадан бурун ҳозирги куннинг маънавий-эстетик эҳтиёжи оқибатида майдонга келган; бу хил асарлар фақат 90-йиллар шароитидагина яратилиши мумкин. Уларни ўқир экансиз, даҳшатли туш кўраётгандай бўласиз: кечаги кунингиз, етмиш йиллик ҳукмронлиги давомида миллионлаб кишиларни йўлдан оздирган, одамлар қисмати, руҳиятида ададсиз нохуш, фожиавий асоратлар қолдирган, ҳалокатга маҳкум мустабид тузум қиёфаси жамики ваҳшатлари билан кўз олдингизда гавдаланади. Энг ёмони, бу тузум одамларни кўнгил гавҳари — имон-этиқоддан маҳрум этди, уларни вазиятга қараб товланадиган минг бир қиёфали оддий ижрочи жонзотга айлантирди, майдалаштирди. Эътибор берсангиз, Омон романларидаги ўнлаб персонажлар тирик одамдай гавдалансалар-да, улар аслида бетайин, қиёфасиз кимсалардир. Имонсизлик, қиёфасизлик туфайли гоҳо улар ёвуз махлуқотга айланадилар. Ҳатто ёзувчининг нисбатан «ижобий» қаҳрамонлари ҳам бир қадар майда, гуноҳкор, йўлдан адашган-озган бандалардир. Улар ҳақиқат кўзгусига рўпара келишдан чўчийди, нажот қидириб «катта йўлга» чиқолмай тўқайзорда тентирайди...

Омон Мухтор романларида жаҳон замонавий адабиёти тажрибаларига эш жиҳатлар кўп, бироқ айтарли уларга тақлид йўқ. Бу романларда шарқона миллий руҳ уфуриб туради. «Услуб — ёзувчининг ўзи» деган нақл бор; янги романларида Омон Мухторнинг ўзлиги, фикрлаш тарзи аввалги асарларига қараганда ёрқинроқ намоён бўлган. Романларда бадиий кашфиёт деса арзигулик рамзий, мажозий образлар, лавҳалар кўп. Одамнинг турфа қиёфасини, ботиний бисотини ўзига айнан кўрсатадиган кўзгу билан боғлиқ воқеалар ёки мажруҳ оломон издиҳомининг бамисоли бурлақлардай сафга тизилиб «Ё ҳақим, ё ҳоқим» дея хитоб қилиб тўқайдан чиқиб, тўқайга кириб йўлсиз кезишлари лав-

ҳаси теран маънодор, таъсирчан чиққан. «Тепаликдаги хароба» романида мавлоно Лутфийнинг салкам бир асрлик ҳаёт йўлини, сиймосини, севги саргузаштларини муаллиф бетакрор бир йўсинда — шоир шеърий сатрлари ва уларнинг шарҳи орқали гавдалантиради. Улкан шеърий бисотдаги сатрлар қатига жо шахсий кечинма, ишоралардан мароқли сюжет, бутун бошли саргузашт қисса яратиш — ҳали бизда кўрилмаган тажриба. Буни ўзига хос бадиий тадқиқот деб аташ ҳам мумкин.

«Аёллар мамлакати ва салтанати» тасвирнинг сержилологи билан ажралиб туради. Романда ҳар хил вазиятларда, реаллик ва ҳаёлот маҳсули бўлган сахналарда, онгдаги жараёнлар ифодасида персонажлар ҳаёти ва шахсиятига хилма-хил томондан ёндашиш устувор. Бу роман матни муаллифнинг бошқа романларига қараганда пухтароқ ишланган: аввало роман муайян доира бўйлаб айланувчи, бетиним такрорланиб турувчи ўзига хос сирли-сехрли мусиқий оҳанг билан йўғрилган, насрий ифода ва шеърий сатрлар омухталиги, насрдан шеърга, шеърдан насрга эркин кўчиш, ўзга шоирлар шеърий сатрларидан эркин фойдаланиш, тарихий ҳужжатларга мурожаат, халқ оғзаки ижоди намуналари — ривоят ва эртақлар сюжетининг қайта ҳикояси, хусусан, «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» эртаги баёни — булар асар матнига ажиб файз, кўпоҳанглилик бахш этган. Бу роман асосида яратилган фильм миллий киночилигимизда муҳим янгилик бўлди.

**Д. Куронов:** Домла, Омон Мухтор романларининг «соф санъат» намунаси эмаслиги, уларда ҳам реал ҳаётимиздаги кўпчиликни ўйлантираётган ўткир масалалар бадиий тадқиқ этилганлигини ҳўб айтдингиз. Мен шу ўринда бир савол қўймоқчиман. Тасаввур қилингики, «Кўзгу олдидаги одам» инглиз тилига таржима қилинди-ю, уни дунёнинг бошқа бир бурчидаги одам ўқиди. У ҳам сизу биз каби ўйлайдими, унга ҳам ёзувчи биздаги реал ҳаёт муаммоларини идрок этишга интилаётгани билинадими? Менимча, йўқ. Айтмоқчиманки, реал заминидан узилгач, романнинг «соф санъат» ҳодисаси сифатида тушунилиши, ундаги бадиий модель (яъни, бизнинг воқелигимизнинг бадиий

моделли) воситасида ўша ўқувчи ўзига таниш воқеликнинг (яъни, ўз реал воқелигининг) муаммоларини кўриши, уларнинг бадиий ечимини топиши эҳтимоли кўпроқ. Шунга ўхшаш, ғарб модерн адабиёти намуналари ҳам бизда кўпроқ бадиий модель сифатидагина мавжуд — биз бу моделни вужудга келтирган заминдан узилганмиз, баски, муаллиф асарга юклаган мазмундан анча йироқ бўлганимиз ҳолда модель воситасида ўз мазмунимизни шакллантираемиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: биз кўпроқ моделга шайдомизми ё ўша модель воситасида ўзимиз кашф этган ҳақиқатларга — ўз ижодимиз (бадиий асарни ўқиш — ижодий жараён) маҳсулигами?.. Нима бўлганда ҳам, талабалар билан ишлаш тажрибаси ҳозирда «Кўзгу олдидаги одам» ғарб модерн адабиёти намуналарига нисбатан яхши қабул қилинишини кўрсатаётир. Бу, аввало, асарнинг миллий заминдан узилмаганлиги, ундаги рамзу ишоралар замиридаги дард ўқувчиларга бегона эмаслиги билан изоҳланади. Иккинчи томони, афсуски, айни шу нарса ҳали кўпчиликнинг бадиий асарни чинакам ижодий ўқишга тайёр эмаслигини ҳам кўрсатади...

Биз юқорида тўхталган романлар — «Тушда кечган умрлар», «Олабўжи», «Кўзгу олдидаги одам» — тематик жиҳатдан бир-бирига яқин, Сиз айтмоқчи, уларда абсурд туйғусининг устуворлиги бу яқинликни янада кучайтиради. Бироқ улар ифода усули жиҳатидан жиддий фарқланади. Айтайлик, Ў.Ҳошимов билан Ш.Холмирзаев кечаги кунимизни бадиий идрок этаркан, уни реалликка монанд бир тарзда акс эттирадилар («акс эттиради» деганимиз шартли, зеро, бу ижодий қайта ишланган акс, яъни — бадиий образ) ва бу «акс»да улар кашф этган ҳақиқатлар суратланади. Омон Мухтор эса ўзи кашф этган ҳақиқатларни ифодалаш учун реалликдагига кўпда мос келмайдиган қаҳрамонлар, ҳолатлар, рамзлар яратади. Албатта, мутахассислар Ў.Ҳошимов билан Ш.Холмирзаевни реалист, Омон Мухторни сюрреалист деб фарқлашлари мумкин. Бироқ бунинг оддий ўқувчига, ҳозирда бу асарларнинг барини бирдек яхши қабул қилаётган, мириқиб ўқиётган одамга қандай аҳамияти бор?! Ахир, у асарнинг ўзинигина танийди, тан олади. Баски, ўша ўқувчига

«бу йўлларнинг қай бири яхши» қабилида савол бериш гўдакка «отанг яхшими ё онангми» тарзида савол бериш билан баробар бўлур эди. Маълумки, аксарият ҳолларда гўдак бу саволга жавоб беролмайди, чунки у ўйидагини айтишнигина билади. Бироқ бу ҳолат узоқ эмас — гўдак униси ё бунисини аниқ қилиб айтса манфаат кўришини англагунича давом этади, холос... Назаримда, адабий жараёндаги ҳодисалар ҳақидаги фикрларимизда баъзан шу хил болаларча беғуборлик етишмаётгандек кўринади.

Бадиий тафаккур шакли турлича — реалистик («Тушда кечган умрлар», «Олабўжи»), шартлилик даражаси юқори бўлган реалистик («Отандан қолган далалар») ва сюрреалистик («Кўзгу олдидаги одам») — асарларда абсурд туйғусининг устуворлиги, менимча, унинг бадиийат билан эмас, аввало, дунёқараш билан боғлиқ ҳодиса эканлигидан далолатдир. Айни шу ҳодисанинг миллий маънавиятимиз билан муносабати ҳақидаги фикрларни Омон Мухтор асарлари баҳона давом эттириш мумкин. Аввало, Омон Мухтор ижодий изланишларидаги энг мақбул жиҳат шуки, унинг модерн адабиётига хос усул ва қарашларни ўзлаштиришида юксак даражадаги ижодийлик кузатилади. Хусусан, адиб миллий фольклор, диний ривоятлар ва Шарқ мумтоз адабиётига хос нореалистик усулларни асос қилиб олади-да, уларни модерн усуллари билан бойилади, натижада улар миллий адабий заминнинг ўзидан ўсиб чиққандек, соф миллий эстетик ҳодисадек таасурот қолдиради. «Кўзгу олдидаги одам»да ҳам абсурд воқелик қаламга олинган, бироқ унинг қаҳрамони — бу ҳолат билан келишолмаётган, изланаётган йигит. Мавжуд ҳолатнинг сабабларини ташқаридан излаб тополмаган, руҳан эзилиб маънавий инқирозга юз тутган Валини Аллоҳга бўлган чала-ярим эътиқодигина тутиб қолади. У энди ўзига, ҳазрат Навоий айтмоқчи, «ўз вужудига тафаккур айлаб» ўзини қийнаган саволларга жавоб топади: бутун иллатлар илдизини эътиқодсизликда кўради, ўзни таниш орқали Ҳақни танигачгина кўнгли осойиш топади. Романда абсурд воқелик бор — тушкунлик йўқ, Валининг ўғлини Умид атагани ҳам шундан. Бу — абсурднинг шарқона, «но-

умид шайтон» ақидаси билан яшайдиган халқ вакилига хос талқини. Албатта, бу хил талқин экзистенциалистлардан К.Ясперс қарашларига ўхшаш, бироқ унинг миллий асосда юзага келгани кўпроқ ҳақиқатга яқин — асарнинг умумий руҳи шунга далолат қилади. Бу миллий адабиётимиз ғарб адабиётидан керагини олишга, нокерагини инкор қилишу зарур ўринларда у билан баҳслашишга қодир эканлигининг ёрқин далилидир. Фикримча, Омон Мухтор романлари поэтикасини атрофлича чуқур тадқиқ этиш орқали адабиётшунослигимиз, адабий танқидчилигимиз олдидаги кўплаб чигал масалаларни ойдинлаштириш мумкиндек кўринади.

**У. Норматов:** Фикрингизга қўшилган ҳолда, уларни «Бозор» романига нисбатан-да айтиш мумкин деб биламан. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» романи «Ўткан кунлар» билан бошланган XX аср ўзбек романичилигининг муносиб якуни дегим келади. Йўқ, гап роман асрнинг охириги йили дунё юзини кўрганидагина эмас. Асрнинг илк романи билан сўнгги романи «Бозор» орасида муайян муштаракликлар бор. «Бозор» қаҳрамони «Ўткан кунлар» қаҳрамони Отабек исмига оҳангдош тарзда Фозилбек деб аталган. Фозилбек ҳам Отабек сингари бозор-тижорат одами. Отабек миллат тарихининг энг қалтис бурилиш палласида, Чор Россияси босқини — истибдоди арафасида нажот йўлини излайди; Фозилбек эса салкам бир ярим аср давом этган истибдоддан сўнг истиқлолнинг дастлабки йилларида, миллий тикланиш палласида, янги ижтимоий муносабатларга ўтиш жараёнида йўл қидиради. Ҳа, худди «Ўткан кунлар»да бўлгани каби бу роман муаллифини ҳам тижорат одами бўлмиш қаҳрамоннинг касби кори билан боғлиқ муаммо-можаролар эмас, биринчи галда эл-юрт гами, равнақи, маънавияти масалалари қизиқтиради. Бу ерда ҳам «Ўткан кунлар»даги каби оила, маиший ҳаётга оид таомиллар, орзу-ҳаваслар, икки ёшнинг эркин севги-муҳаббати...

Яна кўп жиҳатлари билан «Ўткан кунлар»ни ёдга туширувчи бу роман мавзу муаммолар талқини, сюжет тузилиши, воқеа-ҳодисаларни ифодалаш тарзи, персонажлар тақдири, характери, руҳияти тасвири, бади-

ий таҳлили жиҳатидан бутунлай янгичадир. «Ўткан кунлар»да воқеалар содир бўлган макон қамрови хийла кенг — бу ёғи Тошкент, у ёғи Марғилон, Қўқон; Отабек қисмати Авлиё отада интиҳосига етади. «Бозор»да эса воқеалар асосан бир бозор ва унга туташ қироатхонада юз беради. Романда бозор — метафора, рамз, тимсол, ҳаётнинг ўзига хос бадиий модели. Муаллиф ибораси билан айтганда, «бозорнинг ўзи — дунё», одамларнинг ичини кўриш, томоша қилиш борасида бозордан қулайроқ жой йўқ дунёда, «бозор — одамларнинг ич-ичини ағдариб кўз-кўз қиладиган ажойибхона», бунда ҳар бир банданинг феълидаги зўравонлик, соддалигу муғамбирлик, лақмалигу устомонлик — ҳаммаси бозорда ё пинҳона, ё ошқора кўзга ташланади. Энг муҳими, бозор — романда муаллиф учун жамият маънавиятидаги бугунги оғриқли жараёнларни бадиий тафтиш ва таҳлил этишнинг самарали воситаси.

Романда бозор билан ёндош ҳолда қироатхона тасвири ҳам бор. Бозор ҳамиша гавжум, жамики тумонат бозорда; бозордагиларнинг фикри-хаёли тирикчилик, олиш, нафси қондириш илинжида, бу ерда пулнинг қудрати худога тенг. Нафс балоси туфайли гўё бозор ёнмоқда, чўкмоқда. Бозор ёнидаги қироатхона эса кимсасиз, хароб, хувиллаб, тўкилай деб турибди. Бозорда ҳисобсиз одамлар қўлида айланаётган ҳисобсиз пуллардан-да қимматроқ, ноёброқ ақл-идрок мевалари — фикрлар бир меҳрибонини топмай увол кетяпти; бу ерда мил-мил китоб зах, моғор босиб ётибди... Ҳаёт ҳеч қачон ақли расолардан, фидойилардан холи қолган эмас. Ҳамма ўзини бозорга ураётган, балои нафс кўйига мубтало бўлиб қолган замонда, қарангки, қоқ бозорнинг ичидан, бозор одамлари орасидан, оиласидан бир маънавият, маърифат фидойиси Фозилбек отилиб чиқади, илоҳий тақдир уни кимсасиз хувиллаб ётган маскандаги яна бир маънавият фидойиси Қадрияга рўбарў қилади. Ахир, ёзувчи айтмоқчи, бу ёруф дунё учун пул ҳасратида яшамайдиган бир далли-девона ҳам керақ-ку!

«Бозор»да «Ўткан кунлар»даги каби машаққатли севги саргузаштлари, оилавий можаролар йўқ. Яқин кишиларининг орзу-ҳаваслари, қутқуси икки ёшнинг сев-

ги ва висол йўлига тўғаноқ бўлолмайди. Ҳатто Қадриянинг «қиз эмас»лиги ҳам ҳали уйланмаган йигит Фозилбек кўнгил майлига асло монелик кўрсата олмайди. Романда талқин этилишича, маънавий яқинлик, руҳий юксаклик қудратли куч, унинг қаршисида турмушнинг турли-туман тўсиқлари, одат, икир-чикирлар арзимас нарса бўлиб қолади. Бу икки ёш нафс балоси туфайли бозор ёнаётган, чўкаётган, нафс бандаларини олов қаърига тортиб кетаётган бир замонда нажот йўлини қидирадилар. Улар бозорни ҳалокатдан қутқариш йўли маънавиятда деб билдилар. Тўғри, бозорсиз ҳаёт, тараққиёт йўқ. Шўро даврининг аччиқ сабоқлари буни тўла тасдиқлади. Бироқ «бозорнинг гуллаб яшнаши учун хаёл ҳам керак, ўйлов ҳам керак». Бозор кишилари хаёлдан кўра ҳаётга яқинроқ. Бу, бир жиҳатдан яхши, аммо хаёлсиз, ўйловсиз, яъни маънавиятсиз ҳаётнинг охири зулмат. Бундай ҳаёт охир-оқибат ҳалокатга маҳкум. Фозилбек — ўз ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, хаёлга мойил — романтик табиатли шахс. Севгилиси — маслакдоши Қадрия билан бирга у бозор ўзгаришларини тушуниш, унинг тилини, ҳикматини ўрганиш, зулмат қаърига чўкаётган бозорни маънавият, маърифат ёғдуси билан нурлантириш устида астойдил ўй суради.

Романда сиз бевосита бозорнинг ички зиддиятлари, бозор муносабатларига оид можаролар тасвирини кўрмайсиз; унда интригага ишқибоз китобхонларга хуш келадиган қизиқарли саргузаштлар йўқ ҳисоб. Ёзувчининг диққат эътибори бозор можароларининг бевосита ўзини эмас, персонаж онги, руҳиятидаги акс-садосини ифодалаш, бадиий таҳлил этишга қаратилади. Муаллиф XX аср жаҳон тараққийпарвар модернистик адабиётида синовлардан ўтган онг оқими мактаби тажрибаларидан ижодий фойдаланган. Асар тили бошдан-оёқ рамзлар, метафоралар, имо-ишоралар асосига қурилган. Бу тилни ўқимай, уқмай туриб ромanni тушуниш, унинг туб моҳиятини англаш маҳол.

**Д.Қуроноф:** Домла, «Бозор» романини «Ўткан кунлар»га менгзаганингиз, эҳтимол, кимгадир орттириб баҳолашдек эриш туюлар, бироқ иккисининг талай муштарак нуқталари борлиги тайин. Ҳар икки романда

ҳам, Сиз айтмоқчи, миллий тарихимизнинг бурилиш нуқталари, шу паллада йўл излаётган қаҳрамонлар қаламга олинган. Бироқ бурилиш нуқталарининг ўзи турлича, шу боис ҳам улар қаҳрамонлар, муаллифлар онгида турлича аксланади. Абдулла Қодирий талқинидаги дунё ишларига «этак силккан» Юсуфбек ҳожи «одам бўлишимиздан тамом умидимни кесиб қўйдим» деркан, унинг сўзларида умидсизлик барқ урадики, бу — истиқлол орзусида яшаган ва асарни ёзаётган палла орзусининг тобора қўл етмас бўлиб бораётганини чуқур ҳис этган муаллифнинг дарди, армони эди. Юсуфбек ҳожи мисоли Қосимбек оқсоқол ҳам бозорни «обод қиламан деган кўйда умрини совурган»-да, энди «кўмиб юбораман деган қарорини кўтаролмай» руҳан синган одам. Бироқ, ўзи руҳан синган бўлса-да, Қосимбекнинг эртадан умиди бор: мулоҳазакор ўғли Фозилбекка, бозорнинг «кунпаякун бўлиб кетмаслик учун ўзи инсофийларни топишга, кўпайтиришга» мажбур бўлишига, ўшанда «иллатларга қарши инсофийлар бозор посангисини сақлаши»га ишонади. Атрофидагиларнинг бефаҳм бефарқлигидан зада бўлиб «шу бозор — шу одамларнинг корига ярайдиган болани ўзи туғиб беришга» жазм этган кампирнинг Фозилбек билан Қадрияга қарата: «Сан билан манави арзандангга ишонаман, йигит!» дейиши, икки ёшнинг ҳаётга қарashiдаги беғубор теранлик — булар бари умидворликдан даракдир. Бир қарашдаёқ Х.Дўстмуҳаммад талқинидаги «Бозор»нинг абсурддан бошқа нарса эмаслиги кўзга ташланади. Бироқ отаси умрини созуриш эвазига англаган ҳақиқатни фозил Фозилбек эрта илғади: у бозорни тамомила изга солиш ҳам, тамомила бозор измида яшаш ҳам мумкин эмаслигига инонган — йўлни ораликдан излаш кераклигини теран англаган одам. Сирасини айтсак, бу абсурднинг шарқона, ўзбекона талқини эмасми?!..

«Бозор»нинг бадиий фалсафасини учта асосий образ: бозор, чойхона ва қироатхона тутиб туради, бошқа барча образлар уларнинг атрофида уюшади. Романда қаламга олинган давр фожиаси шуки, ундаги «барча йўллар бозорга олиб боради», «бозор майдони пастлик... салгина хушёрликни бой берган одам пастликка қараб



тарвуздек думалаб тушаверади». Дарҳақиқат, ўн йиллар илгариги воқелигимизда шу ҳол кузатилмадими?! Минглаб одамлар ўзларининг идеаллари, орзу-интилишлари, касб-кори, қўйинг-чи — ўзлигига хиёнат қилиб бозор аталмиш «сувсиз ҳовуз»га фарқ бўлмадиларми?! Нажот йўли эса битта: аввало, «фарқ бўлаётганини англаш», сўнг тармашиб тепага интилиш керакки, бунда «қироатхона пойидан чиқилади» — маънавиятгина инсонни, жамиятни ҳалокатдан сақлаши мумкин.

Х. Дўстмуҳаммад «Жажман»даги махлуқни романга да кўчиради. Хўш, бу махлуқ, Ножинс қайдан бинога келди? Бозор аҳлининг аксарияти Ножинс ё «аллақайси юртдан ер қазиб келган», ё «ҳибсхонадаги аристонлар битидан урчиган», ё «атрофидаги одамлар иллатидан вужудга келган» деб билади; биргина Зар бобо унинг одамлар вужудидаги ҳибсхонадан қочганини тан ола билади, Қадрия эса махлуқнинг «омборга айлан-тирилган масжиддан чиққан»лигини айтади. Қаранг-а, офат қаршисида турган жамиятда кўпчиликнинг айбни ўзидан соқит қилиши, айримларнинггина уни зиммасига ола билишию фақат чинакам фозил, хос кишиларгина моҳиятга қарай билиши нақадар ҳаққоний ифодасини топган! Бу жамиятнинг мўъжаз макети эмасми?! Масжидларини омборхонага айлантирган, имондан тойган одамлар кўксидagi ҳибсхонадан қочган махлуқ энди уларни ўз измига солган. Чойхонани эсланг: тиланчидан тортиб ажабзотларгача — бари Ножинсининг измида гўё; бозор эса энди номигагина Қосимбек измида, аслида унинг жилови-да Чойхона кўлига ўтиб бўлган...

Домла, «Бозор»нинг ўзига хос ифода тарзи, унинг рамз ва ишораларга бойлиги, «бу тилни ўқимай, уқмай туриб романни тушуниш, унинг туб моҳиятини англаш маҳол»лигини жуда тўғри таъкидладингиз. Мен романни икки бора ўқидим, бироқ ҳамон унда тишим ўтмаган нуқталар қолгандек, яна қайта ўқиганимда унинг тамомила янги қирралари очиладигандек туюлаверади, шунга ишонгим келади. Хуллас, истиқлол йиллари миллий адабиётимизда қайта-қайта ўқишга арзийдиган романлар пайдо бўлдики, уларни ўқиш ва уқишимиз бизни маънан юксалтиришига ишончим комил.

**У.Норматов:** Гапингиздан бугунги суҳбатимизни яқунлаш, айтилганларни хулосалаш фурсати етган кўринади. Албатта, бир суҳбат доирасида ўн йил мобайнида адабиётимизда яратилган романларнинг барини қамраб олиш мушкул. Йўқса, О.Ёқубовнинг «Адолат манзили», Ш.Холмирзаевнинг «Динозавр» романлари; Аббос Саиднинг «Беш кунлик дунё», Ш.Бўтаевнинг «Кўрғонланган ой» каби романчилик бобидаги илк изланишлари; халқимизнинг чинакам тарихини яратишга бел боғлаган адибларимиздан П.Қодировнинг «Она лочин видоси», Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи», С.Сиёевнинг «Яссавийнинг сўнгги сафари», Хайриддин Бегматнинг «Меҳрибоним, қайдасан», Асад Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий» сингари романлари хусусида тўхталишимиз, холис муҳокама қилишимиз мумкин бўлур эди. Шунга қарамай, умид қиламизки, биз тўхталиб улгурган асарлар бугунги романчилигимиздаги асосий тамойиллар ҳақида сўзлаш имконини беради.

Хуллас, ҳозирги романчилигимиз жиддий маънавий, шаклий-услубий изланишлар жараёнини бошдан кечиряпти, XX аср давомида шаклланган муайян анъаналар интиҳосига етиб, бутунлай янги тамойиллар таркиб топмоқда. Энг муҳими, романнависларимиз инсон шахсияти, шахс жумбоғи томон юз ўгираётдилар, бу борада айрича янги тамойиллар пайдо бўлмоқда. Бироқ бу борадаги буюк кашфиётлар ҳали олдинда. Биз янгилик, «кашфиёт» деб санаган персонажлар ҳам ҳозирча умумбашарий миқёсларга кўтарила олгани йўқ. Эндигина бошланаётган янги аср ўзбек романчилиги учун буюк ихтиролар асри бўлса ажабмас.

2001 йил

## Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи

*(Улуғбек Ҳамдам билан суҳбат)*

**Умарали Норматов:** — Улуғбек, сиз ҳам шеърятшунос, ҳам шоир сифатида бугунги миллий шеърятимиздаги жараёнлардан, қолаверса, замонавий жаҳон

шеърियाги, шеърят илми ҳақидаги янгиликлардан яхши хабардорсиз. Ойбекнинг замонамизга ҳамоҳанг «кўнгил шеърियाги»га бағишланган номзодлик диссертациянингиз, ҳозирги ёш шоирлар изланишларига доир матбуотдаги чиқишларингиз адабий жамоатчиликка маълум. Кейинги пайтларда марҳум шоирлар Асқад Мухтор, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф ижодига оид тадқиқотлар олиб бордингиз, бугунги миллий шеърятимиз муаммолари хусусида докторлик диссертацияси устида ишлаётирсиз. Айни чоғда «Тангрига элтувчи исён» деб аталган каттагина шеърый китоб чоп эттирддингиз... Биламан, шеърят дунёсида юрган бир ёш ижодкор сифатида бугунги шеърят хусусида ҳали қоғозга тушмаган гапларингиз, ўй-мушоҳадаларингиз кўп. Келинг, ҳозир кўпчиликни қизиқтираётган масала — кейинги ўн йил мобайнида муайян адабий ҳодиса тусини олган ўзбек модерн шеърियाги, унинг жаҳон модернистик оқими билан муштарак ва айри жиҳатлари хусусида суҳбатлашсак.

**Улуғбек Ҳамдам:** — Умарали ака, назаримда ҳар қанча содда туюлмасин, барибир бир савол ҳамма замонлар учун қайсидир даражада муҳим бўлиб келган, ҳамма замонлар унга у ёки бу тарзда жавоб беришга уринган. Савол тахминан шундай: «Умуман, шеър нима? Унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?..» Жавоб минг йиллардан бери қидирилади. Жавоб топилмайди эмас, топилади. Бироқ вақт ўтгани сайин жавобларнинг оҳори тўкилади. Янги давр, янги кайфият туғилиши билан эса оҳори тўкилмаган жавобларга эҳтиёж сезилади. Аслида янги жавобнинг моҳияти эскисидан ҳеч қанча фарқ қилмайди, ҳамма гап шундаки, жавобни ҳар бир давр ўз тушунчалари, белгилари билан безайди. Чунончи, Аристотель ўз даврида поэзиянинг моҳиятида «катарсис», яъни покланишга интилиш мавжуд деган бўлса, XX асрга келиб, унинг ёнига, масалан, шеър кишини ёлғизликдан асрайди ёхуд инсоннинг руҳий мувозанатга эришувида ёрдамчи бўлади, деганга ўхшаш ёрликлар қўшиб қўйилди. Чунки айнан XX асрга келганда инсон ўз ёлғизлигини теранроқ ҳис қила бошлади-да. Бошқача айтадиган бўлсак, қайси асрдаю қайси даврда қанақа ўй-дард

бўлса, санъат (шеъроят) ҳам шуни ифода этади. Ала-оқибат ҳар бир давр санъат (шеър) ни ўзига қараб турган қиррасининг исми билан атай бошлайди. Ваҳоланки, санъат кўп қирралидир. Шундай эмасми?..

**Умарали Норматов:** — Шеърга қараш даврга қараб янгиланиб боради, деган фикрга кўшиламан. Шу билан бирга ҳар бир изланувчи шоирнинг умри давомида шеърга қараши бетиним ўзгариб, янгиланиб бориши ҳам мумкин. Узоққа бормай, ўз миллий шоирларимиз ижодий тажрибасидан бир мисол келтирай. XX аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган шоир Асқад Мухтор 1965 йили шундай ёзган эди: «Шеър турмуш ўчоғидан олинган лаҳча чўғ, у ҳаётий эпизодга асосланган, сюжетли бўлиши керак, деб шеърнинг бўлак турларини тан олмай, анча йил юрдим; шеър ялт этган оний туйғу, завқ-шавқ тугёни, уни фақат музика жанрлари билан қиёс қилиш мумкин, деган руҳда ҳам анча вақт ишладим; шеър ҳаёт фалсафасининг эссенцияси, фикр, фикр, фикр! Фикрсиз поэзия йўқ, деб анчагача бир ёқлама, рационалистик шеърлар ёздим...»

Шоир давом этиб: «Бу тўлғонишлар менга баъзан зиён, баъзан фойда қилди. Лекин бир нарсада фикрим сира ўзгаргани йўқ: шеър — зарурият, шоирга ҳам, шеърхонга ҳам... Шеър одамнинг яшаши учун, курашиши, улғайиши учун зарур» дейди.

Парадоксни қарангки, санъатнинг, жумладан, шеърятнинг кўпқиррали эканлигини деярли барча шоирлар, шеършунослар эътироф этади. Бироқ санъат асарининг, шеърнинг мафкуравий жиҳатига келганда дарҳол чекланиш — чегараланиш бошланади. Мафкуравий ёндашув устувор бўлган XX аср адабиётида, хусусан ўзбек шеърятда бу ҳол жуда чуқур ва мудҳиш асоратлар қолдирди. Айниқса, шеърятдаги янгича, нонъанавий изланишларга, модернизмга муносабатда бу жуда яққол кўринди.

Шу ўринда модернизм ва унинг XX аср жаҳон адабиётидаги мавқеи, ўзбек адабиётидаги кўриниши, тадрижи хусусида озгина тўхталиб ўтсак.

Модернизм XX аср жаҳон адабиёти, санъатида муҳим ҳодиса, унинг асл қиёфасини белгиловчи омил

экани, М Пруст, Ф. Кафка, Ж. Жойс, Элиот, Э. Панд, А. Камю каби янги оқим, йўналишларга мансуб ижодкорлар сўз санъати ривожда бутунлай янги давр очгани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳоннинг турли минтақаларида уларнинг юзлаб-минглаб маслакдошлари, издошлари, давомчилари бор. Модернизм шунчаки адабий-бадий эксперимент-тажриба, шаклий-услубий изланиш натижаси эмас, балки у дунёни, инсонни янгича кўриш, тушуниш, англаш, англатишнинг ўзига хос фалсафий-назарий асосларига эга; Шопенгауэр, Нитше, Бергсон, Фрейд, Юнг, Хайдеггер, Сартр, Камю каби ғоят хилма-хил илмий-фалсафий мактаб асосчиларининг таълимоти ёки ғоялари янгича адабий оқим, йўналишлар учун замин бўлиб хизмат қилди.

XX аср бошларида шакллана бошлаган янги ўзбек адабиёти асосан, маърифатчилик реализми, умуман, реализм кўринишида, аниқроғи, XX аср жаҳон, биринчи галда Овропа реалистик адабиёти тажрибалари йўлидан борди. Шуниси қизиқки, 20-йиллардаёқ Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ҳамза сингари пешқадам ўзбек адиблари ижодида XX аср жаҳон адабиёти адабий тафаккуридаги энг янги жараёнларга оҳангдош хусусиятлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, модернистик оқим-йўналишлар белгилари намоён бўла бошлади. Бу тасодифий эмас. Бу даврга келиб ўзбек адиблари жаҳон адабиётидаги янги жараёнлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Бундай танишув хилма-хил йўллар орқали амалга ошди. Энг муҳими, қатор адибларимиз ўша қизғин янги жараёнлар юз бераётган, улар ҳақида жўшқин баҳс-мулоҳазалар кетаётган юртларда яшаб, ўқиб, ишлаб, ўшандай янгиланишларнинг гувоҳи, ҳаттоки иштирокчисига айлангандилар: Фитрат аввал Туркияда, кейин Москва ва Ленинградда бўлди, Ҳамза ҳаж сафари баҳонасида кўплаб мамлакатларни кезди, Қодирий билан Чўлпон бир неча йил Москвада яшади, Ойбек Ленинград таълимини олди, Қодирий, айниқса, Чўлпоннинг Москва таассуротлари, у ердаги маънавий-адабий ҳаётга доир мақолаларини, улардаги нозик кузатишларини, Ойбекнинг Нева бўйларида туғилган лирикасини эсланг. Булар шунчаки бир таассурот, қайдлар эмас, балки ёрқин

истеъдодлар кўнглида куртак ёзаётган янгича адабий майллар, бадиий-эстетик принципларнинг нишонларидир. Уша кезлардаёқ улар яратган асарларда замонавий Овропа адабиётидаги янги адабий-бадиий оқимлар, уларга хос энг «янги приёмлар» у ёки бу кўринишда намоён бўла бошлади. Модернизм санъати, адабиётга оид футуризм, символизм, экспрессионизм сингари қатор тушунча, атамалар тез-тез тилга олинган бўлди. Фитрат 1926 йили чиққан «Адабиёт қондалари»да уларнинг айримларини ўзича шарҳлашга ҳаракат қилди. Бугина эмас, «сўнгги приёмлар», шеъриятдаги символизм масалаларида қизгин баҳслар бошланди. Хусусан, Чўлпон билан Қодирий бу муаммога ўз даврида нақадар теран, оқилона, хайрихоҳлик билан ёндашганликларини биламиз. «Кўнгил янгилик қидирадир», «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз» — бу сўзлар Чўлпон билан Қодирийнинг адабий-бадиий манифестлари эди. Ҳатто Қодирий Овропа тушунчасидаги анъанавий йўлда битилган «Ўткан кунлар»га «сўнгги приём»ларнинг баъзиларини эртароқ киритганини айтади. Романдаги Зайнаб, Хушрўй характери, руҳияти тасвирида, Отабекнинг «Хўжа Маъоз» мазоридаги тунги кечинмалари, Кумуш қабри қошида Зайнаб билан сўнгги учрашуви ифодасида имо-ишораларга, сир-сеҳрга мўл, фаройиб янгича талқинларга дуч келамиз. Адибнинг кейинги йирик асарлари «Меҳробдан чаён», айниқса, «Обид кетмон»да танқидчиликда таъкидланганидек, жаҳон замонавий янги адабиётга хос изланишлар, «сўнгги приём»ларнинг талай белгилари, яъни ички монолог, ички психологик таҳлил, шахснинг ички шаклланиши, шахс табиатининг сирли-сеҳрли нағмалари, сюжетнинг «исталган» ерда бошланиши ва «исталган» ерда тугаши, кутилмаган янги воқеа чизиқларининг куртакланиши каби экспрессион ҳолатларни кузатамиз.

Фитрат, Чўлпон, Ойбек ва 20-йилларда улар изидан борган қатор истеъдодли шоирлар шеърияти яхлит ҳолда бизда Овропа янги адабиётга ҳамоҳанг символизм адабий ҳодиса даражасига кўтарила бошлаганлигини тасдиқлайди. Фитрат, Чўлпон шеъриятини ХХ

аср бошида туриб ўқиб, улардаги қолипларга сиғмайдиган асов руҳни кўриб, бу икки шоир ўз муҳитига, даврига нисбатан нақадар илгарилаб кетганлигидан ҳайратга тушасиз. Бугина эмас, Фитратнинг «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни», Ҳамзанинг «Жаҳон сармоясининг энг сўнгги кунлари» сингари рамзлар асосига қурилган йирик асарлари 20-йиллардаёқ ўзбек адиблари аср янги адабиёти билан бўйлаша оладиган намуналар берганлигини тасдиқлайди...

**Улугбек Ҳамдам:** — Модернистик шеърятнинг илк куртаклари XX аср бошлариданоқ ниш берган экан, хўш, нима учун у юз йиллик мобайнида бирдек тараққий этиб бормади? — деган саволнинг туғилиши табиий. Авваламбор, бундай шеърятнинг, умуман санъатнинг ривожланиши учун реал ижтимоий-психологик шароит етилгани бўлиши шарт. Мана, сиз айтгандек, Фитрату Чўлпонлар Москва, Ленинград, Истамбул каби пешқадам шаҳарларда анча муддат яшадилар, бунинг натижасида туғилган ўзаро таъсирланиш исиз йўқолмаган, албатта. Аксинча, шоирлар ижодида энг янги, ҳатто модернча оҳанглар пайдо бўла бошлаган. Кейин-чи? Кейин нега у такомил этмади?.. Чунки собиқ Шўро давлати ўзини ташқи дунёдан ажратиб, ичкарида фақат сиёсий мафкура хизматига йўналтирилган иқлимни вужудга келтирдик, оқибатда адиблар ижод эркини, тафаккур эркини бой бериб қўйди. Дунё илмий-техникавий, ижтимоий-маънавий жиҳатдан илгариб кетди-ю, бу ерда турғунлик кайфияти ҳукм сурди. Модерн изланишлар турғунликнинг эмас, балки фаол ҳаракатнинг мевасидир, ахир!.. Албатта, А. Мухтор, Рауф Парфи ва 70-йиллар авлоди ижодларида янги оҳанглар, изланишлар мавжуд эди, бироқ улар бугунгидек кенг ва теран маъно касб этмаганди. Бугун биз ўша пайтда илгарилаб кетган дунёнинг етиб борган поғонаси маҳсуллари билан танишиш имконига эгамиз ва секин-асталик билан бўлса-да танишиб бораёпмиз. Бундай муносабат: илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, психологик алоқа алмашув биздаги инсонлар дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартириб бормоқда десак, муболаға бўлмас. Натижада санъату адабиёт одамлари орасида модернча кайфи-

ят туғилиб улгурди. Мана нима учун бугун қўлига қалам тутиб, адабиёт оламига «атак-чечак» қилиб кириб келаётган ёш ҳаваскорлар ҳам «модернча» машқлар қораламоқдалар. Аслида бу уларнинг жудаям илгарилаб кетганининг эмас, балки ҳамма замонларнинг ижодкорлари каби бор-йўғи ўз даврининг, ўз замонасининг фарзанди эканликлари билан боғлиқ гоят нормал ҳолатнинг маҳсулидир. Шу билан бирга алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, 80-йилларнинг ўрталаригача, янаям аниқроғи, жамиятда улкан ўзгаришлар юз бергунгача ёзилган модернистик шеърлар муаллифлари кайфиятларида ҳа, чинданам умумий кайфиятдан илгарилаб кетиш бор эди. Буни тан олиш керак. Кунимизда модернизм хусусиятлари умумий кайфиятга айланиб бормоқдаки, энди бу йўлда ижод қилиш билангина «фахрланиб» бўлмайди, энди юксак санъат асарлари яратишгина ижодкорни «қутқариши» мумкин.

**Умарали Норматов:** — Ҳозирги глобаллашув, ахборот уммонида, замонавий коммуникациялар асрида бу жараён гоят тезлашмоқда. Одамзод шунга чуқур эҳтиёж сезмоқда. Одамларнинг, хусусан, ёш авлоднинг яшаш, фикрлаш тарзига, маънавий эҳтиёжига бир назар ташланг — ҳар қадамда сиз янгиликка — модернга ташналикни кўрасиз. Миллий адабиётимизда модерн йўналишнинг қарор топиб бораётганлиги ҳаётий эҳтиёж, зарурат тақозосидир...

Модернизм ўзбек муҳитига ёт Фарб ҳодисаси деган гапларни бугун, яъни плюрализм адабий ҳаётнинг табиий ҳодисасига айланган, хилма-хил адабий оқимларнинг амал қилиши табиий бир ҳол бўлиб қолган, қолаверса, энг муҳими, ноанъанавий янгича йўллар аллақачон бу замонда нашъу намо топган, миллий ҳодиса тусини олган, унинг муайян ютуқлари адабиётшунослик томонидан эътироф этилган, улар ўз китобхонларини топган, топаётган кунларда эшитиш ғалати туюларкан.

**Улуғбек Ҳамдам:** — Модерн асарлар ўз китобхонини топаётган, уни қадрловчилар сони кўпайиб бораётган бир пайтда тамомила ўзга бир нуқтаи назар билан чиқаётган, бу ҳодисани бизга ҳамон ёт ҳодиса деб қараётган олимларимиз ҳам бор. Бу ўринда мен проф.



Баҳодир Саримсоқовнинг кескин чиқишини назарда тутаётирман.

**Умарали Норматов:** — Адабиётшунос Б. Саримсоқов модернизм, аниқроғи, абсурд ва экзистенциализм адабиётини танқид қилишда, ҳатто Шўро даврининг энг жангари мунаққидларини ҳам йўлда қолдириб кетди. XX аср ўзбек адабиётининг қатор намуналарида абсурд ва экзистенциализм кўринишлари мавжудлиги хусусидаги қарашларга жавобан ёзилган «Абсурд маънисизликдир» (ЎзАС, 2002, 28 июн) мақоласида олим жаҳон адабиётидаги бу оқимлар шаънига кескин танқидий гаплар айтади. Унингча, «Умуман олганда, бадиий-эстетик ҳодисалардаги абсурд тушунчаси ижобий ҳодиса эмас», «абсурд ўз оти билан маънисизлик», «абсурд асар жамиятда ана шу асарга умуман эстетик талаб бўлмаган пайтда, ижодкорда эса «эҳтиёж фарзанди» (А. Орипов) туғилмаганда ёзилади. Аниқроғи, абсурд асар ижтимоий-эстетик жиҳатдан арзийдиган ғоя ташимайди», «абсурд асар маънавий-ахлоқий концепциясиз, муайян ғоя ташимайдиган, ҳаётга лоқайд ва маънисиз муносабатни ифодалайди. Бу унинг белгиловчи мезони. Абсурд туйғу — маънисизлик туйғуси. Абсурд инсоннинг ўзи яшаётган жамиятга, муҳитга, ўз-ўзига, ҳаттоки яратувчига бегоналик туйғуси», «абсурд барча замон ва маконларда маънисизлик бўлиб қолаверади», у бадиият дунёсидаги инқироз, «ботқоқ»дан иборат... Олим абсурд адабиётини шу тариқа қайта-қайта қоралар экан, экзистенциализмни эса қисқа ва лўнда қилиб «субутсизлик» деб атайди ва бу баҳода собит эканлигини таъкидлаб, «мен экзистенциализмга нисбатан «субутсиз» сифатловчисини тўла англаган ҳолда ишлатдим ва бу масалада баҳслашишга ҳамиша тайёрман», деб ёзади.

Табиийки, ҳар қандай адабий-бадиий оқимда бўлгани каби абсурд ва экзистенциализм адабиётида ҳам ижтимоий-эстетик жиҳатдан арзийдиган ғоя ташимайдиган, бадиий ночор асарлар бор. Бироқ бу ҳол абсурд ва экзистенциализмнинг XX аср жаҳон тараққийпарвар адабиётидаги муносиб ўрнини, бу оқимга мансуб шахс ва унинг руҳиятини бутунлай янги томонлардан бадиий кашф этиб берган нодир асарлар аҳамиятини

инкор этиш учун асло изн бермайди. Ўта мураккаб, зиддиятли бу фалсафани, адабий-бадий ҳодисани англаш, ўрганиш йўлидаги биздаги дастлабки хайрли қадамларни қўллаб-қувватлаш ўрнига бу ҳаракатни ёмонотлиқ қилиш, менингча, инсоф ва одобдан эмас.

Б. Саримсоқовнинг абсурд ва экзистенциализмга берган баҳоси ўта мунозарали. Санъат ҳодисаси сифатида абсурд тушунчаси бу сўзнинг луғавий маъносидан ўзгачароқдир. Абсурд Б. Саримсоқов даъво қилганидек, асло маънисизлик эмас, балки, аксинча, теран маънога эга. Абсурд адабиёт, санъатда адашган, алданган, беҳуда, самарасиз меҳнат-фаолиятга, маънисиз қисматга мубтало этилган шахснинг фожиасини очиб бериш, кутилмаган томонлардан ўзига хос тарзда бадий таҳлил этишдан иборат.

**Улугбек Ҳамдам:** — Дарҳақиқат, ғалати ҳол, парадокс. Фожа, тушкунлик, ўлим каби тушунчалар ҳаётда ижобий маънога эга эмас. Бироқ бу мавзуларда яратилган бадий дурдона асарларни севиб ўқиймиз, улар неча асрлардан буён одамларни ҳаяжонга солиб келади.

**Умарали Норматов:** — Балли! Абсурд бобида ҳам айни шундай. Абсурд бу — кўҳна дунё, ҳаёт, яшашнинг маъноси ҳақидаги ўзига хос мушоҳадалар мажмуасидир. Абсурд асар одат тусига кирган ҳаётий ҳодиса, жараёнларни янгича идрок этишга, баҳсга ундаши билан қимматлидир. Абсурд асар асло бэфарқлик, лоқайд муносабат эмас, балки фикрдаги, қалбдаги тугён-исён маҳсулидир. Абсурд ижод соҳиби ва назариячиси Камюнинг «Абсурд бу — ўз чеки-чегарасини англайдиган ақл-идрок», «Мен фикрдан нимани талаб қилсам, абсурд ижоддан ҳам айни шуни — исён, эркинлик ва ранг-барангликни кутаман» деган сўзларини унутмайлик!

Наҳотки XX аср абсурд адабиётининг юзлаб нодир намуналари, жумладан, она тилимизга аллақачон таржима қилинган, китоб бўлиб чиққан, бугунги кунда мактаб ўқув дастурига киритилган «Бегона», «Вабо» асарлари жамиятда ана шу асарларга умуман эстетик талаб бўлмаган пайтда, ижодкорда эса «эҳтиёж фарзанди» туғилмаганда ёзилган бўлса?! Б. Саримсоқов даъво қилганидек, абсурд адабиёт «муайян ғоя таши-

майдиган адабиёт» экан, нега бу адабиётнинг улкан намояндаси ва назариячиси А. Камю ўз даврида «Овропа виждони», «ақллар ҳукмдори» деган ном олди? Олим «маънисизлик»да, «лоқайдлик»да айблаган оқимга мансуб адиб инсоният олдига бугунги кун муаммоларини бутун кескинлиги билан қўювчи адабий асарларининг аҳамияти учун нуфузли халқаро «Нобель» мукофоти билан тақдирланган эди-ку!

**Улуғбек Ҳамдам:** — Фикрингизга қўшиламан. Бироқ Баҳодир аканинг ўзбек адабиётида абсурд асар яратилган эмас, бунинг учун бизда замин-муҳитнинг ўзи йўқ, деган гаплари ҳар қанча мунозарали бўлмасин, барибир муайян асосга эгадек туюлади. Айниқса, бу гап собиқ шўро даври ўзбек адабиётига тадбиқан олинганда яна-да ишонарли жаранглайди. Чунончи, Абдулла Қаҳҳорнинг сиз айтган асарларининг абсурд адабиёт намуналари дея тўла аминлик билан айтиш бир оз баҳсталаб. Чунки у асарларда абсурд руҳни, кайфиятни «туғиб берадиган» воқеликнинг айрим парчалари чиндан ҳам тасвирланган, лекин назаримда асарнинг чинакам абсурд адабиёт намунасига кўтарилиши учун унда акс этган абсурд воқелик асар муаллифи томонидан тўла идрок этилган, англаган бўлиши шарт. Шўро даврида ижод қилган шоир ва адибларимизнинг ҳеч бирини, фикримча, том маънода абсурд ижодкор дея олмаймиз...

**Умарали Норматов:** — Бу фикр ҳам мунозарали. Ҳатто абсурд асарнинг аҳамиятини ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиб чиққан Жаббор Эшонқулов «Воқелик ва хаёлот» сарлавҳали мазмундор мақоласида (ЎЗАС, 2002 йил, 12 июл) «абсурд асар абсурд ижодни талаб қилади», «абсурд ижод йўқ жойда абсурд асар ҳам бўлмайди» дейди. Тўғри гап. Бироқ бундай қараш бир оз аниқлик киритишга муҳтож. Абсурд адабиёт назариячиларининг фикрича, абсурд ижодга мансуб бўлмаган адиблар бисотида ҳам абсурд ғояси, туйғуси, абсурд қаҳрамон қарашини, абсурд муаммоси қўйилавериши мумкин. Масалан, Ф. Кафка абсурд ижодкор эмас, лекин бу буюк адиб асарларида абсурд проблемаси бутун кескинлиги билан ёритилган. Бугина эмас, жаҳон адабиётидаги Гоголь, Достоевский сингари даҳо

реалист ёзувчилар ижодида ҳам айти шу ҳолни кузатиш мумкин. Шунингдек, абсурд доираси ҳам ниҳоятда кенг. Сизиф ҳақидаги ривоятда намоён бўлгани каби кенг қамровли азал ва абадга дахлдор маъноларни ташувчи асарлар билан баробар, оддий кундалик реал воқеа-ҳодисалар қаламга олинган асарларда ҳам бу туйғу, гоё намоён бўлавериши мумкин. Биз ҳар хил мақомга солиб, тортишиб, чалкаштириб юрган абсурд тушунчаси моҳиятини Камю Сизиф ҳақидаги қадимги миф мисолида содда ва лўнда қилиб очиб берган. Ўша асотирга кўра бу фоний дунёнинг ҳою ҳавасларига муккасидан берилиб кетган Сизиф оғир жазога — поёни йўқ самарасиз машаққатли меҳнатга маҳкум этилади: у улкан харсанг тошни тоғ чўққисига не-не азоблар билан думалатиб чиқади, энди етдим деганида бу тош орқага — пастга думалайди. Сизиф бундай самарасиз машғулоти узлуксиз давом эттиради. Камю Сизифни абсурд қаҳрамон деб атайди. Сизифнинг мангу бесамар меҳнати, фожиавий қисмати эслатадиган ҳодисаларни бу фоний дунёда ҳамма замонларда, ҳар қадамда учратиш мумкин. Адиб умр бўйи меҳнат қилаётган ҳозирги ишчиларнинг қисмати абсурд бобида Сизифникидан кам эмаслигини таъкидлайди.

Эътироф этиш керак, абсурд, экзистенциализм, умуман модернизм муаммоларини, хусусан, уларнинг миллий адабиётимиздаги кўринишларини ўрганиш, талқин этишда ҳали тажриба камлиги учун қатор қийинчилик ва чалкашликлар учрамоқда. Уларни рўкач қилиб бу жиддий муаммодан юз ўгиришга қаратилган даъватлар, чўчитишларни тушуниш қийин. Бунақа даъват, чўчитишлар замон руҳига зид! Абсурд тасвирий санъат ва адабиётдаги ўнлаб, балки юзлаб талқинларнинг бири. Уни хушламаслик, унга қўшилмаслик, у билан баҳслашиш мумкин, бироқ уни бутунлай рад этиш зиёли, олим одамнинг иши эмас!

Кишини қувонтирадиган ҳолат шундаки, сўнгги йиллар адабиётшунослигида XX аср ўзбек адабиётини ўрганиш, талқин этишда ақидапарастлар мезонларидан қочиб янгича йўллар қидириш майли кучайиб бормоқда. Бу йўллардаги дастлабки изланишлар, янгича кузатиш, таҳлил ва талқинлар, умуман XX аср ўзбек

адабиёти, унинг жаҳон замонавий адабиётида тутган ўрни хусусидаги тасаввурларимизни хийла бойитмоқда. Айниқса, миллий адабиётимиз нодир намуналарининг жаҳон замонавий адабиёти, жумладан, модернизм дурдоналари билан қиёсий таҳлил ва талқинлари қўшилган хулосалар чиқариш учун изн ва асос бермоқда.

Шу пайтга қадар «Қутлуғ қон» романи М. Горький ижоди, хусусан, «Она» романи анъаналари таъсирида дунёга келгани айтиларди. С. Содиқ «Янги ўзбек адабиёти» қўлланмасида бу асарни Ж. Стейнбекнинг Нобель мукофоти билан тақдирланган «Ғазаб шодалари» романи билан қиёс қилиб, бу икки асар асосий пафоси ва бош қаҳрамонлар — Йўлчи ва Том қисмати талқинида талай муштаракликлар мавжудлигини кўрсатади.

Х. Дўстмуҳаммад «Озод изтироб қувончлари» китобида япон адиби Акутагава Рюноскэнинг «Бисейнинг садоқати» ҳикояси билан Ойбек лирикаси, «Расёмон дарвозаси» билан Ғафур Фуломнинг «Менинг ўғригина болам» ҳикоясида ғаройиб оҳангдошлик жиҳатларини топади. Ёш тадқиқотчи Ш. Тўйчиева «Чўлпон ва Камю» мақоласида «Кеча ва кундуз» ва «Бегона» асарларидаги суд жараёни тасвирини қиёслаш орқали ҳар иккисидан экзистенциализм, абсурд туйғуси ва ғояси талқинидаги ўхшашликларни аниқлашга уринади. Сувон Мели Достоевскийнинг «Телба» ва Ғафур Фуломнинг «Шум бола» асарларининг қиёсий таҳлиliga бағишланган маърузасида бу икки асардаги асосланмаган онгнинг намён бўлиши хусусида қизиқарли кузатишларни ўртага ташлайди. М. Шарафиддинова эса берироқ келиб, Ў. Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романининг бадиий структурасига оид тадқиқотида мазкур роман ифода тарзи йўллари жиҳатидан Набоков асарлари поэтикасига яқин туришини айтади...

Шахсан мен ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романидаги бош персонаж тасвири ва талқини кўп жиҳатдан Кафканинг «Жараён»ига яқин туриши, бу романда шунингдек, «Ўтмишдан эртактлар»да экзистенциализм, абсурдизм хусусиятлари мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилганман.

Шуниси қизиққи, «Телба» романини мустасно этганда қиёс қилинган асарларнинг барчаси деярли бир даврда, муаллифлари бир-биридан мутлақо беҳабар ҳолда яратилган. Фаройиб ҳол: бир асрда жаҳоннинг турли нуқталарида, турли хил шароит ва миллий заминда, турли тилларда дунёга келган санъат намуналарида бу хил муштарак жиҳатларнинг мавжудлиги сабаби, илдизи қаерда? Кўламли, теран тадқиқотларга арзийдиган мавзу! Эҳтимол, ҳозирча бу борадаги мавжуд кузатиш, мулоҳазалар айрим ҳамкасбларимизга ғайритабиий туюлиши мумкин, лекин шу хил фикрлашга, баҳсга ундайдиган илмий фараз, версияларнинг ўртага ташланаётганлигининг ўзи қувончли ҳол! Тараққий этган мамлакатларда илмий фараз, янгича ғояларнинг қадр-қиммати фундаментал тадқиқотларниқидан кам эмаслигини унутмайлик.

**Улугбек Ҳамдам:** — Домла, шу ўринда суҳбатимиз аввалида тилга олинган муаммога қайтиб, ўзбек модерн шеърятининг миллий асоси-замини хусусида батафсилроқ гаплашсак.

**Умарали Норматов:** — Эътибор берсангиз, етмиш йиллик тайёргарликдан сўнг бизда модернизм энди адабий оқим тусини ола бошлади. Аввало ўша етмиш йиллик тажриба бу оқимнинг биринчи асос-заминидир. Адабиёт ва санъатнинг узоқ давом этган ҳукмрон мафкуравий сиёсий тазйиқ исқанжасидан халос бўлиши, плюрализмнинг қарор топиши бизда хилма-хил фалсафий ижодий оқимлар, жумладан, модернизмнинг эркин ривож учун йўл очиб берди. Табиийки, буғунги ўзбек модерн адабиётида, Фарб, қолаверса, жаҳон замонавий адабиёти, санъатидаги талай фалсафий-ижодий оқимлар, айниқса, экзистенциализм фалсафаси, адабиёти тажрибалари таъсирини кўриш мумкин.

Айни пайтда бизда модерн адабиётнинг оқим тусини олиш жараёни миллий ўзликни англаш, миллий-диний қадриятларни тиклаш, жумладан, тасаввуф фалсафаси, адабиётига қизиқиш ғоят кучайган бир даврга тўғри келди. Айниқса, замонавий Фарб фалсафаси, жумладан, экзистенциализм билан Шарқдаги қадимий тасаввуф таълимоти орасидаги муштаракликлар модер-

нист ижодкорларда ўзгача қизиқиш уйғотди, уларни дадил ижодий изланишларга илҳомлантирди. Аждодларимизнинг қадим ўғитлари, ўй-мушоҳадалари, наволари билан замонавий тафаккур-мушоҳада, бугунги куннинг ғоят сержило, кўппардали садолари ўзига хос бир тарзда уйғунлаша бошлади. Модерн адабиётимизнинг янги босқичи бошида турган, ҳозирги замон, унинг ўткир муаммолари хусусида баҳс юритувчи икки етук асар — Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Жажман» ҳикояси ва Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» дostonидаги миллий руҳни ўзида ёрқин ифодалаган, миллий қадриятларимизнинг ўзига хос тимсоли дейишга лойиқ нуруний, донишманд қариялар образи ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ёки Фахриёр сайланмасининг «Аёлғу» номи билан аталиши ҳам тасодифий эмас. «Аёлғу» сўзи қадим чолғу асбобининг номи; луғатларда қайд этилишича, соф туркий ўлан, ашула, ялла, куй, оҳанг, таъсирли кўшиқ, дегани. Аввало «Аёлғу» номи билан аталган дostonни, қолаверса, шу ном билан чиққан сайланмадаги бошқа дoston ва шеърларни ўқисангиз, «соф модерн» кўринишидаги деярли барча асарлар қаъридан акс садо бериб турган қадим аёлғу наволарини туйиб-эшитиб турасиз. Бунақасини бошқа бирон халқ адабиётидан тополмайсиз. Қисқаси, энг яхши, етук асрлар устидаги кузатиш, таҳлиллар асосида дадил айтиш мумкинки, ўзбек модернизми бошқаларга тақлид маҳсули эмас, у ўзига хос йўлдан борапти, у миллий адабий ҳодисадир.

**Улуғбек Ҳамдам:** — Ноанъанавий шеърят бизда осонлик билан ўзига йўл топаётгани йўқ. Эҳтимол, ноанъанавий ҳодисаларнинг, янги, ҳали «юрилмаган» йўлларнинг илк тақдири ҳамиша ҳам шундай бўлар. Сўнгра эса кўникиш, қабул қилиш ва ҳатто меҳр кўйиш деган босқичлар келар. Ахир, 70-йиллар авлодининг ноанъанавий шеърларининг айримларида бир қадар сунъийлик сезилиб қолиши баробарида кунимиз ёшларининг модерн изланишларида табиийликни кузатиш мумкин-ку! Ва шу ҳолнинг ўзиёқ «янги йўл»нинг тобора «ёйила бошлагани»дан далолат эмасми? Шоирлик даъвоси бор талабаларимдан бири айтиб қолди: «Мен анъанавий шеърятдан, унинг анъанавий ва ҳатто

бир қадар жўн ифода тарзидан ҳаяжонга тушмай қўйганман. Қайтага, масалан, «Кўзларимда иккита шовқин» деганга ўхшаш мисраларни ўқиб қолгудек бўлсам, борлигим титраб, шеър руҳига фарқ бўламан. Биласизми, мен ўша иккита шовқиннинг нима эканлигини биладигандекман, улар менинг ботинимда яшаётгандек бўлавереди».

Ёшлар изланишларида ажодларнинг қадим наво-си — оҳангдорлик, мусиқийлик, қочиримларга бой шеъриятдан узоқлашиш мавжуд. Аммо, қизиғи шундаки, бу иш атай қилинмаётир. Аксинча, ёшлар ёзмоқчи бўлган шеърлар негадир ўзга оҳангларда — 70-йиллар авлоди ўз вақтида ўзбек шеърхонларига сингдиртиролмай қийналишган пардаларда, ҳатто яна-да баландроқ пардаларда янграётгандек. Албатта, уларнинг аксариди ижтимоий дарднинг саёзлиги, ҳатто тасвирланаётган ўта интим кечинманинг ҳам бачканалиги бор гап. Айниқса, бармоқда ҳам бемалол ифода қилиш мумкин бўлган кечинмаларни ортиқ даражада «модернлаштириш»га уриниш мавжуд. Қофия ва вазндан воз кечиби, фикр ва тугёнингни сал «чалкаштириб», мураккаброқ қилиб ёзсанг бас, «модерн шеър» тайёр, деганга ўхшаш нотўғри тушунча борлигини гоҳо сезиб қолгандек ҳам бўласан. Бироқ, барибир, улар шеъриятини диққат билан кузатар эканмиз, амин бўламизки, ўзбек шеърияти бадиий тафаккур тадрижида янги саҳифа очилиб келаётганининг гувоҳи бўламиз. Чунки биз истаймизми-йўқми, улар дунёни бошқача кўраяптилар. Аслида санъатдаги барча янгиликлар айнан шундан бошланади. Бу яхши, аммо натижага ҳали бор. Ҳали ёшлар шеърияти тугалланмаган, ҳаракатдаги жараён. Бинобарин, уларнинг шеъриятимиздаги жиддий ўрни ҳақида гапиришга анча фурсат бор. «Ҳали олдиндадир гўзал кунларим, Ҳали лаб тегмаган қадахлар олдда» дегани каби Абдулла Ориф, уларнинг шеъриятимизда рўёбга чиқариши лозим бўлган ишлари ҳақиқатан ҳам олдинда. Чунки ҳақиқий модерн шеър тили — поэтик тили ҳали ҳеч бир шоирда тўлалигача шаклланиб улгурган эмас. Биз кўпинча у ёки бу модерн шоирнинг у ёки бу шеърдан бир парчани олиб, уни ўзимизча шарҳлай-



миз. Назаримда, биз шу ўринда шеърдаги маънига кўпроқ асир бўламиз, ажаб эмаски, ушбу суҳбатимизда ҳам шу руҳ етакчилик қилаётган бўлса... Чунки биз шунга кўникканмиз. Шеърдаги маънини кўл билан тутиш шеърнинг санъат асари сифатидаги гўзаллигини тутишдан чандон енгилдир. Бизда модерн шеър ҳали санъат асари сифатида ўзининг қиёмига етгани йўқ. Биз ҳозиргача ўз назаримиздаги модерн шеърда фақат шакл фарқлилигини, ифода ўзгачалигини кўраяпмиз, холос. Анъанавий шеърятимиз 60—70-йилларда Рауф Парфи, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон каби шоирлар ижоди мисолида ўзининг юксак чўққисига чиққанди. Лекин модерн шеъримиз ҳали ҳатто Ойбек етиб борган манзилларга қадар ҳам кела билгани йўқ. Такрор айтаман, бу ўринда мен шеърга фикр айтиш воситаси деб эмас, балки санъат асари, гўзаллик илоҳаси сифатида қараяпман.

**Умарали Норматов:** — Ёшлар шеърятти тугалланмаган, ҳаракатдаги жараён, бинобарин, уларнинг адабиётдаги ўрни ҳақида гапиришга анча фурсат бор, дейсиз. Бу, бир жиҳатдан, тўғри. Айни пайтда улар ҳақида гапириш, баҳслашиш учун бугун ҳам етарли асос, ҳам катта эҳтиёж бор. 70—80-йилларнинг муайян синтези ва 90-йиллар янгича шеърятимизнинг дебочаси саналмиш Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз луғат» достони, Фахриёрнинг «Аёлғу», Баҳром Рўзимухаммаднинг «Кундуз сарҳадлари» китоблари, бу шоирларнинг ўнлаб сафдош ва издошлари ижодисиз, айниқса, «Муҷал йили», «Ёзиқ»дек дostonларсиз кейинги ўн йиллик ўзбек миллий шеърятини асло тасаввур қилиш мумкин эмас.

**Улугбек Ҳамдам:** — Албатта, шубҳасиз. Бироқ мен андак бошқа жараён ҳақида фикр юритаётган эдим. Баҳс юритаётганимиз модерн шеър ўз бўйи-бастини асосан, 70-йиллардан бу ёнда кўрсатаётган ва кунимизга келиб унинг ишқибозлари, ҳақиқий жонкуярлари кўпайиб бораётган экан, демак, у тобора пишиб шакланмоқда. Бас, шундай экан, бу шеърятнинг «олтин даври»га ажаб эмаски, энди кириб келаётирмиз. Тарихдан мисоллар: аср бошларидан ибтидо олган бар-

моқ вазнидаги ўзбек шеърляти энг гўзал намуналарининг кўпчилик қисми 60—70-йиллар шеърлятига тўғри келганлигини ўйлаб кўрсак, аён бўладики, қарийб ярим асрлик вақт бежиз кетмабди. Бу йиллар мобайнида ўзбек шеърляти бадиият бобида, санъат бобида изланибди, пишибди. Ёки яна бошқа бир мисол: Навоий ҳам йўқ ердан бино бўлган эмас, балки унеча ҳам Лутфий, Атоий каби ўнлаб шоирлар туркийда ашъор битиб, тилнинг, назм тилининг, ташбеҳ ва рамз тилининг шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Агар бу борада ҳам Навоий биринчи бўлганда, эҳтимол унинг кўп фурсати ва эмаги салафлар амалга оширган «қора ишлар»га сарф бўлиб, бадий дурдоналарининг сони ва сифатига путур етган бўлармиди... (Шу маънода ўзбек модерн шеърляти ҳатто шу бугунги ҳолида ҳам кўпсўзлилиқдан, олифта ва бачкана туйғулару «бурама» фикрлар ялтироқчилиқидан, тафаккурнинг ҳиссиз ўйинларидан холи эмаслиқидан кўз юммаслик лозим. Аммо ишонаманки, у ўз ривожланиш йўлида бундай қусурлардан фориг бўлиб, юксак бадий тиниқликка эришади. Неча юз йиллардан бери яшаб келаётган ва бугун ҳам муҳиб қалбларга ўз титроғини солаётган япон хокку ва танкаларининг сир-асрори ҳақида бир мулоҳаза юритсак, мен айтаётган фикрнинг маънисини янада ойдинлашади.) Шундан ҳам кўриниб турибдики, дунёда бирон шахс ва унинг бирон бир иши ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, аксинча, ҳамиша тарихдан, салафлардан (ҳатто у салафларга сира «ўхшамаса» ҳам) ўрганлади. Худди шундай бугун биз янгича, модерн шеър, деб атаётганимиз ҳам ҳали шаклланиш босқичида, бас, унинг ҳам мевалари ларзон-ларзон пишган, ҳосилдор фаслига насиб қилса, энди кириб келамиз. Айни чоғда таъкидлаб айтиш жоизки, турли хил кўринишдаги модерн ёки модерн реалистик шеърнинг яхши-яхши намуналарини ўша Асқад Мухторнинг «99 миниатюра»сидан, ўша Рауф Парфининг «Сабр дарахти»га кирган «учлик»ларидан, 70-йиллар авлоди шоирларининг унумли тажрибаларидан тортиб то шу кунда фаол ижод қилаётган Баҳром Рўзимухаммад, Абдували Қудбиддин, Фахриёр каби шоирлар ижодларидан топиш мумкин. Шермурод Субҳон, Олима На-

бизода, Гўзал Бегим, Дилрабо Мингбоева, Ойдин каби ўнлаб ёш ижодкорларнинг илк машқларини айнан модерн оҳангларда эълон қилаётганликлари ҳам модерн шеър ҳақидаги асосий баҳс-мунозаралар ҳали олдинда эканидан далолат беради...

Домла, мени бошқа бир нарса ўйлантиради: мен кўпинча анъанавий шеър билан модерн шеър ўртасидаги чегарани тополмай қийналаман. Дарҳақиқат, уларнинг чегарасини ким қўйиб бера олади? Улар ўртасидаги фарқ фақат анъанавий шеърнинг қатъий ритм ва қофияга асосланганию модерн шеърнинг булардан «озод» эканлиги билан ўлчаниши ҳақидаги «ҳақиқат» аллақачон ўз қимматини йўқотмадими? Бундай таснифда моҳият эмас, шакл бирламчи бўлиб қолмаганми? Умуман, анъанавий ва модерн шеърни ажратиб турувчи чегара тобора бузилиб бормаяптими?

*Менинг кимлигимни  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир ғалатиман,  
Мен алоҳида.  
Кўзимнинг ёшини  
Келади ичгим,  
Тилимни чайнагим  
Келар гоҳида.*

(Муҳаммад Юсуф)

Мана шу шеърни ким қайси «изм»га қўшган бўларди? Дарҳақиқат, у модернистикми ё анъанавий? Сура-тига (айтгандек, шеърнинг ўзи ҳам «Сурат» деб номланади) қарайдиган бўлсак, у анъанавийдир. Бироқ шеърнинг фақат шаклигина унинг категориясини белгилаб бера олармикан? Бу ўринда шоирнинг шеърда акс этган дунёқараши ва кайфияти ҳам бирон роль ўйнамасмикан? Ахир лирик қаҳрамоннинг қандайлиги сизни ўзига жалб қилмаяптими? Ахир у ўзининг «сирли ва ғалатилиги»дан сўз очаяпти-ку!.. Бу шунчаки олифта сўз ёхуд ўзига эътибор қаратиш эмас. Ишоти — лирик қаҳрамоннинг ҳақиқатан-да нотабий ҳолати — «Кўзимнинг ёшини келади ичгим, Тилимни чайнагим

келар гоҳида». Бундай мураккаб, зиддиятли руҳий-драматик ҳолат шеър якунида янаям шиддатли тус олади: «Кийиклар қонини келади ичгим, Чаённи чайнагим келар гоҳида». Шеър шаклан анъанавий бармоқ вазнининг рисодалардаги қоидаларига мувофиқ жаранглайди. Бироқ лирик қаҳрамоннинг юқорида айтганимиз ҳолати анъанадаги руҳий ҳолатлар доирасидан ташқарига чиқиб кетади. Чунки анъанавий шеърини этика қаҳрамонни кийикнинг қонини ичишга йўлатмас, айна пайтда уни чаёндан «эхтиёт» қилган бўларди. Аксинча бўлишни фақат бадиий тафаккурнинг навбатдаги босқичигина амалга ошириши мумкин эди. Кўринадики, янги шеърят нафаси аллақачон ўзбек шеъриятига кириб келган ва у ҳатто энг анъанавий шоирларимиз ижодида ҳам киши билмас бир тарзда яшаб келаётир. Ёки шу ўринда қуйидаги мулоҳазамиз ўринлимикан? — Модернистик тафаккур тарзининг тобора кенгроқ ва чуқурроқ «ёйила бораётгани»ни эътиборга олган ва шу билан бирга, унинг анъанавий санъатимиз фитратини қайсидир маънода ўзгартираётганини назарда тутган ҳолда ушбу жараённинг XX аср ўзбек адабиётидаги «бўй-баста»га қараб туриб, умумий бир ном билан — модернистик реализм деб атасак ҳақиқатга яқин келган бўламизми? Чунки тан олишимиз керакки, XX аср мобайнидаги биздаги модерн янгиланишларнинг асосий улуши соф модернистик йўналиш зиммасига эмас, балки айнан юқоридаги тарзда анъанавийлик ва модернистик интилишларнинг синтези гарданига тушиб келди. Албатта, кейинги 10—15 йил ичида ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар бадиий тафаккур тарзимизда ҳам оламшумул янгилликлар ясай билди. Демак, бундан бу ёғига модернистик реализм «шохлаб» кетиши, оқибатда модернизмнинг турли хил оқимларига хос оҳанглар пайдо бўлиши табиий кўринади менга...

**Умарали Норматов:** — Шеърят, умуман адабиёт дунёси қизиқ. Акс ҳолни кузатиш ҳам мумкин. Энг замонавий, «соф модерн» шеър бағрида анъанавий руҳ киши билмас бир тарзда яшайвериши ҳам мумкин. Фахриёрнинг «Аёлғу» достонидаги мана бу сатрларга қулоқ тутинг-а:

*ойлар чўкар фалакдан жимир жимир жимирлаб  
тоғлар чўкар фалакка ғимир ғимир ғимирлаб  
тошлар қилар калака қиқир қиқир қиқирлаб  
менинг эса бўғзимда  
улув бордир бир улим  
ҳей тулугим ҳей тулум  
ҳей тулугим ҳей тулум*

Кейинги сатрларда халқона тароналар руҳи шўх, ўйноқи ва айна пайтда ўкинч-армонларга тўла синиқ, ажиб бир маънос туйғулар садоси яна-да ёрқинроқ янграйди:

*кўктангрининг боғида гуллар унар нопармон  
энди мен бу гулларни излаб қайдан топарман  
синган умидларимнинг дарвозасин ёпарман  
гулни излаб борадир  
улувларим ул улум  
ҳей тулугим ҳей тулум  
ҳей тулугим ҳей тулум*

Бироқ ўша анъанавий, халқона руҳ-оҳанг билан йўғрилган сатрлар бағрида қад ростлаб турган лирик қаҳрамон шоирнинг нигоҳи, табиат манзараларини кўриш, кузатиш, идрок этиш тарзи тамомила янгича, ўзига хос. Манзаралар ҳаракати, аниқроғи, сассиз ҳаракатлар шоир кўнглида ғаройиб акс садолар беради, бўғзида бир улум улувга айланади, бу ғаройиб улув садоси қулоғингиз остида эшитилиб тургандек бўлади: бир қарасангиз аниқ-тиниқ, бир қарасангиз мавҳум, сир-сеҳрларга, қандайдир имо-ишораларга тўла асов руҳий кечинмалар бизни мувозанатдан чиқариб, ғалати ҳолатга солади. Шеърий сатрлардаги асов руҳ ҳеч қанақа қолипларга сиғмайди, анъанавий шеърий тизим талабларини, ёзув-имло қоидаларини тан олмайди, тиниш белгиларига ҳожат қомайди. Мабода сатрлар мавжуд қолип-қоидаларга солунгудек бўлса, аминманки, руҳий-ҳиссий тароватини йўқотади. Бу модерн шеърятнинг муҳим белгиларидир.

**Улугбек Ҳамдам:** — Менинг назаримда, янги, модерн шеър бу, аввало, бадий тафаккурдаги янгиланишдир. Асло қофиядан, ритмдан онгли равишда воз кечиш эмас. Албатта, ана ўша янгиланган бадий та-

факкур маҳсулига янги либос — янги шакл кийдириш агар шоирга муяссар бўлса, нур устига нур. Бўлмаса, бу шоирнинг айби ё камчилиги ҳисобланмаслиги лозим. Янги шакл, ифода зўр бериш билан эмас, балки дунёқарашдаги, оламни идрок этишдаги янгориш билан, бадий тафаккур тарзимиздаги, дидимиздаги янгиланиш билан, демакки, ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик заминдаги улкан силжишлар билан дунё юзини кўради.

Шавкат Раҳмон шеърятини олайлик. У анъана заминида яратилган янги, оригинал шеърятдир. Бу шеърятнинг анъанага яқинлик даражаси анча юксак бўлганидан бир қарашда кўп ҳам оригинал шеърят бўлиб туюлмади. Бироқ адабиёт илми, бадиият қонуниятлари нуқтаи назаридан ҳижжалаб ўрганилганда, Шавкат Раҳмон шеърятининг ўзига хослиги очила боради ва у масалан, салафлар шеърятидан қайси бир жиҳатларига кўра ажралиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ёхуд модернистик шеърятимизнинг йирик вакилларида бири Баҳром Рўзимухаммад ва ёхуд Фаҳриёр шеърятни биз кўниккан анъанавий лирикамизга нисбатан ғоят оригинал кўринмасин, улар ҳам ўз анъанасига эга. Бошқача айтсак, бугун тобора кенгроқ ёйилаётган модернистик шеърятнинг дунё адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида ўз ўрни бор, у «ҳаводан озикланаётган гул» эмас. Туркий халқларимиз адабиётини, қўлёзмаларни varaқлаб кўрганимизда ҳам шу ҳолга дуч келамиз: аж-додларимиз аруздан аввал, ҳатто бармоқдан ҳам аввал сочмалар шаклидаги эркин вазнлардан фойдаланишган экан. Бунга биргина мисол — Туркияда чоп этилган «Чингизхоннинг махфий тарихи» номли тарихий асарга киритилган туркуларни олиб кўринг... Қолаверса, вақт айланиши билан шеърнинг янгиланиши ҳам қонуният, ахир. Янги давр, янги насл кайфияти... дегандек. Тушунчалар, қадриятларнинг турланиши бор... Шу маънода шеърятда янгилик яратган шоир ўз даврининг жон томирига қалб қулоғини тутиб турган ва унга тўғри ташхис қўя билган ижодкордир, бор-йўғи — шу. Ҳодисани шишириб, унга илоҳий либослар кийдиришга, шоирни салкам пайғамбар аташга ҳожат йўқ. Шу билан бирга уни камситишлик, «ҳа, энди бир

шоир-да...» дея, ижодкорга менсимай муносабатда бўлишлик ҳам кам деганда маданиятсизликдир. Биргина факт — ҳақиқий шоирлик кўпчилик дардига малҳам қўйишга уриниш эканлигининг ўзиёқ ижодкорликнинг қандай шарафли қисмат эканлигидан шоҳидлик беради...

**Умарали Норматов:** — Абдувалининг «Изоҳсиз лугат», Фахриёрнинг «Аёлғу» асарларини назаримда 90-йилларда яратилган кўплаб яхши-яхши модернистик руҳдаги дostonларнинг ўзига хос дебочаси, дейиш мумкин.

**Улугбек Ҳамдам:** — Умарали ака, умуман ўзбек шеъриятидаги туб модерн бурилишлар қаердан ва қандай бошланди? — деган савол мени ўйлатади. Албатта, ўзбек шеъриятида юз берган чин маънодаги янгиланишни анча илгаридан, XX аср тонготаридан, хусусан, Чўлпондан дея олмоқлик ҳам ҳақиқатга зид эмас. Ҳатто XIX аср иккинчи ярми ва айниқса, кунботарида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар натижасида шаклан анъанавий, яъни арузий, мазмунан эса ноанъанавий ижтимоий лириканинг пайдо бўлганлиги ҳам факт, бор нарса. Ўша Муқимийу Фурқат, Ибрату Ажзий, Аваз Утару Махмур, Турди ва ҳоказо ўнлаб шоирларимиз илк бор газалда ижтимоий мавзуларни қуйламадими? Ва бу шоирнинг бадиий тафаккур тарзидаги тубдан ўзгариш кечаётганидан далолат эмасмиди?.. Бироқ барибир, бутун интилишларнинг натижаси, ҳосиласи бу — Чўлпон бўлди. (Рус шеъриятида Пушкин шундай «ҳосила»дир. Жуковский ва Державин, Дельвиг ва Баратинский, Язиков каби ўнлаб ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлари интилган чўққи фақат Пушкин томонидан забт этилганди.) Албатта, Фитрат бор эди, Ҳамза ва Элбек бор эди, бироқ XX асрнинг том маънодаги янги шеърятининг ўта муваффақиятли ибтидоси, барибир, Чўлпон номи билан боғлиқ эканини тан олишдан ўзга чора йўқ. Чамаси, 10 йиллар бурун бир суҳбатда таниқли алабиёшунос олим Иброҳим Ҳаққулов Чўлпонни янги ўзбек шеъриятида тутган ўрни тўғрисида гапиратуриб, агар XX аср ўзбек поэзиясини бир азим дарахтга менгзасак, Чўлпон, шубҳасиз, унинг ўзагидир, деган фикр-

ни билдирган эди. Чунки, XX аср ўзбек шеърлятига неки хусусият алоқадор экан, деярли барчасини Чўлпондан топиш мумкин. Ҳатто бугун қайсидир маънода русум бўлаётган модернистик оҳанглар — дунёни бошқача, бутунлай кутилмаган томондан идрок этиш ҳам бор унда. Ойбекдай дилбар шоир «кўнгил лирика»сини, Ҳамид Олимжондек халқона оҳанг устаси шеърларини, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби ҳассос шоирларимизга хос туйғу нозиклигини, ҳатто Абдували Қутбиддиндек ўзбек шеърлятида ўзига хос овоз соҳиби поэзиясини ёдга туширадиган шеърларни Чўлпон шеърлятидан ўқиш мумкин. Чўлпоннинг «Лекин шуълалар Сингиб боралар Оқшом тўр солар» (Кўклам ёмғири), «На учун япроқ Чойшаб ёймайдир...» (Кўкламдан хабар), «Қор парчалари Тўкилган садаф, Ёнар йилтиллаб Ой кечалари» (Бу ернинг қиши) каби серрамз олтин мисралари Ойбекнинг «Кундуз», «Тонг», «Денгизда оқшом», «Қишки оқшом», «Эрта баҳор» каби символизмнинг ўнлаб гўзал намуналари ҳисобланмиш шеърлари билан руҳий «қариндош»дир.

Чўлпоннинг 20-йилларда ёзилган «Сочилган сочингдек сочилди сиринг» дея «С» товушига урғу бериб ва бу урғу орқали ҳам маънони кучайтиришга, ҳам шеър майдони ичра товуш ўйини яшашга эришган мисраси кейинроқ, 57-йилда Эркин Воҳидов томонидан яратилган «қаро қошинг, қалам қошинг» деб бошланувчи ажойиб шеърнинг XX аср ўзбек поэзиясидаги дастлабки муваффақиятли намунасидек туюлади. Ёхуд:

*Булутлар турган жойларида қотиб қоладирлар,  
Гулдураклар дам чиқармасдан нафас оладирлар.  
Чақмоқ тошини бағрига беркитадир,  
Най камалак ўқларини атайлаб чиккитадир...*

Ва ёки:

*Булут — кампир элагини кўтариб  
Супрасини ёймоқ учун боради,*

каби мисралари Абдували Қудбиддин ташбеҳларини ва умуман, бу шоирнинг дунёни бадий идрок этишидаги айрим хусусиятларини (чунончи, оламини ку-



тилмаган, ноанъанавий ташбеҳлар орқали идрок қилишини) ёдга туширади. Қолаверса, Чўлпон шеъриятида яна шундай оҳанглар борки, улар кейинги авлод шоирлари томонидан ҳалигача маромига етказилиб куйланмаган, десак муболаға бўлмас. Назаримда, шундай оҳангларнинг юксак мақомдаги куйчиси учун ҳам ўзбек шеърияти «қаҳқашони»дан муносиб ўрин бор.

*Йироқлашдим, узоқлашдим бир неча кун сендан,  
ҳол сўраб кўр мендан:  
Нега мунча оғир келди бу йироқлик менга —  
Англатайин сенга...*

Ушбу шеърнинг «бошқачалиги» унинг ўзига хос оҳангида мужассам. Шеърнинг мазмуни ёрдан бир муддат йироқ тушган ошиқнинг изтиробларидан иборат. Бор-йўғи — шу. Бироқ изтироб кутилмаган, аввалгиларга ўхшамаган нола билан ифода қилинганидан беихтиёр ёдимизда қолади. Ҳа-ҳа, шеърятнинг қудрати айнан шу ерда — кутилмаганликда, оҳори тўқилмаган, теша тегмаган усулларда, ҳали ҳеч ким йиғлаб кўрмаган нолаларда, ҳали яшалмаган туйғулар титроғида... Юқоридаги бандда қофия, ички қофия ҳар қанча сийқалланган (сендан-мендан, менга-сенга) бўлсада, у кечинма табиийлиги замирида пардозланиб кетади ва натижада шоиру ўқувчи ўртасида самимий муносабат қурилади. Шеър битта шеър, бироқ у иккита алоҳида-алоҳида оҳанг билан жарангламоқда. Яъни бир шеърнинг ичида икки хил мусиқа, икки хил ёндашув — иккита овоз яширингандек: «Йироқлашдим, узоқлашдим, бир неча кун сендан» — бу биринчи овоз. «Ҳол сўраб кўр мендан» — иккинчи овоз. Ҳар бир овоз ўз оҳангига эга. Биринчи овоз нима воқеа юз берганини ҳикоя қилиб бермоқда, мисранинг кўпдан-кўп бўғинлардан (14 та) иборат эканлиги ҳам ҳикоя-боплик учун атай танланган. Иккинчи овоз эса ёрга бевосита мурожаат. Бироқ ҳар икки овоз ҳам ошиқники. Фақат дард — ҳижрон азоби зўр келганда юракдан отилиб чиқаётган оҳ-нола бўлақларга бўлиниб кетмоқда. Ёки «Табиатга» деб номланган шеърдан ўқиб кўринг:

*Кел малак, кел, кел пари, кел, кел ўнай бир эркалаб,  
Кел қуёш чиққунча ўптир... кел ўнай бир эрталаб.*

Бу шеърнинг ҳам йўқ деганда ярим кучи, ярим ҳарорати унинг оҳангида, оҳангининг ўзига хос ўйноқчилигида. Шу маънода айтиш керакки, шеърятимиздаги бугунги модернистик интилишларда кўпинча оҳанг менсилмаётганининг гувоҳи бўлмаяпмизми? Бу ўринда оҳангни фақат бир хил миқдордаги ритмлар йиғиндиси ё қофиядан иборат деб тушунмаслигимиз лозим. Мен туйғу оҳангини назарда тутаяпман. Ҳар қандай яхши шеър ана шу оҳангдан истисно эмас. Айниқса, ноанъанавий, бугун биз модерн дея эътиборларга ҳавола этаётганимиз шеърда ички, туйғу оҳанги бўлмас экан, у ҳеч нимага арзимайди...

Ойбекнинг 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг аввалида ёзган символистик шеърларини алоҳида ургулаб ўтишни истар эдим. Шоир «кўнгил шеърлари»нинг аксари жуда жозиб туйғу асосига қурилганки, уларни кўникилган усулларда бирданига ва бир-варакайига таҳлил қилиб ташлаш ва бундан завқ олиш ғоят мушкул. Бундай шеърлар рамзларга қоришган, рамзларга айланган туйғу тилини нозик тушунишни тақозо этади. Ҳатто бу ҳам камлик қиладигандек: ўқувчи ўз муҳитидан қабул қилиб олган ва бадий тафаккурида меъёрлашган, қатъийлашган айрим догма нуқтаи назарлар қафасини парчалаб ташлаб шеърни ўқишга тутинмоғи лозим. Шундагина балки омад кулиб боқар: санъат асари ўз бағрини очар... Эҳтимол, шундагина модернизмнинг санъат асарини Аристотель айтганидек, табиатга тақлид ва ундан олинган нусхагина деб эмас, балки табиатга, воқеликка муқобил, у билан баравар беллаша оладиган ўзга бир мувозий воқелик, дейиши маънисини тушуниб борармиз...

**Умарали Норматов:** — Дарҳақиқат, модернистик йўл биз ўйлаганчалик, тасаввур қилганчалик осон йўл эмас. У — жуда азим эврилишлар ҳосиласи. Бу йўлнинг йўлчиси — шоир ҳам, унинг қисмати ҳам ўзига хос сир-синаотларга бой.

**Улугбек Ҳамдам:** — Ҳар лаҳзада ялтироқ шаҳардан

воз кечиб дала-туз бағрига қайтиш кайфиятида яшамаган киши шеър ёзиш қасдида қўлига қалам олмасин. Худди шундай, юрагига Мажнунни қамаб қўймаган эркак шоир, қалбининг тўрида Лайлини асраб юрмаган аёл шоира ҳам шеър ёзмаса, дегинг келади. Зеро, юрагида сири бўлмаган ижодкор қаламидан чиққан «ёзувлар»нинг сеҳрига шубҳа қиласан, киши. «Халққа ашъор керак сирли ва эзгу» (Мирпўлат Мирзо таржимаси) деб ёзади Осип Мандельштам. Шоирлик, бу — такрор ва такрор ана ўша сирга, ана ўша сеҳрга қайтиш, демакдир. Табиатга қайтиш, табиат мавзуларига мурожаат ҳам шундай, аслида. Одатда ижтимоиёт шоир зиммасига ҳам талай муаммоларни, турли қонун-қоидалар заҳматию одоб-ахлоқ ташвишларини юклайди. Бироқ у жазавага тушаркан (шеър ёзаркан), илк бор эгар урилган асов от сингари кўкка сапчийди, гарданида гашига тегаётган нимадандир қутулмоқчи бўлади. Шоир айнан шу лаҳзалардагина шоирдир. Унинг асл ҳаёти ҳам, фоний оламдаги қувончи ҳам шу пайтда кечади... Илҳом онларида шоир жисми ва у билан боғлиқ оламни унутади, ёдида қолган борлиғи эса ажиб бир туйғуга — мусиқага айланади. Шеър мазкур оҳангнинг, яъни сийратнинг нуқсонли сурати, холос. Уни ўқиш эмас, гўзал бир мусиқа янглиғ эшитиш, ҳис қилиш лозим ва ушбу ҳис орқали ботинда қолиб кетган сийратга тушиб бормоқ мумкин бўлади. Ҳа, шоир мана шу тарзда сирлар дунёси сари интилиб яшайди, бу машаққатли йўлда гоҳо омад унга кулиб боқади: у парвоз қилади... Эҳтимол, у узоқ учолмас, қанотлари қайрилиб синар, ожизлигини англар, жисми ботиб турган дағал воқелик ботқоғидан бутунлай халос бўлиш вужуд ҳалокатисиз мумкин эмаслигини тушунар... Бироқ шеърият учун муҳими бу эмас, муҳими — қафасни ёриб чиққан қуш (руҳ) парвозининг илк шиддати, шу шиддатнинг ҳаётсеварлигидир.

Қизиқ, мен шеърнинг ботиний оҳанги — туйғу мазмуни ҳақида гап бошласам, ҳамиша мана шунақа — боши ва сўнгги йўқ оламга кириб қоламан. Шунда мен ўзимни фикрни истаган жойда тўхтатсам ҳам, истаганча давом эттирсам ҳам бўлаверадигандек сезаман ва ўйлаб қоламан: ҳақиқатан ҳам қайдадир бир улкан

олам мавжуд ва у тирикликка оид неки бор, ҳаммасини ўзида мужассам этади, чунки ҳаммасининг асосидир. Эҳтимол, чин дунё деганлари ўша бўлар, билмадим... Лекин айнан шу олам кишини эзгуликка ва гўзалликка чорлайди, имон ҳақида, эътиқод тўғрисида ўйлашга, уларсиз тириклик йўқ эканига ишонтиришга ундайди. Гўё бу оламда инсон ҳаётининг мазмуни, ўлмоқ ҳикмати яшириндек. Бироқ унга олиб борадиган йўллар жуда чалкаш, жуда мураккаб... Ҳақиқий санъат асари, чинакам бадиият — мана ўша санокли маҳол йўллардан бири. Ушбу оламга бошловчи ва унга элтувчи, ундан хабар берувчи санъат қанчалар гўзал, санъаткор қанчалар ҳассос!.. Санъатнинг илоҳийлиги ҳақидаги мулоҳазалар эҳтимол шу ерда ўринлидир, билмадим...

*Ёсино тоғларида  
Олча гуллари билан  
Учаётир оқ бўрон  
Чўққиларнинг устида...  
Ажратиб ҳам бўлмайди.*

(Хуршид Даврон таржимаси)

Сайгё қаламига мансуб ушбу шеърда чўққиларнинг устида олча гуллари билан кўшилишиб учаётган оқ бўрон — бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайдиган, гўзалликка оғиз солган омухталиқдан сўз очилади. Бунда шоир ўз муносабатини — қайғу ё шодлигини яширган. Рассом каби иш тутиб, ҳаётнинг мангу ҳаракати натижасида табиатнинг муайян кесишикларида дунёга келгувчи олий ва кўпинча оний нуқталари — гўзаллигидан бирини шеър деб аталмиш шакл ёрдамида хотирага михламоқчи бўлган.

Ойбекнинг шеърлари ҳам шундай тансиқ туйғуларни кўзгайди... Киши ўзининг асл қиёфаси билан юзмаюз келганда ҳамиша ҳаяжонга тушади, титрайди. Санъаткорнинг энг гўзал асарлари ҳам ана шу титроқнинг анчагина кўримсиз шакли — сувда юзиб юрган тўлин ой сингари акслардир, топилганнинг йўқолиб кетиши тўғрисидаги қўрқувдан туғилган қайтариқлардир, асл суратдан кўчирилган нусхалардир... Оқшомда

денгизга, унга олтин сочларини ташлаб қўйган қуёшга тикилиб ўтираркан, шоир қўққисдан ўз ботинида яшириниб ётган зотнинг нигоҳларига дуч келади ва титрайди. Учрашув уни шундай жазавага соладики, оқибатда шоир бундан хотира қолдирмоқ истайди ва қўлига қалам олади:

*Сувларда секин ўйнар  
Олтин қайиқча  
Қуёш алангалари.*

Сув бетига урилиб тўлқин ҳаракати ёрдамида товланаётган қуёш алангаларини айнан олтин қайиқчалардек қабул қилган шоир шу лаҳзаларда болага айланади. Ахир фақат болагина сувга қоғоздан ясалган қайиқчаларни ширин умид-ла қўйиб юбораркан, уларга олтиндан ясалгандек алоҳида, сир аралашган меҳр билан, содда самимият билан ёндашади. Бундай туйғу бизнинг аксариятимизда бор, барҳаёт. Шунга кўра биз ҳам ҳеч иккиланмасдан, шубҳаланмасдан сувларда ўйнаётган қуёш алангаларини шоир билан баравар олтин қайиқчалардек қабул қиламиз. Чунки олтин қайиқчалар ҳақидаги эртақ бизнинг ботинимизда ҳамиша ниманингдир, қандайдир муқаддас ва улуғ ниманингдир илинжида умр кечиради...

Шунингдек, Баҳром Рўзимуҳаммад, Абдували Қутбиддин сингари замонавий шоирларимиз ижодларида ҳам ана шу теранликда туғилган шеърларга дуч келганинда беихтиёр севиниб кетасан, киши.

*нафас совқотади  
деразадан мўралар гуллар  
жунжикади қушчалар  
тойиб йиқилади хаёлим*

*ширин туш каби гир атроф  
деразадан қараган каби  
хаёл ойнасидан қарайман  
тикиламан иссиқ ойнадан  
пуфлаб ташлайдирман нафасни  
ғижимланиб қолар кечаги тушим  
сабабсиз хурсандчилик руҳимда  
жим одимлагим келмоқда жуда*

*бир ўзим яшагим келади қишда  
миттигина қор ёғса менга аталган  
совқотади нафас қушчага ўхшаб  
мамнуният ила термилар бир гул*

*атроф сокинлиги  
сокинлигимдан юз бора улкан  
қандай сиғди экан бу фаслга у*

Бундай шеърлар шоирнинг руҳият билан бир умрлик мулоқотидан, илоҳий борлиққа бир умрлик талпинишидан сўнг ўсимлик янглиф ўз-ўзидан ўсиб чиқадиган маърифат мевасидир. Ҳа, у биз кўниккан ўқиб-ўрганиш, ақлий таълим маҳсули бўлмай, дунёни эстетик идрок этиш билан боғлиқ ГҶЗАЛЛИК МАЪРИФАТИ неъматидир... Қолаверса, умуман модернистик санъатни тушуниш ассоциация тилини тушуниш билан анча мукамаллашади. Чунки бу санъат анъанавий бадиий тафаккур маҳсулидан фарқ қилиб, изчил мантиқийликка, узлуксиз тасаввурга асосланмайди. Модернизм реал воқеликнинг ижодкор нуқтаи назаридаги инъикоснигина, демак, воқеликнинг «ажратиб-танлаб олинган» маълум бўлақларинигина бадиий асарда акс эттиради. (Унинг айтмоқчи бўлгани ана шу бўлақларнинг биргаликдаги ҳамкорлиги замирида яширинган.) Бу бўлақлар ўртасидаги сабаб-оқибат, мантиқ-мазмун боғланишларини гўё «унутади». Модернистик санъат ўқувчиси эса ана шу «унутилган»ни «эслаб олиши, эслай олиши» шарт. Йўқса, «ёпиқли қозон ёпиқлигича» қолаверади...

**Умарали Норматов:** — Анъанавий аруз, бармоқдаги шеъриятдан фарқли ўлароқ модерн шеърда уч унсур — оригинал поэтик фикр, туйғу, манзара оҳанги, яъни ўша уч унсурдан туғилган оҳанг ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аруз ва бармоқдаги шеърий ритмика — оҳангни белгилайдиган ҳижо, туроқ, баҳр, қофия каби қатъий талаблар бу ерда ўз аҳамиятини деярли йўқотади. Бироқ ҳақиқий модерн шеър оҳангдорлик бобида анъанавий аруз ёки бармоқдан асло қолишмайди. Қалтис ва қийин жойи шундаки, бу ерда аруз ёки бармоқдаги каби оҳанг-

ни вужудга келтирадиган тайёр андоза — меъёрлар йўқ ҳисоб ёки бор бўлса ҳам илмий кашф этилмаган. Бу оҳангни фақат қалб кўзи орқали туйиш, ҳис этиш, ундан завқланиш мумкин, холос. Модерн шеър ҳатто анъанавий шаклда ёзилганда ҳам ҳижо, туроқ, қофиядан ҳосил бўладиган оҳанг эмас, айтишга ўша оригинал поэтик фикр, туйғу, манзара, улар ҳаракатидан вужудга келадиган оҳанг ўқувчи қалбида аксадо беради.

Фахриёрнинг «Куз ёмғири» туркумидаги мана бу манзара оҳангига эътибор беринг:

*Ҳазонлар эргашди армон ҳайлига,  
Куз видо истади кўнгил майлига,  
Ёмғирлар ёғади ҳижрон сайлида,  
Куз ёмғири,  
Ҳижрон ёмғири.*

Куз, ҳазон фасли билан боғлиқ мунгли — ҳазин кайфият, бетиним ёғаётган ҳижрон ёмғири, унинг дардли садоси билан қўшилган фаройиб, ўта маънос, мунис бир мусиқий оҳангни вужудга келтиради; кузнинг кўнгил майлига видо исташи, бунинг устига «ҳижрон сайлида» ёмғирнинг савалаши шеърдаги маънос туйғу мусиқасини авж пардаларга кўтарди. Шеърнинг кейинги бандидаги бир қарашда халқона шўҳ, қувноқ туюлган мисралар ҳиссий оҳанги жиҳатидан бутунлай ўзгача — янгича:

*На кўз — тикарга, на умид — боғларга,  
На сўз — айтарга, на димоғ — чоғларга,  
На гул — севарга, на кўнгил — доғларга,  
Куз ёмғири,  
Ҳижрон ёмғири.*

Кувноқ сатрлар бағридан сизиб чиқаётган мунгни сезиб-туйиб турган бўлишингиз керак...

Шоирнинг қатор шеърларида кераксиз, ортиқча, ўринсиз туюлган тиниш белгилари — айниқса, тире, вергул бу ерда фикр, туйғу изҳори-ифодаси учун зарурий элемент, поэтик воситага айланади. Эҳтимол, мисралардаги гап тузилиши қоидага унчалик мос эмасдир, бироқ

«қоидага унча мос бўлмаган» ана шу мисралар лирик қаҳрамон кўнглидаги асов туйғулар, кечинмалар ифодасига ниҳоятда мос. Буни чинакам поэтик ихтиро дейиш мумкин. Шу каби энг яхши асарлар бугунги модерн шеъриятида поэтик оҳанг масаласини тадқиқ этиш учун етарли асос бўла олади, деб ўйлайман.

**Улуғбек Ҳамдам:** — Умарали ака, сиз қандай ўйлайсиз, шеъриятимизда юз бераётган бу ўзгаришларнинг туб сабабларини қаерлардан изламоқ ўринли бўларкан? Ҳамма гап айланиб бориб инсон ва давр муносабатига тақалмасмикан? Ахир, одамзод ўзини ўтга-чўққа урса ҳам — урмаса ҳам, барибир, ўзи яшаб турган жамият ва замоннинг бир парчаси эканлигини инкор этолмайди. Шундай бўлгач, давр таъсиридан қочиб қайга ҳам кета оларди. Кетганда нима бўларди? Уни ҳеч ким тушунмай қолмайдими?.. Ахир бизнинг маънавий ҳолимиз ўзимиз яшаётган муҳитдан қабул қилиб олган шартли белгилар даражаси билан ўлчанмайдими! Мадомики шундай экан, биз ана шу белгиларга кўра гапирмоғимиз шарт эмасми? Йўқса, бегона юртга келиб қолиб, ҳеч ким тушунмайдиган ўз тилида нималарнидир англатишга беҳуда уринаётган шўрлик сайёҳ ҳолига тушмаймизми? Белгиларга кўра гапириш дегани ўзинг яшаётган давр табиатини, тартиб-интизомини тан олиш деганими? Узоққа бормайлик-да, 60-йилларда ўз шеърлари билан собиқ Иттифоқда кенг шуҳрат қозонган Е. Евтушенкодан бир мисол олайлик. У ёзади:

*Бугунги қаҳрамон —*

*у ўзгарди.*

*Ҳудди аср янглиғ мураккаблашди.*

*Ҳозир қаҳрамон — файласуф ва ижодкор,*

*Асло қиличбозлардан эмас, балки пайғамбарлардан.*

*Ўғитларни англаш даври — бу,*

*Юзаки романтиканинг куни эса битди.*

(таржима — бизники У.Ҳ.)

Бундан бир неча ўн йиллар бурун ёзилган шеърда «юзаки романтиканинг куни битганлигию ўғитларни англаш даври бошланганидан, куннинг қаҳрамони ўзгарганидан» баҳс қилинмоқда. Энди эътибор беринг,



шу шеър мазмунини бугунги кунимизга татбиқ этса бўлмайдами? (Фақат бугунги қаҳрамоннинг исми ўзгарган: у Евтушенко айтганидай «файласуф» ё «ижодкор» деб эмас, балки «тадбиркор», «тужжор» ва шунинг каби исмлар билан аталмоқда). Ахир шоир 30 йил наридан туриб кунимизни ёзгандек туюлмаяптими? Ахир биз эмасми хомхаёллар палласидан йироқ тушиб, реал ҳаёт сарҳадига қадам қўйган ва замонга мос бўлишга, ўзгаришга интилаётган кишилар!.. Кўринадик, ҳар даврнинг ўзига хос кайфияти бўлиб, у шу даврда яшаётган кишилар онги ва қалбига кириб боради. Биз шунинг таъсирида юрамиз. Евтушенко 30 йил олдин қаҳрамоннинг ўзгарганидан хабар бермоқда. Бугун у яна ўзгарди. Демак, 30 йил олдин рўй берган янгилиниш ўзининг ниҳоясига етди ва ундан-да янги бошқа давр бошланди. Ва биз энди янгиланган шу даврга кўра ҳаётимизни мослашга, у билан ҳамқадам юришга интиламиз. Ушбу ҳаракат эса дунёни, ўзимиз тегишли бўлган жамиятни қайта англаш, идрок этишимизни тақозо этганидан секин-аста маънавий ҳаётимиз ҳаракатга келади. Шу вақтгача маълум маънода турғунлашиб қолган қадриятлар ҳам ўз ўрнидан қўзғалиб, тусланишга юз тутади. Жамиятдаги қадриятларнинг ўзгариши эса инсон ботинини ҳаракатга келтиради ва қайсидир маънода дунёни қайта баҳолаш жараёни кечади. Натижада илгари бизни қувонтирган, кўнгил ва онгимизга завқу шавқ олиб кирган нарса ва ҳодисалар энди жудаям ғариб кўрина бошлайди. Кўнгил, Чўлпон айтганидек, янгилик қидиришга тушади. Чунки замон билан ҳамнафасликка эҳтиёж сезади-да. Ҳа, инсон ўзи мансуб бўлган давр билан ёнма-ён юрмас, замон нафасини ўз ҳаётида ҳис қилиб яшамас экан, у ўзини бахтсиз сезаверади. Ўтмишда яратилган ҳар қандай буюк асар ўзининг ҳар қанча улуглиги ва фазилатига қарамай, барибир, бугунги кунни тўла маънода акс эттиролмайди. У маънавий, лекин тарихий қадрият сирасига киради. Шунга кўра ҳам замоннинг қайноқ нафаси уфуриб турган асарларга, шу куннинг асарларига ҳар доим ҳам алоҳида талаб бўлади. Чўлпон Навоийдек даҳони ўқиб ҳам кўнгил таскин топмайди, деб ёзганини «Навоийдан қониқмаслик», деб тушун-

маслик керак. Чўлпон дунёга ва одамзодга тегишли бўлган асосий қирралар Навоийда гўзал тарзда айтилганини жудаям яхши билади. Бироқ қидиргани — шу «қирралар»ни ўзи яшаб турган замон нуқтаи назаридан туриб ёритилган асарлар эди. Ҳа, у замон нафасига эҳтиёж туйган эди... Ва бу эҳтиёж янгиланган бадиий тафаккурдан туғилаётганди. Эҳтиёж мавжуд экан, санъат, адабиётда ҳам янгиланиш бўлаверади.

**Умарали Норматов:** — Ўтган аср бошларида миллий адабиётимизда туб ўзгариш, бадиий ислохотларга эҳтиёж нақадар кучли бўлганлиги ҳаммага аён. Адабиётимиз бахтига мана шу эҳтиёжни чуқур ҳис этган Чўлпон, Қодирий сингари улкан истеъдодлар майдонга чиқди ва миллий адабиёт ривожини янги йўлларга солиб юборди. Қарангки, XXI аср бошларида ҳам бугунги адабиётимизда туб янгиланишга кучли бир зарурат борлигини кўриб, сезиб турибмиз. Ахир, шоир айтмоқчи, чархнинг авзойи аввалгиларга ўхшамас: мустақил мамлакатнинг озод одамани, глобаллашув, ахборот асри кишисини аввалги адабий мезонлар асосида яратилган асарлар асло қаноатлантирмаслиги кундай равшан. Аслини олганда янгиланиш, ўзгариш жараёни аллақачон бошланган, суҳбатимизда келтирилган шеърлар бу йўлда муайян ижобий тажрибалар мавжудлигини тасдиқлаб турибди.

**Улуғбек Ҳамдам:** — Умарали ака, сизнингча, ўзбек шеършунослиги, адабий нуқтаи назари ўзбек поэзиясидан қайсидир маънода орқада қолиб кетмаяптими? Бу ҳол айниқса, модерн шеърни тушунишда ва уни таҳлилу тадқиқ этишда сезилиб қолаётганга ўхшайди. Ва умуман, негадир ҳар қандай янгилик Шарқда қийинчилик билан кўқарадигандек. Жумладан, ўзбек шеъриятида содир бўлган янгоришлар ҳам, масалан, 70-йилларда унчалик хуш қабул қилинмаган. Ҳозир ундайин қаршилик ва тазйиқлар бўлмаса-да, барибир, «модерн шоирлар» негадир суйиб ўқилмайди. Узоққа бормайлик-да, сўнгги бир неча йил мобайнида нашр этилган Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Кундуз сарҳадлари» ва Фаҳриёрнинг «Аёлғу» тўпламларига бўлган адабий муносабатни олайлик. Ростки, мен шу икки китоб чуқур тушунилиб, оҳори тўқилмаган гўзал таҳдиллар

асосида ёзилган тақризларни, мақолаларни ўқимадим. Устоз Озод Шарафиддиновнинг «Модернизм — жўн ҳодиса эмас...» сарлавҳали суҳбати, профессор Қозоқвой Йўлдошевнинг бир қанча радиосуҳбатлари, мунаққид Аҳмад Отабоевнинг аҳён-аҳёндаги «модернистик чиқишлари», шоир Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Аёлғу» ҳақида, шоир Шермурод Субҳоннинг Б. Рўзимуҳаммад шеърлари тўғрисида ёзган мақолалари ва яна шу руҳдаги ҳаракатлар ҳали етарли эмас. Қолаверса, ҳар икки мақола ҳам шоирлар шеърляти моҳиятини тўла очиб беролган, дейиш мушкул. Ва умуман, адабиёт илмимизда янгиланаётган бадиий тафаккур масалаларини теран ва атрофлича тадқиқ этган салмоқли ишлар деярли яратилмаётганини кишини ўйлантириб қўяди. Эҳтимол, адабий танқидга бўлган биздаги совуққон муносабатнинг ҳосиласидир бу. Ахир тан олмоғимиз керакки, Шарқда бадиий асар ёзиш адабиёт илми билан шуғулланишдан кўра ҳамиша ҳам «баландроқ» мартаба ҳисобланиб келган. Бундай ёндашув ҳалигача ўз таъсирини йўқотган эмас. Ҳатто «жуда чуқур» тушунувчи зиёлиларимиз ҳам кўпинча адабий танқидни мустақил ижод ўлароқ тан олишдан кўра бирон бир асарнинг «соя»си сифатида қабул қилишга кўпроқ мойиллик билдиради. Аслида-чи? Аслида, ҳақиқий адабий таҳлили асар — чинакам ижод, илм ва бадиият баравар иштирок этадиган улкан майдон. Ахир, Белинскийнинг «Адабий орзулар»ини Пушкин ё Лермонтов шеърларидан қўйи қўйиш мумкинми? Менингча, йўқ! Чунки Белинскийнинг адабий-танқидий асарлари ўзининг пафоси нуқтаи назаридан Пушкин шеърларидан асло қолишмайди. Дунёни бадиий идрок этиш даражаси жиҳатидан ҳам Белинский, масалан, Лермонтов билан бўйлаша олади. Эдуардас Межелайтиснинг «Тунги капалаклар», К.Г. Юнг, Э. Фромм, О. Гассетларнинг бадиий адабиётга бағишлаб ёзилган асарлари тўғрисида ҳам шундай илиқ муносабат билдириш мумкин. Албатта, ўз замонасига кўра бундай илғор адабий-танқидий асарлар ёзиш учун ижодкор-олимга жуда кўп нарса зарур: у тарих ва жамиятшуносликни, социология ва психологияни, қўйингки, борлиқ ижтимоий соҳаларнинг билимдони бўлиши шарт. Кейин энг муҳи-

ми бошланади: мунаққид камида ўзи тадқиқ этаётган шоир ё ёзувчи даражасида фикрлай ва ҳис қила билиши, дунёни шу поғонада бадиий идрок эта олиши даркор. Ҳа-ҳа, булардан ташқари ҳам ижодкор-олимга яна кўп фазилатлар асқотади... Эҳтимол, шунинг учун бизда улар жуда кам бўлган ва тобора янада нодирлашиб бормоқда... Албатта, нималардир қилинмоқда, онда-сонда бўлса-да, кишининг эсида қоладиган адабий-танқидий асарлар учраб турибди. Мен 1998 йилда чоп этилган И. Фафуровнинг «Дил эркинлиги» номли китобини алоҳида санаб ўтган бўлардим. Қолаверса, сизнинг бир қатор адабиётшунос олимлар билан сўнги йиллар давомида «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган суҳбатларингиз, Баҳром Рўзимухаммад, Узоқ Жўрақулов сингари яна бир неча ижодкорларнинг вақтли матбуотда онда-сонда бўлса-да чиқиб турган мақолалари... Бироқ ўзгараётган бадиий тафаккуримиз меваси бўлиб дунёга келаётган шеърятни, унинг туғилиш сабаблари ва қонуниятларини кўрсатиб, тушунтириб бера оладиган асарларга эҳтиёж барибир қондирилмай келаётир. Француз олими Жан-Луис-Жубертнинг 1997 йилда ёзилган, 1988 йилда кенгайтирилиб, қайта ишланган «Шеър недир?» деб номланган асари назаримда, ана шу ташналикни бир қадар қондирадигандек. (Мен уни туркчада ўқидим — У. Ҳ.) Китоб учта бўлимдан ва кўплаб боблардан иборат. Биргина бобларнинг номланишининг ўзиёқ киши эътиборини тортади, сергак торттиради, ҳали масала моҳиятини англаб етмасингдан буруноқ сен билган шеър ҳақида қандайдир янги гап айтилиши мумкинлигини сеза бошлайсан. Мана улардан бир нечтаси: «Шеърнинг фойдасизлиги», «Шеър ва хотира», «Шеър ва сеҳр», «Насрнинг юриши, назмнинг эса рақс тушиши», «Тилнинг мағлубияти», «Овоз шеъри», «Шеърнинг овозсизлиги», «Мавҳум шеър», «Шеър ва туш» ва ҳоказо.

**Умарали Норматов:** — Миллий адабиётгимиздаги, хусусан, шеърятдаги ноанъанавий йўналиш, модерн шеърят тадқиқи кўнгилдагидек эмас, деган гапингизга қўшиламан. Бироқ ноумид шайтон, дейдилар, мана шу йўналишдаги асарларни теран ҳис қиладиган, чуқур таҳлил эта оладиган навқирон кенжа адабиётшу-

нослар авлоди етишиб келаётганлиги кўнгилга таскин беради. Жаҳон адабиёти тажрибасидан маълум: янги адабий ҳодиса-мактаб эртадир-кечдир, албатта ўз тадқиқотчиларини етиштиради. Миллий университетда ўтказилган адабий анжуманларда, жумладан, Шавкат Раҳмон, Фахриёр, Иқбол Мирзо, Турсун Али шеърлари муҳокамасига бағишланган анжуманлардаги чиқишларни, ўта мураккаб, ноананавий шеърлар хусусида ёшлар топиб айтган мулоҳазаларни тинглаб кўнгил яйрайди. 2001 йили ўзбек филологиясида Муҳайё Йўлдошева деган қизимиз бугунги модерн шеърияти ҳақида магистрлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ёш тадқиқотчининг энг янги шеъриятимиз руҳига мос ноананавий йўналишдаги нозик кузатиш, илмий таҳлиллари ҳимоя қатнашчиларини лол қолдирди. Бу иш китоб ҳолида чоп этишга, уни номзодлик диссертацияси тарзида ҳимоя этишга тавсия этилди. Муҳайёхонга ўхшаган ёш шеършунослар якка-ёлғиз эмас. Улар матбуотда ҳам кўрина бошлашди. Аминманки, эрта-индин улар катта майдонга, юксак минбарга дадил чиқадилар. Кўрасиз, яқин келажакда модерн шеърият тадқиқи сизу биз кутган манзилларни албатта забт этажак.

Умуман олганда, модерн шеърият тилини уқиш, англаш осон эмас. Бу шеърият дунёсини теран англаш учун айни шу дунё ичида яшаш, бу оламнинг одами бўлиш лозим. Модерн шеъриятнинг, умуман, модерн адабиёт, санъатнинг ҳаёт, жамият билан алоқаси анъанавий реалистик адабиёт, санъатникидан тубдан фарқ қилади. Модерн шеъриятда «одамларнинг тили учидан турган сўзни айтиш», одамлар — замондошлар кайфиятини ифодалашга интилиш йўқ ҳисоб. Модерн адабиёт, шеърият намуналарини ўқиганда реалистик мусаввирлар яратган ҳаётни айни ўзидек гавдалантирган суратлар кўргазмасига эмас, авангард санъаткорлар суратларидан иборат ғаройиб, дарҳол тушуниш, англаш мушкул бўлган «айқаш-уйқаш» манзаралар галереясига кириб қолгандек бўласиз, ўзгача ранглар жилосига дуч келасиз, аввал эшитмаган наволарни тинглайсиз. Улар сизда кайфиятлар уйғотади, ҳаётга, нарса ва ҳодисаларга ўзгача нигоҳ билан қарашга ундайди... Анъанавий реалистик асарлар руҳида тарбияланган ўқувчи,

реализм эстетикаси, назарияси билан қуролланган танқидчи-адабиётшунос бунга осон ҳазм қила олмаслиги табиий бир ҳол. Бу фаройиб, тушуниксиз оламга чуқур кириб борганингиз сари секин-аста унинг асири, мухлиси бўлиб қолганлигингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Мен олий ўқув юртида талабалар билан ишлаш жараёнида бунга амин бўлганман. Умумтаълим мактабларида модерн адабиёт, шеърят, айниқса, санъат намуналари билан деярли таништирилмайди. Ўқув дастурларида мавжуд янгича йўналишдаги айрим шеърлар табиатини тушунтириб бера оладиган адабиёт муаллимлари ниҳоятда кам. Ўзбек филологияси факультетлари 1-курсда «Ҳозирги адабий жараён» фани орқали талабалар модерн адабиёт дунёси билан бевосита таниша бошлайдилар, мана шу танишув жараёнида атиги 3—4 ой давомида улар тамомила бошқача одам — модерн шеърятнинг «ашаддий мухлиси» бўлиб қолдилар... Таълим-тарбияда ҳам гап кўп-да!..

**Улуғбек Ҳамдам:** — Бугунги ўзбек модерн шеърят-тида ва умуман, ўзбек адабиётида «катта бурилиш» — таъсири нафақат санъат доирасида, балки жамият миқёсида кутиладиган воқеаларнинг деярли содир бўлмаётгани юқорида у ёки бу муносабат билан айтилиб ўтган сабабларга боғлиқ эканидан ташқари яна икки улкан омилга ҳам алоқадорлигини таъкидлаш лозимга ўхшайди. Биринчиси, ташқи омил — жамият ҳаётининг кейинги 10—15 йил мобайнида кўп қатламли, кўп қиёфали мазмун касб этиши оқибатида муайян ижтимоий-иқтисодий-маънавий тоифага мансуб кишининг ўз қатлами даражасидаги эҳтиёж ва қизиқишларининг шаклланганлиги ҳамда адабиёт-санъатнинг кўп ҳолларда мазкур эҳтиёж ва қизиқишлар рўйхатидан «тушиб қолаётганлиги» билан изоҳланади. Бошқача айтадиган бўлсак, гарчи «адабиёт одамлари» орасида модерн кайфият кечаги кунга нисбатан бир қадар барқарорлашган эса-да, модерн шеър мухлисларининг сони барибир, жудаям озчиликни ташкил қилади. Рақамнинг «камбағаллиги» модерн шеърни тушуниш ўқувчидан хос бир адабий тайёргарлик, хос бир бадиий дид тақозо этишига ҳам боғлиқ, албатта. Ҳатто айтиш мумкинки, адабиёт-санъатга қайси бир жиҳатдан бе-

восита алоқаси бўлган ўқувчигина бугунги модерн шеърнинг чин мухлиси. Одатда, талабнинг чекланганлиги таклифнинг камтароналигига, етарли миқдорда оммавийлашмаслигига олиб келади. Ўз-ўзидан маълум бўлмоқдаки, бугунги ўзбек модерн шоирларининг эл орасида анъанавий шоирларимиз — А. Орипов ё М. Юсуфдек машҳур эмасликлари гоят табиийдир.

Иккинчиси, ички омил бўлиб, шоир шахси, бу шахснинг қисмати билан боғлиқ фактордир. Шоир бўлиб туғилдилар, деган нақл юради. Бу гапда ҳикмат бор. Чунки шоирлик, бу — ҳақиқатан ҳам қисмат. Киши шоиртабиат бўлиб туғилиши ва андак адабий таълим орқасидан бинойидек шеърлар машқ қилиши, ҳатто эл оғзига тушиши мумкин. Аслида шундай шоирлар ҳам керак. Ҳамманинг бирдек «даҳо» бўлиши мумкин ҳам, шарт ҳам эмас. Бироқ санъатда навоийлар бу тариқа пайдо бўлмайди. Навоийларга фитратининг шоиртабиатлилигидан ташқари қисматининг ҳам айрича — чинакам ижодкорникига монанд бўлмоғи зарур. Улуғ дард, мислсиз муҳаббат, таскинсиз улкан йўқотишлар, азим руҳий эврилишлар, туганмас изтироблар... мана нималар ҳаводек керак Катта Шоирга, Улкан Санъаткорга!.. Бироқ, кечирасиз, бу ёғи энди пешона... Одам буюртма бериб бахтсиз бўла олмайди, атайлаб ўзини-ўзи руҳий қийноқларга, изтиробларга, ўпқондек ютиб келгувчи дард-мунгларга гирифтормиз эта билмайди... Қисмат... Шунинг учун ҳам орамизда истеъдодлар кўп бўлишига қарамай, даҳолар камёб... Истеъдоднинг даҳо санъаткорга «айланмоғи» учун ана шу дўзахий азобларни кечибиб ўтиши ва энг муҳими, тегирмондан бутун чиқмоғи шарт! Ҳа-ҳа, шунча эврилишлардан сўнг ҳам ботинида ўз инсонлик шаънини бутун сақлаб қололган истеъдодгина яна бир қадам илгари ташлайди — Улкан Санъаткоргина ёзиши мумкин бўлган дурдоналарни ярата бошлайди. Мана, нима учун ҳаммамиз бинойидекмиз-у, орамизда навоийлар кўринмайди...

Жуберт юқорида эсланган китобида Массет исмли муаллифнинг 1835 йилда ёзилган «Май кечаси» деб номланган шеърини келтирадики, назаримда у руҳан айтилганларга монанд тушади:

*Ишқ тўла кўксидан оқар эди қон:  
Денгизлар устида беҳуда учди,  
Соҳиллар бўш эди, бўш эди уммон.  
Ниҳоят панжасин кўксига санчди...  
Келтирди юрагин палапонларга.*

*Тошга ястанганча ожиз сақоқуш  
Бўлаша бошларкан сўнгра парчани  
Улуғ муҳаббат-ла қисмат аччиғин  
Бостириб қўйгандек сезарди ўзни.  
Ва қонли тўшига боқарди бот-бот  
Завқдан ва шафқатдан, даҳшатдан сархуш...*

(таржима — бизники — У.Ҳ.)

Янада кўп изтироб чекиб яшаган шоир ҳам ўз ҳаёти-ни асарлар тариқасида қонга ташна ўқувчиларга мана шу тарзда арғумон этади, дейди француз олими шеър-ни таҳлил этаркан. Албатта, бу мисолда кимдир ортиқ даражадаги муболағани кўрар, кимдир бошқа фикр айтар, лекин, нима бўлгандаям ҳақиқий шоир-ижод-кор тақдири баъзан чинданам сақоқуш қисматини ёдга солади. Шу маънода орамиздан навоийларнинг потраб чиқиб турмаганининг сабабларидан бири — сақоқуш-нинг аччиқ қисматидек қисматни камдан-кам, ноёб-дан-ноёб ижодкор ўзига раво кўришидадир. Бас, шун-дай экан, ҳақиқий шоир, умуман, санъаткор бу — аввало, Улуғ Дардмандки, мен унга ҳавас қилишдан, шарафига санолар ўқишдан олдин дардига Яратгандан шифо тилаган бўлардим. Ҳа, чинакам шоирлар (эти-бор берган бўлсангиз, бутун суҳбатимиз давомида мен «санъаткор», «ижодкор», «шоир» сўзлари олдига «чи-накам», «ҳақиқий» деган сифатларни бот-бот қўшиб қўйишга мажбур бўлдим, ўйлайманки, изоҳга ҳожат йўқ!) орамиздаги энг касалманд, «соғлар орасидаги носоғ» кишиларким, уларнинг дарди ҳақиқатан ҳам оламнинг дарди, одамнинг дардидир. Уларга ҳасад қилиш эса, кўринадики, ҳар қандай соғлом мантиқдан йироқ аҳмоқона ва разилона ишдек туюлади менга.

**Умарали Норматов:** — Адабиёт тарихидан маълум-ки, ҳеч қайси адабий оқим, ижодий метод ижодкорга имтиёз, афзаллик ҳуқуқини бермайди. Охир-оқибат



ижодкорнинг истеъдод даражаси, заковати, ижоддаги омади, бадий ихтироси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳозирги модерн шеъриятнинг, модерн шоирларнинг унчалик машҳур эмаслигидан кўпам ташвишга тушавермаслик керак. Ҳарҳолда менинг кузатишимча модерн шеъриятга муносабатда муайян ўзгариш бор, ихлосмандлар кейинги 4—5 йил давомида сезиларли даражада кўпайди. Қолаверса, модерн шеъриятнинг ўзи юқорида айтилганидек, бетиним ўзгариб-янгилашиб, такомиллашиб, ўқувчи-шеърхонга яқинлашиб боряпти, ҳали бизда модерн шеъриятнинг имкониятлари тўлалигича намоён бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бугунги кунда унинг Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммаддек тан олинган истеъдодли намояндалари борлигининг ўзи катта гап! Булар ва уларнинг ўнлаб издошлари ўзбек миллий модерн шеъриятининг эртасига катта умид уйғотади.

**Улугбек Ҳамдам:** — Домла, негадир менга Абдували Қутбиддин ва Фахриёр билан Баҳром Рўзимуҳаммад шеърияти ўртасида илдизли тафовут борга ўхшайди. Биринчи икки шоир анъана доирасида, анъана заминида туриб модернистик кашфиётларга интилаётган бўлсалар (сизнинг юқорида «соф модерн» кўринишидаги деярли барча асарлар қаъридан акс-садо бериб турган қадим аёлғу наволарини туйиб-эшитиб турасиз» деганингиз бежиз эмас), Баҳром Рўзимуҳаммад ижодиёти кўпроқ модернистик соҳил томонида каби. Чунки Абдували Қутбиддин ва Фахриёрга дунёни боши ва охири мавжуд бус-бутун олам ўлароқ кўриш хос, бинобарин, улар яратаётган бадий дунё изчил мантиқийликка, узвий давомийликка асосланган бўлса, Баҳром Рўзимуҳаммад «дунёси»нинг ҳақиқатан ҳам «оёғи осмонда». Унинг шеърлари Фахриёр ва Абдували Қутбиддин асарларда акс этган «бутун дунё»нинг сочилиб кетган синиқларидек таассурот қолдиради. (Ахир модернизмнинг моҳияти айнан инсон руҳиятидаги дарзлар орасида яширинган-ку!) Бу ўринда гап қайси шеърий йўлнинг устун ё пастлигида, яхши ё ёмонлигида эмас, асло! Масалани ҳеч қачон бундай қўймаслик керак. Гап шоирларнинг фитратий ўзига хослигида,

дунёни эстетик бадиий идрок этишидаги айричалигида. Ҳеч шубҳа қилмайманки, агар шоир чинакамига истеъдодли бўлса, ҳар қандай йўсинда гўзал, гоят гўзал ашъор бита олади. Бинобарин, бадиий тафаккурнинг реалистик босқичи ҳам, модернистик босқичи ҳам, жумладан, уларнинг ўзига хос синтези бўлмиш модернистик реализм (Фахриёр, Абдували Қутбиддин каби яна кўплаб шоирларимиз шу услубга яқинроқ) босқичи ҳам юксак санъат намуналарини беришга қодирдир. Ҳа-ҳа, шоирнинг кучи унинг қайси «изм»га мансублигида эмас, балки шу «изм» заминида туриб, нима ва қандай ёза билди, гап шунда! Ва яна шундай ўйлар мени ҳеч тарк этмайдики, XX аср ўзбек анъанавий шеърияти берган «Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!» (Чўлпон), «Сочилади ўйларим сенсиз, Хаёлимга тароқ ургайман. Менинг қўлим етмаган юлдуз, Тушларимда сени кўргайман» (А. Орипов), «Уйғон ай малагим, тур, ўрнингдан тур, Оташин музларда исинайлик, юр!» (Рауф Парфи) каби ўзининг ўлмас мисраларини ҳали ярата билганича йўқ. Биз «модерн шеър табиати сал бошқача бўлади, унга бу янглиғ талаблар қўйиб бўлмайди» дегандек ўнлаб-юзлаб ваз-карсон кўрсатмайлик, барибир, адабиётнинг санъатлик хусусиятини унутмаслигимиз лозим. У бизнинг эстетик дунёмизни титратиб юборадиган асарлар бергандагина чинакам бадиий ҳодиса ҳақида фикр юришимиз мумкин.

**Умарали Норматов:** — Модерн шеъриятимиз ривожини осон ва силлиқ кечаётгани йўқ, албатта. Унинг ривожини йўлида жиддий қийинчилик, камчиликлар, турфа оғишлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу янги адабий жараён оқилона танқид, хайрихоҳлик руҳидаги баҳс-мунозараларга ниҳоятда муҳтож. Ана шундай бир вазиятда ҳеч қанақа аниқ далил, илмий таҳлилларсиз бу йўналишдаги шеърлардан бурун жийриш, уни куроқ рад этиш ҳолларига дуч келаётирмизки, бундан афсусланмай иложингиз йўқ. Модерн шеърият танқиди ҳозирча бу йўналишнинг «ўзбек маънавий муҳити»га номувофиқлиги, матнда «тиниш белгиларига амал қилмаслик», назм тузилишининг «қоида-қонун»ларига, назарияга мос тушмас-

лиги, фикр-ғоянинг маҳвумлиги хусусидаги қуруқ нолишлардан нарига ўтмаяпти.

Ниҳоят ҳар қайси адабий-бадиий оқимда бўлгани каби ижодкор шахси, даражаси, унинг ижодий жасорати, модерн шеъриятнинг бугуни ва эртасини белгилайди. Бу йўналишда қалам тебратаётганлар айчайин бир ҳаваскор қаламкашлар эмас, улар орасида миллий ва жаҳон адабиёти, санъати тарихи ҳамда бугунги кунидан чуқур хабардор етук ижодкорлар борлигидан чексиз қувонаман. Бу шеърият устида сўз очадиган, баҳс юритишга чоғланган мунаққид ўз савия-даражасини уларнинг бўйи-басти билан бир бор солиштириб олса зарар қилмасди.

**Улугбек Ҳамдам:** — Ҳўш, шу чоққача баҳсини юритганимиз модернизмнинг ўзи нима? У қачон ва қандай пайдо бўлган? Модернизмни бир неча хаёлпараст санъаткор «бекорчилик»дан ўйлаб топганларми? Ёхуд табиий бир жараён сифатида ҳаётимизга кириб келганми? Унинг анъанавий оқимлар, хусусан, реализмдан нима фарқи бор? Модернизмни реализм ўрнига келган ва уни (реализмни) ўз ҳаёт ҳужайраларини бутунлай сарфлаб бўлган оқим ўлароқ «истеъмол»дан чиқариб ташлашга қодир йўналиш дея оламизми? Балки унинг сажиясида компромисслик хусусияти устундир?..

Бу ва бунинг каби юзлаб саволлар туғилиши табиий ҳол, албатта. «Жаҳон адабиёти» журналининг 2001 йил, ноябр сонидан рус олими Александр Гениснинг «XX асрнинг етакчи услуби» номли мақоласи ва улкан руҳиятшунос олим К. Г. Юнгнинг «Пикассо» отлиғ эссесидан юқоридаги саволларнинг айримларига жавоб топгандек бўласиз. Генис ёзади: «тарих вақт билан ҳисоблашмайди, бироқ бизлар солномага назар солмай иш юрита олмаймиз. Ортга назар ташлар эканмиз, модернизм тарихнинг қайси палласидан бошланганини билиб оламиз.

Лондондаги машҳур икки бадиий музей жамоаси яқинда ана шундай муаммога дуч келди. Улар ўз ҳазиналаридаги санъат асарларини ўзаро тақсимлаб олишларига тўғри келди: натижада Миллий галереяга мумтоз тасвирий санъат асарлари, Тэйт галереясига эса замонавий ижодкорларнинг асарлари насиб этди. Бу

борада 1900 йил чегара чизиғи вазифасини ўтади. Бу чегара чизиғи ҳар қанча баҳсли ва шартли бўлмасин, нафақат тақвимий, балки мантиқий ҳақиқатга яқинлиги билан ҳам эътиборни тортади. Биз модернизмни ўтган аср билан тенгдош ҳисоблай туриб, ҳам тарихан, ҳам бадиий жиҳатдан адолатли иш тутган бўламиз».

Модернизмнинг моҳияти ҳақида фикр юритаркан, олим модернизмгача санъатда воситаларгина ўзгартириб келинган бўлса, модернизм «тадқиқ қилинаётган объектнинг ўзини тамомила янгилагани»ни таъкидлайди. «Нитшенинг «ҳеч қандай фактлар мавжуд эмас, балки уларнинг талқини, инъикосигина бор» деган ақидасини дастак қилиб олган модернизм муаллифнинг тасавуридагина мавжуд воқеликнинг турли талқинлари, дунёни турли субъективизмларнинг кураш майдони сифатида акс эттира бошлади», деб ёзади яна олим.

Юнг эса модернистик санъат моҳиятида руҳий хасталикни кўради. У бундай хасталикка чалинган кишиларни икки гуруҳга ажратади: «Булар невротиклар ва шизофрениклар. Биринчи гуруҳга мансуб (кишилар) синтетик характердаги кучли ва яхлит туйғуга йўғрилган суратлар чизишади... Иккинчи гуруҳ, аксинча, шундай суратлар чизадики, бу суратлар уларнинг муаллифларига ҳиссиёт бегона эканини кўрсатиб туради. Улар ҳар қандай ҳолларда яхлит уйғун туйғуни эмас, балки, аксинча, қарама-қарши кечинмаларни ёки уларнинг умуман йўқлигини ифодалайди. Бу суратларнинг бадиий шаклида эса синиқ чизиқларда акс этган таназул, инқироз кайфияти устуворлик қилади ва бу ўз навбатида ижодкорнинг руҳан бўлинганини, яъни ўзини бошқа одам деб фаҳмлашини билдиради. Суратлар томошабинга ёқмайди ёки ақлга тўғри келмайди, тажовузкор руҳдалиги ва беўхшов носамимийлиги билан унда кўрқинчли таассурот қолдиради. Пикассо ана шу руҳий (психологик) типга мансуб»(Аҳмад Отабой таржимаси).

Бундай қараш модернизмнинг келиб чиқишида ижтимоий-психологик факторнинг доминант моҳиятига урғу беради. Чинданам XX асрга келиб инсоннинг тур-

муши цивилизация оқибатида мисли кўрилмаган даражада мураккаблашди, одамларнинг ўзаро руҳий муносабатда бўлиш имкони торайди, бундай эҳтиёж — руҳ ҳаёти инсоннинг ичига ҳибс этилди, натижада руҳий изтироб туғилди, руҳ касалликка чалинди... Назаримда, модернизмнинг руҳий-психологик асоси шу нуқтадан бошланади.

Дарҳақиқат, инсоният ҳаётига модерн руҳнинг кириб келиши асрлар давомида шаклланиб-тургунлашиб қолган дунёқарашни остин-устун қилиб юборди. Модернизм шундай моҳиятга эга эдики, у энг анъанавий, энг мумтоз шакллар, тушунчалар бағрига ҳам ҳеч тортинмай, ҳеч иккиланмай ёриб кираверди. Модернизм бу — XX асрга келиб, инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маънавий соҳадаги ёппа тараққиёти туфайли онгларида содир бўлган улкан ўзгариш — тафаккур тарзимиздаги янги босқич. У даврнинг умумий, универсал кайфияти. У реализмга қарши эмас, балки реализм заминида (материалида) барпо этилган замонавийликнинг янги қасри. Истилоҳнинг луғавий маъносига («модерн» французча «янги», «замонавий» дегани) эътибор берадиган бўлсак, «модернизм туғилишга туғилди-ю, бироқ энди ўлмас керак!» дегинг келади. Мантиқан олганда ҳар қандай давр энди ўз кайфиятини акс эттирган янгидан-янги, замонавийдан-замонавий асарини модерн асарлар деб атайди... Демак, модернизм ҳеч қачон эскирмас эканда, деган ўй ҳам келади, баъзан хаёлга. Бироқ эртанги кун ҳамisha ўз бағрида қутилмаган сирни яшириб туриши билан қудратлидир. У «бугун»га нисбатан анча эркин. Келажакнинг бизнинг тасарруфимиздаги фоизи унчалик катта эмас. Бинобарин, биз «модернизм мангу, модернизм ҳеч қачон ўлмайди!» деганга ўхшаш ҳайқириқлардан тийилганимиз маъкул. Агар модернизм моҳиятида биз фақат дунёга янгича қараш, уни ўз даври даражасида бадиий ҳис ва идрок этишни тушунсак, ҳа, у абадийдир. Бироқ модернизмни XX аср аввалида ёмғирдан сўнг потраб чиққан кўзиқориндек кўпайган қисмлари — кубизм, сюрреализм, абстракционизм, экспрессионизм, футуризм, дадаизм, гиперреализм, риджионализм каби «изм»ларнинг йиғинди-

си сифатида тушунсак, ҳа, у ҳам туғилди ва умрини ўтаб бўлаёзди (юқорида номлари келтирилган «изм»ларнинг аксари бир неча ўн, ҳатто бир неча санокли йил «яшаб», ўрнини навбатдаги оқимга бўшатиб берганлиги адабиётшунослик тарихига оид материаллардан маълум!). Назаримда, ушбу масалага ойдинлик киритишга қодир ёлғиз ҳакам — Вақт! Чунки аҳли башар ахборот асрига қадам қўймоқда. Бу ҳам турмушни мисли кўрилмаган даражада ўзгартириб юбориши, натижада инсоннинг дунёни эстетик-бадиий жиҳатдан қабул қилишида яна-да кескинроқ бурилишлар юз бериши ҳеч гапмас... Мана, «изм»лар қандай ва қаерда ўзгаради!.. Мана, нега биз модернизм моҳиятини тўла тушуниб-тушунтириб беролмаслигимиз етмаганидек, унинг қанча умр кўргани ва яна қанча яшаши мумкинлиги тўғрисида тайинли гап айтолмаслигимизнинг сабаби...

2001 йил декабр — 2002 йил июл

## Кўнгил кўйлари

— Устоз, бугунги адабий жараёндаги Сизни қизиқтираётган, ўйу мулоҳазага ундаётган энг муҳим муаммо нима?

— Шерали, биламан, самимий эҳтиром белгиси ўлароқ ҳар доим бўлганидек, менга «Устоз» деб мурожаат этаётирсиз. Бунинг учун раҳмат. Бироқ очиги шундай мурожаат менга бир оз малол келади. Тўғри, университетда Сизга кўп домлалар қатори мен ҳам дарс берганман. Аммо дарс берган, илмий ишига раҳбарлик қилган ҳар бир домла устоз бўлавермайди. Менинг назаримда, «устоз» жуда баланд мартаба. Мен таълим олган ва ишлаётган факультетда кейинги ярим аср ичида икки, нари борса, уч олимгина «устоз» мақомига кўтарилган, холос.

Сиз қўйган саволга келсак, шуни айтиш мумкин: адабиётга, адабиёт илмига даҳлдор барча ҳамкасбларим каби бугунги адабий жараён хусусида мени ўйга толдираётган муаммолар жуда кўп, бироқ улар ичида энг муҳими — сўз санъатидаги муаммоларнинг муам-

моси — шахс жумбоғи, феъл-атвори, руҳияти, кўнгил ўйинлари, боринги, хилма-хил бадиий талқини масаласи.

— *Шахс жумбоғи ҳамиша адабиётнинг бош муаммоси бўлиб келган. Хўш, бугунги адабиётимизда бу борада қандай янги жараёнлар кечаётир?*

— Бугунги жараёнлар хусусида гапиришдан олдин тарихга бир назар ташлаб ўтсак. XX аср янги ўзбек адабиёти шахс талқини бобида алоҳида босқични ташкил этади. Муайян сабабларга кўра аср адабиётида шахсни ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида кўрсатиш устуворлик қилди. Шунга қарамай, «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Сароб», «Шум бола», «Сурат», «Хотирам синиқлари» каби асарларда, Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи каби шоирларнинг «соф кўнгил лирикаси»да инсон шахси, руҳиятининг ҳеч қанақа «ижтимоий мезонлар» қолипига сиғмайдиган шу қадар нозик, хилма-хил жилолари акс этганки, уларни XX аср жаҳон адабиётининг энг сара намуналари қаторига қўйиш мумкин.

— *Шундайку-я, биз ўқиган кезлари адабий қаҳрамонларни ижтимоий мавқеига қараб баҳолаш, кескин равишда «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонларга, «бизникилар» ва «бизга ёт» персонажларга ажратиш одат тусини олган эди.*

— Биласизми, гоҳо бу икки гуруҳдан ташқари, «мураккаб қаҳрамонлар» ҳам тилга олинар, уларга эса менсимайроқ қаралар, бу ҳол «ёзувчи позициясининг ноаниқлиги», «катта камчилиги» деб қараларди. Худога шукр, бундай ибтидоий ёндашишлар ортда қолди.

Ўтган йили Ослодаги Нобель институти ўтказган сўровда «Дон Кихот» жаҳон адабиётининг бутун тарихидаги энг яхши бадиий асар деб топилди. Сўровда иштирок этган ҳозирги замоннинг юз нафар машҳур адиби биринчи ўринни шу асарга беришни лозим кўришди.

Нега шундай? Жаҳон адабиёти тарихида буюк асарлар кўп. Бироқ инсон зотини жамики зиддиятлари билан кўрсатишда чиндан ҳам бу романга тенглаша ола-

диган бошқа бирор асарни топиш қийин. Инсоннинг буюклиги ҳам, тубанлиги ҳам, тантанаси-ю мағлубияти ҳам, трагик ва комик моҳияти ҳам — барча-барчаси шу бир фаройиб афандитабиат шахс Дон Кихот сиймосида ниҳоятда ёрқин, бетакрор ифодасини топган.

Янги аср бошида жаҳоннинг кўплаб улкан адиблари «Дон Кихот»ни энг яхши асар деб тан олган эканлар, бу шунчаки эътироф эмас, балки бу ҳол — шахсни бутун мураккаблиги билан кўрсатишга интилиш ҳозирги жаҳон адабий жараёнида етакчи тамойилга айланиб бораётганлигининг бир исботидир.

— *Боя Сиз XX аср адабиётида инсон шахсига «ижтимоий ёндашув» мезонлари қолипини ёриб чиққан асарлар ҳам борлиги хусусида гапириб ўтдингиз. Малол келмаса, бир-икки мисол келтирсангиз.*

— Қодирий, Чўлпон, Қаҳҳордан истаганча мисол келтириш мумкин. Бу ерда улар ҳақида эмас, кейинроқ яратилган биргина асар, аниқроғи, Эркин Воҳидовнинг 1973 йили ёзган «Инсон» қасидаси устида озгина тўхталиб ўтсам. Мазкур шеър қасида жанрининг янги намунасигина эмас, менинг назаримда, XX аср ўзбек адабиётида инсон шахсига, унинг туб моҳиятига янгича ёндашув бошланаётганидан далолат берувчи адабий ҳужжат сифатида ҳам қимматлидир.

Шеър қасида руҳида инсон мадҳи, инсонни улуғловчи сатрлар билан бошланади:

*Собиту сайёрада*

*Инсон ўзинг, инсон ўзинг.*

*Мулки олам ичра бир*

*Хоқон ўзинг, султон ўзинг.*

Шоир шу инсон қудрати, хусусан, унинг XX аср фан-техника революцияси шароитидаги имкониятлари хусусида сўз очиб, коинот саҳросида карвону сарбон, кенг жаҳон унинг кафтида эканини айтади. Инсон измидаги бу ёруғ дунё надур, деган саволни қўяди-да, кескин ва шафқатсиз равишда «кошонадур, вайронадур», дея жавоб қилади. Шу сатрлардан бошлаб шеър-



да мадҳия оҳанги чекинади, шоирнинг ҳам фахр-ифтихор, ҳам афсус-надоматларга тўла армонли ноласи янграй бошлайди, бу ёруғ дунё, унинг султони саналмиш зот — инсонга хос ҳам кучли, ҳам ожиз, мусбат ва манфий жиҳатларини, жамики зиддиятларини очишга киришади:

*Бунда оқ бирла қаро,  
Зулмат, зиё, шоҳу гадо  
Жанг қилурлар доимо,  
Ул ён ўзинг, бул ён ўзинг.  
Сен бало, ҳам мубтало,  
Хайр ила кин, расту риё,  
Фитнагар олам аро  
Фаттон ўзинг, қурбон ўзинг.*

Инсон зотига хос шу тарздаги зиддиятли таъриф-тавсиф давом этади: инсон гоҳ адолат, гоҳ адоват қўйнида, ўз дилининг даргоҳида эса гоҳ шайтон, чоҳ гилмон; жон борки қасди жон, қотил ҳам, қурбон ҳам, ҳаёт уммонида қатрадек сарсон ҳам, гардон ҳам — шу инсоннинг ўзи! Машғали фикрат ҳам, чангали ваҳшат ҳам — шу инсоннинг ўзи! Она замин тақдири шу улуғ ва ожиз зот — инсоннинг ўз қўли, ихтиёрида. Шоир инсоннинг инсон деган улуғ номга муносиб бўлиши, фарзандлик бурчига содиқ қолиши, замин дардига дармон, унга қалқон бўлишини тилайди. Шоир инсонни барча зиддиятлари, кучли ва ожиз томонлари ила таърифламасин, барибир, унинг имкониятларига, даҳосига, истиқболига ишонч билан қарайди, инсон номини ҳамиша ўкинч, армон аралаш ёниқ бир меҳр билан қаламга олади.

Синчиклаб назар ташланса, айти ўша қасида ёзилган даврдан бошлаб инсон шахсига, унинг қалби, руҳиятига шу тарзда хилма-хил томонлардан ёндашиш тамойили бутун ўзбек шеърлятида, қолаверса, насрда муайян анъана тусини олиб, тобора чуқурлашиб борганлигини кузатиш мумкин. Ниҳоят, бу тамойил 90-йилларга, XXI аср бошларига келиб модерн кўринишда янги босқичга кўтарилганлигининг гувоҳи бўламыз. Абдували Қутбиддиннинг «Ўзбекистон адабиёти ва

санъати»да шу йил эълон қилинган «Барокко» туркуми бугунги шеърятимизда инсон драмасини ичдан кўрсатиш, инсон қалбининг ҳеч қанақа қолип, сарҳадларни тан олмайдиган асов туйғуларини теран ифодалаш жиҳатидан ҳодисадир.

— *Насрда-чи, насрда нималар бўлаяпти?*

— Қизик бир ҳол: бугун адабиёт тарихидаги энг яхши асар деб тан олинган роман қаҳрамони драмаси асосида эътиқод фожиаси ётади. Дон Кихот рицарлик романлари дунёсига шўнғиб, рицарлик ақидалари руҳи билан яшаётган одам, у шу ақидаларни амалга ошириш мақсадида реал ҳаёт саҳнасига чиқади, шу тариқа унинг эътиқоди — орзу-интилишлари билан реал ҳаёт орасидаги ғаройиб зиддиятлар силсиласи бошланади. Қаранг, мана шу мангу муаммо бошқачароқ тарзда бугунги адабиётда ҳам давом этаяпти. Кейинги йиллари ёзилган ва айрим баҳс-мунозараларга асос бўлган Ш. Бўтаевнинг «Шўродан қолган одамлар», Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» асарлари қаҳрамонлари феъл-атворлари ва қисматида Дон Кихотни эслатадиган нималардир бор.

— *Шахс эътиқоди, фожиаси талқини Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романида ҳам бор. Мен асардаги Амир образини назарда тутаянман.*

— «Мувозанат»даги Амир ҳам эътиқод қурбони. Бироқ Амир фожиасининг илдиэлари ўзгачароқ. Аглая ва Ботир фирқа тарих саҳнасидаги ўткинчи, таги пуч гоёларга алданган кимсалар бўлса, Амир — мангу барҳаёт диний-исломий эътиқод одами. Пайғамбаримиз ўз умматларига: «Эй инсонлар, дин ишларида ҳаддан ошишдан сақланинглар! Сиздан аввалги умматларнинг ҳалокатига дин ишларида ҳаддан ошганликлари сабаб бўлди», — деб васият қилганлар. Амир фожиаси — дин, диний-исломий эътиқод бобида ҳаддини билмаган мутаассиб одамнинг фожиаси. Амирнинг аянчли қисмати диний-исломий қадриятларни тиклаш жараёнида юзага чиққан бандаи ожизликнинг бир кўриниши. Аслида зиёли — муаллим, яхшигина шоир бўлган бу одам дунё ишлари, ташвишларидан бутунлай юз ўгириб, фақат тақво, тоат-ибодат, бориға шукр қилиб, фақирона кун кечириш йўлини тутди; ўзи қолиб, ўзгалар-

ни ҳам шу йўлдан боришга мажбур этади, ҳатто ўзгача қарашдаги отаси, онасига, оға-иниларига, яқинларига ҳам кун бермайди, эртаю кеч ибодат билан бўлиб, танглик шароитида оиласини, касалманд турмуш ўртоғини, фарзандларини мушкул аҳволга солиб қўяди; дин илмида чаласавод, устоз кўрмаган бу кимса ўзгаларга нуқул ақл ўргатади, чиллага ўтириб хаёлот дунёсига шўнғиб Пайғамбаримиз билан юзлашади; телба бир ҳолатда дарбадар тоғ сафарига чиқиб ногаҳон дўзах азобига дуч келади, ўғриликда гумон қилиниб шармандаларча сазойи этилади...

Романдаги энг ёрқин, концептуал персонажлардан бири шу Амир образидир, Амир ёш ёзувчининг чиндан-да бадиий ютуғидир.

— *Романдаги Юсуф, Саид, Миразим ҳам ёрқин характер, концептуаллик бобида Амирдан қолишмаса керак...*

— Албатта. Лекин барибир, Амир образининг асардаги ўрни, мақоми ўзгача, беқиёс...

— *Умарали ака, ҳозирча биз бугунги наср персонажларини бир оз умумийроқ йўсинда, аниқроғи, уларда тажассум топган бадиий концепцияга қараб баҳолаётирмиз. Бунга эътирозим йўқ. Аммо асарда персонаж қисмати билан боғлиқ шундай лавҳалар, ҳатто кичик деталлар бўладики, улар персонажнинг бор бисотини чақмоқдек ёритиб юборади...*

— «Мувозанат»да шундай бир лавҳа бор. Ўғриликда гумон қилиниб, чўпонлар томонидан қип-яланғоч ҳолда йўл ёқасидаги улкан тошга чирмаб ташланган Амир уят, хўрлик, калтак азобидан ҳам кўра ташналикдан қаттиқ азият чекади. Фоний дунёнинг лаззатларидан юз ўтириб тақво йўлини тутган бу кимса ажал ёқасига келиб қолганида осмондаги булут парчаси бир қур савалаб ўтган ёмғирдан ўзига кела бошлайди. Мана, унинг ўша топдаги ҳолати: «У тамшаниб, лабларида ҳали қуриб улгурмаган ёмғир томчиларини ютоқиб ялади ва чексиз лаззат туйди, бундан ҳатто боши гир айланди» (таъкид бизники — У.Н.). Қаранг, Амир қанчалик тақводор, мутаассиб, ғоя одами бўлмасин, барибир инсон боласи сифатида шу ёруғ дунёнинг бир томчи сувига зор экан-ку,

ундан чексиз лаззат туяр экан-ку?! Амир тутган йўлнинг ғайритабиий, ғайриинсоний эканини бундан-да ошириб ифодалаш мумкинми?!

— *Лекин, барибир, у тақводорлигича қолади, шу топда у ўзини жаннатда деб ҳис этади. Муаллиф: «Негадир хаёлида «жаннат» сўзи чақнади», — деб ёзади.*

— Амирнинг фожиаси ана шунда-да. У панд-насихат, ҳаётнинг шафқатсиз сабоқлари туфайли дарҳол ўзгариб қоладиган банда эмас. Ана шу Сиз келтирган жумлада ҳам бу шахснинг кимлиги, ўзар табиати яққол кўриниб турибди.

— *Амирни шартли равишда «китобий одам» деб аташ мумкин. «Мувозанат»даги марказий персонаж Юсуф эса «табиий одам», замон кишиси экани билан ажралиб туради.*

— Юсуфда ҳам муайян эътиқод мавжуд, у диний қадриятлар аҳамиятини асло рад этмайди, аммо у, аввало, дунёвий фан, замон кишиси; ҳаётини миллатнинг ҳақиқий тарихини яратиш йўлига тиккан, замонни, давр ўзгаришларини теран ҳис этадиган тарихий жараён, юрт истиқболи ҳақида мустақил қарашларга эга етук бир шахс. Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш даври тўфонлари бу йигит бошқарган ҳаёт кemasини шафқатсиз синовларга дучор этади. Мана шу тўфонлар гирдобида у бошқарган кема соҳилнинг гоҳ у, гоҳ бу томонига бориб келади. Бу йигит кўпдан-кўп мушкул савдоларни бошдан кечиради, моддий муҳтожлик жабрини татийди, оиласи, фарзандидан ажралади, муайян муддат севган касбидан кетади, таъби суймаган юмушларни адо этишга мажбур бўлади. Роман муҳокамаси пайти Юсуфдек етук зиёлининг ўз инсонийлик шаънини топтаб, тирикчилик деб шу хил кўчаларга кириши хусусида эътирозлар ҳам билдирилди. Начора, буни ҳаёт, дейдилар. Агар Юсуф қисмати, руҳиятидаги жараёнлар тасвирини синчиклаб кузатсангиз, у не-не ўй-хаёлларга бормасин, турли-туман кўчаларга кириб чиқмасин, гоҳо адолатсизлик, ночорлик туфайли ҳар қанча ўртанмасин, барибир қалбининг туб-тубида ўзлигига, адолат туйғусига содиқлигича қолади, миллат, юрт қайғуси ҳақида ўйлашдан бир зум ҳам тўхтамайди. Энг муҳими, сиз унинг жамики

хатти-ҳаракатлари, ожизликлари, изтироблари сабабларини кўриб, тушуниб, ҳис этиб турасиз, унинг инсоний ожизликлари ва айрим гуноҳларини кечиргингиз, охир-оқибат ундаги эзгу туйғулар устуворлигига ишонгингиз келади.

Бу жиҳатдан Юсуф образи тасвири, талқини билан боғлиқ боягидек яна бир аниқ, ёрқин лавҳани эслайлик. Кунларнинг бирида нафс бобида Юсуф ҳам Аминнинг ҳолатига тушади. Ётоқхонада турганида очликдан бировнинг ризқига кўз тикади, коса кўтариб қозонда қайнаётган ўзганинг овқатидан озгина олмоқчи бўлади. Мана, шундан кейинги тасвир: «Ошхонага етиб келиб, картошкага қошиғини чўзаркан, титраб кетди, хўрлиги келди, аввал қошиқни, сўнг косани тош полга зарб билан урди. Қошиқ сапчиб шифтга тегди, коса эса чилчил бўлди». Воқеа шу билан тугамайди, Юсуф хонасига қайтиб, боя таъби тортмаган суварак ва қумурсқа босган нонни паққос туширади. Ана сизга тифиз вазиятда ўзликдан чиқиш ва аслиятга қайтиш! Бу хил хатти-ҳаракатда қандайдир «қаҳрамонлик» ҳам, «жўнлик» ҳам йўқ. Инсон сифатида ўша вазиятда у орияти, шаънини сақлаб қола билади ва айни пайтда таъби тортмаган ризқ билан бўлса-да табиий эҳтиёжини қондиради, бу ризқнинг ҳалоллиги эса унга таскин беради... Мана, Юсуфнинг кимлигини намоён этувчи арзимасдек туюлган, бироқ бадий топилма дейишга лойиқ тасвир! Аслида романдаги Юсуф билан боғлиқ барча тасвирлар шу хилдаги руҳий-маънавий зиддиятлар ила йўғрилган ниҳоятда табиий-ҳаётий лавҳалар — аслиятдан чекиниш ва унга қайтиш, мувозанатни йўқотиш ва уни тиклаш силсиласидан иборат. Ҳар қанча устувор эътиқод эгаси бўлмасин Юсуф аввало кўнгил одами. Бош жафокори ҳам, нажоткори ҳам унинг кўнгли!

— *Ниҳоят, яна бир масала хусусида фикрингизни билмоқчи эдим. Менинг кузатишимча, кейинги йиллар ўзбек адабиётида инсон умрининг энг сўнгги дақиқаси — ўлим тасвири, талқинида ҳам қандайдир ўзгариш, янгиланиш содир бўлаётгандай...*

— Қарангки, шўро даври адабий сиёсати ҳатто инсон умрининг энг сўнгги дақиқаси — ўлим, ҳижрон тасвирига ҳам таъсирини кўрсатган эди; ҳижрон ва

ўлимни тасвирлаш қалтис иш саналарди, асарни мумкин қадар жудоликларсиз, оптимистик тарзда яқунлаш урф бўлганди, мабодо ҳижрон, ўлим қаламга олингудек бўлса, у, албатта, коммунистик мафкура, сиёсат руҳи билан йўғрилган бўлиши даркор эди. Қисқаси, ўша йиллари ўлимни ҳам сиёсатлаштириш, мафкуралаштириш даражасига борилди. Ҳаётнинг ўзида нималар бўлганини, марҳумга жаноза ўқиш ман этилгани, дафн маросимларида Куръон оятлари тиловати ўрнига даҳриёна нутқлар ирод этилгани, эҳсон дастурхонига шароблар тортилганини ўз кўзимиз билан кўрганмизку, ахир!

Тўғри, ўша йиллари ҳам адабиётда урфга айланган қолипларни ёриб чиқишга интилишлар бўлди. Бироқ бундай интилишлар, чунончи, «Оқ кема», «Аёл», «Севгим, севгилим», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» каби асарлар қанчалар жиддий эътирозларга сабаб бўлганига ўзимиз гувоҳимиз.

Чиндан ҳам сўнгги йиллари адибларимиз жаҳон адабиётининг бу кўҳна муаммосини янгича, аниқроғи, умумбашарий миқёсларда туриб, чин инсоний нигоҳ билан ёритиш йўлига дадил ўта бошладилар. Зулфиянинг «Хотирам синиқлари», Саид Аҳмаднинг «Қорақўз мажнун», «Офтоб ойим» ҳикоялари, Омон Мухтор, Улуғбек Ҳамдам романлари, истеъдодли шоирларимизнинг ўнлаб шеърлари даъвомизга мисол бўла олади.

— *Миллий университетда «Мувозанат» муҳокамасига бағишланган анжуманда асардаги ўлим тасвири талқини хусусида айтган мулоҳазаларингиз тингловчиларда қизиқиш уйғотди...*

— Романда бир эмас, учта ўлим тасвири бор. Учласи уч хил руҳда талқин этилган. Чақалоқ ўлими тасвирланган 54-бобга ҳар гал қайта кўз ташлаганимда қалбимда титроқ туради. Илк бор шу бобни ўқиганимда кечки соат ўн иккилар эди. Кейин роман мутолаасини давом эттиролмадим. Туни бўйи мижжа қоқмай чиқдим. Кўз олдимда қишлоқ касалхонаси коридорида изтироб ва умид билан Ойгул ёнида ўтирган Юсуф. Ичкарида — палатада жон талашаётган гўдак. Шу орада шифокорларнинг жарангдор кулгиси, жон талашаётган гўдак тепасида туриб, бир-бирларига латифа ай-

тиб кулишлари. Улар орасида шаҳардан келган таниқли врач — Юсуфнинг болалик дўсти Мансурнинг ҳам борлиги, шифокорларнинг Юсуфга «меҳрибон»чилиги — коридорга чиқиб туришни маслаҳат беришлари — гўдак «тайёр бўлган»да чақиражаклари... Бундай «илтифот»дан Юсуфнинг ярадор шердек ҳайқириши, одам шаклидаги махлуқларга ҳамласи, тўс-тўполон пайтида махлуқлар қаллоблигининг ошкор бўлиши... Булардан ҳам даҳшатлиси, ота ва она, яқинлар дийдорига зор ҳолда жон таслим этолмай ётган гўдак ҳолати; тепасида яқинлари, ота-онаси пайдо бўлганини сезган гўдакнинг қабоқларини очиб довдираши, ўзига қараб турган чеҳраларга бир-бир боқиши, гоҳ онаси, гоҳ отасига талпиниши, ниҳоят, у дадасида кўним топиши, мажолсиз ҳолда: «Дада», — дея шивирлаши, кўзларидан сўнгги икки томчи ёшнинг чаккасига юмалаб тушиши... Бу ерда ҳеч қанақа сентиментал чучмаллик йўқ. Балки мардона, шафқатсиз ҳақиқат бор! Чақалоқнинг шу сўнгги: «Дада», — деган мажолсиз шивириси, кўзларидан думалаб тушган икки томчи ёшда бутун оламни ларзага солгудек драма бор! Ўз насли, зурриёти тақдирини одам шаклидаги махлуқларга, юлғичларга топшириб қўйган отагагина эмас, умуман, нокомил инсон зотига маломат бор!..

Гулшоданинг ўлими тасвирида биз бошқача кайфиятга тушамиз. Турмуш машаққатларидан, мутаассиб эрнинг телбаларча нағмаларидан, хасталик азобларидан сабр косаси тўлиб-тошган бу аёл ўзини ўзгаларга ортиқча юк санаб, ўз жонига қасд қилади, ўзини осади. Бироқ у жон талвасаси пайтида катта гуноҳга қўл ургангани, қилаётган ишининг бутун даҳшатини бирдан англаб етади, аҳдидан қайтиб, бўйнидаги сиртмоқдан чиқишга уринади. Афсус, вақт ўтган эди, уни ажал ўз комига тортиб кетади. Гулшода ҳалокати Сизда қандайдир армон-ўкинч, афсус-надомат туйғусини уйғотади. Қанчалар мушкул бўлмасин, инсон зоти бу ёруғ дунёда умри охиригача яшашга, курашишга мажбур, ўз жонига қасд қилиш, барибир, гуноҳи азим...

Романдаги кекса эна ўлими ифодаси эса қисман А. Камюнинг «Бегона» қиссасидаги талқинни ёдга туширади. Қизиқ ҳол: бу ёруғ дунёда ёшини яшаб, оши-

ни ошаб ўтган кампир ўлими туфайли яқинлари аза очишади, бел боғлаб жамики расм-русумларни жойига қўйишади, лекин уларнинг ҳар бири, жумладан, Юсуф ҳам бу ўлимни ичда лоқайд қабул қилади. Азадаги барча одамлар каби Юсуф хаёли ҳам ўз ташвиш-муаммолари билан банд...

— *Суҳбат асносида бир муҳим ҳақиқатга иқроп бўлдим: адабий жараён билан баробар адабий-танқидий фикр ҳам бетиним ўзгариб, янгиланиб бораёпти. Бугунги адабий танқид ўн йил, ҳатто беш йил бурунги танқид эмас. Ҳозирги назарий қарашлар, талқинлар ҳам бошқача. Охирида бир субъектив — хусусий савол: мана шундай ўзгаришлар шароитида Сиз ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?*

— Бу саволингизга япон адиби Ясунари Кавабатанинг сўзлари билан жавоб берсам. «Мен, — дейди у, — ўз тажрибамдан шунини яхши биламанки, вақт ўтиши билан қарашлар ўзгаради, ўтмишдаги ва ҳозирги ёзувчилар ҳақидаги, хусусан, ўз ёзганларинг ҳақидаги фикрлар ўзгаради. Баъзан бундай ўзгаришлар ҳайрон қоларли тарзда кечса, баъзан сезилар-сезилмас ҳолда ўтади. Бутун умри бўйи фақат бир хил қарашлар билан яшаган адабий танқидчи ё даҳо бўлади, ёки тентак». Бундан ошириб бир нарса дейиш қийин. Бугунги кунда бизда даҳоликка даъвогар бирорта ҳам мунаққид йўқ. Тентак бўлишдан эса Оллоҳнинг ўзи асрасин!

*2003 йил  
Шерали Сокин суҳбатлашди.*



## V. УСТОЗЛАР ЁДИ

### Устоз армони

Устоз Абдулла Қаҳҳорни билганлар, суҳбатини олганлар яхши эслашади: бу аллома давраларда кам гапирар, гапирганда эса ҳамиша образли қилиб сўзлар, гаплари ҳазил-мутойиба, лутф, киноя-кесатиқлар, кескин истеҳзо билан йўғрилган бўларди. Унинг сўзлари ошқора донишмандлик, панд-насихатлардан холи, бироқ ҳамиша муҳим бир фикр, ҳодисаларга янгича қарashi, образлилиги билан эса қоларди. Адибнинг турли учрашувларда, давраларда айтган айрим мулоҳазаларини, лутфларини сиз — азиз газетхонларга ҳавола қилмоқчиман.

60-йилларнинг бошлари, ёз фасли. Дўрмондаги мўъжазгина ижод уйида осойишта ҳаёт ҳукм сурар, хоналарда адиблар ижод билан банд, жумладан,, Пиримқул Қодиров «Қора кўзлар» романи, Озод ака «Замон — қалб — поэзия» китоби устида ишлар, уларга ҳеч ким халал бермас, бинога яқинлашганлар секингина юрар, сўзлашганда овозини баландлатмас эдилар. Тушлик ва кечки дам олиш вақтларида эса сув бўйида, чинор остида мароқли суҳбатлар, ҳазил-мутойибалар авжига чиқарди. Баъзан ошхўрликлар ҳам бўлиб турар, ҳадди сиққанлар ижод уйининг шундайгина биқинидаги боғ ҳовлида истиқомат қиладиган Абдулла акани даврага таклиф этишар, таъби суйса бу одам келарди. Кунларнинг бирида шундай даврага Пиримқул Қодиров Абдулла акани таклиф қилди, устоз узр сўраб қандайдир тадбирда қатнашиши зарурлигини айтдилар. Ошхўрлик зўр ўтди, қиттак отилди ҳам. Қувноқ гурунг, ҳазил-мутойибалар авжига чиққан пайтда Абдулла ака келиб қолдилар. Салом-аликдан сўнг оромкурсида ширакайф ва қувноқ ҳолда ўтирган Пиримқул акага қарата:

— Пиримқулнинг оёғи ерга тегмай қолганидан зиё-

фат зўр ўтганга ўхшайди, — дедилар. Даврада зўр қаҳқаҳа кўтарилди. Давра руҳига бундан ошириб баҳо бериш мумкин эмас эди. Одатда зиёфатларда кам ичадиган, балки устоз адибга илк бор ширакайф ҳолда дуч келган Пиримқул ака устоз ҳазилидан қулоғигача қизариб, ажиб бир ҳолга тушди. Абдулла аканинг бе-назир лутфида Пиримқул аканинг ҳозирги ҳолатига, қолаверса, бўйи бастига нозик ишора бор эди.

Шундан сўнг танқид устида сўз кетди. Ўша кезлари танқидчиликда жавлон урган, минбарларни эгаллаб олиб бошқаларга сўз бермай узундан-узоқ тумтароқ нутқ ирод этадиган бир мунаққид ҳақида гап очиб, дедилар:

— Бу одам танқидчиликни фақат нутқ сўзлаш, оғизни очиб-ёпиш деб билади, шекилли. Мажлисларда унга разм солсам, залда гапирмай ўтирган пайтида ҳам оғзи очилиб-ёпилиб турар экан. Танқидчи айтмаса туролмайдиган, тингловчига зарур гапи бўлгандагина минбарга чиқиши керак-ку, ахир!

Сўнг танқидчининг бошқаларникига ўхшамайдиган ўз фикри, ўз сўзи, ифода тарзи бўлиши даркорлигини таъкидлаб: «Озод, мабодо китобинг эскириб бирор нос-фурушнинг қўлига тушиб қолса, у нос ўраб сотган варағига кўзи тушган одам қоғоздаги бирор жумлани ўқиб: «Бу Озоднинг сўзи-ку», десин ва ўша варақни авайлаб олиб кўйсин».

Ўшандай давралардан яна бирида мен илк бор Абдулла Қаҳҳорнинг оғзидан Ницше, Фрейд ҳақида илиқ, Маркс ҳақида эса танқидий гапларни эшитиб ҳайратда қолган эдим. Мана у кишининг айтган мулоҳазалари:

— Кўплар ҳаёт, инсон ҳақида фақат Маркснинг қарашини ҳақиқат деб билади. Ницше ва Фрейдни ўқисанг, дунёда бошқача гаплар ҳам борлигига амин бўласан! Инсон табиати, руҳияти ғоят мураккаб. Унда нафс, яна кўп биз учун қоронғи бошқа ҳақиқатлар ҳам бор. Одам боласи дунёга келиб, ҳали кўзини очмай туриб онасининг кўкрагига ёпишади, «Бер!» дейди. Маркс бўлса соқолини тўрвадай қилиб одам боласи табиати, майли билан ҳисоблашмай, ҳаммани тенглаштириб, ёппасига коммунизмга олиб бораман, деб юраверган экан...

Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди, асарларининг танқидчиликдаги баҳоси, талқини устида сўз кетганда, айниқса, «Сароб» хусусида куюниб гапирар эди. Таржимаи ҳолида у шундай ёзган: «Аввал Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида ўқиганимга, таржима ишлари билан қаттиқ машғул бўлганимга қарамай, «Сароб»ни тўрт йилда ёзиб тугатдим. Китоб республика конкурсида мукофотланди. Уни китобхон хуш қабул қилди, лекин баъзан арзон шуҳрат-парастлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан-тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Бу нарса баъзи ҳолларда ҳатто фаросатли одамларни ҳам чалғитди».

— «Сароб» ёзилган, у китоб ҳолида чиққан пайтлари, — деган эди адиб суҳбатларидан яна бирида, — сочимда бирорта ҳам оқ тола йўқ эди: демагог, жоҳил танқидчиларнинг бетиним тўқмоқлари туфайли романинг иккинчи нашрига қадар сочимда бирорта ҳам қора тола қолмади.

Кейинроқ, 1967 йили бир даврада адиб «Сароб» романи муносабати билан берилган саволга: «Танқид шу пайтга қадар «Сароб»дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарди-дунёсини, оҳу зорини эшитадиган бир азамат топилмади», дея жавоб қайтарган эди. Адибнинг надомат билан айтган бу гапи узоқ вақт менга тинчлик бермай, «Сароб» персонажларининг дарди-дунёсини ёритадиган бир нарса ёзишга ундаб келди. 1990 йили «Шарқ юлдузи»да эълон этилган «Ҳаёт сабоқлари» мақоласида шу хусусдаги айрим мулоҳазаларимни изҳор этишга уриндим. Бироқ 90-йиллари «Сароб» теварагида кечган танқидий баҳс-мунозаралар таъсирида «Ҳақиқат тақозоси» сарлавҳали мақолада ўша фикримдан қайтганимни айтдим. Айтарга айтдим-у лаб тишлаб қолдим. Бунинг учун биринчи бўлиб Кибриё опадан дакки эшитдим. Сал фурсат ўтмай, тушимда Абдулла акани кўрибман. Бу одам ўзига хос нимтабасум ва истехзо билан: «Умарали, сен ҳам «Сароб»га қарши найза кўтарганлар қаторига ўтиб қолибсан-ку!» дедилар. Бирдан уйғониб кетдим. Шундан кейин кўринг кўнгилдаги қиёматни! Бир неча кунлар ўзимга

келолмай юрдим. Ёзги таътил пайти «Сароб»га оид жамики адабиётларни жомадонга жойлаб Дўрмондаги Ёзувчилар боғига отландим. Кўп изланишлардан сўнг «Саидий жумбоғи» сарлавҳаси остидаги тадқиқотнинг режаси тайёр бўлди. Бу режа бўйича адабиётшунос Шуҳрат Ризаев билан маслаҳатлашдим. Шуҳрат ниятим билан танишгач, «Сароб» ҳақидаги гап, барибир, охиरोқибат мафкура — сиёсатга бориб тақалмасмикан, деган хавотирини айтди... Иш яна чўзилди. Ниҳоят, аср ниҳоясига келиб, иш тайёр бўлди, ҳамкасабалар даврасида у ҳақда маъруза қилдим. Мақола «Жаҳон адабиёти»да «Мафкуравий тазйиқ ва истеъдод қудрати» сарлавҳаси остида эълон этилди. Мақола теварагида баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Мазкур мақолани мен «Сароб» ҳақидаги барча қабул қилиши лозим бўлган ҳукм-хулоса деб даъво этишдан йироқман, балки уни йирик асарнинг яна бир талқини, танқидий версияси сифатида қабул қилишларини истардим...

Кишини мамнун этадиган жиҳат шундаки, озод мамлакатимизнинг янги озод авлоди маънавий қадриятларимизни, жумладан, кўпгина мураккаб адабий ҳодисалар қатори «Сароб» романини ҳам янгича идрок қилиб, ундаги одамларнинг дарди-дунёсини англаш, теран ҳис этиш йўлидан бораётирлар. Бир ёш тадқиқотчи қизимиз айни «Сароб»даги одамларнинг дарди-дунёси ифодаси, талқини устидаги тадқиқотини яқунлаш арафасида. Ниҳоят, бугунга келиб устознинг армони ушалса, ажаб эмас.

2002 йил

## Аллома ҳақида қатра хотиралар

### «Шогирдлар дадил-ку!»

50-йиллар ўрталари, Сталин истибдоди тагига сув кетган, маънавий ҳаётда бир оз жонланиш юз берган, Тошкент Давлат университети Республикада адабий-танқидий, ижодий фикр ўчоқларидан бирига айлана бошлаган кезлар. Университетда деярли ҳар ҳафта адиблар билан учрашувлар, мушоиралар, қизгин муҳока-

ма, баҳс-мунозаралар ўтиб турарди. Шундай адабий анжуманларнинг бирида Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мамарасул Бобоев қаторида Мақсуд Шайхзода ҳам иштирок этди. Яқингинада мудҳиш «сафар»дан қайтган, куни кеча асарлари у ёқда турсин, ҳатто номини тилга олиш мумкин бўлмаган «халқ душмани»ни шундай қутлуғ даргоҳда, ардоқли адиблар даврасида кўриш биз талабалар учун ҳайратомуз ҳодиса эди. Гарчи «Капитан Гастелло»ни, «Жадолиддин» трагедиясидан Жадолиддин монологини ёддан билсак ҳам, уларни тилга чиқаришдан чўчирдик.

Меҳмонлар бирин-кетин минбарга чиқишди. Бири сўз айтди, бири шеър ўқиди, Ойбекнинг янги шеърларидан намуналарни Ҳамид Фулом ўқиб берди. Гал Шайхзодага келди. Шоир оҳиста, салобат билан минбарга чиқди-ю, ҳеч қандай, «кириш»сиз тўғридан-тўғри янги тўртлик-рубойларини ўқий бошлади. Ҳар бир рубойисини ўқиб тугатар-тугатмас залда гулдурос қарсақлар янграб турди. Охириги рубойисини ўқиганда негадир залдан қарсақ эшитилмади, фақат минбарда ўтирганлардан бир-иккитаси номигагина кафтларини бири-бирига уриб қўйди. Бу ҳолатдан шоир бир дақиқа ҳангу манг бўлиб қолди-ю, дарҳол ўзини тутиб олиб секингина минбардан тушиб жойига бориб ўтирди.

Шундан сўнг фикр олишув, адабиётдаги жараёнлар хусусида баҳс бошланди. Минбарга чиққан жангари талабалардан бири яқин-яқинларгача адабиётда авж олган мадҳиябозлик иллоти ҳамон давом этаётганини айтиб, бунинг далили сифатида Шайхзоданинг ҳозиргина ўқиган сўнгги рубойисини эслатди. Рубойида Хрущев билан Булганиннинг Ҳиндистонга сафари, бу сафар тарихда қолажаги тўғрисида гап борарди. «Шеърятимиз «доҳийлар»ни ўттиз йил мадҳ этгани етар, бу шармандали машғулотга қачон чек қўйилади!» дея сўзини тугатди ёш нотик...

Шоирнинг сўнгги рубойисига залдагилар қандай муносабат билдирган бўлса, ёш нотикнинг танқидий сўзи ҳам ўшандай кутиб олинди. Ҳеч қанақа қарсақ бўлмади, ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нарса демади.

Анжуман тугаб меҳмонлар билан хайрлашув пайтида Шайхзода учрашув ташаббусчилари Фулом Каримов

билан Озод Шарафиддиновни бир чеккага тортиб, ички бир мамнуният билан: «Шогирдлар дадил-ку! Уларни ёмон кўздан, бало-қазодан асрасин!» деди.

Ўша кезлари замона бедодликларидан юрак олдириб қўйган донишманд адиб чин кўнгил розини ифода этувчи асарлар билан баробар эҳтиёт чораси учун бунақа расмий нарсалар ҳам ёзишга мажбур бўлганлигини биз жангари ёшлар қаёқдан билибмиз...

### *Далдадан мамнуник*

Тошкент Давлат университети аспирантурасида таълим олаётган кезларим. Сўлим май кунларидан бири. Устоз Озод ака Дўрмондаги ёзувчилар боғида «Замон — қалб — поэзия» китоби устида ишлаётган кезлар. Бир гуруҳ шогирдлар, ёш муаллим, аспирантлар Озод ака билан гурунглашиш ниятида боққа бордик. Ошхўрлик, ўша давр удумига кўра қиттак-қиттак «отиш»лар бўлди. Озод ака дастурхонга Абдулла Қаҳҳор билан Мақсуд Шайхзодани таклиф этди. Абдулла ака саватча тўла гилос кўтариб чиқдилар, ширин суҳбатлари, ҳазил-мутойибалари билан даврани гуллатиб ўтирдилар. Негадир Шайх акадан дарак бўлмади.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, даврадагилар боғ сайрига отландилар. Арғувон остидаги сўрида Озод ака иккаламиз қолдик. Шунда бехосдан ёнимизда Шайхзода пайдо бўлдилар, қувноқ бир кайфиятда «Ошхўрларга салом!» дедилар. Озод ака даврага ташриф буюрмаганлари учун Шайх акадан гина қилди. Шунда у киши: «Устозу шогирдлар гурунгини бўлгим келмади», дея узр сўрадилар. «Бу йигит шогирдимиз Умарали Норматов бўлади, — дея мени таништирди Озод ака. — Узоқ йили уни йўқлаган эдингиз, ўшанда у Фарғонада эди...»

«Э, «Яхши поэма»ни ёзган ўзлари бўладими, қани бир кўришиб кўяйлик», дея Шайх ака катта ва бақувват панжалари билан қўлимни сиқдилар. Сўз «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1958 йил 21 ноябр сониди «Яхши поэма» сарлавҳаси остида босилган тақриз устида борарди.

Мен қимтиниб «Тошкентнома» ҳақидаги бу мақола қисқариб, узуқ-юлуқ бўлиб, ҳатто сарлавҳаси ҳам ўзга-

риб, жўнгина ном остида чиққани учун шоирдан узр сўрадим.

— Хафа бўлишга ҳожат йўқ, — дея кўнглимни кўтара бошлади адиб. — Бунақа қайчилаш редакциядагилар учун одатий бир иш. Нима бўлганда ҳам республиканинг бош газетасида «Тошкентнома»ни ҳимоя қилиб ёзилган мақоланинг чиқиши катта гап! Мен учун бу катта далда. Бунинг учун сизга ташаккур. Бугунги кунда бунақа хайрли ишларга Озодбек ва унинг шоғирдларигина қўл уриши мумкин...

### «Қани ўзгартириб беринг-чи...»

Филология факультетининг Хадрадаги биноси мажлислар залида муаллиф иштирокида «Мирзо Улуғбек» трагедияси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган анжуман ҳамон кўз олдимда. Озод ака бошқарган бу муҳокама ғоят жўшқин ўтган эди. Шайх ака муҳокама қатнашчиларининг ҳар бир саволига, танқидий мулоҳазаларига бирма-бир тўхталиб пишиқ-пухта илмий жавоб қайтарган эдилар. Афсуски, шундай мазмундор муҳокамалар стенограмма қилинмаган. Агар улар қоғозга тушиб қолганида авлодлар учун ажойиб дарс-сабоқ бўлиб хизмат қиларди.

Ўша муҳокамадаги бир эпизод сира эсимдан чиқмайди. Нотиқлардан бири трагедиянинг финал қисми схематик чиққан; асар кўплаб трагедиялар каби бош қаҳрамоннинг ўлими билан тугайди, дея эътироз билдирди. Бу эътирозга жавобан адиб шундай деган эдилар:

— Адабиётдаги, бадий асардаги схематизм иллатларига мен ҳам қаршиман. Бироқ борлиқ — табиат, ҳаётнинг ўзи шундай схемалар асосига қурилганки, уни ўзгартириш одам боласининг қўлидан келмайди. Масалан, кун билан туннинг, йил фаслларининг алмашилиши, одамзод умри; одам боласи туғилади, яшайди, ўлади. Укажон, Одам Атодан бери давом этаётган шу схемани, қани, озгина ўзгартириб берингчи, мен бундай «ўзгариш»ни бажонидил асарга олиб кирган бўлардим...

**«Қандай ажойиб одамларимиз бор-а...»**

Шайх ака 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин юрак хасталиги туфайли бешинчи қаватдаги квартирасида туролмай, кўп вақтини Москва атрофидаги ижод уйларида, Бокуда, Дўрмондаги ёзувчилар боғида, сўнг хастахонада ўтказдилар. Адиб квартирасини қўйроқ қаватга кўчириш хусусидаги илтимоси узоқ вақт пайсалга солинди. Ниҳоят, яхши одамлар ҳиммати туфайли адиб учун иккинчи қаватдан жой берилди. Минг афсус, бу янги уйга хастахонадан адибнинг майити келтирилди...

Адиб вафотидан бир ҳафтача бурун Озод ака иккимиз хастахонага Шайх акани кўргани борган эдик. Узоқ давом этган хасталик, дарбадарлик туфайли Шайх ака ўзларини анча олдириб қўйган бўлсалар ҳам руҳан хийла тетик кўринар эдилар. Озод акани кўриб янада чеҳраси очилиб кетди. У тўлиб-тошиб турар, юракдаги дил розларини тўкиб солишга шошиларди. Бошдан кечган қизиқ-қизиқ ҳангомалар, саргузаштлардан, ушалмаган орзу-армонлардан сўзлади. Айниқса, зилзиладан кейин Боку сафари вақтида мумтоз шеърийат поэтикасига оид қандайдир қадимги ноёб илмий асар қўлёзмасини қай тариқа қўлга киритгани, «Казбек»ка андармон бўлиб такси машинасида унутиб қолдиргани, сўраб-суриштиришлари зое кетгани ҳақида шу қадар батафсил, қизиқарли қилиб афсус-надоматлар билан ҳикоя қилдиларки, бу ҳикоя суратга олинса аломат бир саргузашт фильм чиқиши мумкин эди.

Дийдорлашув охирида Озод ака икки кишилик хонадаги йиғиштириб қўйилган қароватга ишора қилиб: «Палатада ёлғиз ўзингиз экансиз, бу ерда кўп гўзал ҳамширалар бор деб эшитаман, «шўхлик» қилиш учун имкониятлар муҳайё-ку!» дея ҳазил-мутойибага ўтди.

Шайх ака қаҳ-қаҳ отиб кулдилар-да: «Дарвоқе, бу бўш қароват тарихини айтиш ёддан кўтарилибди. Биласиз, бизда андак хурракдан бор...», дея ҳикоясини бошлади... Маълум бўлдики, бу жой ғоят одоб-андишали марғилонлик бир раҳбар ходимники экан. Бу одам Шайх акадай аллома билан танишгани, ҳамхона, ҳамсуҳбат бўлгани учун ўзида йўқ хурсанд, доимо адибнинг атрофида парвона экан. «Тунги соат икки-учлар



орасида уйғониш одатим бор, — дея ҳикоясини давом эттирди у. — Тунда уйғониб ҳамхонамнинг кароватига қарасам бўш, ҳожатга турган бўлса керак деб эътибор бермадим. Эртаси, индинига тунда уйғониб қарасам яна шу аҳвол. Тўртинчи сафар турдим кийиниб қаридорга чиқдим. Не кўз билан кўрайки, ҳамхонам қаридорда оҳиста сайр қилиб юрибди... Мени кўрди-ю тез ва беозоргина ёнимга келиб тавозе ила: «Тинчликми, домла?» дея шивирлади... Ҳаммаси равшан. Бирам хижолат бўлдим, бирам хижолат... Аён бўлдики, биз ёстиққа бош қўйиб хурракни бошлашимиз биланоқ ҳамхонам секингина коридорга чиқиб сайрни бошлар эканлар... Қандай аломат, одобли, андишали одамларимиз бор-а! Уч-тўрт кундан бери шундай аҳвол давом этса-ю, бу ишдан бизни озгина хабардор этмаса... Бош врачга учрашиб бу йигитни бизнинг тунги нағмаларимиздан халос қилишларини илтижо қилдим. Ҳамхонамни аранг бошқа палатага кўчиришди».

### «Ўзаро бўлишиб оласизлар»

Шайхзоданинг «Форобий» қабристонига дафн маросимидан сўнг Озод аканинг «Волга»сида Абдулла Қаҳҳор, Матёқуб ака билан бирга қайтдик. Ҳамма чуқур ғам-ташвишда, кўнгилга ҳеч нарса сифмайди, тилга гап келмайди. Жим кетяпмиз. Бу сукунатни Абдулла ака бўлди. «Шайх бугунги ўзбек адабиётшунослигининг ярмини ўзи билан олиб кетди, — дедилар ва Озод ака билан Матёқуб акага ишора қилиб, — қолган ярмини ўзаро бўлишиб оласизлар».

Мен бу гапга ўшанда унча эътибор бермаган эканман. Орадан ўттиз йилча вақт ўтиб бу аллома адиб олти томлик асарларининг икки тоmidан жой олган адабий-танқидий ишларини, хусусан, «Устоднинг санъатхонасида» тадқиқотини, «Ғазал мулкининг султони» сингари теран мақолаларини қайта мутолаа қилиб, Абдулла Қаҳҳорнинг аллома Шайхзода, унинг адабиётшунослик соҳасидаги хизматларига берган баҳоси нақадар ҳақ эканига амин бўлдим.

1988 йил

## Адибнинг бахти

Шуҳрат ака билан салкам ўттиз йил дўст тутинган эдик. Орамизда 12—13 ёш фарқ бўлса-да, у менга худди тенгдош одамидай муомала қилар эди. Шу йиллар давомида бу оловқалб одамнинг ҳаёти, шахсияти ва ижодини яқиндан кузатишга, ўрганишга тиришдим; у билан кўп сафарларда бирга бўлдим, ҳаёт ва ижодга оид масалалар бўйича қизгин баҳс-мунозаралар олиб бордим; ижоди тўғрисида қатор мақолалар, бир рисола ёздим; 50 ва 70 ёшлик юбилей тантаналарида у ҳақда маъруза қилиш шарафига муяссар бўлганман.

Шуҳрат аканинг ҳам ижодкор-адиб, ҳам она юрт фуқароси, куюнчак инсон сифатида талай ибратли хислатлари бор эди. У аввало Ватан учун бир қўлда қурол билан жанг қилган, бир қўлда қалам билан шу азиз Ватанини куйлаган, улуғлаган — сўзи ва иши бир адиб эди. У ниҳоятда меҳнатсевар, тартиб-интизомли, озода, саранжом-сариштали, фариштали одам бўлган; ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини татиган, бошига оғир савдолар тушганда ҳам ўзини йўқотмаган, имон-этиқодига гард юқтирмаган букилмас ирода эгаси эди. У ўта ҳаётсевар, дўстларига содиқ, ёру биродорларига, фарзанду набираларига меҳрибон, ўзгалар хизматига ҳамиша ҳозир нозир, миллий удумларимизни яхши биладиган, қадрлайдиган, халқимизнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассам этган нуроний бир сиймо эди. Одам боласи гоҳо энг азиз пинҳоний туйғуларини, юрак сирларини кимгадир айтгиси, қалбини тушунадиган кимса билан сирлашгиси келади. Шуҳрат ака шахсан мен таниган, билган ёзувчилар орасида ана шундай табаррук зотлардан эди. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги дақиқаларида Шуҳратни Москвага ўз хузурига чақириб, энг сўнгги юрак розини шу одамга ишониб айтгани бежиз эмас...

Шуҳрат ака ҳамиша ҳаёт, адабиёт билан ҳамнафас, ҳамқадам, адабиёт оламидаги янгиликлардан хабардор, адабий ҳодисаларга, асарларга одил баҳо бера оладиган, ўз асарлари, уларнинг савия-даражаси, адабиётдаги ўрни, кам-кўстларини нозик фаҳмлай биладиган, ҳаққоний танқидга доимо тан берадиган зукко, мард

қаламкаш эди. Салкам ўттиз йил давомида мен бу адиб ижодини мунтазам кузатиб бориб, асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гоҳ даҳанаки, гоҳ ёзма тарзда кўп марта гапирган, баҳслашган, анча кескин танқидий гаплар айтган пайтларим бўлган. Аммо бирор марта бўлсин, бу одамнинг танқидни ўзига қаттиқ олганини билмайман; фақат гапимга қўшилмаган кезлари ётиғи билан ўз фикрини айтган... Айни пайтда у ўзининг инсонлик шаънини, гурурини баланд тута биларди; шахсиятига тегадиган, асарларини асоссиз ерга урадиган ғаламислар билан мардона туриб олишганини неча бора кўрганман.

Уни оловқалб инсон, ҳаёт, адабиёт билан ҳамнафас адиб, дедим. Бу хислат оғир хасталик чоғларида ҳам уни тарк этмади. 1986 йилнинг ёзида ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида Шухрат ака билан бир ой бирга бўлдим. У яқингинада оғир касалликдан турган, ҳали роса ўзига келмаган, бироқ етмиш ёшни қоралаб турган адибдаги ғайрат-шижоатни, аввалгидек ҳаётсеварлик, ишда, ижодда батартибликни кўриб, қойил қолдим. Унинг иш столи қўлёзмалар, газета ва журналларнинг янги сонлари билан тўла. Ўша кезларда «Новый мир»да Чингиз Айтматовнинг «Кунда» («Қиёмат») асари босилаётган эди. У, бу романни боғдагилар орасида биринчилардан бўлиб ўқиб борар, у ҳақда бениҳоя қувониб, тўлиб-тошиб, хасталик оқибати — тутилиб-тутилиб гапирар эди. Дарвоқе, ёзувчи, хусусан, оқсоқол адиб учун ўзгалар, ҳамкасб қаламкашлар, айниқса, ёшлар, шоғирдлар ютуғи, камолидан қувона билиш катта бахт. Ўзгалар ютуғи, шоғирдлар камолидан ҳасад қиладиган адиб — бахтсиз, омадсиз адиб. Шухрат ака қалби ҳамиша шоғирдлар камоли, ютуғи туфайли қувончлар билан чароғон эди. «Шоир Абдуллага» шеъридаги «Мен оддий бир шамман, сен улкан чироқ!» деган сўзлар шу қувонч-самимиятнинг бир ёлқини...

Энди Шухрат аканинг адабиётимизда тутган ўрни, ижодига хос айрим хусусиятлар ҳақида бир неча оғиз сўз айтсам дейман. Шухрат ХХ аср адабиётимизнинг ўрта авлоди вакилларида. Бу авлодга ғоят мушкул, чигал ижодий тақдир насиб этди. Улар 30-йилларнинг

зиддиятли муҳитида, бир томондан, мамлакатда улкан бунёдкорлик ишлари жўш урган, иккинчи томондан, маънавий-ижодий ҳаётга шахсга сифиниш, қатағон балоси таҳдид солиб турган, Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари улкан истеъдодлар бошида қора булутлар қуюқлашган, катта фожиалар содир бўлаётган кезлари қўлга қалам олдилар. Сўнг иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги машаққатлар, адабий ҳаётдаги тангликлар, оғир йўқотишлар... Ўрта авлод деб атаганимиз Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шукрулло, Мирмуҳсин... Шулар қаторида Шухрат узоқ йиллар ёзиб-чизиб юрган бўлса ҳам ижодда ўзлигини тўла намоён эта олмади. Сафдошлари қатори фақат 50-йилларнинг ўрталарига келиб, ўша кезлари ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришлар таъсирида ҳақиқий ижод йўлига тушиб олди, зўр ғайрат-шижоат билан ишга киришди, бирин-кетин «Кавказ дафтари», «Шинелли йиллар дафтари», «Дунай соҳиллари» каби шеърӣ туркумлар, балладалар, шеърӣ таржималар, ҳикоялар, «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» романларини эълон қилди. Мана шу асарларнинг ҳаммаси ўн-ўн беш йил ичида яратилди. Мен ўша кезларда Шухрат акадан бундай сермахсул ижод сирларини сўраганимда, у: «Мен ва мен тенглилар 30-йиллар мураккаблиги, уруш даври машаққатлари, урушдан кейинги кўргиликлар туфайли йигирма йиллик вақтимизни, энг кўркам йигитлик давримизни бой бериб қўйдик. Кўнгилда айтадиган гаплар кўп. Шошилмасликнинг эса иложи йўқ. Дилдаги гапларимизни маромига етказиб айтолмаётган, шошилаётган бўлсак, китобхон бизни тўғри тушунар, деб ўйлайман», — деган эди. Шухрат ва умуман, ўрта авлод адиблари ижоди ҳақида фикр юритганда шу ҳолатни, улар адабиёт майдонига қадам қўйган кезлардаги чигал муҳитни албатта назарда тутмоқ даркор. Шухрат шеърӣяти, насрий асарлари, драматургиясидаги қатор кам-кўстлар, заифликлар, бир чекаси, ана шу ҳолат билан изоҳланади.

Айни пайтда, биз яқдиллик билан 60-йиллари ўзбек адабиёти тараққиётида янги этап бошланганини, мана шу босқич ривожига забардаст адибимиз Шухрат ҳам

энг яхши шеърлари, романлари билан муносиб ҳисса қўшганлигини, адабиётимизнинг галдаги ривожига муайян ижобий таъсир кўрсатганлигини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шуҳратнинг 60-йиллар шеърляти икки жиҳатдан ибратли: аввало улар жангчи шоирнинг, кўпни кўрган одамнинг дил розлари, ҳаёт тажрибалари ифодаси; иккинчи томондан, бу шеърлар ўзининг самимийлиги, ҳаққонийлиги, жўшқинлиги, ҳаётбахш романтик руҳи билан ажралиб туради. Шуҳрат лирикаси шеърляти-мизда бир вақтлар кенг тарқалган риторика ва ваъз-хонлик касофатидан, ўртамиёначилик касалидан қутулиш жараёнини ўзида акс эттириш жиҳатидан ҳам характерли. Атоқли шоир ва олим Мақсуд Шайхзода «Қалам ва бурч» мақоласида Шуҳратнинг ўша давр лирикасига одилона баҳо бериб: «Шеърляти-мизда реалистик ҳақиқатни романтик жўшқинлик билан омукта қилиб, гўзал ва нафис лирик асарлар яратган шоир Шуҳрат умуман ўзбек поэзиясини ўртамиёначилик савиясидан олиб чиқиб, юқори кўтаришга астойдил ҳизмат қилган меҳнатқаш, истеъдодли, изловчи шоирлардандир», — деб ёзган эди.

Шуҳрат умрининг охирига қадар шеърлятда баракали ижод қилди, бир неча тўпламлар чоп эттирди; баъзан кўтарилиш, баъзан ўз имкониятлари даражасидан тушиб кетиш, ўз-ўзини такрорлаб қўйиш ҳоллари ҳам бўлиб турди. Аммо у шеърлятда тўхтовсиз изланди. Афсуски, Шуҳратнинг поэтик ижоди ҳануз жиддий тадқиқотлардан четда қолиб келмоқда.

Шоирнинг 60-йиллар шеърлярига хос реалистик соддалик ва романтик жўшқинлик ёнига сўнгги йиллар шеърлярида бой ҳаётий тажрибалар самараси ўлароқ, ўйчан фалсафий мушоҳадакорлик келиб қўшилди. Шоирнинг «Юлдуз нурлари» деб аталган шеърини олиб кўрайлик. Шеър «Юлдуздан нур оқар» деган оддийгина хабар билан бошланади. Шу заҳоти шоир «Балки нурмас» деб бу табиий ҳолатга шубҳа билдиради. Ўқувчи бирдан шоир шубҳасига қизиқиб қолади. Шоир ўй суриб кетади, ўзининг хилма-хил тахминларини ўртага ташлайди: балки бу «юлдузни ер сари йўллаган сўзи», «балки у бир куйдир нурга йўғрилган», «балки у ўз

шаклини топмаган асар», «балки у порлаган ажиб бир маъдан» ва ҳоказо... Шоир секин-аста асосий муддаога келади:

*Балки у сиридир ўзга оламнинг,  
Кўмакка чақирар балки у бизни.  
Биз эса англамай бу дард-аламни,  
Шуъла деб овутиб юрибмиз ўзни!*

Шеърда бир қарашда кўз-кўз қиладиган доно гап, фалсафийлик йўқдек. Бироқ лирик қаҳрамоннинг ҳолат-руҳияти — юлдуз шуъласи ҳақидаги ўйлари, тахмин, мулоҳазалари бизга ҳам дарҳол «юқади», хаёлимизни олисларга олиб кетади, биз олис юлдуз шуъласи қолиб замин ташвишлари, одамлараро муносабатлар ҳақида ўй суриб кетамиз, ҳаётдан шеърдаги ҳолатга ўхшашликлар ахтарамиз... Шеърдаги чинакам фалсафийлик боиси ана шунда.

Шоирнинг «Дунёнинг кўрки шунда» деган яна бир гўзал шеърдаги мана бу сатрларни ўқиб кўринг:

*Сенинча, бир оддий юлдуз у ёнган,  
Менимча, бир олам тенги йўқ кўшиқ.  
Сенинча, бир қиздир ишқда ўртанган,  
Менимча, нур ичра йўғрилган ошиқ.  
Сен кўм-кўк майсани кўрсанг, ўша он  
Бузоғинг етаклаб чиқасан мамнун.  
Мен эса майсалар кўркидан ҳайрон,  
Балки у шеърга айланажак ун!  
Сен тунни уйқуга айни пайт дейсан,  
Мен эса илҳомнинг сокин булоғи.  
Сен тоққа назаринг тушса, ҳуркийсан,  
Ахир, у энг гўзал оху ётоғи!*

Шу хил руҳий ҳолат — баҳсу мулоҳазалардан кейин шоир ўзининг севган усулини қўллайди, гўёки қиссадан ҳисса ясайди:

*Демак, биз икки қалб,  
Икки хил олам.*

Лекин лирик қаҳрамон ўзини оқлаб, ўзгани қоралаш йўлини тутмайди. Унингча:

*Дунёнинг кўрки ҳам эҳтимол, шунда.  
Дунёда бир хилда бўлсайди одам,  
Ким шоир, ким касиб бўларди унда!*

Кўринадики, бу шеърда ҳам фикр-хулоса тайёргина яланғоч тарзда берилган эмас, руҳий ҳолат, кайфият, қиёс-мулоҳазалар маҳсули тарзида рўёбга чиққан.

Ёки шоирнинг бошқа бир «Ёлғизликда...» деб аталган шеърини эслайлик. Шеър оддий кундалик ҳодиса, ҳар куни такрорланадиган кечки табиат манзараси, ўша дамдаги шоирнинг ҳолати, кайфияти ифодаси тасвиридан бошланади:

*Кеч ҳам кирди. Қоронғи тушди.  
Қоронғида қолди мавжудот.  
Қушлар аста инига учди,  
Сукут ичра чўмди бу ҳаёт.*

Шоир қалбидаги ҳазин бир кайфият ўқувчи кўнглига ҳам кўчиб ўтади, шоирга қўшилиб алланечук маъюс ҳолга тушамиз. Шу орада ўзга бир ҳол юз беради:

*Бирдан кўкда порлади юлдуз,  
Девор оша йўталди бир чол...*

Бояги маъюс кайфият дарҳол барҳам топади:

*Ҳаёт бирдан жонланиб кетди,  
Кўзим яшнаб, дил ёниб кетди.*

Ҳаётда инсонга кўпинча йўлдош бўлиб юрадиган зиддиятли руҳий ҳолат — ёлғизлик, маъюслик ва табиат ҳамда одамлар билан ҳамнафаслик туфайли киши қалбидаги нур, умид ҳақидаги фалсафа нақалар содда-самимий, ҳаётий акс этган бу кичик шеърда.

Шоирнинг «Ёшлигимнинг давоми» тўпламидан жой олган «Шоирга» деб аталган:

*Ақлингни ақлимга қўшмай қўя қол,  
Мард бўлсанг, қалбимга жиндай ғавғо сол, —*

типидаги иккиликлари ёки:

*Кечқурун шафақни ўғирлаб кеча,  
Эрталаб уфққа қайтадан сочди.  
Кечқурун ўкинчдан хўрсинган ғунча  
Эрталаб шод-хандон лабини очди, —*

сингари тўртликлари ҳам теран фалсафий фикр ва но-  
зик туйғу, кўнгил эҳтирослари уйғунлигидан туғил-  
ганлиги учун ҳам гўзал, таъсирчан.

Шу қисқа таҳлил, мулоҳазалардан ҳам кўриниб ту-  
рибдики, Шухрат 60, 80-йиллар ўзбек шеъриятида ўзига  
хос ўрин тутди.

Бадий асарнинг тақдири баъзан мураккаб кеча-  
ди: асарни кенг китобхонлар оммаси хуш қабул қила-  
ди, аммо танқидчилик уни қабул қилмай оёғини  
тираб туриб олади. Ёки, аксинча, танқидчиликка маъ-  
қул тушган, танқидчилар кўкларга кўтариб мақтаган  
асарни баъзан китобхонлар қабул қилмайди, мақтов-  
ларга бепарво қарайди... Ҳар икки ҳолат ҳам бадий  
асар учун ўзига хос кўргилик; ҳам кенг китобхонлар  
оммаси хуш қабул қилган, ҳам танқидчиликнинг чин  
олқишига сазовор бўлган асар ёзувчи учун, менинг-  
ча, катта бахт, омад, зўр муваффақият. Шухрат про-  
зада, романчиликда шундай бахтга сазовор бўлган  
адибларимиздан. Шухратнинг «Шинелли йиллар», ху-  
сусан, «Олтин зангламас» романини китобхонлар  
яхши қабул қилди, адабий танқидчилик уларга юк-  
сак баҳо берди.

Бу икки асарнинг муваффақият қозониш сири ав-  
вало шундаки, ҳар иккиси ҳам, биринчидан, адиб-  
нинг шахсий ҳаётига дахлдор, иккинчидан, асарнинг  
улкан фожей ҳодисалари — иккинчи жаҳон уруши ва  
большевизм қатағони ҳодисаларига алоқадор воқеалар  
ҳақида баҳс этади.

«Шинелли йиллар» ёзувчининг роман жанридаги  
биринчи тажрибаси, аммо илк тажрибанинг оқибати  
ёмон бўлмади. «Шинелли йиллар» собиқ иттифоқ миқ-  
ёсида ҳарбий ватанпарварлик адабиётининг яхши на-  
муналари қаторидан ўрин олди, роман ўзбек ва рус  
тилларида қайта-қайта нашр этилди. Шухрат бу асари-  
да ўзбек халқининг иккинчи жаҳон урушидаги бевоси-  
та иштирокини, қардош халқлар вакиллари билан бир-



галикда фашист босқинчиларига қарши олиб борган оғир, аммо шонли курашини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган.

«Шинелли йиллар»ни роман-хроника деб аташ мумкин. Асар асосида ўзбек йигити Элмурод тақдири ётади. Ёзувчи Элмуродни урушнинг бошидан то охирига қадар олиб ўтади. Бу образ саргузаштлари орқали ёзувчи жанг хроникасини беришга, урушнинг турли этапларидаги вазиятни кўрсатишга муваффақ бўлади, «Шинелли йиллар» жанг кўрган ёзувчининг қаламига мансуб бўлгани учун унда тахминийлик, маҳвумийлик йўқ, жанг манзаралари, ҳарбий ҳаёт тасвири аниқ, ҳаётий ва ҳаққоний.

Шухрат галдаги романи «Олтин зангламас»да «Шинелли йиллар»га қараганда маҳорат жиҳатидан анча илгарилаб кетди. Агар «Шинелли йиллар» роман-хроника бўлса, «Олтин зангламас» проблематик роман. Бу ерда ёзувчи халқимизнинг уруш арафасидаги, уруш йилларидаги, урушдан кейинги давр ҳаётидан қатор жонли лавҳалар яратади; шу билан чекланмай ўша йиллар ҳаёти билан боғлиқ ўтқир маънавий-ахлоқий, ижтимоий муммоларга эътиборни тортади.

«Олтин зангламас» адибнинг бошқа романларига нисбатан тез, шиддат билан ёзилди, асар қўлёзмаси Ёзувчилар Союзида муҳокама этилиб ижобий баҳоланди, Абдулла Қаҳҳор, А. Мухтордек наср усталари адиб жасоратини астойдил қўллаб-қувватладилар. Бироқ асарнинг рўёбга чиқиши — китобхонларга етиб бориши хийла мушкул кечди. Романнинг биринчи ва иккинчи қисмлари «Шарқ юлдузи» журналининг 1965 йил 7—8-сонларида босилди, аммо давоми тўхтатиб қўйилди. Романда акс этган қатағон қурбонлари тақдири ҳақидаги ошқора ҳақиқат баъзи ғаламисларга маъқул тушмади, улар тегишли идораларга ҳар хил бўхтон гаплар етказишди; бахтимизга ўша кезларда соғлом кучларнинг хайрихоҳлиги, саъй-ҳаракати туйфайли асарнинг давоми журналнинг ўша йил 12-сониде эълон қилинди. Бу ҳол адабиётимиз учун катта байрам бўлди.

Ёзувчи бу китобни «юрагимнинг очиқ яраси ва шукронаси» деб атайди. «Олтин зангламас»даги ҳаётни мен

яхши биламан, — деб ёзади муаллиф, — улар мен билан бирга бўлган, менга учраган кишиларнинг ҳаёти. Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман. Бу мавзуда бирон нарса яратмасам кўнглим ўрнига тушмас эди».

Шухрат ўзбек адабиётида биринчи бўлиб қатагон қурбонлари ҳаётини ичдан ёритиш, бу мудҳиш ҳодисанинг туб моҳиятини очиш, «халқ душмани» деб қораланганлар аслида киму, ўша кезлари ўзларини совет ҳокимияти посбонлари, социалистик ғоялар ҳимоячиси деб санаганлар ким — уларнинг асл қиёфасини кўрсатишга жазм этади. Ёзувчи романда ўз ғоя-мақсадларига мос ҳаётий фабула топа билган: «халқ душмани» деб аталган одамлар аслида халқнинг, ватаннинг содиқ фидойи фарзандлари, ўзларини совет ҳокимияти посбони, социалистик ғоя ҳимоячиси санаган кимсалар эса қаллоб, сотқин, ватан хоинлари бўлиб чиқадилар... Роман муаллифи ана шу мураккаб вазият туйғайли қалбидаги тугёнларини — юртнинг чин ўғлонларига бўлган чексиз мурувват, меҳр-муҳаббатини, хоин, хиёнаткорларга нисбатан қаҳр-ғазабини, дўсту душманни бир хил қисматга мубтало этган мудҳиш ҳодисага нисбатан изчил муносабатини ошкора изҳор этади.

Ёзувчи бош қаҳрамон Содиқни ҳаётнинг ғоят сермашаққат ва мураккаб йўлларида олиб ўтади; унинг бошига кўп оғир савдолар тушади, лекин Содиқ шунчаки жафокаш бир кимса эмас, у ҳаммадан бурун курашчи, мардона шахс. Қаҳрамон сермашаққат онларда ҳам тақдирга тан бериб, ўзини йўқотиб, довдираб қолмайди, аксинча эътиқодига гард юқтирмайди, юксак идеалларга содиқ қолади, шу идеал йўлида мардларча кураш олиб боради. Қаҳрамондаги бу муқаддас эътиқод — олтин, бу олтин эътиқоднинг олижаноблиги, метинлиги, синовлардан ғолибона ўтиб тантана қилиши, яъни олтиннинг зангламаслиги бош қаҳрамон туб моҳиятини, романнинг асосий пафосини ташкил этади.

Шухратнинг айтарли барча асарлари каби «Олтин зангламас»да Ватан, инсоннинг қадри, шаън-шавкати туйғуси улуғланади. Худди шу ғоявий мотив, олижаноб

инсоний туйғу адибнинг кейинги романи «Жаннат қидирганлар»да ўзгача ҳаётий материаллар асосида янги томондан очилади. «Жаннат қидирганлар» «Олтин зангламас»нинг мантиқий давомига ўхшаб кетади. Роман бош қаҳрамони Умматали гўё «Олтин зангламас» қаҳрамони Содиқдан ҳаёт эстафетасини қўлга олади. Умматали образи орқали ёзувчи Содиқни қийнаган жумбоқларнинг ечимини бермоқчи бўлади.

«Жаннат қидирганлар» романида муаллиф гарчи ўзининг шоирона, ошкора лиро-публицистик услубига содиқ қолса-да, бир қатор персонажлар тасвирида ранг-баранг бўёқларни ишга солади. Бу хислат, айниқса, Саидақбар ҳожи образи тасвирида яққол кўзга ташланади. Саидақбар ҳожи — мураккаб шахс. Муаллиф бу одамни осонгина ёмонга чиқариб қўя қолмайди, унга бўлар-бўлмас салбий сифатларни ёпиштиравермайди. Бу одам шахсиятини бутун мураккаблиги, қарама-қаршиликлари, кучли ва заиф томонлари билан кўрсатишга интилади. Саидақбар ҳожи, бир томондан, ғоят маккор, ҳудбин, тошмеҳр шахс. У бир вақтлар кўп жиноятлар қилган, бузуқ йўлларга ҳам юрган, ҳаёти таҳлика остида қолганда ўз жонини, мол-мулкни асраб қоламан, деб қабиҳликдан ҳам қайтмаган, ўғли Абулбаракани она меҳридан бенасиб, уч қизалоқни эса тирик етим қилган, соддадил Қурбоналини бир умр оиласидан, суюкли ўғлидан, ватанидан жудо этган. Иккинчи томондан, бу одам табиатида талай ижобий сифатлар ҳам бор. У қизи Таманно билан ўғли Абулбаракани меҳр қўйиб ўстиради, ўқитади. Таманнонинг кўнгли учун уйланмай танҳо ўтади, ғамгузор Қурбоналининг кўнглини овлаш йўлини ахтаради — у кўп йиллар хорижда юрса ҳам она юртга меҳр, миллий ғурур, ифтихор туйғусини сақлаб қололган. У ғоят тadbиркор, билимдон шахс...

«Жаннат қидирганлар» романи бугунги китобхон учун 60-йиллардаги тарихий жараёнларни, у давр одамлари кайфиятини яхшироқ тушуниб олишга ёрдам беради.

Шуҳрат ака ҳар қанча жасур ижодкор бўлмасин, барибир ўз даврининг одами экани, унинг қатор шеърларида даврнинг ҳукмрон ғоялари таъсири бор-

лиги, ҳатто бу ҳол «Олтин зангламас» ва «Жаннат қидирганлар» романларида ҳам мавжудлигини унутмаслик даркор. Бунинг учун бугун шоир ва носир Шухрат шаънига маломатлар ёғдиришга ҳаққимиз йўқ. Мустабид тузум шароитида муайян чекланиш, бир-ёқламаликларга қарамай ўша давр ҳақиқатини, ўша давр одамларининг қалбини, асл қиёфасини очиб берувчи асарлар яратиб қолдиришнинг ўзи катта ижодий жасорат, бахт!

Айрим дўстларимиз Шухрат акани нуқул жабрдийда, бахтсиз одам қилиб кўрсатишга уринадилар. Бир қарашда шундай туюлади. Дарҳақиқат, ҳаёт бу одам бошига кўп мушкул савдолар солди: фашизмга қарши жангларда неча бор яраланиб бадани илма-тешик бўлди; асрнинг энг даҳшатли вабоси — большевизм қатағони қурбони бўлди; умрининг сўнгги ўн йили оғир хасталикда кечди... Бунинг устига, ҳаётлигида ижоди муносиб қадрланмади. Бироқ у Оллоҳ инъом этган мустаҳкам эътиқод, чексиз сабр-бардош туфайли шунча кўргиликларни енгиб ўтиб, ўнлаб жилдларга жо бўладиган нурли туйғулар билан йўғрилган асарлар яратишга эришди, умрининг сўнгги кунларига қадар қўлдан қаламини қўймади. Булар Бахт эмасми! Вафодор умр йўлдоши билан ўтган тотли кунлар, катта, файзли оилага бош, аломат қиз ва ўғлонларга ота, ўнлаб набираларга бобо бўлиш насибаси бахт эмасми! Ўнлаб ёш ижодкорларга устоз бўлиш, муҳтожлар кўнглини олиш, юзлаб дўсту биродарлар, ҳамкасблар кўнглида яхши хотиралар қолдириш бахт эмасми! Шуларга асосланиб, мен Шухрат акани бахтли инсон, дегим келади.

1998 йил

## Бир ҳафталик сафар таассуротлари

1980 йил декабрининг бошлари. Ўша йилги қиш фаслининг дастлабки ойи илиқ келди. Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари Сарвар Азимов хонадонимизга телефон қоқиб: «Умарали, биласиз, Асқад акангизнинг олтмиш йиллик тўй куни ҳам яқинлашиб қолди. Катта маъракадан олдин водий вилоятларида у киши билан

ижодий учрашувлар режалаштирдик. Сиз ҳам Асқад билан бирга бўласиз. «Куёвжўра»лар дилингизга яқин адиблар: Саид Аҳмад, Одил...» — деб қолдилар. Мен бажонидил рози бўлдим. Водийга поездда кетадиган бўлдик. Купеда дилкаш суҳбатлар бошланди ва бир ҳафта муқим давом этди.

Одамнинг кимлиги сафарда билинади, дейдилар. Мен Асқад акани 60-йилларнинг бошидан, аниқроғи, «Шарқ юлдузи»га муҳаррирлик қилган кезларидан бошлаб билардим. У киши билан кўп бор мулоқотлар олиб борганман, иккита адабий суҳбатимиз телевидение орқали кўрсатилган, вақтли матбуотда, китобларда чоп этилган; у мени ҳамиша қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб келган, «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»даги қатор мақолаларим тепасига бош муҳаррир сифатида «Таҳрирсиз туширилсин!» деб имзо чеккан, Ёзувчилар уюшмасига киришимга тавсиянома, номзодлик, докторлик диссертацияларим авторефератларига юксак малакали ижобий тақризлар берган.

Бир ҳафталик сафар чоғида Асқад акани ижодкор ва шахс сифатида ўзим учун янгидан кашф этдим. Мен яқиндан биладиган ижодкорлар орасида энг кўп китоб кўрган маърифатли одам иккита — бири Озод ака, иккинчиси Асқад ака. Абдулла Қаҳҳорнинг «Асқад — мулло ёзувчи» дегани бежиз эмас. Сафар мулоқотларида маълум бўлдики, Асқад ака мен аввал ўйлаганимдан ҳам кўпроқ ўқиган, кўп биладиган аллома экан. Бунинг устига ниҳоятда ораста, интизомли, кундалик ижод ва иш онларини қатъий режа асосида олиб борадиган бу ўта вазмин, зиёли шахс, айти пайтда ниҳоятда дилкаш, ҳар қандай одам, давра билан тил топа оладиган улфати инсон экан.

Олий ўқув юрларида педагог олимлар, талабалар даврасида илмий тилда сўзлаб, «Асрим», «Инсонликнинг маъноси ўзгарди», «Заррама-зарра», «Портрет», «Ўтар-кетар», «Поэзия» каби юксак интеллектуал шеърларини мароқ билан ўқиган ва тингловчиларни мафтун этган шоир оддий деҳқон-пахтакорлар билан учрашувларни ҳам қойил қилиб гуллатди: у «Теримда», «Чолу кампирлар» каби шеърларини ўқиганда даврада

кулги-қийқириқ авжига минарди, «Хола ва бола», «Янгам», «Мен дунёга келиб дунё орттирдим» шеърлари тингловчиларни ўй-мушоҳадага толдирарди. Асли фарғоналик эмасми, у ҳазил-мутойиба, лутф, аскияга хийла чечан экан, юртдошлари орасида яйраб-ёзилиб аския пайровларига қўшилар ва кўпинча ютиб чиқарди. Бир гал адабий асарлар пайровида аския кетди. Аскиячиларнинг адабий савияси мундоқроқ экан шекилли, тортишув бир оз чучмаллашди. Асқад ака сўз олиб: «Аския шундай бўлса, «Қадрим»га<sup>1</sup> йиғлайман», — дедилар. Шунда улар хандон отиб, тан беришиб, «Қойил! Қойил!» дейишди.

Асқад акани мен ўта овруполашган одам деб юрардим. Бир суҳбатда рақс санъати устида сўз кетди. Асқад аканинг мана бу гаплари ўтирганларни ўйлантириб қўйди: «Раққосалик ёшликка ярашади. Кекса раққосанинг телеэкранга чиқиб набиралари қаршисида муқом қилиб, кўз сузиб, қош қоқиб ўйнашини сира ҳазм қилолмайман. Ўшандай кўрсатувлар берилганида телевизорни ўчириб қўяман».

Кейинроқ, бир гуруҳ адиблар билан жанубий вилоятларимиздан бирига қилган сафаримизда ғалати бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Қайсидир туман раҳбарияти адабий учрашувдан сўнг зиёфатга таклиф этди. Асқад ака билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Қулоғимга шивирлаб «фаросатсизлар» дедилар ва дастурхонга имо қилдилар. Қарасам, дастурхонга чўчқа боласи гўштидан тайёрланган тандиркабоб тортилган экан... Асқад ака зиёфатда бир қултум чой ҳам тотмади.

Сафар чоғи кўп кузатдим: Асқад ака киндик қони тўкилган заминга, она табиатга, табиий нарсаларга ниҳоятда ташна эканлар, ақл-идрок устувор бу сиймо гоҳо қалбида ҳиссиёт жунбушга келганда, ўзини йўқотар ҳолга тушаркан. Фарғона шаҳрида ўзи ўқиган мактабдаги анжуманда, болаликда унга сабоқ берган кекса муаллимлар билан дийдорлашув чоғида у ички титроқдан ўзини тўхтатолмади, кўзига ёш келди. Мен уни илк бор шу ҳолда кўрдим.

Косонсойдаги қир бағрида қиш бошида ҳам чиройини йўқотмаган оромгоҳ-боғ сайри пайтида бу босиқ, сипо одам яйраб-яшнаб: «Қани энди, бу телба

дунё ғалваларидан этак силтаб, мана шу жойларда оддий боғбон ёки қоровул бўлиб яшасанг», деган сўзлари ҳамон қулоғимда. Уша боғдаги зиёфат чоғи лагандоги товуқ гўшtidан татиб кўриб дедилар: «Нуқул инкубаторда етишган, сўнг фабрикада сўйилиб, холодильникда яхлатилган матоҳларни истеъмол қилавериб, асл товуқ гўшти таъмини ҳам унутаёзимиз. Бу ахир, даҳшат-ку!»

Мезбонлар дастурхондаги икки баркашга дид билан терилган, бир хил кўринишдаги ноқлардан татиб кўришни ва фарқини айтишни илтимос қилдилар. Ноқларни татиб кўрдик, лекин фарқини ажратолмадик. Маълум бўлдики, баркашлардан биридаги тармевалар шу йилги, иккинчиси эса ўтган йилги ҳосилдан экан. Тармеваларни холодильникда эмас, табиий йўллар билан бир йилдан ортиқроқ асл ҳолида сақлаш... Бу — мўъжиза! Шунда Асқад ака тўлиб-тошиб: «Қаранг, жаҳонда тенги йўқ юртимиз, қандай аломат қўли гул соҳибкор одамларимиз бор-а... Қўйиб берсангиз, бу ёруғ дунёни жаннатга айлантиради, дунёни тўйдиришга қурби етади. Афсуски...» дедилару даврада у ёғини айтмадилар. Сўнг тунда ётиш олдидан бўғизда қолган сўзларни тўкиб солдилар: «Водийни кезиб юрибмиз. Мана шундай жаннатмонанд юртимиз заҳматқашлари турмушига қаранг — ҳолига маймунлар йиғлайди». Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясига эпиграф қилиб олинган қўшиқ сатрларидаги нидо ёдга тушиб, юрак-бағримизни эзди:

*Уйлар тўла нон, оч-наҳорим болам,  
Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам.*

Ниҳоят, сафар интиҳосидаги бир ҳолат мени ҳайратга солди. Ўзбекчилик, сафар чоғи учрашувларда Асқад акага совға-саломлар ҳадя этилди. Хайрлашув олдидан меҳмонхонага ёзувчи Адҳам Ҳамдамни таклиф этиб, унинг эътирозларига қарамай, тортиқ этилган чопонлардан учтасини ажратиб олди: «Бири — менга, иккинчиси — Элдорга, учинчиси — Темурга, қолганлари ҳаммаси сенга», дея гапни чўрт кесди. Бу билан кифояланмай вагонга чиқиш олдидан,

яна Адҳам аканинг ҳай-ҳайлашига қарамай, унинг чўнтагига бир тутам пул солиб қўйди. Поезд жўнагандан кейин фарғоналик мезбонларни хижолатда қолдирдингиз, десам: «Ҳечқиси йўқ, уч кундан бери Адҳам атрофимизда парвона бўлиб юрибди. Уйида бир этак фарзандлари, набиралари бор, кексариб қўли қисқа бўлиб қолган», дедилар.

Орадан йиллар ўтди. Асқад аканинг дафн маросими кuni унинг икки ўғлони — Элдор ва Темур устида ўша киндик қони тўкилган юрти — Фарғона сафаридаги тухфалардан ажратиб олинган чопонларни кўрдим, чопонларнинг яна бири эса бу аллома тобути устига ёпилган эди...

2003 йил

### «Қафасдаги шер»

*(Домла Лазиз Қаюмов ҳақида қайдлар)*

Мен Ўрта Осиё Давлат университети филология факультети остонасига қадам қўйганимда, Лазиз Қаюмов университетни тугатиб, аспирантура таълимини бошлаб юборган экан. Тўрт йил мобайнида уни турли анжуманларда, минбарларда кўп бор кўрганман. Ҳар гал минбарга чиққанида ўзбек ёки рус тилида бирдай эркин, равон ва шиддатли нутқи билан тингловчиларни ром этарди. Ниҳоят, бешинчи курсда Лазизхон домла бизга «Адабиёт назарияси»дан маъруза ўқий бошладилар. У моҳир нотик бўлиш билан баробар аудиторияда қаттиқ тартиб-интизом бўлишини талаб этарди. Айниқса, у талабани мудроқ босиб, эснаб ўтиришига тоқат қилолмасди. Бир гал учинчи қаторда ёнимда мудраб ўтирган Ж. исмли курсдошим оғзини катта очиб эснаганида, шавқ билан маъруза ўқийётган домланинг кўзи унга тушди-ю, газаби кўзгаб қўлидаги бўрни шитоб билан курсдошим томон отган эди, бўр шундоққина Ж.нинг оғзига келиб тушса бўладими... Бу воқеа хабари ўша куниеқ аудиториядан ташқарига чиқиб одамлар оғзига тушди, давраларда кулиб эсланадиган латифага айланди. Устоз Фулом



Каримов Лазиз ака устида гап кетганда кўпинча: «Лазизхон бўрни ҳам, сўзни ҳам нишонга бехато уради», — деб қўярдилар.

Кейинчалик кўп кузатдим: Лазизхон ака минбарга чиққанида, радио ёки телевидениеда нутқ ирод этганида регламентга ниҳоятда қаттиқ риоя қиларди; агар беш минут ёки ярим соат, баъзан бир ёки икки соат гапириш лозим бўлса, айтмоқчи бўлган гапларини айна шу муддатга мослаб, чиройли бир тизимга келтирар, қойил қилиб яқунлар эди. Нутқида ҳамиша мумтоз ёки замонавий шоирлар шоҳбайтларидан қистириб ўтар, Ҳамза билан Фафур Фуломнинг юзлаб мисраларини ёд билар, ўрни билан улардан фойдаланар эди. Давраларда гапга чечан, мана мен деган аскиячилар билан беллаша олар, мушоира бошлангудек бўлса мана мен деган шоир байтларига шеърый бадиҳа билан жавоб қайтара олар эди. Биргина мисол. 1980 йил апрелида домланинг туғилган шаҳри Қўқонда унинг эллик ёшлик тўйи нишонланадиган бўлди. Кекса адиб Назир Сафаров, шоир Эркин Воҳидов ва камина Лазизхон домла билан бирга тантаналарда иштирок этдик. Ташриф куни кечқурун шаҳар чеккасидаги сўлим оромгоҳда қадим хон саройидаги зиёфат маросимини эслатадиган базми жамшид бўлди. Вилоят ва Қўқон шаҳри раҳбарияти, мана мен деган шоир, қизиқчи, аскиячи, созандау хонандалар шу ерда. Тўрт соат давом этган бунақа нафосат, мушоира, аския базмини кейинчалик кўрмадим. Лазизхон ака бошдан-оёқ бу базми жамшиднинг гули бўлиб ўтирдилар...

Эртаси Темирйўлчилар саройида шаҳар аҳли зиёллари иштирокида катта тантана бўлди. Одатдаги табриклар, Лазизхон ака ҳақидаги дил сўзлари. Муроджон Аҳмедов, Раҳимахон Мирзоҳидова ва бошқа машҳур хонандаларнинг дилрабо хонишлари... Мен домла ҳақида маъруза қилдим, Назир Сафаров сўзлади, гал Эркин Воҳидовга келди. Эркинжон чиройли нутқини қуйидаги қўқонча аскиянамо ҳазил-мутуйиба мисралар билан яқунлади.

*Устоз мана, етибсиз  
Сиз ҳам элликка.*

*Омон бўлинг,  
Бўш келманг,  
Кириб юраверинг  
Яна икки эл(н)ликка...*

Аския, Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, гўнг устида очилган гул. Ундаги нозик қочиримларни ҳамма ҳам илғайвермайди. Аммо кўқонликлар зуваласи аския қочиримлари билан йўғрилгани учун Эркинжоннинг аския йўлидаги қочиримлари зални ларзага солди — кулги-қийқириқ авжига минди. Шунда зал тўрида ўтирган Лазиз ака ҳам кулги-қийқириқ шавқитинмай туриб ҳозиржавоблик билан шоир қочиримларига мана бундай жавоб қилди:

*Раҳмат, укам Эркинжон,  
Эзгу тилакка.  
Қаердан чиқарди  
Сиз каби зукколар  
Мен кириб юрмасам  
Икки эл(н)ликка...*

Шунда зал гулдурос қарсагу кулги-қийқириқдан гўё силкиниб кетгандай бўлди. Шу тариқа улоқ бу гал ҳам Лазизхон домлада кетди.

Лазизхон домла ёшлигиданоқ комсомол сафларида тобланган, кейинроқ комсомол, партия раҳбарлигида чиниққан, турли лавозимларда ишлаб катта тажриба орттирган, партиявий позицияда қатъий турадиган, ўзини партиянинг солдати деб санайдиган давр, сиёсат одами эди. Юқори доираларга яқин бўлгани учунми, ҳар қандай вазиятда сиёсий хушёрликни бой бермас эди. Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Ўша Кўқон оромгоҳидаги базми жамшид кечасида шоир Эркин Воҳидов илтимосига кўра ҳофизлар кўқонлик мумтоз шоирлар Амирий ва Фазлий ғазаллари билан айтиладиган кўшиқларни тўлиб-тошиб хониш қилдилар. Шундан сўнг Эркинжон Амирий билан Фазлий, уларнинг беқиёс шеърий санъати шаънига илиқ сўзлар айтиб, улар учун қадаҳ кўтаришни таклиф этди. Ҳамма кўтарди, биргина Лазизхон ака қадаҳни қўлга олди-ю, бир-

дан «хушёр» тортиб уни қайтариб стол устига қўйди. Чунки у йилларда «шоҳ ва сарой шоири» шаънига қадаҳ кўтариш сиёсий хато, гуноҳи азим саналарди.

Шу ўринда домланинг «сиёсий хушёр»лигига оид яна бир воқеани айтиб ўтсам. Ҳозирги ўзбек насрида традиция ва новаторлик мавзуидаги докторлик диссертациямга Лазиз ака илмий маслаҳатчи эди. Иш билан танишгач, ундаги кичик бир фасл хусусида жиддий эътироз билдирди. Унда «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 7 ноябр сонидан босилган «Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса» сарлавҳали мақола устида сўз борар эди. Мақола бошдан-оёқ Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асари руҳида ёзилгани, унда адабиётнинг партиявийлиги, синфийлиги принциплари ёрқин баён этилгани, шу жиҳатдан уни ўзбек адабиётида соцреализмнинг манифести сифатида баҳолаш мумкинлиги айtilган эди. Гарчи ишда мақола муаллифининг исми-шарифи эҳтиёткорлик юзасидан тилга олинмаган бўлса-да, мутахассислар у Чўлпон қаламига мансуб эканлигини яхши билардилар. Бу билан мен «миллатчи» шоирни қисман оқлашга, шўро адабиёти майдонига тортишга уринган эдим.

«Нима иш қилиб қўйдингиз! — дея дағдаға қила бошладилар, домла диссертациянинг ўша саҳифаларига ишора қилиб. — Бутун илмий жамоатчилик бир оғиздан ўзбек адабиётида соцреализмнинг асосчиси Ҳамза деб турса-ю, Сиз ўзбек адабиётида соцреализм манифестини миллатчи шоир Чўлпон ёзган десангиз!.. Бунақа ишга мен илмий консультант бўлолмайман... Билиб қўйинг, шўро ҳокимияти бор экан, мен тирик эканман, Чўлпон ҳеч қачон оқланмайди!»

Ноилож диссертация ва унинг авторефератидаги «Шўролар ҳукумати ва санойи нафиса»га оид гап-сўзлар тушириб қолдирилди. Диссертация ҳимоя қилиниб ордан 6—7 ой ўтгач, Лазизхон домла мени ҳузурларига чақириб, З.Кедрина Москвадан телефон орқали кўнғироқ қилиб хушxabар еткизганини айтди, диссертация ишим Олий Аттестация Комиссияси тасдиғидан ўтгани билан табриклади. Сўнг ҳимоя олдидан Чўлпон хусусида қаттиқ туриб мени ранжитганлари учун кечирим сўради. «Юқори доираларда муҳит шундай эдики,

агар диссертациянгиз ўша ҳолда ҳимоя қилиниб, Москвага жўнатилганида Оренбургга етмай туриб қайтиб келган бўларди», дея сўзига илова қилди.

Сиёсий ҳушёр, принципида қатъий турадиган бу одамнинг гоҳо ниҳоятда дилкаш, бағрикенг ҳолатда кўриб ҳайрон қолардим. Лазизхон ака йигирма йил «Ўзбекистон маданияти» — ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га бош муҳаррирлик қилган кезлари газетада юзлаб мақолаларим чиққан. Таҳририятда биринчи бўлиб уларни ўзи ўқирди. Мақолаларнинг мақбул томонлари билан бирга улардаги ўзи қўшилмайдиган жиҳатларни ҳам дангал айтар ва «Бу сизнинг фикрингиз, газета кўпчиликнинг минбари, майли, кетаверсин», дер эди. Ўша йиллар давомида бирорта ҳам мақоламни қайтарган эмас. Мен-ку ҳарҳолда домлага яқин одам эдим. Очиғи, Лазиз ака Норбойни унча хуш кўрмас, аксар мақолаларидаги фикрларга қўшилмас эди. «Норбойга қолса, уч-тўрт ёзувчи-шоирдан бошқаси матбуотда чиқмаслиги керак. Ахир ҳамма ҳам классик бўлавермайди-ку, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар билан баробар Акмал Пўлат, Туроб Тўла, Нормурод Нарзуллаевлар ҳам ёзишга, матбуотда чиқишга ҳақли. Уларнинг ҳам ўз ўқувчилари бор» дер, аини пайтда Норбойнинг талабчанлик ва танқидий руҳдаги мақолаларига газета саҳифаларидан кенг ўрин бераверар эди. Кези келганда айтиб ўтай, 60-йиллар бошларида тасодиф туфайли Озод аканинг бошига кулфат тушди. Ана шу оғир дамларда Лазизхон ака, баъзи масалаларда Озод ака билан келишолмай юрса ҳам, юқори доирада хизмат қиладиган акаси Азизхон акани ўртага қўйиб ҳамкасбини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

1970 йилнинг декабрида домланинг волидаи муҳтарамалари — Адолатхон ая оламдан ўтди. Ўлмас Умарбеков, Собиржон Мирвалиев, Муҳсинжон Алимов, Саттор Ҳайдаров каби бир гуруҳ шогирдлар биргаликда Кўқонга дафн маросимига етиб бордик. Фишткўприк яқинидаги 1-Шарқ кўчасида Лазиз ака болалиги ўтган мўъжазгина ҳовли ва эшик олди одамлар билан тўла. Устоз ёнида саф тортиб турган эдик, Кўқон шаҳри раҳбарлари келиб қолишди; бош раҳбар Лазиз акадан кўнгил сўрагач, «Бу ёғи қандоқ бўлади?» деган

қалтис саволни ўртага ташлади. Гап марҳумага жаноза ўқитиш устида кетаётгани маълум эди. Уша кунлари Лазиз ака типидаги таниқли раҳбар ходим — университет профессори, кафедра мудири, республиканинг энг нуфузли газеталаридан бирининг бош муҳаррири хонадонида марҳум ёки марҳума ота-она учун жаноза ўқитиш тасаввурга сиғмайдиган ҳол эди. Кутилмаганда Лазизхон ака бош раҳбар ходимнинг бояги қалтис саволига: «Аям мусулмончилик бўйича дафн этишни менадан илтижо қилган эдилар. Аямнинг васиятлари мена учун ҳамма нарсадан муқаддас», деди. Шаҳар раҳбарлари индамайгина ўзларини четга олдилар. Кичкина ҳовлида жаноза ўқилди, Лазиз ака олдинги сафда бел боғлаб имом олдида турди. Сўнг шаҳар кўчалари бўйлаб Даҳмаи Шоҳон қабристонига қадар марҳумани қўлда кўтариб бордик. Қабристонда Қуръон тиловат қилинди. Қўқондаги аза маросимлари тугаб домла Тошкентга қайтгач, бир неча кун хонадонларида аза очилди, Қуръони карим оятлари янграб турди. Ажаб, бу қалтис маросимлар теварагида ҳеч қанақа гап-сўзлар, эътирозлар бўлмади. Уша замонларда ҳам имон-эътиқод амали йўллари чорасини топганлар бўлган.

Инсон зоти ва унинг кўнгил хазинасидек сирли-сеҳрли жумбоқ бу оламда йўқ. Бир умр бирга яшаб, ишлаб юриб ҳам унинг табиати, қалбида нималар борлигини билмайсан киши. Ҳатто руҳшунос З. Фрейд ибораси билан айтганда онг остида, қалб тубида чўкиб ётган туйғу, кечинмаларни инсоннинг ўзи ҳам билмай, англаб етмай бу оламдан ўтиб кетиш мумкин. Мен Лазиз ака ҳақида ўйлаганимда, айниқса, 1997 йил кузида Туркия сафари чоғи бу ҳақиқатга яна бир қарра иқрор бўлганман.

Меҳмонхонага жойлашиб, нонушта учун ресторанга киришимиз биланоқ қаршимизда «Салом, юртдошлар!» дея қучоқ очиб турган тўладан келган салобатли бир одамга дуч келдик. Шунда даврада «Ватандош олим» деган шивир-шивир оралади. Муҳожирликда яшайдиган бу ватандош олим биринчи бўлиб домлага: «Лазизхон бўлсангиз керак, — дея мурожаат этди ва уни бағрига босди. — Акангиз Азизхонни, дадангиз Пўлатжон домлани ҳам яхши биламан. Шукрки, саксон

ёшимда Сиз билан дийдор кўришиш насиб этди...» Сўнг ватандош олим Тошкентдан борган барча конференция қатнашчилари билан бирма-бир кўришди. Шавқ билан «Ниҳоят, истиқлол туфайли бизни ажратиб турган деворлар қулади, бир даврада гурунглашадиган, бир тилда гаплашадиган кунлар келди», дея чексиз қувончларини изҳор этди. Конференция ташкилотчиларидан илтимос қилиб, овқатланиш жойини юртдошлари даврасига кўчирди, конференция охирига қадар биздан ажралмади. Орадан икки кун ўтиб, у киши бизларга ўзларининг 80 йиллик тўйи муносабати билан чоп этилган қалин бир китоб тақдим этди. Унда олим ҳақида битилган, матбуотда чиққан барча гаплар жамланган экан. Жумладан, унда мен айтган танқидий гаплар ҳам ўрин олган. Хижолатли жойи шундаки, кўплар қатори мен ҳам бу одам асарларини кўрмай, ўқимай улар ҳақидаги расмий ахборотларга таянган ҳолда танқидий фикрлар айтган эдим... Китобдаги энг катта ўрин, шубҳасиз, Лазиз Қажумовга ажратилган эди. Домла антисоветчиларга қарши кураш бўйича мутахассис бўлган. Олим китобни домлага тақдим этар экан: «Лазизхон, бу китобда Сизнинг мен ҳақимдаги сўзларингиз ҳам бор. Начора, шогирдларим тарихий ҳақиқат сифатида бор нарсаларни жамлаб беришибди. Давр, сиёсат шундай бўлган. Мен барча ватандошларни, жумладан, Сизни бу маломатли гаплар учун кечирдим», деди. Лазизхон ака ҳам ўз навбатида ўринсиз танқидлар учун ундан узр сўради.

Орадан бир неча кун ўтгач, домла шахсий суҳбатда «Ватандош олимнинг асарлари хусусидаги бирёқлама танқидларимни тан оламан. Бироқ унинг душманга таслим бўлиб, озми-кўпми улар хизматида бўлганини, барибир, кечира олмайман», дея писанда қилиб қўйди.

Конференция тугагач, икки киши бир хонада туришга тўғри келди, Лазиз ака мени ўз хонасига кўчиб ўтишимни илтимос қилди, мен эрта туриб, кеч ётиб у кишини безовта қилиб қўймасмикинман, деган хавотиримни айтган эдим, домла: «Бу ёғидан хавотир олманг. Бир ҳафтадан бери Анқарада 13-қаватда яшаб, тонгги азон овози билан уйғониб мен ҳам ярим намозхон бўлиб қолдим. Ҳатто иккита жойнамоз ҳам со-

тиб олдим. Биринчи — ўзимга, иккинчиси — келин ойингиз Туйғунойга. Худо инсоф берса, бизнинг бошимиз ҳам саждага тегиб қолар», деди ҳазил аралаш. Дарҳақиқат, кундузлари шаҳар шовқин-суронлари остида билинмас экан, аммо тўрт ярим миллион асосан мусулмон аҳоли яшайдиган Анқарада юзлаб мачитлар минорасидан деярли бир пайтда янграйдиган тонгги азон товуши бутун шаҳарни ғаройиб бир илоҳий оҳангга чулғар экан. Бу дақиқаларда ҳар бир инсон зоти, айниқса, мусулмон бандаи мўмин қалбида ғаройиб бир илоҳий туйғу жўш уриши табиий. Шу ғаройиб ҳолатни Лазиз акада ҳам кўриб, туйиб қувондим.

Уч кеча Анқара, сўнг бир кеча Истанбул меҳмонхонасида у киши билан ҳамхона бўлиб деярли ухлаганимиз йўқ. Эсланмаган воқеалар, айтилмаган гаплар қолмадиёв... Истанбулдаги сўнгги кечада домла дилидаги асосий гапни айтди: «Озод билан Сиз эркин қуш-сизлар. Қўлларингни орқага қайириб турганда ҳам кўнгилдаги гапларингизни айтаверар эдингизлар». Мен ҳам ўз навбатида домлага далда бериб: «Сиз танқидчиларнинг шери эдингиз. Сизда шернинг шижоати бор» деган эдим, шунда домла: «Ўзим ҳам биламан, менда шернинг шижоати бор эди. Афсус, мен қафасдаги шер эдим. Бирор нарса ёзсам, минбарда сўз айтсам аввало Яшин акага, қолаверса, Рашидовга, Усмонхўжаевга, Нишонювга маъқул тушармикан дердим, уларнинг қошқовоғига қараб сўзлардим. Қанчадан-қанча гапларим ичимда қолиб кетди. Ниҳоят, мана, мен ҳам Сизлар каби эркин қушман. Афсус, энди дард бору, дармон йўқ. Чарчаб қолдим...» деди чуқур афсус-надомат билан. Домлага далда бериб, энди «эркин қуш» бўлиб кўп ишлар қилиш мумкинлигини, конференциядаги маърузаси бундан далолат эканлигини эслатдим. Дарҳақиқат, конференциянинг Боймирза Ҳайит раислигида ўтган секцияси йиғилишида Лазиз ака Ҳамзанинг Истанбулдаги ҳаётига оид қизиқарли маъруза қилган, муҳокамада қатор олимлар, жумладан, Боймирза Ҳайит унга яхши баҳо берган эди. Домла чуқур ўйга толиб: «Мақтанишга йўйманг — Ҳамзани ҳаммадан кўп мен яхши биламан; Ҳамза ҳақидаги аввал айтолмаган гапларимни айтишим керак. Бу ерда тонгги азонда уйғо-

ниб кўп ўй суриб Ҳамза ҳақида 8 та мақола ёзишни режалаштириб қўйдим. Саломатлик бўлса, уларни қоғозга тушириб китоб қиламан, номи ҳам аниқ: «Биз билган ва билмаган Ҳамза...»

Бу Лазиз ака билан сўнгги суҳбатимиз эди. Шундан кейин ҳам у киши хасталаниб ётиб қолгунларига қадар бирга ишлаб, саломлашиб юрдик, афсус, яккама-якка мириқиб гурунглашиш иложи бўлмади. Ҳамза ҳақида режалаштирилган ишларидан икитаси жамоатчиликка маълум — Анқара конференциясидаги маъруза ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да эълон қилинган «Биз билган ва билмаган Ҳамза» мақоласи. Эҳтимол, қолган мақолалар ҳам ёзилгандир, домла архивида сақланаётгандир... Улар адабий-илмий жамоатчиликка етказилса, савоб иш бўларди. Мен билган Лазизхон домла ана шундай инсон эди.

*2005 йил 7 май*

## **Беназир сиймо эди**

Ўтган аср 60-йилларининг бошлари. Мен Миллий университетнинг филология факультети аспирантурасида таълим олардим. Ўша кезлари факультет қошидаги бадиий ижод тўғарагига устоз мунаққид Матёқуб Қўшжонов раҳбарлик қиларди. Кунларнинг бирида домла тўғаракнинг навбатдаги йиғилишида «ғаройиб ёш истеъдод»нинг янги асари муҳокама этилиши, унда албатта иштирок этишим зарурлигини айтдилар. Бордим. Хонага ҳаммадан кейин қорачадан келган, озгин, бўйчан, чеҳраси, бутун вужуди бронзадан қуйилгандай пухта-бежирим йигит қўлтиғида папка билан кириб келди. Домла уни «Шукур Холмирзаев» деб таништирдилар. Домланинг илтимосига кўра у янги қиссасини ўқий бошлади. Илк дақиқалардаёқ асар давра иштирокчиларини ўзига мафтун этди-қўйди. Мен шу пайтга қадар ўзбек адабиётида бу хил услубда битилган насрий асарни ўқимаган эдим. Муаллиф ҳикоя қилмайди, гўё ёзмайди, балки воқеа-ҳодисалар, одамлар қиёфаси, гап-сўзлари, руҳиятидаги жараёнлар манзарасини худди рассомдек чизиб кўрсатади; ҳодисаларга



аралашмайди, баҳо беришга шошилмайди, четдан туриб тасвирлайди... Асар ҳаммага маъқул тушди. Орадан кўп ўтмай босилиб чиқди. «Тўлқинлар» номи остида чиққан бу қисса эл оғзига тушди, улкан адиб Абдулла Қаҳҳор қисса муаллифини олқишлаб унга мактуб йўллади. Абдулла Қаҳҳор хонадонидаги гурунглари адибнинг Шукур ҳақида айтган кўп илиқ гапларини эшитганман. Бир гал у: «Шукур кулса тишини оқини кўрсатмай кулади; йиғласа кўзёш тўкмай йиғлайди. Прозаик ёзувчи учун бу — ноёб фазилат», — деган эди. Шукур услуби ҳақида бундан ошириб бир гап айтиш қийин.

Ўша қисса муҳокамасидан бошлаб Шукур билан ака-укадай бўлиб кетдик. Ҳар гал учрашганимизда фақат ва фақат адабиёт, ижод муаммолари устидагина гап бўларди, гоҳо тортишиб ҳам қолардик... Сухбатларимиздан фақат иккитаси қоғозга туширилиб матбуотда эълон қилинди. «Услуб, бадиий шакл муаммолари», «Устоз ибрати» деб номланган сухбатларни яқинда қайта ўқиб кўнглим равшан тортди. Орадан 20—30 йиллар ўтса ҳам эскирмабди, замона зайли тақозосига кўра тилга олинган айрим гап-сўзларни демаса, уларни бугунги кунда тўла ҳолида қайта нашр этавериш мумкин. Афсус, орада бўлиб ўтган, ҳозир ҳам асқотадиган қанчадан-қанча адабий мулоқотларимиз қоғозга тушмай ҳавога сингиб қолиб кетди...

Шукур талабаликдан бошлаб то умрининг охиригача Тошкентда яшаса-да, шу ерда уйланиб, уй-жойли, бола-чақали бўлса-да, ўзи туғилиб ўсган Сурхон фарзандилигича қолди. Феъл-атвори, гап оҳанглари сурхонча; тоғликларга хос қайсар, чўрткесар. Ниҳоятда кўп ўқиган, жаҳон адабиёти билан таниш чин замонавий зиёли, бошидан шляпаси тушмайдиган, кийиниши, кўриниши ўта замонавий бўлишига қарамай «тоғлик» феъл-атвори ўзгармади. Яшаш тарзи ҳам ўша-ўша. Ҳатто Дўрмондаги боғ-ҳовлисини ҳам Бойсун «жунглиси»нинг бир бўлагига айлангирди. Шу масканда яйраб, кайф қилиб яшади, ўй сурди, тинмай ижод қилди.

Шукур туғилиб ўсган она юртини ниҳоятда яхши кўрар, у билан фахрланар, нуқул ўша томонга талпинар, бугина эмас, устозларига, қаламкаш дўстарига уни кўрсатгиси, кўз-кўз қилгиси келарди. М. Қўшжон

нов, О. Шарафиддинов, Мирмуҳсин, О. Ёқубов, П. Қодиров каби устозлар унинг таклифи билан бир неча бор бу юртга ташриф буюрганлар. 70-йилларнинг бошларида мен ҳам Бойсунда, Шукурнинг камтарона хонадонида меҳмон бўлганман; отаси, онаси, қариндошуруғлари билан яқиндан танишганман. Ёз ойлари Бойсун бамисоли жаннат қиёфасига киришини ўз кўзим билан кўрганман. Шукур бу юртда ўзини қанчалар эркин тутишини, бу азиз тупроқнинг ҳар бир қаричини, у ерда яшайдиган ҳар бир хонадон аъзоларини, бу заминдаги ҳар бир дарахт, ҳар бир ирмоқни қанчалар яхши билишини кўриб қойил қолганман. Бойсун шаҳри теварак-атрофларини сайр этар эканмиз, Алпомиш билан боғлиқ жойлар, Навоий, Бобур ўтган йўллар ҳақида худди ўзи кўргандек ҳикоя қилар, қадим чинор остида Машраб қўлига сетор олиб куйлаган ғазалларни ёддан айтарди. Арчазор адир остида ястаниб зира майсалари қулф уриб ўсиб ётган кенг яйловга бошлар экан, жилға бўйидаги супадек текис жойга ишора қилиб, Бобур мирзо айна шу ерда ўтов тикиб шаҳзода Бадиуззамонни қабул қилгани, у билан музокаралар олиб борганини тўлиб-тошиб сўзлаб берганди... Ёзувчининг айтганлари ҳақиқатми ёки тасавури — фантазияси маҳсулими — билиб бўлмасди. Ўша куни яқинларидан бирининг хонадонидаги меҳмондорчилик сира эсимдан чиқмайди. Тасодиф туфайли айб қилиб қамалиб яқиндагина тутқунликдан қайтган мактабдош дўстини топтириб келди. У яхшигина хонанда экан. Иккалови жўровоз бўлиб Маъмуржон Узоқов йўлларида Бойсуннинг тунги осмонини ларзага солиб тонг отгунча куйлашди. Шукур яхшигина актёр эканини, университет тўғарагида Ҳамлет родини қойилмақом қилиб ижро этганини билардим. Аммо унинг етук хонанда эканлигини биринчи ва охириги марта кўришим.

Ёзувчининг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг туғилиб ўсган юртини бориб кўр, деган нақлнинг нақадар ҳақ эканига ўша сафар чоғи яна бир карра иқроп бўлдим. Тенгдошларидан бири ҳазил аралаш Шукурни «ўзбекларнинг Шолохови» деб атарди. Бу ҳазил гап тагида жиддий асос бор. М.Шолохов рус адабиётида она юрти — Дон руҳи-колоритини кашф этгани каби,

Шукур Холмирзаев XX аср миллий адабиётимизга Сурхон, аниқроғи, Бойсун руҳи-колоритини олиб кирди. Унинг ҳикоя, очерк, қисса, драма, романларини яхлит ҳолда кўз олдингизга келтиринг, уларда Бойсун нафаси баралла уфуриб туради, улар ортида эса улкан адибнинг Сизга хиёл жилмайиб, аммо жиддий назар ташлаб турган беназир-ўйчан чехраси намоён бўлади.

2005 йил 28 октябр

### **«Ой ва сариқ чақа» таржимаси ва таржимони ҳақида дил сўзлари**

Буюк инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг «Ой ва сариқ чақа» романини рус тилида бир эмас, бир неча маротаба мутолаа қилганман, роман бош қаҳрамони — даҳо мусаввир қисматига оид тафсилотлар мен учун ёд бўлиб кетган десам муболаға бўлмас. Шунга қарамай, бу сир-сеҳрга тўла шоҳ асарни она тилимизда ўқишни кўпдан бери орзу қилардим. Ниҳоят, шу орзу ушалди. «Жаҳон адабиёти» учун тайёрланган роман таржимаси матнини зўр иштиёқ ва ҳаяжон билан ўқиб тугатар эканман, охирида келтирилган «Рус тилидан **Раҳматилла Иноғомов** таржимаси» жумласидаги таржимон исми шарифини қора рамка ичида кўриб вужудим увушиб кетди, беихтиёр кўзимга ёш келиб қўлэзма устига тома бошлади. Иягимни икки кафтим орасига тираб анча вақт ҳазин ўй-хаёлга толдим... Кўз олдимдан бирин-кетин бу аломат инсон билан боғлиқ нузли хотиралар ўта бошлади.

Раҳматилла билан қирқ йил университетда бирга ишладик, Тошкентнинг Беруний номидаги зиёли-домчалар маҳалласида роппа-роса ўттиз йил ён қўшни бўлиб яшадик. Раҳматилланинг умр йўлдоши Малика-хон шоир Эркин Воҳидовнинг синглиси, аниқроғи, шоир ўсиб улғайган тоғаси Карим Соҳибоевлар хонадонининг кенжатой қизи эди. Одоб-андиша, одамгарчилик, уй бекалик бобида беназир, мураббий — филолог ўқитувчилик соҳасида эса бошқалар учун ҳар жиҳатдан ўрнак саналмиш бу аломат аёл менинг тур-

муш ўртоғим билан опа-сингилдан ҳам яқинроқ эди. Раҳматилла билан Маликашоннинг оилавий жуфтлигини мен замонавий миллий-маданий оила намунаси, оилавий бахт, тотувлик ва садоқатнинг тимсоли деб биламан. Ўттиз йил давомида бу хонадонда эр-хотин орасида бирор марта салгина бўлсин дилхиралик юз берганини эшитган, сезган эмасман. Улар оилада уч қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Раҳматилланинг фарзандлар, набиралар, келин ва куёвлар, қудалар, икки акаси, қариндош-уруғларга дил-дилдан эътибор-эҳтироми, ҳамиша улар хизматига ҳозир у нозир туриши мени лол қолдирарди.

Маликашон бевақт оламдан ўтди. Орадан йиллар ўтиб, Раҳматилланинг яқинлари, жумладан, Эркинжон уни уйлантириб қўйишга кўндирмоқчи бўлишди. Аммо Раҳматилла унамади, «Эрта-индин мен ҳам бу фоний дунёдан кетаман, у ёққа борганда, ҳаётимнинг мунис ҳамроҳи Маликашоннинг юзига қандай қарайман!» дея қатъий туриб олди.

Раҳматилла ниҳоятда дилбар, ҳаётсевар, улфатижон одам эди. Ўз дардини ичига ютар, уни элга ёйиб ўзгалар кўнглини хира қилишни сира ҳам эп кўрмасди. У кирган даврада қувноқ бир кайфият қулф урарди. Эркин Воҳидов Раҳматиллага бағишланган «Сайр» номли газалида мана бу сатрларни бежиз битмаган:

*Бу замон кўнглингда, Эркин,  
Қолмагай зарра губор,  
Айласанг бир бор дўстинг  
Раҳматулло бирла сайр.*

Раҳматилланинг одамлар бошини қовуштиришдек яна бир эзгу хислати бор эди. Шахсан мен у туфайли Эркин билан яқиндан дўстлашганман. Раҳматилла Эркин, Худойберди, Ўткир, Иброҳимжон, Абдуғафур, Неъматилла, Эсон каби ижодкор, олим, санъаткор зиёлилардан иборат кўп йиллик ажойиб улфатчилигимизнинг ташкилотчиси ва жўрабошиси бўлган. Шу йиллар давомида у ҳамманинг кўнглини олган, бирорта улфати, яқин кишисига панд берган эмас.

Раҳматилла менинг ҳаётда топган энг яқин ҳамдар-

дим, сирдошим эди, ўттиз йил давомида тўю маъракаларда доимо бирга эдик, наҳорги ошларга, Республика бўйлаб сафарларга бирга борардик, ёз ойлари Хумсон ва Оқсоқота томонларда оилаларимиз билан бирга ҳордиқ чиқарардик, ҳатто Дўрмондаги ёзувчилар уйида ҳам ёнма-ён хонада бирга дам олиб, бирга ишлардик.

Раҳматилла ниҳоятда меҳнаткаш, ишлаб чарчамайдиган одам эди. Унинг бўш вақти бўлмасди. Дам олиш пайти, шахмат устида дона сураётганда ҳам хаёлининг бир учи ёзаётган китоби ёки амалга ошираётган таржимаси устида бўларди. Умри давомида турли лавозим, вазифалар — кафедра мудирлиги, домлаликдан ортиб неча юзлаб мақолалар, 20 дан ортиқ китоб чиқаришга улгурди. Мақола, китобларининг аксарияти жаҳон адабиёти, адабий алоқалар масалаларига бағишланган. Демак, унинг кўп вақти миллий адабиёт билан баробар жаҳон адабиёти намояндалари ижоди, асарлари мутолааси билан банд бўлган. Шу йўналишдаги ишлар билан баробар ўтган асрнинг 90-йиллари у иккита жиддий китоб устида иш олиб борди. 1995 йили чоп этилган мисқоллаб йиғилган ишончли янги далиллар асосида битилган «Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари» китоби илмий жамоатчилик, хусусан, диний уламолар томонидан юксак баҳо олди. 1999 йили нашрдан чиққан «Шоирлик қисмати» китоби хусусида эса устоз Озод Шарафиддинов мана бундай деган: «Бу китоб аввалги биронта рисолага ўхшамайди — унда муаллиф ўзининг шахсий кузатувлари ва билимларига таяниб, кўпгина шеърларнинг ижодий тарихини яратган. Натижада, китобхон Эркин поэзияси тўғрисида аввал ўзи билмаган кўпгина мароқли тафсилотларга эга бўлди». Матёқуб Қўшжонов бир учрашувда «Шоирлик қисмати» китоби устида сўз очиб, унда бир докторлик диссертациясининг юки борлигини таъкидлаган ва китоб муаллифига уни диссертация шаклига келтиришни маслаҳат берган эди. Мен ҳам Матёқуб аканинг фикрини қувватлаб, уни бу ишни тезлатишга ундардим.

Бу йиллари у ўриндошлик асосида «Жаҳон адабиёти» таҳририятида ҳам ишларди, шоир Мирпўлат Мир-

зо билан бирга бош муҳаррир устоз Озод акага таянч ва суянч сифатида садоқат билан хизмат қиларди. Журналнинг ҳар ойги сонидида босилажак 20 босма тобоқли адабий-публицистик материаллар унинг ҳам нигоҳи ва таҳриридан ўтарди, ўзи ҳам бетиним таржима қиларди. Ҳар хил материаллар, публицистик асарларни мустасно этганда, «Жаҳон адабиёти»да Раҳматилланинг ўнга яқин роман таржималари босилди. Таржимонлик фаолиятининг сўнгги ва энг юксак чўққиси «Ой ва сариқ чақа» романи бўлди. Бу асар таржимаси учун у йигирма йил тайёргарлик кўрди.

70—80-йиллари ижодий зиёлиларимиз орасида Европа адабиёти ва санъатидаги янгича модернистик йўналиш, айниқса, Моне, Ван-Гог, Сезанн, Гоген, Салвадор Дали, Пикассо каби модернист мусаввирлар, улар ижоди ва ҳаётига қизиқиш ниҳоятда кучайди.

Жумладан, мен ҳам бу алломалар ҳақидаги матбуотда чиққан мақола, баҳс-мунозараларни, ғарбда ёзилган, рус тилига ўгирилган асарларни қизиқиб ўқирдим, ҳар гал Москва, Ленинград сафарлари чоғи тасвирий санъат музейларидаги бу даҳо санъаткорлар ижодига оид намуналарни ҳайрат ва иштиёқ билан томоша қилардим. Айни шу иштиёқ оқибати бўлса керак Моэмнинг Гоген ҳаёти асос қилиб олинган «Ой ва сариқ чақа» романи доимо иш столимининг бир чекасида турарди. 80-йилларнинг бошларида бўлса керак, Марказий телевидение Поль Гоген ҳақида етти серияли француз фильмини намойиш этадиган бўлди. Уша кезлари телевизоримиз бузилиб қолгани учун, Раҳматилланинг таклифига кўра унинг хонадонида бир ҳафта давомида бу фильмни бирга кўрдик; ҳар иккимиз ҳам фильмни хаёлан «Ой ва сариқ чақа» романига қиёс қилиб даҳо мусаввир шахсияти ва ҳаёти фильмдагига қараганда романда таъсирчанроқ чиққан деган хулосага келдик. Шунда мен унга романи ўзбек тилига таржима қилишни маслаҳат бердим, у бунга рози бўлди ва бунинг учун муайян тайёргарлик зарурлигини айтди. Орадан йиллар ўтиб қўлимга француз адиби Анри Перрюшонинг «Гоген ҳаёти» номли салмоқдор китоби тушиб қолди. Энг муҳими, унда рассом мўйқаламига мансуб

жаҳонни лол қолдирган асарларининг фото нусхалари илова қилинган эди. Раҳматилла бу китоб билан менадан олдин танишиб чиқди. Сўнг мен ўқидим. Яна фикримиз бир жойдан чиқди: Анри Перрюшонинг асари ғоят бой ишончли манбаларга асосланиб ёзилган бўлмасин, Моэм романидаги Чарлз Стрикленд тимсолида унинг прототиби — Гоген шахсияти, қисмати моҳияти ёрқинроқ ва таъсирчанроқ ифодаланган! Шундан кейин романни таржима қилиш аҳди қатъийлашди. Шу орада «Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари», «Шоирлик қисмати» орага тушиб, иш бир оз кейинга сурилди. Романдан қилинган уч-тўрт боб таржимаси қаердадир қолиб кетди. Ниҳоят, у яна Моэмга қайтди, лекин «Ой ва сариқ чақа»ни қайта ўқиш жараёнида уни таржима қилишга юраги дов бермади, ёзувчининг соддароқ бир асари — «Нотаниш одам Парижда» романини ўзбек тилига ўгириб қаламини синаб кўрди. Таржима ёмон чиқмади. Ниҳоят, моҳир таржимонлар — Қодир ака, Озод ака, Иброҳимжонлардан оқ фотика олиб кўп йиллик орзуси — «Ой ва сариқ чақа» таржимаси устида иш бошлади, бир йил давом этган қизғин ижодий меҳнат 2004 йилнинг кузида, таржимон вафотидан бир ойча бурун интиҳосига етди.

Раҳматилла табиатан босиқ, қалбидаги ҳайрат, ҳаяжонларини ошкор этавермас, бироқ «Ой ва сариқ чақа»га келганда эса ўзини тутиб туrolмас эди. Ҳар гал учрашганимизда таржима жараёнидаги ҳайрат ва ҳаяжонлари ҳақида сўз очар, шу пайтга қадар ўнлаб асарлар таржимаси устида ишлаб ҳеч қачон бу ҳолга тушган эмасман дерди. Бир гал ҳазил аралаш «мени шу «Ой ва сариқ чақа» ўлдирадиёв...» деб эди. Мен буни бошда шунчаки ҳазил деб ўйлагандим. Раҳматилла ниҳоятда соғлом одам эди. Кексалик аломати сезилмасди. Ҳаёт бўлганида бу йил бардам ҳолда етмишга тўларди. Бир гал тасодиф туфайли оёғи синиб бир ойча уйида гипсда ётганини ҳисобга олмаганда ўттиз йил давомида соғлиғидан шикоят қилганини эшитган эмасман. Вафотидан атиги бир ҳафта бурун Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасида шифокорлар кўригидан ўтган, тўрт мучаси соппа-соғ эди. Шундай бўла туриб бу беозор аллома уйкуда беозоргина жон таслим қил-

ди. Ким билади дейсиз, «Ой ва сариқ чақа» ҳаяжони уни тушида олиб кетдимикин. Дарвоқе, Раҳматилла бир ойча бурун роман таржимаси интиҳоси кунлари «Адабиётда ўлим ҳақида кўп ўқиганман, — дея чуқур уҳ тортиб сўзида давом этган эди, — бироқ бунақа даҳшатли ва мардона ўлим тасвирини кўрмаганман... Инсон зоти дош бериши мумкин бўлмаган даҳшат — фожиа, аини пайтда даҳо яратган беназир, илоҳий руҳ билан йўғрилган санъатнинг мислсиз тантанаси!»

Раҳматиллани айниқса асар бош қаҳрамони — санъаткор шахсияти ва фожеий қисмати тасвири талқини ўйга толдирарди. Тириклигида тан олинмаган, санъатга баҳшида умри дарбадарлик ва муҳтожликда кечган, ҳеч қанақа қолип-рамкаларга сиғмайдиган, тартиб-интизомларни хушламайдиган дағал, телба, бизнинг тасаввуримиздаги инсоний жозиба, фазилатлардан маҳрумдек кўринган, аслида самимий, табиий, фаройиб бир табаррук зот вужудидаги сирли-сеҳрли илоҳий қудрат, даҳоликни кашф этиш учун ёзувчининг ўзи ҳам фавқуллода фазилатларга эга бўлиши даркор. С. Моэм «Ой ва сариқ чақа»да ўзининг ана шундай ноёб истеъдодини намоён эта олган. Бундан ҳам муҳими, Моэм реалист бўла туриб реализмга зид оқим — модернист мусаввир шахсияти ва ноёб истеъдодига чексиз эҳтиром билан ёндашади; уни ифтихор билан даҳо деб атайди, у яратган бир қарашда ўхшовсиз, тушуниксиз, бўёқларнинг пала-партиш тартибсиз чапламасидан иборатдек туюлган манзаралар, инсонлар қиёфасида тажассум топган ҳайратомуз, сирли-сеҳрли, илоҳий санъат мўъжизалари қаршисида қайта-қайта таъзим қилади. Афсуски, санъат, адабиёт оламида турли ижодий оқимларга мансуб ижодкорларда мана шундай бағрикенглик, тантилик ҳамиша ҳам етишавермайди. «Модернистик асарни тушуниш учун, — дерди Раҳматилла, — албатта Моэмни ўқиш керак. «Ой ва сариқ чақа» бамисоли модернизмнинг калити».

Маълумки, асар қаҳрамони Стрикленд шахматга ўч бўлган. Шахмат ишқибози Раҳматилла романдаги шахматга оид саҳифаларни яйраб, ҳузур қилиб таржима қилганлигини, ўша дақиқаларда тани-вужуди чарчоқлардан бугунлай халос бўлганлигини кулиб гапирарди.



Дўстим таржимани тугатар экан, инглиз тилини билмаслиги, романни аслиятдан таржима қила олмагани учун афсусланарди. Таржима қўлёмасини таҳририятга топширгани, у ердагилар ўқиб чиққач, менга ҳам ўқишга бермоқчи экани, дўстлар мулоҳазалари асосида матн устидаги ишни давом эттириш, унга сайқал бериш нияти борлигини айтувди. Афсуски, нияти охирига етмай қолди. Таржима матни билан танишар эканман, унда сайқалга муҳтож ўринлар ҳам борлигини кўнгил сезиб турибди. Бу ҳол, эҳтимол, бошқа ўқувчилар кўзига ҳам ташланар. Умид қиламанки, улар буни кечирарлар...

Бироқ шу ҳолда ҳам, юқорида айтилганидек, «Ой ва сариқ чақа» таржимаси Раҳматилла таржимонлик фаолиятининг чўққиси! Дўстимдан қолган беназир ёдгорлик. Тилагим шуки, уни ўқиган зукко китобхонлар кўнгида туғилган эзгу туйғулар дўстим руҳониятига савобу дуолар бўлиб йўлланажак.

2006 йил январ

## Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари

(Эссе. Хотима ўрнида)

Янги ўзбек адабиётининг тонгидаёқ «адабиёт надир», «театр надир» деган саволлар қаторида «танқид надир» деган масала ҳам кўндаланг қўйилган, унга жавоб қидириш бошланган эди. Мана, салкам бир асрдирки, бу қўҳна савол теварагида баҳслар давом этади. Менингча, бу хусусдаги асосий гапни илк бор Маҳмудхўжа Беҳбудий мухтасар тарзда айтиб эди: «Танқид сараламоқдир». Адабий жараён бамисоли тошқин пайтидаги шиддатли сой оқими. Унда ҳамма нарса айқашуйқаш ҳолда кечади. Чин мунаққид бамисоли моҳир ғаввос каби бу оқим — жараён ичида сузиб яхшиёмон, истеъдодли-истеъдодсиз, керакли-кераксиз нарсаларни бир-биридан ажратиб беради, яъни саралайди. Бундай масъулиятли вазифани кўнгилдагидек адо этиш учун мунаққиддан туғма истеъдод, нафосат туйғуси, адабий билим, дид-фаросатдан ташқари ўзи танлаган

йўлда қатъият, шижоат, фидойилик ҳам талаб этилади. Тарих ниҳоятда шафқатсиз. Даврлар синовидан ўтиш эса осон эмас. Адабиётшунос Ю. Андреев XX аср рус адабиёти тарихини синчиклаб ўрганиб, 80 йил давомида эълон қилинган асарлардан атиги 2 фоизигина тарихда қолганини, дарсликлардан жой олган, ҳозир ҳам ўқиладиганлари эса ундан ҳам кам эканини аниқлаган. Кимнинг, қайси асарнинг тарихда қолиш-қолмаслиги масаласида ҳатто даҳолар ҳам адашиши мумкин. Бу ёлғиз Яратгангагина аён. Шундай экан, мунаққиднинг вазифаси ўта масъулиятли.

Жаҳон адабиёти, танқидчилиги тарихида бўлгани каби бизда ҳам бошда мунаққидлик вазифасини янги адабиётнинг асосчилари — А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, кейинроқ Ойбек адо этдилар. Бироқ улар янги замон адабий ҳаракати учун бу кифоя қилмаслигини, махсус профессионал танқид ҳам зарурлигини яхши билар эдилар, уларнинг малакали мунаққидлар тарбиясига нақадар катта эътибор берганликлари тарихдан маълум. Бунинг учун Қодирийнинг Сотти Ҳусайнга, Чўлпоннинг Вадуд Маҳмудга бўлган умиди, эътиборини эслаш кифоя.

Минг афсус, шўро адабий сиёсати, мамлакатда авж олдирилган синфий-мафкуравий курашлар жазаваси туфайли бу умидлар тўла рўёбга чиқмай қолиб кетди. 20-йиллари энг истеъдодли мунаққид сифатида тан олинган Вадуд Маҳмуд сиёсий жазаваларга дош беролмай танқид майдонини эрта тарк этди, кўп ўтмай ҳибсга олинди. Бошда чин нафосат кашшофи сифатида танила бошлаган Абдурахмон Саъдий, Қодирий катта умид боғлаган Сотти Ҳусайнлар вульгар социологизм йўлига тушиб олдилар. Отажон Ҳошим эса соф марксист адабиётшунос сифатида майдонга чиқди. «Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир» деб аталган ноёб танқидий асар муаллифи Абдурахмон Алимуҳамедов «буржуа эстетизми»да кескин айблангач, танқид соҳасини тарк этиб тинчроқ соҳа — хорижий адабиёт ихтисослигини танлади. Ҳ. Ёқубов, И. Султондек катта билим, зўр истеъдод эгалари фаолиятида марксча-ленинча таълимот ақидалари бир умр эркин фикр йўлида кишан бўлиб келди. И. Султон ўз истеъдодини ада-

бий танқиддан кўра драматургияга йўналтирди. Шу тариқа XX асрнинг биринчи ярмида жаҳон янги танқидчилиги намояндалари билан бир қаторда тура оладиган, танқидчиликни қисмат деб биладиган, адабий жараён ичида яшаб унга муайян таъсир кўрсатишга қобилчин истеъдод соҳиби — тўлақонли мунаққидлар етишиб чиқмади.

Сталин вафотидан сўнг мамлакатда юз берган «эрувгарчилик» шароитида, 50-йиллар ўрталарида миллий танқидчилигимиз осмонида икки юлдуз бирданига ярқ этиб порлади. Улардан бирининг исми шарифи Матёқуб Қўшжонов, иккинчисиники эса Озод Шарафидинов. Гарчи Матёқуб ака Озод акадан ўн ёш катта бўлса-да, улар тенгдошдай кўринар, ўзларини тенгдошдай кўрар, бир-бирларига сенсираб мурожаат этишарди. Иккаласи ҳам Москва таълимини олиб қайтган, иккиси ҳам XIX аср рус танқидчилари — Белинский, Добролюбов анъаналари руҳида тарбия топган, ниҳоятда билимдон ноёб истеъдод соҳиблари эдилар. Матёқуб ака Белинский ижоди бўйича тадқиқот олиб боришга жазм этган олим, Озод ака эса Белинский, Добролюбовлар таржимони сифатида танилган эди. Тақдир тақозосини қарангки, ҳар икки аллома ҳам Миллий университетда деярли баробар фаолият бошладилар. Иккиси ҳам Абдулла Қаҳҳор мактаби одами эдилар.

Ўзбекистон қаҳрамони шоир Эркин Воҳидов ўша кезлардаги адабий муҳит манзарасини шундай таърифлайди: «Олтмишинчи йилларда умумшўро адабиётида бўлгани каби ўзбек адабиётида ҳам икки хил дунёқараш ўртасида кураш авжига чиқди. Янги тўлқин анъанавий қолипларни бузиб-ёриб, баҳорги сойлар каби қирғоққа сиғмай тошиб кела бошлади. Лекин бошқа фикрдаги, аслиятга содиқ, анъаналарни қадрлайдиган, ҳаётни тартиб-интизомсиз тасаввур қилмайдиган кишилар учун ушбу тўлқин номақбул, хатарли бўлиб кўриниши табиий эди... Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшин атрофида уюшган, адабиётнинг расмий ҳайъати ҳисобланган қудратли гуруҳ билан Абдулла Қаҳҳор шогирдлари аталган янада қудратлироқ бир саф ўртасидаги ички кураш зоҳирдаги осойишталик, дўсто-

на муносабатларга қарамай ашаддий тус олган эди» (Лазиз Қаюмов. Хотиралар. Т., Ф. Фулом номидаги нашриёт, 2005. 7-бет).

Абдулла Қаҳҳор одамлари — шогирдлари сафида О. Ёқубов, П. Қодиров, Ҳ. Умарбеков, Ҳ. Назаров, Ш. Холмирзаев, Ҳ. Ҳошимов каби носирлар, А. Мухтор, Шухрат, Э. Воҳидов, А. Ориповдек оташнафас шоирлар қаторида О. Шарафиддинов билан М. Қўшжонов бошлиқ мунаққидлар ҳам бор эди. Мен Қаҳҳор хонадонидаги, адибнинг шаҳардаги уйи ва Дўрмондаги боғ ҳовлисида бўлиб ўтган кўплаб адабий гурунглarda иштирок этиш бахтига муяссар бўлганман. Бу даврадаги суҳбатлар шахсан мен учун университет адабиёт таълимидан юксакроқ бўлган десам, ишонаверинг.

Давра гурунглирида асосан ҳаёт ва адабиёт устида гап борар, муаллифи ким бўлишидан қатъи назар янги чиққан асарлар хусусида фақат ҳақиқат айтиларди. Расмий давраларда ижобий баҳоланган, мукофоту совринлар билан тақдирланган кўп сохта асарларнинг авра-астари очиб ташланарди. Бугина эмас, матбуотда, университет аудиториясида «реакцион», «антисовет» сифатида қораланиб турган ғарб ва рус файласуфлари, руҳшунослари, санъаткор, адиблари асарлари устида ҳам илиқ гаплар, ўзгача қарашлар билдириларди. Шопенгауэр, Ницше, Фрейд, Кафка номларини илк бор шу давраларда эшитганман. Суҳбатлар ўз-ўзидан ҳаёт муаммолари, сиёсатга бориб тақалар, «социализмнинг Шарқдаги машъали» деб ном олган республика-миздаги реал аҳвол, юритилаётган мунофиқона сиёсат, меҳнаткаш халқнинг, хусусан, қишлоқ аҳлининг ночор турмуши, аёлларнинг, мактаб болаларининг қулларча меҳнати ҳақида мардона гаплар айтиларди... 1977 йили Москвадаги Олий Адабиёт курсида собиқ Иттифоқ ёш танқидчиларининг бир ойлик семинарида қатнашиб эдим. Таниқли рус адиблари Ф. Абрамов, А. Астафьев, Е. Евтушенко, В. Распутинларнинг мардона чиқишларини тинглаб беихтиёр Қаҳҳор хонадонидаги гурунглари элардим. Ўн йил бурунги ўша гурунглар руҳи парвози бу ердаги гап-сўзлардан асло қолишмас эди. Мен ўшандай гурунглар шоҳиди бўлганим учун ўзимча фахрланардим. Бу анъана Қаҳҳор ва-

фотидан кейин ҳам давом этди. Мана, салкам қирқ йилдирки, ҳар йили адиб туғилган кун — 17 сентябрда унинг хонадонида тўпланамиз, бу хонадонда бўлиб ўтган машҳур гурунглари кўмсаймиз, улуғ адибни, Кибриё опани эслаймиз, устоз ўғитларини, мардона сўзларини ёдга оламиз, Қаҳҳор шахсиятининг кейинги ярим асрлик миллий адабиётимиз, умуман адабий-танқидий тафаккур ривожига беқиёс таъсири устида ўй сурамиз. Озод ака билан Матёқуб ака то умрининг охирига қадар шундай давраларнинг тўрида ўтирар, даврани бошқариб борардилар.

Қаҳҳор хонадони давраларида, жумладан, адабий танқид ҳақида ҳам биз ҳеч қаерда ўқимаган, эшитмаган гаплар бўларди. Шулардан айримлари эсимда қолган: «Танқидчи ижодкор билан китобхон орасида Қоработир эмас, дўст — тилмоч бўлиши керак»; «Танқидчи — бамисоли меҳрибон доя каби янги туғилган яхши асарни йўргаклаб олиши лозим...»; «Белинский, Добролюбовлар билан Пушкин, Лермонтовлар муносабатини эсланг — улар бир-бирларига дўст, меҳрибон бўлганлар, бир мақсад йўлида кураш олиб борганлар. Бир-бирларини нақадар яхши тушунганлар. Бир тилда сўзлашганлар. Бизда эса бунинг бутунлай тескариси. Ёзувчи «А» деса, танқидчи «Б» дейди. Истеъдодли асарни қўлда гулдаста тутиб қутлаш ўрнига найза кўтариб қарши олади. Дилидаги гапни айтиш ўрнига, юқоридагиларнинг қош-қовоғига қараб гапиради. Улар назарида асар ёзган ёзувчи — қора курсида ўтирган жиноятчи, ўзларини эса ҳукуматнинг ҳимоячиси — посбони деб билади».

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталаридан тортиб то 60-йилларга қадар биздаги танқидчилик манзараси айни адиб айтганидай бўлган. Ўша кезлари Чўлпон билан Ойбекнинг кўнгил лирикаси, «Ўткан кунлар», «Абулфайзон», «Ҳинд ихтилолчилари», «Сароб», «Навойи», «Кўшчинор», «Тобутдан товуш» сингари эътиборга сазовор барча асарлар ва уларнинг муаллифлари бошига не-не савдолар тушганлигини яхши биламиз. Бу офат 70—80-йилларда ҳам турли кўринишларда давом этди... Шахсий ғараз, бахиллик, жаҳолат ва демагогия самараси бўлмиш ур-йиқитчилик авж ол-

ган кезлар миллий танқидчилигимиз тарихидаги, Қодирий таъбири билан айтганда, «Энг кирлик, қора кунлар» бўлиб қолди.

Дарвоқе, Қаҳҳор давраларида танқидчининг масъулияти, талабчанлиги, адабиётдаги ҳалтурага, бўш, ёлгон ва сохта асарларга қарши муросасиз бўлиши зарурлиги доимо таъкидланар, адибнинг ўзи бу жиҳатдан ҳам сафдош ва шогирдларига ўрнак кўрсатарди. «Танқидчиликдаги офаринбозлик» иборасининг ижодкори ҳам, бу иллатга биринчи бўлиб ўт очган ҳам унинг ўзи эди. Олтмишинчи йиллари танқидчиликда жавлон урган, яхши-ёмон асарларнинг фарқига бормай, уларнинг барчасига бирдек офарин айтишни касб қилиб олган бир мунаққид ҳақида сўз очиб: «Бу одам нушқурд чиқармайди, ям-яшил беда билан сассиқ алафнинг фарқига бормай баробарига туширавереди», деган эди. Ўзига энг яқин адиб ва мунаққидлар асарларидаги камчилик ва нуқсонларни ҳам ўзига дангал айтар, айни пайтда ўз асарлари хусусида оқилона билдирилган эътирозларни эътибор билан тингларди. Устоз кўпинча катта илмий мақолада ифодалаш мумкин бўлган ўткир масалаларни биргина жумла — истехзо орқали айтиб юборар, адабиётдаги нохуш ҳодисаларга ниҳоятда теран, одилона баҳо берарди. Бир гал Дўрмондаги боғда гурунглашиб ўтирганимизда, ўзини Абдулла акага яқин олиб юрадиган ҳозиржавоб журналист қаламкаш келиб қолди. Ўша кунга газетада унинг чўчқачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорга жавобан ёзилган ҳикояси чиққан эди. Салом-алиқдан сўнг Абдулла ака бирдан: «Ҳикоянгизни ўқидик, антиқа нарса — Чўчқа образини адабиётга олиб кирибсиз», дедилар. Шунда бояги журналист ёзувчининг ранги ўчиб кетди. Ҳаммамиз ерга қараб қолдик. Шу биргина истехзонинг ўзи ҳам ёзувчи, ҳам танқидчи учун жиддий сабоқ эди. Бунақа воқеалар кўп бўлган.

Қаҳҳор хонадонидаги бу хил гурунглари руҳи биринчи галда Матёқуб Қўшжонов ва Озод акалар орқали Миллий университет аудиторияларига ҳам бамисоли нур тезлигида кириб келар, ўз навбатида ёш мунаққидлар, мен ва менинг сафдошларим — Норбой, Абдуғафур, ўша кезларда талаба бўлса-да яқин суҳбатдош ва мас-

лакдошим Иброҳимжонларнинг шуурида чуқур из қолдириб, бизларнинг маслак ва эътиқодимизга айланиб борарди. Мен ҳам талабалар олдидаги маърузаларимда, Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокама-мунозараларда, матбуотдаги чиқишларимда баҳоли қудрат Қаҳҳор одами каби сўзлашга, ёзишга интилардим. Қаҳҳорга бўлган эҳтиром сабаб номзодлик ишим замонавий ҳикоячилик масалаларига бағишланган эди. Ҳикоячиликка оид туркум мақолаларим эл оғзига тушди, ҳатто «Шарқ юлдузи»да чиққан «Даҳшат» ҳикояси таҳлиliga бағишланган мақола хусусида Абдулла Қаҳҳордек талабчан мураббий илиқ гап айтди. Бу ҳол мени ниҳоятда руҳлантириб юборди, шундан кейин бутунлай адабиёт, танқид оламига шўнғиб кетдим. Бу орада мени Ёзувчилар уюшмасига қабул қилишди, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошйимовлар сафида 1966 йил баҳорида Москвада ўтган ўзбек ёш ёзувчилари семинарига юборишди. Москвадан янада дадилроқ бўлиб қайтдим. Қаҳҳор давраларидан бошланган, адабиёт, адабий тафаккур ривожини йўлида ёв бўлиб турган ақидапарастликка қарши қалбда жўш урган исён менга тинчлик бермасди. Устоз Озод ака изидан бориб эҳтиросга берилиб қалтис масалаларда «қуюшқон»дан чиқиб кетганим учун гоҳо танбеҳлар эшитар эдим.

Шу орда файласуф бир мунаққиднинг ақидапарастлик руҳидаги чиқишлари хусусида сўз очиб шундай деган эдим: «Унинг қаршисида ҳар гапнинг бирида материя бирламчи, онг иккиламчи деб турмасанг ба-лога қоласан». Оқибат мен айтгандан ҳам баттар бўлди. Бу кимса менга қарши бир қулоч мақола ёзиб «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилди, мени материализм ва марксизмни ҳақорат қилишда айблади, номимни жаҳон фалсафаси тарихидаги «энг илғор таълимот»нинг ашаддий душманлари — идеалистлар қаторига тиркаб қўйди. Бугина эмас, бунақа сиёсий саводсиз одам университетда дарс бериши, ёзувчилар сафида туриши мумкин эмаслиги хусусида юқори идораларга хатлар йўллади... Нима қиларимни билмай ганғиб юрган кезларим, Кибриё опа хонадонимизга телефон қилиб қолдилар: «Абдулла акангиз йўқлаяптилар, бир

келиб кетар экансиз», дедилар. Бордим. Абдулла аканинг столи устида ўша машъум мақола чиққан журнал турарди. Гап нимада эканлигини англадим. Устоз менинг атрофимдаги ғалвалардан хабар топиб, бу хусусда Ёзувчилар уюшмаси раҳбари, Марказий Қўмита ходимлари билан суҳбатлашибди. «Хатар ўтди, хотиржам бўл. Кўриб турибман, ўзингни анча олдириб қўйибсан. Биргина муштга шунчаликми, — дедилар қулиб ва қўли билан бошига ишора қилиб сўзида давом этдилар, — бу бошга бунақа муштардан сон-мингтаси тушган, ўлиб қолганим йўқ, мана, тирик юрибман. Навоий айтмоқчи, эмас осон бу майдон ичра турмоқ... Адабиёт иши чидаганга чиқарган!» Сўнг журналдаги мақолага шаъма қилиб дедилар: «Қип-қизил демагогиянинг ўзгинаси. Демагог билан шаллақи, безори орасидаги масофа бир одим. Бунақа кимсалар билан олишиб барака топмайсан. Яхшиси, улардан узоқроқ юр».

Шу-шу иккинчи бор унинг номини тилга олмай-диган бўлдим.

Орадан кўп ўтмай устоз Матёкуб аканинг маслаҳатига кўра Абдулла Қаҳҳор туғилган куннинг 60 йиллигига атаб у ҳақда китоб тайёрлайдиган бўлдик. Мен китобнинг «Ҳикоянавис санъати» қисмини ёздим. Қўлёзма тайёрланиб нашриётга топширилди. Негадир нашр иши юришмай қолди. Шу орада китоб қўлёзма-сига ёзилган муаллифи сир тутилган ички тақризни қўлимга тутқизишди. Унда қўлёзмининг камина қаламига мансуб қисми кескин танқид қилинган, Қаҳҳор ҳикояларининг гоъвий-сиёсий жиҳатлари етарли очиб берилмаган, муаллиф А. Алимухамедов изидан бориб адиб ҳикояларини «буржуа эстетизми» руҳида текширган, дея айблар қўйилган, уни шу ҳолда чоп этиш мумкин эмас дея ҳукм чиқарилган эди. Илк китобим қўлёзмаси ҳақидаги бу хил кескин ҳукм мени довдиратиб қўйди. Шунда Матёкуб ака жонимга ора кириб: «Бу сиёсий сафсатабозликдан бошқа нарса эмас, Сиз хотиржам бўлинг, ўзим гаплашаман, китоб, албатта чиқади», дедилар. Домла айтганидай бўлди, китоб ўзгаришсиз чиқди, афсус, адиб вафотидан кейин чиқди...

Бошимдаги ғалва шу билан аригандай бўлди. Бироқ менга нисбатан ишончсизлик шарпаси теварак-атро-



фимда узоқ йиллар кезиб юрди. Орадан ўн беш йилча муддат ўтиб, 1981 йили туғилган кунимнинг 50 йиллиги муносабати билан мени мукофотга тавсия этишди. Бу иш негадир тўхтаб қолди. Кейинчалик эшитишимча, Озод ака илтимосига кўра Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Сарвар Азимов Марказий Қўмита масъул ходими билан шу хусусда гаплашади, ходим бир вақтлар менинг сиёсий хатога йўл қўйганлигимни писанда қилади; «Кимлар хато қилмаган, Умарали адабиётимиз учун кўп савоб ишлар қиляпти, йўл қўйган хатосини аллақачон ювиб юборган, бу йигит ҳар жиҳатдан мукофотга лойиқ», деб туриб олади... Шу тариқа бир оз кечикиб бўлса-да менга Фан арбоби унвони берилди. Мукофот хабарини эшитган Саид Аҳмад ака хонадонимизга телефон қилиб: «Унвон билан эмас, тавқи лаънатдан қутулганинг билан қутлайман», — деди. Бу қутлов чоғи қувончдан кўзимга ёш келган эди.

«Сут билан кирган жон билан чиқади» деган гап бор. Гарчи Абдулла Қаҳҳорнинг мутаассиб демагог кимсалардан узоқроқ юр, деган маслаҳатлари доимо қулгимда бўлса-да, яхши асар ва унинг муаллифи ҳақида айтилган қўпол гапларни сираям ҳазм қилолмайман, бундай пайтда жим туролмайман Мендан ёши улугроқ бир ҳамкасбнинг А. Ориповнинг «Аёл» шеъри, Ш. Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романи бўйича вульгар социологизм руҳидаги чиқишларига қарши айтилган мулоҳазаларим жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Шуниси қувончлики, 80-йилларга келиб вазият ўзгара бошлаган, демагогиянинг шашти бир оз пасайган эди. М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, И. Ҳаққулов каби етук мунаққидлар матбуот саҳифаларида мени ошкора ҳимоя қилиб чиқдилар. Жумладан, О. Шарафиддинов «Адабий танқид замон хизматида» сарлавҳали мақоласида айрим мунаққидлар асарга аввалдан тайёрлаб қўйилган қолиплардан келиб чиқиб, схемаларга таяниб ёндашиш билан баробар ёзувчи олдига бир томонлама талаблар ҳам қўяётганлигини танқид қилади, бунга О. Тоғаев мақолаларини мисол қилиб келтиради. Мунаққиднинг Ш. Холмирзаев ҳақидаги мақоласида «Сўнгги бекат» романидаги Ўктам ва Насиба образлари бир томонлама талқин қилинганлиги ва бу образлар

моҳиятига сингдирилган ижтимоий-бадий мазмун очиб берилмаганлигини айтади. «Шунингдек, — деб ёзади у, — О. Тоғаев «Гулистон» журналининг 1983 йил 8-сонига эълон қилинган мақоласида бева хотин эрга тегмай, тоқ ўтса, фарзанд кўрмайди, бинобарин у ижтимоий бурчини бажара олмайди деган ғалати мантиққа асосланиб, Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъридан ғоявий «хато» топишга уринади. Бундай уриниш нақадар самарасиз ва ғайриилмий эканини Умарали Норматов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Тушуниш, ҳис қилиш санъати» мақоласида ишонарли далиллар билан кўрсатиб берди» (О. Шарифдинов. Ҳақиқатга садоқат. Т., 1989. 129-бет).

Орадан кўп ўтмай яна бир асар П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи теварагида фитна юз берди. Маълумки, бу асар 1972 йили ёзиб тугатилган, Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилиниб ижобий баҳоланган, нашрга тавсия этилган эди. Бироқ ғаламисларнинг кўзга кўринмас фитналари туфайли асар олти йил босилмай ётди. Ниҳоят, олижаноб одамларнинг аралашуви туфайли роман «Шарқ юлдузи»нинг 1978 йил 4—7-сонларида эълон қилинди. Ўша кезлари журнал 167 минг нусхада чоп этиларди, журналнинг роман чоп этилган нусхалари қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Менинг хомчўт ҳисобларимга кўра журнал орқали «Юлдузли тунлар»ни салкам бир миллион ўқувчи мутолаа қилган. Асар тез орада рус ва бошқа тилларга таржима қилинди, танқидчиликда ижобий баҳо олди, роман Республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Мустабид тузум тутуруқсиз адабий сиёсатини қарангки, орадан салгина фурсат ўтиб, аввал республика Ёзувчилар уюшмаси съезди минбарида, сўнг Ўзкомпартия пленумида, матбуотдаги чиқишларда роман муаллифига катта ғоявий-сиёсий айблар қўйилди; «романда тарихга, тарихий шахсларга синфий ёндашиш, синфийлик тушунчаси йўқ», «Бобур образи идеаллаштирилган», деган алмисоқдан қолган гаплар айтилди.

Шу орада Ёзувчилар уюшмасида Пленум якунларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Мен унда сўзга чиқиб Партия пленумида «Юлдузли тунлар»га берилган баҳога қўшилмаслигимни айтдим. Ҳамкасбларимиз-

дан бири сўз олиб мени сиёсий калтабинликда айблади. Мен нима қиларимни билмай қолдим. Залда ўтирганлар, айниқса, мажлис ҳайъати ҳайрон... Муҳокама охирида Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Ўлмас Умарбеков ғоят усталик билан мени ҳам, мажлис ҳайъатини ҳам мушкул вазиятдан қутқариб қолди. «Асар ҳақида хилма-хил фикрлар бўлиши мумкин, — дея сўз бошлади у. — Пленумда докладчи «Юлдузли тунлар» ҳақида ўз мулоҳазаларини айтган эди. Бу ердаги муҳокамада танқидчи Умарали ҳам ўз фикрини айтди. Бундай фикр алмашувлар яна давом этавериши мумкин. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини келажак кўрсатади».

Кўплар шунда Ўлмаснинг моҳир ташкилотчи, уста дипломат эканига тан берган эдилар. Худо кўрсатмасин, Уюшма раҳбари бояги нотиқнинг ёнини олиб мени Компартия пленуми қарорига қарши чиқишда айблаганида борми, бошимга не кунлар тушиши аён эди...

Танқид баҳс билан тирик, мен ҳам ҳақиқат баҳсларда аён бўлади деган қарашга кўшиламан. Холислик, юксак билимдонлик, маданият билан айтилган эътирозларни ҳамиша мамнуният билан қабул қилганман. Биргина мисол. Бир асар ҳақида икки хил фикр рубрикаси остида берилган «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси хусусидаги танқидий мулоҳазаларимга ёш иқтидорли мунаққид Илҳом Ҳасан «Икки қисса — бир ҳисса» сарлавҳали мақоласида теран таҳлиллар орқали одоб билан жиддий эътирозлар билдирган. Бунинг учун мақола муаллифини чин дилдан қутлаганман.

Миллий танқидчилигимизнинг М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновлар етакчилик қилган XX асрнинг иккинчи ярми, айниқса, мустақилликкача бўлган даври тараққиёти мураккаб, зиддиятли шароитда, шўро адабий сиёсати, мустабид мафкура таъсири, тазйиқи остида кечганлигини унутмайлик. Қаҳҳор мактабидан чиққан бу икки аллома ҳар қанча билимдон, жасур ва ноёб истеъдод соҳиби бўлмасинлар, барибир улар фаолиятида давр зуғуми асоратлари ўз муҳрини — изини қолдирган. Буни уларнинг ўзлари ҳам яхши билган. Биз, шогирдлар, «Озод ака танқидчиликда мактаб яратган устоз» деганимизда, у киши бунга жиддий эътироз

билдириб: «Мамлакатда ягона мафкура, адабиётда эса ягона метод ҳукмрон бўлган шароитда адабий-илмий мактаб яратиш устида гап ҳам бўлиши мумкин эмас», — дердилар. Бироқ ўшандай шароитда адабий жараёнда ҳақиқат, адолат учун курашган истеъдод соҳибларини, истеъдод билан битилган чин санъат асарларини ҳимоя қилиш, юзага чиқариш, адабиётда халтурага, ўртамиё-начиликка қарши муросасиз кураш йўлини тутишнинг ўзи ҳазилакам жасорат эмас эди. Шундай йўлнинг ўзи **мактаб** дейишга арзийди. Устозлар вафотидан кейингина улар мактаби хусусида бемалол сўз айтишга журъат этаётирмиз ва тўғри иш қилаётирмиз деб ўйлайман.

Ғ. Фулом билан Ойбек туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш чоғида адабиёт илми ўзининг балоғат, юксак бир маданият босқичига кўтарилганлигини намоён этди. Ҳар икки аллома ҳам шўро даври адиблари экани, улар бисоти давр асоратларидан холи эмаслигини асло унутмаган ҳолда, асосий эътибор уларнинг ўшандай шароитда юксак санъат намуналари яратишга эришганликларига қаратилди. Шўро даври танқидчилигига баҳо бераётганда ҳам айна шу йўл устувор бўлиб бораётганлиги кишини мамнун қилади. Чунончи, Б. Раҳмоновнинг «Ўзбек адабий танқидчилиги» китобида М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновдан тортиб Н. Худойбергановгача бўлган мунаққидлар фаолиятини ёритишда айнан шу йўлдан борилган. Жумладан, китоб муаллифи шахсан менинг фаолиятимдаги «қалтис» бир масала хусусида шундай ёзади: «Ҳозирда баъзилар У. Норматовни «социалистик реализм ҳақида энг кўп ёзган» дея маломат қилмоқчи бўлишади. Дарҳақиқат, олим 70—80-йилларда социалистик реализм масалаларига бағишлаб «Социалистик реализм ва реалистик ижод типи» (1972), «Социалистик реализм йўлидан» (1973), «Социалистик реализм ва ҳозирги адабий жараён» (1975), «Ҳаракатдаги реализм» (1983), «Методимизнинг ҳаётийлиги» (1986), «Методимизнинг моҳияти хусусида» (1989) сингари қатор мақолалар ёзди. Бироқ бир нарсани эътироф этиш керак: У. Норматов ҳеч вақт методни догматик тушунган эмас, аксинча, ҳамisha социалистик реализмни «очиқ система» деб билганлар қаторида бўлган, унинг рамкаларини кен-

гайтиришга интилган. Айтмоқчимизки, У. Норматов талқинидаги социалистик реализм билан 30-, 40-, 50-йиллар тушунчасидаги қотиб қолган қолипни бир хил тушуниш хатодир» (Б. Раҳмонов. Ўзбек адабий танқидчилиги. Т., «Янги аср авлоди», 2004. 214-бет).

Кўриниб турибдики, китоб муаллифи «қалтис» масалада мухолифларим тилимни қисиб кўядиган ҳамлардан мени етарли ҳимоя қилган. Муаллиф айтган гапларга шу хусусда адабий жамоатчиликка маълум ва маълум бўлмаган яна баъзи маълумотларни илова қилиб ўтсам дейман.

Танқидчилик фаолиятимнинг дастлабки йилларида кўлимга француз тилидан русчага таржима қилинган Р. Гародининг «Худудсиз реализм» («Реализм без берегов») деган китоби тушиб қолди. Китоб эгасининг айтишича, у махсус мутахассислар учун чоп этилган экан, уни ҳеч кимга кўрсатмаслигимни, эртагаёқ қайтариб беришимни тайинлади. Китобни кечаси билан ухламай ўқиб чиқдим, у менинг ижодий методлар, жумладан, реализм, соцреализм ҳақидаги тасаввурларимни бутунлай ўзгартириб юборди; реализм, соцреализмнинг қатъий қоидалари, чегаралари хусусида биздаги бор гаплар — барчаси шартли ва омонат эканига илк бор имон келтирдим. Орадан кўп ўтмай марказий матбуотда мутаассиб шўро адабиётшуносларининг Гароди қарашларини кесин танқид остига олувчи мақолалари пайдо бўла бошлади. Социалистик реализм ҳақидаги мавжуд расмий қараш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам адабий тараққиётга тўсиқ бўлиб қолаётгани, бу ҳол тоқат қилиш мумкин бўлмаган ҳолга бориб етганлигини ҳушёр ижодий зиёлилар англаб улгурган эдилар.

Биринчидан, XX асрда яратилган кўплаб етук асарлар соцреализм назарияси қолипига тушмагани учун совет адабиёти тарихидан четда қолди, бинобарин, «шўро адабиёти — ғоят бой адабиёт» деган даъвонинг миси чиқди. Иккинчидан, Сталин вафотидан кейинги нисбий эркинлик шароитида мавжуд қолипларга асло сифмайдиغان янги типдаги ижодкорлар шаклланди, новаторона беназир асарлар пайдо бўла бошлади. Мавжуд назария эса уларни одилона баҳолашга монелик қилар-

ди. Ана шундай бир вазиятда адабиёт илмида ҳам нажот йўлларини қидирувчилар майдонга чиқди. Излаган имкон топади деганларидек, болгар адабиётшуноси Д. Марков, рус олими Б. Сучковлар саъйи ҳаракатлари туфайли социалистик реализмни «очиқ система» деб атовчи янги бир илмий концепция пайдо бўлди ва бу қараш теварагида қизғин баҳс-мунозарлар қўзғалди. Ёш мунаққид сифатида бу баҳс мени ниҳоятда қизиқтирарди. Бу назария ўша кезлари бизлар, бинобарин, ўзбек адабий танқидчилиги учун ҳам бирдан-бир имконият ва нажот йўли эди. «Очиқ система» концепциясига кўра бу ижодий методнинг бағри ҳаётдаги ҳар қандай янгиликларга, жамики илғор ҳодисаларга кенг очиқ, у инсоният даҳоси яратган барча маданий бойликлар, энг қадимий миф, афсона ва ривоятлардан тортиб танқидий реализмга қадар ҳамма илғор адабий оқимларнинг яхши тажрибаларини, шунингдек, ҳозирги замон жаҳон прогрессив адабиёти ва санъатининг ютуқларини дадил ижодий ўзлаштириш асосида ривожланади... Унинг бағри ижодий изланишлар, мазмун ва хилма-хил шакллар учун ниҳоятда кенг, ҳаттоки у биз учун **ёт бўлган** адабий мактаб ва йўналишларнинг бадиий тажрибасидан, адабий приём ва воситаларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдалана олади... Очиқ система концепциясининг яна бир афзаллиги шундаки, у миллий адабиёт тарихини ҳаққоний баҳолаш, янги адабиёт йўлидаги хилма-хил изланишлар манзарасини кенгроқ тасаввур этишга, ҳар хил сабабларга кўра социалистик реализм доирасидан четга суриб қўйилган асарлар моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Энг муҳими, очиқ система концепцияси соф назарий муаммо эмас, у амалиётга яқинлиги билан ажралиб туради, хусусан, адабиёт ва санъатнинг ҳозирги босқичдаги тараққиёти тенденцияларини тўғри белгилаш, илмий баҳолаш учун назарий дастуриламал бўла олади (қаранг: Қалб инқилоби. Т., 1986. 5—7-бетлар).

Ҳарҳолда мен «очиқ система» концепциясини шундай тушунганман; 70-йиллар бошларидан то 90-йиллар охирига қадар ёзган социалистик реализм тўғрисидаги туркум мақолаларимда айти шу қарашни ўтказишга ҳаракат қилганман. Қодирий, Чўлпон, Фитрат

каби қатағон қурбонлари ижодий меросини халққа қайтаришда айна шу «очиқ система» концепцияси ҳам қўл келган. Ижодий методга оид баҳсларда Қодирий дунёқарашадаги оқсоқликлар рўкач қилиниб, адиб синфий курашни тушуниш ва ифода этиш масаласида ҳатто Муқимийлар даражасига ҳам кўтарила олмаган, бинобарин, у шўро адабиёти учун бутунлай бегона деган иддаолар илгари сурилган бир шароитда «очиқ система» Қодирийни «оқлаш» — соцреализм даргоҳига олиб кириш имконини берган. Докторлик диссертациямда Чўлпоннинг «Шўролар ҳукумати ва саное нафиса» сарлавҳали мақоласи таҳлиliga бағишланган кичик бир фасл бор эди. Мақоладаги Чўлпоннинг сўз санъатини синфий тушунишга оид қарашларига, бир қатор инқилобий руҳдаги асарларига таяниб, адибни соцреализм томон тортишга уриниб эдим. Фасл охирида ҳатто «Шўролар ҳукумати ва саное нафиса» мақоласини ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг манифести деган хулоса чиқарилган эди. Айрим устозларнинг қатъий эътирози туфайли бу фасл диссертациядан олиб ташланди. «Паранжи сирлари», «Абулфайзхон», «Сароб» каби асарларнинг янгича талқинида ҳам «очиқ система» концепцияси мен учун қўл келганлигини эътироф этишга бурчлиман.

Ўша йиллари П. Пикассо, С. Дали, Г. Маркес сингари жаҳон адабиёти ва санъатининг улкан намояндalари ҳам «очиқ система» ижодкорлари деб атала бошланди. Е. Евтушенко, А. Вознесенский каби жасур шоирлар шеърляти, Ч. Айтматовнинг жаҳонни лол қолдирган роман ва қиссалари теварагида қанчалар кескин тортишувлар бўлмасин, охир-оқибат «очиқ система» концепцияси туфайли улар «ўзимизники» бўлиб қолди. Ҳатто, Ч. Айтматов аслида социалистик реализм андозаларини парчалаб ташлаган «Асрга татигулик кун» романига ёзган сўзбошисида «очиқ система» имкониятидан келиб чиқиб асар социалистик реализмга дахлдорлигини айтиб ўтган, шу тариқа бу шоҳ асарни бўлғуси ҳамлалардан ҳимоя қилмоқчи бўлган эди.

Азизлар, тарихий ҳақиқатни унутмайлик. Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталаридан бошланган миллий адабиётимиздаги уйғониш, янгича тўлқин қанчалар кес-

кин курашлар ичида кечганлигини бу жараённинг ичида бўлганлар, бошидан кечирганлар яхши билади. «Синчалак», «Ўтмишдан эртактар», «Тобутдан товуш», Э. Воҳидов, А. Орипов, Р. Парфи лирикаси, кейинроқ «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» романлари, Ш. Раҳмон, Х. Даврон шеърляти, Мурод Муҳаммад Дўст, Олим Отахон, Ҳ. Султон, Э. Аъзам насри, айрим асарлари қанчалар қийинчиликлар билан ўзига йўл топганлигига бизлар гувоҳмиз. Ҳамкасбларимиз эътироф этиш, этмасликларидан қатъи назар миллий адабиётимиздаги ижобий ўзгаришларни, янгича тамойилларни ҳимоя қилишда «очиқ система» концепцияси ўша йиллари назарий дастуриламал бўлиб хизмат қилган. Шахсан ўзим 20 йил давомида ёзган «очиқ система»га оид мақолаларимни қайта кўздан кечириб, кўнглим бир нарсадан таскин топгандай бўлди: аксар ҳолларда миллий адабиётимиздаги ижобий ҳодисалар, чинакам санъат намуналари ҳимоя қилинган экан, бирикки ҳолатни мустасно этганда «социалистик реализм» шартларини рўкач қилиб, чин санъат намуналарини бадном этиш, топташ ҳоллари деярли йўқ! Ўша мураккаб замонларда бу борада йўлдан оздирмагани учун Яратганга шукроналар айтаман.

Беайб парвардигор деганларидай, мазкур мақолаларда замонга зайли туфайли замонбоп мулоҳазалар ҳам бидирилган, фикрлар далили учун расмий ҳужжатлардан иқтибослар келтирилган, яъни сопини ўзидан чиқарилган. Биламан, мақолалардаги «очиқ система» йўлида бу қадар куюнчаклик билан айтилган гаплар бугунги китобхонга бир оз ғалати, эриш туюлиши, улар бунинг нимаси жасорат дея ҳайрон бўлиши турган гап. Бироқ ўша кезлари бу ғоя ҳаётга осонликча кириб келгани йўқ. Менинг бу хилдаги чиқишларим ҳамкасбларимнинг жиддий эътирозига учраган эди. Масалан, проф. Н. Шукуров «социалистик реализмнинг очиқ система эканлигини айтишнинг ўзи етарли эмас», деб даъво қилади ва бу методнинг ўз принципларига (яъни партиявийлик, синфийлик) эга эканлиги ҳамиша адабиётшуносларнинг диққат марказида туриши лозимлигини қатъий тарзда уқтиради. Проф. Б. Имомов назарида социализмнинг ғоявий-бадий имкониятлари,



ундаги ранг-баранглик тўғрисидаги кузатиш, хулосалар чексиз-чегарасиз бағрикенглик, бинобарин, соцреализм илдиизига болта уриш бўлиб туюлади... Бу борадаги эътирозлар адабий баҳс-мунозаралар доирасидан чиқиб унга сиёсий тус берилди. Ижодий уюшмаларнинг қўшма пленумида бир устоз нотик «айрим адабиётшунослар «очиқ система» ниқоби остида соцреализмнинг қалби ва жони саналмиш коммунистик партиявийлик принципини амалда инкор этишмоқда», дея аюҳаннос солди. Сўнг республикадаги бош газетанинг редакцион мақоласида «баъзи адабиётшуносларнинг соцреализм талқини бобидаги сиёсий хатолари» алоҳида таъкидлаб ўтилди. Қизиқ, «очиқ система» масаласида урилган «Қалб инқилоби» китоби 1989 йили Давлат мукофоти билан тақдирланди.

1986 йил ёзида Иттифоқ ёзувчиларининг VIII охириги съезди бўлди. Республикадан сайланган съезд делегатлари қаторида мен ҳам бор эдим. Ўн кун давом этган, асосий мажлислари Кремль саройида ўтган, ялпи йиғилишларида политбюро аъзолари қатнашган бу съездан олган таассуротларим шу бўлдики, аввало, Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси ич-ичидан дарз кетган, у чуқур ички таназулга учраган, унинг келажагига умид йўқ. Қолаверса, эндиликда шўро адабий сиёсати бадийи жараённи бошқаришга қодир эмас, аслида тайинли сиёсатнинг ўзи йўқ. Бироқ бошқарув ҳокимияти одан тушса ҳам эгардан тушгани йўқ. Зўрма-зўраки бир тарзда жиловни кўлда тутишга тиришарди. Съездининг секция мажлисларидан кўп нарса кутган эдик, мен танқид секцияси мажлисига маъруза тайёрлаб борган эдим, Ўзбекистондан фақат Л. Қаюмовга сўз берилди, холос. Расмий ахборотлардан нари ўтилмади, адабий танқид, адабиётшуносликнинг бирорта жиддий масаласи кўтарилмади...

Съезд кунларида «Новый мир»да Ч. Айтматовнинг «Қиёмат» («Плаха») романи чиқа бошлаган эди. Делегатларнинг қўлида «Новый мир», нотикларнинг расмий гаплари қулоқларга кирмас, кўпларнинг фикри-хаёли «Қиёмат»да эди. Съезд кунларининг энг катта гапи, жиддий воқеаси шу роман бўлди. Бу роман биз куйибпишиб ҳимоя қилган «очиқ система» қолипига ҳам

сигмас эди. Асар марказида эзгулик тимсоли — жафокаш руҳоний йигит қисмати турарди. Ҳали роман журналда охиригача чиқмай туриб уни матбуотда дўппослаш, муаллифни «Оллоҳга ғамза қилиш»да айблаш бошланди, унинг журналдаги нашрини тўхтагиб қўйишга уринишлар бўлди. Қизиқ, орадан кўп ўтмай романни зўр бериб ҳимоя қилишга тушдилар... Шунда мен назария билан реал адабий жараён орасида катта бир жарлик борлигини, мен куйиб-ёниб неча йиллар ҳимоя қилган «очиқ система» концепцияси ҳам соцреализмни оқлаш учун қодир эмаслигини англаб ета бошладим. Шундан кейин ёзилган «Методимизнинг моҳияти хусусида» сарлавҳали мақолада аввалги ишларим танқидий сарҳисоб этилиб, социалистик реализм хусусида бизда мавжуд қарашлар кескин танқид остига олинди. Бу методни «юксак ва олий босқич», «юқори босқич», «ҳозирги жаҳон тарихий-адабий процессидаги энг прогрессив ва истиқболи порлоқ ижодий метод», «жаҳон адабиётининг бугунги бош йўли» деб кўкларга қўтариш, айниқса, соцреализмни бошқа методларга қарама-қарши қўйиш, соцреализмнинг туғилишини реализм ва танқидий реализм методининг «ўз тарихий вазифаларини адо этиб бўлиши билан боғлаш ҳақиқатга хилоф» эканлиги айтилди. Айни пайтда жаҳон адабиётидаги бошқа ижодий оқимларга мансуб Ф. Кафка, А. Камю, Т. Манн, С. Цвейг, У. Фолкнер, Э. Хемингуэй, Я. Камол, А. Несин, Кобо Абэ, Г. Маркес каби буюк сўз усталарининг улкан кашфиётларини камситишга асло ҳаққимиз йўқ деб ёзганман («Шарқ юлдузи», 1989, 5-сон. 184-бет). «Ҳақиқат тақозоси» сарлавҳали охириги мақоламда соцреализмга мансуб этилган қатор сохта асарлар кескин танқид этилгани ҳолда, соцреализмдан четда турган «Ўткан кунлар», «Сароб» каби романлар қатъий туриб ҳимоя қилинган.

Ниҳоят, 80-йиллар охирига келиб шунга амин бўлдимки, коммунистик режим мавжуд экан, коммунистик партиявийлик принципи «очиқ система»нинг ҳам негизи бўлиб қолаверар экан, унинг «бағрикенглиги» ҳақидаги даъволар омонат, эндиликда ундан нажот қидириш беҳуда; «очиқ система» орқали замонавий адабий жараёни англаш, баҳолаш мумкин эмас.

Шу тариқа у ҳақда ёзишни тўхтатдим. Оллоҳ шоҳид, азизлар, ўша кезлар ўттиз йилча сафида бўлганим компартия аъзолигидан чиқишга аҳд қилдим. Аҳдимни устоз Озод акага айтганимда: «Мен ҳам аллақачон шундай қарорга келганман. Лекин бу масалада шошилмайлик. Кўриб турибсиз, компартиянинг тагига аллақачон сув кетган. Бироқ у ҳозир жазавода. Агар шу кезларда партия сафидан чиқсангиз кафедра мудирлигидан, домлаликдан маҳрум бўласиз, матбуотдан четлашасиз, сабр қилсангиз, ҳаммаси жойига тушиб кетади», — дедилар. Орадан кўп ўтмай айна устоз айтгандай бўлди.

Адабиётимизда мустабид тузумнинг танқидий таҳлили тобора кескинлашиб борди, хусусан, Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лоллазор», Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романларида, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул қисса ва ҳикояларида, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон шеърлятида бу тамойил олий нуқтага кўтарилди. Мен улар ҳақида биринчилардан бўлиб сўз айтишга интиланман. XX асрнинг энг муҳим ҳодисаси — миллий истиқлол, унинг маънавий-маданий ҳаётимиздаги самараси саналмиш истиқлол адабиётининг, тубдан ўзгараётган, янгиланаётган адабий-бадиий, бинобарин, танқидий тафаккурнинг шаклланиш жараёни шоҳиди, иштирокчиси бўлганим билан фахрланаман.

Кези келганда, созреализм билан боғлиқ яна бир муаммо хусусида ўз фикримни айтиб ўтсам. Соцреализм негизи саналмиш адабиётга синфий-патиявий ёндашиш яроқсиз усул экани, бу нарса айниқса шўро даврида кўплаб фожейя оқибатларга олиб келганини яхши биламиз. Бироқ жаҳон адабиёти тарихидан шу нарса аёнки, сўз санъати дунёсида оддий заҳматкаш, жафокаш меҳнат аҳлига мойил, улар манфаатини ҳимоя қиладиган, орзу-интилишларини акс эттирадиган ижодкорлар, асарлар ҳам бор, бўлиши табиий. XIX аср охири XX аср бошларида Овропада, жумладан, Россияда пролетар адабиёти деб аталган оқим шу тариқа пайдо бўлган, жумладан, М. Горькийнинг «Душманлар» драмаси, «Она» романи бунинг далили бўла олади. Бизда

ҳам шунга яқин айрим асарлар яратилган. Октябрь тўнтаришидан кейин адабиётда хилма-хил оқимлар қатори инқилобий адабиёт ҳам бошда тенг ҳуқуқли бир тамойил сифатида ҳаракат қилган. Афсус, 20-йиллар иккинчи ярмига ўтиб пролетар адабиёти гегемонлик мавқеини эгаллаб, бошқа оқимларни суриб чиқара бошлади, 30-йилларга ўтиб у соцреализм адабиёти номи остида давлат мақоми тусини олди, Ёзувчилар уставига барча қалам аҳли амал қилиши лозим бўлган соцреализм қоидалари таърифи киритилди, шу тариқа расман сўз санъати ҳукмрон мафқуранинг қуролига айлантирилди. Шундан сўнг адабиёт, санъат оламида қиёмат кўпди. Соцреализм қолипига тушмайдиган адиблар, асарларни қатағон қилиш бошланди... XX аср жаҳон адабиёти ривожини манзарасини, тараққий этган носоциалистик мамлакатлардаги аҳволни кўз олдингизга келтиринг. Уларда хилма-хил оқимлар қатори соцреализм деб аталувчи тамойилга мансуб асарлар озми-кўпми мавжуд. Бироқ ҳеч қаерда уларга алоҳида устуворлик ҳуқуқи берилган эмас, бу метод туфайли адабий жараён жабр кўрган, бирорта ижодкорнинг бурни қонаган эмас. Жаҳон адабиёти ва санъатида ҳатто бугунги кунда ҳам оз бўлса-да шу йўналишга мансуб асарлар яратилипти. Япон киночилари маҳсули бўлган «Ошин» фильми бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Тан олиш керак, шўро даврида бизда ҳам айни шу йўналишда «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон», «Синчалак», «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка» каби етук драма, роман, қисса ва шеърини асарлар майдонга келган. Энг катта фожиа шундаки, тоталитар режимнинг тоталитар адабий сиёсати туфайли ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Демак, айб адабий оқим — методда эмас, муайян методни давлат мақомига айлантирган, шу тариқа уни бадном этган адабий сиёсатда!

Мустақиллик йиллари озод мамлакат фуқаролари, айниқса, ижодкор зиёлилар эришган энг улугъ неъмат шуки, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги Конституциямизда қонун йўли билан кафолатланди, унда ижтимоий ҳаёт «мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади», «ҳеч қайси мафқура

давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб ёзиб қўйилган. Бинобарин, адабиёт ва санъатда хилма-хил оқимлар учун қонуний шароит яратилди. Мана шу имконият самараси ўлароқ, кейинги йилларда бизда модерн адабиёт деб аталган ҳодиса қад ростлади, насрда ҳам, назмда ҳам унинг истеъдодли намояндалари етишиб чиқди. Бу ноанъанавий, нореалистик тамойилга мансуб кўплаб ҳикоя, қисса, дoston, романлар пайдо бўлди. Улар теварагида қизғин баҳслар кетяпти. Ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай, бу баҳсларга гоҳо аралашшишга мажбур бўлаётирман. Гап шундаки, бир қатор ҳамкасбларимиз Овропада пайдо бўлган модерн ҳодисаси бизга, бизнинг менталитетимизга мутлақо ёт, дея унга кескин қарши чиқаётирлар, модерн йўлда ижод этаётган адиблар, уларни ҳимоя қилаётган мунаққидлар шаънига қўпол, ҳақоратомуз таъна-дашномлар ёғдираётирлар. Фанда аллақачон модернизм жаҳон замонавий адабиёти ва санъатининг етакчи услуби деб тан олинган, бу услуб кириб бормаган мамлакат деярли қолмаган, қолаверса, юртимизда ҳозир бутун жамиятни модернизациялаштириш жараёни кетаётган, бу жараён миллий адабиётимизда аллақачон анъана тусини олиб улгурган бир шароитда шу хил даъволар айтилаётгани кишида таажжуб уйғотади. Албатта, ҳар қандай янги адабий ҳодиса силиққина юзага келмайди. Биздаги модерн ҳодисаси ривожи ҳам кўп зиддиятлар, қийинчиликлар ичида кечяпти, унинг ютуқлари билан баробар ожиз жиҳатлари ҳам бисёр. Ожиз жиҳатларинигина рўқач қилиб ютуқларидан мутлақо кўз юмиш, профессионал таҳлил ўрнига декларатив тарзда модерн адабиёт устидан айбловчи ҳукм-хулосалар чиқариш, уни олабўжига айлантириш илмий одобдан эмас. Дунёнинг ишлари қизиқ: икки адабиётшунос ҳамкасбимиз «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2005 йил 3-сонида босилган суҳбатиде модерн шеърятни ёппасига қоралаб, жумладан, «Ўзбек модерн шеърятни» тўпламида «бирорта ҳам бадий жиҳатдан юксак асар йўқ» деб туришганида, айна ўша кезлари «Жаҳон адабиёти»нинг 6-сонида америкалик ёш адабиётшунос, таржимон Рейчл Харэл айна ўша тўпламга кирган шеърлардан инглиз тилига

Ўзи қилган таржималари тажрибаси хусусида ўзбек тилида гўзал бир мақола эълон қилиб, тўпلامдаги шеърларга юксак баҳо берди ва янги шеъриятга назокат ва билимдонлик билан ёндашиш намунасини кўрсатди. Бу ҳол шуни яна бир карра исбот этаётирки, бугунги кунда янги бадиий жараёнларни эскича қарашлар орқали англаш, эскирган мезонлар билан баҳолаш асло мумкин эмас. Сўз санъати — ўз номи билан санъат, нафосат олами! Нафосат олами эса дағалликни, қўполликни кўтармайди. Шоир айтмоқчи, ҳозир замоннинг, чархнинг авзои ўзгача, эндиликда дўқ-пўписалар, дағдалар билан илмий-ижодий изланишларнинг йўлини тўсиб бўлмайди. Аввало, ижодкорларнинг ўзлари — Назар Эшонқулнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»даги, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Моҳият»даги чиқишларида бунақа қўпол ҳамлаларга теран мушоҳада, далил ва таҳлиллар орқали одоб доирасида муносиб жавоблар берилди. Адабий танқид ҳам бу масалада четда туролмайди. Бинобарин, адабиётдаги янгилик, Қаҳҳор айтганидай, янги туғилган чақалоқдек ҳамиша ҳимояга, меҳрибон дояга муҳтож!

Камина шу кунгача босиб ўтган йўлнинг энг асосий сабоғи — шу!

*2006 йил март*

**МУНДАРИЖА**

Муҳаббатли одамнинг ҳайратлари . . . . . 3

**I. Янгиланиш зарурати**

Адабий жараёндаги ғаройиб робиталар . . . . . 20  
 Адабий таълимнинг янги даври . . . . . 31  
 Мутолаа сабоқлари . . . . . 41

**II. Ёрқин сиймолар**

Қодирий мўъжизаси . . . . . 54  
 Персонаж меъмори (Ойбек) . . . . . 66  
 Адиб ҳузурда 19 дақиқа . . . . . 72  
 XX аср куйчиси (*А. Мухтор*) . . . . . 82  
 Насрнинг мунаввар йўли (*О. Ёқубов*) . . . . . 101  
 Ярим аср порлаган маёқ (*О. Шарафиддинов*) . . . . . 115  
 Шеърятда сеҳр соҳиби (*Э. Воҳидов*) . . . . . 127  
 Қўшиқ қанотидаги туғёнлар (*И. Мирзо*) . . . . . 136

**III. Адабиётимиз дурдоналари**

«Шум бола»: мафқуравий-сиёсий тазйиқ шароитида руҳ  
 эркинлиги . . . . . 145  
 Янги бир анъананинг туғилиши . . . . . 154  
 Шоир табассуми (*Э. Воҳидов*) . . . . . 162  
 «Аёл»ни тушуниш . . . . . 173  
 Мафтункор ишқ муждалари («Бобурийнома») . . . . . 180  
 «Бир асар тарихи» сабоқлари: «Ёшлар билан суҳбат»,  
 «Тирик сатрлар», «Олтин зангламас» . . . . . 188

**IV. Адабий суҳбатлар**

Романнинг янги умри (*Д. Қуронов билан суҳбат*) . . . . . 204  
 Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи (*У. Ҳамдам билан суҳбат*) 234  
 Кўнгил кўйлари (*Ш. Сокин билан суҳбат*) . . . . . 278

**V. Устозлар ёди**

Устоз армони (*А Қаҳҳор*) . . . . . 289  
 Аллома ҳақида қатра хотиралар (*М. Шайхзода*) . . . . . 292  
 Адибнинг бахти (*Шухрат*) . . . . . 298  
 Бир ҳафталик сафар таассуротлари (*А. Мухтор*) . . . . . 308  
 «Қафасдаги шер» (*Л. Қаюмов*) . . . . . 312  
 Беназир сиймо эди (*Ш. Холмирзаев*) . . . . . 320  
 «Ой ва сариқ чақа» таржимаси ва таржимони ҳақида дил  
 сўзлари (*Р. Иноғомов*) . . . . . 323  
 Ўтилган йўлнинг баъзи сабоқлари (*Хотима ўрнида*) . . . . . 329

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

## ИЖОД СЕҲРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2007

Муҳаррир *А. Аҳмедов, А. Бойқўзиев*  
Бадний муҳаррир *Ф. Башарова*  
Рассом *Г. Шоабдурахимова*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Мусаҳҳиҳлар *Н. Урлова, А. Зокиров*

Теришга берилди 20.11.2006. Босишга рухсат этилди 24.04.2007.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
тобоғи 18,48. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 17,78. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 3384. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмаҳонаси,**  
**100083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**